





H. S.

1952

ГБ УзССР
4798

МУХТОР АВЕЗОВ

АБАЙ

РОМАН

КОЗОКЧАДАН
ЭУМРАД
ТАРЖИМАСИ


№ 11941
3 / 1

УзССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ

*СССР Министрлар Советининг қарорига биноан, Мухтор Умархон
ұғли Авеевовга «Абай» романы учун 1948 йилги биринчи даражада
Сталин мүкофоти берилганды.*



БИРИНЧИ
КИТОБ





ҚАЙТИШ

1

Уч кунлик йўлнинг букунги, сўнгги кунида ўқучи бола бор ғайрати блан жадаллади; Қўриқдан кун чиқиш олдида отланайлик деб, уни шаҳардан олиб келгали борган қариндоши Бойтосни ҳам тонг отар-отмас ўзи ўйғотди.

У, кун бўйи отдан тушмас, ҳамроҳларидан анча олдинда борар, ба'зан ўзига ма'lум Кўкуйрим, Буратиген, Тақибрелоқ сингари қўнис¹, қудуқларнинг рўпарасига келганда остидаги саман отининг бошини қўйганича ҳамроҳларидан ўзиб кетар эди.

Орқасидан келаётган Бойтос блан Жумабой:

— Бу боланинг овулга ошиқиб жон отишини қара!

— Қиши бўйи бола бечоранинг юраги хўп ҳам қон бўлганга ўхшайди,— дейишарди. Ўқучи бола ўзиб кетганда булар ҳам ноилож отларини йўртдириб унга етиб олишарди. Жумабой тақимига қора чўқмор қистирган, Бойтос ҳам оёғининг учига узун қайнин сўйил илиб

¹ Қўнис — қозоқлар октябрь инқилобига қадар фақат чорвачилик блан шуғуллангани учун ёзда яйловга, кузда кузсвга — экин далаларига яқин ерларга кўчарди. Шу ерлардаги туриладиган жойларнинг ҳаммаси қўнис дейилади.

олган. Тақирбулоқнинг рўпарасига келгандарида Бойтос болани тергаб:

— Энди биздан узоқлашиб кетма. Ана у Эсембой жарини биласан-ку... Пастқам жой, ўғрилар ётади...— деди.

— Сен блан бизни аллақачон кўрди десангчи! Ёлғиз юрадиган экан, қани бир уриб йиқитиб, отини олиб кел,— дейди-да, бошингга бир қўйиб, отингни олади кетади,— деди Жумабой ҳам.

— Ҳа, сизлар-чи, мени қароқчига олдириб қараб ўтирасизларми?

— Эҳа, бизнинг қўлимиздан нима келади? Икки киши бўлсак...

— Қароқчилар бутун бошлиқ бир лашкар. Бу Эсембойда мудом ёв ётади. Бизни ўз элизимзинг одами деб омон қолдирмаса, бу ер жуда ёмон,— деди Жумабой болани қўрқитмоқчи бўлиб.

Бу гап боланинг ғашига тегди.

— Бундан чиқдикни, сизлардан мадад йўқ экан-да, ундаи бўлса сизлар блан бирга юрдим нимаю, ёлғиз юрдим нима? Ана бўлмаса, кетдим!— деб яна отини чоптириб кетди. Шу топда улар Тақирбулоқдан ўтиб қолишган эди.

Бола, отини чоптирганича, ҳалиги хатарлик дейилган Эсембойга етгунча бирор марта орқасига қайрилиб ҳам қарамади, кўз илғар-илғамас бўлиб, йироқлаб кетди. Йўл паст-баланд, тепаликлар орасидан ўтар эди. Эл яйловга — Чингизга кўчиб кетганда бу ерлар хилват бўлиб қолади, қароқчи ҳарбир тепаликдан йўлни кузатиши, ҳарбир сойликдан йўловчига ҳужум қилиши мумкин эди.

Катталар икки кун аста-секин йўл босиб, боланинг тоқатини тоқ қилишган эди. Шунинг учун у, мана шу огулга етадиган куни катталарни тез юришга мажбур қиласидиган ҳийла топганига ич-ичидан хурсанд бўлиб, куи бўйи шундай қилишга аҳд қилди.

— Бола деган қўрқар эди, эй парвардигор, эси борми ўзи!— деди Бойтос нима қилишини билмай, бош чайқаб.

Жуда бўлмагандан кейин Жумабой:

— Отасининг ўзи-я!.. «Бўридан бўлган бўрибаччаман» деб қилаётган ишида бу! Қўй, ҳарқалай орқада қолмайлик энди, Бойтос, юр!— деди-да, отини чоптириб, бири бирини қува кетди.

Бойтоснинг тагида — Қунанбойнинг қора ёллик пой-

гачи оти — донгдор отларнинг биттаси эди. Жумабойнинг остидаги от ҳам Қунанбойнинг Наймонкўк дегав катта оқ оти эди. Иккови галма-гал ўзиб чопар экан, беихтиёр завққа берилиб кетиб: «мен ўзаман, мен ўзаман» блан қушдек учиб кетишарди. Бир довондан ошиб, тўхтамасдан, иккинчи довонга чиқишиди. Бола кўринмайди. Булар отни тўхтатмай чопаберишга қарор қилишиди. Шундай қилиб, довондан қуий тушиб бораётганларида, Жумабой орқасидан, ўнг томондан тасирлаб келаётган тўёқ товушини эшилди. Худди Эсембой довонида, яна худди Эсембой жарининг ўзида!

«Оҳ, фалокат! Болани тўнаб бўлиб, бизни кутиб турган экан-да!»—деди Жумабой ичидан ва зўр бераб отини қамчилаб қолди. Броқ кимнингдир:

— Юм, кўзингни юм!— деб қичқирганини эшилди. Жумабой орқасига қаради. У одам, ўзини танитмаслик учун, юз кўзини боғлаб олибди... Бу кундуз тўнаб кетадиган шу ердаги ўғриларнинг одати эди. Бойтос, дамини чиқармай, от қўйганича кетаберди. Демак, қўлга тушганда, энди Жумабой тушади.

Жумабой жон ҳалпида тақимида чўқморига ёпишиди, уни суғуриб, оларкан: «Мана ҳозир у ҳам чўқмор блан калламга солади» деган хаёлда юраги шигиллаб кетди.

Кувиб келаётган абжир қароқчи дарҳақиқат, Жумабой чўқморини чиқариб олмасданоқ, босиб келди-да, унинг бошидаги катта қора тумоғини кўзига бостириб юбориб, дарҳол чўқморига чанг солди. Жумабой гангиг тумоғини тузатиб кийгудек ҳам ҳоли қолмади. Олишининг ҳам, қочишга ҳам унинг мажоли йўқ эди. Қароқчи унинг шошиб қолганидан фойдаланиб, чўқморини тортиб олди.

Оқ от бирнарсага йўлиққандай тўхтаб қолди. Жумабой зўр-базўр эс-ҳушини йнишитириб, тумоғини тўғрилаб кийиб қараса, чўқморини тортиб олиб, отининг олдига отини кўндаланг қилиб турган киши — ҳалиги бола — ўзи айтмоқчи «Қунанбойнинг бўрибаччаси» Абай экан. У қотиб-қотиб кулар эди.

Жумабой боладан қўрққанига хижолат тортиб, койиб кетди.

— Ҳай болам, шу ерга — ўғрихонага, ўғрилар қайнаб турган ерга келганда бундай қилиқ қилиб бир балони бошламоқчимисан? — деди. Бойтос ҳам кула-кула қайтиб

келаётган эди. Абай катта одамнинг ўзидан шу қадар қўрқанига терисига сифмай суюнди. Жумабойнинг нега жаҳли чиқаётганини ҳам билиб туарар эди. Бола, қора тўри келган юзи қизариниб, хижолат ичидан ерга қараб қулимсираганича телпагининг ўнг томонини айлантира-бошлади. У чопони блан телпагининг тескарсини кийган, оғзи-бурнини қизил рўмол блан танғиб олган, Жумабойни қуввлаб келаётганида товушини танитмаслик учун, минғиллаб буйруқ берган эди. Бойтос қўрқса-қўрқ маса сир бой бермади. Жумабойнинг жаҳли чиққанини хила ердан пайқаб:

— Буни кўр, саман отнинг қашқасини ҳам ўзгартирибди-я! — деди.

Жумабой ҳам энди пайқади. Бола отнинг қашқасини созлоқнинг болчиғи блан яхшилаб шуваб қўйган экан. Жумабой ҳам унча-мунча одамлардан эмас — бирорга әрмак бўлгуси келмайди, шунинг учун ҳам бу воқиани кулгиликка олди-да:

— Оббо, отангга ўхшамай қолгурей! «Тўбуқтилар ўғри, тўбуқтилар ўғри» деб, Керей, Уок эллари зор қақшайди. Қарғадек боласидан тортиб, ўғриликнинг йўл-йўригини бунчалик билса зорилламай нима қилсин! — деб, ўзи ҳам кулабошлади.

Жумабой шаҳарга бу гал қандай иш блан борганини Абай аниқ билмасди. Лекин Бойтосга айтаётган бир сўзидан Қунанбойнинг бир топшириғи блан бориб келаётганилигини сезган эди. Абайнинг аввалдан пайқашига қараганда, Жумабой Қунанбойнинг олдида зўр обрўйга эга бўлган кишиларнинг биттаси. Бордию Абайдан хафа бўлса, ранжиса, бориши блан отасига чақади.

Абай шу томонини ўйлаб, кулгини йигиштириди-да, яна қаторлашиб бораётгандарига сипоҳлик блан:

— Йўл узоқ, мудроқ босмасин деб ҳазиллашган эдим, айбга буюрмайсиз Жума ака! — деди.

Жумабой боланинг юзига хурсанд бўлиб қараб қўйди, индамади. Бойтос Абайга ўртоқларча тегишиб:

— Дурустсан-ку, «айбга буюрмайсиз» эмниш! Сенинг бу гапинг менинг «кўчганда юк ортаман каттакон норга, қай юз блан қарайман Ўйкемга — ёрга» деган ўланимдан бўлди-ку! — деди.

Абай яхши тушунаолмади.

— Нима дедингиз, Бойтос оға, Ўйке ёр деб кимни айтаётсиз?

— Вой, Ўйке опангни билмайсанми? Қўй-е!
— Шуни айтинг... Нега билмай.

— Ўйке опант менинг хотиним бўлади-ку. Ўтган йил бутун ёзни така-салтанглик қилиб, элма-эл кезиб, хотин-қизлар, ўйин-кулги блан ўтказдим-ку. Охири уйга қайтадиган вақт келиб қолди. Хотинимга рўпара бўлгани юз йўқ. Кейин, жахлидан тушатурсин деб «қай юз блан қарайман Ўйкемга—ёрга...» деган ўлан тўқиб, ўзим овулга бормасдан бир-икки кун олдин ўртоқларимдан айтдириб юбордим. Шу ўлан масал бўлиб кетибди.

Абай ҳам, Жумабой ҳам унинг сўзларини мароқ блан тинглашди. Бир кекса, бир ёш бола кўп хушчақчақ, дил-каш, ўланга уста, ғоят гўзал Бойтоснинг юзига зўр қизиқиш блан тикилишди. Абайнинг кўз олдида Ўйке деган янгаси, Бойтоснинг ўтган йил ёз бўйи ўйин-кулги блан бўлиб, ўлан айтиб юрган ўртоқлари гавдаланди. Эшитаётган ҳикоясини зўр диққат блан энтикиб тинглайдиган бола, авваллари Бойтос блан ҳамсуҳбат, сирдош бўлиб кўрмаган бўлса ҳам, ҳалиги гапнинг охири қандай тамом бўлганини билишга қизиқиб қолган эди. Бойтоснинг тенгдошларча ҳазиллашаётганини кўриб:

— Хўш, шундай қилиб, Ўйке опага қай юз блан қарадингиз, Бойтос оға? — деб ёпишиб олди.

Бойтос мағрурлик блан кулиб:

— Қай юз блан қарапдим? Шўрлик хотин йироқдан ўлан блан сўралган узрни эшишиб эримайди дейсанми? Қелсам олдимдан ўзи чиқиб, отимни боғлади,— деди ва Жумабойга қараб кўзини қисиб қўйди.

Йўловчилар гап блан бўлиб Наймонкўкнинг йўрға қадами блан юришди.

Овулга етишга интизор бўлиб, юраги жўш уриб бораётган бола яна от қўйди.

— Ҳай бола, қўй дейман! Отни зўриқтирасан!

— Елғиз ўзинг узоқлаб кетиб, ёвга ем бўласан!

Лекин шаҳардан, диққинафас мадрасадан қутилиб, энди уйига — овулга шошаётган бола бу сўзларга қулоқ соладиган эмас эди.

Катталар қўрқкан Эсембой ҳам, ўғрилар ҳам Абайга қўрқинч кўринмасди. Ўғрилар бўлса улар ҳам шу элнинг ўзига ўхшаган қозоқлар-да. Фарқи кийимларининг жулдурлиги, эгар-жабдуқларининг эскилигигу, қўлларидағи сўйил-да. Абай бунаقا одамларни кўп кўрган, улар ҳақида қариялардан кўп ҳикоя эшигтан. Улардан қўр-

киш эмас, аксинча, бир дуч келиб, тунаётган чөларида күрсам деган орзуси ҳам бор эди.

«Қоровул чўққи», «Ўғри жар» дейилган бу жойларни Абай ўз овулидай яхши билади. Қунанбойнинг овуллари йилига икки мартаба кузда, кўкламда келиб, узоқ-узоқ вақт ўтириб, яйлаб кетадиган жой. Ана у кўриниб турган баландликнинг қатор-қатор жилғалари, у ернинг белга урадиган ўтлари, қўй яйлайдиган яйлоқлари — ҳаммаси Абайга шу қадар қадрдон, шу қадар кўзига иссиқ кўринадиган ерлар. У ўтган йилгина Бокрауда¹, қўй қирқилаётган пайтда, шаҳарга ўқишига кетаётганида худди шу ердан — Эсембайдан кетган эди. Уша вақтларда тенгдош ўртоқлари блан гоҳ тойга миниб, гоҳ пиёда чопиб, ошиқ ўйнаб юрган энг сўнгги Қўниси шу эди. Қиши бўйи овлуни, элни соғинганида унинг хаёлидан нари кетмайдиган сўнгги кунлари шу Эсембайда ўтган эди.

Энди «Бу ерда ўғри бор, ёмон ер, киши балога йўли-қадиган ер» деган гаплар унга кор қилмас эди. Унинг кўз олдида ёзиқсиз, сарғич адир, кўқимтири Кўнис, кумуш дек товланиб турган ўланник гўзал ўлка ётади. Абай атрофига, бутун оламга, айниқса мана бу ўзи туғилиб ўсан саҳрого, унинг довонларига шу қадар бир меҳр, аллангалик ҳис блан қарайди, юз тубан ётиб ўпгудай бўлади. Бу жойларнинг бир зайлда эсаётган салқин шабадаси қандай яхши! Шу шабададан денгиз юзида мавжланиб, қулл уриб турган турли-туман ўланлар блан қопланган далаларни дала эмас денгизлари қандай яхши! Бола шу манзарадан кўзини узалмай, унинг гўзаллигига тўяолмай, узоқ тикилди. Бу ерлардан қўрқиши, хатарли деб чўчиш эмас, иложи бўлса қучогини ёзиб борича қучғуси, силаб-сийраб: «Мен сени соғиндим, ўзгалар ёмон ер деса, мен ундай демайман, ҳатто бағринингга яширган ўғри-пўғриларинг блан ҳам ётсам, бегонасан, демайман» дегуси келар эди.

У, яна отини чоптирганича, қорасини кўрсатмай кетди. Уни тўхтатиб бўлмади.

— Орқада қолиб қачонгача, тўранинг кетидаги муло-зимдай лўкиллаб юрамиз. Бундан кўра кел, Жумака, биз ҳам отнинг бошини қўйиб берайлик,— деб Бойтос жий-

¹ Русларнинг покров сўзидан кирган бўлиб, биринчи қор тушини айтилади.

ран отнинг бошини қўйиб берди. Жумабой ҳам от чоптиришга мажбур бўлди.

Абай уларни кутиб турди-да, етиб келишгач уччовига униси, гоҳ буниси ўзиб, узоқ-узоқ от чопишди.

Шу блан эрталаб Қўриқдан чиққандан буён тўхтамасдан келаётган уч салт отлик отларини қора терга туширгани ҳолда кечқурун Қунанбойнинг Кўлқайнардаги овулуга, Абайнинг ўз онаси Улжоннинг овулуга кириб келишди.

Кўлқайнар суви тиниқ булоғи блан машҳур бўлгани блан катта қўнислардан эмас эди. Яйловга кўчиб, Чиниз тоғини ошмоқчи бўлиб келаётган эллардан уч-тўрт овул шу ерга қўнган эди.

Буларнинг ҳаммаси «Қунанбой овули» бўлиб, ўзининг юрти блан яқин қариндошларининг юртлари эди.

Ери чоққина булоқнинг атрофига қўнган овулларнинг уйлари ҳам, ери-кўкини тутиб ётган моли ҳам, одамлари ҳам шу кечки пайтда қий-чувга чўмган эди. Ерўчақдан ниқаётган тутунлар ҳам бир-бирига қўшилиб, туташиб, кўкимтири тумандай таралиб кетмоқда эди. Итларнинг хуриши, мол қайираётган подачиларнинг шовқини, қўй-қўзиларнинг ма'раши — ҳаммаси бир бўлиб Қўнисни бошига кўтарган эди. Кечки пайт сув ичкали келаётган йилқиларнинг кишнаши, тапур-тупури, кўтарган тўзони, ёки минишдан бўшаб, онда-сонда кишинаб, уюрини излаб чопаётган стларнинг товуши — ҳаммаси ҳам шу замда овуллардаги ҳаётни акс этдириб турар эди. Бу кўриниш — бола бор вужуди, жони-дили блан соғинган кўриниш. Ҳозир унинг юрагини арзиқтириб, шу қадар щодлантириб, ихтиёридан айираётган кўриниш ҳам шу. Йўловчилар булоққа яқин овулга қараб келишди.

Уртасида бешта катта оқ ўтов бўлган бу овул Абайнинг икки онаси — Улжон блан Ойғизнинг овули эди.

Бу овулнинг четидаги ўтовларни ёқалаб, кечки пайт ёйлоқда кун ботиш томонига қараб ёйилиб кетаётган қўйларни оралаб ўртадаги катта ўтовга қараб келаётган уч отликни бу овулдагилар дарҳол танишди. Айниқса, қўранинг ўртасида қўшоқлаб қўйилган қўйларни соғаётган хотинлар олдин кўришган экан. Этакларини белга қистириб, фартук тутиб олган хотинлар йўловчиларга қараб:

— Шаҳардан, шаҳардан келишаётир!

— Ана униси Абай, Абай-ку, ўзим ўргулай... Телқо-

ра-ку! Опамга айтайчи,— деб бир ёш жувон катта ўтовга қараб югурди.

Улжон соғинган боласини энтикиб кутар, Бойтос кетгандан бүён кунларни санаб ўтказар эди. Қирққа чиқиб анча ўзини қўйиб юборган оқ-сариқ келган бу хотин ҳалигиларнинг овозини эшишиб уйидан чиқаркан, тўрда ўтирган қайин онаси Зерени ҳам қўлтиқлаб олачиқди.

Кулоғи оғир бўлиб қолган кекса знанинг энг яхши кўрган набираси шу Абай эди. У набирасини бир нафас унутмас, доим дуоий жонини қилиб ўтиради.

Отлиқлар уйининг ёнига келгандарида катта ўтояблан кун чиқиш томонга тикилган меҳмонхона ўтовнини ўртасида қавм-қариндошлар бир гала бўлиб кутиб туришган эди. Боланинг оналаридан бошқа янгалари, қўшиллар, чол-кампирлар, уйлардан югуриб чиқиб келга болалар тўпланган ўтириди. Бу овулнинг катталари ҳангир-гунгир сўзлашиб, теваракдан чиқиб, ҳалиги тўпла ниб турганларнинг ёнига келишмоқда эди.

Тўдалашиб турганларнинг ёнига икки йўлдошида олдин келиб тушган Абайнинг отини дарҳол бирор етаклаб кетди. Бола кўпчиликнинг ичидаги маддадан олдин ўзи онасини кўрди-да, тўғри ўшанга қараб бораберди. Онаси нарироқда турганича:

— Болам, чирорим, нари ёғингда отанг турибди, аввал отангга салом бер! — деди.

Абай ялт этиб қараб, отасини эндигина кўрди. Отаси Қунанбой нарироқда меҳмонхонанинг ёнида учтўрт киши блан турган экан. Ўнгайсизланиб кетган бола онасининг шу қадар ўзини тутиб, сабр қилаётганини онгладида, отаси томонга уриб кетди. Бойтос блан Жумабой ҳашхила нарида отдан тушиб, отни етаклаб Қунанбойнинг олдига келишаётган эди. Лекин рангидан қони йўқ, барваста келган, мош-гурунч соқоллик Қунанбойнинг ягони кўзи уларда эмас. Овулнинг нариги томонидан учта тўртта отлиқ келаётган эди. Қидирдан чиққан йўловчиларга ўхшайди. Ҳаммаси ҳам кўркам, барваста одамлар Афтидан Қунанбой шуларни кутиб турган бўлса керак Негаким кўзи ўшаларда эди.

Бойтос блан Жумабой этиб келганида Абай отасининг олдига келиб қолган эди. Уччаласи келиб, барава салом беришди. Қунанбой қайрилиб қараб, саломларига

¹ Т е л — икки онани эмгани бола. Қора — бугдойранг.

алик олди-да, икки-уч оғизгина сұрашиб қүя қолди; турған жойида тураберди, боласини ёнига ҳам чақирмади. Сүнгра Абайга бир қараб қўйиб:

— Болам, бўйинг ўсиб, эр етиб қолибсан-ку! Мулла бўлдингми? Билиминг ҳам бўйингдек ўсдими? — деди. Бу кесатиқми, ё шубҳами, ё ҳақиқатда ҳол-аҳвол сўраганими?

Бола эсини танитанидан буён ют келган пайтда, ҳавонинг авзойига қараб иш тутадиган кекса чўбондек, отасининг қошқовоғига қараб муомила қилишга ўрганган. Отаси ҳам боласининг шундай зийраклигини назарда тутиб, ўзга болаларидан ортиқроқ кўрар эди. Отасининг уялиб, жавоб бермай турған одамни ёқтирмаслигини яхши биладиган Абай шошилмасдан, ўзини дадил тутиб:

— Шукур, ота,— деди ва бироз жим тургач илова қилди,— от боргандан кейин, дарс тамом бўлмаган бўлса ҳам, ҳазратнинг фотиҳаларини олиб келдим,— деди.

Отасининг ёнида турганлар Мойбосар блан унинг чопари экан. Мойбосар Қунаңбойнинг тўртта кичик оналарининг биридан туғилган иниси. Уни Қунаңбой ўзи оға— Султон бўлгандан кейин, шу Тўбуқти волостига старшина қилиб тайинлаган эди.

Абайнинг жавоби Мойбосарга ма'қул тушиб:

— Ўзи дуппа-дуруст катта кишилардай бўлиб қолибди! — деб сўз бошлаган эди, Қунаңбой унинг сўзини бўлиб, Абайга:

— Бор болам, оналарингнинг ёнига бор, кўриш,— деди.

Абай ҳам шунга маҳтал эди. У, ўзаро пицирлашиб, унинг бутун ҳаракатини кузатиб турған оналарига томон юзланганида яна ўз ёшига яраша қувноқ бола ҳолига кирди. Жумабой бугун Абай уни қандай қилиб қўрқитганини ҳикоя қилабошлади. Бола шошиб ўз онасининг олдига яқинлаб қолганида, Жумабойнинг хотини Қалика деган бир янгаси:

— Телқора! Ўзим айналай! Телқора! Қаттакон азamat йигит бўлиб қолибсан-ку! — деб келиб, бўйнидан қулоқлаб, юзидан ўпди. Яна бир янгаси — Изиқуттининг хотини Туғжон ҳам ўпиб кўришди. Ундан кейин ўша ердаги кекса хотинлар, яна шу тўпда турған катта кишилар — оғалардан ҳам бирнечтаси ўпиб кўришди. Абай улар учун ҳали ҳам ёш бола эди. У, ўнғайсизланиб қийналгани блан қочиб қутилишининг иложи йўқ, хурсанд

бўлишини ҳам, қаршилик қилишини ҳам билмас эди. Бирнече кекса хотинларнинг кўзларида ёш ҳам кўринди.

Абай, ноилож, ҳамма катталарнинг қучоғига бир-бир кириб чиқди-да, сўнг уларнинг ичидан сурғилиб, онасига қараб юрди. Абайнинг ўз онаси блан ўгай онаси гўзал Ойғиз ёнма-ён туришган эди.

Бола ҳалиги тўпдан чиқиши блан Ойғиз кулиб:

— Мана энди, ҳархил исқирт хотинлар сўлагини суркай бериб, боламизнинг юзида ўпгудек жой ҳам қолмади! — деб таннозланиб келиб Абайнинг кўзидан ўпди.

Онаси гал ўзига келганда ўпмади: қаттиқ қучоқлаб, багрига босганича, соchlарини ҳидлади. Абайнинг отасида бўлган вазминлик, совуқ қонлик онасиға ҳам анча ўтган эди. Бола буни билгани учун бундан ортиғини кутмас ҳам эди. Лекин бағрига босишининг ўзида Абайнинг юраги ўзгача бир шиддат блан уриб она меҳрини ҳисқилди. Она қучоғи!.. Улжон уни ортиқча тутиб турмади.

— Бор, ана, энанг блан кўриш,— деди Улжон катта ўй томонга йўллаб.

Кекса энаси Зере хассасига суюниб койимоқда эди:

— Ҳа, ярамас, олдин мен блан кўришмай отангга қараб кетдинг-а,— деди ва набираси ёнига келиб, қучоғига кирган ҳамоно оғзидан — кўзимнинг нури, қоракўзим... Абай жоним...— деган гаплар ёғилиб, ўзини тутолмай йиглаб юборди.

Энасини қучоқлаганича катта уйга кирган Абай қонғи тушгунча шу уйда бўлди. Оналари бунга дам қимиз, дам яхна гўшт, дам чой тиқнитираётгани блан боланинг овқатга қарагуси ҳам келмас эди. Бола дуруст овқат емади, кун бўйи оч келганини ҳам унугиб юборган эди.

Дастурхон устида овқат еб ўтириб, сўзлашиб, тобора ечилиб бораётган оналари, янгалари қайта-қайта:

— Элни соғиндингми, кимни соғиндинг?

— Мулла бўлдингми?

— Уқишни тамом қилдингми?— деган саволларни ёғдиришар эди. Абай бошқа саволларга дурустроқ жавоб бермас, фақатгина кимни соғиндинг деганларида:

— Успон қани? Қаёқда юрнти?— деб ўзининг иниси бевош Успонни бирнече мартаба сўради.

Улжон аввало унинг бу саволларига аҳамият бермади-да, кейин, яна бир сўраганида:

— Ҳа, юргандир, бевош. Бугун асти тинчтмагани-

дан кейин әнанг блан иккаламис уйдан ҳайдаб чиқардик,— деб әнаси томонга имлади.

Әнаси ўзигә алоқадор бир гап бўлаётганини пайқаб:

— Нима деялти? Нима деяпсизлар, эшитмадим,— деб ган эди Абай әнасининг қулогига бориб, қичқириб, Ўспон ҳақида сўзлашаётгандарини англатди ва:

— Энажон, ўтган йил бундай әмас эдингиз-ку... Қулогингизга нима бўлди, нега эшитмайсиз?— деди. Қўпчиликнинг ичидаги ўтиргани блан ночор ёлғиз бўлиб, четга чиқиб қолган әнасига ачинди, уни қучоқлаб ёнига ёнбошлади.

Әнаси буни онгладида, ғамгин тортиб:

— Оҳ болам, әнангда бир ҳовуч суюқдан бошқа нима қолди дейсан,— деб мудом кўнглида ётадиган маш'ум кексаликнинг дардидан шикоят қила бошлади. Боласи, юраги эзилиб:

— Тузалармикин? Даволатсак қандай бўларкин?— деди.

Ўтиргандар ҳам, әнаси ҳам фақат кулиб қўяқолиши.

Кекса эна кулимсираб ўтириб, боланинг кўнгли синмасин дегандай қилиб:

— Дам солиб қўйса, ба'зан очилиб қолади. Дам сошлиш ёқади,— деди.

— Дам солиши десангиз, мана ўғлингиз мулла бўлиб келди-ку, дам солиб қўйсик энди,— деди Ойғиз кулиб.

Үйдагиларнинг ҳаммаси, айниқса янгалари ҳақиқатда ҳам Абайнинг қўлидан бир иш келадигандай шўрлик кампирининг ҳеч бўлмаса кўнгли кўтарилиб қолар!..— деб унга ишонч билдириши.

Абай дам солиши, эзиб ички ёзиш, қасида ўқиш ҳар-бир мулланинг қиласиган иши эканлигини билар эди. Унга жирканч кўринадиган бахши-қушночлардан фарқи бўлмаган муллалар оз әмас. Абай шуларни ўйлаб, ўзининг ноқулай ахволга тушиб қолганидан кулаётгандай, бироз кулимсираб ўтириди-да, тўсатдан әнасининг бошини қучоқлаб олиб, пичирлаганича ўқий бошлади:

Юзи равшан, кўзи гавҳар,
Яноқлар ла'лию аҳмар.
Томоги қорданам беҳтар,
Қошин қудрат қўли чизмиш.

Қўпчилик ҳечнарса тушунмади, ҳамма чиндан ҳам дуо ўқиётитпи деб ўйлар эди. Абай қироат қилиб давом этди:

Мабодо бўлса дуч бир кез,
Тамошо қилса юзма-юз...
Кетиб қувват, юмулгай кўз,
Нечун титроқ тушар, не иш!

деб кўзини юмди-да, энасининг қулоғини очиб «Суф» деб қўйди. Бу унинг шу йил Навоий, Фузулийларни ўқиб юрган чогида ёзган ўз ше'ри эди. Ўтирганлар ҳали ҳам нима эканлигига тушунолмай, гангид ўтиришарди. Шубҳа қилучилардан кўра, дуо ўқиётир деб ишонучилар кўп эди. Бола бу кайфиятни фаҳмлаб, улардан кулаётгандай, жим турди-да, ниҳоят тўғрисини билдиromoқчи бўлди. У товушини барала қўйиб юбориб, яна кўзини юмид, қовоғини солиб, қур'он тушираётган муллалардек, дам орқасига, дам олдига кетиб:

Учади бўзтўрғайлар елпий ҳаво,
Қадам ташлаб борасан қандай расо,
Кекса бувим эшитмас, ҳам ишонар,
Улан тўқиб, берайин унга шифо.

деб яна «Суфф» деб қўйди. Энди ўтирганлар сезиб қолиб, дув кулиб юборишди. Кейинги ўланни ўқиётгандан, энаси ҳам тушуниб қолган эди. У хурсанд бўлиб, аста култанича, боласини эркалатиб орқасига қоқди-да, пешана-сига юзини босди.

Абай ўзини сипо тутиб, уйдагиларга кулимсираб қаради ва энасига ёпишиб:

— Қалай, қулоғингиз очилдими? — деди.
— Ҳа, яхши бўлиб қолди. Үмринг узоқ бўлсин, болам!

Уйдагилар боланинг бу ишига бир кулиб, бир ҳайрон бўлишиб, хурсанд бўлишди. Қора бола кўпчилик тикилиб турганидан, энди ўнғайсизланиб қизаринди, лекин кўзла-рида ажиб бир аланга, ўзга болаларда бўлмаган бир ўт борга ўхшарди.

Улжон вазмин бўлиши блан бирга, ҳарнарсани син-чиклаб қарайдиган зийрак она эди. Боласининг ҳалиги ишига бироз ўйланиб қолди. Бу йил боласи катта бўлиб, анча ўзини қўйиб юборибди. Афтидан хила эс-ҳушини ҳам йиғиб олган кўринади. Улжон боя кулмаган эди, разм солиб ўтириб, энди астатина кулиб қўйди-да:

— Болам, шаҳардан мулла бўлиб келдинг десам, тоғантта ўхшаб келибсан-ку, — деди.

Ҳамма бу гапнинг тагига тушунди. Боланинг бундай бўлишининг сири очилгандай ҳамма яна кулиб юборди.

— Ҳа, тўғри, Шаншарнинг авлоди эмасми?

— Худди ўзи-я!

— Тўнтеканинг жияниман деб турибди-ку ўзи ҳам!— деб, Абайнинг тоғаларини хотирлашди ва Тўнтеканинг: «Тузалаберив, тузалаберив, домла имомлардан ҳам уятга қолдим. Энди ўлмасам бўлмайди — домлалар худойи ейишсин» деган гапларини ҳам эслашди.

— Опа, бахши — қушноч бўлиб, элтери,¹ сангсанг² йиғиб юрадиган мулло бўлганимдан кўра, Тўнтекага ўхшаганим яхши эмасми? — деди Абай онасининг оғзидаи ҳалиги гап чиқиши блан.

— Дуруст, энди катта бўлиб қолибсан, болам.— деди онаси.

Худди шу пайт, кечқурун Қунанбойнинг ёнида турган Мойбосарнинг чопори серсоқол Қамисбой кириб келди ва:

— Абай, чироғим, сени отанг чақираётир,— деди.

Үтирганларнинг ҳам, Абайнинг ҳам дами ичига тушиб кетди. Абай боядан буён гўдакларча яйраб, ўйнаб-кулишини қўйиб, уёқ-буёғини тузатди-да, индамасдан уйдан чиқиб, отаси ўтирган уйга қараб кетди.

Меҳмонхона оналарининг уйига ўхшамасди. Ҳатто сиртқи кўриниши ҳам қандайдир совуқ, бефайз. Абай эшикдан кириши блан товушини барала қўйиб, катталарга салом берди. Улар ҳам бунинг саломига баланд овоз блан алик олишди. Одам унча кўп эмас эди. Қунанбой, Мойбосар, Жумабойдан бошқа Тўбуқтининг шу атрофдаги улуғлари: Бойсол, Бўжей, Қоратой, Суюндиклар, яна буларнинг ёнида бирга келган ёш ҳамроҳлари, Бойсолнинг жияни — ёши Абайдан катта бўлса ҳам, унинг блан қалин ўртоқ бўлган ўшгина йигит Жиренше ҳам бор эди.

Кечқурун отаси кутиб турган одамлар шулар экан. Абай ўшлигидан бирнарсани фаҳмлаб юрар эди: отасининг шулар сингари одамлар, айниқса мана шу тўрттабешта одам блан сухбат қилиши эл ичидан бўладиган бир катта ишнинг, ўзгача бир ишнинг аломати бўлар эди.

¹ Элтери — қорақўл бўлиб етишмаган тақир тери.

² Сангсанг — юнги ҳирқимаган қўзининг териси.

Отаси буларни аввалги одати бўйича атайнин айтдириб юборган кўринади.

Авваллари Абай буларнинг сухбатида бўлган эмас, уни отаси бугун жўрттага чақиртирган эди. Абай отам ўзимга бирон нарса демоқчи деб ҳам ўйлаган эди, лекин бундай гап йўққа ўхшади.

Абай келиб ўтириши блан ҳалиги катталар ундан шаҳар аҳволларини, ўқишгини, соғлигини сўрашди. Шу ердаги катталарнинг ичидаги Абайга зўр э'тибор берадиган одам сўзамол, очиқ чеҳралик Қоратой эди. У Абайга қараб ўтириб, Қунанбойнинг бошқа болаларини ҳам эсига олиб:

— Шу, ҳалиги Исҳоқ кўп уддабура-да! Эпчил, пишиқ, жуда зийрак бола! — деди.

— Қайсини айтиётисиз, Кункенинг қўлидагисиними? — деб сўраб олиб Бўжей ҳам:

— Тўғри, қўлидан ҳар иш келадиган, уддабура! — деди.

— Ҳа, дарҳақиқат жуда ўтлик! — деб Бойсол ҳам тасдиқлади. Бу гапларнинг ҳаммаси Қунанбойга яхши кўриниш учун қилинаётган хушомад эди.

Индамасдан қовогини солиб, чиройини очмай ўтирган Қунанбой бу гапларга аҳамият бермади, аксинча, ёқтирамагандай қайрилиб Абайга қаради-да:

— Бирон нарса кутадиган бўлсаларинг шу қорадан кутсаларингчи! — деди.

Қунанбой бу боласини нима учун бу ерга чақиртирганини, яна нима учун буларга шундай деб айтиётганини бошқалардан кўра Қоратой олдинроқ фаҳмлади. У, одатдагидек, дарҳол у томонга оғиб, Қунанбойнинг юзини қилиб, Абай ҳақида сўзлай бошлади, Бўжей блан Бойсолга қараб:

— Сизлар буни суннат тўйида нима деганини эшитган эдингизми? — деб кулиб қўйди. Абай болалигига ўзидан ўтган хатоликни булар олдида сўзламоқчи бўлаётган Қоратоидан норози эди. Уялиб, ўнғайсизлана бошлади. Лекин уни сўздан тўхтатиш одобдан эмас. Шунинг учун, бу сўз ўзи тўғрисида эмасдай, парво қилмай ўтираберди.

Қоратой кула-кула сўзлади:

— Суннат қилинаётганда жони оғиб, йиғлаб: «Эй худо, нега мени қиз қилиб яратмадинг!..» дебди. Унга онаси: «Тентак болам, қиз бўлсанг бола туғмас эдингми,

ўшандан ҳам қийин бўлибдими?» деса, бу «Вой, униси ҳам бормиди» деб дарров йифини тўхтатиб, жим туриб бериди. Катталар кулиб юборишиди.

Қунанбой, бу гапларни эшитмайтгандек, пинагини бузмай ўтираберди. У блан Бойсолнинг қош-қовоғига қарангда бунақа гаплар узоққа чўзилмайдигандек кўринди. Абайга ҳам ма'қули шу эди, негаким, уни катта кишидек қилиб чақиртириб, энди аҳмоқ бола қилиб, ундан кулишларини истамас эди.

Шу топда эшикдан Ўспон кириб келди. Абайнинг кичик иниси, овулга келганидан бўён бирнече марта сўраган бўлса ҳам, кўраолмаган тентак — шўх иниси шу.

У салом беришини унутмади, лекин отасига ҳам, бошқаларга ҳам қарамасдан, тўғри келиб Абайнин қучоқлаб олди. Ўзининг ҳам энг яхши кўрадиган акаси Абай эди. Икковининг орасида беш-олти ёш фарқ бор. Шунинг учун ҳозир Абай унга акаларча қарапди. Ўспон келаётганида бу ҳам қучогини ёзди, юзидан ўпди. Катталар буларнинг энди кўришганларини пайқаб, бу ишларини ма'зур кўришиди. Лекин шу ондаёқ Ўспон тентаклигини билдириб, обрўйидан айрилабошлади. У «Қаёқда эдинг» деб аста сўраган Абайга осилиб, бўйнидан қучоқлаб ўзига томон тортди-да, бир нарса деб қулоғига шивирлади; бир ярамас ҳақорат гап айтган эди; нариги уйда ўтирган акаси Такежондан ўрганиб келган экан. Соғинган акасига унинг биринчи айттан сўзи шу бўлди. Абай даҳшат ичидан чекинниб:

— Эя, нима деяпсан? — деган эди, Ўспон иргиб бўйнига осилди-да:

— Айтма! Айтма дейман унга! Унга айтма!.. — деб отаси томонга ишора қилди-да, Абайнин оғиз очгали қўймай чалқанча йиқитиб юборди.

Абай бир ёқдан ноилож кулиб, иккинчидан ўнғайсизланиб, ўрнидан туришга уринди. Лекин қўллари бақувват, бола — Ўспон уни ўрнидан тургани қўймай, босиб олди, яна бунинг устига, лунжига солиб юрган шилимшиқ бир нарсави Абайнинг ёқасидан ичига ташлаб юборди. Абай сесканиб, эти жимиirlашганича, ўрнидан туришга уринмоқда эди. Катта кишилардек сипотарчилик сақлаб ўтирган ўқути болани иниси бирпасда ўзи блан олиштириб, ёш болага ўхшаб тўполон қилишга мажбур қилди.

Ўспон унинг сесканишидан ҳузур қилиб, отаси борлигини ҳам унутиб, шарақлаб кулабошлади:

— Бақа! Бақа солиб юбордим ичига,— деб Абайни аввалгидан ҳам баттарроқ сескантирди.

Қунанбой орқа томонида ўтирган болаларининг нима қилаётганини пайқамаган, ўзлари жим бўлишар деб ўйлаган эди. Лекин тентак Үспон, одати бўйича, қутириб, ҳаддидан ошабошлиганидан кейин, жаҳли чиқиб, ялт этиб орқасига қаради. Қарасаки, Алномишдек барваста, шўх ўғли Абайнинг устига миниб олиб, турғизмаётир.

Қунанбой ўзининг олдида бўлаётган бу бебошликни кўриб ғоят ғазабланди, чап қўли блан Үспонни ўзиға томон тортиб олдида, қулоқ чаккасига тортиб-тортиб юборди. Үспон, икки юзи қипқизил бўлиб, ўт сочиб турган катта-катта кўзлари блан отасининг юзига тикилганича, безрайиб туриб олди. Уришидан на ҳайиқдию, на писанд қилди. Буни кўриб турган Суюндиқ пичирлаб Бойсолга:

— Е, пиrim, балою қазога ўхшайди-я! — деди.

— Куж¹ десангчи, бунданми, бундан кўп гап чиқади! — деб қўйди Бойсол ҳам.

Қунанбой зарда блан қичқириб чопарига:

— Олиб кет, йўқот аплаҳни! — деди ва Үспонни эшикка томон қаратиб туриб, итариб юборди. Бола суриниб муккасидан тушаётганда чопар ушлаб қолди.

Бусиз ҳам Қунанбой, айтадиган сўзини бошламасдан, бўғилиб, қовоини солиб ўтирган эди. Бу иш яна ҳам кайфини бузиб қовоғ думоғини осилтириб юборгандай бўлди. Ўтирганлар хийла вақтгача жим қолиб, уйни сукунат босди.

Шундай қилиб Қунанбой яна бироз хўмрайиб ўтирганидан кейин кўпчилик яна сал-пал қимиirlайбошлигандай ёрилиб, кўнглидаги гапни айтабошлади.

2

Меҳмонхонада ғилдирак хон тахта устида тош шам'-донга ўрнатилган шам' қизғиҷ шу'ла сочиб турар эди. Үтовининг остидан ўқтин-ўқтин эсган шабадада шам' гоҳ липиллаб ўчаёзиб, гоҳ лопиллаб аллангаланиб ёнар эди. Абайга бир ёни блан ўтирган отасининг катта юзи бир томондангина кўринар эди.

Қунанбойнинг авзойи бузуқ, қора сариқ юзидаги туклари ҳурпайган. У йўғон, салмоқлик товуш блан койиб,

¹ Куж — афсонавий паҳлавои.

ғазабланиб сўзламоқда; ба'зан, гапининг орасида, Абайга ажиб туйиладиган мақоллар — матолларни ишлатади...

Абай отасининг гапларининг тагида қандай гап борлигини, туб ма'носини тушунолмасдан, ба'зан мақолларнигина онглаб, шуларга ўзича ма'но бериб ўтиради. Шу ерда ўтирган катталарнинг шундай масалалардаги одатни қилиб отаси ҳам гапни киноя блан, пардага чулғаб сўзларди. Абай кўпинча бир сўз блан иккинчи сўзни ёлғаштириб бир ма'но чиқаришга улгуролмай, янгишиб кетарди. У, ўзига қолса, ҳозир оналарининг ўша кўнгиллик уйига кириб кетар эди, лекин отаси чақиртирган, ташлаб кетиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Абай отасининг сўзларига тушунмаса ҳам, юзаки қулоқ солиб ўтирап, ба'зидир янги эшитган қийин гапларини хотирида қолдиришга тиришар эди. Отаси кимгадир тишини қайраб, кимнидир таҳдид қилиб сўзлаёттир. Ўнинг сўзлари гойда Абайга катта бир ҳужумга ёпирилиб келаётган лашкарга, тўполон блан келаётган аломонга ўхшаб кетар эди.

Эртак, ўлан айтаётган ёки сўзлаётган одамга мароқ блан тикилиш — Абайнинг болалик чоғидан буён бўлган одатларининг бири. Одамларнинг чехраси унга доим ажойиб, қизиқ бир расмга ўхшаб кўринар эди. Айниқса кексаларнинг ажин босиб кетган юзи унга ажиб бир ҳикоя эди. У бирхил одамларнинг чуқур-чуқур қинғир-қийшиқ ажинида, осилиб тушган лунжида, тақирланиб кетган пешанасида ёки ўнгган кўзларида, турли-туман соқол мўйлабларида неча турли, жонлик-жонсиз ҳаёт аломатларини кўраётгандай бўлар эди. Ба'зан одамларнинг симоси унга сийраккина тўқайзорга, кўмкўк майса ўсган ерга ўхшарди. Ба'зан одамларнинг юзи унга йиртқич ҳайвон юзига ҳам ўхшаб кўринар эди. Ҳаммасига ҳам ўхшаб кетадиган симолар бўлар эди.

Отюзлик келган отасининг чўзинчоқ боши ғознинг тухумига ўхшайди. Усиз ҳам катта, чўзинчоқ юзини қуршаб турган узун соқоли қўшилганда боши блан юзининг ўзи бутун бошлиқ бир ўлкага ўхшайди. Шу пайтларда Қунанбойнинг ягона соғ кўзи ўша ўлканнинг чап томонидаги ўрмон блан қопланган тепаликда туриб олиб, шу ўлканни кўздан кечириб турган соқчига ўхшайди. Соқчи бўлганда ҳам ҳормай-толмай кузатадиган, сергак, беомон соқчи. Бу ягона кўз, косасидан хиёл иргиб чиққан,

Ўқдек қадалиб, ғазаб блан қарайди, камдан-кам киприк қоқади. Елкасига бўта пўстинини ташлаб, чалқасидан кетиброқ ўтирган Қунанбой ҳаркимга бир қараб сўзламай қаршисида ўтирган Суюндиқкагина қараб сўзлаётир.

Суюндиқнинг сочи блан соқол-мўйлаби мош-гурунч бўлиб баравар оқарган. У онда-сондагина Қунанбойга бир қараб қўймаса тикилиб қарайолмайди, ҳа деса ерга боқаберади. Абайга унинг юзи кўп учрайдиган, оддий юзлардан кўринарди. Бўжей ҳам оддий. Оқ сариқдан келган, қўнғир соқоллик, бурни катта Бўжей шу ўтирганларнинг ҳаммасидан чиройлик, ажини ҳам унча кўп эмас. Лекин ундаги Абайнинг диққатини кўпроқ жалб этадиган нарса унинг кичик-кичик тилиб қўйилгандек кўзлари эди.

Қунанбой узоқ сўзлаётган пайтда Бўжей тек ўтири, ерга қараган бўйича бирон марта бошини ҳам кўтармади. Шунинг учун ҳам ухлаётирими ё-хаёл сураётирими — билб бўлмас эди. Қалин, осилиб тушган қовоғи унинг кичкина кўзларини кўрсатмай, яшириб туради.

Буларнинг ичida Қунанбойнинг юзига тик қараб ўтирган киши тўрда ўтирган Бойсол. У, икки юзи қипқизил, қўнғир соқоллик, барваста келган, савлатлик одам; катта-катта мовий кўзлари сокин, сир тутабиладиган.

Булардан бошқа, шу хўмрайиб ўтирган катталарнинг ичida энг жонлиси, энг эпчили, маҳмадонаси Қоратой блан Абайнинг ёнида ўтирган Мойбосар эди.

Бу бир тўп казо-казолар ичida бу четда, отасидан пастроқда ўтириб тикилганича қулоқ солаётган Абай бўлса, худди шу сингари борлиги блан берилиб тинглаётганларнинг биттаси у четдаги Жиренше деган ёш йигит.

Жиренше Котибақ қабиласидан, Бойсолнинг яқин қариндоши Шуқаннинг ўғли, Бойсол уни доим бирга олиб юради. Йигити ҳам шу, мажлис кўриб, гап сўз ўрганиб одам бўлар деб умид боғлаган ёши ҳам шу. У ҳикоя айтишга тушиб кетганда ҳикоя қайнаб чиқар эди. У ҳикоя айтиганда ҳам жонлантириб, бўрттириб айтар эди. Бунинг устига асқияга ҳам чакки эмас эди. Бу йигит ба'зи ба'зида Абайни эркалатиб ҳам қўяр эди. Шу ўтирганларнинг ичida Абайнинг ғоят дидига ўтиришадиган, холий ўтириб суҳбатлашишни истайдиган одами ҳам шу эди.

Лекин у чинданми, ё катталарнинг кўзичами, ҳарқа-

лай Қунанбойнинг сўзидан бошқа борликни унугиб юбор-гандай ўтирас, Абайни ҳам бир чеккага қўятургандай кўринар эди.

Жиренше бир қошини чимириб, қимирлаб қўйди. Абай эндигина пайқади: отаси сўзини тамом қилаётир экан:

— Қўдар шумнинг қилиғи бегона элларнинг олдида менинг юзимни ерга қаратган бўлса, бу ерда ўз элимизга келганда шу ўтирган ҳаммамизнинг юзимизни ерга қаратади. Мана шу ўтирганларни ерга қаратади! — деб бироз жим қолди-да, Суюндикка қараб турган ягона кўзини олиб, тўрда ўтирган Бойсолга тикилди; ундан кейин ўзининг ўнг томонида ўтирган Бўжейга қаради.

Бўжей блан Бойсолдан садо чиқмади. Бошқалар Қунанбой сўзининг бутун оғирлиги ўзларига тушгандай типирчилаб, қимирлаб қолишиди.

— Шундай бўлгандан кейин, номус — ўлимдан кучли. Эл кўрмаган касофат ишга эл кўрмаган жазо керак! — деб Қунанбой ўз фикрини айтди. Чамаси Қунанбой тошметин бўлиб қотиб, қаҳрига олган кўринади.

Ўтирганлар бу кайфиятни англашди. Агар Қунанбой шу сингари бир қарорга келгудай бўлганда, ҳечқачон ўз қарорини ўзgartмаслигини, кечирмаслигини ҳамма яхши билар эди.

Энди икки йўл қолди: ё талашиб тортишиш, жанжаллашиб керак, ёки Бўжей блан Бойсол кўп ишлэтадиган бир тадбирни қўллаб, индамай бутун ишни Қунанбайнинг ўзига ҳавола қилиб кета бериш керак.

Ўзларига ортиқча алоқаси бўлмаган ишларда улар кўпинча шу сўнгги тадбирни қўллашар, иккови ҳам тайинлик жавоб бермай, индамай қўя қолишар эди.

Лекин Қунанбайнинг бу гапи индамасликка ҳам қўймас, индашга ҳам йўл бермас, ҳаммани саросимада қолдирган эди. Уйдагилар хийла вақтгача жим қолишиди.

Қўдарнинг кимлигини Абай билмас эди. Бу исм унинг кўз ўнгига аввало «Қўзи — кўрпеш — Баян» достонидаги Қўдарни гавдалантирди. «Шум» деганига қараганда, ўтган йил Бойкўкше оқин унинг оналарига қўйлаб берган ўша Қўдарга ўхшаб кетар эди. «Қўдар деб эҳтимол ўшанга ўхшаш бирон одамни атаётган бўлса» деб ўйлайди Абай.

Сукут сақлаб ўтирганларнинг ичидаги ҳаммадан олдин тилга келган яна ўша, сўзга қолганда устихони йўқ Қоратой бўлди;

— Мисли кўрилмаган иш эканлиги рост. Ўғил-қизнинг бошидан нарироқ, ўзи блан кетсин. Агар шу гап рост бўлганда, киши кофир қовмидаги кетадиган ишку ўзи,— деб кўнглидаги «Қўдарда ҳақиқатдан ҳам айб борми ё йўқми» деган шубҳасини, усталик блан гап айлантириб келиб, бир илож қилиб айтиб олди. Утирганларнинг ичидаги фақат Суюндиккагина Қўдарнинг қариндошлиги бор. Қунанбой боядан буён захрани сочаётганда шунинг учун ҳам ўшанга сочаётган эди. Буни ўтирганларнинг ҳаммаси билиб турган эди. Қунанбой Қўдарни аввало ўз қариндошлари «айбдор», «жавобгар» дейишларини истарди.

Бордию, Суюндик бўйин тўлғамасдан шу гапларни осонлик блан айтиб қўяқолса, эртага ҳамма айб бўйнига тушади. Қўдарнинг ўша Қунанбой айтган қадар айбдорлигига Суюндикнинг кўзи етмас эди. У Қоратойнинг ҳалиги гапидан фойдаланиб, айниқса унинг «рост бўлганда» деб бўштоброқ айтган сўзига маҳкам ёпишиб:

— Агар унинг шу қилмиши рост бўлса типпа-тиқ қўйиб бўғизлайлик. Лекин шу ишнинг ҳақиқатига етган бирор жон борми?— дейиши блан Қунанбой бир серпилиб, олдинга интилди-да, гапни илиб кетиб:

— Ҳой, Суюндик,— ғазаб блан сўзлайбошлади,— алвости ҳам бўш келганни босади. Ҳалқа ўз зарбини, ўз ҳукмини ўтказаолмайдиган, уни қўлига ололмайдиган бошлиқ бўлса иблис ҳам, жин ҳам елкага чиқмай нима қилсин? Майли, агар ўшани оқ десак, ҳалол десак жонимизни фидо қилайлик. Биратўла оқقا чиқарайлик-да, охиратда бутун гуноҳини бўйнимизга олайлик. Лекин менинг жоним иккита эмас. Сен жонингни берарсан, берасанми жонингни? — деб Суюндикка ёпишакетди.

Суюндик Қунанбойнинг боядан буён исканжага ола-ётганига энди жини отланиб:

— Нима, сабил қолган жоним борми мени! Фақат ҳақиқатини бил деяпман. Мана, жонимни ҳам олақол деб кафил бўлгани келди дейсанми?— деб қовоғини солиб олди. Бунинг қўлидан келган бутун қаршилиги шу бўлди; лов этиб кетгани блан, паст тушгандай бўлди. Қунанбой дарҳол буни сезиб, энди жўяси блан гапириб бўйсундиришнинг чорасига киришиди.

— Ҳақиқатига етмоқчи бўлсанг, ана у, Қўдарнинг қилмишини дув-дув гап қилиб, бутун ҳалқи — оламга ёйиб юборганларнинг гапини ҳақиқатига ет. Эл уёқда

турсын, кече күпчиликнинг ичидә шарт этиб бетимизга айтган бегоналарнинг гапини ҳақиқатига ет. Үшаларгача билибди. Бориб «ёлғон» деб ўшаларни ишонтириб, эл оғзига элак тутиб күрчи. Лекин бу иш қўлингдан келмайди. Шундай бўлгандан кейин ё азаматлик қилиб биратўла оқقا чиқар, ё бўлмаса, шу гапга ишон-да, жазола! Лекин, азизим, думижозлигинг бу ерда кетмайди. Иккиланиши ҳам бир чекага қўй!

Энди Суюндик ҳам нима дейишни билмай қолди. Бироздан кейин, боядан буён Қунанбойга сир бой бермай, пинагини бузмай ўтирган Бойсол:

— Агар қоралаб жазо берадиган бўлганда бериладиган жазо қандай бўлади? — деган эди, Қунанбой:

— Жазосини шариат билади, шариат нима буюрса ўша бўлади. Бундай қилмишга қозоқлардан қолган йўл ҳам, йўриқ ҳам йўқ. Бундай иш ҳам бўлган эмас, — деди.

Шу онгача ғазабланиб сўзлаётган Қунанбой шу ерга келганда изтироб чекаётгандай бир вазият олди, бу блан ўтирганларнинг қовирғасини қайиштиromoқчи бўлди.

Ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам нима дейишни билмай қолди. Гўё боши берк кўчага киргандай, от тумшуғи бориб бир деворга тақалгандай, ноҷорликда гангид қолишиди.

Бироз ўйланиб ўтиргач Бўжей ичидә: «Шариат ҳам уёқ-буёқни ўйлаб, ҳақиқатига этиб иш тутадигандир, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, кўринганга жиловини тутқазиб юбора қолмас» деб ўйлади.

Лекин бу фикрини айтса Қунацбой яна тутақиб кетиб, ёқасидан олади. Шунинг учун ҳам дамини чиқармай қўяқолди. Яна ўша гапдон Қоратой:

— Қани, шариат буюрганда бу Қўдарнинг қилмишига қандай жазо буюрар экан? — деди.

Қунанбой, боядан буён пастда ўтирган Жумабойни энди кўргандай, унга қайрилиб қаради-да, — мана бу Жумабой шаҳарга бориб, Аҳмад Ризо ҳазратларидан фатво олиб келди, жазоси дорга осиш экан, — деди.

— Дорга! — деди Қоратой кайфи учиб. Бўжей қўрқиб кетиб, бақрайганича Қунанбойга қаради. Қунанбойнинг башарасидан раҳм қилмаслиги очиқ кўриниб турарди. Бўжей:

— Шундан бошқа йўл қуриб кетибдими? Ит бўлса ҳам жигар эдику? — деган эди, Қунанбой заҳарханда қилиб:

— Уни жигар деганинг жигари эзилсин? Шариатни хор қиласми? Құдар әмас, пирим бұлғанда ҳам аямайман, йүлдан озмайман,— деди. Энди у бүй бермасдан арқонни узиб, борадиган ерига бориб олган эди. Бұжейтариғи уюшганича:

— Гунохи борлигига күзинг етса, ихтиёринг үзингда,— деди ю, күнглидаги гапини айтмай құяқолди. Бойсол оғиз очмаганича ўтираберди. У, Қунанбойнинг сүзини ма'кул күрмагани блан, Бұжейнинг ҳам ёнини олмади.

Суюндик бұлса, энди шу ердагиларнинг одатдаги йүлини тутиб:

— Эл ҳам үзингники, әлнинг ичидаги ёмонлар ҳам үзингники, қочганининг ҳам, қувганининг ҳам келадиган сдами үзингсан. Ҳар нима қылсанг текшириб, ҳақиқатига етиб қылсанг бас, уёғини үзинг бил,— деди. Үзи бир қарорға келаолмаганидан Бұжейнинг гапига қараб «шу бир нарсани билиб гапираётгандыр» деган хаёлга бордіда, шундай деб құяқолди.

Ниҳоят «текшириб, ҳақиқатига етиб, билганингни қыл» деган гапни ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам бир-бир айтиб ўтишди.

Лекин бу гаплар шунчаки айттылған гап эди. Булар боядан буён Қунанбой блан ўрталарыда, очиқ айттылмаса ҳам ичдан келишмовчилик пайдо бўлганини ҳис қилишарди.

Бұжейнинг билишича, Құдар масаласи Қунанбойнинг яна бир кор-жолни бошлайман деб қилаётган иши; афтидан, унча-мунча иш әмас, катта бир иш қылмоқчи. Бундан қандай иш чиқармоқчи экан? Нима қылмоқчи экан? Ҳарқалай энди бутун оғирлик Қунанбойнинг ўз гарданига тушадиган бўлди. Булар жон-дил блан ма'кул кўришмади, буни Қунанбой ҳам билди. Аслида-ку шу ўтирган одамлар бу тўғрида Қунанбой блан олишишга ҳам ҳақи бор бўлган одамлар-а!

Суюндик блан Бұжейларнинг бу ишга қараши шундай бўлғандан кейин Қунанбой ҳам, ўз мўлжалини назарда тутиб, ўзига ма'lум сабаблар блан күнглида борини тўкиб солмай, ҳалиги гапнинг ўзи блан чегараланди, «бундоқ қиласман» деб қат'ий фикр айтмади.

Шу ўтирган беш-олти одам неча минг уйлик Тўбуқти элининг кўп чигаллик тугунларини, чигал масалаларини, тақдирини ҳал қиласиган одамлар. Буларнинг ҳарбири чўнтағига ўзидан бошқа ҳечким билмайдиган кўп тадбирлар солиб келган.

Қунанбай оға-султон бўлди-да, бошқалардан устун бўлиб кетди. Ҳокимият унинг қўлида. Унинг ўёқдагилар, улуғлар блан ҳам алоқаси, уларнинг олдида обрўйи бор; яна дун'ёси кўп, қўли ҳар ерга етади, сўзга уста, ишга мөхир, ўзини тутабилади; тутган ерини кесади. Ўз тенгларидан устун чиқиб кетишга мана шу хусусиятлари сабаб.

Лекин Қунанбойнинг суюнадиган ери шу Тўбуқти бўлса, уни чалиб йиқитадиган нарса ҳам шу Тўбуқти. «Қуш қаноти блан учиб, қўйруғи блан қўнади», ана шу қаноти блан қўйруғи шу эл ичидаги уруғ бошлиқлари, тенгдошлари, шу Бўжей, шу Бойсоллар.

Булар сўнгги бир йил мобайнида Қунанбойга унча рўйхуш бермай қолишиди, зидан Қунанбой блан зидлашиб қолганга ўхшарди. Буни Қунанбой ҳам яхши билади, лекин буларни шу сингари қилиб маслаҳатга илаштириб турса бўлгани. Аслида буларнинг ҳаммасини ҳам қарайдиган тарозиси — эл. Қунанбой учун шу элнинг олдида булар ўзининг маслаҳатгўйи бўлиб кўриниб турса бас. Қунанбой ўртанса булар ҳам ўртанади. Лекин уларнинг ичida қандай гап бор, униси блан Қунанбойнинг иши йўқ, ўзини бепарво, лоқайд кўрсатади.

Тўбуқти кўп уруғлик, кўп эл бўлса ҳам, борлик элнинг тарозиси шу ўтирган беш-олти одамнинг уруғлари. Эл, айниқса уруғ бошлиғи бўлган шу одамларнинг ўзига қараб салмоқланади.

Мана бу Қунанбойнинг ўнг томонида ўтирган Бўжей — кўп ҳалқлик жигитек элининг одами. Қадим замонда Кенгирбойдек мустақил, сўзини ҳечкимга бермаган, ҳукмини юргиза билган бий чиқсан эл. Кейинги вақтларда ҳам ўтлик, шудлик, оёқ-қўлидан ўт чақнайдиган, ҳечнарсадан ҳайиқмайдиган, баримта босиб босмачилик қилишлар ҳам қўлидан келадиган йигитларнинг кўпи шулардан чиқсан. Умуман ҳаммаси деярлик сўзамол, ҳечнарсадан тап тортмайдиган эл.

Бойсол ҳам шу сингари кўп уруғлик Котибақ элининг каттаси, унинг эли «тўқмоқ ёл тўриқ» деган номни олганда азбаройи кўплигидан, кучлилигидан олган. Бу эл чорво блан шуғуллангани учун кўпроқ ерга эга бўлишга тиришадиган, кўплигига, кучига ишониб, унча мунчадан тортинмайдиган, қисилиб-қимтилмайдиган эл.

Суюндик шу биродар элларнинг ичida энг озчиликни ташкил қиласидиган Бўкенше элининг одами. Бу элнинг хўжалиги ҳам анчайин. Бўкеншега она томонидан қарин-

дошлиги бўлиб, буларга қўшилиб кетган эл — Бўрсоқ эли. Ҳалиги гап бўлаётган Кўдар ўша Бўрсоқлардан.

Қунанбой бўлса Иргизбой уруғидан. Бу ҳалқ сон жиҳатидан келганда Жигитекдан ҳам, Котибақдан ҳам оз, лекин бир томондан фоят дун'ёдор бўлса, иккинчи томондан кўпдан буён Тўбуқти элларининг ичидаги ҳукмронлик қилиб келади.

Қариндошлиқ жиҳатидан қараганда, Бўжей блан Суюндиқдан кўра Қунанбойга Бойсол яқин. Олишиш, жанг қилиш, лашкар тўплаш керак бўлганда Қунанбойнинг зўр таянчиғи шу Бойсол эли — Котибақ. Қунанбой уларни шу кунга қадар ўз қаноти остидан четга чиқарган эмас.

Қоратойнинг бўлса, булардан ҳечқайсисига ҳам яқинлиги йўқ, буларнинг ҳаммасига баравар узоқ қариндош бўлган Кўкше элининг бошлиғи. Гарчи эли сон жиҳатидан оз бўлса ҳам, созгина. Қоратой ўзининг уддабуролиги, яна унча-мунча ишга бош қўшиб юрганидан, ҳечбир маслаҳатдан четда қолмас эди.

Шу ўтирган уруғ бошлиқларининг айтгани айтган, дегани деган, улар нима демасин буёқдаги элнинг катта-кичик оқсоқол-қорасоқол бошлиқлари учун қонун, ҳаммаси бир оғиздан қабул қилишади.

Қунанбойнинг ёнида ўтирган қўй кўзлик, чиройлик Мойбосар старшин бўлди-да, ўзининг дўстларидан ҳам, Қунанбойнинг яқинларидан ҳам узоқлаша бошлади. Ҳозир Қунанбойнинг олдида ёшлигидан қолган одатини қилиб, мўминотай бўлиб ўтиргани блан кўп дилозар, безори, тошбағир одам. Қунанбойнинг эли бўлган Иргизбойнинг бошлиғи — шу.

Мана букун Қунанбой блан Бўжейларнинг ўртасига тушган совуқчилик ҳам шу Мойбосар туфайли тушган. Мойбосарнинг истибододидан ортиқ тўйинган эл бундан икки ой муқаддам Бўжейни ўртага қўйиб, Қунанбойга: «Мойбосарни ўридан тушир» деган талабни қўйган эди.

Қунанбой Мойбосарнинг фе'ли-авторини яхши билатуриб, ўридан туширмади. У ўзининг қора кучини, зулмини акс этдирадиган Мойбосардек бир одам ёнида бўлишини ма'қул кўрди. Бунда катта бир муддао бор эди: «агар у элга зўравонлик қилиб, юртни қон қора қақшатиб, жонидан бездирса, эл арзи-додини айтгали ўзимнинг олдимга келади. Шундай қилиб Мойбосар элни менга бўйсундириб беради» деб ўйлар эди.

Қунанбой Құдар тұғрисида ортиқ баҳс этмади, улар-нинг фикрини әшитдию, қолганини ўз ичидә пиширди.

Бироздан кейин у, бошқа мавзу'да сүз очиб, бу йил молнинг түйиши, ўт-ўлан, қачон ва қай таҳлитда күчиш-қўнишлари тұғрисида гапира кетди. Бу ўтирганларнинг маслаҳатига кўра бу йил ҳам Чингизнинг нариги ёнида-ги Боқонос-Бойқўшқаргача кўчиб бориш керак эди. У ер Керей элининг ери бўлса, ўша Керейларга яқин бориб, аста-аста уларни суриб, бу йил ҳам икки катта сувни ёқалаб қўниш мумкин бўлади. Тўбуқти улуғларининг нияти, моли оз бўлган Керей элининг ерларига йилдан-йил силжиб, ўша ерларни эгаллаб олиш эди.

Мавзу' ўзгариб, сухбат шундай гапларга кўчганда, ҳалиги қовоғини солиб ўтирганлар ҳаммаси, чиройи очи-либ, жонланиб сўзлайбошлишди.

Шу пайт Жиренше Абайни имлади-да, әшикка чиқиб кетди. Абай Құдар кимлигини, унинг қилмишини ҳали ҳам билолмаган эди, лекин «дорга осиш» деганларнида юраги арзиқиб кетди. У, отасига қарадио, сесканиб «шундай қиласиди» деб кўнглидан ўтказди. Лекин ўйлаб қараса, дор деган нарса бу саҳрода, элда асти бўлган нарса эмас, уни ҳечким әшитган ҳам эмас. Дор бунинг тушунчасида Ҳалифа Ҳоруннаррашид замонида, алла-қайларда, Миср, Бағдод, Фазнадагина бўлган. Шунинг учун «дорга осиш деб шунчаки айтишгандир, ундай қилинмас, бўлмаган гап!» деган қарорга келди.

Шунинг блан бирга Абай Жумабой нима учун ша-ҳарга борганини ҳам фаҳмлади. Шаҳардаю, йўлдаю, шунча кун бирга юрганида бирор марта сездирса-чи!

У, кўнглида шунча «фатво», «дорга осиш» дек ҳукмларни олиб келаётисб, Абай блан от чопишиди, йўл-йўла-кай ўйнаб кулиб, парвойи фалак, ҳазиллашиб келди. Энди мана, ҳозир ҳам ҳечнарсани билмаган кишидай ўтиришини қаранг.

Унга қараб ўтириб, Абай катталарда мана шундай кўнглидаги гапни билдирамай, сездирмайдиган хусусият борлигини ўйлади; «Қани энди катта бўлсам, буларнинг ҳаммасици, фикрини, нима қилмоқчи бўлаётганини ҳар доим билиб турадиган бўлсам» деб яна ўша катта бўла-қолишига қизиқди. Аслида Абай тезроқ катта бўлишга шо-шилар, интилар эди.

Энди ўйлаб қараса, Жумабой шаҳарда тушуниб бўл-майдиган ишлар қилган экан. «Ҳазратга тортиқ олиб

бораман, Қунанбой юборди» деб бир семиз күк ғунанни етаклаб юрган эди.

У, Абайнинг устози ва масжиднинг имоми бўлган Аҳмад Ризонинг уйини сўраб олиб, кейин «муллонинг уйига бирга олиб бор» деб, уни ҳам олиб борган эди.

Ушанда, иккаласи осов күк ғунанни етаклаб бораётган чоғларида, Сағид деган бир шўх, тентак боланинг қилган хираги ҳам эсига тушди ва ҳозир гердайиб ўтирган Жумабойга қараб, кулгиси қистаб, жилмайиб қўйди.

Булар кўчадан ўтиб бораётганларида Сағид деразадан кўриб қолиб, юрганича чиқиб, тош отиб, шовқин-сурон кўтарди. Осов ғунаннинг ҳурковичлигини билиб олгандан кейин, ундан баттар қутириб, югуриб ичкарига кириб, чивиқ олиб, орқасига яширганича келиб, осов тойнинг қўлтиғига тиқди. Кўк ғунан пишқириб, ҳуркиб олиб қочмоқчи бўлганида, Жумабой, қўлидан чиқариб юбор-маслик учун, чилвирга қаттиқ ёпишиб олди, той суриб кетаётгандан унинг оёғи ерга тап-туп тегди, тумоғи блан дўпписи учиб тушиб қолди; бошининг ялтироқ този кўриниб кетди, шунда Абай беихтиёр кулган эди. Жумабой осов отни тўхтатаолмагандан кейин чилвирини белига ўраб чалқасидан кетиб, оёғини ерга қаттиқ тираб, кўчанинг қум тупроғини бурқинтиб, ундан ҳам расво бўлган эди. Ушанда Абай Сағидга қўшилиб, ичак-бағри узилгудай бўлиб кулган эди.

Жумабой кўк ғунанни зўр-базўр тўхтатиб олгандан кейин Абай Сағидни йўлатмасдан қувиб юбориб, ўша балодан Жумабойни ҳам, ғунанни ҳам ўзи қутқариб қолган эди.

Булар ҳазратнинг ҳовлисига кириб, ғунанни оғилга бойлаётганларида ҳазрат отнинг тортиқ эканлигини билиб, дамини чиқармай турган эди.

Уйга кирганларида Жумабой унга Қунанбойдан салом айтиб:

— Мана бу боласига, шогирдингизга фотиҳа берармишсиз,— деган эди, ҳазрат қўл кўтариб:

— Баракалло, баракалло... бираҳматика ё арҳамар-родимин,— деб Абайга фотиҳа берди.

Шундан кейин Жумабой ҳазрат блан бафуржা сўзлашишнинг ҳисобини тополмай, унинг китобий тилига тушунолмай, Қунанбой сўраб кел деган масалани дангал сўрамоқчи бўлиб бир Абайга, бир ҳазратга қаради-да:

— Лекин бу гапни ёлғиз ўзлари блан, ҳоли ерда сўзлаш деган эдилар. Болам сен... — деб Абайга қараганида ҳазрат ҳам дарҳол сезиб, Абайга:

— Иброҳим, сиз ҳозир мадрасага бориб туринг, болам. Бас, овулингизга кетмасдан олдин менинг олдимга келиб, фотиҳамни олиб кетинг,— деди. Шундан кейин Абай чиқиб кетган эди.

«Шу фатвони ўшанда олиб чиққан эканда бу» деб ўйлади Абай.

Унга диққат ва илтифот қилиб сўзлашаётган киши бўлмаганидан, Абай ҳам Жиреншенинг орқасидан аста ёшикка чиқди. Шу пайтда Жиренше отга кишан уриб, ўтга қўяётган экан. У, ёшик очилиши блан Абайнин кўрдида, астагина:

— Абай, бери кел, буёққа кел... — деди.

Абай унинг олдига борар-бормас:

— Ҳой, Жиренше, ҳалиги Қўдар деяётганлари ким? У нима қилган ўзи? Айтиб берчи! — деди.

— Қўдар ҳечкими йўқ, ғариб бир Бўрсоқ.

— Ўзи қаерлик?

— Мана шу Чинғизнинг ён томонида, Бўкенше давонининг бағрида туради.

— Хўш, у нима қипти?

— Бу йил қиш, ёлғиз ўғли ўлгандан кейин, келини блан ўйнашипти дейишади.

— Ўйнашипти? Қанақа ўйнашади?

— Ўйнашипти-да...

— Нима деяпсан ўзинг?

— Э, хумпар, ўйнашипти деган гапни билмайсанми...

Эркак тия блан урғочи тиянинг ўйнашганини кўрганинг йўқми? — деб, Жиренше ножӯя ҳаракатлар блан тушунтириб берди. У катталарнинг ичидаги ўтириб, хўб зерикиб, энди очиқ ҳавода эркинлаб юрагини ёзмоқчи бўлган Абайнин бир кулдирай деб ўйлаган эди. Лекин Абай куладиган аҳволда эмас, кўнгли бениҳоя қаттиқ озор топган эди.

— Шу гап рост эканми? — деб, яна ҳам қаттиқроқ тикилиб, сўради Абай.

— Ҳечким анигини билмайди... Лекин эл маломат қилиб юборибди. Суюндикни ҳам ҳали аввало анигии билайлик деяётгани шунинг учунда, — деб Жиренше яша оғир ва босинқилик блан сўзлай бошлади.

— Ундаи бўлса, бўлмағур тухмат дегин?

— Тұхмат дейдиганлар ҳам қўп. Лекин қайси куни Құнакенг¹ мана бу Сибон элининг бир мажлисига борса, Сұлтабой тұра шу ғапни юзига солибди. Құнакенг тұрага «насвойни ташласанғизчи» деса, тұра: «Майли, мен носвойимни таштай, лекин сен ҳам Чинғизнинг бағридаги сочлик шайтонингни тийіб ол!» деб, шарт юзига айтибди. Шу номусга чидолмай Құнакенгнинг ғазабланытганини күрдингку.

Абай отасининг ҳали «дорга осиш» деган чогидаги соvuқ өчхрасини күз олдига келтирди; бироз индамасдан туриб, қошларини чимириб қаттық хұрсинди-да, орқасига айланиб кетаберди. Бу хұрсиниқ дард тортаётган вужуднинг аламига чидалмай инграшидек чиқди, Абай онасиның үйига қараб кетди. Жиренше яна бошқа нарсалар ҳақида сүзламоқчи бўлиб, чақирған эди, у орқасига ҳам қарамай, индамасдан кетаберди.

3.

Келини эндигина иситиб келган, қуртлик сүк ошни онда-сонда бир хұплаб ўтирган Құдар:

— Қамқа, бўтам, бугун жума бўлса керак,— деди.

Қамқа хұрсиниб:

— Жума, мозор бошига бориб қур'он ўқиб келайлик. Худонинг құдрати — бугун тушимга болангиз кирибди,— деди...

— Поко парвардигоро... Эй парвардигор... — деб Құдар ҳам хұрсиниб, вужудини тилиб бораётган аламни бўшатди. Эй, худо, туш құрғур юпатаоладими кишини? Бугун унинг тушига ҳам Қутжони, ёлғизи кирған эди. Лекин Қамқа тушга жуда ишонади, майли айтсин, күнгли ҳеч бўлмаса шунинг блан юпонар.

— Худди шу ўнгимдагидек, уйнинг олдига келиб, отдан тушди-да, шошганича, кулиб кириб келди. Келди-да: «Отам блан сен йиғлайберасан... зориллаб, қақшай берасизлар... Мени чиндан ҳам ўлди деяпсизларми?.. Мана, мен келдим... Ҳеч ҳам ўлғаним йўқ... Қамқа, қўй энди, қовоғингни очиб юр!» деяр эмиш. Мен юрагим ёрилгудай бўлиб суюниб кетган эмишман!..

Шу топда Қамқанинг ҳам, Құдарнинг ҳам кўзларидан унсизгина оқаётган дўланадек ёш бириш-кетин юмалаб тушмоқда эди.

¹ Құнанбой.

Жимжит уйда Қамқанинг қулоғига әшикдан қандайдыр чинқириқ әшитилди. Шу сингари эрталабки пайтларда унинг қулоғига мана шундай чинқириқ күп әшитиларди.

Ү қони қолмаган оппоқ юзини отаси томонга буриб, қулоқ сола бошлади. Қизарган күзларига ёш тұлған, ёвоги чиққан юзларидан күкимтири томирлари билиниб турарди.

— Чинғизнинг бағридан әсадиган ел-ку, бүтам.

— Нега чинқиради?

— Том очилиб, похол осилиб қолипти, шу шамолда чийиллайды.

Бироздан кейин иккаласи әшикка чиқди. Елғизгина вайронда уй, эски чимқүргөннинг пинжига кириб олғандай күринарди. Атрофида на бир уй, на бир қистов, на бир ўтов бор; зор учмайды. Ұзіда күчкүдек улов бұлмагандан кейин Құдар бирордан улов сұрамади, қистовдан ҳам силжимади.

Илгарилар боласи: «ётоқ¹ бўлиб ётаберамизми» деб, улов топиб келиб, кўпчилик ўрга кўчса ўрга, қирга кўчса қирга кўчаберар эди. Мол тўйсин, мол яйласин деб эмас, ёш бўлғандан кейин кўпдан қолгиси келмас эди. У вақтларда Құдарнинг ўзи ҳам «ҳеч бўлмаса, оқликка кенанроқ бўлармиз, битта-яримтадан соғиб ичкали сигир топармиз» деб, кўпчиликка эргашишга қарши бўлмас эди.

Құдар бу йил, биродарлари ўзи билиб айтмагандан кейин, болам ўлди деб бегоналарга телмиришни, улов сўраб юришни ўзига эп билмаган эди.

Яна Қамқа ҳам, ўзи ҳам Қутжоннинг янги қабрини ёлғиз ташлаб, ғарип мозор қилиб «яйлов бор, ўйин кулги бор» деб кетаберишга кўнгиллари ҳам бўлмаган эди. Ке-чаю-кундуз оқаётган ёшни тийиб дард-аламни ташлаб кеттүдай мажол ҳам бўлмади.

Мол дейилса, моллари ҳам озгина. Шу арзимаган озгина моли бўлса, шу қистов атрофидаги ўтни қишин-ёзин еганда ҳам, бу ернинг ўтига ниш теккизаолмайды. Бу ёлғиз ўйнинг қўлидаги бор моли йигирма-ўттизга яқин эчки, улоқ-қўй блан бир бузоқли сигир, иккита турпоқ. Шу молни деб кўчганда, юқ ортадиган улови фақат битта жийрон от, Қутжоннинг оти.

¹ Яйловга кўчиб чиқмайдиган, чорвасиз, камбағал.

Боласи ўлгандан кейин Құдар шу қиши бу әлга келгиди, ҳар кимга ёлланиб күн күрадиган қариндоши Жампейс деган бир чолни ўз қанотига олган эди. Жампейс хотини ҳам, боласи ҳам, баш панаси ҳам йүқ, бир умр ёлчимаган шүрлик эди. Жампейс қиша Қутжонга қур'он ўқигани келгана, Құдар унга дарди-ҳасратини айтиб, яна:

«Икки ярти бир бутун бўлайлик, кимга орқа қиласиз.
Бир-биримизга суюниб күн кўрармиш» деб, юбормай ушлаб қолган эди. Уша Жампейс ҳозир отга миниб, бор қора-қурани ийғиштириб, боқиб юраган.

Энди Құдар блан Қамқанинг мол блан иши ҳам йүқ. Уйда ҳам бошдан ошиб ётган иш йүқ. Шунинг учун қарилек ва ҳаёт қаддини буқкан бир кекса, дарди алам қаддини буқкан бир шўрлик — икки аламзада аста-аста, босиб мозор бошига қараб йўл олди.

Чарақлаб, ўзагача яшнаб турган май куни, осмонда кичик-кичик, оппоқ момиқдек булатлар сузиб юрагиди. Атрофдаги дала ҳам, тепаликлар ҳам ямашил — ҳали у қадар бўйини қўйиб юборган бўлмаса ҳам, қалин чиқсан майса блан қопланган; ҳамаёқни қизғалдоқ, қоқи гул, сарғалдоқ, бойчечак, қизил, сариқ, кўкимтири бўлиб қулп уриб яшнаб турган гул босиб ётарди. Гўё даланинг турли-туман бўёқли капалак тутиб кетгандек.

Эрталаб тоғнинг ёнбағридан эсаётган ел ҳардоим Чинғиз оша эсадиган елдек ёқимли, муздаккина. Ҳозир ҳам куннинг таптини кўтариб, майнан шабада эсиб турарди. Лекин бу яшнаган, бу энди уйғониб келаётган гўзал ҳаёт ким учун?

Кимларнингдир ҳузур-ҳаловати, кимларнингдир баҳт-саодати, шодлиги учундир. Лекин бу икки бетолиға буларнинг ҳаммаси йўқ ҳисоб.

Буларнинг кўз олдида фақат кичикроқ яшил тепалик — қибла томонига мармар тош қўйилган янги қабир. Буларнинг кўзлари ҳам, кўнгиллари ҳам ўшанда.

Бу яшнаган кўклам уларга фақат Қутжоннинг ўтган йилгина шу пайтда соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрган чоғини эслатади-да, яна тўлқинланиб келган ғусса босади, юракларига дард-алам тўлади.

Құдар, паҳлавондек, зўр гавдалиқ, олтмишга энди кирган, соч-соқоли хила оқариб қолган одам. Агар шу ёлғизлик блан ғам қаддини буқмагандан, дун'ёнинг унчамунча ишлари уни мункитаолмас эди.

У ёшлигида ғоят ботир найзабозлардан бўлган. Шу ёшигача ша'нига доғ туширадиган ишлардан ҳам ўзини тийган.

Юртнинг каттаси ким, яхшилари ва ёмонлари ким, гердайган мағрур бошлиқлари ким? Ҳечбири блан унинг иши йўқ эди. У ўз ҳаёти, ўз уй ичиси блан, ўз қора қозонини қайнатиб кун кечирар эди.

У уйдан эшикка чиқиб, ба'зибир гап-сўзларга ҳам аралашмас эди. Шунинг учун ҳам йироқдагилар уёқда турсин, шу атрофдагиларнинг ичидаги ҳам, уни биладиган одам оз эди. Ўзи ҳам кам жамоа Бўрсоқ блан Бўкенишдан бошқа элни билмас эди.

Сўнгги олти ой мобайнида уни ўртаётган нарса ёлғиз ўғли Қутжоннинг доғи эди.

Энди дун'ёдан нима умид қолди? Фарис қилган шум ҳаётда суюнчиғи ким? Ўйлай-ўйлай, бунинг тагига етамасдан, тагига етамаслигига кўзи етгач, кейинги вақтларда ўйлашни ҳам йигиштириб қўяқолди.

Унинг ягона жонкуяри мана шу дард-аламдан сўниб, ҳасратдан сўлиб бораётган шўрлик келини. Энди у нима қиласди? Нима бўлади? Бу саволга жавоб бергани юраги бетламайди. Бегона бўлиб кетадими деб ўйлай бошласа, Қутжон бир ўлган эмас, минг ўлгандай бўлиб кўринади. Келини Қамқа блан Қутжоннинг бир-бирига бўлган муҳаббати ўзгача эди. Бу шўрлик етим қиз экан. Қутжон аллақайлардаги Сибон элига она авлодини излаб борганида уни ўша ердан олиб қочиб келган эди. Бу ерда ҳам унинг орқасидан келадиган, йўқлайдиган кимса чиқмади. Шунинг учунми, иш қилиб, Қамқа Қутжон блан шу ўйга бор ихлоси блан муккасидан кетган эди. Қўдар буни кўриб Қамқани ҳам ўз боласи Қутжондан ҳеч кам кўрмайдиган бўлди. Унга ҳам, бунга ҳам баравар ота бўлди.

Оқ кўнгиллиги, олижаноблиги орқасида Қўдар ўзидағи шу меҳрни ўла-ўлгунча сақлаб, гўрига ҳам бирга олиб кетишга имони комил эди.

Бирнеча кун бўлди, Жампейс тоғда қўшни овулларнинг чўбонлари блан учрашиб, ўшалардан эшишган айнима-алжима гапларини чала-ярим гапириб берди.

Қўдар унинг гапларини яхши онгламади, онглаганлари ғазабини келтирдию, гапиртирмай қўйди. Тўрт кўз туғаллик блан ҳузур ҳаловатда умр кечираётган одамларbekorchiлиқдан қутуриб наход шундай беҳуда гапларни ўйлаб чиқаришса «Бу Қўдар нега қистовдан чиқмай қол-

ди» дейишар эмиш! Ба'зилари «Қўдарнинг келини нима-нинг илинжида ўтирибди? Мақсади нима экан?» деб су-риштиришар эмиш.

Шу сингари гапларни эшитганда Қўдар ўртаниб кетди. Унинг билишича бу гаплардан мурод бева хотинга эр топиш, уни текинга хотин қилиб олиш, Қўдарнинг молига эга бўладиган миросхўр қилиш эди. Бундай гаплар юза-ки дўст, жонкуяр бўлиб юрган маккор бошлиқлар томо-нидан тўқилаётган, ўшаларнинг фойдасига хизмат қила-диган гаплар.

Қўдар одамларга яқин йўламай қўйди, бирор келиши-ни ҳам ёқтирмас, «Ҳеч бўлмаса боламнинг йили ўтсин» деб, нариёғини ўйламасликка тиришар эди.

Шундоқ бўлса ҳам мана, буҳтоннинг совуқ нафаси уни узлатда ҳам тинч қўймади.

Қўдарнинг қаттиқ газабланганини кўриб, Жампейс эшитидан гапларини батамом айтиолмади; айтмоқчи бўл-ганда ҳам ўзи гапга нўноқ, ўлгунча гўл, ора йўлда қол-ган одам бўлгани учун Қўдарга озор бериб қўйишдан чўчиб, ўёғини айтмай қўяқолди.

Лекин бир кун далада кекса бир чўбон унга ғоят бир расво гап айтди:

— Қўдар келини блан яқин эмиш дейишади! Хаба-ринг борми? — деди.

Жампейснинг жон-пони чиқиб кетиб:

— Имонсиз кетай, бундай гапдан хабарим йўқ. Бас... Бас қил, кофир бу гапингни, бас қил! — деди.

Бу икковини оқлаётганими ё қўрқиб кетганидан айтиётган галими — билиб бўлмас эди.

Лекин ҳалиги гапни бошлаган кекса чўбоннинг ўзи ҳам бу хилдаги гапларни чиқарадиган одамлар тоифаси-дан эмас эди. У ичиди: «Бу бечора билса бундай қилмас эди. Ҳақиқатда икови бегуноҳ, ё бу ҳеч балони сезмаган бўлса керак» деб ўйлади. Қейинчалик шу чўбон Айтимбет онда-сонда Қўдарнинг уйнга кириб-чиқиб юрадиган бечо-раҳол одамлардан гап айлантириб сўраб, ҳалиги гаплар-нинг, Қўдарга туҳмат эканлигига қаноат ҳосил қилган эди.

Шуниси борки, ён ёқадаги камбағаллар шундай дега-ни блан шу маломатни ҳа деса чиқарабериб, атрофга ёйиб юрган бир «кўз» бор. Ҳарқалай бу маломат айла-ниб юриб кундан-кун чўлғайбошлади.

Қўдарнинг Қутжон туфайли тортган ғами етмагандай, устига бу ҳам чиқди. Бундан уч кун муқаддам Суюндик

Бектен деган бир лақмани юборган эди, у Қўдар блан холи ерда сўзлашиб, ҳар томондан гап айлантириб келиб:

— Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Дув-дув гап бўлиб кетибди. Бости-бости қилиб юборамиз деган жонкуяр буродарлар ҳам ҳеч илож топмабди,— деб Суюндикни айтиб, уни мақтаб қўйди. Ундан кейин яна бир айлантириб келиб:

— Кўп ёмон гап қилишаётир... Сен блан келивингни бадном қилишаётир!— деган эди, Қўдар:

— Хўш, азизим, ўзинг нима деб алжияпсан?— деб, Бектенинг оёгининг остига олиб, янчиб ташлагундай бўлди. Лекин у ҳам бўш келмайдиган хилидан экан:

— Шу гапларга Қунанбой ишониб сенга қаттиқ жазо берадиганга ўхшайди. Уз жигарини Суюндикнинг кўзи қиядими? Мени атайин юборди. Бу гаплар очилиб, бир-еълик бўлгунча, юзини четга олиб турсин, бирор ерга боратурсин деяпти,— деди.

Қўдар ғазабидан ёрилгудай бўлиб, тутақиб, иргиб ўринидан турди.

— Йўқол, йўқол ҳозир! Худонинг қаҳрини кўриб бўлган Қўдар Қунанбойнинг қаҳридан қўрқармиди! Йўқол ифлос,— деб ҳайдаб юборди.

Қўдардан ҳали ҳам шу гапларнинг алами кетмай тўлғонтиради. Лекин бу гапларни Қамқага айтишни хаёлига ҳам келтирмади. Ўзининг оталик кўнгли ўзиға ма'лум. Қамқанинг ҳам унга нисбатан болалик кўнглини билади — бўлди-да. Шу қайғу ичида кунда бир-бирига аламли дардини айтиш, оҳ уриб ўтириб юрагини бўшатиш икковини келин блан қайноталик ҳолидан чиқариб, баравар гам чекаётган она блан қиз ёки ота блан ўғилдек қилиб қўйган, инсон блан инсонча топиштирган эди. Иккаласи кўп гапларни очиб сўзлашгани блан, доғ-ҳасратга кўмилган боласига бу гапларни айтгани Қўдарнинг оғзи бормас эди.

Иккови аста-секин босиб, қабр бошига етишди. Қўдар қур'он ўқишини билмасди, Қамқа ҳам ўқимаган. Қабр бошига келгандарида, иккови ҳам ўз ҳолича, ичида Қутжонга фотиҳа ўқир, унинг доғ-ҳасратда қолдириб кетганидан зорланар, йиғлар эди. Иккови қайта-қайта қабрга бош қўйишар, ёнма-ён жим ўтириб, кўзларини олмай қабрга узоқ-узоқ тикилишарди. Бу қабрнинг ҳарбир тоши ҳам икковига ма'лум. Шамол учирив келиб

қабр устига туширған өүп-хасларни териб ташлашади, тупроғининг бузилған, чуқур тушған жойини тузатиб қўйишиади.

Бир маҳал буларнинг орқа томонидан келған бирнеча отлиқнинг тупурлагани эшитилди.

Лекин Қўдар ҳам, Қамқа ҳам қайрилиб қарамади. Отлиқлар бостириб келиб, отларидан тушабошлади. Булар беш киши эди. Бошлиғи Мойбосарнинг чопори пахмоқ қопқора соқоллик Қамисбой, қолган иккитаси Бўйкенишे уруғидан, иккитаси Бўрсоқ уруғидан. Қамисбой отдан тушар экан:

— Кўрдингми, дуогўйни!— деб пиқ этиб кулиб қўйди. Булар Қўдар блан Қамқани шу ҳолатда учратамиэ деб ўйлашмаган эди. Буларни шундай чуқур қайғуга ботгандарини кўрганда, бошқа одам бўлса, юраги эзиларди. Ёнидагилар отдан тушишдан ҳам айниб қолгандай бўлган эди, лекин бўрк ол деса бош оладиган, Мойбосарнинг ўзидан ҳам баттар ҳовлиқма, безори, қондан қўрқмайдиган Қамисбой:

— Тушинглар!— деб буйруқ берди-да, ҳаммасини отдан туширди. Бўрсоқлардан ҳам унинг ёнига кирадиган бир одам чиқди. У Жиксен деган кўп ғаламис чолнинг ииниси — Жетпис эди.

— Гўрдан бошини олмай ўтиришини кўр, бошинг гўрга киргурнинг!— деди Жетпис.

Қўдар буларнинг келиши бежиз эмаслигини пайқаб, қайрилиб қаради-да, совуққина:

— Нега келдингиз, яхшилар?— деди.

Қамисбой депсиниб келиб:

— Нега келар эдик? Иккалангни улуғ чақирираётир. Қорашибўқида әлнинг яхшилари йиғилиб, кутиб туришипти!— деди.

— Яхшиларинг ким? Улугинг ким?

— Улугим старшин Мойбосар, бошлиғи Қунанбой. Келининг блан сени сўроққа чақирираётир. Тур, юринглар!

— Эсинг жойидами, нима ҳақларинг бор?

— Нима деялсан ўзинг? Ҳоким чақирирса, нима ҳаққинг бор дейсанми?

— Худо юзини тескари қилгур, бу ким ўзи акиллаётган!— деди, Қамқа ҳам қони қайнаб кетиб.

— Худо юзини тескари қиласидиган иккалантсан. Юзи қоралар! Сочлик шайтон сен бўласан!— деб Қамисбой Қамқага қамчисини ўхталди ва:

— Юр ҳозир, ушлаб ол! Миндир отга иккаласини ҳам! — деб ёнидаги йигитларига буйруқ қилди.

Тўрт йигит аввал Қўдарга ёпишди.

— Эй, бераҳм тангри, яна қандай кўргуликлар солмоқчисан бошимга! — деб Қўдар олдинга келган икки йигитни уриб юборган эди, биттаси бурнини ушлаганича учиб тушди. Лекин, унгача бўлмай, қолган тўрттаси баравар ёпишиб, қўлини орқасига қайириб, тайёр турган чилвир блан боғлаб олишди. Қамқани ҳам сургаб, отнинг ёнига олиб келди-да, Қамисбойнинг отининг олдига миндиришиди.

Қўдарнинг орқасига Жетпис мингашди. У, давангидек бақувват йигит эди. Ҳаммаси баравар отларига менишиди-да, кун чиқиши томондаги Қорашибонни бағирлаб, тор, этагидан ошиб, отни қаттиқ ҳайдаганларича кетишиди. Қўдар «Чопгудек қилич, отгудек ўқ, булар блан сўзлашгудек сўз ҳам йўқ. Улуғи блан сўзлашарман» деб ўйлади.

Ўзи блан бир уруғдан бўлса ҳам, йўл бўйи Қўдар орқасига мингашиб кетаётган Жетписга бир оғиз ҳам сўз қотмади.

Аслида Қўдар блан Қамқанинг бошига шу кулфатларнинг тушишига сабабчи бўлган ҳам худди шу Жетпис блан ўшанинг ғаламис, излагани ёмонлик бўлган акаси Жексен эди.

Улар Қўдарнинг энг бадавлат қариндошларидан бўлиб, шу кўкламда Қутжон ўлгандан кейин эл-юрт Жексендан койий бошлаган эди: Қўдар ўзининг бир отадан тарқаб келган қариндоши, камбағал, боласидан айрилиб ёлғиз ярим, ғарип бўлиб қолди, Жексеннинг қўли узуви, ўшанга қарашса нима қиласи? Кўчгали улов ҳам бермай, ёлғиз ўзини бир қўрага ташлаб кетди. Бу гапни бир эмас, икки эмас ҳадеб эшишберган Жексен аввало ўзининг ёрдам бермаслигига важ қилиб:

— Ўша қурғурнинг ўзидан ҳам кўнглим ириб юриди-да. Қўмаклашмайман демайман, лекин чўчиб қолдим,— деб Бўкенше, Бўрсоқ уруғларининг бир йигилишида ўша маломат гапнинг учини чиқарип қўйган эди.

Кейинчалик Суюндиқ бу гапнинг тагида қандай гап борлигини сўрагандан:

— Келини блан яқин экан-ку коғир... Мен қандоқ қилай, ёнимда олиб юрсам, эрта-индин юзимга тупурурсан,— деб ўзини оқлаган эди.

Шундай қилиб, аввало бу гапнинг эл оғзига тушиб кетишига Суюндиқ ҳам сабаб бўлган эди.

Лекин гапни тарқатишга тарқатиб қўйиб, кейинчалик, бу маломат кўпнинг оғзига тушиб кетгандан кейин, Суюндиқ яна келиб, энди Жексендан анифини сўради. Жексен қишида Қўдар Қутжоннинг еттисини бераётган чоғида айтган бир гапини далил келтирди.

Қўдар, азбаройи куйиб кетганидан:

— Ҳечкимим қолмади, худо менга қилгилигини қилди, энди, коғир қовмида кетадиган бўлсам ҳам, раббим демайман. Худонинг менга қилгани шу бўлса, менинг ҳам худога қиласдиганим бор... деган эди.

Бу гапни Жексен ўзича муҳокама қилиб: «бу худога нима қилаолади» деб юриб-юриб, ниҳоят: «ҳа, келинини кўзда тутган экан-да!» деган қарорга келган эди.

Аслида Жексенning бу маломатни тарқатишидан мақсади бошиқа эди. Қўдарда бироз ер бор. Бу ер унинг қистовига ёндош эди. Уни бир балога йўлиқтириб элдан ҳайдатиб юборса, ерини эгаллаб олади.

Аланга олиб кетган буҳтон Қунанбойнинг қулогига етди. Сибон элининг йиғилишида Сўлтабой Қўдар туфайли Тўбуқти элинни кулги қилиб гапирди. Бу ҳабарни эшитиши блан Суюндиқ яна келиб Жексендан гап сўради, фақат Жексендан эмас, ўша атрофдагиларнинг ҳаммасидан сўради: қўни-қўшиидан, Айтимбет чўбондан сўради. Гап-сўз блан иши йўқ, ўз тирикчилиги блан овора бўлгани одамларнинг ҳаммаси ҳам Қўдарни оқقا чиқаришди, доғ-ҳасратда алам чекаётганигини айтишиди.

Лекин Жексен блан Жетпис:

— Жўрттага, хўжа кўрсинга қиласяпти. Қўяди дейсанми, ҳамма гап қоронги тушгандан кейин бўлади-да,— дейишди.

Суюндиқ тайинлик бир гап ололмади. У, агар бу гап яна рост бўлса Қунанбой, шуни баҳона қилиб, Бўкеншеблан Бўрсоққа бир дод туширишини ўйлаб, бегона одамлар блан сўзлашганда:

— Бўлмаган гап,— дер эди. У Қунанбойнинг олдида ҳам шу сўзимда тураман деб ўйлаган эди, лекин Қунанбой бўй бермади.

Унинг устига яқинда Қўдарга ўзи юборган Бектен йўлакай Жексен овулига кириб, бўлган воқиани батафсил сўзлаб берди.

— Қўдар: «Худони ҳам, Қунанбойни ҳам танимайман,

Нима қилсам ўз ихтиёрим. Менда нима ҳақларинг бор» деб мени ҳайдаб чиқарди. Ҳалиги «Худонинг менга қилгани шу бўлса, менинг ҳам худога қиласдиганим бор» дегани шу экан!— деб ёнига қўшиб чатиб, кўпиртириб гапирди.

Қунанбойнинг олдидан гангид қайтган Суюндиқ, Қўдарнинг гуноҳкорлигига кўзи етмаса ҳам, ўзига тасалли бериш учун шу гапларга ишонишга қарор қилди. Шундай қилиб Қўдар балога қолди.

Йўлакай келини блан сўзлашмасин деб, Қамисбой Қўдарни олдига солиб, ўзи атайин Қамқани хийла кейинда олиб кетди.

4.

Қорашибўки Чинғизнинг баланд чўққиларидан бири бўлиб, Қўдарнинг қистовидан йироқ эмас эди. Шу тоғнинг бағрида, икки томони тўқайлик, гўзал бир сой оқарди. Тол-тераги бўлсин, қинғир-қийшиқ битадиган қизил қайнини бўлсин, ҳаммаси ҳам ям-яшил бўлиб, яшнааб турар эди. Бу ер мол боқишга ва яшнашга ғоят қулай қистовлардан. Бўкенше блан Бўрсоқ эли бу ерга кўп замонлардан буён ўрнашиб, шу кунга қадар ҳеч кимга бийлатмай келар эди.

Иргизбойлардан шу Қорашибўқига Жексен овули турган жойга кўз тикканлар кўп эди.

Халқ шу ерда йиғилган экан. Жексеннинг овули тўрт ўтовдан иборат бўлиб, бу овуллар катта сувга қараган тик қоянинг остига ўрнашган эди. Қўдар блан Қамқани шу ерга олиб келишмоқда.

— Келишаётир. Олиб келишаётир... Ана Қўдар... — деган товушлар эшитилгач, Жексеннинг уйида ўтирган Қунанбой бошлиқ бир гала катталар эшикка чиқди. Тоғнинг этагидан ошиб келаётган Қамисбойлар етиб келгунча бу ердагиларнинг ҳаммаси овулдан нарироққа бориб, бир тўп бўлиб туришди. Уша ерда чўқтириб, қозикқа боғлаб қўйилган катта қора нор түя ётар эди. Унинг икки ўркачининг орасини намат блан тўлдириб, баланд қилиб, устига шўм¹ ўрнатиб, боғлаб ташланган эди.

Тўпланиб турган одамларни кўриб, Қамқанинг ўти ёрилиб кетди; йўл бўйи оғиз очмай келаётган бўлса ҳам, энди овулга яқин келганларида Қамисбойдан:

¹ Шўм — туйнинг эгари.

— Барака топкур, одам боласисанку... Гуноҳимиз ни-
ма ўзи? Нима қилмоқчи бўлаётирсиз? Ҳеч бўлмаса гуно-
ҳимизни айтиб ўлдирсаларингчи? — деди.

Шу вақтгача «лом» демай келаётган Қамисбой энди
заҳарханда қилиб:

— Ана у отанг Қўдар блан ўйнаш бўлганинг учун.
Ҳозир иккаланг ҳам тамом бўласан! — деди. Бу гапни у
«Қамқа нима дер экан» деб айтган эди, қараса, Қамқа
огиз ҳам очмади, бир мартаба ингради-да, отдан сирғи-
либ туша бошлади. Қамисбой қулаб кетаёзди. У Қамқа-
ни маҳкам ушлаб олганича, отини елдириб, тўпланиб
турган одамларнинг олдига келди.

Олдин етиб келганлар Қўдарни отдан тушираётган
екан. Қамисбой етиб келиши блан, Қамқапи суюб олдин
ўзи тушди-да, сўнг келинчакни туширди. Қамқа қулаб
кетди-да, эси оғиб ерга чўзилди.

Қўдарнинг олдиди юзга яқин одам турар эди. Улар-
нинг ўртасида Қунанбой, Бўжей, Бойсол, Қоратой, Су-
юндик, Мойбосар ҳам бор эди. Уларнинг орқасида ҳар
уругнинг оқсоқол, қорасоқоллари, казо-казолар ичидা
бирорта эски чопон йўқ эди.

Қўдар уларга салом бермади. Ўзи танғиб ташланган,
газабидан чатнагудек бўлиб бораради.

Тўпланиб турганларнинг ўртасида, ягона кўзини ўқ-
райтириб, унга тикилиб турган Қунанбойни таниб Қўдар
ғазаб блан:

— Ҳой, Қунанбой, мени худонинг қақшатгани камлик
қилдими? Бу нима қилганинг?. . — деб юборган эди, Мой-
босар бошлиқ ўша ерда турган йўғонлар:

— Тилингни тий!

— Бас қил!

— Еп оғзингни! — деб тўрт томондан ҳура бошлашди.

Қўдар уларнинг товуши ўчгунча индамай туриб:

— Мени эл-юртга шарманда қилиб, расво қилиб кўр
кўзингнинг хунини мендан олай деган эдингми? — деган
эди, Қунанбой:

— Товушини ўчир, деб бақирди.

Мойбосар ҳам унга қўшилиб:

— Ҳой, пир урган кўк ит! — деб, қамчинини кўтарга-
вича Қўдарнинг бошига ўқталиб келди.

Қўдар ўзини дадил тутиб, шошмасдан яна қаттироқ
қичқирди:

— Мен кўк ит бўлсан, сенлар кўп итсан! Епирилиб,

талаб титиб емоқчисан!— деди. Қамисбой блан ҳалиги тўрт йигит Қўдарни сургаб кетишиди. Сургалиб кетаётган Қўдар товушининг борича:

— Оқ-қоралигимни ҳам текширмадингми, қонхўрлар? Юзи қора!— деб, қайрилиб қон қўйилиб кетган кўзи блан Қунанбойга қаради.

Лекин шу онда бўйнига чилвир тушиб қолган эди. Тўрт йигит тўрт томонидан олиб, бир зумда, нарироқда ётган қора нор таянинг ўнг томонига олиб боришиди. Бошини қопга ўхшаш бир нарса блан ўрашди. Беш олти киши, қимирлагани қўймай, таянинг ёнбошига йиқитиб босиб туришиди. Қўдар яна ла'нат ўқиб қичқира бошлаган эди, орқасидан нимадир қаттиқ туртиб юборгандай бўлди.

Бу, туриб бораётган таянинг ёнбоши экан. Шундан кейин нимадир «хипп» этиб, жонини сугириб олаётгандай бўлиб томоғидан бўғди. Кўз ўнгги қоронғилашди. Аلامон жим турар эди. Қўдarnинг нариги ёғига унинг блан бирга осилган Қамқа, тия туриши блан бир нафасда узилди. Уни ҳамма кўриб турган эди. Қўдар жон талвасида гоҳ тиришиб, гоҳ тўлғаниб, чўзилиб, ҳа деганда жон бералмади... Паҳлавонликка яратилган зўр жуссаси чўзилган вақтда аввалгидан ҳам узайиб, нор таянинг бўйи блан тенғлашгандай, оёғи ерга тегай-тегай деб қолган эди. Тўпланиб турган ҳалқ, қотиб қолгандай, ҳали ҳам сукутини бузмай турарди. Икки жоннинг ўлим азобини ўз устига орқалаб турган тия ҳам сукутда.

Бу манзарани кўришга тоқат қилолмаган Бойсол орқасини ўгириб четга чиқиб кетди. Сўзлагуцилар бўлса, шивирлашиб сўзлашарди. Қоратой астагина Бўжейга:

— Жон бералмай қийналди-а, шўрлик! Бечорани энди билдим, ўзи ҳам арслондек экан!— деди.

Бўжей алам блан унинг юзига қаради-да:

— Арслонни ҳашқир еди,— деб орқасига қайрилиб, кетаберди. Ҳалқ ивири-шивир қилиб:

— Улгани йўқ. Ҳали ўлгани йўқ...— деб қолишиди.

Қўдarnинг танаси ҳақиқатда ҳам тортилиб-тортилиб кўярди.

Ҳалқ ўртасида ғовир-ғувур кўпайиб қолганини Қунанбой энди пайқади. Ўлдиришидан ҳам азоб берадётгани ҳалқа қаттиқроқ та'сир қилаётганини сезиб, қўли блан ишора қилиб, таяни чўқтириб деб буюорди.

Тия чўкканда, Қамқа бор бўйича шилқ этиб тушди. Қўдар, ўлмаган экан, икки букланиб тушди. Шу оннинг

ұзидәеқ, Қунанбой, то халқ әс-хушини йиғиштиргунча бўлмай, рўпарадаги қояни кўрсатиб:

— Олиб чиқ, ўша ерга олиб чиқ! Кофирни ўша ердан ташланглар! Биратўла тамом бўлсин! — деди.

Қамисбой блан бояги йигитлар унсиз ётган Қўдарни түяning устига кўндаланг солиб, арқон блан боғлади-да, тоғ бошига қараб олиб кетишиди.

Бу қоянинг нариги томони ўт-ўлан блан қопланган ясси тоғлик эди. Тамошабинларнинг ичидан ба'зибир тоқат қилаолмаганлари аста сурғилиб чиқиб кетишининг пайига тушиб қолган эди, Қунанбой:

— Тарқалманглар! Тўхта ҳамманг! — деб зарда блан ҳайқирди. Халқ турган жойида туриб қолди.

Бироздан кейин қоя бошига ўрмалагандай чиқиб боргандар пастда турган халқа қаради. Қунанбой ўрнидан турди, четроққа чиқди-да қўлини кўтариб, «ташла» деган ишора қилиб, силтаб туширди. Юқоридаги тўрт йигит Қўдарнинг жасадини иккитаси оёғидан, иккитаси қўлидан ушлаб, арғимчоқ қилиб туриб ташлаб юборди. Қоянинг бу томон чўққиси туртиб чиқиб туарди.

Азобу-уқубат чеккан, усиз ҳам ўлик вужуд бирор тошга урилмасдан, тўппа-тўғри учиб келиб, гурс этиб, аламоннинг олдига тушди. Яқинроқ турганларга унинг суюгининг қисир этиб сингани эшитилди.

Худди шу пайтда қуйидаги тўқайзордан чиққан икки салт отлиқ жадаллаб келиб, Жексен овулига тушган эди. Буларнинг жуссаси ихчам, биттаси ёш болага ўхшар эди. Бу Абай блан Жиренше бўлиб, отларини четдаги уйга боғлаб илдам қадам ташлаб келаётгани эди.

Булар отдан тушаркан, қоя бошига тикилиб қараб турган бир тўда кишиларни кўриб, ўзлари ҳам улар қараб турган томонга тикилишиди. Бир вақт чакмонининг бари қанотдек ёйилиб, учиб тушиб келаётган вужуд кўринди. Жиренше отини боғлаши блан тўдаланиб турганларнинг олдига қараб кетаётганди, Абай қўли блан кўзларини бекиттанича ўтириб қолди. Оҳ, тамом бўлди, ўлди.

Агар Абай вақтида етиб келганда, ҳаётида биринчи марта отасига ялинар, оёғига бош қўяр, ўлдиргали қўймас, олиб қолар эди. Кечикиб қолди. Энди галалашиб турганларни кўришга тоқати ҳам йўқ. Қайтиб отига қараб кетмоқчи бўлаётган эди, тўдаланиб жим турганларнинг ичидан қаттиқ-қаттиқ чиқаётган товуш эшитилиб қолди.

— Сен ол! —

— Ҳа, ўзингчи?

— Ўзинг ол! — деб ғовир кўтараётган халқ қўлига биттадан тош олабошлади. Муштлашиш бошланади деб ўйлади Абай ва ўша томонга қараб кетди. Бу муштлашиш эмас эди. Қўдар гуп этиб тушгандан кейин, Қунанбой:

— Ҳали жони чиққани йўқ, энди бу коғирга қирқ уруғдан қирқ киши биттадан кесак отсин. Қани, шу йинингдаги ҳар авлоддан бир киши, қўлларингизга кесак олинглар! — деди.

Аввал Қунанбойнинг ўзи кесак олди-да, Бўжей блан Бойсолга қараб, ердаги тошни кўрсатиб: «Олинглар!» деб буюрди. Улар ҳам бунга бўйсуниб, тош олишиди.

Шарнатнинг буюргани шу, қани, ҳамма кесак отсин! — деб, олдин ўзи Қўдарнинг биқининга кесак блан урди. Бўжейлар тош олган пайтда, бирор олиб, бирор тортиниб турган эди. Ҳалиги эшитилган товушлар ўша тош олдириб отдиришга берилаётган бўйруқлар экан.

Абай этиб боргунича, халқ кетма-кет Қўдарнинг жасадига тош улоқтираётган эди. Абай этиб келиши блан Жиренше унинг қўлидан ушлаб олиб, қулогига:

— Уни кўр! Мана бу тош отай деяётган чолни кўр, Қўдарнинг қариндоши бўлади. Ўзи кекса нарса, яна Бўрсоқ уруғидан, Жексен деган шу! .. Бу кўпак нима қилаётити! — деди.

Абайнинг назарида ҳақиқий қотил шу бўлиб кўринди. Абай шошганича олдинига нитилиб, ён томонидан борганди, Жексен Қўдарнинг ўлигига қараб:

— Касофат, юзи қора! — деб каттакон тош отди. Қўдарнинг жасадини Абай энди кўрди. Унинг боши маҷақ бўлиб кетган эди. Абайнинг қони қайнаб:

— Ҳой, кекса мал'ун! — деб, Жексенинг елкасига муштуми блан бир туширди.

Жексен, Қўдарга тош отаётгандардан биронтасининг қўли тегиб кетди шекиллик деб, орқасига қараган эди:

— Қандай имонсиз эдинг, эй кекса ит! — деб турган Абайни кўрди. Абай орқасига қараб кетаётган эди, Жексен уни жеркиб:

— Ҳой бола... Ҳой! — деб қичқириб: — мен қилдими... Мард бўлсанг, ана — отангга галир! — деди.

Одамлар: «Нима гап, нима гап?» — деб қолишиди. Абай тез-тез юриб, отининг олдига борди.

У, ўтовнинг белига боғлоглик турган отини ешатиб, шу уйда ўтирган кўп одамларнинг йифи товушини эшилди. Афтидан хотинлар эди. Ба'зилар инграб, ба'зилар ўпкасини туталмай ҳўнграб, ба'зилар пичирлаб сўзлаганича пиқ-пиқ йиғламоқда эди.

Эркаклар бу овлнинг бор хотин-боласини эрта бошданоқ ўтовга тиқиб қўйишган кўринаиди. Булар, товуш чиқаргани қўрқишиша керак, товуш чиқармай, инграб йиғлашаётир. Бу ҳолат Абайнинг юрагига ўқдек тегди, бардош қилолмай, отига минди-ю, кетаберди.

Шу топда Жексен бориб, Қунанбойга чақсан бўлса керак, отаси Абайга ҳайқириб:

— Ҳой, худо урган, туратур! Шошмай тур ҳали сен! — деди. «Ушла олиб кел» дегунча бўлмай, Абай отига қамчи бостириб жўнаб қолди.

Унинг орқасидан қувлаб етган Жиренше:

— Ҳой, тентак... Вой такавой тентагей! — деб, Абайнин ўзи қўйиб олган лақаб блан чақириб келарди. Улар отини елдирганича қўйига, водига тушиб кетишли.

Бир гала бўлиб, одам ўлдириб, эл-юртнинг ичидаги кўз кўриб, қулоқ эшишмаган ваҳшийликни ўз қўллари блан қилганлар отларига мивиб индамасдан тарқалиб кетишиди.

Фақат Бўжейгина Суюндик, Қоратой блан кетаётганида, қаттиқ хўрсаниб:

— Эр-азаматингни ўлдиргандан хун талаб қилинар эди. Энди хун сўраш ўёқда турсин, додингни айтгани оғиз ҳам очолмайсан. Үзларинг ўлдиридингда. Қирқ уруғнинг одами бирга кесак огиб, ўз қўлларинг блан ўлдиридалинг. Яна қай юз блан оғиз очасан,— деди.

— Шариатнинг энг мудҳиш йўлини охирга сақлаб юрган эканда? — деди Қоратой. Бу шариат ҳам, дейман, сиртмоғини маккорларнинг қўлига берган экан. У ҳам Қунанбойнинг қўлида десангчи.

Суюндикнинг руҳи тушиб кетган эди.

— Қўйчи! Энди ҳамма бало шунинг блан тамом бўлган бўлсин, тинчисин дегин! — деди.

Бўжей ичидан пишган одам бўлганлигидан, Қунанбой ҳозир қилаётган ишларнинг тагини билар эди:

— Тамом бўлиш, тинчишми,— деди уҳ тортиб Бўкеншелар,— Бўрсоқлар сиртмоқни Қўдарнинг бўйнига солганиларинг йўқ, ўз бўйнинггиэга солдингиз!

Ҳарқайсиси ҳам шуни ўйлаб, йўлда давом этди.

Абай блан Жиренше букун бу мудҳиши ишнинг устидан чиқамиз деб ўйламаган эди. Катталар, бу гап кўпчиликнинг қулоғига етмасин деб, сир тутган бўлса керак, ҳечбир овулда бу ҳақда гап бўлмади.

Жиренше эрта блан Қунанбойнинг овулига бир ажоийб тарғил този эргаштириб келган эди.

У келиши блан овулда қийгос-сурон кўтарилиб, овулдаги болаларнинг кўпи беихтиёр эшикка чиқди. Бу ғалғовурга тентак Үспон сабаб бўлган эди.

Жиренше тозисини эргаштириб, меҳмонхона олдига яқинлашиб қолган пайтда Үспон кўриб қолиб:

— Ҳайт, ҳайт, ол. Олинглар, Жиреншенинг тозисини! Жўлдаёқ, Бўрибосар, Бўрибосар! — деб қичқириб уран чақираётгандай, Қунанбой овулининг бирқанча ола, қора итларини оёққа турғизган эди.

Жиренше Үспоннинг расво қилишини билнб:

— Ҳой Үспон! Барака топкур! Жон укам. Қўй! Қўяқол,— деб қанча ёлвормасин Үспон:

— Бўрибосар... Ҳайт! — деб ҳандон ташлаб кулганича, шодлиги ичига сиғмай, сакраб, бор итларни тарғил тозига олкишлади.

Шу пайт меҳмонхонанинг олдига келиб қолган Жиренше отдан тушасолиб, тозисини бўйнидан қучоқлаб олди. Лекин ҳарбир уйнинг соясида ётган етти-саккизта сариқ ола тозлар отилиб, юлқиниб «ҳов-ҳов» лаб келиб Жиренше блан итини қуршаб олиб, турган жойидан силжитмай қўйишиди. Жиренше «қўй» деган сайин Үспон итларини киш-кишлатиб:

— Ар-р, ар-р! — деб, ўзи ҳам ташлана бошлади. Лекин, кексайиб қолган итлар Үспоннинг ҳар кун неча маҳал шу сингари жангга бошлайберишдан зерикканиданми, тозини юлқишлишмади, шунчаки, ҳуришди холос.

Катта уйда ноништа қилиб ўтирган Улжон бу товушни эшитиб:

— Чиқчи, Абайжон! Қуриб кетгур итларни ҳайдаб юборчи! Яна ҳалиги тентак ҳаммани тўс-тўполон қилаётгандга ўхшайди! — деб Абайнин эшикка чиқариб юборди. У чиқиб кеттач уйга кирган бир ёш хотинни ҳам чиқарди. Абай Жиреншени ажратиб олиб, тозиси блан бирга уйга олиб кирди. Булар уйга кириб кетаётгандарида, янги тошилган эрмакнинг энди бутунлай тамом бўлганига ачин-

ган Үспон уларнинг орқасидан бақириб буқиниб бориб, остонаяга қадам қўяётган Жиреншенинг чўнтағига қўлини тиқиб, қаттиқ чимчилаб олди. У, ит экан деб, чўчиб, бошини эшикнинг тепасига уриб олганича, уйнинг тўрига бориб тушди. Үспон яна хандон ташлаб:

— Вой, қўрқоф-ей! — деб Жиреншени эрмак қилди.

Бўйнига қайиш боғ тақилган, оғзи қора тарғил този Абайнинг кўзига яхши кўринди. Този ютиниб, жиланглаб турарди.

— Оти нима? — деди Абай.

— Желқуюн.

— Оти ҳам яхши экан.

— Отигина эмас, ўзи ҳам яхши. Қуёnnи кўргаида қуюндеқ бориб пийпалаб ташлайди! — деди.

Желқуюн ҳақидаги бу гапни Жиреншенинг ўз овулидаги бир катта овчи айтган эди. Жиренше, қаерда бўлмасин, ити ҳақида сўзлаганида шу гапни қўшиб қўяр эди.

Абай Желқуюнга ғоят қизиқди.

— Қуёngа чиқмайсанми?

— Юр, отинг борми, ўзим ҳам қуён овлашга чиқсан эдим.

Шундай қилиб иккаласи, Абайнинг саман оти эгарланиб бўлгунча қимиз ичib олишди-да, кун ботиш томонидаги Қизилшўқи деган пастаккина адирга қараб, отларини елдириб кетишиди.

Булар Қизилшўқига кираберишда аввалги сур'ат блан келиб, бир қуёnnи қочириб, қувлаб кетишиди. Хийла наридан қочган қуён буларни еткизмади. Қуён икки-уч довондан ошгандан кейингина, Желқуюн уни ҳолатдан кетказиб босиб олди. Шундан бошқа қуён учрамади. Яна қуён топиш умидида улар Қизилшўқининг Чинғиз тогига қараган томонидаги этакларига бориб қолишиди.

Шу ерга келганларида, Чинғизнинг Қорашибекиси томондан чиқиб келаётган бир салт отликқа дуч келишиди. Бу одам Мойбосарнинг чопари Жумагул экан.

У Жиреншега қараб:

— Ундан кўра, Қорашибекига боринглар. Бугун ўша ерда Қўдарга жазо берилади. Одамлар тўпланишаётир! — деди.

Бу гапни эшлиши блан Жиреншега жон кириб:

— Шундайми? Қўдар блан келини қаерда? — деди.

— Ҳали Қамисбой бошлиқ беш йигит уларни ушлаб

келгали кетди. Халқ Жексен овулига тұпланаётір,— де-ди-да, Жұмағул отига қамчи бериб чопиб кетди. Жирен-ше Абайга:

— Юр борамиз, күриб келамиз! Юр! Юрсанғчи! — деб қўярда-қўймай, олиб кетди.

Булас Қорашўқига келиб кўрганлари ҳалиги бўлди. Энди улар орқасига қайтиб, икки томони тўқайлик сувни бўйлаб, отни қаттиқ елдириб келишаётір. Абайнинг ичичи музлаб қони қотиб қолаётгандай, томир-томири, бор вужуди дир-дир қалтираб, тутдай тўкилиб, нимадандир қўрқандай, юраги уюшиб борарди. Кимдан, нимадан қўрқади? Отасининг қилган ишидан, отасининг қўли ботган қондан қўрқади. Ўз отаси... тош бағир отаси...

Абай Жиреншенинг чақиригига жавоб ҳам бермас, сувни бўйлаб, икки тоғ орасидаги тор йўлдан отини гоҳ елдириб, гоҳ чолтириб борарди. Ҳали ҳам булардан айрilmай келаётган Желқуон олдинга тушиб кетаётір. Йўл ноқулай бўлганидан Жиренше Абайнинг орқасидан келар, лекин ҳамон сўзлар эди.

У боя Жексен овулида битта-иккита одам блан сўзлашиб, уни-буни эшитиб қолган экан. Ўша гапларни айтib келарди. Бемор кишидай вужуди титраб-қақшаб, юраги қаттиқ бежо бўлаётган Абай Жиреншенинг кўп гапларини уқмаса ҳам, бир-иккитасини яхши онглади.

Бугун икки гап оғиздан-оғизга тушиб кетган эди. Бунинг бири Қўдарни айлашга ва шундай мудҳиш жазоға баҳона бўлди. Қўдар:

«Худо менга қилса, мен ҳам худога қиламан!»— дебди деган, гап қотилларнинг оғзидан тушмади.

Иккинчиси Қўдарнинг ўлим олдидан айтган гапи:

«Мек кўқ ит бўлсам, сенлар кўл ит... Талаб, титиб ейсанлар!» деган эди.

Абайнин қаттиқ ҳаяжонга солган нарса ҳалиги хотиннинг ун чиқаролмай чекаётган аламли дардлари эди. Жиреншедан олдинроқда кетаётib йиғлаб юборди.

Жиренше, гарчи орқада келаётган бўлса ҳам, Абайнинг йиғлаётганини пайқаб:

— Ҳой, ҳой такавой тентак! Сенга нима бўлди ўзи? — деб унга етиб олмоқчи бўлди. Абай Жиреншенинг тўриқ қашқа оти яқинлашиши блан ўз отини чоптириб кетди.

Иккаласи ҳам тоғ оралигидаги йўлдан очиқ ерга чиқиб олишган эди. Абай саман отининг бошини Қўлқай-

нар томонга буриб, қамчи бостирганича кетди, күз ёшларини Жиреншега кўрсатгуси келмади. Жиренше ҳам орқасидан чопди, лекин Абай етказадиган эмас эди. У хийла узоқлаб кетиб бораркан, ўксиб-ўксиб йиғлаб борарди.

Абай кўп йиллардан буён йиғламаган эди, энди ўзини туталмай, икки букилиб йиғлайбошлади. Югуриб, учеб бораётган саман отини икки томонидаги кумушдек товланиб турган ямашил ўтилик дала тўлқинланиб, тошиб бораётган сувдек, шовиллаб орқага қараб оқиб бормоқда. Икки қулоғини битиргудай бўлиб, ғувиллаб эсаётган қаттиқ ел Абайнинг кўэидан оққан дона-дона ёшларини учириб, ҳалиги ўт-ўланларнинг устига ташлаб кетмоқда эди.

Абай ҳечқачон бундай ҳисни бошдан кечирмаган, билмаган эди. Энди қараса, кўз ёшида ҳам одамни бор бўйича ўзига тортиб кетадиган, баланд қоянинг бошида турганингда бир нафасда жарга тушиб кетгинг келганидек, ўзига тортадиган қандайдир ўзгача бир куч бўлар экан. Шу топда боланинг кўнглида бирданига бирнеча ҳис қуюндеқ кўтарилиб тўс-тўполон қилиб бораётган эди.

Унда азоб чекиб ўлганларга жон-дили блан ачиниш, меҳр, қотилларга нисбатан ғазаб ва нафрат ҳисси қўзғолди.

«Ота!» нақадар кўнгилга яқин сўз! Абай қалбининг бир бурчи отасининг ҳимоя қилар, уни шафқатсизлик ва жиноятдан ажратиб турар, бир бурчи эса буқунги ваҳшийликни қайта-қайта писанда қилар эди. Бу икки нарса бир кўнгилга сиғмас эди.

Абай бир вақт мадрасада эшитган гапини хотирлади. Устози унга: «Кўз ёши осийларнинг гуноҳини енгиллатади, уларнинг жиноятларини кечиришга имкон беради» деган эди. Наҳот Абайнинг кўз ёшлари қотилларнинг гуноҳини енгиллатса! Абай дарҳол бу фикрдан қайтди, «йўқ, ундоқ эмас!» Улар бу ишларни дин номидан, айниқса имом ҳазратлари берган фатво бўйича қилишди-куй. Энди кимга арз қилади? У ўзини паноҳсиз, баҳтсиз етимадек ҳис қилди. Ичидан яна бир катта оғир тўлқин кўтарилиди-да аввалгидан ҳам баттарроқ ўксиб-ўксиб йиғлади.

У товушини чиқариб йиғлайбошлаган эди. Жиреншега билдирамаслик учун отининг бошини қўйиб юборди.

Шу чопиш ярамадими, ё қалиги оғир ҳисларни күтәраолмадими, бир вақт Абай ўқчыбы қусабошлади.

Лекин шунда ҳам тұхтамади, йиқилиб қолмаслик учун, отининг ёлини құчоқлаганича чопаберди.

У, Жиреншега етказмаган бўйи Кўлқайнарга келиб, онасининг уйига тушди.

Улжон ташқариде юрган экан, боласи уйга яқин келганды, унинг юзига қараб, кўрқиб кетди. Абайнинг ранги ўзгарган, мурдадек оқарган эди. Улжон «кўзим тинаётирми» деб, тез-тез киприк қоқиб, яна қаради, йўқ, боласининг ранги мутлақо бошқача бўлиб кетган. Абай олдига келганды, қараса, унинг кўзлари қипқизарив шишиб кетибди.

— Абайжон, қўзим, нима бўлди? Битта-яримтаси хафа қилдими? — деди ва ичидан «отаси урдими» деган хаёлга ҳам борди. Эшикда бошқа ҳечким йўқ экан. Абай индамасдан, онасини құчоқлаб олди-да, бағрига кириб, ўзининг ўтдек ёнаётган бошини унинг кўкрагига босди. Етим эмас, онаси бор экан! Йигидан юпангач, вужуди титраб, хўрсиниб нафас оларди. Лекин бу пайтда Абайнинг кўзида ёш йўқ, ҳаммасини тўкиб бўлган эди.

— Гапирсангчи, қўзим, нима бўлди? Отанг урдими?

— Йўқ, ҳечким ургани йўқ, кейин айтаман... Опа, тўшак солиб берчи, ётқизчи! — деди Абай ва онасининг бағрига қисилганича, уйига қараб юрди.

Бардошлиқ Улжон шундан кейин ҳечқандай гап сўраб ўтиради. Уйдаги энасини ҳам, бошқаларни ҳам ташвишга солмади. Абайнинг аҳволини ҳеч кимга билдирамади. Қатта оқ уйнинг ўнг томонига энасининг тўшагини солиб берди-да, ечинтириб ётқизиб, устига ўзининг катта поча пўстинини ёпиб, ўёқ-буёғини қимтиб қўйди. Энаси:

— Нима бўлди, бўтам? Учиниб қолдингми, нима қилди? — деб, сўраётган эди, Улжон унга:

— Учинган бўлса керак. Безовта қилмайлик ётиб бир ухлаб турсин, — деб мол боқучи хотин Қатшани чақирди.

— Тунгликни ёпиб, эшикни кўтариб қўйчи! Абайга кун тушмасин! — деди астагина.

Энаси, орқасини ўгириб деворга қараб ётган Абайнинг ёнига келиб унга тикилди-да тамшаниб, дуо ўқиди.

Эрталаб Абайнини Жиреншега қаёққа эргаштириб кетганини Улжон билмас эди. Эшикда ит ҳургандан кейин «стозиси блан ўша келган бўлса керак» деб, эшикка чиқ-

ди. Жиренше меҳмонхонанинг олдига тушиб, отини боғлаётган экан. Улжон катта уйнинг ёнида туриб, уни чақириб олдида, нима гап бўлганини сўради.

Жиренше эрталаб қуён қувлаганларидан бошлаб, Жексен овулида кўрганларини, яна йўлда нима бўлганини батафсил айтиси:

— Абайнинг ўзи қани? — деган эди, Улжон унинг ётиб қолганини айтди-да, норозилик акс этиб турган совуқни чирой блан Жиреншега қараб:

— Чироғим, сен гўдак эмассан-ку, эсинг бор? Узинг борсанг бир сари, ўшандай ярамас ерга нима деб Абайнин бошлаб бординг? Бола-ку! Чўчийди деб ҳам ўйламадингми?

Жиренше нима дейишини билмай, ўнгтайсизланиб:

— Жуда уят бўлди. Ўзим ҳам ўқиндим. Лекин худо ҳаққи, ўлигининг устидан чиқармиз деб ўйлаганим йўқ эди! — деди.

— Барака топкур, бундан кейин Абайнин ундаи ерларга бошлаб бора кўрма! Бошинг ёш, катталарнинг ундаи ярамас ишларидан ўзингни ҳам четда тут! Ўз боши блан кетсин! Кўриб-билиб нима қиласан?

Кўп катта-катта одамларнинг ичида юргани блан Жиренше, сўзини бу қадар ўринлатиб, бу қадар боладиган, салмоқли қилиб гапирадиган одамни шу вақтгача учратмаган эди.

Улжоннинг тўғриликча айтган гапи унга ургандан-уришгандан ҳам қаттиқ тегди.

Жиренше ҳижолат ичида бироз ер чизиб ўтириб, меҳмонхона томонга қараб кетди. Улжон ҳам ўз уйига кириб кетди. Жиренше ҳеч нарсага қарамасдан, тўғри бориб отига минди-да, тозисини эргаштириб жўнади.

Кун оғиб қолган эди.

Абай кечқурун қўзиларнинг ма'рашидан уйғонди. Бугун қўй кечроқ соғилган бўлса керак, қоронги тушиб қолган эди. Бутун олам қий-чув, тўс-тўполонга тўлган... Лекин Абай буни ҳандайдир ғира-шира кўрсатадиган бир парда орқали кўраётганга ўхшарди. Унинг боши оғир, карахт, бадани қизиб, ёниб бораётганга ўхшарди; халқуми қуриб, лаблари парсин боғлаб кетибди. Тамшаниб тупругини ютмоқчи бўлган эди, тупруги қуриб қолган экан, фақат тамшанди холос. Ёнида энаси блан онаси Улжон унинг пешонасини ушлаб, ерга қараб ўтирган эди.

— Опа... Энг... Нима бўлди? Мен касал бўлиб қолдимми? — деди Абай кўзлари ёшланиб, эналари томон ағдарилиб ётди.

— Ҳа, иситмалаб турибсан. Қаеринг оғрийди? — деди Улжон. Абай ағдарилаётганда, икки чаккаси сиқиб, санчиб кетгандай бўлган эди, шуни айтди.

Улжон, ҳали Абай ухлаб ётганда, бутун воқиани энасига айтиб берган эди.

Иккаласи ҳам:

— Қўрқсан, ўшандан чўчиб, учиниб қолган бўлса керак! — деб ўйлашди. Зере Жиреншедан ҳам, бошқа каталардан ҳам қаттиқ койиб жини чиқди.

Абай эналарининг кундузи бўлган ишдан хабардор бўлганлигини пайқаб:

— Отам.. Отам!.. — деб, хўрсиниб, қўли блан кўкрагини силади,— қандай бағри қаттиқ, қандай тош юрак-а! У отаси ҳақида кўнглидаги онглаб бўлмайдиган ажиг оғир ҳисларни инсон боласига изҳор қилгани шу эди. Энаси яхши эшитаолмади. Улжон, дамини чиқармай, Абайга жавоб бермай ўтиради. Қайнин онаси унга тикилиб, тиззасини туртиб «Нима деяпти» дегандай ишора қилгач, Зеренинг қулогига:

— Отасики айтаётир, бағри қаттиқ экан, нега раҳм қилмади,— деяпти. .

Энаси онглади-да, уҳ тортиб, Абайнинг юзига энгашиб унинг пешонасига юзини хийла вақт қўйиб ўтиради.

— Ўзим ўргулай, кўзларимнинг нури, қора қўзим! — Раҳм қилмайди, у раҳм қилишни билмайди! — деди кампир ва кўзини сузиб, бошини юқори кўтарди.— Худоё худовандо! Яккаю ягона тилагим, завол вақтида тилётган тилагим, шу: боламга, кўзимнинг оқу-қорасига отасининг ит фе'лини берма!.. Тош бағирлигини бера кўрма!.. ё, яратган эгам! — деб, қуришган, мадорсиз қўллари блан ажин босган, меҳри-шафқатли юзини силаб, фотиҳа тортиди. Улжон ҳам ичиде «омин» деб қўйди.

Икки она, уларнинг ўртасида ётган, дили ғоят озор топган бола уччовининг ҳам завол вақтида ичдан, чин кўнгил блан ёлвориб тилаган тилаги шу эди.

Абайнинг ўзи ҳам қўл кўтарди, она тилагини жонидили блан қабул қилиб фотиҳа ўқиди.

У энди ҳаётини, болалигини яна топиб олгандай, ичига дун'ё-дун'ё ёғду киргандай бўлди. Лекин кўнгли шундай ёришдию, вужуди ҳали ҳам карахт эди. Уччови

ҳам жим қолишиди. Даладаги қўйлар-қўзиларнинг маъраган товуши ҳам йироқлаб кетиб ўчган эди. Бугун далада ҳам, уйдагидек, одатдан ташқари бир сукутда эди.

Шу топда Абай блан онасининг қулоғига ўзгача бир совуқ овоз эшитилди. Кимдир бирор:

— Вой жигарим! Вой жигарим! — деб от қўйиб келарди. Бу элда бирор ўлса, эркаклар олисдан от қўйиб, мана шундай «Вой жигарим»лаб чопарди. Уйлагиларнинг юраги шифиллаб, орқасига тортиб кетди. Кекса эна бу товушни эшитмаган эди.

Қўрқув устида Улжоннинг кўнглидан даставвал: «Уйлагиларнинг биронтасига бир гап бўлиб қолдими, ё Қунанбойнинг ўзига бир нарса бўлиб қолдими» деган гап ўтди. Чўчиб эшикка қулоқ берди. У, қўрқиб кетганидан, ҳечниарсани онглай олмас эди. Тасирлатиб чопиб келаётган отнинг туёқ товуши йўқолиб, пиёда келаётган одамнинг қадам товуши эшитилди. Аввал Абай пайқади. Келаётган киши товушини атайин йўғон қилиб, баралла қўйиб келаётган блан, боланинг товуши — ўша тентак Успоннинг товуши эди.

У, ўртоқлари блан далада ўйнаб юрган еридан келаётуб, «яхшиликка кўринмайди», у-бу дейишларига қарамай, ёлғондан йиги солиб:

— Вой, жигарим Қўдар!.. Вой, Қўдар! — деб, сонига шаппалаб чопиб келаётган эди. Қўдарнинг ўлими бутун овулга эшитилган экан. Ҳали кечга яқин, булок бошидаги бир текис ерга йигилган ўз тенги ўртоқларини бошлиб, от қўйиб йиғлашни кўп эрмак қилишган эди. Текис ернинг ўртасига чуқур қазиб, бир қуруқ суюкни кўмиб, қабр қилиб, атрофика додлаб югуришиб «от қўйиб» ўйнашган экан.

Улжон, Абай бетоб ётганининг устига, ҳалигиндай қилиқ қилиб, ўзини бу қадар қўрқитган Успонга жуда жаҳли чиқди. Кун бўйи ботқоқ кечиб, ёрилиб кетган оёғини лойга ботириб келган Успонни кўриши блан:

— Келақол! Кел болам! — деб алдаб чақирди, чунки уришиб, жеркиб гапирса, Успон шундай пайтларда қочиб, ёмонлигини қиласерарди. У, ҳеч гапдан хабарсиз, онасига қараб юргурганича, ўчоқ бошидан бир сакраб, Улжоннинг тиззасига тегиб, Абай ётган тўшак ёнига бориб гурс этиб тушди.

Онаси унинг чап қўлидан ушлаб олди-да:

— Сен ҳалиғи қилиқни қаёқдан чиқардинг? Бу яхшиликка күрінмайды деган эмасмидім! Үйда бола касај ётганды, бу нимаси, тентак! — деб шапалоқ блан орқасига солиб-солиб юборди.

Успон, отаси урганда йиғламаса ҳам, онаси урганда йиғи ундан рози кетар эди. Отаси унинг йиғисига парво құлмайды. Энаси бұлса парво қиласы, шунинг учун, қутылиб қолиш керак бўлганда, йиғи солаберади. Ҳозир ҳам товушининг борича йиғлаб-бақириб, уйни бошига кўтарди. Онасининг қўлидан чиқиб, чап томондаги сүяқ қадаб ишланган баланд каравотга чиқиб, мукка тушганича йиғлайберди. Лекин, бу гал қанча йиғламасин, онаси жони ачиб, овитадиган эмас эди, бунга кўзи етди. Шунинг учун охирида кўзида ёш бўлмаса ҳам, онда-сонда бир бақириб қўйиб ётаверди. Ниҳоят йиғи ўзининг ҳам жонига тегабошлагандан бояти қилигини бошлади, ҳар замон:

— Вой жигарим! — деб қўярди. Бу гални бир-икки марта такрорлаб, онаси томонга қараб қўйди. Онаси қўзғалмади, шунинг учун, яна бир бақириб қўйди:

— Вой, жигарим, Абай — деб, чўэди. Абай боши қаттиқ оғриётган бўлса ҳам, беихтиёр кулиб юборди.

Қараса, онасининг каттакон, оғир гавдаси яна қўзғалди. Афтидан турмоқчи бўлди. Успон, онаси ўрнидан турганча бўлмай, тўшакдан иргиб тушиб:

— Вой жигарим Абай! Абай! Абай! — дея эшикка қараб отилди. Онаси ўрнидан туриб, интилганича қола берди.

— Ҳой, ким бор, ушла! Ушлаб келчи ана у тентакни! — деган эди, Успон эшик олдидан бирнечча марта нари-бери ўтди-да жонининг борича югуриб, четдаги уйлардан бирига кириб кетди.

Эшикда онасининг буйругини эшишиб, уни ушлаб бермоқчи бўлиб турган катта акаси Такежон кўриниб қолган эди.

Абай шу ётганича хийла узоқ ётиб қолди. Аввалига бирор — «учинган» деди, бирор — «шамоллаган» деди, яна бирхиллар «тиф» — деди, ҳарким ҳар нима дедиую аннқ қилиб, дарди бу деган киши бўлмади. Абай даволатилмади.

Фақатгина, ётиб қолган кунининг эртасига, энасиниң буйруғи блан бир кекса хотин, кун ботиб бораётган пайтда, Абайни эшикка олиб чиқиб, янги сўйилган қўйнине ўпкаси блан қоқди; юзига сув пуркаб, учиқлаб:

— Кўч, бадбаҳт кўч! Кўч боламдан, кўч! — деб, ботиб бораётган қипқизил қуёшга қаратиб қўйиб, эми-демини қилған бўлди. Абай, бўғинлари дир-дир титраб, боши айланиб, зўрбазур эшикка чиқсан эди; кўз ўнги қоронғи-лашиб кетганиданми, ҳарқалай, ҳозир бутун оламни тутиб ётган қипқизил шу'ла кўзига ўзгача бўлиб кўринди. Эртакми ё тушми? Қандай бўлса ҳам, олам кўзига бошқача кўринарди.

Икки кун ўтгач овул Кўлқайнардан, Чинғизга кўчди.

Кўпдан буён эл-элларнинг катталари, мол эгалари «яйловнинг музи эридими? Ўти етилиб қолдими?» деб, ўтган-кетгандан сўроқлашаётган эди. Тоғ этаклари, бағри кўклагани блан Чинғизнинг у томони, ва қор қалин тушадиган тепаси тез исимас, эрта кўкламас эди. Бутун Тўбуқти элиниңг сувга сероб кенг яйловлари, кўп қўнислари Чинғизнинг у томонида эди.

Қунанбойнинг овули Кўлқайнардан кўчган пайтда ўша ердаги бошқа кўп эллар ҳам дув кўчишган эди. Қуйидаги, ўти мўл қистовлар: Жидебой, Мусақул, Шуйтисувга ўхшаш қўриқлардан ҳам узлуксиз кўчлар Чинғиз томон кетмоқда. Ҳар эл ўз рўпарасидаги Оқ Бойтол, Қўлденинг Жигитик, Шодқолон, Бўкенше каби довонларга қараб йўл олган. Чинғиздаги ба'зи довонларнинг номи, тоғнинг ўша ерининг рўпарасидаги ерларни эгаллаган, уруғларнинг оти блан аталади.

Бўкенше довонига Қўдар блан Жексен қистовининг орасидаги кенг водидан чиқиб бориларди.

Соф бўлса Абай кўчувни кўнгилли ўтказиб, ўйин-кулги блан бўларди. Кўкламда Чинғиз ошиб яйловга кўчиш катталарга, айниқса кўп мол эгалари, блан камбағалларга оғир, ниҳоятсиз меҳнат бўлиб кўрингани блан болаларга сайл.

Ўтган йиллари шу Кўлқайнардан Чинғизнинг орқасидаги Бойқўшқор наҳригача бўлган ўн манзил йўл сайртамошо блан ўтган эди.

Бу йил ҳам йилдагидек кўчилаётир. Йўлдаги қўнисларнинг ҳаммаси белгили: Толдибулоқ, Борлибой, Қизилқайнар. Ба'зи қўнисларга эрта блан тушиб кечқурун ке-

тиларди. Ба'зи құнисда бир-икки күн туриб қолинса ҳам катта уйлар тиқмай «Ұранқай», «Облайша», «Жоппо», «Итарқа» деган, турли-тумаң кичкина капалар тикиларди.

Бу пайтда бутун эл, бор овуллар шу яйловга күчиш сафаридә болаларнинг «овул-овул», «капа-капа» деган үйинини үйнаётганга үхшайды.

Бошқа вақтларда бир-биридан олис турадиган овуллар ҳам шу сафарда бир-бирига құшилиб, аралашып кетар, одамлар, моллар, капалар ҳам құшилиб кетиб, бир овулдан, иккінчі овулни ажратып бўлмасди.

Шу сингари аралашып-қуралашиб күчиш бошқаларга билинмаса ҳам чўбонларга, қўй боқучи, от боқучиларга ғоят катта ташвиш, оғир меҳнат бўларди. Ҳали бирорнинг йилқисига, бирорнинг кўч ортилган отлари, бебош моллари кетиб қолаётган; ҳали бир овулнинг қўйига бир овулнинг қўзилари ма'раганича бориб аралашып кетаётган; ҳали қўйга қўй қўшилиб кетган. Шу сингари тўстўполонда «бармоқ босди», кўз қисди бўлиб, кўп мўмин овулларнинг қўй-қўзиси ўқтамроқ овулларга ем бўлиб кетарди. Ўз молини ейишга кўзи қиймай, бирордан кирган «қўшма», «кирма» бўлса, ўшани кечасининг ўзидаёқ, ичак чавогини ағдариб, хом-хатала, гумдан қилиб, қараб ўтирадиган, кўп балоларни бошлайдиган не-не бошлиқлар бўларди.

Бу сафарга кўп эллар баравар кўчишиб, бирга қўймаса бўлмас эди. Негаким, дастлабки кунларда, Чинғизнинг у томонида бўриларнинг қаттиқ ҳужум қилинши кўп бўларди. Бу ерларда одам бўлмаганлигидан, тоғ орқасида болалаган бўри эл келгунча сичқон, бўрсиқ овлаш блан күн кўриб, мол қоплаб келаётган пайтда, кечаси бўлди дегунча, тиним бермай, қуюндеқ келиб уриб кетарди. Кўп овуллар тонготгунча қўй-қўтанини от блан кузатиб, овул-овулнинг четига узлуксиз ловиллатиб гулхан ёқиб, шовқин-сурон қилиб чиқишарди. Шуларнинг ҳаммаси яйловга кўчиш сафарини бошқа вақтлардаги ҳаётдан ўзгача қилиб юборарди. Кундузи ҳамма от устида. Эркак оти борки, қўлларига найза, сўйил, ойболтларини олиб, кўчни қўриқлаб боришарди. Бу ҳол ёппасига кўчиш сафарини ғазаб блан ҳужумга отланиб кетаётгандарга үхшатарди. Лекин бу йилги кўчув Абайга кўнгилсиз қўриниб, азобу-уқубат бўлиб ўтди. Унинг жонини қийнаётган оғриқ йўқ, лекин соғ ҳам эмас. Юрай деса

боши айланиб, кўзи тиниб, йиқилиб кетади. Бунинг касалига қараб кўчмасликнинг яна иложи йўқ.

Уч кун — тўрт кунда Улжоннинг овулига бир келиб кетадиган Қунанбой кўпинча чиройлик хотини Ойғизнинг уйида ётиб қоларди. Катта хотини Кунканинг уйига ҳам онда-сонда бориб қўярди. Унинг овули бўлак овул. Қунанбой кўпинча ўшанинг кўчи блан бирга кетиб қоларди.

Қунанбой боласининг касали бошланган чоғларида бир марта сўради-да, кейин унутиб юборгандай бўлди.

Абай отга минаолмасди. Юк ортилган туяга миндиришга «туя йиқилиб, юк афдарилиб кетса, бола нобуд бўлади» деб, онасининг кўнгли бўлмади. Қекса энаси блан Улжоннинг ўртасида биттагина арава бор эди. Аслида бу эл кўчманчи бўлгани учун аравани билмас эди. Тўбуқти ичига биринчи марта келган арава Қунанбойнинг онаси Зеренинг кўк араваси дейилса ҳам бўлади. Қунанбой оға султон сайланиб, келаётганида онасига:

— Кўчганди шунга тушиб юр! — деб, Қарқаралидан атайин олиб келган эди.

Бу кунларда тоғлиқ сарда от блан юриш Улжонга ҳам оғир, негаким, ёши улғайиб, оғирлашиб қолган эди.

Улжон ўз тинчини кўзлашни бир чеккага қўйиб, аравага, энасининг ёнига Абайнин ўтиргиазди-да, ўзи бир ёввови бияға миниб, шу араванинг ёнида кетди.

Яйловда Қунанбой овулининг кўпроқ турадиган жойларидан биттаси — Бўтақон ўшоғи, Кўлқайнардан шу ерга йигирма кун деганда етиб келишди. Шу йигирма кунлик сафарда ҳам дарди аримай келаётган Абай энди эндигина ўрнидан туриб юрадиган бўлган эди.

У, энди кўнгли ҳам кўтарилиб, аввалгидек болаларча беғамлигини, ўйин-эрмагини топиб олса керак эди. Лекин ажаб! Бу йил, айниқса сўнгги кунларда Абайнинг болалик ўти ўчиб, ўйин-кулгидан ҳавсаласи пир бўлгандек кўринарди. Бу оғир касалнинг оқибатими ёки сўнгги вақтларда кечирган оғир ҳислари чуқур жароҳат қолдиртаниданми, ё болалик даври ўтиб, катталикка бўй урганиданми, ҳарқалай ора йўлда, на у ёқли — на буёкли бўлолмай, гангиб қолганга ўхшарди.

Бу йил Абайнинг ёши 13 га тўлган эди. Унинг ташқи кўриниши ҳам ора йўлда қолган — бола бўлиб бола эмас, йигит бўлиб йигит эмас: новча, сөёқ-қўли узун; илгари пучукроқ эди, ҳозир бурни хийла чўзилиб қолди; юзи болаларнинг юзига ўхшамаса ҳам, лекин ҳали йи-

титлик акси урган эмас; сохт-сумбати офтоб кўрмай ўсан, ғовлаб кетган ўсимликка ўхшарди. Илгарилар унинг қора тўридан келган юзи олмадек ҳипқизил эди. Ҳозир, шаҳардан чиққанлиги, унинг устига касал қўшилганиданми, ҳарқалай ранги захил тортиб кетган. Сийраккина қўнғир сочининг орасидан бошининг териси оқариб кўриниб туради. Бу ҳам касаллик, қуёш кўрмаганлик аломати. Абайнинг қўриниши унинг ҳозирги руҳий ҳолатига қандайдир мос тушгандай эди.

У от минишга яраса ҳам уйдан кўп чиқмайди. Ўзга болалардан кўра бошқароқ зермак, ўзгача бир дўст топиб олди. У дўсти айниҳса энаси, ундан қолаберса онаси эди.

Абай энасининг ҳикоя айтишга қандай уста эканини шу йилгина билди. У ҳикояни қизиқ қилиб айтади.

Касали бошланган пайтларда, Абай, бир кун кечқурун ўйқуси келмай энасидан ҳикоя айтиб беришни сўради. Шунда энаси ўйланиб ўтириб ҳикояни:

— Фамгин-фамгин кунлар ўтган. У кунларда кимлар ўтган! — деб, қофияга солиб бошлади. Шу Абайнинг қулоғинда қолган экан, келаси гал ҳикоя айтиб беришни ўтинганида, энасининг тиззасига астагина туртиб:

— Ҳа, ... Фамгин-фамгин кунлар ўтган, у кунларда кимлар ўтган,— дерди.

Энаси унга бирқанча эртаклар: «Эдил жайиқ», «Жупар қўриғи», «Қўламерген» деган ҳикояларни айтиб берди. Абай энасига кундузи ҳам, кечқурун ҳам, ҳатто қўчиб бораётганида йўл бўйи ҳам, ҳикоя айтдираберадиган бўлди.

Кейинчалик тузалиб кетгандан кейин, Абай энасидан яна бирқанча ҳикоялар эшилди. Булар энаси Зеренинг ёшлигидан буён кўрган-кечирганлари, эшишганлари ҳақидаги ҳикоялар эди. Эл блан элнинг жангларини, урушларини бирнеча кун ҳикоя қилиб берди. Бундан йигирма-үттиз йил муқаддам Найман элининг шу овулга қилган ҳужумини, ўшанда ўзининг асранди ўғли Бўстонбекнинг ҳалок болганини, яна Найманлардан буларга асир тушиб, бир ярим йил давомида кишанда ётган Кўжамберди деган оқинини ҳикоя қилиб берди ва ўша оқинининг кўп ўланларини ҳам айтиб берди. Яна бир кун у «Қорашўр шопқан» сингари жангларни, ҳужумларни айтиб берди.

Яна бир гал доғ-ҳасрат блан ўтган «Қолқамон-Момир», Энглик — Кебекнинг дард-аламини айтиб берган

эди, Абай бу ҳикояларни зерикмасдан, толмасдан әнтикиб тингларди. Ба'зан әнаси чарчаб айтмай қўйса, ўз онасига ёпишарди. Улжон ҳам кўп ҳикоя биларди. Кўпинча, у ўлланлик ҳикояларни айтарди. Абай ўқимаган онасининг шу кунгача шуларни унутмай, хотиридан чиқармай кела-ётганига ҳайрон қоларди. Онаси Қудирқўжа, Шўртанибай, Шўжейларнинг ше'рларини, васият сўзларини, ҳажвларини ҳам кўп айтиб берарди. Абай, иккала онасини қизиқтириб яна ҳикоя айтдириш ниятида ўзи ҳам, шаҳардан олиб келган китобларидан «Юсуф-Зулайх»га ўхшаш қиссаларни ўқиб берар, ба'зи ерларини кўйлаб ба'зи ерларини ше'р блан айтиб кетарди. Оналари тушунмайдиган айрим сўзларни қозоқчалаб ўқирди. Шунинг блан уларни қизиқтириб, қадимги замон ҳикояларидан яна айтдирап эди.

Зере халқ бошига келган балоларни ҳикоя қилаётгандада, бу даҳшатларнинг ҳаммаси Абайнинг кўз ўнгидагавдаланар эди.

Ёшлигидан ҳикоя ва эртакларни севган бола, шу кунлари, шу ёз кўп ҳикояларни эшишиб, кўп нарсаларни билиб олгандай бўлди.

У, әнасининг ҳикояларига жони·дили блан берилиб юрган кунларининг бирида, буларнинг уйига иккита бегона меҳмон келиб тушди. Меҳмонларнинг бири кекса, иккинчиси ёш эди, ёш меҳмонни Абай танир эди, уни кўриши блан севиниб кетди. У ўтган йил яйловга келиб, буларнинг уйида уч кун туриб, «Қўзай-Кўрпеш-Баян»ни кўйлаб берган Бойкўкше деган оқин эди. Унинг ёнидаги кекса одамни Абайнинг ўзи танимаса ҳам онаси яхши билар экан.

Улжон меҳмонлар блан кўришиб, ҳол-аҳвол сўраб бўлганидан кейин Абайга қараб жилмайди-да:

— Ана, болам, энанг блан мени ҳеч қўймас әдинг, ҳикоя блан ше'рнинг кони энди келди. Бу киши Дулат оқин бўлади,— деди.

Оқ сариқдан келган, оппоқ чўққи соқоллик, товуши жаранглаган, кўркам гавдали Дулат оқин эшиқдан кириши бланоқ Абайга ёқсан эди. У бирхил, билганини сир сақлаб, индамай, ичимдагини топ деб ўтирадиган эмас, бир нафасда гап бошлаб кетадиган, бетакаллуф, хушчақ-чақ, беғубор одам эди. Гўё шу уйда кўпдан бўён турган, шу овулнинг одамидай бўлди қолди.

— Эй, болам, «оқин сўзи сувдек тўкилган, тингловчинг бўрдек эмган» дегандек, сўзлашни ҳам, тинглашни

ҳам севадиган эл-элда. Эшитишдан сен зерикмасанг, айтишдан Бойкүкше ҳормайди! — деб ёш ҳамроҳига қараб кулиб қўйди.

Яйловга келганларидан буён бегона меҳмонлар кўп келар эди. Дулат Сибон элидан бўлиб, улар ҳам яйловга кўчиб, шу яқин ўртага ўришган эканлар, Дулат шундан фойдаланиб бу ерга ёр жўраларини кўргани келган экан. Иўлдан унга «Мамай» элидан бўлган Бойкүкше қўшилибди. У Дулатнинг шогирди бўлиб ҳар йил, шу сингари унинг ёнида юриб, бирнече ойларни бирга ўтказишарди.

Икки оқин уйдагиларнинг хуш чирой блан қарши олганини кўриб, осонгина ечилишди. Шу кеча овқат пишгунча Дулат «Қўбланди ботир» достонини кўйлаб берди. Бу достон Абай на қозоқлар оғзидан, на китоблардан, умрида эшитмаган ғоят гўзал, ғоят та'сирли, ҳаяжонли достон эди. Дулат достонни битириб, қўл ювишга турганда Абай:

— Буни ким айтган? Шу ўланни ким чиқарган экан? — деб, ўзини шунча қувонтирган оқиннинг номини билмоқчи бўлди.

— Бунинг айтилганига жуда кўп замонлар бўлган дейишади-ку, болам, лекин Жонекенг ҳудди ҳалигидек қилиб, кичик ўрданинг Марабой деган оқини айтган дер эди. Дулат Жонекенг деган оқин Жоноқ оқин эди.

Достоннинг айниқса Қўбландининг хайрлашуви, унинг оти Тойбурилнинг отилиб жангга кириши, Қозон блан Қўблондинг яккама-якка олишиши, сингари жойлари Абайнинг элтиб қўйгандай бўлди, ўрнига ётгандан кейин хийла вақтгача ҳаяжондан ухлай олмади.

Эртасига Улжон Дулат блан Бойкўкшени юбормади.

— Қўйсангиэчи, шошмасдан уч-тўрт кун туриб, меҳмон бўлиб кетасиз-да.— деб олиб қолди. Бу Абайнинг истаги эди. Абай авваллар йаассурот китобда, билимма'рифат мадрасадагина, яхши дастонлар Низомий, Навоий, Фузулийдагина, юрак ше'ллари Шайх Са'дий, Ҳўжа Ҳофизда, қасида эса Фирдавсийда деб ўйлар эди.

Қозоқларда Осонқайғи, Бўқар жиров. Марабой блан Жоноқлар борлигини, «Баян-Кўрпеш». — «Оқбола — Бўздақлар»дек не-не достонлар борлигини билмас эди.

Тилини яхши билгани, унда тасвир этилган ҳаёт таниш бўлгани учунми, ё Дулат блан Бойкўкшенинг галмагал айтишаётган достоннинг тоҳ парвоз қилиб кўкка

күтарилиб, тоҳ пастлаб оҳисталашиб, тоҳ тўлқиндеқ қалқиб оқадиган оҳангда айтаётганиданми, ё дўмбиранинг муңгли садосиданми, ҳарқалай Абай шу кунга қадар жаётида мана шу Дулат, Бойкўшелар айтган достонларга тенг келадиган нарсани эшишмагандай эди.

Абай кечаю-кундуз Дулатнинг пинжидан чиқмай қўйди. Икки оқин Улжоннинг уйини, шу атрофдагиларнинг уйин-кулги уйига айлантириб юборди.

Тушга яқин биялар боғланиб бўлгандан кейин ҳамма қимиз ичгали келади, кайф қилиб ўтириб, достонларни эшишишади. Оқинлар кундузи мудом узун достонлар, орачўра донишмандлардан қолган дурдона сўзлар, басмабас айтилган ше'рлар, асқияларни айтишарди.

Одамлар тарқалиб, ўзлари ёлғиз қолишганда, Дулат ўзининг достонлари, ўз замондошлари — Шўртанбой, Шўже, Синанбой, Болта, Алпис оқинларнинг ше'рларини терма қилиб айтиб кетарди.

Дулат, буларнинг ичидан, ҳалқ дардини ва замон аҳволини кўйлайдиган сўзларни алоҳида завқ блан айтиарди.

Абай блан оналари кечқурунлари эшишадиган достонларининг кўпи Дулатнинг ўзи севадиган, тинглагучини маҳлиё қиласидиган бебаҳо сўз маржонлари бўларди. Шу пайтларда Дулат Абайга кундузги Дулатдан бошқа, ҳазил-аския, уйин-кулгининг кетига тушган ҳушчақчақ Дулат эмас. Кечки пайтларда у, бир буюк устод бўлиб кўринарди.

Шундай пайтларда у ёрилиб:

Уларнинг сири теран ва тубсиз,
Олис-олисдаги тумак сингари,
Кўнглимни қайғулар кемирар чексиз,
Оқолмас булоқдай ўйларим бари..
Тошиб, қирғоқ ошиб оқкан сел дар'ё,
Дулат ўланлари дар'ёдир гўё.

Деб, ўз дардини ҳам қофияга солиб айтиб кетарди.

Абай ба'зан онасидан бунивғ қайғиси, дарди нима — деб сўраганда онаси:

— Бунинг фазилати вўр, бўлмағур ишларни мақтамайди, тама' қилиб эл кезадиган оқинлардан эмас. Бунинг гапларини қунт қилиб эшиш! — деб қўярди.

Абай унинг сўзларини зўр диққат блан тингларди.
Булар замоннинг улуғлари, бекларнинг қилмишларини
кўриб айтилган гаплар эди. Бир терманинг ичида Дулат:

Оға султон, қозининг
Ишидан әл қақшайди,
Овулдаги амалдор —
Угри, ёвуз ва айёр,
Нуқул ўлник излаган
Шум қузғунга ўхшайди,

деб қистириб кетди.

Абай отасининг уйда йўқлиги эсига тушганда, «келмай турса яхши бўларди, юра турса экан» — деб қўярди. Ҳақиқатда ҳам Дулатлар келгандан буён, Қунанбой бу ерга келмаган эди. У бир тўп казо-казолар блан элни айланиб келгали кеттап. Улжон ҳам шунинг учун Дулатларни юбормай олиб қолган эди. Оқинлар Қунанбой борида бунчалик очилиб-ёзилиб ўтираомасди.

Дулат «улуғ, бек» деганда, кимни назарда тутади — буни очик айтмайди. Лекин Абай унинг бу хилдаги ше'рларини онглайди. Бунаقا одам унинг кўз олдидা... Лекин Абай ҳам кўнглидаги бу гапларни ҳечкимга изҳор қилмайди.

Олганда ҳоким буйругин,
Путига қисиб қўйругин,
Ҳаллослаб, елиб-йўртади.
Ўзи элни қўрқитиб,
Ўндан ўзи қўрқади.

«Бу — старшин Мойбосар» деб ўйлади Абай

... Ҳоким келса бош солар,
Бир бузоққа — ўн олар.
Камбағалда қўймас мол,
Айёр, пишиқ... Ол, ҳа ол!
Қара солиқ ва улпон,
Бирдек қашшоқ ва баён,
Ўғри солиқ тўплайди,
Камбағалнинг топганин,
Қон, тер тўкиб йиққанин,
Оқар сувдай ҳўплайди,

деди Дулат ва «оҳ» тортиб юборди.

Дун'ёда бундай дард-аламлар борлигини Абай авваллари билмас эди. Осонқайғи, Шўртанбой, мана бу Дулат

жаммасининг ҳам сўзлари келиб қуйиладиган оқин — бир.

Симоси, тахлити аниқ бўлмаса ҳам, ҳарерда оҳ уриб, ҳасрат тортаётган, кекса энаси каби кўп яшаган, кўпни кўрган зўр бир аламзада бор. У ким-анигини, қаерда эканлигини, нималигини Абай билолмайди.

Абай бир томондан ўзи осилиб, иккинчи томондан онаси орқали та'сир қилиб, Дулат блан Бойкўкшени бир ой юбормай олиб қолди. Шу вақт ичидаги Дулат ва Бойкўкшени биратўла дўстлашиб яқинлашиб олди; кейинчалик Дулатнинг қўйнига кириб ётадиган ҳам бўлди. Қундузлари, жонининг борича, уларга хизмат қиласади. Унинг зийраклигини, қобилиятини кўриб чин кўнглидан шодланган Дулат бир куни уйда ҳечким бўлмаган вақтда:

Чирогим, эр етарсан!
Эр етгандা, нетарсан!
Олис-олис кетарсан,
Чинлансанг ва чолишсанг.
Чин чўққига етарсан!

— деб Абайга дўмбирани узатди.

— Мана, ўғлим, шу сенга берган фотиҳам бўлсин. Чин кўнглимдан айтиаётиман! — деган эди, Абай ўнгай-сизланиб кетди-да индамади. Бу гап Дулатлар эртага кетадиган куни, овқатдан олдин, бўлган эди. Эртасига оқинлар отларини эгарлаб, жўнай деб турганларида, Абай оиасини эшикка чақириб олиб:

— Опа, иккаласига ҳам манзур бўладиган бирор нарса бериб жўнатсанг яхши бўларди! — деди. Улжон индамади.

Меҳмонлар қимиз ичиб бўлиб, энди хайрлашай деягандарига, Улжон Дулатга қараб, айтадиган гапи бор одамдай бир вазият олди. Меҳмонлар тўхташди.

— Мана бу болам ўқишдан келгандан бўён бир касал бўлиб, асти дарди аримаётган эди. Сизлар келгандан бўён, айтиб берган яхши гапларингиз блан шифо топди, қадами қутлуғ меҳмон бўлдингиз! — деди.

Ҳақиқатда ҳам Абай шу кунларда ўзини дарди-касалидан халос бўлган, куч қувватга киргандай ҳис қиласа бошлаган эди. Онаси индамаса ҳам, очиб айтмаса ҳам

¹ Улгаярсан, йигит бўларсан.

жаммасини күриб, сезиб юрар экан; бир нафас тұхтаб, яна давом қилди:

— Келиб-кетиб юринглар. Қекса энасі блан бизларға ҳам анча даф' савдо бўлди. Оқ йўл берсин! Келганларигиз учун, қуруқ бўлмасин деб, иримига бир нарса боғлатиб қўйдим. Ола кетинглар!.. Хафа бўлмасдан рози бўлиб кетинглар!— деди.

Абай меҳмонларни кузатгани эшикка чиққанида Дуллатга аatab бир семиз кўк отга, Бойкўкшега аatab бир семиз тўриқ ғуナンга нухта уриб, ушлаб турган отбоқар Беркенбой блан Жарқинни кўрди.

Икки оқин икки отни етаклаб, яна «хайр, хайр» дейишшиб жўнаб кетишли.

Абай онасидан ғоят хурсанд бўлиб, ёш болалик чоғидаги эркалигидан қилиб, унинг тўлиқ гавдасини қаттиқ қучоқлаб йиқитаёзиб, юзидан, бурнидан, кўзларидан қайта-қайта ўпди.





ҚАТ-ҚАВАТДА

I

Бу йил Қунанбойнинг овуллари ҳам, яқин қариндошуруглари ҳам кузни бошқаларга қараганда эрта кутиб олди. Илгарилар кузовдан бир қор тушмагуңча күчмас эди, бу йил октябрь ойининг ярмига етар-етмас, қистовга қараб кетди.

У Жигитек, Котибақ, Тўпой, Тўргай сингари атрофидаги ўтирган ўзининг қўлостидаги қариндош элларга ҳам кўчиш-кўниш ҳақида бирор нарса демай, кетаберди.

Суюндиқ бунга ҳайрон бўлиб, Бўжейнинг уйига меҳмон бўлиб келганида ундан:

— Қариндошингнинг сирини била олдингми? Нега бу йил бир ерда қарор топмай қолди-а? — деб сўради.

Уйда Бўжей блан Суюндиқдан бошқа, Тўсип ҳам боради. Бурни катта, чўққи соқол, товуши йўғон Тўсип Жигитек элининг Бўжейдан кейинги му'табар одамларидан бири эди. У:

— Бундай одати йўқ эди. Нега бундай қилаётir, ё кузовдаги ўт тамом бўлдими? — деган эди, Бўжей унга қараб истиҳзо блан кулди. Суюндиқ «Бўжейнинг бир гапдан хабари бўлса керак» деган хаёлга бордида, унга қараб:

— Эй... Бўлмаган гап, кузовнинг ўти тамом бўладиган ўтми, тутиб ётибди,— деб қўйиб, яна:

— Ҳақиқатда ҳам, моли энди тўйинниб келаётганда злбуритдан қистовга борса, қишида моли нима ейди? Унинг кузовдан бунчалик эрта жўнашида бир гап бор!— деб, ўлланиб туриб, Бўжейга:

— Е сенинг бирор гапдан хабаринг борми? Гапирсангчи,— деди.

— Нима, мен блан маслаҳатлашиб қўйибди дейсанми?

— Маслаҳатлашиб қўймаган бўлса ҳам унинг сирини сен яхши биласан, ичимдагини топ деб ўтирмасдан, ёрилиб гапирсангчи ахир!

— Қунанбой кўкламда эрта кўчса, Увоқ элининг ерига чанг соглали кўчган бўларди. Яйловга эрта кўчса, Керей элининг қўнисини кўзлаган бўлар эди. Лекин қистовга қолганда, отининг оёғи етадиган қистов борки, ҳаммасини ўзига қаратиб олган. Ҳали Тнейнинг бургутидек¹ ўзимиизга чанг солиб юрмаса дегин — деб, Бўжей бир хавфнинг учини чиқариб қўйди-да, индамай ўтираберди. Суюндик Бўжейнинг гапидан ташвишга тушиб қолди. Лекин Қунанбой босиб олади деб хавф қилинадиган жой йўқ эди.

— Азизим, икки ямлаб бир ютиб бўлди-ку. Жуонтаёқ элини ҳайдади. Анет элидан оладиганини олди. Кўкшени ҳам хўб шилди. Яна ким қолди? Кузовдаги Тақириумадан тортиб, то яйловдаги Бойқўшқаргача, ўтиз қўниб бориладиган ер ўшанинг кўклам яйлайдиган ери, кузови, қистови, яйлови-ку!

Иргизбойлар блан солиштириб қараганда, Жигитекларда қўнис ҳам кам, яйлов ҳам тор. Тўсип учун халқ ичидаги ўзга сўзларнинг ҳаммаси ҳам биру, шу жиҳати ҳам бир эди. У Қунанбойнинг Суюндик айтган қўнисларини кўз олдига келтирди-да:

— Қўйингчи, ҳар қадамда биттадан қўнис-а!— деди. Суюндик айниқса бу жиҳатдан Жигитек блан ҳамдард эди.

— Яна қўнис бўлганда ҳам, қандай денг! Ўти беяга урадиган ўтлоқлар, атрофи қулл уриб, гуллаб турган

¹ Тней деган овчининг афсанавий бургути, у ўз эгасига чанг солиб титиб ташлагая экан.

ұланлик күллар, тұлиб тошиб оқадиган сувлар, суви күм-күк булоқлар.

Бутун бошлиқ бир әл битта булоқнинг бошига уйма-лашиб үтирса, унинг ҳар овулига биттадан катта сув тегади.

— Шуларнинг ҳаммасини шу қадар қисқа муддат ичиде босиб олди. Яна нима ҳаққи қолди!!

— Шуни айтинг, яна нима ҳаққи қолди десангизчи?!

Бўжей буларнинг сўзига аралашмасдан, бир чеккада қулоқ солиб үтиради, энди бу гаплар кор қилгандай, тўсатдан қайрилиб:

— Оббо, иккаланг ҳақ улаштирадиган бўлганингда айтарсан бу гапларни! — деб, қўлини силкитди.

— Гапираман десанг гап кўп, лекин гапдан нима чи-қади? — деб қовоғини солиб Тўсипга қаради.

— Дармон йўқда, армон кўп,—деди яна, лекин армон озиқ бўладими! Қўлингдан бир иш келмагандан кейин гапирдинг нимаю, гапирмадинг нима!

Унинг бу «армон» дегани ўзининг ичини емириб, еб бўлган, буни Тўсип яхши биларди. Тўсип блан Бўжей-нинг отоқли бобоси Кенгирбойнинг қабри Шийнинг бўйида. Жидебой Барак деган катта қўриқлар ҳам ўша ерда. Қунанбой қистов қиласман деб, ҳатто ўша ерларни ҳам олди... ўша вақтда Бўжейга фоят алам қилганидан олишиб кўрмоқчи ҳам бўлган эди. Лекин Қунанбой дарров Тўсипни чақириб, чорасини кўриб қўйди. Тўсип Бўжейга насиҳат қилиб, уни босиб қўйган эди. Қунанбойга қарши бош кўтаришга Бўжей учун энг қулай пайт шу эди, броқ, шу пайтни ҳам қўлдан бериб қўйиши: Кейин-чалик неча-неча зардаси қайнаб Тўсипга гапнинг очиғини айтганда:

— Қунанбой блан сўзлашиб бўлганимиз, энди амалда кўрсатишдан бошқа чора йўқ. Азamat бўлсанг амалда кўрсат! Қўлингдан келмаса, эски одатингни қилиб бўйин эгавер! — дер ва бу фикрини Суюндикка ҳам сездиради. Яна жигитекларнинг ичидаги ўзинияг бир суюнчиғи Бой-далига ҳам айтиб қўярди. Бу гапларни ҳарқайсисига холи ўринда айтарди.

даги қистов-қистовларига тарқалишмоқчи бўлганида Қу-
нанбойдан фармон келди:

«Хабар бормагуича кўчилмасин, тарқалишмасин!» деб
юборипти. Ўзи, ёнига Мойбосарни олиб, Чинғизга кетиб-
ди. Чинғиз у қадар йироқ бўлмаса ҳам, Қунанбой кун
бўйи от устида юриб, кечқурун қайтиб келди; келиб кат-
та хотини Кункенинг овулуга тушди. Бу ерда бугун
«насиба» олиб келган хотин меҳмонлар кўп эди. Улар-
нинг ичидаги Қунанбойнинг кичик онаси Тонгшўлпон, яна
кексайиб қолган янгаси Бўпайлар ҳам бор эди. Булар
блан бирга, Ирсойнинг онаси, Жумоннинг онаси, Жўр-
торнинг оналари ҳам келишган эди. Буларнинг ба'зи-
лари Кункега овсин, ба'зилари келин эди.

Буларнинг йигирмага яқин бўлган овуллари кўпдан
бери алоҳида кўчадиган бўлиб қолган. Буларнинг кўпчи-
лиги Йргизбойнинг кичик хотинларидан тарқалган қарин-
дошлар блан, Ўскенбой¹ нинг кичик хотинларидан туғил-
ган қариндошлар эди.

Қунанбойнинг овулларига шу овснлар, келинлар
йилига икки марта насибз олиб келишади: бир марта
кўкламда — Қунанбойнинг овуллари яйловга кўчар олди-
да — қиши бўйи йироқда бўлиб, кўришаолмай юрган хо-
тинлар, ёз чиқиб бир жойга тўпланганларида Зеренинг
катта уйидан бошлаб, Кункенинг уйигача бир-бир келиб
кетишади. Иккинчи марта қистов-қистовга келаётган чоғ-
ларидаги келишади.

Қунанбой келгунча, бемалол, хандон ташлаб кулишиб,
ечилишиб ўтирган хотинлар Мойбосар келиб, Қунанбойга
ёшик очганда жим бўлиб қолишиди. Эркаклар тўрга чи-
қиб ўтиргавларидан кейин, фақат Тонгшўлпонгина:

— Мана бу оналаринг, янгаларинг сенга отаб қўйган
нарсаларини олиб, кўргали келишиди. Энди қистов-қис-
товга тарқалмоқчи бўлишаётир. Бўтам, кекса энангнинг
насибасини алоҳида олиб келдик! — деб, Зерени ҳам
эсига олди.

Каттадан кичик ҳамма Зерени «кекса энанг» дегани
учун Тонгшўлпон ҳам сўнгги йилларда ўз кундошини
шундай деб атарди.

Қунанбой индамади. Тонгшўлпон шаддод ва ўқтам
оналардан эди. Унинг ёш келинчаклик чоғида, йилқига
ёв текканда, яйдоқ отга миниб, қўлига найза олиб ёвга

¹ Қунанбойнинг отаси.

қарши чопганини ҳамма билар эди. Унинг ўзининг уйлик, жойлик тўрт ўғли бор. Шу сингари кўп ўғиллик кичик хотинлар ўз-ўзидан ўқтам бўлиб кетади. Қунанбойнинг индамай ўтириши Тонгшўлпонга ма'қул тушмади. У бир қўзғалиб қўйиб:

— Атаган насибамизни Кункега олиб келганимиз йўқ, ёш бўлсанг ҳам бош бўлдинг, сенга олиб келганимиз. Эртага қистов-қистовга тарқалиб кетамиз-да инга киргандек ётиб оламиз. Хотинларнинг қуни шу-да. Иш ўтгунча омон бўл, тилагимиз шу. Дуои жонингни қилиб ётишдан бошқа нима ишимиз ҳам бор! — деди.

Қунанбой энасига қараб, жимгина, бош эгди ва бироздан кейин:

— Тарқалиб кетамиз деяпсизми? Бордию тарқалиб кўчмасакчи, унда нима қиласиз? Ҳали яна бир марта насиба олиб келишга тўғри келмаса денг! — деб, жилмайиб қўйди.

Қунанбойнинг жилмайганини кўриб, уйдаги хотинлар ҳам жилмайишди. Новча, озғин, рангида қони йўқ Кунке эрининг чиройи очиқлигидан фойдаланиб:

— Мен бугун юкларни ештириб, ўтовларни тикирмоқчи эдим, нима бўлди, яна бир кўчиш борми? Одамларни ҳам, ўзимизни ҳам ҳалак қилиб қўйдингиз-ку! — деб Мойбосарга қаради.

— Мана энди икки марта насиба ейдиган бўлдинг «ҳалак»лиги борми? — деб, қайниси Мойбосар ҳам кулиб қўйди.

— Юкларни ештирма, уйларни ўрнатаман деб уринма! Эртага яна кўчасиз! — деди Қунанбой.

— Ҳа, бўтам, яна қандай кўчиш? — деб Тонгшўлпон ҳайрон бўлиб, Қунанбойга тикилди.

— Ҳаммангиз бирга кўчасиз. Эртага эрта блан Чинғизга кўчамиз. Қўнис қараб келдик. Овул-овулингизга бориб айтинг! Нарсаларни боғлаб, ҳозирлана беринглар! — деди Қунанбой.

Эртасига эрта блан Иргизбойларнинг йигирма овули дув кўчди, Чинғизнинг қоқ бағрини кўзлаб жўнади.

Кўчлар узилмасдан, чўзилмасдан, бир тўп бўлиб юрди. Бошқа вақтларда кўч деган турна-қатор бўлиб борарди, ҳозир булар, тўпига лочин теккан ёввойи ўрдак тўдасидек ғужғон бўлиб борарди. Кўчиш тўсатдан бошланди, Қунанбой тонг отар-отмас ошиғич равишда буйруқ бериб:

— Ивирсимай тезроқ бўлишсин! Чувалишмасин! Баравар қўзғолишин! — деб, овул-овулга одам чоптирган эди.

Қизилшўқидан Чинғизга қараб кетадиган сўқмоқнинг чап томонида бир тепа бор эди, Қунанбой ёнига Мойбосар, Қамисбой ва Кункенинг туғилган катта ўғли Қудойбердини олиб, ҳамма отлиқлардан ўтиб шу тепага чиқди. Үнинг остидаги тўриқ оти тепаликда қулоғини чимириб, орқада келаётгандарга «юрсангларчи» деяётгандай кишнаб турарди. Қунанбойнинг ўзи ҳам, одамларга айтадиган бир гапи бор кишидай турарди.

Ҳали қуёш чиқмаган, фира-шира. Йигирма овул юкларни ортаётгандан товуш чиқармай ҳаракат қилган бўлса ҳам, йўлда, ма'рашиб бораётган қўзиллардек, турлитуман товушлар кўтарилиди. Ҳали юқ ботган тия бақиради, ҳали онасидан адашган бўта бўзлайди. Овул-овулнинг қопаған итлари бир-бирига ириллашади, кўчни олиб бораётган йигитлар кўч атрофида от чоптириб шовқинсурон қилишади. Йиғлаётган болаларнинг, уришаётган оналарнинг, товушининг борича ҳай-ҳайлаб мол қайтараётган чўбонларнинг, ёш-қариларнинг товуши бир бўлиб, кўкка кўтарила бошлади.

Кўчлар баравар қўзғалган пайтда, Қунанбой Қамисбой блан Қудойбердига:

— Бор, иккаланг дарров бориб, шу кўчларнинг бошлиқларини чақириб келинглар! — деди.

Қудойберди блан Қамисбой дарров от кўйиб кетишиди. Новча хипча бел ёш йигит Қудойберди, кенг яғринлик Қамисбой тепаликдан пастга тушиши блан отини чоптирганича йўлнинг олдини тўсиб боришишоқда эди. Иккаласи бир нафасда бориб, кўч-кўчнинг олдидағи эркакларга учрашади-ю, яна отини елдирганича кўчни бўйлаб кетади. Булар учрашган ҳар тўпдан биттадан, иккитадан эркак айрилиб чиқиб, ўша тепаликка қараб от чоптиради. Улар Қунанбойнинг кутиб турганини кўриб, ўпкасини қўлтиқлаганича, отига қамчи босиб, тезроқ етиб боришга интилишарди.

Қудойберди қўчнинг у бошига етгунча, Қунанбойнинг олдига йигирма-ўттизга яқин отлиқ тўпланиб қолган эди. Қузнинг салқин кунларидан бири, шамолсиз тип-тинч. Осмонда булут ҳам йўқ. Сўнгги отлиқлар Қунанбойнинг ҳузурига етганда, эриган чўяндек, учқун отиб, ярқираб чиқиб келаётган каттакон қуёш йироқдаги Орқат тоғишинг чўққиларига минабошлаган эди.

Кўчнинг олдига кўндаланг тушиб, бирининг орқасидан иккинчиси қад кўтариб юксалган силсилалари блан уфқгача чўзилиб буюк Чингиз тоги ётарди. Бу катта тоғнинг баланд чўққиларини қуёш шу'ласи бир нафасда тилла сувига ботирди. Тоғлар тун ёпигини очиб ташлашди. Осмонда кўчдан чўчиб учган бўз тўргай, қора тўргайлар қанот қоқиб чирилламоқда; кўч устида ғужғон ўйваб қилаётган наволари ҳавони титиб турарди.

Кўкда қаторлашиб кетаётган, кўз илғар-илғамас бир гала турна видо'лашаётгандай «қурру-қурруқ» деб ўтиб кетди.

Кудойберди блан Қамсибой остидаги бўз отини пишқириби, қора терга ботириб, энг сўнгги кўчнинг бошлигини бошлаб келганиларида, тепаликдаги Қунанбойнинг ёнида элликтacha одам бор эди. Кейин келган уч кишининг бири Қунанбойнинг яна бир кичик онасидан туғилган иниси Жақиб эди. Қунанбой унинг саломига алик олдида, «кетдик» деб, тизгинни силтади.

Булар бир гала бўлиб, сўппайиб турган тепани босиб ўтиб, Чингизга қараб кетишди. Кўчлар четдан, ҳали шошмасдан бормоқда эди. Бир тўда отликларнинг ўртасида Қунанбой кетмоқда.

Икки томонда казо-казо қариндошлари, Уркер, Мирзатой, Жўрторлардек отаси блан туғишган оғалари, кичик оналаридан туғилган Жақиб, Мойбосар, Ирсоллардек суюнчиқлари, яна бирқанча ивилари, қариндош-уруғлари.

Қунанбой ўз онаси — отасининг катта хотинидан ёлғиз ўғил, элга бош бўлиб келган отасининг ўрнини бостган ўғил. Аркони давлат, имру фармон, бийлик шунинг қўлида. Еш жиҳатдан ҳам кўп оғанииларига қараганда катта. Шунинг учун ҳам, бобоси Иргизбойдан тарқалган мана шу йигирма овулнинг ичидаги шу кунга қадар бирор киши Қунанбойнинг сўзини иккита қилган, ҳатто арзинозини ҳам ботиниб очиқ айтаолган эмас. Қунанбой бирорларга ҳужум қиласидиган, лашкар тузадиган, қаҳру газабини ишлатадиган бўлиб қолса, бу қавмнинг ичидан бирортаси бош тортмайди. Ҳамма чўғдек йигилиб зўр куч бўлади. Ер олиш, эл олиш, осонлик блан қўлга мол киргизишга қолганда, булар Қунанбойни дарҳол онглашади. Кундош устига кундошдан туғилган бўлгани блан Қунанбой буларнинг ўртасидаги низо'ни бир зумда кўтариб ташлаб, бошини бириктириб туради. Гина сақловчилярни ўлжадан, фойдадан маҳрум қилиб, жазолаб

ўзига бўйсундириб олади. Бир ёқадан бош чиқариш нақадар фойдали иш эканини уларга хўб уқтирган. Шуни онглаганларидан буён, Иргизбой авлодики бор, бир жон, бир тан.

Сўнгги кунларда, ўзаро айтишиб юрадиган кундошлар ҳам, ичидаги фаразини юзага чиқаролмайдиган бўлиб қолган. Уларнинг кексаларини ҳам, ёшларини ҳам ё оға-инилари, ё эри, ё боласи дамини ўчириб, босиб қўядиган бўлган. Бўйсунмаганларини ё эрига, ё бирорта қайнисига урдириб, ўзгалари четдан қараб туриб «Хўб қилдинг, хўб қилдинг» деб туришади.

Бутун инон-иҳтиёларини Қунанбойнинг қўлига берган йигирма овул бир уядан чиққан бўриларга ўхшар эди. Бутун Тўбуқти элининг ичиде ўзларини ҳечкимга бермайдиган, қўлидан ҳар иш келадиган бўлиб қолишларининг сабаби ҳам шу эди. Кичкинагина, сафи мустаҳкам бўлганидан кейин, ўзларидан бошқа уруғлар — Тўпой, Тўрғай, Котибақни ҳам ўзларига тортиб, қанотлари остида олиб юришарди. Анет, Жуонтаёқ, Соқ-Тўғалоқ, Кўкше сингари сони кўп, қудрати йўқ уруғларни ҳам ўз атрофларига тўплаб, танобини қўлига ушлаб олган. Иргизбойлар лозим топтандан шу сингари уруғларга қиз берниб, қиз олиб «узун арқоқ — кент тузоқ» қурниб қўйишарди. Ба’зиларни ўзлари жўрттага киш-кишлатиб, бир балога тақиб, ундан яна ўзлари қутқариб олган бўлиб ҳам, ўзларига қаратиб олишарди.

Шундай қилиб, кам жамоа Иргизбойлар кам деганда бошқа 20 қабила блан чатишиб, чирмашиб кетди. Узун томир ёди. Қунанбойни Қунанбой қилган мана шу бўлди. Қунанбойни қуршаб келаётган Иргизбойнинг шу бир гала казо-казолари:

«Қаерга кўчаётимиз? Нега кўчаётимиз?» деб сўрашмас, улар, одатдагидек, «зиён келтирадиган, беҳуда ишга бошламайди! Боргандা билармиз!» деб қўяқолишарди.

Қунанбойнинг икки томонга бош силкитиб, орқаси елиб юрадиган узун, тўриқ оти тўпдаги бошқа отларни беихтиёр тасқоқлатиб, йўргалаб тўпдан бироз олдинда борар эди. Битта-яримта ёшининг оти бехосдан ўзиб кетгундай бўлса, ёнидаги катталар: «Тўхта!», «Чекин!» деб, жеркиб ташлар эди. Қунанбой ягона кўзи блан ўнг-сўлни қараб олди. Бу тўпнинг ичиде Иргизбойлардан бошқа ҳечким йўқ экан. Гарчи булардан ҳарбирининг овулида бошқа уруғлардан келиб, қўшни бўлиб, мол бокучи,

чўбон бўлиб юрган «келгиндилар» кўп бўлса ҳам, улар бундай тўпга қўшилмайди. Улар фақат хизматда. Қунанбой шу юрганича тўдасини бошлаб, кўчнинг олдига тушиди.

Қунанбой, йигирма овулнинг йигирмата бошлиғига Чинғизнинг қайси водиси, қайси қистовига бориб тушиши айтиб қўйди. Унинг сўзи маслаҳат, кенгаш эмас, фармон тарзида бўлар эди.

Олти кундан кейин шу Қунанбой овулларининг кўчи ўтган йўл блан яна бир гала кўч юрди. Бу Бўкеншे ва Бўроқнинг кўчи эди. Булар ҳам Қизилшўқидан ўтиб, Чинғизга кирмоқчи бўлиб келишадиган эди. Кўчиб бораётганларнинг сони кўп бўлса ҳам, моли кўп эмас эди. Булар чўғдек тўпланиб кўчмай, тарқалиб,чувалиб, ҳаммаси ўз ҳолича келаётган эди. Кўч атрофида от минган одам оз. Ҳар кўчда битта-яримта эркак блан кўч бошлаган кекса хотинларгина от минган. Улардан бошқа бола-чақа, чол-кампир ва ёш хотинларнинг кўпчилиги юк ортилган тяяларга минган. Булар гўё отларини ўтловга юбориб, қишида миниладиган отларинигина олиб қолган элларга ўхшарди.

Буларнинг ичидаги битта-яримта тойлаққа, ҳўқизга минган эркаклар ҳам кўринарди. Кўчиб келаётган кўп ҳалқнинг ичидаги икки-уч овулнинг кўчигина бошқача бўлиб, айрилиб турибди. У Бўкенше уруғидан Суюндик ва Сугирларнинг кўчлари, Бўроқ уруғидан Жексеннинг кўчи эди.

Шу сўнгги кўчларнинг олдида Суюндик, Сугир, Жексен, яна бошқа ёши-қари бўлиб, 20 тача одам келаётди. Буларнинг ичидаги ҳазилкаш, хушчақчақ, суҳбатлашиб, кулишиб келаётган одам йўқ. Нуқул тўн, чакмон кийган ғамгин тўпнинг чиройи ҳам, ҳозирги куз кунининг кўнгилсиз, ғамгин ҳавосидек гунгурт, сўнук. Айниқса, Суюндик блан Сугир, Жексенлар серташвишроқ кўринарди. Кўпчилик ўшанинг оғзига қараса ҳам Суюндик тортиниб-гина:

— Бориб кўрайликчи, бетма-бет сўзлашайлик. Жавобини ўз оғзидан эшитайлик! — дерди.

— Нима бўлса ҳам бориб кўрамиз-да!

— Қани, қандай жавоб, қандай важ кўрсатар экан. Ўзидан эшитайлик! — деб, Сугир блан Жексен ҳам унинг гапини қувватлашди. Бу тўпдаги ёшу-қарининг қовоғи тушиб борарди.

Қунанбой кузовдан эрта қайтиб кетгач, бошқалар ҳам одатдагидан ташқари, қўйларини эрта қирқтириб кўчган эди. Ёз бўйи Бўкенше блан Бўрсоқ Қунанбойнинг зиҳнига унча ўтиришмай, ҳа деса, дамига тортгудай бўлаверган эди.

Суюндиқ шундан хавфсираб, қайси куни Бўжей блан маслаҳатлашгани борган бўлса ҳам, бирор фикр ололмай қайтган эди.

Шундай қилиб Суюндиқ, гарчи кузовдан кўчишда кейинда қолган бўлса ҳам, Иргизбойларнинг эрта кўчишидан чўшиб, унинг сабабини суриштиришини қўймаган эди.

Хозир Иргизбойларнинг авлодидан бўлган Тўпай, Тўргай, Котибақлар ҳам шу Бўкеншеларнинг орқасидан кетма-кет кўчиб келаётган эди.

Кўчлар Чингизга кириши блан тоғ оралаб, қистов-қистовга қараб кетди. Бўкеншенинг Чингиз ичидаги қистов қилиб олган ерлари чоққина. Унинг ўрта ери Жексен овули ўрнашган Қорашибек бўлиб кўкламда Қўдарни шу ерда осиб ўлдирилган эди.

Чингизга етгач кўч белгили йўллардан қистовларга қараб тарқаб кетди. Суюндиқ блан Жексенларнинг овули эса Қорашибекининг икки томони — тўқайлик сувини бўйлаб, юқорига чиқиб кетди. Бироздан кейин тоғ оралигидан ўтиб, Қорашибекининг бағридаги текис ерга чиқишиди. Ана, Қўдар ташлаб юборилган қоя. Унинг этагидаги қалин ўт ўрилиб, гарам қилинган, Жексен ерларининг устки томонидан сигир ва туялар ўтлаб юрар, оппоқ-оппоқ ўтовлар кўринарди. Беҳисоб қўй-қўзилар ҳама-ёқни тутиб кетган. Бу ер энди Жексен қистови эмас, шу ўтирган оувулларнинг ери бўлганга ўхшайди.

Уша қоядан берида Суюндиқка қарши мўрмалаҳдек йилқи ўрмалаб келмоқда; икки чети икки томондаги тоғнинг бағригача чиқиб кетган. Ичida жийрон от блан са-ман от кўп. Қунанбойнинг йилқиси бўлиши керак.

— Худо урди десанг-чи! Азизим Суюндиқ, энди нима қилдим! — деб Жексен кўзига ёш олди.

— Яйловингни ёв олди, қистовингни ўт олди деган фалокат шунда! — деди Суюндиқ, уҳ тортиб. Ёз бўйи турли-туман совуқ гаплар эшишиб юришган бўлса ҳам, худди шундай бўлади деган гап, бу тўпдаги ўшу-қарининг хаёлига ҳам келмаган эди. Буларнинг ичida айниқса Жетпис ўртаниб бораётган эди.

— Елғиз Жексеннинг эмас, бор Бўкенше, бор Бўрсоқ-

нинг ерини биратўла босиб олган кўринади. Бу хўрликни кўргунча ўлган яхши! — деди.

Бўкенше, Бўрсоқларнинг бирнеча йигитлари отларини сурис олдинга чиқишиди.

- Ер аччиғи — жон аччиғи!
- Бўкенше блан Бўрсоқ қувгинидан туғилганми?
- Токай чидаймиз?
- Қўрқа-қўрқа аҳволимиз шу бўлди!
- Дамингни чиқарма, дамингни чиқарма деябериб, шу ҳолга солдиларинг!

Ҳаммаси Суюндик блан Сугирга ёпишиди.

Бу сўзлар Суюндикнинг бошига қамчиндек тегаётган эди. Қаттиқ ҳаяжон ичидаги қолди. Агар буларни ўз ихтиёрига қўйиб берса, шу келаётган йилқига ҳужум қилишдан ҳам тоядиган эмас. Лекин ҳалиги сўзлаётгандарнинг ҳаммасига разм солиб, ўйлаб кўрса, бирорта кўзга кўринадиган, фалон овулинг одами дейдигани йўқ. Ҳаммаси камбағал, қашшоқ, фуқаро, авом ҳалқ. Булар бир иш қиласа қилиб ташлайди, лекин унинг оғирлиги кимга тушади? Эртага буларни бошлаб келиб молга теккан, овулга ҳужум қилган Суюндик бўлиб қолади... Шу томонларини ўйлаганда, Суюндикнинг эти жимирилашиб, кайфи учиб кетди. Боши блан ҳам, моли блан ҳам жавоб берадиган шу Сугир, Жексен уччови бўлади. У бирдан отининг бошини тортиб, тўхтатди-да, зарда блан:

— Ҳой, йигитлар, тўхта ҳамманг! — деди. Ҳамма тўхтаб унинг оғзиға қаради.

— Гапларинг шу бўладиган бўлса, уруш жанжални ўзларинг қиласеринглар! Мен аралашмайман. Қунанбой сенларнинг йигирмата сўйилингдан қўрқмайди. Қўрқадиган бўлса шундай қиласи эдими? Сен йигирмата бўлсанг, у юзта, сен юзта бўлсанг, у мингта, ана! — деб, Қунанбойнинг овули томонга ишора қилди. Уни ҳамма энди кўрди. Овулдан ўша қоя томондан яна икки томондаги тоғдан ошиб, ҳалиги йилқига қараб, отини аста-секин бостириб кўп киши келмоқда эди. Ҳаммасида сўйил. Ба'зилари сўйилни кўндаланг қилиб, олдига қўйиб, ба'зилари қўлига ушлаб, ба'зилари тақимига қистириб, ба'зилари билагига илиб келаётир.

Суюндикнинг гапидан кейин гангигиб қолган Бўкеншелар блан Бўрсоқлар жим бўлиб қолишиди. Сўнг ҳаммаси ҳам отларини аста-аста бостирганича, қаршидан келаётган бир гала одамга қараб кетишиди.

Сугир Бўкеншеларнинг ичидаги йилқиси кўп энг катта бойи ҳисобланарди. Энди у ётиғи блан сўз бошлаб:

— Эл бор, юрт бор, бизга ҳам тегадиган ҳисса бордир! Айтармиз, юрт кенгашига солармиз. Фақатгина жаҳл устида бир балони бошлай кўрманглар! — деб ялинди.

— Балони қайси биттанг бошлайдиган бўлсанг, ўша балонинг оқибати бўлиб келадиган оғирликни ўз гарданнингга оласав! Қачон айтган эдинг дема! — деб, Суюндик гапини қисқа қилиб қўяқолди.

Йилқилар ичидан буларга қарши келаётган бир гала одамнинг ичидаги Қунанбой ҳам бор эди. Унинг узун тўриқ оти бошини чайқаб, кокилини еллиб ташлаб, аста босиб келмоқда. Қунанбой Суюндикларнинг олдига тўпидаги одамларнинг ҳаммасини эргаштириб келмади. Йилқидан буёққа чиққандан кейин ёнидаги отлиқларнинг кўпини қайтариб юборди, ёнида ўнтача казо-казоларни гина олиб қолди. Шулар блан келиб Суюндикка совуқ ва «қўлингдан нима келарди» дегандай мағур назар ташлади. Унинг қовоғидан қор ёғар эди. Мансабдорнинг айниқса Қунанбойнинг бундай чоғларда авзойи шундай бўларди. Суюндиклар бунинг ясама эканлигини билса ҳам, ҳамиша бундай вазият туғилганда, ўзини четга олиб келган. Бўкеншеларнинг тўпи олдин салом берди. Қунанбой товушини чиқармай лабини қимирлатибгина алик олди. Бироз сўз қотмай туришганларидан кейин, Суюндик:

— Мирза, бу отлиқлар ким экан? — деди. Тўбуқтинг бутун мансабдорлари Қунанбойни «мирза» деб аташар эди.

— Шундай, отарга чиқариш олдидан шу отларга таимға бостирай деган эдим. Шунга келишган,— деди. Қунағбай.

Гап шундан нарига ўтмади. Жексен орқасига қараган эди, кўчларнинг олди довондан ошиб келаётганини кўрди.

— Мирза, маңа бу келаётган кўчлар бизвики эди. Қистовимизга келаётган эдик. Бу ерда бўлса, бундоқ бўлиб қолибди. Бу қандай бўлди?

— Ҳа, сенга бирор кўчиб кел дедими? Уз бошимчалик қилиб, орқамдан қувлагандай кўчмасдан, хабарлашиб, сўраб кўчсанг бўлмас эдими? Кўчинг орқага қайтади!

— Ҳоким элга эга, эл ерга эга эмасми?

— Ҳоким деган осмонда туроди деб ким айтди сенга?

Иргизбойларга бутун бошлиқ Чингиздан қистов берил-
масин деб ким айтган?

— Чингиз сенга шуңчалик зарур эмас, бошқа қистов-
ларинг ҳам күп, ёмон ҳам эмас-ку, мирза! — деди Суюн-
дик. Қунанбай унинг оғаидан сўзини илиб олиб:

— Бизларга оға эдинг, биздан олдин эр етдинг, кенг
Чингизни батамом эгалладинг. Иргизбойлар ҳам оз, ҳам
сендан кичик эди. Бутун бошлиқ Чингиздан кўзга кўри-
нарлик бирорта қистов бермадинг. «Ўзга қистов дейсан». .
Чингиз турганда, ўзга қистовлар қистов эканми? Мен
токай чидайман, токай сабр қиласман? Иргизбойларга
ҳам қулай қистов керак. . Энди Иргизбойлар ҳам қанот
ёзган эл бўлди; ёт эмас, ўз жигаринг. Ҳисса тегмайдиган
қувғинидан туғилдими? — деди шу блан да'восини ҳам,
қарорини ҳам айтди.

— Хўш, энди Бекеншенинг қанча қистовини олиш
мўлжалинг бор, мирза? — деб, Суюндик энди бу да'вонинг
миқдорини билмоқчи бўлди.

— Бўкенше Чингизнинг шу еридаги бор қистовини
беради.

— Ие, биз қаёққа борамиз? — деб, Жетпис тутақиб
кетди.

— Энди Бўкенше ҳайдаб чиқариладиган бўлибди-да?

— Шафқат қиладиган одам қолмабди ўзи! — деб,
бошқалар шовқин кўтарай деган эди, Қунанбай ғазаб
блан Суюндикка қараб, қамчинини ўшалар ёққа нусқаб:

— Товушини ўчир анавларингни! — деб ўшқирди.

Суюндик Қунанбай олдида ўзини оқлаш учун йигит-
ларига:

— Ҳой ҳовлиқмаларинг деган эдимку сенларга, бунча
чувиллашасан! Бас қил! — деди. Ҳамма беихтиёр жим
бўлди.

— Бўкенше, Бўрсоқ! Қистовингни олганим блан сиз-
ларни қистовсиз қолдираманми? Олсам текинга ол-
майман: ўрнига шу Чингизнинг ичиданоқ қистов бериб
оламан. Ана, Жигитеклар блан Кукше элининг ичига
бориб ўрнашасан. Берган еримнинг тўри — Толшўқи,
Пайгаги — қоровул. Қўчларингни қайтариб, ўша ерга бо-
ринглар, гап шу!

Шу пайт кун ботиш томондан ҳам, кун чиқиш томон-
дан ҳам бирнеча отлиқлар келиб, Суюндикнинг тўпига
қўшилган эди. Кунботиш ёқдан келган икки отлиқнинг
бири Суюндикнинг катта ўғли Асилбек эди.

— Бизнинг қистовни Жақиб блан Жўрторлар эгалабди... Энди нима қилдик! — деди.

Кун чиқиш томондан келган Сугирнинг қўшниси Қобос эди.

— Бизнинг қистовларни Ирсой, Мирзатой, Уркерлар эгаллабди... Кўчни нима қиласми? Юкларни қаерга туширишни билмай, гангиб қолдик,— деди. Шу сингари қистовидан, ота қўнисидан айрилган овулларнинг ёшуқари азаматлари энди тўрттадан-бештадан бўлиб кела бошлиди. Ҳаммасининг ҳам ранги ўчган, ҳаммаси ҳам аламига чидалмай бўғилиб, тутақиб келган эди.

Булар, кўч блан қолган эркаклар, аёллар, ёшлар, кексалар ҳаммасининг норозилигини, қаргишини, ғазаб ва нафратини ўзлари блан олакелганга ўхшарди.

Бўкенше блан Бўрсоқнинг тўпи тобора ортмоқда эди. Лекин Қунанбой бўш келадиган эмас. Суюндиқ ўз элининг оғир аҳволда қолганини кўриб турар, ўзининг ҳам ер блан яксон бўлиб, оёқ ости бўлганини яхши онгларди.

— Қандоқ қилай? Менинг қўлимдан нима келади?... Етдан кўрсан бир сари эди! — деган эди, Жетпис: — Адолат деган нарса қолмапти-да! — деб қолди.

— Раҳм қиладиган одам қолмаган экан!..

— Бу хор бўлган Бўкенше блан Бўрсоқни биратўла ҳайдаб юборгани ма'қул! — деб, кўпчиликнинг яна зардаси қайнай бошлиди. Худди шу пайт Қунанбойнинг ёнига икки тўда отлиқлар келишди, олдинги тўп Бойсол бошлиқ ўнтача казо-казолардан иборат эди. Булар Кошибақнинг отоқли одамлари. Бойсол бошлиқ ҳаммаси очиқ чирой блан келиб, Қунанбойга салом бериб:

— Янги қўнис муборак бўлсин, мирза!

— Буюрсан, ўйнаб-кулиб, яшанг.

— Маконингиз қутлуғ бўлсин!... — дейишиб табриклай бошлиши. Шулар блан орқама-орқа яна бир тўп келди. Булар беш-олти киши эди. Буларни бошлаб келган чол Қулуншақ, Тўрғай уруғининг энг йўғон устуни. Қулуншақ донгги чиққан «Беш қашқа» деб оталадиган бешта азамат найзабоз, қиличбоз, жанговар ботир ўғилларини олдига солиб келган эди.

Қулуншақ Қунанбойнинг ёнига келиб:

— Бўтам, Қунанжон, эсон-омон юрибсанми? Қўнис қутлуғ бўлсин! — деди. Бўкенше ва Бўрсоқлар энди онглашди. Бу зўрликни Иргизбойлар Иргизбой бўлиб олиб,

Әлғиз ўзлари қилаётгани йүқ экан. Бу ишни Котибақ, Тұрғай, Тұпай уруғларининг бор мансабдорлари қутлағыттыр.

Суюндиқнинг Котибақдан бўлган умиди бошқача, ҳеч бўлмаса «Адолатлик Бойсол бу ишдан четдадир» деб ўйлаган эди.

Булар зымдан қандай маслаҳат қилишган? Бу ерда қандай сир бор?.. Ма'лум эмас. Ҳарқалай бу кайфиятга қараганда, Улжон авлодики бор, ҳаммасини Қунанбой ўзига қаратиб олган кўринади.

Буларнинг салом бериб, табриклаб келиши фақат табриклаш учун эмас, аслида Бўкенше блан Бўрсоққа ўзини кўрсатиш учун қилингани иш. Буни Қунанбой жўрттага шундай қилдирган.

Буни Суюндиқкина эмас, Жексен ҳам пайқаган эди.

— Епирим, ота қўнисимиз эди. Қолаберса, кеча кўкламда шу тўпланиб турғанларнинг кўз олдида, мана шу тошнинг бағрида бир Бўрсоқ боласининг қони тўкилган эдику. Эр азаматимизнинг қони тўкилган ер эди-ку!— деди. Бу гап бу ердагилар учун кутилмаган гап бўлди. Суюндиқ энсаси қотиб ичида:

— «Мол кетса — эс кетади, буни айтуб нима қиласди?» — деб қўйди.

Қунанбой учун ҳам бу гап кутилмаган гап эди. Буни жанжал устида дастак қилиб, гап қилиб кўтарадиган одам чиқар деб ўйламаган эди. Шунинг учун, сопини ўзидан чиқариб, бу гапдан фойдаланмоқчи бўлди:

— Нима деяпсан ўзинг? Эсингни едингми? «Эр азаматим» дейсан! Эр азаматинг ўша бўлса, элинг нима бўларди! У эр азамат эмас, Бўрсоқнинг ша'нига иснод... Кўйчи, бутун Тўбуқтига иснод... У абраҳ эди. Мен ўша абраҳни йўқ қилиб, изини ҳам йўқотиб юборишлик учун бу ер, бу жойларни жўрттага бошқаларнинг макони қилдим. Бунақа алжима!— деди.

Бўкенше ва Бўрсоқ тўдасига бу гап тош блан ургандай тегди. Шу онининг ўзида, Бўкенше ерини тортиб олиш учун қилингани иш — Қўдарнинг ўлдирилиши сири очилгандай бўлди.

Шу ерга келганда Суюндиқ ҳам тоқат қилолмай:

— Ёрабби, нима деяпсан ўзинг? Оғзингдан ўргилай, Бўжей, Қўдар ўлдирилганда: «Бу сиртмоқ Қўдарнинг бўйнингагина тушгани йўқ, Бўкенше, Бўрсоқ сенинг ҳам бўйнингга тушди» деган единг... Армонда кетган экан-

сан-ку, асл йигитим Құдар! — деганича, мук тушиб, оти-
нинг ёлини қучоқлаб қолди.

— Вой юзи қора бўлган бошим! Қора босган шум
бошим! Мен ла'нати қандай ит эдим? Вой, жигарим!..
Жигарим Құдар! — деб ўкраб йиғлаганича, Жексен оти-
ни чоптириб, Құдар қистовига қараб кетди. Шу бўлдию,
Бўкенше, Бўрсоқларнинг ҳаммаси: «Вой жигаримлаб»
Жексенниң орқасидан от қўйиб кетишиди. Суюндик ҳам
кетди. Бойсол блан Қунанбой энди бу ерда туролмай,
қовоғини солганича дами ичига тушиб, қайтиб кетишиди.
Қунанбой ичида: «Ҳалиги гапни чакки айтдим-да, ат-
танг!» — деб қолди, лекин Бойсолга ҳам сир бермади,
аксинча, Бўкеншеларнинг шундай қилиб кетишларига
бир сабаб кўрсатмоқчи бўлиб:

— Кўрдингми, буларни ким қутуртираётир! Ўзагидан
ўтгандан кейин ўзагидаги сўзи айтганини кўр! Булар-
нинг қўлтиғига сув пуркаётган Бўжей, аниқ ўша Бўжей.
Тўбуқтида менинг йўлимга тузоқ, қонли қопқон қўяётган
ўша-ку. «Бирлик-бирлик» дейсан, айб кимда экан? Кўр-
дингми! — деб Бойсолга тикилиб қўйди.

— Лекин худо ҳам бордир, кўрарман ахир! — деди,
биrozдан кейин Бойсолга сир бергандай бўлиб:

— Сен, Суюндик, Сугир, Жексен уччаласига айт:
халқ ўртасида фитна қўзгатмасин! Боссин! Чингизнинг
қаериға ўрнаштирасам ҳам, уччовининг ҳиссаси чакки
бўлмайди. Укинмасин! Укинтирмайман! Шу шартимга
ишонсин! — деди.

Боя Қунанбой қайтариб юборган отлиқларнинг ичида
Мойбосар ҳам бор эди. У қовоқ-тумшугини осилтириб,
от чоптириб, йиғлаганича кетаётган Бўкеншеларга қараб:

— Уни қаранг, биродарлар! Бу, дейман, оқсоқ қўзи
тушдан кейин ма'райди дейишарди. Үндоқ эмас экан!..
Тушдан кейин ма'райдиган Бўкеншелар эканку! Кўклам-
да ўлган Құдарга, кузда йўқловчи бўлиб, чиқадиганларни
кўрганмисиз? Ким кўрган десангизчи,—деб хандон ташлаб
кулди. Кўкламда Құдарнинг ўлигига ҳамма кесак отганда
Жексен йиғлаган хотинларга: «нега йиғлайсан, кўзинг
оққур!» деб ҳаммасини ҳайдаган, Құдарнинг ўлигига ҳеч-
кимни йўлатмаган эди. Жампейс блан чўбон Айтимбет-
гина ундан қўрқмаган, иккови ўликни қабрнинг бошига
олиб бориб, йиғлаб, юваб-тараб кўмишган эди.

Хозир Қутжон қабрининг икки томонидаги янги қабр-
лар Құдар блан Қамқанинг қабри.

Бўкеншенинг бутун азаматлари от қўйиб, фар'ёд қилиб йиғлаб шу қабрларниң бошига келишди. Суюндиклар келмасдан олдин қабрларниң бошида Жампейс, Айтимбет яна иккита чўбон ўтиришган эди.

Улар ёз бўйи келолмай, бугун кўч блан келганларидан қабр бошига келиб қур'он ўқиётган эдилар. Булар узвос солиб йиғлаб, шу қабрларниң устига келаётган одамларни кўриб гангид қолишли. Йиғлаб келаётганларниң ичида ажабо, Суюндик ҳам бор эди.

Булар Жексен блан Жетписни кўриб яна ҳам ажабланнишли. Одамлар қабрни қучоқлаб:

— Кечир аршим, кечир!

— Оға жоним, кечир! — деб зор-зор йиғлашарди.

Лекин, булар қанча йиғламасин. Қўдар блан Қамқанинг доғида биратўла икки букилиб қолган, адо бўлган чолнинг кўнгли юмшамади.

У, Қамқанинг қабрини қучғали фар'ёд қилиб келаётган Жексенни кўкрагидан туртиб юбориб:

— Вой, кўзинг оқиб тушикур, басир бўлгур... деди.

Бир нафасда қабрларниң бошига эркакларгина эмас, бутун кўчлардаги хотинлардан тортиб ёш-қари ҳамма ёпирилиб келди. Бутун эл фар'ёд чекиб йиғлар эди.

3

Бўкенше, Бўрсоқ Чинғиздан қайтиб кўчиб кетса ҳам, Қунашибой айтган қистовларга бормади, Қизилшўқи, Қидир, Қўлқайнарга капа тикиб, ўтириб олди.

Бошқа элларниң ҳаммаси қистов-қистовига бориб аллақачон жойлашиб олган эди. Қишлик макони бўлганлар бичан ташиш, чалма қуритиш, хоналарни тозалаш, молхона-қўраларни тешик-туйнугини бекитиш, печ тузатиш сингари ишлар блан машғул бўладиган пайт эди. Бўкеншеларниң эса бунаقا ташвишлари йўқ, улар қаерда қишликларини билмас эдилар.

Қунашибой Жумабой йўргани Суюндик ва Сугирларга юбориб: «Ана, Қоровул, Болпонг, Толшўқидан хоҳлаган қистовларини олишин! Яна яйловига Қўлдененг блан Шолқорни туташ олсин! Лекин кўпчилик бормасдан олдин тезроқ ҳаракатни қилиб, ўрнашиб олсин!» деди. Суюндик блан Жексен Чинғиздан биттадан қистов олса, Қоровул, Болпа тегадиган бўлса, айниқса яйловдаги икки катта сув ўз ихтиёрларида бўлса, ўкинишнинг ҳожати йўқ дейишли.

Шундай қилиб, Суюндиқ блан Сугир ўз мўлжаллари тўғри чиқишини билгач, кўчишининг ҳаракатига тушиб, қимирлаб қолишиди. Ўзга Бўкеншеларга билдирамасдан, Суюндиқ, Сугир, Жексенлар тонг отиши блан туяларни ушлатиб, арқон-чилвирларини ҳозирлатиб капаларини бузишни буюришиди. Булар шу тахлитда, кўпчиликдан ажралиб, йўлга тушганларида Бўкенше, Бўрсоқлардан йигирмага яқин одам отга минди.

Булар камбағаллар тўпи эди. Буларнинг орасида барваста, ўрта яшар Даркембой деган ҳам бор эди.

У Қизилшўқининг четдаги қўнисида ўтирган Жексен-нинг овулига келди-да, Жексен блан Жетписни чакириб олиб:

— Элни ташлаб, ўз бошингизни олиб, қаерга бормоқчи бўлаётисиз? Қўзғалма! Кўчма! Нима кўрсак, бирга кўрасан! Капангни бузмал— деди.

Жексен қаршилик қилаолмади, фақат талмовсираб:

— Қани, азизларим, нима қилмоқчисиз?— деди.

— Ундан кўра иккаланг ҳам, отларингга мин! Бирга юр! Суюндиқ блан Сугирнинг олдига бориб, маслаҳатни бир жойга қўямиз! — деди, Даркембой.

Жексен блан Жетпис ноилож бирга кетишиди.

Булар Суюндиқ блан Сугирга ҳам ортиқча гапириб ўтирамасдан, қисқагина буйруқ бериб, кўчини тўхтатиб қўйишиди. Суюндиқ чор-ночор буларнинг сўзинга кўнди-да:

— Хўш, ўзи нима қилмоқчи бўлаётисиз? Қиличини сургаб қиши келаётир. Чол-кампирларни ҳу-ҳулатиб, бола-чақани йиглатиб, токай ўтирамиз энди? Бошқа илож борми?— деди.

Даркембой дарҳол жавоб берди:

— Суюндиқ, Жексен, Сугир уччаланг ҳам олдимиизга туш! Отларингга мин. Юр, Бўжейга борайлиқ! Элдан ажралиб кўчиб барака топмайсиз! Бўжейга борамиз. Эл-юртни ўртага соламиз. Агар жонкуяр қуриб кетган бўлса, ўёгини ўшанда кўрамиз!— деди.

Суюндиқ, Сугир, Жексенларни олдига солиб олган бу бир гала одам ўша куни туш пайтида Чинғиздаги Бўжей овулига етиб борнишиди. Унинг қистови Тўқмамбет деган ерда, ўти мўл, тўқайи кўп, энг қулай қистовлардан эди. Бу жой Бўжейнинг Қенгирибай деган отасидан мiros қолган жой эди.

Бир тўп бўлиб Бўкеншелар келганини қўриб Бўжей, Бойдали блан Тусипга одам юборди. У бундай катта

ишнинг бутун Жигитек блан бамаслаҳат бўлишини хоҳлар эди. Суюндик бу ерда ҳам тайинлик бир гап айтмади.

— Мана сенга келишиди. Сен блан маслаҳат қилишмоқчи. Нима дейсан! Қандай йўл кўрсатасан буларга!— деди.

Бўжай бунинг сирини билмаган эди. Ичиди «одатдаги қўрқоқлиги, Қунанбойга қарши гапиришга ҳали ҳам иродаси кучсизлик қилаётир» деб истеҳзо блан аста кулиб қўйди. Лекин, Суюндик қўрқоқлик қилаётган бўлса ҳам, бошқалар тувақиб бормоқда эди.

Суюндикнинг ўзини шу йўсунда тутишини кўриб, фе'ли айниб, тескари қараб ўтирган Даркембой Бўжайнинг кулгисини пайқаб қолиб:

— Бўжека, хушомадгўйлик қила-қила ўлдик-ку! Оёғингни уддалаб босаолмаганингдан кейин ит ҳам, қуш ҳам елкага чиқади-да!.. Ҳа деб, «бас, бас» дея бермай, бизларни ҳам эл қиласидиган, одам қиласидиган бир маслаҳат берчи!— деди. Бойдали шу сингари мардликни севар, узил-кесил гапни яхши кўрар, ўзи ҳам ғайрати жўш уриб турадиган одам эди. Бор Жигитекнинг кучи кўпинча ёлғиз шунинг ўзида акс этаётгандай бўлиб турар эди.

— Ҳой, Суюнлик, сен маслаҳатни мана бу Даркембойдан сўра. Ҳақиқий эр йигитнинг сўзи мана шу камбағалдан чиқастир. Мана бу азамат камбағалда!— деб, кўкрагини кериб, Даркембойга қараб, терисига сифмай кетди.

Бўжай бу тортишувни аввал қўл блан эмас, йўл блан бошлашни лойиқ топди. Қўлидан келса шу гал Қунанбойни халқ олдида фош қиласиди, лекин Бўкеншеларни ҳозир огоҳлантириб қўйиши керак.

— Жигитек, Бўрсоқ жигарим, Қунанбойнинг сенга теккани — менга теккани. Ўзимни четда тутиб, тинчлик, ҳузур-ҳаловот изламайман. Қунанбойнинг мулдаосини биламан. У сизларга Толшўки. Қоровул, Болпанг деган ерларни берди деб эшитдим. Ўнинг тагида қандай гап борлигини биласизми? — деб, ўтирганларнинг ҳаммасига бир қур қараб қўйди-да, бироз жим қолгач давом этди— бу, Жигитек блан Бўкеншенинг ер-суби бир бўлсин, икки отанинг авлоди бир-бирига яқин ўтирса, тотуклиги йўқолади. Яқин ўтиргандан кейин, бир туп ўт, бир қултим сувнинг ҳам юзига бориб уруш чиқараберади, дегани. Авлод-авлодга қоладиган зидлик пайдо бўлсин дегани. Лекин унинг ўйлаганининг ҳаммаси ҳам амалга ошабер-

мас. Қариндошлигим қариндош. Бордию, замон айланиб, Толшүқи блан Қоровулга келар бўлсангиз, ана жой тайёр. Бор-йўғимни ўртага ташлаб, ҳечнарсанинг юзига бормасдан улашиб бераман. Буни қўяберинг. Қани энди ундан олдин унинг блан бир айтишиб, ҳаракат қилиб кўрайлик. Икки томонга баравар қариндош бўлганимиздан кейин биз ўртага тушмасак, ким тушади? Кўлчиликнинг ўртасига ташлаб, бу ишинг бебошлиқ, бу ишинг зўрлик,— деб кўрайлик. Бўлмаса кейин гаплашайлик.. Тўғрими! Бўкеншелар ҳам, Бойдали, Тусиплар ҳам шу маслаҳатни ма'қул кўришди.

— Энди, Тусип, сен отга мин, Қунанбойнинг олдига бориб, шу гапларни батафсил айтиб, жавобини шу букун олиб кел! — деб Бўжей сўзини тамом қилди.

Шунинг блан Тусипни юборишга қарор қилганларидан кейин Бойдали:

— Лекин ҳеч гап қолмасин, ё уёқлик, ё буёқлик қилиб сўзлаш. Ҳаммасини очиб айт. Қўрқа-қўрқа ўлиб бўлдик. Умрбод юз кўрмас бўлиб кетсанг ҳам, аямасдан халқ норозилигини батамом етказ! — деб, Тусипга далда берди.

Тусип шу сўзни маҳкам ушлаб олиб, ўша куни кечқурун етиб бориб, Қунанбой блан учрашди.

Қунанбой Қорашўқидаги катта хотини Кункенинг қистовида эди. Тусип кун ботар-ботмас етиб борди-да, Қунанбойни четга чақириб, бир тепаликнинг бошига чиқиб ўтириб, хўб гапирди. Гапни бошқа томонклардан айлантириб келиб, бирлик зарурлигини айтиб, ниҳоят:

— Бу ишингдан Бўкенше эмас, бутун Жигитек ҳам норози,— деган эди, Қунанбой ялт этиб қаради-да, қаттиқ жеркиб:

— Хўш, Жигитек норозиларнинг ҳимоячиси бўлмоқчими? Ундай бўлса мана Керей, Уоқ, ана у Сибан эллари ҳам норози. Бутун атроф норози. Кимдан норози? Үғирлаётир, баримтага босаётир, ҳалол молимни бермаётир деб, худди шу Жигитеқдан норози. Бойдалидан, Бўжайдан, сендан — Тусипдан норози. Бўкеншени гапиргунча ўз бошларингни оқлаб ол! Үғирларинг блан босқинчиларингни тийиб ол! — деди.

Тусип, тувақиб кетганидан, товушини барада қўйиб юбориб:

— Тентак блан бевош ҳар ерда ҳам бўлади, Қунанбой! Бўжей блан Тусип ҳам ўғрими! Ўртага тушдинг,

қариндош-уругнинг кўз ёшини айтдинг деб, яна ёзғирмоқчимисан? Бегуноҳдан-бегуноҳ бошимизни яна бир балога қўймоқчимисан? Бўжей блан Тусипнинг гуноҳи бўлса қўярсан. Бегуноҳ бўлса, нимани қўясан!

— Айтганим айтган, гуноҳкорсан, харомсан!..

— Ундаи бўлса, мана завол вақти!.. Қани қўйиб берчи бўйнимга харомлигимни!— деб, Тусип титраб кетган ҳолда, Қунанбой томон бўйини эгди.

— Хўп, Бўжей менга чоҳ қазимасин! Бирорни қалқон қилиб, менга ўқ отабермасин! Ҳамон отадиган бўлса, ёғоч ўқини аямасин, биратўла отсин! Кейин айтмади демасин, ўзидан кўрсинг! Бутун оғирликни ўзи кўради! Керей блан Уоқнинг молини берасан! Бердираман! Эртага бошингга сиёз чақиртираман. Бу бир. Иккинчидан Бўкеншенинг ишидан четроқ юринглар. Уртага тушиш сенинг ишинг эмас. Сенларга тушиб қолган гап йўқ. Борим балога қолмасин десанг, аралашма! Аралашсанг атайин олиштали аралашаётир деб биламан. Бор, бориб айт!.. Шу гапларимнинг бирор оғизини қолдирмасдан Бўжей блан Бойдалига еткази!

Сўз шунинг блан тамом бўлди.

4

Эртаси тушга яқин Мойбосарнинг иккита чопари — Қамисбой блан Жумофул от чоптириб келиб, Жигитек — Уркембойнинг овулига тушди.

Қистов ёнида ўтирган олти уйнинг бутун итлари ҳуриб чиқиб талайбошлади. Чопарлар қамчи уриб, ҳайқириб, итларни қочиришди.

Ҳар уйнинг эшигини панақилиб, мўралаб турган болалар меҳмонлардан қўрқиб, инига кирган сичқондек, ичкарига кириб кетишиди.

Уркембойнинг кўҳнагина катта уйида бирқанча эркаклар ўтирган эди. Уй эгасининг ўзидан бошқа Қаумен, Қорашибалар ҳам бор эди. Бу иккови Бўжейнинг яқин одамлари эди. Уркембойнинг қизчаси эшикдан югуриб келиб, отасининг пинжига кириб кетди-да:

— Чопар, чопар!— деди.

Чопар келса жапжал келишини болаларгача билар эди.

Бўйнига булғори сумка осган, кўкрагига катта-катта жез нишон тақсан икки чопар эшикдан кириб келганда, ҳалиги қизча:

— Ана, қарачи, аке!¹— деб, отасининг бағрига тиқилиб олди.

— Хўш, биродарлар, ўзи нима гап, мунча ғовур кўтардиларинг!— Уркембой уларни совуқ қарши олди.

— Иш тифиз, буйруқ тифиз... шошилиб келаётirmиз!— деди Қамисбой тўрга чиқаётиб. Жумофул ўтиrmасдан, бир тиззаси блан ўчоқ олдига чўккалади.

— Хўш, яна қандай буйруқ экан? Эл кўчди, ёв қувдими?— деди Қораша ва қовоғини солиб, ғазаб блан Қамисбойга қаради. Лекин чопар, тап тортмай.

— Буйруқ шу, ўтов тикасизлар. Сиёз бўлди. Сиёз Қаумен, Қораша, Уркембой — шу уччалангнинг овулингда бўлади, халқ шу ерга йигилади. Керей блан Уоқнинг да'вогарлари келади. Эл блан элни битимга келтириб, ўғрилардан молни олиб берамиз дейишаштириш.

— Ким айтди?— деди Қаумен зардаси қайнаб.

— Олиб берадиган ким экан?— деб, Қораша яна чопарларга ғазаб блан совуқ бир назар ташлади.

Уркембой ҳам ялт этиб қаради-да — Ўгрилардан олиб берар эканми, ё тўғриларнинг бўйнига аиб қўяр эканми? — деди.

Сиёз кўп чиқим талаб қиласди. Бу кўп элнинг бирқанча да'вогарлари келиб ётади деган гап. Шу элнинг катта-кичик бийлари эртаю-кеч олдидан дастурхон узилмай, еб-инчиб, бемалол бир ой ётади деган сўз.

Ҳаммага ма'lумки, қай овланинг бошига Сиёз келса, ўша овул кўп чиқимдор бўлади, абгорликка тушади. Үлуғ қай овлани ғазабига олса ўша овланинг бошига Сиёз чақиради. Бу овул осонлик блан Сиёзга кўна қолмаслигини Қамисбой аввалидан ҳам билар эди. Булар Старшин блан оға султонга индаялмаса ҳам чопарга кўп қийиғлик қиласди. Лекин Мойбосар буйруқни қаттиқ бериб юборган, бажармай иложи йўқ.

— Буйруқни улур берган, мен чиқарди деяпсанми! — деб Қамисбой Қорашага бир ўқрайиб қаради-да — қани тезроқ! Маслаҳат қилиб, тикиладиган уйларнинг тараддудини қилинглар. Уччовинг тикадиган ўтовлардан бири шу ерга тикилсин Сўйиладиган молнинг ҳаракатини қилинглар, «Жигитек аввало элликта қўй чиқарсин» деган. Шуни қайси овлларга соламиз. Ҳозир гаплашиб олайлик,— деди.

¹ Дада.

Қаумен чопарлар блан сұзлашишдан бир өруғын қиқмаслигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам беңуда гапни құпайтирмасдан, Бойдали блан маслағат қилмоқчи бўлди. Уркембой блан Қорашага қараб:

— Ҳой, сен, иккалант менга қара-чи! — деб, уларга тикилди — бу фақат бизнинг эмас, бутун Жигитекнинг бошига тушган күн. Бўжейнинг уйи йироқ, мана, ёнгина-мизда Бойдали бор. Қораша, сен тезлик блан отга миниб. Бойдали блан сұзлашиб, жавобини олиб кел! — деди.

— Тўғри, шундай қил! — деб Уркембой ҳам қўшилди. Чопарлар ҳам қарши бўлмади.

Қораша ўша онда туриб, индамасдан чиқиб кетди.

Шунинг блан чопарлар ёзилишиб ўтириб, чой ича бошлишди. Уркембой улар блан баҳслашмаса ҳам, Мойбосарнинг буйруғига ичидан зардаси қайнаб борарди. Бутун Тўбуқтида фақат битта уй қозонига кишининг ҳақи-ни солмаган дейилса, ўша уй Уркембойнинг уйи эди.

Чопарлар кўп кутишмади.

Бирнече отлиқ тасирлатиб келиб, уй олдига тушиб, шошганича отларини бойлай бошладилар. Қораша Бойдалининг жавоби қилиб ҳечнарсадан тап тортмайдиган, ўғрибоши йигитларни эргаштириб келган эди. Хийла айёр, сезигир одам бўлган Жумоғулга буларнинг келиши ма'қул бўлмади, у:

— Хўш, нима қилиб ҳамманг бирданига бошлишиб юрибсан? — дейиши блан, Қўжақон деган новча, қора йигит:

— Отангни ёв чопса, бирга чоп деган. Сенларга Жигитекнинг бор молини тортиб олиб бергали келдик.

— Бор моли эмас, элликтагина қўй керак. Молинг ортиқчалик қилаётган бўлса, да'вогарлар келганда юбо-рарсан... Шошмасанг ҳам бўлади! — деб, Қамисбойнинг фе'ли айнаб кетди.

— Мол олиб берадиган сенмисан ҳали? — деб, Қораша Қамисбойнинг олдига чўккалади.

— Мен бўлганимда нима қилмоқчи эдинг?

— Сен қонхўр бутун элни қақшатиб бўлдинг-ку, қа-чонгача халқни эзасан?

— Оғзингга қараб гапир! Үндан кўра, Бойдалининг жавобини айт.

— Жавобими... Мана жавоби, — деб Қораша ирғиб ўрнидан турди-да, қўлидаги йўғон қамчи блан Қамисбойнинг бошига тушириб қолди.

Чордона қуриб ўтирган Қамисбой ҳам ўрнидан турган
эди, Уркембой йигитларига ҳайқириб:

— Тут! Ур, итларни! — деди.

Жумоғул блан Қамисбой товушининг борича қиңқириб, ҳақорат қилиб, олишабошлаган эди. Ўн йигит ёпирлиб, иккаласини кўтариб уриб, тиззалаб босиб олди.

— Мана, Бойдалининг жавоби. Икки итнинг терисини шилиб, Мойбосарнинг олдига қипқизил гўшт қилиб юбор! Мана!.. Тўхта! — деб, Қораша Қамисбойнинг бошига миниб олиб, савалайбошлади. Жумоғулни Уркембой блан бошқа йигитлар урди.

Чопарларнинг иккови ҳам, Жигитекдан хўп калтак еб, юзларидан қипқизил қон оқизган бўйича, отини чоптириб, тўгри Қорашўқидаги Қунанбойнинг олдига кириб боришиди. Қунанбойнинг ёнида Бойсол ва Мойбосарлар ўтиришган эди. Яна Қулунشاқнинг ботир ўғилларидан Нодонбой, Монослар ҳам бор эди. Иргизбойлардан Жумон, Тўлепберди яна бошқа йигитлар ҳам бор эди.

Қунанбой буларни кўргач, аввал индамасдан, гезарип ўтири-да, хийла вақтдан кейин чопарларнинг бетига нусқаб:

— Мана, кўрдингми? Қандоқ қилиб қариндош бўлай? Бўжейнинг мана бу қамчиси буларга эмас менга тегаётни... Тур ҳамманг! — деб, ҳайқирди йигитларига:
— Ҳозир бориб, ўша ўз уйда урдирган Уркембойнинг қўл-оёғини боғлаб, сургаб келинглар!

Ҳечким бирор оғиз сўз қотмади. Қунанбой ҳам бундан кейин лом деб оғиз очмади. Ўн йигит отларига мишиши блан учиб кетишиди. Буларнинг ичидаги Қулуншақнинг болалари ҳам кетди.

Мана шу бир гала йигитлар қош қорайган пайтда, Уркембойнинг овулига бориб, тўс-тўполон кўтариб, бутун ёркакларни уриб, Уркембойни сургаб уйдан олиб чиқишиди. Уркембой уйда қаршилик кўрсатса ҳам, таёқ еб қолишига кўзи етгандан кейин, дамини чиқармай тураберди. Ў, ранги мурдадай оқариб, ғазабидан бўғилиб, кўқимтириб товлаб кетган эди; чидашга қарор қилиб лабини тишлаб, қовогини согланича тураберди. Эшикка олиб чиққанларидан кейин, унинг қўлини орқасига қайриб боғлаб, ёли блан думи оқ қизил отга миндиришди-да, иргиб орқасига Тўлепберди миниб олди. Ғазабидан ёрилгудек бўлиб ზораётган бу бир гала йигитлар, от қўйганларича, Қорашўқига қараб кетишиди.

Қош қорайиб, қоронғи түшиб қолган эди. Булар Чинғиз силсилаларининг ичкарисидаги Уркембой құрасидан чиқиб, катта сувни бўйлаб, отларини чоптирганича, куйи түшиб келишди. Бироздан кейин улар давондан түшиб, сувдан ўтадиган йўлга чиқди. Ўша ердан кун ботиш томондаги Қорашибўғига қараб қайрилиб кетишли.

Лекин ўша ерга келгандаридан, бир тўп баланд-баланд дараҳтларнинг орасидан дув чиқиб: -

— Бос, бос! ..

— Ушла-ушла!

— Ўлдир. Ўлдир, итларни! — деб ҳайқирганича келаётган бир гала, нуқул кўк от мингани йигитлар ҳужум қилиб келди. Буларнинг сони ўттиз-қирқдан кам эмас эди; ҳаммасининг қўлида чўқмор, сўйил. Қунанбойнинг йигитлари ҳам уларга қарши қичқириб:

— Келиб кўрчи! ..

— Үмой!¹

— Тегиб кўрчи! — деб, от қўйғаиларича аралашниб кетишли. Буларда ҳам сўйил ва чўқмор шай эди.

Дам-бадам бир-бирига қарс-қурс урилаётган, узунузун оқ сўйилларнинг товуши эшитиларди.

Қоронғида пистирмада бўкиб ётган, ҳужум қилган Қорашиба эди. Кундузи унга Бойдали:

— Бир ишни қилар бўлсанг қилдинг. Лекин энди боҳбар бўлиб тур! — деб қўйган эди.

Шундан кейин Қорашиба қоронғи тушгунча отдан түшмай, төғ бошида пойлаб юрган эди. У кеч пайтда Уркембойнинг овулига қараб кетаётган биргала одамни вақтида кўриб қолди; буларнинг кетаётгани бежиз эмаслигини билар эди; кўриши блан тоғдан чопиб түшиб, ўз овулига бориб, беш-олти йигитни отга миндириб, йўлакай Қауменнинг йигитларини ҳам отлантириб келгунча, Уркембой овулида ҳалиги ҳангома бўлди.

Қорашиба душманни Уркембой овулида қўлга тушираолмаслигига кўзи етгач, йўлни тўсишга аҳд қилганди.

Қорашиба сўйилбозликка кўп омил, унинг овулидаги йигитлар ҳам от устида туриб олишишга моҳир эди.

Қунанбой йигитларининг бошлиғи Қулуншақнинг ботир ўғли Монос эди. Қорашибининг йигитлари ҳужум қилгандан у шошиб қолмади. Тақимидаги сўйилини сугурап экан, йигитларига:

¹ Үмой — иргизбойлар сулоласида ўтган бир кишининг номи.

— Үзларингни йўқотма, кўплигидан қўрқма, дадил туриб уруш! Тап тортмай олиш! — деб қичқирди.

Шунинг блан ҳар икки томон бир-бирига аралашиб, жанг қилабошлади. Монос Жигитекларнинг икки йигитини уриб йиқитди. Броқ Қораша унга шундай ҳужум бошладики, у ўзини қўриқлашга мажбур бўлди. Қўли орқасига боғлиқ Уркембой Қорашани кўриб қолиб, товушининг борича:

— Қораша, мен бу ердаман, айриб ол! — дея қичқирди. Қораша икки киши мингашган отнинг кетига тушиб олди. Ели блан думи оқ, ўзи жийрон бу от жуда югурик экан, етказмай кўп ҳалак қилди. Лекин Қораша ҳам бўш келмади, уни тўпдан айриб олиб қувиб кетди. Тулепберди ҳа деса, орқасига қарааш блан бўлиб, олдига қарайолмай кетаётган эди. Уркембой шундан фойдаланиб ўзини отдан ташлаб юборди.

Шунинг блан Жигитек Уркембойни душман қўлидан олиб қолди. Бу кеча Қунанбой томонидан қўлга тушгандар бўлмади. Жигитеклар тоғни бошига кўтариб, Урон¹ чақиришар, шунинг блан сафи ортиб бораётган эди. Атрофдан:

— Қаерда? Қаерда?.. — деб, аланг-жаланг қилиб, чопиб келаётган отлиқларнинг сони тобора кўпаймоқда эди. Буни пайқаб қолган Монос ўз йигитларига:

— Энди жўнаб қол!.. Чекина-чекина уруш! Қани, қочинглар! — деб, ўзи бошлаб қочиб берди...

Уркембой қутилиб колгандан кейин улар от қўйиб тоғдан ошиб кетишиди. Қунанбой йигитлари қўлга тушмагани блан, Жигитеклардан енгилиб кетди. Уркембойни олиб кетаолмади.

Шу кеча Уркембойни қутқариб қолиш, кундузи Мойбосарнинг иккита чопарини уришдек икки ҳодиса Жигиткининг кўкрагини кўтариб, ўзларига ишончи пайдо қилди.

5

Эртасига ҳаво айниб, қиши изғирини турди. Чинғиздан ёсадиган қаттиқ шамол бор. Бу шамол кўкламда фойдалил: қорни ялаб, тоғ бағирларини, чийнинг ичини очиб кетади; қишида ҳам Чинғиз ели чорвачининг дўсти — тоғ

¹ Урон — қозоқларда ҳар авлоднинг ўз урони бўлади, бу ўша авлоднинг сулоласидаги, машҳур ҳукмрон ўтган одамларнинг номи бўлиб, ўша ном аталганда ўша авлоддан бўлган ҳамма оёқга туради.

оралаб, тоғ бағирлаб, бир ҳафта — ўн кун узликсиз өсгән пайтда, қиши ранжини енгиллаштириб, мол ўтлайдиган ерни кенгайтириб, чорвачининг орқа-бошини ёзиб кетади.

Бу шамол жанубдан эсади, шунинг учун ҳам у қадар совуқ шамол әмас. Лекин ғоят ўзгача бир күч блан эсади, тоғ бағирларидағи тошларни ҳам учирив кетади.

Бу шамол ўт-ўланлардан, қўй ейдиган филған блан миқжусан сингари ерга ёпишиб ўсадиган ўтларни қолдирмаса, ўзга томири бўш, новча ўтларни юлиб-юсқиб учирив кетади.

Аслида Чинғизнинг энг қимматли ўти ҳам ўша миқжусан, бу қўйнинг жони. Қистовнинг қиммати қўй боқишига қулайлиги блан ўлчанади.

Қўйнинг баракаси Чинғиз бўлгандан кейин кўплар, яхши қистов излаганди, келиб тиқиладиган ери ҳам шу Чинғиз бўлади.

Чинғизнинг шу қаттиқ шамоли бошқа фаслларда фойдалик бўлса ҳам куз кунларида ёқимсиз бўлади. Кунни совитиб, осмонни булат бостириб эсади. Бугун шу қаттиқ шамол бошланиши блан қор ҳам учқунлай бошлади. Бу биринчи қор эди.

Чинғиз тогининг бағридаги ораликларидағи огуллар бу пайтда қистов-қистовга қўниб, ҳавонинг авзойига қараб туришган эди.

Бугун уларнинг ҳаммаси ўтовларини йиғишириб, майда-чўйда буюмларни қўрага ташиб, иссиқ уйларига кирмоқда эди. Кўпчилик шу блан банд экан, Қунанбойнинг Қорашибидаги овули тонготгандан буён, ма'рака қилаётган овулдай, ўзи блан ўзи овора бўлиб, тўс-тўполони чиқаётган эди.

Уркембойни олиб келаолмаган Монослар кўрган қаршиликларини батафсил айтиб бергандан кейин, Қунанбойнинг овулидан ён ёққа қараб, усти-устига чопарлар кетди.

Кечак Бойсол блан шу овулга йиғилган казо-казолар ҳали тарқалишмаган эди... Буларнинг устига энди атрофдаги Йргизбойнинг бутун эркаклари отланиб келмоқда. Чопарлар кетган томондан ўнтадан, йигирматадан бўлиб, отларини чоптириб келаётганлар лак-лак.

Шу йиғилган йигитлардан Қунанбой ўнтачасини саралаб олиб, Мойбосарни бошлиқ қилиб, Бўкеншега юборди.

Қиэилшүқидаги Бўкенше ҳали ҳам кўчмаган эди. Йигитлар жадал буйруқ бериб, мажбурий равиша Бўкеншени Толшўки блан Қоровулга кўчириди. Суюндиқ блан Сугирлар ҳа деганга маҳтал бўлиб, қўш қанотларини ёзиб туришган эди. Ҳаммадан олдин шулар жўнашди. Ўзга Бўкеншелар ҳам ночор кўчиб кетишиди.

Бугун кўчаётганлар фақат Бўкеншелар эмас, Қунанбойнинг ўз овулларидан ҳам кўчаётганлар бор эди.

Қунанбой шу маҳалгача бу овулларини қистовга юбормай, ҳамма овулларини бир ерга йигиб ўтирган эди. Энди, совуқ тушиб қолгандан кейин кекса онасини, Улжоннинг қўлидаги ёш болаларини совуқ қотдириб ўтиргиси келмади.

Болаларнинг ҳаммаси Зере блан Улжонга: «қистовга кўчайлик, совуқ қотдик» деб хархаша қилаётган эди. Шунинг учун бугун Зере Қунанбойни уришиб, шукуннинг ўзида кўчиртиришга мажбур қилди.

Қунанбой овулларини кўчириб, жўнатиб юборгандан кейин, ҳозир Чинғизда бўлаётган бесаранжомлиқдан фойдаланимоқчи бўлди.

Тонг отгандан бўён, усти-устига келаётган отлиқлар тўпланиб, туш пайтида лак-лак лашкар бўлди. Булар қўлига сўйил, наиза, ойболта, чўқмор ушлаган, жангга ҳозир лашкарга айланди.

Бу келганларниш ичиде Иргизбойлардан ташқари Тўрғай, Тўлай, Жуонтаёқ, Анет, Соқ-Тўғалоқ сингари уруғлар ҳам бор эди. Яна Қотибақларнинг ўзи ҳам бир катта тўп лашкар бўлди. Бу элларнинг ҳаммаси Шўнай, Ший, Жидебой, Қидирдан тортиб Чинғизгача чўзилиб қишлидиган эллар булар. Қорашибўқига яқин қистовларнинг одамлари эди.

Туш пайтида Қунанбой кийиниб, Бойсол блан Мойбосарни эргаштириб, эшикка чиқди-да, халққа қараб:

— Қани, отга мининглар! — деб, товушининг борича қичқириб, буйруқ берди.

Ҳамма отга минди. Иргизбой йигитлари қўлларига қурол олгач, ўзга эллар ҳам қуролларини қўлга олишиди.

Шу пайтда шамол кучайиб, эрталаб учқунлаб турган қор қуябошлади. Теварак-атрофни қоронғулик босди.

Қунанбой узун тўриқ отини миниб, атрофга қараб, ичиде «лашкарларнинг қораси ҳам кўринмайди, бу жуда соз бўлди» — деб қўйди.

Қунанбойнинг қошларининг ўртасидаги иккита чуқур-

чуқур ажини яна ҳам чуқурлашди. У қовоғини солиб, ранги үчиб, юзидағи туклари ҳурпайған, каттакон ва ўткір, ягона күзига қон құйилиб, ғазаб ўти блан чақнаб туарар эди.

У, ҳамма отга миниб бұлғандан кейин, иккі томоннан турған Бойсол блан Мойбосарға қараб:

— Юр! — деди.

Қатқалоқ бұлиб қолған тоғ бағридан тасир-тусир қи-либ от үйнатганича беҳисоб лашкар Жигитек устига жүнади. Лашкарларнинг олдида Қунанбой отини қаттиқ елдириб бормоқда эди.

Булар үша куни күн оғмасданоқ, от құйғанларича, Тұқмамбетнинг күн ботиш томоннаның тоғ әтагига чиқиб келишди.

Бұжейнинг қистови бу ердан күриниб туарарди. Бұжей күрага күчиб кирған экан. Мұрисидан қийнинг сарық ту туни бурқираб чиқиб, ёйилмоқда эди.

Бунинг ҳам лашкарлари құранинг атрофини тутиб ётар, лекин тайёр турған от битта-яримтагина эди. Қунанбой буни дархол фахмлади.

Әгарлоғлик отларнинг ҳаммаси кишан урилған бұйича, құрадан юқорида, қуйида қалин үтлик яйловда үтлаб юрибди... Иргизбөй томоннан келаётған лашкарларни күриши блан одамлар құлларига сүйил ва найзалинини күтариб отларига қараб югуришли.

Агар пайт сал құлдан берилса, буларнинг ҳаммаси отларига миниб олишар, у вақтда қаршилик бетма-бет келиб олиб бориладиган жаңгга айланар эди. Шуни ҳиссебе олган Қунанбой түриқ отини қамчилаб қолди:

— Бос, бос! Ұлжай, Ұлжай! — деб урон қақирганича, от қүйиб кетди. Бутун лашкарлар товушининг борича:

«Иргизбөй! Иргизбөй!»

— Тұпай! Тұпай!

— Ұлжай! Ұлжай! — деган уронлар блан дув ташланди.

Қаттиқ шамолда ҳамаёқни қоплаб бораётған ёнғиндең, гуриллаб, ерни ларзага келтираётған мудхиш гулдирес, ер-күкни тутиб кетди.

Бұжей овулидаги одамларнинг сони буларнинг лашкарнан қараганда жуда оз эди. Жигитек томон әчқандай ҳозирлик күрмай, ғафлатда қолғандай күрінарди. Аслида жаңг қилинадиган бұлса, қадимдан ҳаммага ма'лум олат-бұйича аввало: «майдонини та'йин қылсын» деб хабар

қилиб, шундан кейин лашкар тұпланар әди. Қунанбой үндай қылмади, тұсатдан босиб келди.

Хозир Бұжейнинг олдига фақат Чинғизда яшайдыған Жигитекларгина, қуидаги Болпан блан Шийдаги Жигитеңек бу ишдан хабарсиз қолган әди.

Хатто тоғдагиларнинг ҳам күпчилиги бугун құрага күчіб кириш блан овора әди.

Бұтун бошлиқ Бұкенше әлидан ҳозир Бұжейнинг ёнида фақат үнтача одам бор, уларни ҳам Даркембой бошлаб келган әди.

Жидебой, Мусақул, Қидир, Күлқайнар ва Қызылшүқидан құлларига сүйил күтариб, Қорашүқига қараб кетаётган лак-лак отлиқларни күриб, Даркембой:

— «Бу бежиз әмас, бу Жигитеңек қарши, Бұжейга қарши тұпданаётган лашкар!»— деб үйлади-да, Қунанбойнинг бу қарапати тұғрысындағы хабарни Бұжейга ҳам, бошқа жигитекларга ҳам айтди ва келаётганида йұлакай кириб Бойсол блан Қорашани, Қаумен блан Үркембойларни отлантириб олиб келди.

Хозир Бұжейнинг құраси олдида қирқтата өдем турарди. Булар Бұжейни құриб туришар әди.

Бу ерда кексароқ өдамлар блан бирга Қунанбой ұзумига қарши шайланиб турған бир тұда ёш йигитлар: Қауменнинг иккита абжир үғли, Бозорали блан Болағез, Қорашанинг үғли Абулғази, Жигитеңек ичидағи жон куяр қариндошларининг ёш азаматлари Бейсемби, Абдилла, Ұролбой деган йигитлар ҳам бор әди. Булар:

— Кенгирбой, Кенгирбой — деб уран чақириб, пиёда бўлса ҳам, құлларига сүйил, чўқмор күтариб, қистов олдида турған беш-үнта эгарлоғлик отга миниб, душманга қарши бораётган әди. Бойдали уларга ҳайқириб:

— Тұхта! Бұжейни ёлғиз ташлаб кетмоқчимисиз? Үлсанг ҳам ёнида үл! — деди...

Қунанбойнинг йигитлари — беомон ёвдек шиддат блан, сүйилларини күтариб, ғажиб ташлагундай бўлиб келмоқда әди.

— Оҳ, хароб бўлди-да! Faflatda қолган бошим! Яна faflatda қолдим-ку! — деди Бұжей азбаройи куйиб кетганидан. Буларнинг бор умиди қистовнинг юқорисидаги йигитлар блан қуидаги йигитларда әди. Уларнинг ба'зилари отларига етиб қолишган экан. Бештадан-үнтадан бўлиб, құлларига сүйил күтарғанича, от чоптириб, ёвнинг йўлинни тўсиб чиқишиди. Лекин олди шундай қилгани блан

орқадаги йигитларнинг кўпчилиги ҳали отини ушлаш блан овора эди.

Ўлжай лашкарлари бу пиёда қолганларнинг кўпчилигини отларига етказмай туриб босадиган бўлиб қолди.

Қунанбой босиб келар экан икки томонига юзтадан йигит юборди. Булар шовқин-сурон кўтариб, ўтлаб юрган отларни ҳуркитиб, тўс-тўполонини чиқариб кетишиди.

Сўйил отларнинг эгарларини чил-парчин қилиб ташлади.

Жигитек томонидан олдин отга миниб қарши чиққан сийраккина тўплар Қунанбой бошлаб келаётган беҳисоб ёвга қараб чопишиди.

Икки томонга юборилган йигитлардан ташқари, Қунанбойнинг ўзи бошлаб келаётган йигитлар ҳам кўп эди.

Уларнинг йўлини тўсиб чиққан йигитларнинг отлари ўйноқлаб, четга чиқабошлади. Бир йигитга қирқ-эллик сўйил тўғри келар эди. Қунанбой лашкарлари жигитекларни осонлик блан босиб, янчиб ташлаши аниқ бўлиб қолди.

Отларига етолмай юрган йигитлар ёпирилиб босиб келаётган душманни кўриб:

— Чекин! Чекин! — деб пиёда олишмоқда эди. Лекин отлиқ блан яёв олишаоладими? Отлиқ отининг зарби блан келиб сўйил урганда пиёда олишаётгандар думалаб кетар эди...

Шундай қилиб, қистовдан йироқ кетган азаматларнинг ҳаммасининг ҳам тинкаси қуриди. Кўплигига ишониб, керилиб, буларнинг тайёрлиги йўқлигини кўриб биратўла гердайиб кетган Ўлжайлар энди ваҳмалироқ қилиб, шовқин-суронга зўр бериб:

— Ўлжай! Ўлжай!

— Ирғизбой! Ирғизбой! Тўпай, Тўрғай, Тўпай, Тўрғай! — дейишиб ўтган ота-боболарининг арвоҳларига қичқиришар эди.

Барча тўсқинликни босиб янчиб бўлганларидан кейин Қунанбойнинг бор лашкари қистовга қараб ташланди. Еру-кўк қийғос-сурон, тўс-тўполонга тўлиб кетди.

Бўжейнинг тўли сўйил, чўқморини кўтариб ҳали ҳам қистов олдида турар эди. Душман атрофни ўраб олгач Бойдали товушининг борича:

— Тамом бўлди! Ҳеч чора қолмади! Энди эшик-эшикнинг олдини олиб туриб, қўрага киргизмаймиз, олишамиз! — деб қичқирди ва бор тўпини ичкарига бошлиди.

Үртадаги катта дарвозада Бойдали блан Бўжей, буларнинг атрофини олиб Бозорали, Болағозлардек, Қўжакондек ботир, ўткир йигитлар турарди. Душман бор тўпи блан от чоптириб келиб қўра ёнига Қунанбой атрофига тўпланиб буйруқ кутиб турди. Қунанбой, отлиқ, ўртада турар эди.

Худли шу пайт қўранинг ичидан Даркембой югуриб чиқиб Бўжей блан Бойдалининг орасига сиқилиб, қаердандир топиб келган шоҳлик милтигини ўрнатди. Милтиқ ўқланган пилтасига ўт қўйса бас, отилиб кетарди. У, елкаси блан Бўжейни туртиб:

— Бу кўр аяидиган эмас, яна тагимизга етди. Отаман! Үлдираман! — деб чақмоқ чақмоқчи бўлди.

Бўжей унинг қўлини қаттиқ туртиб юбориб:

— Отма, буёққа тур! Буни ота-боболаримизнинг арвоҳи уради! — деди.

Шу чоқ Қунанбой қичқириб:

— Олиб чиқ ҳаммасини бир бошдан! Сургаб чиқ инидан! Тўнг бўйин қулларнинг оёқ-қўлини боғлаб сургаб чиқ! — деб буйруқ берди. Мойбосар бошлиқ бутун Иргизбойни отдан тушириб, қўрага йўллади.

Улар эшик олдида бироз ҳаяллаб қолганида, Қунанбой яна ушқириб:

— Туш отдан! Бос ҳамманг! — деб, Котибақ, Тўпай, Тўрғай йигитларини ҳам ишга солди.

Бойдали блан Бўжейнинг ёнидаги Бозорали, Болағози, Даркембойлар яхшигина олишишди, лекин мўрмaloҳдек ёпирилиб кирган йигитлар ҳамаёқни тутиб кетди.

Пастак уйларнинг ичida Бозорали ва Даркембойлар сўйилни, қулоч ёзиб, дурустроқ ураолмади. Ҳадемай, Қунанбойнинг йигитлари Жигитекларнинг қирқтacha одамини босиб, янчиб, сургаб олиб чиқабошлашди.

Қораша блан Уркембой бошлиқ ёш йигитларнинг ҳаммасини сургаб чиқаришлари блан, бештадан — ўнтадан бўлиб, тарсиллатиб дарра урабошлашди... Таёқ еб, ҳаммаёғидан қон оқаётган Қораша ва Даркембойлар, ҳали ҳам тилини тортмай, товушининг борича қичқириб, куракда турмайдиган гаплар блан Қунанбойни ҳақорат қилишмоқда эди. Лекин бу ҳақоратлар кўпчиликнинг ғовури ичida йўқолиб, Қунанбойнинг қулогига етмас эди.

Мойбосар кўзларини ўйнатиб:

— Ур, ур даррани! Аямал.. Қим блан олишмоқчи бўлаётир бу Жигитек — деб, буйруқ берарди.

Ҳормай-толмай, аямасдан дарра ураётган йигитларнинг тепасида чопарлардан Мойбосар блан Қамисбой турар эди.

Қунанбой буларга қарамас, унинг кўзи катта қўранинг уч эшигидан сургаб чиқарилаётганларда эди.

У тишини қайраб, фақат битта одамни олиб чиқишлигини кутиб турарди. Мана, ниҳоят уни ҳам олиб чиқишиди. Бу Бўжей эди. У ўзгаларга ўхшамайди. Раҳтидан тушмаган ҳолида ўз ихтиёри блан чиқиб келди. Унинг тулки тумоғи бошида, бошқалар сингари усти-боши ҳам йиртилмаган эди. Уни итариб-итариб чиқараётган киши ҳам йўқ. Фақат атрофини бир гала Ирғизбойлар ўраб олишган.

Қунанбой отига қамчи уриб Бўжейнинг олдига келди. Унинг олдида турган Бойсол ҳам келиб у блан бир қаторда турди. Қунанбой Мойбосар блан Қамисбойга:

— Ур даррани! — деди дағдаға блан.

Қамисбой блан Мойбосар ўша онда Бўжейнинг ёқасидан олиб, ерга отиб уришди.

— Ур даррани! Орқасини яланғочлаб туриб ур! — деб, Қунанбой ҳайқирганича, унинг тепасига келди.

— Басир бўлгур, кўзинг оқиб тушгур! Ҳой, Қунанбой, ота-боболаримизнинг арвоҳидан қўрқмайсанми, ла'нати! — деди Бўжей қичқириб.

Шу пайтда уни йиқитиб, чопонини елкасигача кўтариб қўйиб, Қамисбой қамчи кўтарди. Бўжейнинг эти оппоқ экан. У бели блан орқаси очилиб, мукка тушиб ётарди. Шу онда ҳамманинг нафаси ичига тушиб, жим бўлиб қолди.

Қамисбойнинг кўтарган қамчиси Бўжейнинг орқасига тушиб келаётганда, кимдир келиб ўзини ташлаб, гавдасини Бўжейга қалқон қилди.

Бу — Котибақ Пўшарбой, Бўжейнинг қадрдони ва дўсти эди. У ўзини ташларкан:

— Ҳой, бўлди, бўлди-да, Қунанбой! Мен учун ўт, мен учун ўт, — деб қичқирди.

Бунга Қунанбойнинг зардаси қайнаб, тутақиб кетиб, ўз қамчинини кўтариб:

— Ур даррани! Ур, шу итнинг ўзини ҳам ур! — деб, ҳайқириб юборди. Шу топда Қунанбойнинг ёнидан яна бир даҳшатли товуш чиқиб:

— Uriб қўр-чи! — деди.

Бу — Бойсол эди. Қунанбой еб қўйғудай бўлиб ягона

күзи блан унга ялт этиб қараганда, Бойсолнинг симосидан пичоқ бориб сүякка тақалганлиги очиқ күриниб турарди. Лекин Қунанбой айтганидан қайтмади:

— Ур! Иккаласини ҳам ур! — деганда, Мойбосар бошлиқ Иргизбойнинг чопарлари тасир-тусурига олиб, уриб кетишди.

Қамчи Бўжейга ҳам, Пўшарбойга ҳам тегаётган эди.

Бойсол энди чидамасдан оти блан бостириб келиб, чанг солиб, Мойбосарни елкасидан олиб, Пўшарбойни ажратар экан, товушининг борича:

— Котибақ, Котибақ! Туш орқамга, Котибақ! — деб, урон чақирди. Бир нафасда бор Котибақ, Қунанбой лашкарларидан айрилиб чиқди. Беҳисоб лашкари блан бўлинниб олиб Бойсол Жигитек томонга ўтиб кетди.

Лекин Жигитек лашкарларида ҳозир унга қўшилиб, жанг олиб боргудек мажол йўқ эди. Шунинг учун ҳам Бойсол, Қунанбой лашкарлари блан олишмади. Шу топда Бойсолнинг Бўжей учун, Пўшарбой учун ёру биродар, эл учун зардаси қайнаб, номуси қўзғолиб, жони ачиб, чин кўнглидан Жигитек томонига ўтгани аниқ эди.

Буни ҳамма онглади. Энди Мойбосарлар ҳам Бўжейни уралмай қолди, бўшатиб юборди.

Бўжей ўрнидан туриши блан, кетиб бораётган Қунанбойнинг орқасидан, товушининг борича қичқириб:

— Ҳой, Қунанбой! Мен ҳали сени ўқдан сақлаб қолган эдим. Сен мени ўтга ташладинг-а? Шу ишинг эсингда турсин! — деди.

Қучанбой Котибақдан бошқа ҳали ҳам мўр-малаҳдек лашкарини эргаштириб, Қорашўқига қараб кетди.





И УЛДА

1

Шом пайти. Қоронғи қуюқлашиб келмоқда. Катта уйнинг бурчак-бурчагидан қоронғилик чиқиб бир-бирига тулашиб келаётгандай эди.

Жиdebойдаги қистовнинг энг катта уйи шу уй. Гиламлар, гулдор шолчалар, ширдоқлар, кўрпалар блан безатилган бу уй меҳмондўст, тўкин-оччин уй.

Абай кекса энаси ва ўз онаси блан шу уйда яшайди. Ҳали шам' ёқилмаган. Кўпчилик эшикда молларни жойлаштириш блан овора. Катта уй одатдан ташқари бўмбўш. Уйда, Чинғиз томонга қараган дераза ёнида чўкка тушиб, икки тирсагини дераза тагига қўйиб, иягини қўллари устига қилиб ўтирган Абай ва унинг ўнг томонида, кўрпачада ўтириб, бола юпатаётган кекса энаси Зередан бошқа ҳечким йўқ. Энаси кундаги одати бўйича, Ойғиздан туғилган қиз набираси уч яшар Камшотни тиззасига ётқизиб, аста-аста иргитиб, алла айтиб ўтирибди. Унинг алласи ғоят эски. Буни Абай энасидан бошқа ҳечкимдан эшитмаган. Лекин бу кўй кекса онасининг ўзицек меҳрибон, шу қадар қулоғига иссиқ эшитилади. Гўдаклик чоғида Абайнинг ўзи ҳам ҳаркеч, шу алла остида ухларди. Ўша кунлардан буён бирор ери, бирор оғиз сўзи ўз-

тармаган; она юрагидек ўзгаришни билмайдиган алла. Мана шундай ғамгин кечнинг ғамгин садоси. Субҳи ўтиб, шоми етган энасининг аламли ҳаёти нидоси. Абай орқасини ўгириб, қулоқ солиб ўтиаркан, энасининг гоҳ дардлик, гоҳ меҳр тўкиб юракдан айтаётган, ғамгин алласи гўё Абайнинг ўзини аллалаётгандай та'сир қиласарди. У ичидан «Тўхтамаса экан, яна давом этса экан» дерди.

Шу қистовга келганиларидан буёи ҳаркеч Абай, ҳечкимга билдирамай, энаси блан қоларди. Нега шундай қилишини энасига ҳам айтмас эди. Фақат ҳаркун кечқурун қўрага мол келадиган пайтда кичик онаси Ойғизнинг уйига бориб, шу кичкина синглиси Камшотни кўтариб, эркалатиб ўйнатиб юрарди-да кейин олиб келиб, энасига берарди.

Камшот ҳам деганда ухлай қолмасди. Ҳозир ҳам энаси билиб турган эди: аллани тўхтатса, дарҳол қорамуфек қопқора кўзларини очади. Уйқи аралаш узун-узун киприкларини қоқиб «яна айт» дегандай финшийди.

Абай ҳам ўрганиб қолган: шу сингари кечки пайтларини ғалвасиз, тинчгина ўтказади. Елғизликни яхши кўради, ёлғиз қолишга уринади. Агар шундай пайтда эшикда бўлса, ёлғиз ўзи тепалик бошига чиқиб кетади. Ҳамиша саҳро кечи ўзига мафтун этадиган зўр мўнисдек уни онглаб бўлмайдиган бир куч блан ўзига тортади.

Қулоги энасида, нигоҳи эса ўша олислагай, Чинғиз тоғининг гира-шира кўриниб турган чўққиларида кезар эди.

Жидебойдан йигирма чақирим наридаги Чинғиз тоғи қош қорайиб, қоронғи тушабошлаган пайтда кўқимтири тортиб, баҳайбат бўлиб, йироқлаша боради; даҳшатли ваҳший бир кучнинг баланд-баланд ҳашаматли чўққиларига ўхшаган мудҳиш қоялар унсиз, жимгина қоронғилликка кириб борарди.

Сўнгги кунларда бу тоғларда қандай ҳодиса бўлаёт, овулдагилар билишмайди.

Лекин Бўрсоқ ва Бўкеншенинг Қорашибидан ҳайдалгани, зор қақшаб кетгани ма'lум. Ҳашаматли Чинғизнинг қатма-қат ораликлари, бағрилари энди сфат бағрига айланган. Абай фақат шуни билади.

Тоғдан эсаётган изфирин ўша ерда бўлаётгап ваҳшиликларнинг изфиринига ўхшайди. Онанинг ёқимли алласи бу совуқнинг дамини кесгандай бўлади. Бу аллада бутун оламни ўзига асир этадиган ўзгача бир куч бор. Абай нучукдир енгил тортди. Нигоҳини тоғ чўққиларидан

олиб, осмонга қаради. Тұлин ой очиқ күк сағнода сузіб келиб, бир тұп олачалпак, қора булаттинг ичига кирди, кирди-да, ажаб күйларга тушди. Абай бор-йұқни унутыб, ұшанга термілганича қотиб қолди.

Олачалпак қора булаттинг юқориги томонидан кирған ой бекінмаңақ үйнаётгандай бир күриниб, бир шүнғиб, одатдан ташқари тез юриб борарди. Ба'зан бутунлай күрінмай кетіб, бир лаҳзада ярқ этиб кулиб чиқади-да, яна шүнгіб кетарди. Яна бир нафасдан кейин ұзайллашаётгандай бир четинигина күрсатиб қўйиб, яна сұнарди. Бундай үйноқи ойни Абай энди күрган эди. Яна қылтириқдай бўлиб чети күринар-күринмас сўниб кетганда Абай бенхтиёр кулиб юборди-да: «Мана бу ой худди шўхлиги ичига сиғмаётган ёш болага ўхшайди-я» деб қўйди.

Абай унга қизиқиб, эрмак топиб тикилиб ўтирган эди. Тўсатдан эшикда, ўпир-тўпир қилиб, шошилиб келаётган оёқ товуши эшитилди... Тўполон қилиб югуриб, шароқлаб кулиб келаётган Ұспон экан. У кимнидир ғашига тегиб, ұшандан қочиб келаётган экан. Йиғлаб уни қувлаб келаётган Смоғул экан. Бу ҳам Абайнинг иниси. Смоғул Абайнинг кичик онасининг ўғли бўлиб, Ұспон блан тенг эди.

Абай Ұспоннинг унга бир бало қилганини пайқаб, иргиб турди-да, Ұспонни олдидан чиқиб ушлаб олди. Смоғул этиб келиши блан Ұспонга ёпиша кетди. Үз уйига этиб олган Ұспон энди тўхтаб, зўравонлик қилиб орқасига айланди-да:

— Қани, нима қилардинг!— деб Смоғулнинг ёқасидан олган эди, Абай иккаласини ажратиб қўйди, ва Смоғулга қараб:

— Нима, нима қилди?— деди. Смоғул йиғлаб юборди:

— Соққамни, қизил соққамни ўғирлаб ана у...

— Қачон? Ҳой, йиғлоқ!— деб, Ұспон аввало кулди, кейин йиғлаган бўлиб, «қижил шаққам» деб, Смоғулни эрмак қиллабошлади...

Абай Ұспонга дўқ қилиб қўл чўзди:

— Бер дейман соққасини!

— Олганим йўқ, ёлғон!— деди Ұспон қўл кўтариб. Абай унинг ёнини қарамоқчи бўлди. Ұспон юлқиниб, Абайнинг қўлидан чиқиб, печ ёнига бориб, икки қўлини орқасига қилиб бурчакка тиқилиб олди. Бу ерда тұяннинг қимизи ачитиб қўйилған катта чеңак турған эди. Үлжоннинг шу куз кунларида Зере блан болаларига бераётган

оқлиги шу эди. Үспон жүрттага ўша ерга бориб тиқилған, зўр келадиган бўлса, ўша чеҳакни ағдариб, Абайнинг ҳам, ўзининг ҳам бошини балога қўймоқчи эди. Үзидан кучлик акаси Абай блан олишишда унинг шундан бошқа иложи йўқ эди. Үспоннинг бир балони бошлишини билиб турган Абай уни судрамади, лекин ғоят ғазабланиб, Смоғулнинг ёнини олиб:

— Бер ҳозир, бер дейман соққани! Қўлингни кўрсат!— деб, Үспонни қулоғидан ушлаб, аямасдан бурай-бошлади. Үспон чинқириб чеҳакнинг юзига ёпиб қўйилган сочиқни оёғи блан тушириб юборди. Чеҳакни ағдаришга Абай йўл бермади. Үспон йиғига зўр бериб, товушининг борича додлаб, қўлидаги қизил соққани «шуп» этиб қимизнинг ичига ташлаб юборди-да, икки қўлинни кўтариб Абайга:

— Мана! Вой дод!.. Мана деяпман-ку, йўқ!— деб йиглайбошлади. Абай унинг нима қилганини пайқамай қолди. Лекин Үспоннинг ҳаракатини кузатиб турган Смоғул, соққани қимизнинг ичига ташлаб юборганини кўриб қолган эди. У бир иргиб чеҳакнинг олдига борди-да, билагини шимарар-шимармас қопқора кир қўлинни қимизнинг ичига тиқди. Қимизни шалаплатиб соққани излай бошлади. Енги ҳам қимизга ботиб, сузиб турар эди. Смоғулнинг тентаклигига жаҳли чиққан Абай Үспонни қўйиб уни тортмоқчи эди, Үспон Абайнинг қўлидан чиқиши блан, энгашиб қимиз кавлаётган Смоғулнинг елкасига муштлаб, юзи-кўзини қимизга ботирди-да, яна хандон ташлаб кула бошлади. Смоғул соққани тополмай, оғзи-бурнига қимиз кириб, қақалиб, энтикиб додлаганича ўрнидан турди. У, аламига чидалмай, муштумини кўтариб, Үспонга ҳамла қилар экан:

— Ҳа сени!..— деб ярамас бир ҳақорат гапни айтиб юборди. У Үспоннинг ўрнига Улжонни ҳақорат қилған эди. Үспон ағрайганича қотиб қолди, шошиб қолганидан Смоғулнинг нима деганини дурустроқ ҳам онглайлмади. Лекин Смоғул онасини ҳақорат қилганига Абайнинг қаттиқ жаҳли чиқиб:

— Ҳой, аҳмоқ!.. Үнинг онаси бўлса, сенинг ҳам онанг-ку. Буни кимдан ўргандинг, тўнғиз!— деб Смоғулни қулоқ чаккасига тортиб-тортиб юборди; шу жанжалларни бошлагани учун Үспонни ҳам ўлгунча урди. Шунинг блан иккала иниси додлаб, йиғлаганича, икки ёқа қараб кетди. Үспон бориб энасининг олдига ўзини таш-

лаганда, Смоғул ҳам юрганича ўз уйига, онасининг олдига кетган эди.

Смоғулнинг ҳалиги гапи Абайнинг қўнглига жуда қаттиқ теккан эди, ичидан онасига ачиниб, катта уйнинг ўртасида туриб қолди.

Бир нафасдан кейин бирдан яна Смоғулнинг йиғи товуши эшитилиб қолди. Кичик онаси Ойғиз шовқин солиб уни қарғамоқда эди. Ойғиз катта уйнинг эшигини қарс этиб очиб Смоғулни ичкари итариб юборди-да:

— Мана, еб қўяқолинглар! Талаб, титиб, гўштини еб қўяқолингларчи бу жувонмаргнинг! Биратўла еб қутила-қолинглар! — деб ўдағайлаб Абайнинг олдига келди. Абай:

— Опа! — дейиши блан Ойғиз, уни оғиз очгали қўймай, тўкиб солди:

— Кучингга ишонасан-да! Бир онадан тўрт ўғилсан. Кучингга ишонасан!

— Опа дейман! .. Ҳеч бўлмаса нима деганини сўрасантиз-чи?

— Кераги йўқ! Эр етганингда сендан келадигани шу бўлади-да! Сен ҳам кундош баччалигингни қилаётисан.

— Вой, нима деяпсиз ўзингиз?

— Уриш яхши бўлса эртага Ҳалел ҳам ўқишдан келар, сенинг ҳам кунингни кўрсатар,— деб ўзининг русча ўқишида юрган ўғлини ҳам эслатиб қўйди. ..

— Елирим, она бўлиб сиздан чиққан ақл шуми опа?

— Еқалашма, товушнингни чиқарма! Булар катта хотининг боласи, бошимиз кўкка етганда ҳам биз кичик хотин... Тепки емасак кун кўраолмаймиз...

Абай ўз уйида ўз онасидан шундай адолатсизликни, шундай дағалликни кўрганига жони ўртаниб, ранги қумқув ўчиб, бўғилиб, титраб кетди, лекин кўз ёшини кўрсатмасликка тириши.

— Оббо, қўисангири қандай сиз ўзи? — деб дераза томонга бурилиб кетди. Оғизига келиб турган гап кўп бўлса ҳам айтталмади. Зере бу жанжалнинг ҳаммасини уқаолмаган бўлса ҳам Ойғизнинг авзойини, ўдағайлаб келганини кўриб, ғоят ғазабланди. Абайнинг қаттиқ ранжиганини ҳам пайқади. У Қамшотни ётқизиб, ўрнидан турди-да, келинининг олдига келиб, товушнинг борича:

— Йўқол ҳозир! Болаларнинг ўртасига тushiб, совуқчилик солиб нима деб алжиётисан! Чиқ, йўқол, жонинг борида! — деди.

Ойғиз кекса энадан ҳайиқиб, орқасига чекинди-да:

— Кичик хотин демоқчисизлар, ҳаммаларинг бирикиб олиб турткиламоқчисизлар... Құраман... Эртага келсинчи!— деди. У орқасида Құнанбой борлигини күрсагиб құймоқчи әди. Гүзәл хотин әрига ёқади, шунинг учун унга орқа қиласында. Бу гапларни Зерега әшиттириб айтмаса ҳам, Абай әшитиб құйсін деб айтди. Шу пайт Ойғизнинг орқасидан босинқи, солмоқлы товуш әшилдиди. Бу Үлжоннинг товуши әди. Үйга кирганига хийла вақт бўлган бўлсада, у, дамини чиқармай, қулоқ солиб турган әди.

— Бўлди, азизим, бас қил энди! Еш болаларнинг олдида яхши эмас. Мен-ку буларни шундай парсалардан четда тутиб келаётиман, бу нима қилганинг?— деди.

— Үл дейсанми энди?...

— Худо хайрингни бергур, бас қил! Бор! Сен блан айтишмоқчи эмасман. Қўй заҳрингни сочма! Бўлди— деди тўғриликча.

Ойғиз Смоғулнинг қўлидан ушлаб, Үлжонга ўқрайиб қаради-да, дамини чиқармай, чиқиб кетди.

Үлжон астагина хўрсиниб, Ойғизпинг орқасидан қараб, бироз ўйланиб турди-да, устки кийимларини ечди, чўнтағидан чақмоқ тош олиб, тутатиб печканинг бурчагида турган шам'ни ёқди. Кучсизгина қизил шу'ла уй ичини ёритганда онаси Абайни ғоят қийналиб, бўғилиб, қовоғини солиб ўтирганини кўрди.

— Абайжон, нима бўлди, болам?

— Опа! Нега шу кичик опамдан ҳадеб шундай гаплар чиқаберади?— деди Абай ва онасининг олдига келди.

Боласи, катта кишилардек унинг ички сирларини сўраёттир. Үлжон бошқа болаларидан яширса ҳам, Абайдан яширгуси келмади, ёрилиб гапирди:

— Оҳ, болагинам, кундошнинг оти кундош-да. Шунчаки бу битмас жароҳатни сиртимизга юқтиргмаган бўлиб юраберамиз, бўлмаса менинг ҳам ичимда қандай дардлар, аламлар борлигини сен қаёқдан билласан?— деди.

Абай онасининг дардини онглагани блан бирор нарса дейишга сўз тополмади, индамасдан орқасига қараб кетди.

Шу чоқ эшикдан гангир-гунгир сўзлашиб, кулишиб Абайнинг акаси Такежон блан Фабитхон мулла кириб келди. Булар келиши блан уйга бир хушнудлик олиб киргандай бўлишди.

Такежон Абайдан икки ёш катта, кўп хушчақчақ, асиячи йигит. Фабитхоннинг ёши хийла улуғ бўлса ҳам, Такежон блан тенгдош, ўртоқларча ҳазиллашиб, тегишиб сўзлашаберар эди. Такежон мулланинг тилини эрмак қилиб, кулиб келаётган эди. Фабитхон татар йигити. У бундан бирнеча йил муқаддам солдатдан қочиб қозоқлар орасига, қарқарали қозоқларнинг ичига, Бертис элининг ичидаги, Йргизбойларнинг бир чатишиб кетган қариндошининг овулига келган эди. Улар ўша йили Үксенбойга ош берилганда, ошга келганларида уни ҳам бирга олакелишган эди. Шунда Фабитхонга:

— Сен бирорта катта одамнинг паноҳида бўлсанг яхши бўлади,— деб Қунанбой блан танишириб, шунга топшириб кетишган эди.

Фабитхон ёш бўлса ҳам, илми етишган муллалардан деб ҳисоблангани учун, Қунанбойнинг қўлида туриб қолган.

У соддагина, камсухан, қозоқчали қизиқ қилиб сўзлайдиган, кўп хуш фе'л одам. Бу овулнинг каттадан кичиги уни жуда ҳурмат қилас, яхши кўрар эди. Ёлғиз Такежонгина унга тегажаклик қилас эди, холос. Габитхон сўнгги кунларда ҳар кун кечқурун уй ичидагиларга «Минг бир кеча» ҳикояларидан айтиб берарди.

Бугун ҳам кечки чойдан сўнг, Улжоннинг талаби бўйича, кеча давоми қолган бир қизиқ ҳикояни «Уч кўр» ҳикоясини давом эттириди. Лекин у ҳикоя букун ҳам тамом бўлмади, чала қолди, негаким, бир салт отлиқ одамнинг дераза ёнидан тасирлатиб қаттиқ чопиб ўтган товуш эшитилиб қолди. Ўйдагилар:

— Бу ким экан?

— Ким ўзи! Келиши бежо-ку?— деб, ҳайрон бўлиб бир-бирларига қаравиб турганларида, эшикдан чопар Жумағул кириб келди.

У, кўришиб бўлар-бўлмас гапни кеча Тўқмамбетда бўлган уришдан бошлади. Ўзининг ҳам ўнг юзи жароҳатланган экан. Уни ҳам, кеча эрталабдан буён бўлган ҳангомаларни ҳам батафсил айтиб берди. Зере ҳам эшитсин деб товушининг борича сўзлади. Бўжейга дарра урилганини ваҳмалироқ қилиб, бўрттириб, шодлиги ичига сифмай гапирди.

Зере Бўжейга дарра урилганини эшитганда, қовоғини соганича, Жумағулга тикилиб, ғазаб блан қайтариб сўраб, анигини билиб олгандан кейин:

— Қадрдон, қимматдон эди. Ор-номусдан бутунлай айрилиб бўлган экансан жуванмарг бўлгур, яна нима деб бола-чақанинг олдидা уни достон қилаётисан?— деб Жумагулни жеркиб ташлади.

Үйдагиларнинг ҳаммаси Бўжейни ғоят ҳурмат қилиб, яқин кўрганиданми ё кекса энасининг сўзига бўлами, ҳарқалай қандайдир чўчинқиброқ жим бўлиб қолишиди.

Отасининг бу ишини хурсанд бўлиб қарши олган, фақат Такежон бўлди, у:

— Ажаб бўлибди, оёққа болта урмасин, билиб қўйсин!— деди. Улжон унга ҳўмрайиб:

— Бўлди, кўп биқсима! Бошқаларнинг қилаётгани ҳам етар! — деди. Бу гапларни Жумагул блан кетма-кет кириб келган кекса чўбон Сотой ҳам эшитган эди.

Бироздан кейин у, кундузи қўй яйлатиб юрган чорида кўрган бир ишни айтди. Букун туш пайтида Бўжей, Бойсол, Бойдалилар бошлиқ ўитача одам, атайин келиб, Кенгирбойнинг қабрини зиёрат қилиб, қур'он ўқиб, хийла вақт ғамгин ўтирганларидан кейин кун ботиш томонга— Шунай томонга қараб кетишипти.

Сотой уларнинг от боқарларидан бири блан сўзлашиб қолган экан, у:

— Бўжейлар Қунанбойнинг устидан арз қилгали обласъга — Қарқаралига кетаётир, шунинг учун, сафарга чиқиш олдидан, отасининг арвоҳини йўқлаб, ундан мадад тилаб, сўнг йўлга чиқишмоқчи,— деди.

Шундан кейин Жумагул ҳам ўзининг қандай иш блан келганини айтди. Қунанбой Абайни айтиб кел, деб юборган экан. Қунанбой ҳам эртага Қарқаралига жўнамоқчи экан, Абай ҳам бирга борсин деб айтиб юборипти.

Бу хабарни эшитганда үйдагиларнинг ҳаммаси жим бўлиб, ўйланиб қолишиди.

Эртасига туш пайтида, яқин одамларнинг ҳаммаси, Абайни йироқ сафарга жўнатгали эшикка чиқишиди. Жумагул семиз саман отга кумуш қадаб ишланган эгар жобдиқ уриб, Абайни миндирмоқчи бўлиб, жиловидан ушлаб турган экан, Абай аввало кекса энаси блан хайрлашиб:

— Хайр, эна! — деб икки қўли блан энасининг бужмайиб қолган озғин қўлини қисди. Энаси Абайнинг пешонасига юзини қўйиб туриб:

— Арвоҳлар ёр бўлсин, оқ йўл берсин! Абай жоним! — деди.

Абай бошқаларга йироқдангина: «Хайр-хайр» деб, отга томон юрган эди, онаси отнинг жиловини Жумагулнинг қўлидан олиб, Абайга:

— Кел!— деди-да, бисмилло, деб қўлтиғидан олиб отга ўзи миндирди.

Абай отга қўниб, жўнамоқчи бўлиб, барини тиззаси блан қимтиған эди, Улжон ўзининг узун-узун оппоқ бармоқларини саман отнинг ёлига қўйди, айтадиган бир гапи бордай кўринди. Абай шуни онглаб, онасининг юзига караганда, Улжон унинг кўзларига бироз тикилиб туриб:

— Болам, катталар бирда тотув, бирда араз бўлаберади «кундошнинг кули ҳам кундош» деган гапга сен риоя қилма. Бўжекангни кўрганингда яхшилаб салом бер. Бир вақтлар қадрдонинг, яқин одаминг эди. Ким яхши, ким ёмон — сен қаёқдан биласан? Отанг душман деса, сен одил бўл! Ёмонлик кимнинг қўлидан келмайди. Иш қилиб жон куярдан айрилма!— деди.

Абай жўнади. Бирнечча марта айланиб, орқасига қараганда, оналари уйга кириб кетмай, қараб туришган эди. Онасининг сўнгги сўзлари ҳали ҳам қулоғига эшитилаётгандай бўлди. Бўжейга ғоят раҳми келиб, ичи ачиди.

2

Абай отаси блан Қарқаралида турганига кўп бўлди. Қаҳратон қиши, қор қалин тушган эди.

Қунанбой кичкина шаҳарнинг ўртасидаги кўк тунука томлик катта ёғоч уйга тушган. Бу қозоқлар суҳбатини яхши кўрадиган, меҳмондўст бир татарнинг уйи эди.

Оғасултон шаҳарга бирқанча қариндошларини, бирқанча одамларини эргаштириб келган. Қунанбой тушган уйининг орқасидаги уч-тўрт кўчадаги уйларга ўз тўпи блан ўрнашиб олган Мойбосар, Жақиб, Қоратой сингари Қунанбойга қарашлиқ одамлар бор. Яна кечаю-кундуз Қунанбой блан Мойбосар тушган уйда бўладиган тилмочлар, навкарлар, Мойбосарга қарашлиқ чопарлар — Қамишибой, Жумагуллардан ташқари, Қунанбойнинг чопари Қорабос ҳам бор эди.

Қунанбойнинг йигитлари кўринишда шаҳарлилардан тамом ажралиб турар эди.

Қунанбойнинг атрофида татарлардан Фабитхондек, қирғизлардан Изиқуттидек, хўжалардан Бердихўжадек, ҳатто ёлғиз ярим келган черкаслар ҳам бор эди.

Қунанбойнинг ўттиз ҷоқли йигитлари саккиз уйни

олиб ётишарди. Худди Тұбуқтннинг бир овули Қарқаралиннг ўртасига күчиб келгандай бўлиб қолди. Абай отасиннг олдидә зерикиб қолгундай бўлса, бир бошдан шу уйларга бориб, ўзига эрмак топиб келарди.

Букун ҳам Абай нонуштадан кейин отасиннг олдидан чиқиб, Мойбосар тушган уйга қараб кетди. Җарақлаб қуёш чиқиб турарди. Қарқаралиннг атрофини ўраб турган тепаликлар оппоқ қор блан қопланған, ялтираб ётарди. Тоғдаги қарагайларни ҳам момиқдек қор босган. Ҳозир дарахтлик тоғлар Абайнинг күзига оқ тұнниннг тескарисини кийиб олган чолга ұшаб күрінарди. Совуқ қаҳри-заҳрига олиб, шимолдан билинар-билинмас совуқ ел эсіб турарди. Абай тулки тумоғиннг бөғини бойларкан, энасинн эсига олди. Жұнаёттан өфіда у: «тумоғиннг богини боғлаб юр, қулоғингдан санчиқ турса ёмон бўлади. Мана, кўриб ўтирибман-ку» деб ўзиннг қулоғини кўрсатган эди.

— Ўзиннг соғлиги қандай экан? Айниқса совуқ бўрон бўлаётган кунларда мени эслаётгандир! — деб, Абай Жидебойдагиларнинг ҳаммасини эсига олди; ўзи ҳам оналарини соғинган эди.

Усти музлаб қолган қаттиқ қор оёқ остида қисирлар, Абайнинг оғифидаги ихчам қилиб тикилған янги қора этиги, музлаб қолған қорда тийғаниб-тийғаниб кетарди. Абай әнді ўш болалардек эмас, йигитчалардек кийинган: босшида қора баҳмал сирилған тулки тумоқ. Катталар поча тумоқ кийса, сўнгги йилларда йигитчаларга, шу сингари, тулки тумоқ расм бўлған эди. Устига тийин пўстин, устидан ихчам қилиб тикилған кумуш ранг товланиб турадиган қора баҳмал тұн кийган. Құлтиғини кенг ўйиб, енгини узун қилиб тикиладиган тұнни шу қарқаралик қозоқларгина кийишади. Буларнинг ёқаси ҳам бошқача бўлади. Қарқаралиларнинг тумоғи ҳам бошқача. Уларнинг тумоғи Тұбуқтиларнинг тумоғидек олти карж бўлмай, тўрт карж қилиб тикилади. Абайнинг бошида ҳам ўша ўз элиннинг тумоғи, белида қайиш камар эмас, яшил қийиқча. Бу ҳам йигитчалик аломати.

Абай кўчада тўп-тўп бўлиб ўтиб бораётган салт отлиқларни — овул одамларини кўрди. Буларнинг кўпчилиги Қунанбойннинг олдига келаётган одамлар. Кундагидек эртадан-кечгача улуғнинг уйида ғужғон ўйнайдиган мансабдорлар, да'вогарлар, арз қилғали келганлар.

Абай, Мойбосар тушган уйга етди. Дарвозадан кири-

ши блан бостирманинг тагида турган бир гала Тўбуқтиларга кўзи тушди. Буларнинг ичиде бегона одам йўқ, ҳаммаси ҳам ўзи биладиган одамлар, қариндошлар, каталар эди. Буларнинг ўртасида санг-санг тўнини елкасига солиб, қизил магиздан келган Мойбосар ва унинг ёнида Жақиб, Тўлепберди яна бирнечা ёш йигитлар туришган эди. Бошқа уйларга тушган Тўбуқтиларнинг ҳаммаси шу ерга жам' бўлишган экан.

Қозоқбой, Жумагул, Тўлепберди, Бурахон тўртталаси, ёли қулоғидан ошадиган кулранг ғунонни йиқитиш ҳаракатида эди. Қарқаралига келганларидан буён тўп-тўгаракдан «Қунанбойнинг насибаси, тортиқ» деган ном остида семиз қўй, сўқимга боқилган биялар, онаси қисир колиб, сут эмиб юрган семиз тойлар келаётганидан Абайнинг хабари бор эди. Афтидан, Мойбосар бир семиз молни сўйиб, ўз тўпи блан нажир қилмоқчи бўлса керак.

Иргизбойлар Қарқаралига келаётганда йўлда ҳам, шаҳарда ҳам шу сингари иззат-икромни кўп кўришаётган эди.

Улар, ичидан, ўзларини ўзга қозоқларга нисбатан бундай кунларга, иззат-икромга етиштирган Қунанбайдан фоят миннатдор эди. Кулранг ғунаннинг семизлигини кўриб, Қунанбайдан яна ҳам миннатдор бўлишди. Шундай пайтлардаги одатлари бўйича «Мирзани» яна оғизларига олишди.

— Шу гал Мирзанинг обрўйи бошқача бўлаётир-ку! — деб, Жақиб гап бошлиди.

Кейинги кунларда Оғасултон Қунанбойни, Қарқаралидаги арз қилгали келадиганларга қўшилиб Тўбуқтиларнинг ўзлари ҳам «Мирза» деб аташарди.

— Қўралмаган куйиб ўлсин! Эртага мачит ҳам битай деяпти... Бутун халқининг муҳаббати бизнинг Мирзага оғди десангчи,— деди Мойбосар гердайиб.

— Мачитнинг ўзи ҳам шундай мачит бўлиптики, асти қўяберинг!... Узи ҳам Қарқарали кўрмаган шани-шавкат бўлди-да...—дэйишиб Бурахон, Тўлепбердилар ҳам хурсанд бўлишди.

Абай Қарқаралига келгандан буён «мачит» деган гапни отасининг оғзидан ҳам, бошқа мансабдорларнинг оғзидан ҳам кўп эшиштаётган эди. У отасининг кўпнинг оғзига тушиб, донгги кетиб, обрўйи ошишига сабаб ҳам шу мачит эканлигини яхши биларди.

Қунанбой ўтган йил ёздан буён шу атрофдаги энг биринчи мачитни шу Қарқаралига ўз кучи блан солдира-

ётган эди. Уша мачит бугун битган экан. Шаҳардаги муллалар, элнинг казо-казолари шу мачитни солдиргани учун Қунанбойни кўп та'риф қилишар эди.

Бундан икки-уч кун муқаддам Қунанбойнинг олдига келиб кетган домла-имом мулла Ҳасан Саратов ҳам:

— Қора халқдан хон туғилган ўзингсан... Мачитнинг каломи шарифдаги бир қисми Байтилло... худойи таборак ва таолонинг уйи... Уни нодон халқ, авом саҳроликларнинг ичига солдирдинг. Яратгучи эгамнинг севикли бандаларидан биттаси бўларсан. Иншоолло... — деб, кўп мансабдорлар, старшинлар, улуғларнинг олдида дуо қилган эди... Бу дун'ёсини ҳам, у дун'ёсини ҳам ёрлақаган ҳазрат қайтиб кетаётган чогида Қунанбой унга бир от, бир тия бериб, уйнга кузатдириб қўйган эди.

Абай ўз отасини бошқа мансабдорларга нисбатан кучи ҳам, халққа та'сири ҳам зўр эканлигини сезарди. Ҳозир Абай отасига синчилаб қараб, разм солиб, унинг бунга қандай эришганини билгиси келарди. Броқ бирга юриб, бирга турадиган бўлганидан бери отаси қўзига бир муаммодай кўринабошлади.

Кулранг ғуноннинг гўштини сархил-сархил жойлари ошхонага жўнатилди. Бошқа уйларга тушган Тўбуқтиларнинг ҳаммаси Мойбосар ҳозирлаётган тушлик овқатга келишмоқда. Шунинг учун ҳовлида кирди-чиқди кўпайиб қолган эди. Келган одамларни Мойбосар уйга бошлаб, энди бемалол ўтиришмоқчи бўлган пайтда дарвоза очилиб, Қорабос кириб келди. У шошилганича келаёттир. Мойбосар тўхтаб, уни кутиб турди. Қорабос яқинлашиб келиши блан:

— Олшекенг келади... Ҳозир Мирзанинг олдига Олшекенг келади дейишаштириб. Шунга Мирза сизларни айтиб кел деб юборди... Қани дарров бўлинглар! — деди, Мойбосар блан Жақибга қараб.

Мойбосар дарҳол тўнининг енгини кийиб, дарвозага қараб юрди. Жақиб ҳам унинг блан бирга кетди. Абай бошқалар блан қолмоқчи бўлган эди, Мойбосар орқасига қайрилиб:

— Абай, юр сан ҳам!.. Қайнатанг-ку, қайнатангга салом бериб кел! — деб уни эрмак қилаётгандай қиқирилаб кулди.

Бундан икки йил муқаддам Қунанбой блан Олшинбойнинг дўстлиги қудаликка айланиб, шу Олшинбойнинг

Тусип деган ўғлининг Дилда деган қизини Абайга бўлишиб қўйишган эди.

Қунанбой Қарқаралига келгандан бўён, Олшинбой бирнеча мартаба келиб меҳмон бўлиб кетди. Бу атрофдаги бор мансабдорларнинг ичидаги Олшинбойнинг номи ўзгача бир донг чиқарган. Уни Олшинбой деб атайдиган одамни, Абай хали учратган эмас, уни фақат «Олшекенг» дейилади. Бу ўлкада Қунанбойнинг номига тенглашадиган ягона ном шунинг номи...

Унинг авлод-аждодини ҳам бутун Тўбуқти, бор қарқараликлар «Қоракўк»¹ деб аташарди. Олшинбой машҳур Тиленшибийнинг ўғли. Унинг отаси Қозбекбий шуларга қараганда, Абайнинг қаллиғи Дилда демак, бир теги-тахтлик, отоқлик ернинг боласи. Бу қаллиқчанинг қалин моли ҳам унча-мунча бўлмаса керак, негаким Қунанбой овулидан Қарқаралига юбориладиган тўп-тўп от, туялар аксари шу Олшинбойнинг овулига юборилар эди. Ўларнинг фақатгина шу қудоликларими ё ундан бошқа иллинжалари ҳам борми ҳарқалай, Олшинбой блан Қунанбой орасидан қил ўтмас эди.

Олшинбойнинг номини эшигандан, Мойбосар блан Жақибларнинг йўрғалаб қолишиларининг сабаби шу эди.

Лекин Абай бор ерда Олшинбойнинг номи аталадиган бўлса, Мойбосар нуқул уни уялтириб:

— Шу киши сизнинг қайнотангиз бўладилар! Бу атрофнинг энг йўғон устуни шу киши. Устларига бостириб кирманг!.. Кирганингизда та'зим қилинг! — деб, тегажаклик қиласерар эди.

Абай Мойбосарнинг шу хилда эрмак қилиб кулишдан сиқилиб Олшинбайдан ўзини тортиб юради. Лекин ўтган сафар Қунанбой блан Олшинбой Абайнинг жўрттага чақириб олиб: «Уялма» дейишди... Иигит бўлдим, деб юрган чоғида, уни овулдаги келинчакларга ўхшаб, уялиб, қисилиб-қимтинишга мажбур қиласиган Олшинбой номини Абай у қадар хуш кўрмас эди.

Мана энди Мойбосар, Тўлепбердилар ёки чопар Жумагул сингари гапдан оғзи ҳормайдиган, ҳазилкашлар «куёв», «қаллиқ», «қуда томон» деб унга Дилдани эслатаберишларининг ўзи уни Дилдани йўлласа, кўнгли кетадиган қилиб қўйган эди.

Хозир уч-тўрт киши бўлиб, кўчада кетаётганларида ҳам Мойбосар Абайга қараб жиддийлик блан:

¹ Пойгада ютиб чиққан, зўр ҳурматни билдирадиган лақаб.

— Мана бу мачитнинг тўйи ўтиб, жиндак қўл бўшасин, шундан кейин сенга айтадиган бир жиддий гапим бор... Унақа енгиллик қилма, ёш боламисан, шукур зинғиртдек азамат йигит бўлиб ҳолдинг... Олшинбойнинг овулига бекорга мол берадиган деясанми буёқдагиларни? Шу гал Қарқаралидан қайтишда сенга айтадиган бир гап бор,— деди. Абай қовоғини солди-ю, индамай қўяқолди, ичидан Мойбосарнинг нима демоқчи бўлаётганини сезиб турад, лекин асло кўнгиси келмас эди.

Унга Қорабос:

— Айтаман, айтаман, деб илинтириб юрмасдан «гап шу» деб қўяқолсангчи. Ҳаёлингда Абай билмайди деясанми? Бунинг балони билади!— деди.

— Қўйинг, Қораака, қўйсангизчи! Шу гап, шу махташларингизни қўйсангиз менга от миндиргандай бўлар эдингиз,— деб Абай Қорабоснинг елкасига осилди. У Қорабоснинг фе'лини, ширин сўзлигини яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам тортинаасдан унга эркалик қиласерар эди.

— Шошмай тур, ҳали иш битсин... Айтганим айтган... Ҳали сен блан бир гаплашаман, гаплашганда ҳам ҳазилакам гаплашмайман!— деб, Мойбосар ҳалиги гапнинг тегида кўп гап борлигини сездирабошлади.

«Бу гапларни отам блан маслаҳатлашиб айтадиган бўлса керак-да!— деб ўйлади Абай,— Унда бу гап ҳазил эмас, чин бўлади-ку, қандай бало бўлди ўзи»— деб кайфи учиб кетди... Нимагадир шу тўғрида гап очилди дегунча, ҳақиқатан ҳам Абайнинг заҳраси учиб кетарди... Булар шундай қилган сайин Дилдадан кўнгли совиб борарди. Унинг номи Абайга гўё бир хил зўрлик ифодасидай туюларди.

Бундай вақтларда Абай қовоғини солиб ялт этиб қараб қўярдию, лекин ботиниб Мойбосардек оғанинг юзига қаттиқ гап айттолмас эди...

Шу пайтда улар Қунанбой тушган уйга етиб, ҳовлига киришди. Ўпир-тўпир қилиб юрган отлиқ ва яёв одамлар ҳовлининг юзини тутиб кетган экан. Катта ҳовлининг ҳарқат-ҳарқатида да'вогарлар бештадан, ўнтадан бўлиб, довра қуриб сўзлашиб ўтиришар эди: «Тергов, Бийлик, фатво, шарт, айб, гина, уруш, яраш...» Тўда-тўда бўлиб ўтирганларнинг кўпчилиги тумоғлари, тўнларига қараганда Бўшон элининг одамига ўхшарди. Буларнинг ичидан Балхаш бўйидан келган Додон элининг одамлари,

Тұбуктиларнинг чопони ёки Доғонди, Керейларнинг жүйе чакмони, чүқің тумоғи ҳам күриниб қоларди.

Бу кенг ҳовлидаги тұпларнинг қайси уруғдан эканлиғини кийимларидан ташқари яна бир аломатларидан аниқ билиш мүмкін. Кече Қорабос Абайга әр қабиланинг отига босадиган тамғасини айтіб берган зди. Абай ҳовлидан үтиб бораркан, әр түпнинг олдида боғлақлик турған отларнинг сонидаги тамғасыға диққат қилиб борар әди. Ана «Күз тамға», иккі доиралық тамға босилған отлар — Оргинлар блан Бұшанларнинг оти, мана бу «ашамай» тамға босилған отлар — Керейларнинг оти. Ана у күк от-чи — Ҳа, бунга «шұмиш» тамға босилған — наймонларнинг оти экан. «Бу ерда наймонлар ҳам бор экан-да!» деб үйлади Абай. Иккі ерда араб алифбесиңнинг «шин» әрфига үхшаш тамға босилған отни — киборларнинг отини ҳам күрди. Абай ҳовлида бироз айланышыб, шуларни тамошо қылмоқчи әди, лекин катталар тұхтамасдан уйга киришди. Жақиб олдин бориб, Қунанбой үтирган үйнинг эшигини очди. Уч-тұрт киши баравар кириб салом беришди. Катта, өруғ үйнинг останасидан тұрғача қимматли қызыл гилам солинган. Үйнинг тұрт томон деворига, шаҳар одати бүйіча, қимматли поча пұстинлар илинған. Қашта тикилған чойшаблар, жойнамозлар тутилған. Күрпа-түшак, момық ястиқлар блан безатылған. Букланадиган катта хон таҳтанинг иккі томонида Олшинбой блан Қунанбой катта-катта, оппоқ ястиқларға ёнбошлашиб үтиришган экан. Келгандар салом берғанларида Олшинбой блан Қунанбой тилар-тилас мас лабларини қимирлатиб, зұрға алик олишди.

Келгандар Олшинбой блан Қунанбойнинг иккі томонини олиб үтиришди. Олшинбой нима ҳақидадир сұзлаётгандын экан, буларға қараб сұзини бұлыб, тұхтаб қолди. Қунанбой: «Гапираберинг» дегандай ишора қилды.

Барваста келган, иккі юзи қипқизил, оппоқ соқоллук Олшинбой қора камзулининг устидан поча пұстинини елкасинга ташлаб үтиради. Бошида кулранг дүппи-қозоқ тақияси. Дүппининг иккі томонидан бошидаги гардиш-гардиш ялтироқ този күриниб турарди. Яқында қирдирған оппоқ сочи чиқиб келаётгандын бұлса ҳам, унинг тозини яшираолмасди.

Олшинбой эшикка қараб үтириб, катта қирра бурнини күтариб сұзида давом этиб:

— Боймуриннинг үзи ҳам қовоқ-думоғ қилиб, гапиргу-

си келмайди... — деган эди, Қунанбой бошини күтариб, Олшинбойга қаради. Олшинбой зардаси қайнаб кетган Қунанбойнинг юзига тикилиб:

— «Бўжейни зиёфатга айтсам Қунанбой ёқтирмайди, Тўбуқти қачондан бери менинг қозонимга хўжайин бўлиб қолди» дейди, — деди.

— Боймурин унинг ёнини олишининг важи нима экан, шуни айтдими? . — деди Қунанбой.

Абай сўз нима тўғрисида кетаётганини яхши биларди.

Утган куни отаси шу Олшинбой блан анча вақт суҳбатлашиб ўтиргандан кейин, ниҳоят ундан Бўжейга бир совуқ гап айтиб юборган эди. У «Бўжей арз қилиб, оёғимдан олишини қўйсин! Акс ҳолда сур чопонини кийдириб¹, бўйини газлатиб² ҳайдатиб юборилмагунча қўймайман!» деган эди. Қунанбой блан Бўжейнинг ўртасидаги келишмовчиликни битириш масаласи Олшинбой блан шу Қарқарали қозоқларнинг яна бир устуни бўлган Боймурин орқали олиб борилаётган эди.

Бугун Олшинбой у томондаги гапнинг ҳозирги чўққиси қай томонга қийшайганидан Қунанбойни хабардор қилгали келган бўлса керак.

Боймуриннинг Бўжейни қўллаб юришини Қунанбой фақат ҳалиги гапдан эмас, бошқа вақтларда ҳам билиб юрар эди. Қунанбой Боймуринга э’тибор қилмас, унинг асосий душмани Боймурин эмас эди. Ранжиса ранжий берсин, унинг ранжиши оғир келса, Олшинбойга оғир келади. Иккинчидан Олшинбой «сени деб қариндошим Боймурин блан ўртамизга низо’ тушди» деб Қунанбойга ола қарамайди.

Сўнгги йилларда Қунанбой блан Олшинбойнинг бирбирига бўлган садоқати бирнечча бор синалган. Қариндошдан ҳам қудалик дўстлик ширинроқ келиб, иккаласи ҳам унча-мунча ранжларни кўтариб кета берадиган бўлиб қолишган. Шунинг учун аввалги сўзини ўша ҳоли-ча қолдириб, Олшинбой Қунанбой кутаётган жавобга кўчди.

— Аввал унинг жавобини айтайин, кейин бир маслаҳати бўлар. Бўжей сенинг ўша гапингга енгиллик қилиб, ўйламасдан жавоб берибди. «Сур чопонни бизнинг Мир-

¹ Сур чопон — маҳбус кийими.

² Бўйини газлатиб — кафанини қўлига бериб юбораман деган ма'нода.

за бичган эмас, худо бичган. Уни кимга буюришини ҳали құрармиз...» дебди. Унинг құлтуғынға ё Боймурин ё яна бошқа бир одам сув пуркаётган бұлса керак!

Бу жавобни әшитгандан, боядан бүен жимгина үйланиб үтирган Мойбосар, Жақиблар сесканиб кетіб бақрайиб қолниши.

Ичларида: «Бу қандай қутириш? Бунга бир бало бўлганими ўзи! Харом үлайин деган экансан!.. Үз увалинг ўзингга» дейишди.

Абай ҳам Бўжейнинг қандай жавоб беришига интиқ әди. Ҳалиги Олшинбой айтган гапга у ҳам ҳайрон қолди. Ичидан: «Бу қандай алам, қандай ўртанишдан туғилган гап экан?.. Яна қандай мардлик-а?» деб үйлади.

Қунанбой бу қайсарлик блан берилган жавобни әшитгандан бошини күтариб, ягона кўзи блан қаршисидаги деразага тикилганича қотиб қолди. Унинг қонсиз юзи қаттиқ ғазабдан бўғилиб, қорамтири товлаб бораётгандай қўринар әди.

У на бир товуш, на бир ҳаракат, на бир сўз блап сир бермади. Ҳаммасини ичига солиб, бўғилиб, дамнини чиқармаганича үтираберди. Унинг юзига ён томондан икки марта қараб қўйган Олшинбой ҳайрон бўлиб, ичида Қунанбойга қойил қолди.

«Ичиди, ҳаммаси ичиди! Юраги эт эмас, тош бўлса керак!..» деб қўйди Олшинбой ўзича. У бошқа мансабдорлар ичиди Қунанбойга ўзгача баҳо берганида Қунанбийнинг мана шундай пайтларда ўзини ғоят тутабилиши, ўзгача бир саботини кўзда тутиб берган әди.

Үйни сукунат босди. Ҳали даҳлизда қолган Қорабос астагина әшикни очиб, оёғининг учи блап битта-битта босиб келиб:

— Майор келибди, мирза, сизга келган экан,— деди.

Қунанбой шунда ҳам пинагини бузмай үтираберди. Бироздан кейин әшик очилиб, барваста келган майор кириб келди. Унинг ёнида қотмагина, рангги пиноҳдек, ٹўқи соқол қозоқ тилмоч Қасқа ҳам бор әди. Бу тилмоч бу ерга кечаю-кундуз келиб-кетиб туради.

Майор, Қунанбой ва Олшинбойлар блан қўл бериб сўрашди-да, Қунанбийнинг рўпарасида турган стулга үтирди. Унинг катта-катта мовий кўзлари сал ғилайлашиб қаради. Унинг юзи-кўзини жингалак сапсариф соқол босган. Гардани қипқизил бўлиб, икки қатланиб туради. Буни қозоқлар ўз оти блан атамай, ўзга майорлар син

гари, күринишидаги аломатлари блан атарди. Бошқа майорларни битта аломати блан: «чиройлик майор», «семиз майор» деб ёки сепкилига қараб «сепкилли майор» дейишса, бунинг неча хил сифати бўлса ҳаммаси блан аташарди. Ба'зан «ғилай майор», ба'зан «жун майор», ба'зан «пишган бош майор» ҳам дейишарди. Қунанбой блан Олшинбай атрофидагилар уни ақли кам деганга ишора қилиб «пишган бош майор» дейишарди. Бу майор Қунанбайнинг айтганига юрабермас, ўз ихтиёри, ўз йўли блан иш тутар, шунинг учун ҳам Қунанбойга ёқмас эди.

Қарқарали округининг бутун инон-ихтиёри, амр-фармони Қунанбой блан шу майорнинг қўлида. Қозоқлар округни «дуан» деб, буларни дуанбоши дейишарди. Қунанбой округнинг бошқаручиси бўлиб, бу майор унинг ўринбосари эди. Шунинг учун Қунанбайнинг Оғасултон ҳам дейишарди. Учинчи бир кишини кичиксултон дейишарди. У ҳозир шаҳарда эмас эди.

Майор ҳозир Қунанбайнинг олдига Бўжей масаласи блан келган эди. Қунанбой Бўжейнинг жавобини эшитиб, ғазабидан чатнагудай бўлиб ўтирган пайтда, бу майорнинг келиб қолиши айни муддао бўлди.

Шундай пайтларда Қунанбой, ортиқча такаллуфларга бориб ўтирмасдан, тўғридан-тўғри ишга бошлар эди. Үша одатини қилиб дарҳол гап бошлади:

— Майор, сен Тўбуқти авлодидан эмас эдинг-ку. Қарқаралига келганингдан буён жигарларингни топиб олганга ўхшайсан, ҳарқалай Бўжейни ҳайдатиш керак, қогозларини тўғрила деган эдим. Шу ишни хўп чўздинг. Үнга жон куяр бўлиб қолдинг, жигарингми нима ба-ло?.. — деди.

Қунанбой ягона кўзини майордан олмай, ўқдек қадаб, заҳарини сочиб турарди. Майор: «Таржима қил» деб, тилмочга қаради.

Қасқа тилмоч иккиланиб бир Қунанбойга, бир майорга қаради; чўкка тушиб ўтирган жойида тиширчилаб қолди. Бир томондан рус тилини учча яхши билмагани бўлса, иккинчидан икки улуғнинг бир-бирига айттаётган қаттиқ гапини тўппа-тўғри етказиша иккиланаётгандай эди. Гоҳ ер чизиб, гоҳ ўзини ўёққа-буёққа ташлаб, нима қилишини билмай қолди.

Қунанбой бунинг сўз бошлайолмаётганини кўриб, тувақиб кетди-да:

— Ҳой, тилмоч, айтган гапимни батамом етказ-чи шунга!.. Иининг оғзида ўтирган сўфи тўрғайдек мунча думингни липиллатасан!..— деди.

Мойбосар «тўрғай» деганда кулиб юборди-да, Қунанбойнинг ғазабли чеҳрасига қараб дарров ўзини тутди. Лекин ич-ичидан кулгиси қистаб, ўлаёзид ўтиради. Бу ўхшатиш Абайга ҳам ғоят қизиқ туйилди.. унинг кўз олдига қарчиға солиб юрган пайтларида кўрган, иининг оғзида думини қоқиб, ҳали уёққа, ҳали буёққа гайланиб турадиган шақ-шақ келган эди. Ҳақиқатда ҳам бу шўрлик тилмоч ҳозир худди ўшангага ўхшарди. Лекин бўлаётган гап ҳазил гап эмас. Кулгининг ўрни эмас. Абай Мойбосарнинг ҳалигидай енгиллик қилиб, кулиб қўйиб, кейин ҳижолат тортганини пайқаб ўзини босиб олди.

Ниҳоят тилмоч қийнала-қийнала бутун гапни майорга тушунтириб берди. Майор шошмасдан, йўғон товушини барада қўйиб, гап бошлади.

— Бизларға ҳокимлик кеки бўлган одамдан ўч олиш учун берштган эмас. Бўжей Ералиновдан тушган қофоз кўп, текшириш керак! Яна унинг тарафдорлари ҳам кўп. Уни ҳайдатма, шошмай тур!

Шундан кейин иккаласи гап талашиб айтишиб кетишиди.

— Шундай қилиб, бизларни олиштириб қараб ўтироқчисанку! Мақсадинг шу!— деди Қунанбой.

— Мен ўзимча қилаётганим йўқ... Оғасултон бўлиб келган Қусбек, Жомантойларнинг ҳам фикри шу. Ҳатто мана бу Олшинбой биладиган Боймурин ҳам шу фикрда...

— Улар ким? Битта-яримта!.. Озчилик! Яна кўралмаганидан шундай қилаёттир. Кўп элнинг кўп мансабдорлари менинг сўзимни ма'қуллаёттир. Ўзинг ҳам кўриб турибсан-ку, ё шундай эмасми?

— Озчилик бўлса бўлаберсин, лекин қонун — подшоҳликнинг қонуни шуларнинг гапига ҳам қулоқ солади. Ўшаларнинг сўзи ҳам юқорига, улугга етади-да!

— Етказадиган сансан-да! Айбдорнинг ёнини олиб ўтирганингдан кейин, дуан ошиб, уларга бормайдими!

— Қунанбой мирза, сен ундаи қилиб мени айблама! Бунинг ўзи икки юзлама ханжарга ўхшаган иш.

— Биламан, мақсадинг нима эканлигини яхши била-ман!

— Оғасултон ўрнингизни унутманг!.. Сизни ҳам, мени ҳам корпус сайлаган,— деб майор трубкасини тутабиб уйнинг у бошидан бу бошига юрабошлади. Майор ҳам, жаҳли чиқиб, қипқизариб, бўғилиб кетган эди.

Қунанбой яна бир нарса демокчи эди, Олшинбой йўл бермади. Дуан бошлиқларининг гапи шу таҳлитда давом этадиган бўлса, урушиб кетишлари турган гап эди. Бу беҳуда иш бўлар эди. Олшинбой бундай ишга йўл қўйинши тўғри келмайди. Қунанбой учун ҳам, ўзи учун ҳам зарарлик бўлиб чиқади... У боядан бўён хон тахтага тирсагини тираганича, қимирламай ўтирган эди, энди ўзини орқага ташлаб, қаддини ростлади-да:

— Ҳой, мирза! Ҳой, майор! Сабр қилинглар-чи! — деди.

Олшинбой блан фақат Қунанбойгина эмас, майор ҳам ҳисоблашар эди. Кўп оғир ишларни шунинг блан бирга битиришган. Шу кунга қадар бир-бирларига қошдан қовоқ қайтаришмаган. Яна Олшинбой ўзи улуғ бўлмаса ҳам, ҳақиқатга келганда кўп-кўп старшинлар, ҳатто Оғасултон сайловчиларнинг ҳам энг зўри деб саналар эди. Буни майор ҳам яхши билади. Олшинбой блан ҳисоблашмай илож йўқ. Олшинбой сўз қотганда, уёқдан-буёқ-қа юраётган майор тўхтаб, ер остидан Қунанбойга бир назар ташлади. Афтидан, Қунанбой ҳам Олшинбойнинг сўзига қулоқ соладиган.

Тутақиб, нафаси оғзига тиқилиб келган майор стулга ўтириди.

— Улуғлар, сизлар бунақангги ман-манлик қилманглар!.. Яхши эмас! — деб Олшинбой гап бошлаши блан Қасқа тилмоч майорга қараб бор вужуди блан букилиб, тушунтира бошлади:

— Бирингиз бирингизга суюнчиқсиз. Фақат аҳил бўлсангизгина элни бийлайсиз. Аҳил бўлмасангиз нимани бийлайсиз. Ўзингиз блан ўзингиз овора бўлиб юрт ҳам қолади, иш ҳам қолади. Келишиб ишланглар. Ўзаро кеплишаолмасангиз биз сингари ўртадаги, холис одамнинг сўзига қулоқ солинглар. Менинг сизларга айтадиган гапим шу! — деб, иккала улуғга ҳам бир-бир қараб қўйди. Энди буларнинг ўзини босиб олганини кўриб, Олшинбой давом этди. Энди, Бўжей масаласига келсак,— деб, Қунанбой томонга энгашти — мен шу иш юзасидан келган эдим. Қани майор энди шу ишни букун кечга қадар тўхтатиб туришга рұксат беринглар-чи менга! Сизлар икка-

лангиз ҳам шу гапни ҳозирча тұхтатиб туришга розилик берасизларми?

Олшинбой сүзлаётган пайтда Қорабос дағлиздан сирланган чуқур сариқ чорада қимиз олиб кирди. Мойбосар ва Абайлар дастурхон ёзиб, ялтироқ сирли косаларда катталарнинг олдига қимиз қўйишиди.

Юзи сал қурумланиб¹ турган сапсариқ қимиз Мойбосар архарнинг мугизидан ясалган идиш блан шопирганды, кўпирмасдан пиш-пиш этиб жимиirlади.

Дастурхонга уч товоқ оширма бўғирсоқ қўйилди. Олшинбой сўзини тамомлаб қолган пайтда, Қорабос катта товоқда иссиқ овқат олиб кирди. Бу одатдаги қовирдоқ эмас, Қунанбойнинг қимиз блан ейдиган жовбўйрек² деган овқати эди.

Олшинбой сўзини тамомлаши блан Қунанбой уни ҳам, Мойбосарни ҳам овқатга таклиф қилди:

— Қани, овқатга қаранглар! Бисмилло...

Мачит соламан деб, имом ҳаэррат блан кўпроқ борди-келди қилганидан буён Қунанбойнинг ўзи ҳам, оми бўлишига қарамай, ўша диндор, тақводор «оғзидан бисмилло» тушмайдиган фотиҳани қўймайдиган кексаларга эргашиб, анча тақводор бўлиб қолган эди.

Олшинбойнинг сўзини тамом қилишига биринчи баҳона таом келиб қолгани бўлса, иккинчиси ортиқча гапга ўрин йўқлиги эди. Олшинбой шу ишга киришиб «ўзим битираман» дегандан кейин, майорнинг ҳам ўзбилар-мандчилик қилишнинг ҳожати йўқ эди. Агар нотўғри битирса, ўғини ўшанда кўради. Бордию, дуруст томом бўладиган бўлса, бу ишни Олшинбойга топширишдан яхвиси йўқ. Шунинг учун майор ҳам:

— Фикрингизга қўшиламан, майли тўхтай. Жавобини ўзингиздан кутаман,— деди. Шундан кейин қимизхўрлика берилиб беш паранг коса қимизни уст-устига ичиб юбориб, жовбўйрекдақ озгина еган бўлдию, хайрлашиб чиқиб кетди.

Тилмоч овқат тамом бўлгунча ўтириди. У кетгунча Қунанбой ҳалиги иш ҳақида оғиз очмади. Бироздан кейин дастурхон йиғилиб, тилмоч ҳам кетди. Шундан кейин Қунанбой:

¹ Қурумланиб — яхши қимизнинг юзида майдада майдада қурумга ўхшаган нарса сузуб юради.

² Жовбўйрек — бўйракнинг устидаги ёғини шилмасдан қовирилади.

— Жиғилдонини порага тұлдириб олган бу пішінг
бошнинг галини күрдингми?.. Бұжей блан Бойсол Бой-
мурин орқали бунга хұб тиқиширган десанды... — деб
боядан буён таноби узилмаган хаёлининг бир чигал ери-
ни ёзди.

Олшинбой ҳам шу ҳақда үйлаётган әди. Лекин у
Қунанбойға нисбатан чуқурроқ үйлаб, турли-туман үрин-
сиз шубхаларга бориб, ташвиш тортаётган әди. Қунан-
бойнинг сўзинга дарҳол жавоб бермади, анча вақтдан
кейин:

— Порани-ку, құябер-а. Пора емайдиган улуғ бор
дайсанми? Үнгдан ҳам, сўлдан ҳам баравар олиб, баравар
ҳазм қилиб, эпини қилаётгандар озми? Бу ерда гап
шундагина эмас-да! — деб, бугун Қунанбойға ўзича айт-
моқчи бўлиб келган гапига кўчди. У ба'зи вақтларда
пешонасини тиришириб, кўзини юмиб сўзлар әди, ҳозир
ҳам шундай кулиб:

— Мен бу бўлаётган ишларнинг ҳаммасига чеккадан
кўз солиб турибман-ку... «Тўққиз қур'ада үйнаётгандарга
қараганда, ўйиннинг боришини чеккадан қараб
турган одам яхши билади» дер әди. Бизнинг бий... — деб,
ўз отаси Тиленшибийнинг ҳам сўзларини эслаб қўйди.—
Айтганидек Тўбуқти ичидан бўлаётган ўйиннинг энди
бошқа бир тус оладиган пайти етди. Буни бир ёқлик қи-
линмаса, улғайиб кетадиганга ўхшайди! — деди-да, бироз
ўйланиб қолди.

Қудасининг гапни бу томонга буриши Қунанбой учун
ажиб бир янгилик әди.

— Олшеке, Бұжей блан Бойсол Тўбуқтида оёғимдан
олган бўлса, энди дуонга келганимдан буён ёқамдан
олмоқчи бўлиб қолди. Қандай қилиб индамайман! — дейи-
ши блан Олшинбой чап қўлини хон тахтадан бироз кўта-
риб:

— Олишадиган бўлсанг, сен ҳам аямайсан. Олиш-
гандан кейин у ҳам аямайди. Лекин ҳалиги майорни ҳам
күрдинг! Фақат майорнинг ўзигина эмас, унинг орқаси-
даги пайт пойлаб юрган, Боймурин сингари нимадан
баҳона топиб, сени илинтиришни билмай юрганлар оз-
ми?.. Ушаларнинг ҳаммаси Оғасултонликдан биратўла
умидини узган дайсанми? Эртаю-кеч орқангга тушиб,
«ёзғир шайтон» блан пайингни қирқиш пайида. Аслида
бошинг аралашган ишнинг улғайгани қурсин,— деб бир
нонук масаланинг учини чиқариб қўйди. Қунанбой энди-

гина бу ишларнинг тагига тушуна бошлади. Ҳалиги ма-йор ҳам, мана энди Олшинбой ҳам Бўжей блан Қунан-бойнинг жанжалининг остида кек ётади деган гапга ишора қилаётир. Бу гап улғайиб, бора-бора «Оғасултон Оғасултон бўлатуриб, Бўжейнинг овулига ҳужум қилди, ўзи бош бўлиб кўп бегуноқ одамларни қақшатди, дарра урдирди» деган гаплар кўпайиб, бошига бало бўлмай қоладими?.. Бўжейнинг «арзи», «аямайди», «текшириш керак» деган гаплар бир аланганинг учқунлари...

Қунанбой хаёл сурин, Олшинбойнинг юзига қараганича «Қани, кўнглингдаги бор гапнинг ҳаммасини айтчи» дегандай индамай турарди. Олшинбой тикка Қунанбойнинг юзига қараб ўтириб, салмоқлаб сўз бошлади:

— Букун мана мачит ҳам битиб, обрўйинг ортиб, донгинг кўпга кетди. Шуни кўралмайдиган одамлар ҳам кўп. Аввало ана у корпус, майорнинг ўзи кўрлмайди. Кечириш блан киши бош эккан бўлмайди. Кўнглингдаги бор гапни чиқариб ташла. Бу ҳам бир Қунанбойлигине бўлсин. «Эзгулик иш устида гуноҳдан пок бўлайин» деганинг бўлсин. Уша қариндошинг Бўжейни душман қилиб бегоналарга юборма!.. Жигарлигиниң қилиб, бағрингга торт, яраш!

Қунанбой хийла вақтгача жавоб бермай, ўйланиб қолди. Ярашиши Олшинбойдек одам илтимос қилаётганда, ҳарқандай жавобни ҳам ўйламасдан бериб бўлмайди. Аслида Қарқарали дуонининг энг зўр, энг э’тиборлик одами шу Олшинбой. Кўп уруғларнинг не-не жанжали ҳам шунинг олдида бир ёқлик бўлади. Қолаберса, Кусбекдек одам ҳам шу Олшинбой блан сўзга боришиб қолиб, Оғасултонликдан ўчиб кетди.

Мана шу Олшинбойнинг дўстлиги орқасидагина оз уруғ Тўбуқтининг Қунанбойи Оғасултон бўлди. Яна Бўжейни душман қилиб четга турта берса, у остида ётиб ҳам оёғини ғажийдиган кўринади. Ишнинг кетиши шуни кўрсатиб турипти. Ундан кейин, қилганда, Бўжейга бу қилди. Бўжей ҳали бунга нима қилди? Қунанбой Олшинбойки ўртага тушгандан кейин кўнишдан яхши чора йўқ, деган қарорга келди. Ўзига қолсаку «кечиш» хаёлида ҳам йўқ эди-я! Агар Олшинбойдан бошқа одам ўртага тушгандан осонлик блан кўна қолмас эди. Энди бу одамнинг ўйли бўлак... Шунинг учун Қунанбой:

— Олшеке, ҳамма ишдан хабардор бўлиб, кўриб-билиб айтиётисиз. Дўст бўлганингиз учун айтиётисиз.

Шуни билмасам айб ўзимда бўлади. «Асти кечирмасман» деган эдим. Лекин қайсарлик қилиб қаерга борардим? Энди худо билсин, сен бил, ўзинг бартараф қил,— деди.

Гап шунинг блан тамом бўлди-да, бироз ўтиргандан кейин Олшинбой уйига кетди.

Бўжей учун Абай ич-ичидан хурсанд бўлди, ҳатто ичидан Олшинбойга ҳам бирқадар меҳри товлангандай бўлди... Мудҳиш, беомон ёвликтининг Шаҳди қайтиб дўстликка айланганини Абай «уҳ» деб шодланиб қарши олди.

3

Шу гаплар бўлган куни кечқурун Абай ёлғиз ўзи Қарқарали шаҳрини кезгани кетди. Ба'зан диққат бўлиб ғамгин тортса, ё бир нарсадан хурсанд бўлиб кўнгли кўтарилса, мана шунақа ёлғиз чиқиб кетарди. Кун кечкиргани блан ҳали қуёш ботмаган эди. Шаҳар четидаги қарағайлик гўзал тоғнинг чўққиларида ҳали, қипқизил алангадек ёниб турган шу'ла ётарди. Тоғда шамол бўлса керак, унинг яйдоқ жойларида, зардал қор зарралари учиб ўйнарди.

Шаҳар ичида шамол йўқ, лекин совуқ. Кишининг руҳини енгиллаштириб, ўзини бегам қиласидан бир пайт. Тоғнинг шаҳарга қараб турган бағрини кеч кўланкаси босди. Яқин ерлардаги чўққи тошлар ҳам, ўша кўланка ичида кўкимтири тортиб, қоронгуликка кириб бормоқда...

Абай ўзлари тушган уйдан икки-уч кўча нарида гангир-гунгир сўзлашиб, муюлишдан қайрилиб келаётган бир гала одамларни кўриб қолди... Буларнинг ичида Абайга таниш одам қўринмади. Хандон ташлаб кулиб, сўзлашиб келаётганларнинг ҳаммаси эгни юпин, шаҳар одами эканлиги кўриниб турарди.

Абай кўча блан битта бўлиб келаётган ёш-қари кишиларга қараб, кўчанинг ўртасида туриб қолди. Лекин ҳеч ким Абайга этибор қилмади, музлаб қолган қорни фижир-ғижир босиб, яқинлашиб келишмоқда эди. Абай энди пайқади: булар оппоқ соқоллик, кўркам бир чолни ўртага олиб келишаётир... Чол кулиб буларни ҳам кулдириб келмоқда эди.

Ажиб, чолни икки киши етаклаб келмоқда. Чол қаддини расо тутиб, бошини юқори кўтариб келаётгани блан ҳечёкка қарамасди. Сўзлаганда ҳам тўппа-тўғри, олдига

қараб сүзларди. Абай бу ўзгача чолга ҳайрон бўлиб, туриб-туриб, ниҳоят тушунди: чол кўр экан...

Кўпчилик Абайни пайқамагани яхши бўлди... Улар ёнидан ўтиб бораётганда Абай ҳам ўшаларга қўшилиб кетаберди. Кўчадан қўшилганлар фақат Абай эмас, ба-зи бир эшик олдида турганлар, дуч келиб қолганларнинг ҳаммаси ҳам чолга қизиқиб унга эргашмоқда эди... Абай орқароқда кетаётган мөш-гурунж соқоллик бир одамдан:

— Бу киши ким бўлади, оға?.. — деб сўраган эди, у одам ҳайрон бўлиб:

— Ие, Шўжекенгни танимайсанми?.. Бу қандай гап бўлди?.. Шўже, Шўже оқин-ку? — деди.

Абай Шўженинг номини кўп эшитган бўлса ҳам, лекин ўзини кўргани шу эди... Унинг номини эшитиш блан юргурганича тўпнинг олдида кетаётганларнинг ичига қўшилиб, Шўжени яхшилаб кўриб, сўзларига қулоқ солабоплади.

— Шўжеке, юринг бизниги! Мана бизнинг уйга етдик. Мен Бекберганиман,— деди бирга келаётганлардан биттаси...

— Йўқ, бизниги борадилар...

— Ҳой, қўйсангларчи, мен ўзим аллақаёқдан олиб келаётирман!..

— Ие, нима деяпсиз, Шўжеке бизнинг уйга тушган! От ҳам бизнигида турибди! — деди яна биттаси.

Шундай талаш бошлангандан кейин, бирга кетаётганларнинг ҳаммаси тўхтаб қолишиди. Ўтган-кетганлар ҳам тўхтаб, ҳалигиларга қўшилмоқда эди.

Ҳалиги «бизнинг уйга-бизнинг уйга» ларни эшитиб Шўженинг ўзи ҳам тўхтаган эди. У хурсанд бўлиб хандон ташлаб кулди-да:

— Э, биродарлар, мен ҳам ўз фикримни айтайми? — деди.

Ҳамма қадрлик кексанинг оғзидан чиқадиган гапни эшитишга муштоқ бўлиб:

— Айтинг, айтинг... Шўжекел.. Майли, ихтиёр ўзингизда, ўзингиз айтинг!

— Қаерда қолишни хоҳласангиз айтаберинг! — деб, атрофдан қистайбошлишади.

Шўженинг товуши жаранглаб бошқа ҳамма товушни босиб кетди:

— Менга қаранглар, мени зиёфат қиласиз, юмшоқ тўшак ёзиб берасизларда... хўп, жигарларим... ҳамма-

ларингизни уйингизда ҳам меҳмон бўламан... Шу беш кун ичида Шўженинг ҳалқимига тош тиқилиб қолмас ахир, шу қизил қорин омон бўлса, таклиф қилаётганларнинг ҳаммасини бурнидан ипга чизиб, биттасининг уйида тушлик, биттасининг уйида кечлик овқатини баҳам кўрарман. Ҳозир изғирин туриб кетди, кеч кирган бўлса керак. Энди менинг кекса вужудимни тўрт томонга чўзғиламасдан, шу яқиндаги бирор эшикка киргизиб юборақолсаларингиз яхши бўларди... — деди. Шўжейнинг гапига кулиб қулоқ солиб турганлар унинг хоҳишига рози бўлишдан бошқа чора тополмади. «Яқин дарвоза» шу ернинг ўзида эди.

Уй эгаси юрганича уйга кириб кетди. Тўпланиб турганлар, Шўжени ташлаб кетишга кўзлари қиймай, ҳамон туришар эди.

Шўжени зиёфат қилишдан умид узган ҳалқ энди Шўженинг бирор оғиз сўзини эшитмасдан, тарқалгиси келмас эди.

Шўженинг ёнида турган кекса одам уни гапга солгуси келди шекилллик:

— Э, Шўжеке, дуонга яқинда келдингиз, бу ерда бўлаётган шов-шувларни эшитаётисизми? — деган эди, Шўже:

— Қани гапирчи! Нима гап! Дуонинг яна нима деяпти? — деди.

Ҳалиги одам, шаҳар янгиликларидан хабардор экан «Қунанбой солдираётган мачит битди. Олшинбой блан Қунанбой шунинг тўйини қилишмоқчи. Яна Оғасултон Қунанбой қариндоши блан ярашадиган бўлибди. Улуғ блан Олшинбойлар уларни топиштириб қўядиган бўлишибди» деди.

Абай бу гапларни эшитиб ниҳоятда таажжубланди. Уз отасининг номини шундай ерда эшитаман деб ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. «Мачит-ку, мачит-а, ҳатто Қунанбойнинг ким блан аразлашиб, ким блан олишиб юрганингача бутун ҳалқقا ма'лум экан-да!» — деб кўп ҳайрон бўлди.

— Ҳа, энди олишаман деб улуғлигидан айримиб қолмасин дейди-а.

— Қунанбойга ғамхўрлик қилаётган Олшинбой экан-да!

— Бўлмасам-чи, ҳаммасини ҳам ўртасидаги низо'ни кўтариб, бир-бири блан топиштириб юрадиган ўша Олшинбойларда...

— Тұбуктими обрұға әга қилиб, улуғ қилиб, ҳаммадан устун қилиб қүйгән ҳам ўшаларнинг ўзи.

— Энди мана, Тұбуктимининг жонбозларидан на қас-сөбчиликда ёғлук гүшт қолаётір, на дўкондорда кўзга кўринарлик мол қолаётір. Бу атрофдаги қўсларда ҳам на семиз той қолди-ю, на семиз бия. Ҳаммасини ҳазм қилмагунча, кетмайдиганга ўхшайди дейишаётір.

Шўже бу гапларни тингларкан, кулимсираб турди-да, бир нафасда қофияга солиб, ўлан қилиб айтиб юборди:

— Бор экан бир оқсоқ кал ва бир сўқир,
Кур'онни муёв-муёв мулла ўқир,
Оқсоқ берди сўқирга ҳалқни бойлаб,
Сарасин ҳалқ молининг сўқир чўқур!

Турганларнинг ҳаммаси дув кулиб юборишди... Оқийнинг бу қадар усталик блан, бу қадар тезлик блан шунчалик ўткир гап айтишганига ҳамма ҳайрон эди.

— Оқсоқ кал дегани — Олшинбой.

— Сўқур дегани — Қунанбой.

— Бу тап тортмайдиган чолинг бир оғиз сўз блан ҳаммасини ҳам ер блан битта қилди қўйди! — дейишиб, бири олиб, бири қўйиб сўзлайбошлишди. Абай бу гаплардан қаттиқ уялиб, ўзини четга олди.

Үй эгаси чиқиб, Шўжени уйга олиб киргач, Абай уйнга қараб кетди.

Ерга қараб кетаётган Абайнинг қулоғидан ҳалиги бир оғиз ўлан асти нари кетмас эди. Ҳамма гали ёдида, ичидә қайта-қайта такрорлади.

Унинг назарида мана шу бир оғиз ўлан икки уруғнинг минорадек гердайишиб турган икки устунини бир урушда ер блан яксон қилгандай бўлди.

«Олшеке» деганлари — «Оқсоқ кал» бўлди. Олшинбой бир оғини силтаб босарди. Мана, «Оғасултон», «Мирза» аталган ўз отаси — «Сўқир!» бўлди. Яна қандай Сўқир денг. Қарқаралининг беҳисоб бойлигини, бор-йўқ сархилини ёлғиз ўзи чўқиб еб ўтирган Сўқир!..

Оlamda сўздан ҳам кучлик нарса борми? Абай Қоратойнинг:

«Сўз ўзагингни узади» деган чуқур ма'нолик гапини эслади.

Абай шу таҳлитда ўз хаёли блан ўзи бўлиб, ичидә ўзини гангитиб қўйгән қандайдир бир куч пайдо бўлга-

нини ҳис этиб бораркан, күчани ҳам, ўткинчиларни ҳам лайқамай келаётган эди.

Бир муюлишда ўзига томон келаётган уч салт отлиқ одамга кўзи тушди. Буларни дарҳол таниб, беихтиёр тўхтаб қолди. Келаётгандар Бўжей, Бойсол, Бойдалилар эди. Уртада келаётган тулки тумоқлик кўк отлиқ Бўжей. Унинг қонсиз юзида ғамгинлик акс этиб турарди. Қўнгир мўйлаблари блан соқоли кечки совуқдан қиров бойлаган эди.

Абай тўхтаб, тезгина ўзини ростлаб олди-да, бир иши бор одамдай, отлиқларнинг йўлини кесиб чиқиб кутиб турди. Отлиқлар бунинг ҳаракатини кўриб қолишдими ё танишдими, ҳарқалай яқинлашиб келганларида отларининг бошини тортиб, аста-аста бостиришди.

Шу топда Абай зўр ихлос блан ўзгача бир та'зим қилиб, товушининг борича:

— Ассалому алайкум! — деб салом берди.

Мадрасада ўқиб юрган чоғида халфалар шогирдларга «кўчада ҳазратни кўрганингизда шундай қилиб салом беринг» дейишар эди.

Абай кўлдан буён ҳечкимга бу тахлитда салом берган эмас эди. Бўжейни Қарқаралига келганидан буён кўргани шу эди. Жўнаш олдида онасининг айтган гапи ёдига тушдими, ё ҳозирги руҳий ҳолатига мос келдими, қандай қилиб бунчалик одоб юзасидан иш қилганини ўзи ҳам билмай қолди.

Боланинг иши Бўжейга ма'қул тушди шекиллик, отининг бошини тортиб:

— Ваалайкум ассалом, болам! — деб тўхтади.

Бойсол Абайнин энди таниган эди, ёқтирмаи юзини четга буриб:

— Ҳа, бу экан-ку, бўлди, юр! — деб, отини юригизиб кетаётган эди, Бўжей:

— Тўхта! — деди.

— Оббо, қўйсанг-чи, ўша онт урганинг боласининг саломига алик олар эдимми? — деб, Бойсол ҳўмрайиб Абайга қаради.

Абайнинг икки юзи ёниб кетди. Гуп этиб кўтарилган ҳарорат фақат юзинигина эмас, ичагигача ялаб ўтгандай бўлди. Дили озор топиб, қаттиқ ранжиган бола, чақнаган кўзлари блан ялт этиб Бойсолга қаради.

Бўжей дарҳол Абайнинг руҳидаги ўзгаришни онглади-да, унга тикилиб туриб:

— Болам, тұғрисини айтчи, бизни күрсанғ салом бер деб отанғ айтган здими ё ўзинг салом бердингми? — деди.

— Бұжеке, отам эмас, бу саломни сизга ўзим бердим! .. деди Абай.

Абайнинг руҳи ҳали ҳам кундузи уйидан чиқиб кета-етган өнгидагидек енгил, беғубор эди. Яраш ҳақидаги гапни Қарқаралининг ба'зи одамлари эшиптан бұлса ҳам Бўжей, Бойсоллар ҳали эшиптаган эди. Қечга томон Олшинбой буларга одам юбориб, ўз уйига тақлиф қилган зди. Бўжейлар гарчи нима гап эканлигини билмаса ҳам, отланиб ўша ерга кетаётган экан.

Абайнинг жавобини эшитгач, Бўжейнинг ихлоси ошиб, унинг ёнига яқинроқ келди-да:

— Отанг ўргатмай, ўзинг билиб салом берган бўлсанг, фотиҳа берайди. Кўзингда олижаноблик алангаси акс этиб турибди, чироғим! .. деди.

Бу гап ҳам Бойсолга унча ўтиришмади. У яна юзини ӯгирган зди, Бўжей унинг ҳаракатини пайқаб:

— Хой, Бойсол, сен фотиҳа бермаганинг блан бу бола «бўламан» деб турган бола-ку.— деди-да, Абайга қарраб:

— Бутун умид сендан болам! Оқ йўл берсин! .. Худо ҳамма нарсадан берса ҳам, отангнинг тош бағирлигидан бермасин! — деб фотиҳа қилди.

Отлиқлар юриб кетишди. Бойдали боядан буёв дамини чиқармай турган зди, эндигина Бўжейга:

— Үзининг ҳам икки кўзи саксовулнинг чўғидек ёниб турибди! .. деди.

Абай ўйланиб узоқ туриб қолди.

Шундай дедими-а? Чин кўнглидан айтдими шу гапни? Е Бойсолнинг дағаллиги болага қаттиқ тегмасин деб, раҳми келганидан айтдими? Нима сабабдан бу Бўжей бундай яхши фотиҳа берди! Кутилмаган ерда бу қадар хайриҳоҳлик! Шундай ҳам бўлар экан-да? .. Бўжей Абайнин яхши билмас зди-ку! Катталар одамни бир кўрганда биладиган, ҳар ишга кўзи етадиган, тажрибакор бўлади! .. Шу тажрибакорлиги орқасида дарҳол билиб, чия кўнглидан шундай фотиҳа бердими? .. Үндай бўлса, Абай жўн одам эмас, яхши одам бўлиши керак-ку! ..

Абай шуларни ўйлаган сайин ўз-ӯзидан хурсанд бўлди. Шодлиги ичига сигмай, боши кўкка етиб, юраги ча-пак чалиб борарди.

Абай жадаллади. Қош қорайиб қолибди. Буни ҳам әндигина пайқади. Үйидан икки-үч күча ўтиб кетибди. Буни ҳам әнди билди. Орқасига қайтди.

Овулда юрган чоғида ёзин-қишин тепалик бошида ёлғиз ўзи ўтириб ўтказадиган кечки лайт, унга ҳозир ўзгача бир та'сир этаётган эди...

Абайнинг ўзи қарчиғай солмаса ҳам қарчиғай соладиган катталарга әргашиб ўтган ёз күпгина юрган эди. Мана шундай қош қорайиб, кеч қоронғуси қуюқлашганда қарчиғай ҳавода алангадек ёниб толпинар эди. Абай ҳозир ўз қалбини ўша қарчиғайдай ҳис этар эди.

Ўзга кунларга қараганда, бу кун нақадар бошқача: кундузи отаси блан Олшинбой, кечқурун Шўже, ҳозирги Бўжей... Кичкинагина Қарқарали шаҳарида икки олам тўқинишиди. Булар бир-биридан нақадар узоқ! Бирида куч, бирида санат, яна бирида юрак... Нега бу бир авлоднинг болалари бирлашмайди. Ҳаммаси бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқаришса нима бўларди?..

Абайнинг бошига бу фикр тўсатдан келди. Ўзидан бошқа ҳеч ким ҳали шундай хаёлга бормагандай кўри-нади. Ҳақиқатда: «Идрок, эрк...», «идрок блан шон-шарраф, давлат» деган гапларнинг мудом бир-бирига қара-ма-қарши бўлишини ўтган йил «форс, турк» тилидаги китобларда ўқиган эди.

Әнди Абай шуни ҳаётда учратди. Буни ўз идроки блан топди-да, «шууларнинг ҳаммаси бир ерда, бир одамда, бир оламда бўлиши керак...» деган қарорга келди.

Шу блан бирга ўзини Қарқаралига келганидан бўён камол топиб, улғайиб қолгандаи ҳис этди. Кўп одамларни кўриб, кўп гапларни уқди; ҳатто Шўже оқиннинг сўзларини ҳам ўз қулоги блан эшилди; кўп қабилаларни кўриб, кўп ишларни билди.

Абай кўчадан ғоят кўнгилли бир таассурот олиб, бутунлай қоронғи тушганда Мойбосарнинг уйига кириб келди. У одатдагидан кўра қаттиқроқ ер тепиниб, этигига ёпишган қорни қоқди-да, оёғини қаттиқ-қаттиқ артиб тўрдаги уйга кириб борди. Кечки совуқдан унинг икки юзи қипқизариб кетган, катта-катта кўзларида ўзгача бир аланга ёнарди.

Ўйда Мойбосар, Жақиблар бошлиқ кўпгина қариндош-уруғ ўтиришган экан. Булар ҳали тойнинг гўштини еёлмай кетиб, әнди шуни ейиш ниятида йиғилишган бўлса керак. Катта сариқ самовар ҳам әндигина олиб

кирилган эди... Чойни аччиқ-аччиқ қилиб узатишаётир. Мойбосар Абайни күриб севиниб кетиб:

— Абайжоң! Совқотмадингми, қаёқда қолдинг? Кел, ешин, ўтириб чой ич, исинасан!— деб ёнидан жой бўшатди... Абай бамайли хотир ешиниб, чой ичгали ўтирди.

Жақиб иссиқ чойни оз-оздан хўпларкан:

— Қани, йигитлар, бўлинглар! Чойни тезроқ ичиб, ҳозирланиб туринглар!— деб, ўтирганларнинг ҳаммасини шоширабошлади.

— Тўғри, тўғри... Қоратой! Изиқуттидан хабар келиши блан бориш керак...— деди Мойбосар ҳам.

— Эй, овқат тайёр, жой тайёр... ҳали меҳмонлар ҳам «хуфтон»ни ўқиб бўлганларидан кейин келишади дейишаялти-ку...

— Янги мачитда намозни ҳам хўб ғўзишар дейман...

— Бўлмасамчи, Ҳасан мулланинг ҳам имомликка ўтганлари шу. Намозни ҳали бери битирақолади дейсанми?..

— Шунки айтинг, «ёсинин» ё «таборакни» ўқимаса бўладими? Узини кўрсатиш учун қироатини келтириб ўқимагунча қўяди дейсанми ҳали!— деб, Тўлепберди, Бурон, Жумагул сингари ёш йигитлар кулгига олишди.

— Ҳой, нима деяпсиз ўзи?.. Тезроқ бўлинглар! Янги мачитга намозга ўзингиз бормайсизми?.. Мойбосар, сенга нима бўлди, намозга бормайсанми?— деди Жақиб.

Намозга боришга Мойбосарнинг унча бўйни ёр бермаётгандек, қайрилиб Абайга қаради-да:

— Ҳой, ҳали ўша тумонатнинг ичидан мачитдан бизга жой тегади деб ўйлайсанми! Тўрга чиқиб кетсанг, меҳмонлар келгунча уйга етиб келалмайсан... Унда Изиқутти «Нега меҳмонлардан олдин келиб турмадинг» деб бўғузлансан-а?...— деди.

— Эй, пойгага турсанг ҳам бўлаберади... Бормасак айб бўлар! Агар мирза билиб қолса қаттиқ койийди!...— деди Жақиб яна.

— Мирзангга ёлғондан: «бордик, ўқидик» деб қўяқоламиизда...— деди, Мойбосар кулиб,— садағаси кетай, мачитнинг тўри ҳам, пойгаси ҳам мачит-ку, лекин осто-нада ўтиришни айтинг. Намоз ўқийман деб, нуқул на-матбош, Қорашибурларнинг ағдарма этигини қоровуллайманми?.. Ушаларнинг оёғи теккан ерга бош қўяманми?... Кап-катта Мойбосарнинг намозни эрмак қилиб кулаётганига Абай ҳам кулабошлади.

Мачит очилиб, намоз бошланган онда Қарқарали халқининг бор казо-казолари йиғилиб, биринчи намозни ўқиб, Қунанбойга оғарин айтадиган соатда, Мойбосарнинг шундай қилиб, намозни кулгилликка олиб, эрмак қилиб ўтириши Жақибнинг ғашига тегди. У ичидан: «Бетовфий, оғзига келганини вайсаш одат бўлиб қолган», деб қўйди.

— Агар билсаларинг, бу мачит бизнинг мирзани ҳам, ундан қолаберса шу ерда ўтирганларнинг ҳам зўр обрўга эга қиласидиган мачит-ку, садағалари кетай! — деди.

Мойбосар ҳам гердайиб:

— Ҳа, шуни айтсангчи!.. Бу мачит душманларнинг оғзига қум қуяди-ку ҳали! Кўрмайсизми, Бўжей ҳам шуни сезган-да, ярашишга толиб бўлиб қолган кўринади! — деди.

Ярашишга ким толиб эканлиги ҳали буларга нома'жум эди. Лекин Қунанбой атрофидагилар: «Бўжей енгилди! Кучи етмаслигига кўзи етиб, ярашмоқчи бўлиб қолибди» демай қўйишадими! Турган гап, буни ҳаммадан олдин мана шу Мойбосарлар айтади.

— Бечора Олшекенг ҳам ҳақиқий дўст-да! Бизнинг мирзанинг холис дўсти ўша-ку!.. — деб, Жақиб Олшинбойнинг кундузги гапини, унинг Қунанбойга кўрсатган садоқатини эслаб қўйди. — Кўролмайди, обрўй топиб кетаётганингни улуғларнинг ҳам, фуқоранинг ҳам оғзи катталари кўролмайди. Ҳатто улуғнинг ўзи ҳам кўролмайди, дейди. Рост айтади, ҳаммадан ҳам ҳалиги майор кўролмайди! Тўғри-да, мачит солиб, обрўй ортириб, элни ҳам, эдилни ҳам ўзига оғдириб кетаётганидан кейин мендан баланд бўлиб, сўз бермай қўяди деб, ўйлади-да майоринг ҳам.

— Пишган бош майор кўролмасликка-ку, кўролмайди-я, ундан ташқари Бўжей блан Бойсолдан порани ҳам ўлгунча еб олган кўринади. Уни чирантираётган ўша. Энди зиён кўрадиган бўлди!.. — деб Мойбосар ўзи кулди. Мана энди Бўжей блан ярашиш ҳам шу букун кечқурув бўлади. Шу намозга, шу бериладиган ошга улар ҳам келишади. Эшитдингми?

Жақиб ҳам, бу ерда ўтирган йигитлар ҳам бу гапдан бехабар, Абай ҳам эшитмаган эди. Энди ҳаммаси ҳам Бўжейнинг ярашгали келаётган пайтдаги ҳолини кўришга шошилар эди.

Мойбосар ўз сўзининг бу қадар та'сир этганлигидан мағурланиб:

— Ҳамма яхшиликнинг бошида Олишекенг борда... Ҳарқалай бераетган молимиз ҳаромга чиқиб кетаётгани йўқ. Ҳалоллаб олаётир!.. — деди-да, қийшайиб, гавдаси блан ёнида ўтирган Абайни туртиб:

— Эшитаяпсизми? Билиб қўйинг, шу гал қайнаташгизнинг уйларига бормай қутилиб кўрингчи,— деб, яна Абайга тегажаклик қилабошлади. Лекин бу гал Абай аввалгидек гангигиб қолмади. Илгарилар Мойбосар шу сингари кўпчиликнинг ичидагизилашганида терлаб, пишиб, ўнғайсизланиб кетар эди. Ўтирганларнинг ҳаммаси Абайга қараб, қиқир-қиқир кулабошлади. Мойбосар Жақибга кўзини қисиб қўйди...

— Мойаке¹, яна шу гапни бошляяпсизми, шундай қи-лаберсангиз, бор дейман-да, бормайман қўяман!.. — деб, Абай бошқаларга қараб кулиб қўйди.

— Вой тентагей! Ҳали ҳаммани шарманда қилмаса дейман бу расво! «Қалин бергандан сўнг ўлик куёв ҳам тобутда ётмайди» деб, сенга нима бўлди ўзи? Қелин у ерда, бақбақасини оққушнинг томоғидек ҳиллиллатиб, «шу гал келмай кўр-чи қани» деб, йўлингга кўз тикиб ўтирибди-ку! — деб, Мойбосар Абайга яна тегишабошлади.

Абай ҳали ҳам парво қилмади, кулимсираб, Мойбосарни эрмак қилаётгандай, пиқ этиб кулди-да орқасида турган дўмбирани олиб, зўр бериб чалабошлади.

Мойбосар бироздан кейин яна Абайни қитиғига тегиб:

— Шу ўтирган азаматларнинг ҳаммасини ёнингга куёв йўлдош қилиб қўшиб бераман, бораман десанг бас! — деди.

— Мойаке, қўйинг энди...

— Но, нега қўяр эканман, сра қўймайман!

— Епирим, шундан сизга бирор нарса тегадими? Янга бўлсангиз ҳам майли эди!..

— Янга бўлмасам ҳам, янгалардан ортиқ завқ қила-ман!

Абай кулиб юборди-да, одатдан ташқари бир шўхлик блан:

— Шу, дейман, ростдан қўймайсизми? — деб, дўмби-расини тиззасига қўйиб, Мойбосарнинг юзига тикилди. Унинг кулимсираб турган катта-катта кўзларида ўзгача бир учқун акс этди.

¹ Мойбосар.

— Қўймайман дедим қўймайман!— деб Мойбосар,
«қани нима қилар экан» дегандай қараб туриб алди.

Абай, ҳали ўзи кўриб келган Шўжега ўхшаб, кулимсираб турган кўзларини хиёл юмиб, бошини юқори кўтариб ўлан айтди:

Эй... қўй деганда қўймайсан,
Оз бўлдими, Мой ака,
Бунда кўрган тамошанг!
Еябсан-ку тўйгунча,
Қарқарали халқини,
Тагин нима харҳашанг!
Олганларинг озмиди,
Яна бирин топибсан.
Эй... Олишибойнинг қизи ким!
Унга ҳам кўз отибсан.
Ҳайт-ҳайтламоқ шармида
Шу айлана юртининг
Югуруги блан йўртогин!
Айтмаёқ қўйсанг нетарди,
Шунда ҳам бормиди ўртогинг!
Гиж-гижлаб ҳеч қўймайсан,
Буқамидим, қочирсан
Уша овул подасин!
Билсанг агар, шу етар,
Хўп сийладим, қайноға,
Ол уканинг совғасин...

деб хаандон ташлаб кулганича, Мойбосарга ёнбошлади.

Ҳамма ҳайрон бўлиб, шарақлаб кулиб юборишида,
Мойбосар, шошиб қолганидан нима дейишини билмай,
кўпчиликка қўшилиб куларкан бошини чайқаб,— сўкиниб ташлади-да:

— Буни қаранг! Буни! Бу расвонинг гапини қаранг!
Энди нима қилдим?— деди.

Абай уни эрмак қилиб кулиб:

— Қани бўлинг, жавоб берадиган бўлсангиз, ўлан-блан беринг, бўлмаса қулоқ солмайман!— деди.

— Ана керак бўлса, ҳа деб осилаберасан!.. Эшитадиганингни эшитдингми?.. Ажаб бўлди... Хўб бўлди... Ана керак бўлса!— деди Жақиб қипқизариб, ичак бағри узулгудай бўлиб куларкан.

— Бу, қурмағур, Шанишарнинг жияни-да: Сени бундай қилган Улжон янгам-ку... Қараб тур, ҳали уйта

борарсан, онагга айтиб тотугингни бердиарман!..— деди Мойбосар.

Бошқалар гапнинг тагига тушуниб:

— Ҳа, айтмоқчи бу Тўнтай-а!

— Тўнтайнинг жияни-да!

— Гапини кўрмайсанми, Шаншарнинг тиғдор тили-ман деб турибди-ку!— дейиши.

— Йўқ, бу ўланни бирор ердан қўйнига солиб келган, ўзи ўлан чиқаради дейсиэм?..— деди ҳали ҳам ҳайрон бўлиб ўтирган Мойбосар.

Ҳақиқатда ҳам бу ўтирганларнинг биронтаси ҳам Абайнинг ше'р тўқиб, ўлан айтганини эшиитган эмас эди. Абай ўзининг ҳазили бунчалик та'сир қиласи деб ўйла-маган эди, ўнгайсизлана бошлади-да:

— Ўзим чиқарганим йўқ, ҳали кечқурун Шўжени кўр-ган эдим, ўша киши айтиб берди!— деди.

Иигитлар ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай савол ёғдириши. Абай шошиб қолмасдан кулимсираб жавоб берди:

— Мойбосар деган бир оғам бор, шу ҳар куни жо-нимга тегаберади. Ўша кишига бир жавоб ўргатиб қўйнинг деган эдим, шуни айтиб берди,— деди.

Шўженинг ўйноқи, ўткир жавоби Абайнинг қулоғида ҳали ҳам турган эди. Мойбосарни шу таҳлитда ер блан яксон қилгани учун ўзи ҳам ич-ичидан хурсанд бўлди ва ичиди «Шўжега ўхшадим-ку!.. Ҳақиқатда ҳам ўшанга ўхшаш бўлаолсам эди!» — деб қўйди. Уйдагилар бунинг «Шўже» деганига бир ишониб, бир ишонгуси келмай, Абайнинг кутилмаган ерда шундай қилганига хурсанд бўлиб кулаётгандарида, эшик очилиб, шошганича кела-ётган Қорабос кўринди... Ҳамма жим бўлиб қолди. Қорабос эшикдан бошини тиқиши блан, ҳовлиқиб:

— Қани, бўлинглар! Намоз тамом бўлди, меҳмонлар миrzанинг уйига кетаётир... Қоратой блан Изикутти сизларни дарҳол етиб келсин дейиши. Қани, тезроқ, тезроқ!— деди. Уйдагиларнинг ҳаммаси қийинабошлади.

Абай, нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб қолди, негаки, Жақиб унга: «Сен меҳмон кутиб, товоқ ташишга ярамайсан, отангнинг олдида катталар блан ўтиришиниң ҳам тўғри келмайди, жой ҳам етишмайди. Ундан кўра букун шу ерда ётақол!» — деган эди.

Абайнинг ўзи ҳам бу «жуда соз бўлади» деб ўйлаган эди. Лекин Мойбосар блан Қорабос:

— Э, ҳеч бўлмаса меҳмонларни кўриб, салом бериб кел!.. Кўрган яхши, бир вақтлар фойдаси тегади! Кўрганинг қолади! — дейишди.

Бу гап ма'қул тушиб, бошқалардан кейин қолган бўлса ҳам, аста-секин отасининг уйига борди.

Узоқча чўзилган намоздан кейин елиб-югуриб, ошга етиб келган одамлар Абай келгунча, жойлашиб ўтириб олган эди.

Ховлида ошпазлар блан мезмонлардан бошқа ҳечким йўқ эди. Лекин ҳовлининг ичкарисию, ташқарисини эгарлоқлик от тутиб ётарди. Тун совуқ, отларнинг устини кумушдек қиров тўзони босган. Чиройлик чаналар блан жабдуқларини шиқирлатиб турган пар-пар отлар ҳам кўринарди. Чаналарнинг ҳаммаси чиройлик, ихчам чаналар... Бу шаҳар бойларининг отлари бўлиши керак. Ба'зан чананинг ичидаги санг-санг тўнига ўралиб, мудроқ босиб ўтирган кучерлар ҳам кўзга чалинарди.

Катта ёғоч бинонинг ҳовли томондаги эшигига қарши кичикроқ ошхона бор эди. Унинг эшиги дам ўтмай очилиб-ёпилиб турибди. Боя Мойбосар блан уйидаги ўтирган йигитлар елиб-югуриб, товоқ-товоқ иссиқ овқатларни ташимоқда. Мойбосар блан Жақиб ҳам ошхона блан меҳмонхонанинг ўртасида югуриб елар эди. Меҳмонларнинг олдидан буларга ҳам жой тегмаган кўринади.

Зиёфотбоши Изиқутти эди, у:

— Буёқка! Илдамроқ... Олиб кел! Бўл!.. Бўл тезроқ!— деб, Мойбосар, Жақибларга ҳам қисқа-қисқа буйруқ берарди. Енгилгина пўстин кийиб, енгини шимариб олган Изиқутти эпчил овчиларга ўхшарди. У бугунги меҳмонларга жонини фидо қилиб кутаётir.

Абай меҳмонхонанинг остонасига қадам қўйиши блан, у ердан югуриб чиқиб келаётган Қозоқбой блан тўқнашди. У, учганича, ошхонага кетаётган эди. Абай унга йўл бериб, энди ичкари кирай деягандан, орқасидан Изиқуттининг жеркиб:

— Четроқ, четроқка тур!..— деган овози эшитилди.

Икки қўлига икки товоқ овқат кўтариб, Бурахон, Тўълепберди, Жумагул, Қорабослар келаётган экан. Абай яна тўхтаб йўл берди. Енидан буғи осмонга чиқиб, товоқтовоқ гўшт ўтиб кетаётir. Товоқларда нуқул мойлик қази, қарта, сапсариқ олтиндеқ ёғлик гўштлар, икки товоқка биттадан калла қўйилган. Буларни ҳам ўтказиб юборди-да, Абай уйга кирмоқчи бўлган эди, уйдан шош-

ганица Қоратой чиқиб, қолди. У Абайни туртиб кета-
әзди, у:

— Ҳой, мурч, пиёзлик сардакларинг қани... Үзини
алоҳида тортиш керак! — деб чиқиб келаётган эди.

— Бор, бор! Сардак бор! Ана! Мана келаёттир! — деб,
Изиқутти Қоратойни қайтарди. Абай буларга йўл бериб,
яна ичкари кираолмади.

Боядан буён кирган-чиққанга эшик очучидек тургани
ўзига кор қилди-да Изиқуттининг орқасидан суқилиб
ўтиб, уйга кирди, кираётганди. Изиқуттининг тирсагини
туртиб юборган эди. Бунга орқасини ўгириб турган Изи-
қутти ҳалиги мурч, пиёзлик сардакни бўлиб бир идиш-
дан иккинчи идишга қуяётган экан, қўли туртилиб ке-
тиб, бироз сардакни тўкиб юборди-да:

— Ҳой, худо урган!.. Ким эди ўзи?.. — деб орқасига
айланиб Абайни кўрди-да — Э, Абай, сен эдингми?.. Э,
чироққинам, четроқда ўтирангчи!.. Шу ур-ийқитда сен-
га нима бор эди? ..

Абайнинг бу ерга келганини фақат Изиқутти эмас,
бошқалар ҳам ёқтирмаётгандай кўринарди — бери кел
дейдиган биронта одам йўқ. Шуниси дуруст бўлдики, бу
ерда бегона одам йўқ экан.

Даҳлизнинг тўрида ва икки томонида эшик бор эди.
Унг томондагиси — Қунанбой турадиган катта уй... Шу
уйда хурсандчилик қилиб ўтирган Олшинбойлар ва Мой-
босарларнинг товушини кўпчиликнинг ора-чўра қаттиқ
кўтарилаётган кулгиси босиб кетаётган эди. Ҳаммани
офзига қаратиб асқия қилаётган Олшинбой бўлса керак.
Қунанбой турадиган тўрдаги уй икки хонадан иборат
икковида ҳам лиқ тўла одам. Биттасида Қунанбойлар,
яна биттасида ҳам меҳмонлар тўрт томонни олиб, чор-
дона қуриб, қатор ўтиришарди. Бу уйдаги меҳмонларнинг
кўпчилиги савдогар татарлар, қозоқ бойлари, тўрда янги
мачитнинг имоми Ҳасан мулла. Лекин бу уйда нариги уй-
дагилардек ўйин-кулги, асқия йўқ, бу уйда сипогарчиликни
қўлдан бермайдиган оғир, босиқ одамлар ўтиришган
бўлса керак. Чап томондаги уйда Бўшанг, Қорашўлар-
нинг казо-казо мансабдорлари блан тўралар ўтиришарди.
Булар ҳам бир-бирига тегажаклик қилиб, уйни бошига
кўтариб кулиб асқия қилишаётир.

Абай меҳмонлар ўтирган уйларнинг эшигидан бир-бир
бошини суқиб қарадию, ҳечқайсисига кирмади.

Бир ҳисобдан шу даҳлизда ўтириб, ҳамма уйларда

бұлаётган ҳангаманы әшитиб туриш ҳам ма'қул, баджаш Қиқутти яна жеркимаса бўлгани.

Шу ерда бир бурчакда, эсдан чиқиб қолгаңдек, бир бўш стул турган экан. Абай ўшанга ўтириди-да, ўлиб-толиб юрганича, товоқ ташиётгандарнинг ҳаракатини тамоша қилабошлади. Етти-саккиз йигит ҳали ҳам товоқ ташишдан бўшагани йўқ...

Катта-катта тўрт уйда ўтиргандарнинг шу топдаги мечкайлиги бутун бошлиқ яйлов элинин айтиб ош берганда, ким кўп овқат ейишга баҳс бойлашиб овқат ейдигандарнинг мечкайлигидан қолишмас эди. Боядан буён бирнеча катта бия, бирнеча ғуонон, бирнеча той, қанча-қанча катта қўйларни еб юборишгандир!

...Бир вақт товоқ ташиётгандарнинг югар-югури яна авж олди. Бўш товоқларни уй-уйдан олиб чиқиб, ошхонага югуришарди... Бўш товоқларнинг энг сўнгиси Қунанбой ўтирган уйнинг эшигидан чиқсан пайтда яна ошхонадан уйга қараб, товоқ-товоқ палов қаторлашиб кела бошлади. Унинг ҳам буғи осмонга чиқиб, қипқизил бўлиб «мени емайсанми, қандай қилиб мени қолдирасан» деяётгандай эди.

Даҳлизда хизмат қилаётгандарнинг биронтаси чурқ этиб сўз қотмайди. Изиқутти Қунанбойнинг йигитларига шундай та'лим берган бўлса керак. Жақиб, Мойбосар, Изиқуттилар ҳозир уч эшик олдидан туриб олиб, товоқ этиб келганда олади-да индамасдан ичкарига киргизиб юборади.

Палов... паловдан кейин ивтилган майизнинг суви, ундан кейин чой... Ҳарқалай ярим кечадан ошиб, эл бир уйқуни олгунча, тўрт уй бўлиб ўтиргандар ҳормай-толмай, бўлдим демай, еб-ютишда давом этишиди.

Шу маҳалгача ҳам яқин одамларнинг биронтаси тилга кириб, Абайга сўз қотмади. Абай эснаб ўринидан турди-да, Мойбосарнинг уйига қайтиб кетмоқчи бўлди. У тийин пўстинининг тугмасини солиб, энди эшикка қараб қадам қўйган эди, Қунанбой ўтирган уйдан жаранглаган овоз блан айтилаётган ўлан әшигилди. Товоқ ташиётгандарнинг ҳам бир-иккитаси ялт этиб ўша томонга қараб қўйди. Абай ҳам бориб, эшикни қия қилиб, уйдагиларга кўз солди... Чўққи соқолига хила оқ оралаган, қора тўридан келган бир одам ўлан айтиёттир... У, дўмбиранни жаранглатиб, ўйноқи бир қўйни бошлаб олдиди, сўнг, дўмбирасини тиззасига қўйиб, қофияли сўз бошлади.

Меҳмонлар ва овқат ташиётган йигитлар бир-бирларидан:

- Бу ким?
 - Улан айтаётган ким?
 - Бу қайси оқин? — деб сұрашар эди.
- Қунанбойнинг уйдан чиққан Қоратой:
- Болта! Болта оқин! — деди.
- Болта оқин күйлар эди:

Олган ёрни ёмонлаб,
Яхшини қайдан топарсан.
Оқ тұннингни ёмонлаб,
Атласни қайдан топарсан.
Ұз бошингни улуғлаб,
Тенгдөш қайдан топарсан.
Оғайнингни ёт билиб,
Яқинни қайдан топарсан.
Араз бұлсанг әлингга,
Емонлик айттар хабарчинг.
Тоту бұлсанг, оғайнини,
Анави бола-чақага,
Суюнчи айттар хабарчинг.

Уйдан Олшинбой, Қоратой, Тиломочларининг:

- Балли, балли, раҳмат!
- Баракалла, бебаҳо гап!
- Гапнинг дурдонаси шу-да!.. деган мақташлари әшитилади.

Мана шундай катта ўтиришда, шундай нозик пайтда бир нафасда топиб айтилган ва ярашишга, келишишга, низо'ни күтариб ташлашга үндайдиган бу сұзлар Абайга ажыб туулди... У, яна бироз қулоқ солиши мақсадида ҳалиги стулни олиб келиб, яқинроқ ўтиromoқчи бұлған эди, броқ оқиннинг овози ортиқ әшитилмади.

Үйда ўтирган катталар яна жиддийлик блан ўзга гапларга тушиб кетишли.

Абай Бўжейнинг афтини эндиғина яхшилаб кўрди. Унинг симосида ғазабнинг кўланкаси ҳам кўринмайди. Шунинг блан бирга у қадар очиқ кўриниб турган шодлик, ҳушчақчақлик ҳам йўқ, фақат совуққина, сокин бир сабр ақс этиб туради...

Абай Қунанбояга қаради. Қунанбой ўзини эҳтиёт туваётган одамдай ҳарнарсага зийраклик блан қараб ўйин-кулгига берилақолмай, ўтиради.

Олшинбой блан Боймурин муддаога күчишди. Новча барваста келган Боймурин Бўжейни яраштиргали олиб келган. Ҳозир гапни Олшинбой блан Боймурин олиб бораётир; биттаси Қунанбой томон, биттаси Бўжей томон бўлиб сўзлаётир.

Болта оқиннинг ўлани тўхтаб, гап жиддий томонга кўчганини кўриб, Абай қайтиб кетай деб турган эди, эшик очилиб, уйдан Қоратой чиқиб қолди-ю Изикутти блан Мойбосарни чақириб олиб:

— Топиштириб қўйишди, яраштиришди! Мирза ҳам, Бўжей ҳам ўз ихтиёрларини шуларга топширган эди. Олшинбой блан Боймурин иккаласи битишли — деди.

— Хўш, нимага қарор қилишди?.. Қандай битим бўлди?.. — деди Мойбосар.

— Битим жуда ғалати... ёт, бегона бўлганларнинг-да куда бўлинглар, шу блан қариндош бўлиб топишиб кетасизлар дер эдик. Энди бир-бирларингга болаларингни беринглар, Бўжей, Қунанбойнинг боласини олиб, бағрига боссин. Иш шунинг блан тинчисин! — дейишаётир!..

— Топган йўллари шу бўлдими?..

— Қандақа бола? Уз боласиними?.. — деб, Мойбосар блан Жақиб яна сўрашди.

— Оббо, айтаяпман-ку!.. Албатта ўз боласини-да!.. Бўжей асраб олади!.. — деб, Қоратой шошганича қайтиб кириб кетди.

Абай бу қарорга ҳайрон бўлиб, шошиб қолиши блан бирга юраги уюшиб кетди.

— Қайси болани? Кимни берилади?.. Успонними ё Смоғулними?.. деб ўйланиб қолди. У албатта ўғил болалардан биттаси берилади деб ўйлаган эди. Иниларидан биронтасини онасининг бағридан ситиб олиб, бирорларга бериб юборишни сра кўз олдига келтираолмас эди.

4

Уч ҳафтадан кейин Қунанбой овулига қайтадиган бўлди.

— Худо хоҳласа, эртага йўлга чиқамиз. Йўл ҳозирлиги кўрилиб, ҳамма нарсани тайёрлаб қўйилсин! Ивир-сиб кеч қоладиган бўлинмасин!. Барвақт отга минайлик! — деб, Қунанбой Қорабос вә Жумагуллардан хабар тарқатди.

Шу гап чиқиши блан Қунанбойнинг ёнидагилар ҳам,

Жақиб, Қоратойлар тушган уйдаги бор Тұбуқтилар ҳам сүнгги бир кунни югар-югар блан ўтказиши.

Үйга кетишнинг дарагини эшитган ёши-қарининг ҳам масига жон кириб, ғоят хурсанд бўлиши. Уйни ҳаммадан кўпроқ Абай соғинган эди.

Сўнгги кунларда Жидебойдаги оналарининг уй ичиси, уруғ аймоғи унинг тушидан чиқмай қолган эди. Булар тушган ҳамма уйларда бугун елиб-югуриб, ҳозирлик кўриш блап бирга, ўйин-кулги, хушчақчақлик ҳам кўп эди.

— Кетамиз... Яқинда кетамиз! — деган гапнинг эши-тилганига буқун беш-олти кун бўлиб қолганидан, буларнинг ҳаммаси отларини ҳам, жабдуқларини ҳам ҳозирлатиб қўйишган эди. Қарқаралига келганларидан буён, минилмай, боқилиб ётган ҳуркович отлари ғоят семириб кетган эди. Шунинг учун шу сўнгги ҳафта ичидан улар отларни оз-оздан терлатиб, совутиб, тун ошириб қантарив, қишининг узоқ сафарига ярайдиган қилиб олишнинг ҳаракатида эдилар. Абай қайтишида бир «Оймонгдай» деган ёли блан думи қопқара чиройлик югурик отга мишиб кетиши керак эди. Бошини силкитиб, юришидан йўрғага ўтиб кетган чиройлик от ҳақиқатда ҳам йигитчаларга лойиқ от эди.

Бу от ҳам, бошқаларнинг оти блан бирга, бошқа ҳовлида туради. Абай ҳам уйга кетишнинг дарагини эшлиш блан «Оймонгдай» отни кўргали келди. Отнинг пешонасидаги қашқаси ҳақиқатда ҳам ойдек ёниб, бошини чайқаб, боғлоғлик турган эди. Абай бу отни кўпдан буён минмаган ҳам, кўрмаган ҳам, отни соғиниб ҳам қолган экан. Абай ердан бир ҳовуч ҳашак олиб отнинг ёлидаги, устидаги эрталабки совуқдан тушган қировни тозалаб ташлади. Шундан кейин катта кишиларга ўхшаб, отнинг ёлини ушлаб кўрди. Абайнинг узун-узун озғин бармоқлари керилиб кетди... От ҳам юм-юмалоқ бўлиб, семириб кетган эди. Абай орқасига чекиниб, четдан туриб отига қаради. Отнинг усти ҳам тахтакачдай теп-текис бўлиб кетибди. Яна отнинг олдига келиб, бўйнидан қисиб қуҷоқлаб: «Эртага эмас, ҳозир кетақолсак эдил» деб ўйлади. Абай отни яхшилаб эгарлатиб олиб, ўзи тумогининг боғини боғлади-да, отланиб кўчага чиқди.

Ҳамиша бошини чайқаб, тизгинини чўзиб-чўзиб ташлаб, ўзгача йўрға блан юрадиган от бугун енгил қадам ташлаб, елканли кемадек чайқалиб борарди. Абай ўша куни кечга қадар отдан тушмади дейилса ҳам бўлади,

Ҳали шаҳарнинг бошита чиқиб кетиб, ҳали бозор оралаб, ҳали Тўбуқтилар тушган уйларга бориб кунни кеч қилди. Туш пайтида отасининг олдида овқат еб, чой ичиб олиб, яна отига миниб, бозорга қараб кетди, бу гал Изикутти блан бирга борди. Ҳали тушлик овқат чоғида Абай отасидан пул сўради. Отаси Изикуттига қараб:

— Бозорга ўзинг бирга бориб, оналарига, укаларига оладиган совғаси бўлса ўзинг олиб бер! — деган эди.

Кечқурунгача Изикутти блан иккови бирқанча дўконларни айланиб кўп нарсалар олиши. Айниқса энаси чойни яхши кўрар эди. Абай аввало чойдан бошлаб, қанд, конфет, духоба, кимхоб, дуроя, кўйлаклик, камзуллик нарсалар олди. Ўзининг остидаги катта хуржунининг икки кўзини тўлдириб олгач, қолганларини Изикуттининг қўйин-қўнжига тиқиб, кечқурун отасининг олдига келди.

Жўнаш олдидан бошқалар ҳам шундай буюмлар олишнинг пайдан бўлди. Эртага жўнамоқчи бўлиб турган Қунанбойнинг олдида бугун майор, старшин, тилмочлар ғужғон қилишаётган эди. Абай отасининг олдига кирмади, Қорабос, Изикуттилар тушган уйда хуржунларини жойлаб, оғзини тикиб, йўл тараддудини кўриш блан овора бўлди.

Эл ёта Қунанбойнинг олдидан чиқсан майорни Изикутти узатиб келди ва:

— Мирзанинг дун'ёсининг ҳузурини кимлар кўрматири, пишган бош майор ҳам ҳозир бирқанча нарсанинг бошини еб кетди! — деди.

— Нима, мол олдими, ё пул олдими? — деди Қорабос.

— Мирза: «амалдорсан-ку, одам кўрса кўргудай бўлиб, кулиб юр» деб Бекқорадан келган учта қора отни берди. Пулдан ҳам беш юз сўмни жигифлдонига урди — деди.

Сўнгги кунларда Қунанбойдан фақат майоргина эмас, тилмоч ҳам анчагина нарса олди. Бундан ташқари куникеча Қунанбой Мойбосар блан Қоратойдан Олшинбойнинг овулига ҳам қирқ-эллик қорамолни ҳайдатиб юборди. Уша мол ҳайдаб кетганлар вақтида етиб келалмай, ёртага жўнайолмай қоламиз деб туришган эди. Мана ҳозир улар ҳам қайтиб келишди. Мойбосар бундан иккичу кун олдин, Олшинбойнинг овулига кетаётганида, Абайга яна бир тегишиди, лекин, ўтган галдаги гапи учун бу сафар эҳтиёт блан: «Келиндан уятга қоладиган бўлдик-да!» деди. Шуни ҳам Абайга қараб эмас, Изикутти сингари катталарга қараб айтди. Абай яна:

— Бормайман! — деб узил-кесил жавоб берди. Шунинг блан Абай қайнотанинг уйига бориш деган гаплардан қутилиб қолди...

Қунанбойнинг жўнашга ҳаракат қилиб қолиши Абайни қайин отасининг уйига юбормайман дегани эди. Энди эртага овулга жўнашади. Абай тўшакка ётиб, кўзи уйқуга кетай деяётган пайтда, Мойбосарни кўз олдига келтирди. Уни Дилданинг овулига бориб келганини ўйлаб, биринчи мартаба қаллиғига кўнгли исиб, ширин хаёлларга боргандай бўлди.

Қаллиғининг олдига бормади... Лекин кўргуси келар эди... Қандай экан? Мойбосар «томоғи оқ қушнинг томоғидек» деб тасвирлаган эди. У оққуш, қарчифай, туйғуғ сингари қушларнинг гўзал бўйинларини кўз олдига келтириб, ҳақиқатда ҳам қушларнинг бўйнига ўхшашиб чиройлик, нозик бўйинлар ҳам бўлишини ўйлади. Фақат бугунгина эмас, у авваллар ҳам бирнече марта Дилда ҳақида ўйлаганда, ўзгача бир кучлик ҳисснётга берилиб ўйлар эди.

— Борсам нима бўларди? — деб, ўйлай бошлади Абай ажаб бир хаёлларга бориб. Лекин Мойбосардек дағал одамларнинг қилиғи унинг кўнглидаги сирини эрмак қилиб, кулаётгандай туйиларди. У чин кўнглидан Дилда блан учрашишини истайди, лекин «Қаллиқ кўриш»га ўхаш бўлмағур урф-одатлар, турган-битгани хижолатликдан иборат ҳархил бид'атларни истамайди, Абай хийла вақт тўлғаниб яна уялади!.. шунинг учун ҳам боришга юраги бетламайди, ётиб, ниҳоят кўзи уйқуга кетди.

Эртасига, Қунанбой айтганидек, эрта жўнашди. Ҳар тўп ўзи тушган уйидан гала-гала бўлиб чиқиб, шаҳарнинг четига учрашиди.

Бирқанча старшиналар, бийлар, тўралар юзга яқин киши бўлиб Қунанбойни шаҳарнинг четигача кузатиб чиқиб ўша ерда бироз туришди-да, ниҳоят «Хайр, хайр мирза!.. Оқ йўл берсин!.. Сафарингиз бехатар бўлсин» деган тилаклар блан қолишли. Қунанбой ўттизтacha одами блан Тўбуқтига қараб йўл олди.

Қарқаралидан Чинғизга етгунча узоқ йўл босиш кепрак. Йўлнинг йироқлигидан ташқари, қор ҳам қалин, йўл юриш оғир эди.

Одатда шимолдан эсадиган кучлик шамол бу йил қишида ҳам хийла вақт эсган эди, ҳафталашиб, ўн кунлаб тинмасдан қорни учирив, оқ бўрон қилиб, ҳозир Абайлар кетаётган ёйдоқ дала, адрлар, водийларни қор кафанига

ўраган, бу қор музлаб қолган, музлаган қорнинг уйилиб-уйилиб ажиб шакллар ҳосил қилиб туриши, изғириннинг нақадар куч блан эсганини кўрсатиб турар эди. Кўп отлиқлар қаторлашиб юриш уёқда турсин, уч салт отлиқ сиғадиган йўл ҳам аҳ'енда тўғри келар эди. Шунинг учун йўловчиларнинг ҳаммаси, қайтиб кетаётган турнадек қаторлашиб, орқама-орқа боришга мажбур эди.

Йўловчиларнинг олдида Қунанбойнинг ўзи борар эди. Унинг остида орқа томони тухумдек юмaloқ келган оқ ёллик, семиз саман от. У, оддий йўрга отлардек, нозик эмас, қовирғаси кенг, усти тахтакачдек, булутга сакрайдиган от. Қунанбой узоқ сафарга чиққанда, айниқса қиш кунлари чиқадиган бўлса, кўпинча шу отини минар эди. Қунанбойнинг устида қора қулуннинг терисидан тўн, беллида кумуш камар, бошида қора баҳмал сирилган тулки тумоқ. У, орқасидан қаралгандা, барваста, ниҳоятда савлатлик кўринарди. Қора қулун терисидан тикилган тўн саман отга жуда ярашади. Унинг қаттиқ йўрга саман оти бошқа отларнинг ҳаммасини елишга мажбур қилаёттир. Абайнинг ҳам оти Қунанбойнинг самани астароқ йўрга блан бораётганда, ўзининг йўл йўргасига тушиб оладида, саман қаттиқ йўргаласа noctor елиб, устидаги одамни кўп бетинч қиласр эди.

— Ёпирим, бунинг чопишини қаранг... Худди хода мингандай бўлаётирман,— деб Абай Қорабосга отининг юришидан шикоят қиласр эди. Ҳақиқатда ҳам аввалги икки кунда Абайнинг ичак-бағри шилқиллаб, ўзини зўрга удалаб, борарди.

— Ҳеч қиси йўқ, ўрганиб, этинг қотиб қолади... Этагингни қимтиб ўтири! — деб, қўярди Қорабос.

Абай ўзига қолса, шошилмасдан, отининг йўл йўргаси блан борарди, лекин элга тезроқ етиш учун кунни ҳисоблаб ўша мўлжалида етиб бормоқчи бўлиб кетаётган Қунанбой бировнинг хоҳишига қараб йўл юрадиган эмас... У, бошқа вақтларда аямайдиган чавондозларини ҳам, олдинга солмай, олдинда ўзи кетаёттир.

Фақат бугун эмас, неча кунлик йўлни шу тахлитда босишли. Қунанбой кундузлари қаттиқ юрса ҳам йўлдаги ма'лум овулларга келиб тушганда ҳа деганда чиқақолмао эди. Қунанбой қаерга тунагали тушса, ўша овул уни худди маккадан келаётган ҳожидай қарши олишарди.

Ҳамма ерда ҳам оқсоқоллар, амалдорлар, муллалар, сўфиларнинг оғзида «мачит-мачит» деган гап. Ба'зибир

яхши кўрингуси келган кексалар: «фуқорадан хон туғилдинг!», «қонли жангдан бир ерингга неш теккизмай чиқдинг!», «қўнфироқли катта нор бўлдинг!» деб пилдираб, очиқдан-очиқ хушомадгўйлик ҳам қилишарди. Қунанбой жўнаб кетгунча булар унинг атрофида парвона бўларди.

Йўлда тушилган шу кўп овулларнинг амалдорлари шу қиши Қарқаралига Қунанбойнинг ҳузурига бориб, да'во жанжалларини битириб келишган одамлар. Буларнинг кўпчилиги Қунанбойнинг орқасидан оладиганини олиб, кеки бўлган одамлар блан ҳисобини тўғрилаб, ўчини олган кишилар.

Шубортов, Обралидаги тўрт-беш овулда ба'зи бир катталар Қунанбойни кузатишда уни четта тортиб махфий ишларнинг маслаҳатини қилиб йўлдан ҳам қолдиришди. Ўшандай овулларда Қунанбойга яхши отлар, катта бўялар тортиқ қилишарди.

Шу сингари тортиқ қилинган икки қора йўрга, бир қизил от яна уч-тўртта тўриқ от ҳозир Қоратойнинг етагида кетаётир. Абай бу отларга таажжубланган бўлса ҳам, аввалги кунларда аҳамият бериб, буларнинг қаердан келаётганини ўйламаган эди. Тўбуқтига яқинлашган сайнин молининг сони ортаборди. Ҳаш-паш дегунча от етакламаган одам битта-яримтагина қолди. Тўбуқтининг бир учига етиб қолганларида, бу отларнинг сони ўнбешга етиб, энди етаклаб эмас, бир тўп қилиб ҳайдалди.

Бунинг ҳаммаси Оғасултоннинг сафардан тортиқлар блан қўйни-қўнжини тўлдириб келаётганига шоҳид эди. Агар шу кунларда Қунанбойнинг овулида бирор одам ром очган бўлса, албатта, сафардан келаётгандарнинг «кўнгли тўқ, қонжуғаси маҳкам, қўша-қўша ўлжалар блан келаётир!» деган бўлар, бир элни босиб талаб, муваффақият қозониб келаётган босмачиларга тушадиган фолдан тушган бўлар эди. Тунаб ўтгали тушилган жойларни э'тиборга олинмаса, ҳатто тушлик қилгали ҳам ҳеч қаерда тўхтамасдан, йўловчилар Қарқаралидан чиқилганига етти кун бўлди деганда Чинғизнинг кун ботиш томондаги ёнбағрига етиб келишди.

Еттинчи куни Қунанбойлар Тўлепберди, Бурахон, Қамисбойларни қувиб етишди. Абай уларнинг нега олдин кетганини билмаган эди.

Бир тепаликда бирқанча отларни ҳайдаб кетаётган одамларни кўрганда, Мойбосар:

— Ана ўшалар бизнинг йигитларимиз бўлса керак!

Айтгандек, ўша уч йигит Қунанбой мол ҳайдатиб юборган одамлар экан. Улар юзга яқин нұқул сархилланған, ёли қуюқ семиз биялар, яхши отларни ҳайдаб кетишаётган эди.

Қорабос ҳайдаб келаётган ўнбеш оти ҳам ўша отларға қүшилди.

Қунанбой ҳалиги отларнинг орасига келиб, ҳайдаб келаётганлар блан сустгина саломлашди-да, бироз тұхтаб қолди.

Абай шубдага тушиб, Қорабосдан:

— Бу қандай отлар? Қимнинг отлари? — деб сұрады.

— Ҳа, тортиқ қилиб берилған отлар, отангнинг отлари.

— Тортиғингиз нимаси, ким берган?

— Вой тентак, гұдаксім он үзинг?.. Отангнинг құл остида озмұнча халқ борми? Қарқаралида кечаю-күндүз үймалашиб ётғанларни күрмадингми?.. Ұша ерда қылған хизматига ҳақ олмайдими? Е бекорга ишлайдими?

Абай ортиқ ҳечнарса сұрамади, лекин бу ўзгача ишларнинг тағига етди-да, ўз-ўзидан ҳижолат тортиб, қипқизарыб кетди. Ендан ажралмай юргани блан отасининг ҳам, бошқа катталарнинг ҳам ички сирини сезмаган экан.

Абайнинг эсига Шўже тупиди. У «Сарасин, халқ молининг сўқир чуқур» деган эди. Шўже Қунанбoidан четда, йироқда юрса ҳам унинг бутун а'молини билар экан, билганидан шундай деган экан-да. «Қандай номус иш» деб, Абай ўз-ўзидан айниқса Шўжедан уялгандай бўлди.

Йўловчилар яна қаттиқ жадаллади. Абай отини елдириб келмоқда эди. Букун Қорашўқинга, Кункенинг овулига етиб бориш керак. Қариндош-уруғларининг ҳаммасини шу букун кечқурун кўриш керак. Лекин Абай, соғиниб юраги узилиб келаётган бўлса ҳам, ҳалиги оғир ҳислар унга шодланишга йўл бермас эди.

Абай чуқур ўйлаган сайн турлик-туман қабиҳ ишларни кўпроқ кўрабошлади. Олшинбой овулига юборилган элликта қорамол ҳам шундай молларнинг бири бўлган. Абайга олиб бериладиган келиннинг қалин Моли ҳам шу сингари таланған, қақшатиб олинган моллардан...

«Томоги оққушнинг томоғидек» деб мақталган қаллиғи! Дилда!.. Абайнинг кўнглидаги беғубор соғ олам ифлосланиб, кир бўлиб, зарҳал бўёқлари ўнгиб, кўнгилсиз, расво бўлиб бораётгандай бўлди. «Маҳбуба! Маҳбуба!» деган сўз ҳам бу қадар соғлигини йўқотиб бунчалик

ғарип ақволга тушар экан-а, деб ўйлади Абай. Үзи учун ҳам, Дилда учур ҳам ғоят қаттиқ озор чекди. Озор чекдигина әмас, ғазабланди.

Китобларда баён қилинишига қараганда, порахўрлик — гуноҳларнинг гуноҳи. Бу порахўрлик ўтган замон бойларидан Кегирбойнинг ҳам суюгидаги кетган, кетмас доғ бўлиб унинг ша'нида қолган. Пора ҳолитанг бўлиб қолган одамларнинг оғзидан тортиб олинадиган маломатлик бир ганимат. Дулат, Шўжейларнинг айтишига қараганда, пора ҳеч кечирилмайдиган гуноҳларнинг биттаси... Донг чиқарип, обрў олиб берадиган «тангрининг уйи» ҳам шу сингари порага келган моллардан солинмадими?.. Порадан тикланган бўлса ҳам, мачит бўлиб тураберар экан-да, «харомдан тикландим» деб емирилиб тушмас экан? Яна унинг ичидаги худонинг, пайғамбарнинг номи блан ва'з айтилади. Салласи қозондек имом қўзини сузиб «Бухоро мақомида» «таборак»нинг қироатини келтириб ўқиёди. Севикили ўғилнинг қаллиғига атаб яхши ниятлар блан солинган оқ уй ҳам чимилдигигача порадан тикилар экан-да.

Йўловчилар Қорашўқига кечқурун етиб келган бўлса ҳам Абай отасининг олдида, Кункенинг овулида қолмади. Ёнига Жумагулни олиб, ўша онда Жидебойга жўнади. Йўл бўйи отини тоғ чоптириб, тоғ елдирди.

Қаттиқ юриб келаётган отликлар деразанинг тагидан ўтиб, овулдаги итлар жонининг борича ҳуриб чиқишган пайтда, ўйдаги оналар кечки овқатни ҳам ейишмаган, ҳали ухлашмаган экан. Новча, юзларини шамол олиб қорайган, етилган йигитча салом бериб кирди. Дуппадуруст, катта кишиларга ўхшаб, кийинган; унинг оёқ босиши ҳам катталардек салмоқлик. Абай тўсатдан кириб келганда, Жидебойдагиларнинг ҳаммаси шодланиб қий-чув қилиб:

— Абай!..
— Абайжон!..
— Бўтам!..
— Қора қўэим... Абайжон! — деб чувулламшанича, алоҳида бир хурсандлик блан қарши олишди.

Ўйдагиларнинг ҳаммаси соғ-саломат, энаси блан онасининг вақти чоғ! Иккаласи ҳам галма-гал Абайнинг қулоқлаб ўпди. Успон ҳам ухламаган экан. У, шодлиги ичига сиғмай, товушининг борича қичқириб, сонига шаппалаб сакрайбошлади.

— Қани, чиқар совғанғн!.. Ширинликдан ҳам борми!.. Қани чиқар! — деб, Абайни оналари, Ғабитхон, Такежонлар блан сұрашғали ҳам қўймай, қистай бошлиди; унинг қўйнини титиб, чўнтақларига қўл солиб, қайта-қайта:

— Қани, бер!. Бўл, энди! — дер эди.

Шундан кейин уч-тўрт кунгача Абай уйдан чиқмади, ҳечқаерга бормади. Айниқса отасининг олдига бормади: «Қорашўқида Қунанбойнинг уйи тўла одам эмиш, Қункенинг уйини меҳмон босиб ётган эмиш, Қунанбойни кўргали келганларнинг сони йўқ эмиш» деган хабарлар ҳаркун деярлик Жидебойга келиб турар эди. Бу овулдан Қунанбойнинг олдига фақат Такежон борди.

У, отасига ўлжага теккан отларнинг дарагини Жуматулдан эшишиб:

— Ҳаммаси ҳам танланган яхши отлар дейишаётир. Бор сархилини Қудойберди танлаб олади,—деди. Қункедан туғилган акаси Қудойбердидан яхши отларни қизғаниб,— яххисини териб-териб оламан! Олиб келаман!.. Кўрасан.

У, шу кетганича, қолиб кетди.

Бу кунларда Абай Қарқаралида кўрган, кечирғанларини иккала онаси блан Ғабитхонга ҳикоя қилиб бериш блан бўлди. Унинг ҳикояларини ба'зан, кичик онаси гўзал Ойғиз ҳам келиб тинглар эди. Отаси блан Бўжейнинг қай тахлитда ярашганини ҳам айтиб берди, лекин бола бериш деган гапни оғзидан чиқармади. Бу гап Абайнинг ичини еб бораётган оғир дарднинг бири эди. То отасининг ўзи айтмагунча, оналарининг шу қадар шодланиб, уни қарши олган баҳт-саодатли кунларини қайғи ҳасрат кунига айлантиргуси келмади. Бу гапни отасининг ўзи айтсан. Қани оналари нима дейишади. Ҳозир агар Абайнинг оғзидан эшигадиган бўлса, олдиндан ғазабланади, яна ғамга ботади. Яххиси бундай гапни вақтидан олдин билдиrmай туриш керак. Абай Жидебойга келаётган чоғида шу жиҳатларини ўйлаб, ёнидаги Жумагулга ҳам: «Бу овулдагиларга билдиrmай туратур» деб тайинлаб қўйган эди.

Шундан кейин, тўрт-беш кун ўтгач, «Бўжей ҳам келибди» деган хабар келди.

Қунанбой тездан Жидебойдаги уйга Қорабосни юборди. У келиб Зере блан Үлжонга:

— Мирза салом айтиб юборди. Эртага кўп одамлар

блан келмоқчи. Бўжей блан шу уйда ярашиб, шу уйда топишадиган бўлишипти. Бўжей, Бойдалилар ҳам шу ерга келишар эмиш. Шунга ҳозирлик кўриб, кутиб олсин деб, юборди!— деди.

Бу хабар Улжонни ортиқча ташвишга солмади. Ойғиз блан иккови икки кун уриниб, той-той қилиб боғлаб қўйилган буюмларни ешиб, қимматлик гиламлар, яхши шолчалар, чойшапларни олиб Зеренинг катта уйини, меҳмонхонани, Ойғизнинг уйини яхшилаб ясатиб қўйишиди. Чора-чора бўғурсоқлар пиширишиди, қўй ўтишиди, қурут эздиришиди, шундай қилиб овқатларни ҳам бир қадар ҳозирлаб қўйишиди. Бирнеча қорин сариқ ёғнинг ичидан тузи дуруст, маззаси яхши, кўриниши сапсариқ олтиндек тоза мойларни танлаб олиб, ўша қоривларни буздиришиди. Айтгандек эртасига Қунанбой блан Бўжейлар одамлари блан келишиди.

Бўжей катта уйга кириб келганда, Зере ўрнидан туриб бориб, йиғлаб, унинг, юзидан ўпниб кўришаркан:

— Бўтам, биздан кўнглинг қолиб, совиб кетмадинги? Сен бола, мен она эдим-ку?— деди.

— Аэзизим, меҳрибоним!..

— Оҳ шўрлик онамиз! . . — деб, Бўжей блан бирга келган Бойдали ва Суюндикларнинг кўнгли бўшаб кетди.

Бўжей ҳам, чиндан юраги эзилиб, Зерени қаттиқ қулоқлаб туриб, бир хўрсинди-да, қўли блан ишора қилиб, ўрнига ўтиргизди; ўзи ҳам Зеренинг ёнида ўтирганича қолди.

Бироз жимлик чекди. Кейин Бўжей бошини кўтариб болаларга қаради. Абай энасидан пастроқда ўтирган эди. Бўжей Зеренинг меҳрибонлигига жавобан, жигарлигини кўрсатиб, аввал Абайни чақириб юзини-юзига қўйди, сўнг, Успон, Жумағулларнинг юзидан ўпниб кўришиди.

Ҳақиқатда ҳам Бўжей бу уйни бошқача қадр қиласди. Бу уйга Қунанбойнинг уйи деб эмас, шу бир отадан тарқалган авлоднинг уйи, барчага баравар, меҳри-шафқатлик, бегарауз ҳалол уй, деб қарар эди.

Бўжейлар жойлашиб ўтиргандан кейин, Қунанбой ҳам ёнига Қоратой, Мойбосар, Кулуншоқларни олиб, биргала бўлиб кириб келди.

Абай, Бўжей блан ўз отасининг бетма-бет ўтиришидан хижолат бўлгандай, ўз-ўзидан ийманиб, ерга қаради. Катталарга жой бўшатиш керак эди, шуни баҳона

қилиб, чиқиб кетди. Шу блан кечқурун ҳам, әртасига әрталаб ионушта өнгіда ҳам ичкарига кирмади; әшикда онасидан сүраб, Бұжей блан Құнаңбойнинг у қадар очи-либ сүзлашмай, бир-бирларига сиполик блангина мую-мила қилишаётганини эшилди.

Әртасига, Бұжейлар жұнаш олдиде, Абай Қарқара-лида эшилган совуқ гап очилди.

Үз уйда бағрини ерга бериб йиғлаб ётган Ойғаз-нинг құлудаги Камшотни Қоратой тортиб олиб, кийин-тириб, катта уйға олиб келди. Қопқора, қорамұғдек күэ-лари ёниб турған, оппоқ ширингина Камшот катталарға қараб:

— Ака, дада! Дада... Ака!.. — деб, кичкинатаина бар-моқларини ёзиб, күзлари жовдираб, қараб турарди.

Улжон, гұдакнинг аянч ҳолини күришга тоқат қи-лолмай, чиқиб кетди. Зере мук тушиб йиғлаганча қол-ди. Үтирган катталардан тош бағирликнинг совуқ из-гирини эсаётгандай, Абай ҳам отилиб, чиқиб кетди.

Қунанбой ягона күзи блан уйдаги, күнгли бүшаб кетгандарнинг ҳаммасига ўқдек қадалиб, отиб юборгу-дай бўлиб қаради. У Қарқаралидаги шартга биноан шу боласини Ойғизнинг бағридан юлиб олиб, Бұжейга берди.

Уйда бўлаётган фалокат ўзгаришни сезмай аввалги-дек ўйнаб кулиб, ширин тили блан чулдираб үтирган Камшот бир бегона одам кўтариб эшикка томон юр-гандагина чўчиб:

— Опа!.. Опа... Эна... Эна... — деб чирқираб йиғ-лаб юборди.

Кичкинагина юрагини қўрқинч босиб, ўти ёрилиб йиғлаётган бола гүё чўғ босиб олгандай чирқиради.

Гұдакнинг шу фар'ёди, чирқираган овози Бұжейлар йироқлашиб кетгунча босилмади. Улар йироқлашган сайнин, ўтга ўртаниб ё сувга ботиб бораётган кишининг фар'ёдидек, аламлироқ бўлиб юракни тилка-тилка қи-ладиган йиги овози ўхтин-ўхтин эшитилиб турди.





ЧАНГАЛЗОРДА

1

Абай Қарқаралидан келгандан буён отга миниб, уёқ-буёққа бормайдиган бўлди. У кўпинча Жидебойдаги овулда оналарининг олдида бўлиб, то кўкламгача ке-чаю-кундуз китобдан бош кўтармади. Мадрасадан келганидан буён ихлос блан қўлига китоб олгани ҳам шу эди. Бирқанча араб, форс сўзлари ёдидан кўтарилиб унтилаёзган экан. Биринчи ҳафта ўша ёдидан чиққан сўзларни, Габитхондан олинган луғатга қараб эслаб олиш блан ўтди. Шундан буён қўлига тушган ҳарбир қалин китоб унга кўп вақтлар интизорлик тортиб, ниҳоят етишган азиз ва меҳрибон дўстдек туюладиган бўлди.

Габитхон ҳам китобхон эди. Абай унинг китоблари орасидан ўзини қизиқтирадиган кўп асл нарсаларни топди. Булар Фирдавсий, Низомий, Фузулий, Навоий, Бобир асарлари, «Жамшид», «Сайдбаттоли ғози», «Минъ бир кечас», Тобора ёзган тарих, «Юсуф Зулайх», «Лайли ва Мажнун», «Гўр ўғли» га ўхшаган китоблар эди. Абай бу китобларни бош кўтармай ўқир эди. Бироз вақт ўтгач Абай ўқиган ба'зи китобларини кечқурнлари ўйдагиларга ажойиб ҳикоя қилиб айтиб берадиган бўлди. Бундай қилишига энаси сабаб бўлди.

✓ Зере Абайнинг қунт қилиб китоб ўқишини кўриб, бир күн кечқурун:

— Болагинам, шу ишинг — иш. Еган-ичганига маст бўлиб, билқиллаб семириб, идрокдан-ҳунардан маҳрум бой болалари кам дейсанми? Ҳарнечук шу ола қофозингдан қолма! Ушаларга ўхшаш бўлма!.. деган эди.

Абай энаси китобнинг қадрига бунчалик етиб, мақташидан ғоят курсанд бўлди ва ўша гапдан кейин ҳар кун бир ажойиб ҳикоя айтиб берадиган бўлди. Оналари мол боқучи болалардан тортиб, Абайнинг оғзига тикилганича, ҳикоя эшитишар эди. Ба'зи-ба'зида Ойғиз ҳам ҳикоя эшиттали келарди. У, Камшотдан айрилиб қолганидан буён ичига чироғ ёқса ёримайдиган, юрагига қил симмайдиган бўлиб, ранги кетиб, сўлиб, каттакатта қора кўзлари яна ҳам катталашиб, чакка томирлари кўкимтири товлаб, борлик гўзал симосида ғурбат акс этиб турадиган бўлиб қолган эди. Оҳ деялмай алам чекаётган она ўзини ўзи ер эди. Абай онасининг бу аҳволини жуда яхши онгларди. У келган кечаларда ҳикоясини ўзгача қунт блан айтар эди.

Абай ҳикоя айтишга қандайдир жуда чечан, жуда моҳир бўлиб борарди. Фабитхон бўлса ўша китобларни гарчи ўзи ўқиб чиққан бўлса ҳам Абайнинг ҳикоясига жон-дили блан берилиб қулоқ соларди.

Фақат шуниси ёмоқ бўлдики, кўклам чиқиб, мол туға бошлаган пайтга келиб, бор қизиқ китоблар ўқилиб, бутун ҳикоя айтилиб тамом бўлиб қолди.

«Ҳикоя, ҳикоя» деб Абайга ёпишадиганлар энди Абай айтган ҳикояларни биронта мол боқарга ё болаларга айттириб эшитадиган бўлишиди.

Лекин улар Абайдек қойил қилиб айтишаолмас эди. Буни сезган Улжон:

— Қиши ўтди. Ёз чиқиб, мол қўзилаб қолди. Ҳикоянинг ҳам вақти ўтди. Қўйинглар энди, бекор ҳашнинг охири узаб кетади,— деб, айттирмай қўяр эди.

Лекин оналарининг ўзлари, бўш вақт топилди дегунча, Абайдан яхши китоблардаги яхши ҳикояларни қайтадан айтиб беришни сўрашар эди.

Фабитхон блан Абай китоби бўлган мулла сифат кексалардан, хашаки муллалардан битта-яримта китоб топиб келишарди. Биркун Фабитхон атайнин Қораҷўққига Кункенинг овулига бориб, хуржунининг икки кўзини лик тўлатиб, китоб олиб келди.

Қунанбой бу китобларни Қарқаралида Ҳасан мулла орқали олган эди. Бир кун Абай:

— Бизга беринг! — деб, сұраганда:

— Енимда ўтириб, менга ҳам ўқиб бер! Шунга хуб дессанг бераман, ўзинг ўқиб, ҳузурини ўзинг кўрадиган бўлсанг, бермайман! — деб, бермаган эди.

Абай отасининг олдидаги турғиси келмай, бу китоблардан маҳрум бўлиб келаётган эди. Фабитхон кечгача Қунанбойга ялина-ялина бир амаллаб, китобларни ундириб келди. Фабитхон олиб келган нарса уйдагиларниң ҳаммасига ҳам, Абайга ҳам, Фабитхоннинг ўзиға ҳам бир улуғ бойликдай бўлди.

Броқ худди шу китоблар келган куннинг эртасига отасидан одам келдию Абай Қорашўқига жўнаб кетди.

Абай Қункенинг уйига етиб бориши блан Қунанбой уни бир топшириқ блан Қулуншоқнинг овулуга юборди. Абай отасининг Қулуншоққа айтадиган сўзларини яхшилаб ўқиб олиб эшикка чиққанда, Қорабос унинг блан бирга боргали ҳозирланиб турган эди.

Қулуншоқнинг овули у қадар олис эмас, Қорашўқининг кун ботиш томонида қадимги Қўдар қистовининг нариги ёғида, Тўргайларга қарашлик қистовлардан бирида. Қулуншоқ Тўргай элининг бошлиқларидан эди.

Бирқанча йўл юрганларидан кейин, икки салт отлиқ йўловчи, Қўдар қистовининг рўпарасига келишди. Абай Қўдар блан Қамқанинг қабрига бориб қур'он ўқиди-да, қовоғини солганича, жимгина отининг бошини буриб, йўлида давом этди.

Ўша кунги мудҳиш воқиа гўё шу букун эрта блан бўлиб ўтгандай кўэ олдидаги гавдаланди. Ўша куни тўккан аламлик иссиқ-иссиқ ёшлари ҳам эсиға тушди.

Қулуншоқ овулларига келиб тушганларида, Абайнинг симоси катта кишилардек жиддий ва бирқадар ғазаблик эди.

Қулуншоқнинг овули ҳали қистовдан чиқмаган экан. Одатда кун исиши блан уй ёнига ўтоға тикиб ўтириларди, лекин Қулуншоқнинг овули ҳали чиқмаган экан.

Қулуншоқ, гарчи Абайга бола деб қараса ҳам, Қунанбой юборганлигини назарда тутиб, катта киши келгандек қарши олди. Меҳмонлар ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганларидан кейин Қулуншоқ:

— Ҳой, хотин, меҳмон келди. Овқатнинг тараддудини қил! — деб буйруқ берди.

Унинг «Беш қашқа» деб аталадиган бешта азамат ўғли бор. Улардан уйда ҳозир фақат Монос бор экан. Монос «қашқа» деса дегундай, пешонаси кенг, юзидан нур ёғилиб турган паҳлавондек ёш йигит экан. У меҳмонни ёқтирмағандай бир чеккада жимгина, дўмбирасини тинғиллатиб ўтиради.

Уйда чой тайёр экан. Моноснинг хотини — ёшгина жувон дастурхон ёзиб, чой тайёrlай бошлади. Йилтираб турган қўнғир сочлик, қирра бурун, қора тўри келган келин мулозиматлик, озода ва чаққон кўринди. Унинг бутун ҳаракатларида сиполик блан бирга ажойиб бир эпчилик ҳам кўринар эди. Ўтирган уйига пайз киргизиб, нур сочиб тургандай кўп нозанин жувон экан.

Абай унинг ҳаракатларига қараб туриб:

— Қулуншоқ оға,— деб сўз бошлади.

Қулуншоқ хиёлгина Абай томонга ўгирилди. Қўлидаги катта носқовогини чертиб ўтиракан, кўмкўк ноғдан олиб, ҳузур қилиб бурнининг икки катагига тортди.

— Отам сизга салом дедилар.

— Саломат бўлсин...

— Мени юборгани мана шу ердаги Бетқудуқ важидан эди. Илгари бу жой Бўрсоққа тегишлик жой экан. Бўрсоқнинг қистовини Оқперди олган экан. Энди ўша ернинг қирию-ўрининг ҳаммасини қўшиб олганман деяпти. Бултур, қистовга кириш олдидан, ўша ерга сизнинг овулингиз қўниб, бирқанча вақт турипти. Оқперди отамга «ёз келаётir, Қулуншоқ яна ўша ерга бориб ўтирасин, мен мол оғизини теккимасдан, кузда бичанини ўриб олсан деган эдим. Энди Қулуншоқ шу ернинг баҳридан ўтса! деб илтимос қилипти.

— Ҳа, ҳа, шундай дегин, Оқперди-ку шундай депти, қани энди отанг нима деди?

— Отам Оқпердининг сўзи ўринлик, Қулуншоқ ўша ерга бормаса яхши бўлади деб, мени юборган эди.

Абай тап тортмасдан, қисилмасдан катталардек ётиғи блан гапирди.

Қулуншоқ индамасдан бошини қуёй солди, мийнида кулиб қўйди-да:

— Чой ич! Қани, дастурхонга қаранглар!— деб, дастурхон томон қўзғалди. Абай чой ичиб, Қулуншоқнинг жавобини кутиб ўтирап эли. Қулуншоқ бир пиёла чой ичиб бўлгундек вақт жим ўтириди-да, сўнг тўсатдан Абайга қараб:

— Хўш, болам, отанг бу Бетқудуқни кимга қарашли эканлигини яхшилаб текшириб кўрдими ўзи? Бўрсоқнинг вақтида ҳам биз галма-гал ўтирас эдик-ку. Утини бўлса ўша вақтларда ҳам ўтар эдик, тенг бўлиб олар эдик. Отанг шуларни ҳам биладими?— деди.

— Албатта у гаплардан хабари бўлса керак. Лекин бу ерда гап ернинг кимга қарашлигига эмас, гап келишиб иш қилишида, оқсоқол. Отам бу ернинг асл эгаси Бўрсоқ эди, бу ўша Бўрсоқларнинг ери, Қулуншоқ ҳаққи бўлгани учун эмас, келишгани учун улуш олиб келган, келишаман деса, Оқперди блан ҳам келишиши мумкин, фақат ўша ернинг Оқпердига қарашлик эканлигини унутмасин деб юборди.

— Шундайми, ҳали отнинг эгаси Оқперди денг. Отнинг эгаси минади-да, бизларни хоҳласа мингаштиради, хоҳламаса мингаштирамайди. Қистовимдан бир қадам жойда бўлса ҳам, Бетқудуқдан қўлни ювиб қўлтиққа уриб қўяқол денг,— деб Қулуншоқнинг фе'ли айнаб қовоғи тушиб кетди.

Абай унинг нима учун ранжиётганини яхши билар эди. Ўзига қолса унинг дилини сиёҳ қилиш хаёлида ҳам йўқ эди. Отаси топширган иш нақадар оғир эканлигини энди ҳис қилди. У, кимсан Қулуншоқдек одамнинг бошини қаерга уришини билмай қолганини кўриб, бу гапларнинг қанчалик оғир эканлигини онглаб:

— Мен сизга фақат отам айтиб юборган омонат гапни етказдим, энди у ёғини ўзингиз биласиз,— деган эди, Қулуншоқ:

— Начора Оқперди — Оқперди! Оқпердига худо баҳт берди,— деб заҳарханда қилиб кулиб қўйди.

Қулуншоқнинг буқадар ўзини тутиб, қилаётган ҳазили ма'қул тушиб Абай кулиб юборди. Отасининг топшириғини бўйнидан соқит қилган Абай энди Қулуншоқнинг ҳазилини илиб олиб:

— Баҳт бергандা нақд берди денг,— деди.

Абайнинг бу сўзига уйда ўтирганларнинг ҳаммаси хандон ташлаб кулиб юбориши. Бу сўз айниқса ҳалиги чой қўйиб ўтирган келинчакка кўп ма'қул тушди шекиллик, қип-қизариб, шарақлаб кулиб юборди-да, ялт этиб Абайга қараб, лабини тишлаб қолди.

Қулуншоқ завқ қилиб, Абайга:

— Оббо боламей, бу гапинг ажойиб гап бўлди. Асли

шу гапнингни Оқперди эшишганда бўлар эди-да! — деди хурсанд бўлиб.

Шундан сўнг Қулуншоқ Бетқудуқ можарасини бир чеккага қўйиб:

— Чироғим, бир вақтлар Бўжейга берилган гўдак нинг аҳволи қандоқ экан? Шўрлик Ойғиз йиглаб қолди дейишган эди. У қалай — деб, Абайнинг уй ичисини, Зеренинг аҳволини, Улжонни сўради. Абай Камшот ҳақида оғиз очмай ўтирган эди. Қулуншоқ яна сўз бошлаб:

— Менинг билишимча Бўжей томон мол олмаганидан норози бўлса керак. Кичкина синглингнинг ҳам кутуми унча яхши эмас деб эшиштаман. Бечора Ойғиз ҳам шуларни сезиб, ич-этини еяётган бўлса керак! — деб, йўқ ердаги дилни вайрон қиласидиган кўнгилсиз гапларни қўзғай-бошлади.

Абай ёрилиб, бу ишлар ҳақида гапириб, сир бермоқчи эмас эди. Бир қадар жим ўтириди-да, сўнг гапни бошқа ёққа буриб:

— Оқсоқол, нима сабабдан сизнинг болаларингизни «Беш қашқа» дейишади? Шуни айтиб беринг! — деди.

Қулуншоқ бу боланинг гапни буриб юборганини кўриб, ичидан:

«Ўзи кўп эслик бола кўринади, хила вазмин, сир очилмасин деб ўтиришини кўр, буни, бунга ҳам ўргатган экан» деб қўйди, сўнг у гапларни қўйиб:

— Қашқа дегани ботир дегани — дейишади-ку, лекин булар, — деди Моносни туртиб — Ботир бўлиб жуда минганин минг уриб берипти дейсанми? Бир вақтларда Бўкенше блан Бўрсоқ «ўлсак ўламизки, Қорашўқини бермаймиз» деб келганда, отангнинг бир оғиз саломини ерда қолдирмай, шу бешқашқаларни эргаштириб борган мен эдим. Эгаси кетиб, сабил қолган ердан ҳеч бўлмаса бирор қудуқ тегар деб умид қилган эдим. Қашқаларнинг пешонасига тош тегди халос,— деб, яна аввалги, Абайга ма'қул бўлмаган сўзига кўчди.

— Таланган элдан тортиқ олма деган гап бор. Ет бўлганда ҳам майли эди, бегона эмас, ўша Бўкеншени қақшатиб олган ер кимга вафо қиласарди? Унга ўкиниб нима қиласиз? — деди Абай салмоқлик қилиб.

Монос блан хотини Абайнинг бу гапини ма'қул кўришса ҳам, Қулуншоқ кўнмади, Қунанбойга адовати борлигини билдириди.

Абай бу сўзлардан Қулуншоқнинг ичида «таланган

ердан ўлжа тегмади» деган армони борлигини билдириди. Шунинг блан бирга ер ва емдан бошқа дарди бўлмаган Қулуншоқдан ранжиб, отланди.

Абай отасига Қулуншоқнинг кўнганини айтса ҳам аччиғ-тиззиқ гапларини айтмади. Қунанбой Абайнинг айтган гапларини яхшилаб билмоқчи бўлиб Қорабосни бир чеккага чақирди. Қорабос Абайнинг бугунги ишидан кўп хурсанд бўлган экан:

— Болангиз сўзга уста бўлиб қолипти, худди катта кишилардек, гаплашади!— деб Абайни мақтайди бошлаган эди, Қунанбой «Бўлди, бас қил» дегандек ишора қилиб унинг сўзини кесиб қўйди.

Эртасига Қунанбой Абайни яна бир топшириқ блан жўнатди. Ёнига Қорабосни қўшиб, энди Суюндикка юборди.

Суюндикнинг овулига Абайлар эл ётарда етиб боришди. Ўз қистовидан айрилиб, Қоровулнинг бош томонида— Түйеўркеш деган ерда қишилган Суюндикнинг овул ҳозир уйларда эмас, ўтовларга кўчиб чиққан экан. У моли кўп овул, қистовликка шу жойни лойиқ кўриб, шу ерда турган бўлса ҳам ҳали янги уй сола олмаган, эски қўрага сифишимай, кун кўзи кўриниши блан ўтовларга чиқиб олишган эди.

Суюндикнинг оппоқ қенг, иссиқ ўтови сандиқлар, тахлаб ва тираб ташланган гиламлар блан безатилган. Бўсағанинг икки томонигача қиپқизил гиламлар, шолчалар тутилган. Ҳали ҳам иссиқ этик, тийин пўстин кийиб юрган Абай бу уйда совуқ қотмади. Кўклам чиққандан буён унинг ўтовда ўтиргани ҳам шу эди. Бу уйнинг ҳавоси енгил, киши әркинлаб нафас оладиган салқин. Абай кўкламда ўтовда ўтиришни жуда яхши кўрар эди. Уйнинг ўртасида милтиллаб шам ёниб турарди. Суюндик хотини ва Адилбек, Осилбек деган ўғиллари блан меҳмонларнинг олдида ўтиришарди. Бу уйга баҳор нурини ёғдиралиб ҳусн киргизиб турган яна бир кимса ҳам бор эди.. Бу — Суюндикнинг қизи Туғжон. У Суюндикнинг кичик хотини бўлмиш онаси ўтирган кичик уйга дам-бадам чиқиб турар эди. У келаётганда чўлписининг шилдирлаши әшитилар эди. Унинг қулоғидаги ёниб турган исирғаси, бошидаги камчат телпаги, билагидаги билак узуклари Абайга ўзгача бир латофат блан кўринди. Унинг юзи тўладан келган оппоқ, қирра бурун, кўзлари қолқора, қошлиари қалдирғочнинг қанотидек.

Түржон гапта қулоқ солиб ўтирганида, култанида ёки уялганида қошлари парвоз қилмоқчи бўлган қалдирғочнинг қаноти сингари кўтарилади, яна тушади, ҳарбир ҳаракати кишиня энтиклиради. Абай ундан кўзини олмас, форс шоирларининг ғазалларидан унинг та'риф ва тавсифига сўз ва татбиқлар излар эди.

Қиззининг кўп кириб чиқишининг боиси меҳмонларни кутиш тараддути экан.

У, бироздан сўнг, оқсоқ хотияга дастурхон ёздириб чой қўйишни буюрди-да, ўзи отасининг ёнига ўтириб, пиёлаларни узатиб, хизмат қиласлошлади.

Абай Суюндикдан ҳам тортинимади, у блан ҳам етилган йигитлардек сўзлашди.

Түржон келиб ўтиргандан сўнг Абай Суюндикка қараб:

— Суюндик оға, мана бу сизнинг ергизининг олдиндаги ёлғиз турган тепаликни нега «Қоровул» дейиншади?

— Ким билади, чирогим! — деди Суюндик бироздан сўнг илова қилди, — Тўбуқти блан Мотойнинг уруши, бир-бiriгta ёвлиги ҳечқачон босилганми? Уша вақтларда ё қочтан, ё қувган томон қўйган номдир-да, ўзи ҳам бошқа тоғлардан айрилиб, атайин қўйилгандек, яйдоқ дала-да қўққайиб турибди-ку, ўшанга чиқиб қўриқламаса, қаердан қўриқларди.

— Шундай қилиб, бу номни Тўбуқтилар қўйган дейизми? Улар келмасдан олдин бундай ном йўқ эканда?

— Қаёдан бўлсин? Бу атрофдаги номларнинг ҳаммасини Тўбуқтиларнинг ўзи қўйган.

— Бу номларнинг ҳаммасини Тўбуқтилар қўйган бўлса, нега Чингиз дейилади? Е Чингиз деган Тўбуқти ўтганими?

— Йўқ! Бу сўзингнинг жони бор. Ҳақиқатда ҳам бу буюк Чингиз тогини нима учун Чингиз дейилар экан? — деб Суюндик ўйланиб қолди.

Адилбек отасининг тутилиб қолганига ҳижолат бўлиб:

— Чингиз деган сўз «Чинқиши» деган сўздан, кишининг қаттиқлигидан олинган дейишади-ку! — деган эди, Абай кулиб қўйди:

— Үндан эмасдир. Чингиз отоқли хоннинг исми-ку, деди.

— Ҳа, тўғри, бу сўз менинг ҳам қулоғимга бир чалингундай бўлган эди, ёдимдан чиқибди. Қани, билсанг

үзинг айтиб берчи, чироғим,— деб, Суюндиқ Абайга қулоқ берди.

Еш меҳмон Чинғизхон ҳақида ўз билган-эшитганларини айтиб бўлиб, охирида ўз фикрини ҳам қўшиб қўйди:

— Тогнинг номи «Чинғиз» бўлиб, чўққисини «Хон» аталишининг ҳам сабаби шудир. Ана у тогнинг ҳам «Ўрда» дейилиши ўша Чинғизхоннинг турган жойи эканлигини кўрсатади. «Қоровул» ҳам ўша замонлардан қолган ном бўлса керак дейман,— деди.

Суюндиқ Абайнинг сўзларига кўп диққат блан қулоқ солди: ҳатто олдидаги чойи ҳам совуб қолган эди. Туғжон отасининг бу қадар диққат блан эшитаётганини энди пайқади. Лекин Туғжоннинг ўзи ҳам Абайга тикилганида хийла вақт ундан кўзини узалмай қоларди.

Булар Абай айтган янгиликларни қизиқиб тингларкан, сұхбат жонланиб кетди. Осилбек блан Қорабослар ҳам:

— Ҳа, шундай бўлса керак!— дейишиди.

Абай энди Чинғиз тогини қўйиб, худди шу Суюндиқнинг қистови Туйеўркеш олдидаги «Хон» чўққисини, ундан кейин Момой эли қишлиайдиган «Ўрда» деб аталадиган тоғлар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Бу ерларнинг нима учун шундай деб аталишини шу кунга қадар билмаганликлари ўтирган ёши улуғларнинг ҳаммасига ҳам кор қилди.

Суюндиқ Абайнинг пиёласини олиб бериб:

— Ол, Абай, еб-ичиб ўтири!— деди-да, меҳмоннинг олдига бўғирсоқ, мой ва жентдан¹ мўлроқ суриб қўйди. Отасининг бу ёш меҳмонга қилаётган мулоғиматини Туғжон ҳам сезиб ўтиради. Ба'зи-ба'зида Абай Туғжоннинг қопқора кўзларини ўзинга тикилиб турган ҳолда учратарди. Бу қараш сўник қараш эмас, тикилиб, термилиб қараш эди.

Абайнинг аёл кишига астойдил қарагани ҳам шу эди. Туғжон Абайга узоқ тикилиб турди-да, қизариб, аста кўзини олади.

— Кўп яшаган билмай, кўпни кўрган билади, шунинг сингари эшитганинг ўрганганинг дуруст, болам! — деб Суюндиқ бир нафас жим қолган эди, Абай унинг шу сўзига илаштириб:

¹ Жент — Сариқ ёғ ва асалга қорилган сут уни.

— Үзингизга ўхшаш кексалардан эшитилган гапларда, Суюндиқ оға! — деди. Бироздан сүнг сиполик блан мулойимгина қилиб:

— Рухсат этсангиз сиз айтган ба'зибир гапларни ҳам, ўз оғзингиздан эшитсам,— деб Суюндиқга қаради. Суюндиқ:

— Майли, сўра, болам! Нимани сўрамоқчи эдинг?— деди.

— Кичик ўрданинг ёнидаги Қўжекбой Қулажбойнинг ер да'восида қозилик қилган экансиз, шунда «мен қўйга қараб бўлмайман, худога қараб бўламан!» деган экансиз, нима учун шундай деган эдингиз? Шуни сўрамоқчи эдим, — деди.

Абайнинг бу саволига Қорабос, Адилбек, Осиликклар кулиб юбориши. Бу гап Абайдан бошқа, ўтирганларнинг ҳаммасига ма'lум бўлса керак. Суюндиқ Абайнинг саволига жавоб беришга гангид, ўйланиб қолди:

— Чироғим буни отангдан эшитсанг бўларди.

— Үзингиз биласиз-ку, отам бола блан очилиб сўзлашмайди.

— Бу гапга отангнинг ҳам алоқаси бор, биласанми?

Қорабос, Осиликклар ҳамон кулиб ўтиришарди. Улар бир томондан Суюндиқнинг сипогарчилик қилиб, жавоб беришдан бош тортаётганига, иккинчи томондан кутмаган ердан Абайнинг бундай ногаҳоний саволни бериб қолишидан кулишаётган эди.

— Ҳа отамнинг алоқаси борлигини биламан.

— Ундай бўлса, отангнинг номи аралашган гапни аввало отангнинг ўзидан эшитсанг дуруст бўларди!

— Баракалла, Суюндиқ оға, бу гапнинг тўғри! Лекин сиз блан отамнинг орасига совуқчилик тушишига сабаб бўлган ўша қозилик дейишади. Бу ҳам тўғри гап-ку, шундай эмасми?

— Тўғри.

— Шундай бўлганидан кейин сизларнинг орангизга низо' тушишининг сабабини мен ўз отамдан, мана бу Адилбек оғам блан Осилик оғам сиздан эшитиб қўяқолса қандоқ бўлади? Бу нарсани ҳарким ўз отасидан эшигадиган бўлса, биз болалар, бу ишга бир томонлама қараган бўламиз; биринчидан янгишамиз, иккинчидан биз ҳам бир-биримизга ола қарайдиган бўламиз. Сиз менга, менинг отам буларга айтиб берса тарози тенг босади.

Абайнинг бу далиллари Суюндиқка ҳам, бошқаларга ҳам ма'қул тушди. Қорабос терисига сиғмай кетиб:

— Боланинг сўзи тўғри-ку!— деб, Суюндиқни воқиани айтиб беришга ундаdi.

Суюндиқ кулимсираб туриб:

— Оббо болам, жуда орқа-олдимни ўраб олдинг-ку-al — деб, иккиланиб Адилбекка қаради-да:

— Бу меҳмон йигитни кўрдиларингми, болаларим, бунинг ҳуш'ёрлигини фаҳмлаётисизми?— деди хурсанд бўлиб.

Чой ичиб бўлингани блан Туғжон дастурхонни йифдирмай, жилмайиб, сўзга қулоқ солиб ўтиради. У ҳалидан-ҳали Абайга қарап, кўзи-кўзига тушганда, кўзларидан дўстга боққандаги садоқат ва ишонч ифодаси акс этарди.

Абай сўзини аввало ўзи ўйлаган томонга бурди:

— Суюндиқ оға, ўша менинг отам блан айтишиб қолганингизни ўзингиз айтиб берақолинг энди,— деди.

— Бунчалик ўтиссанг, айтсам айтиб берақолай! Билиб қўярсан! Сенинг отанг Момойлардан Жомонтой блан кўнгли яқин бўлиб юрди-ю, оқибат Жомонтой отангга ўкил куёв бўлди. Ушанда у сарпо тариқасида отангнинг олдига юз қўй солди.

— Ўкил куёв нима?

— Ўкил куёв чин куёв эмас, дўстга ўхшаган гап.

— Ундаи бўлса, нега дўст дейилмайди?

— Дўстлик тенгқурлар орасида бўлади. Бордию ёши катта одам блан ёш йигит дўстлашмоқчи бўлса, ба'зидан уни ўкил куёв деб ҳам атайдилар.

— Хўш, ундан кейин нима бўлди?

— Бирда ўша Жомонтойнинг ўғли Қўжекбой ўзининг Қулжабой деган қашшоқ қариндоши блан ер та-лашди. Ушанда Мирза мени «Шу ишга қозилик қилиб, ерни бўлиб бер» деб олиб борди. Мен икки томоннинг ҳам арзини эшитиб, қандай бўлмасин, одиллик блан бўлишни ўйладим-да, «мана шу ердан бўлинсин» деб юриб бўлабошладим. Отангнинг ўзи ҳам бу ишнинг бошида, Қўжекбойлар блан орқамдан келаётган эди. Мен ерни кўнгилдагидай қилиб, одиллик блав бўлмоқчи эдим. Сезиб турибман, юришим Қўжекбойга ёқмаётир — орқамдағи инжиниб ёрилгудай бўлиб келаётир. Бир нафасдан кейин, ҳовлиққанича пичирлаб, Мирзага бир нима деди. Отанг ўша Қўжекбойнинг сўзини ма'қул кўрди шекилли,

орқамдан ҳайқириб: «Хой, пес, қанақасига бўлаётисан» деди. Мен холис қози эдим-ку? Алам қилди. «Кўйига қараб бўлаётганим йуқ, худога қараб бўлаётиман» деб жавоб бердим.

— Хўш ундан кейин нима бўлди? — деди Абай.

— У ёғини сўраб нима қиласан, чироғим? Тўс-тўполон кўтарилиб, қиёмат бўлди, иш қилиб, — деди Суюндиқ Қўл силтаб.

Абай қипқизарив кетиб, юзини ўгириб, чукур ўйга толди. Шам алангасига тикилиб турган кўзларининг чуқур-чукурида шам алангасидек қипқизил аланга кўриниб турарди. Туғжон меҳмондаги бу ҳолатга ҳайрон бўлиб, астойдил қараб қолди.

Бу ерда Абайнинг шу аҳволда сукут қилиб қолганига кулиб ўтирган одам ҳам бор эди. У Суюндикининг кичик ўғли Адилбек эди. У ғоят ўжар, тўнг йигит; акаси Осиликекка ўхшамайди. У, Абайнини бу қадар гангиб қолганини кўриб, ичида:

«Ажаб бўлди, истаганинг шу бўлса, оғзи-бурнингдан чиқарди-ку!» деяётгандай, мийифида кулиб қўйди.

Лекин Абай, нақадар ҳижолатда қолмасин, ўзини йўқотмади. Бироздан сўнг яна ўзи гап бошлаб, иккинчи бир воқиани сўради. Бу гап ҳам Усекенбойга ош берилганда Суюндиқ айтган гап эди.

Суюндиқ уни ҳам айтиб бермоқчи бўлди.

— Мирза отасига, Усекенгга¹ ош бераман деб, Кўкшетовнинг бор халқини йиғди-ку, Тўбуқти элида унинг олдига тушадиган ма'рака бўлган эмас. Эшигтан бўлсанг керак?

— Эшигтан эдим, сиз ҳам борган эдингиизми?

— Отанг блан ўртамиз бузилиб юрган вақтимиз эди, бормадим. Лекин мана бу Ойдус, Жигитек, Момой, Жуантай ёлларидан бормаган одам қолмади. Юрти-олам кўчиб, ўша Кўкшетовга бориб ас'аса — даб-даба блан ма'рака қилди. Ушанда Бўжей блан Мойбосар сўзга боришиб қолади. Мойбосар старшин. Жуонтай ёллари Бўжейнинг Наймондаги қариндошларининг овулнинг бориб, кўп йилқисини ҳайдаб келиб, ғаротини келтиради. Ушаларнинг орқасидан қувлаб келган одам «ҳақимни олиб бер» — деб Бўжейга осилади. Бўжей Мойбосарга ёпишади: «ҳақиқатига кўч, молини олиб бер!» —

¹ Усекен ака.

дэйди. Мойбосар «нима деб алжияпсан, эсингхи едингми» деб, Бүжейни жеркиб ташлайди. Бүжейнинг кеки шундан бошланди-да. «Ҳаддим сиғмайдиган бўлса, орқангда чочвоқбардорлик қилиб юришимнинг нима хожати бор» деб, ўпкалаб қолади. Шундай қилиб, Бўжей ма’рака тарқамасданоқ кўчиб кетади. Унга қараб Жигитек, Бойшўра ва Жуонтаёқлардан ҳам ошни ташлаб кетганлар бўлган. Ушанда мен уйда ётган еримда бир гап айтган эдим: Тиқилинч қилаёттанинг ўша гап-ку.

— Нима деган эдингиз?

— Билтинг келаётган бўлса, уни ҳам айтиб берай:

Узга згиз бўлганда, худо якка,
Олдингда ота-онанг ҳудди Макка,
Қирқ уйликни қирқ пичоқ қилган эдинг.
Ўз ошинг ҳам бузилди, Оскан ака!

деган эдим. Эл-юрт оғзидан қўймай юрган гап — шу гап.

Бу гапнинг тагида яна бир гап борлиги Абайга очиқ кўриниб турарди.

— Бу гапнинг тагида яна бир гап бор-ку, энди ўёғини ҳам айтиб берақолинг-да.

— У ёғинг нимаси, болам?

— «Қирқ уйликни қирқ пичоқ қилдинг» дедингиз-ку! У ишни ҳам Бек отам қилгани ё бошқа бироми?

— Оббо, Абайжон, йўқ ердаги гапларни қўзғадингда! Бу ишда айблик Бек отанг эмас, бунда ҳам ўзотанг айбли. Энди менга бу гапларнинг ҳаммасини айттириб олиб, отанг блан бизни яна нари-бери қилиб қўймасанг бўлгани — деб Суюндик кулиб қўйди.

— Йўқ, Суюндик оға, билай деб сўраётубман-да. Устингиздан чақимчилиқ қилгали сўраётганим йўқ.

— Албатта шундайку, болам! Ундан бўлса, «қирқ уйлик» деб ана у Кўкентогининг бағридаги Уоқ әлини айтилади. Ушаларнинг ичидаги фитна чиқиб юрган чоғида Қунанбой аралашиб, Қўной деган ботирни қўллайди. Фитна авж олиб кетган пайтда отанг Қўнойга маслаҳат бериб, душман томонни қирдириб ташлади. Қамолда қолган эл қаршилик кўрсатолмай, қўлнинг бўйидаги қалин тўқайга уриб кетади. Шунда Қунанбой тўқайга ўт қўйдиртириб юборди. Утдан қочиб чиққанларни урдириб, Қўнойга бўйсундириб беради. У сўзим шунга ишора эди.

Абай бундан кейин бошқа гап сўрамади.

Бироздан сўнг таом келтирилиб ҳамма овқатта ўтири-

ди. Уй ичи, Абай блан Қорабосни бегона мәҳмон деб ҳисобламагани учун, одатдагица дастурхонга Суюндикинг ҳамма болаларидан тортиб, катта хотинигача ўтириди. Отаси блан онасининг ўртасида ўтирган Түғжон энди Абайга аввалгидан яқинроқ ўтириди. Шу онгача Түғжоннинг юзи Абайга тўғридан кўриниб турган бўлса, энди ён томондан кўринарди.

Уртacha келган қирра бурни энди аниқ кўринди. Ен томондан қарапланда Түғжон яна ҳам жозибалик экан. Унинг юмaloқ ияги остидаги бақбақаси ўзига кўп ярашган, йўғон-йўғон қопқора ялтироқ соchlари оплоқ нозик бўйни орқалик ўриб ташланган. Уртacha исирфаси дамбадам силкиниб титраб туради.

Негадир, Түғжон гоҳ қизариниб, гоҳ оқариб кетади, у ҳаяжонга соладиган алангалик ўзгача бир ҳис қучоғида эди.

Умуман Суюндикинг уйи мәҳмандўстликда ном чиқарган, бугун ҳам гўшти жойига қўйиб пиширди. Қорабоснинг мўғиз сопли пичноғи қишидан қолган қазини ҳам, сапсариқ от ёгини ҳам лип-лип кесиб япроқламоқда. Сургўшт блан янги гўшт қўшиб пиширилган эди. Бунинг устига қиши бўйи бўрдоқига боқилган семиз қўй ўттирилиб сўнг сўйилган экан. Овқатга шундан ҳам солинибди. Бу гўшт овқатга яна бошқача лаззат ва ҳусн киргизган эди.

Лекин, овқат шу қадар лаззатлик бўлиб, ҳамма зўр иштаҳа блан ея ётган бўлса ҳам, Абай дурустгина емади.

Түғжон ҳам билак узукларга тўла оппоқ нозик қўлини овқатга камдан-кам узатарди. Суюндиқ блан Осиликбек Абайга қайта-қайта:

— Ол чирофим!

— Есангчи, нега дурустроқ емайсан! — деб турса ҳам Абай еялмади.

Овқатдан кейин, Суюндиқ кўпдан бери соғиб ичадётган қисир бияларининг яхши қимизи келтирилди. Уни ҳам узъқ сўзлашиб ўтириб ичишли. Шу кеча ўтиришнинг охирига бориб Абай олдингидай эмас, қандайдир тортиниб, ўнғайсизланадётгандай кўринди. Буни уй эгалари «ёш мәҳмандоннинг уйқуси келди» га чиқаришли. Ниҳоят ўрини солинадиган бўлди. Эркакларнинг ҳаммаси эшикка чиқди. Бу кеч Абайнинг кўнгли қандайдир бир алангалик ҳис блан тўлган эди.

Илгари Абай «ма’шуқа» деган гални достонларда, бе-

ҳисоб ҳикояларда кўп учратган бўлса, мана бугун китобда, ҳикояларда эмас, ўзининг соф симоси, шодлиги, изтироблари иссиқ нафаси блан «ўша мен эдим», «мен шу ерда эдим» деб келиб, энди ўз бошига тушгандай бўлди.

Суюндикнинг ҳикояларида сўнг кўнглида озордек бўлиб қолган оғир ҳис, назарида, ҳозир ағдарилиб тушиб, чуқурларга чўкиб кетгандай бўлди. У ташқарига чиқиб, ўзи ёлғиз қолганда, юлдузлар тўла осмонга тикилиб туриб, кўкрагини тўлдириб, ҳузур қилиб нафас олди.

Кўк саҳнида яримта ой кўтарилиб, сузиб бораркан, юракни аламдан, ғуссадан халос қилиб, йироқларга, мана шу булатсиз кўкдек юксакларга — аллақайларга бошларди...

Туйеўркешдан Чингиз чўққиларининг ярмигини кўринар экан, қорамтири ой ёруғи остида кўкимтири минораларга ўхшаб, жимгини сукут қилиб турарди. Тоғ томондан мулоийим шабода эсарди.

Бир-бирига ёндашиб ётган беҳисоб қўй қимир этмасдан ором олиб, унсиғина нафас олаётир. Осиљек блан Адилбек ўз уйларига кетишиди. Кўғалсоидаги беш-олтига ўтовнинг тунлиги ёпиқ эди. Улар ой ёруғи остида гумбаз-гумбаз бўлиб кўзга чалинарди.

Суюндик блан Қорабос меҳмонларнинг оти олдида ўралашиб юришарди. Абай шу баҳор кечасининг соғлигини, тонг шабодасини, бошқача бир тонгнинг, фақат унинг юраги учун отадиган тонгнинг бўлакча шабодасини ҳис этаётгандай бўлди.

«Бу ўшами? Севгими? Агар севги шу бўлса, мана бу фарахбаш олам, шу тип-тинч гўзал кеча унинг бешиги ўша ажиг сознинг кўйловчиси экан-да».

Сутдек ойдин кеча. Ҳали тонг отишидан дарак йўқ. Абай тонг ҳали отмаслигини билса ҳам, қандайдир ўзгача тонгнинг яқинлигини ҳис этарди. Изтироблар, умидлар, шодликлар, қайгуларга тўла юрак тонгнини сезарди. Унинг вужуди ўзгача иссиқ қандайдир онглаб бўлмайдиган бир ҳис блан тўлган. Уша ҳис, парвоз қилиб бораёті һа қуш қанотидек ҳис энтиклираётир.

— Бу нима? Буни нима деса бўлади? Бу қандай ҳис? Менга нима бўлди ўзи? Тоқатим, сабрим қани?

У, худди совқатаётгандек, бутун вужудини титроқ босди. Юраги ҳам арзиқиб санчиб кетгандай бўлди.

— Тонг... Юрак тонги... Ушта сен эдингми? Ҳаётимни ёриттучи сенми? Нимасаян ўзинг?

Унинг кўз олдида Туғжоннинг оппоқ билаги, ёш боланинг бўйнидек оппоқ нозик бўйни!. . Тонг шу-да... Шунинг ўзи!

... Оқ юзинг оппоқ экан, отган тонгдек!

Бу қалбининг тарануми, севгилиси Туғжонга багишланган биринчи муҳаббат қўшиғи эди.

Абай бу икки — уч оғиз севги сўзини ичидаги такрорлади. Бу сўзлар қандайдир енгил, оромбахш бўлиб, ўз-ўзидан қуюлиб келаётгандай туяларди. Лекин шу онда Қорабос чақириб қолди. Эшикда икковидан бошқа ҳечким қолмаган эди. Абай уйга томон кетаётib, ҳалиги ше'рини яна қайтармоқчи бўлган эди, «Оқ юзинг оппоқ экан отган тонгдек!» дан бошқасини эслай олмади.

Қорабос блан Абай уйга киргандаги Суюндик блан катта хотини баланд каравотда ётишган эди. Уларнинг тушаги қалин, сариқ шоҳи парда блан тўсилтган эди. Кенг уйнинг тўрига иккала меҳмонга тушак ёзилаётир, уядан бошқа тушак кўринмади.

Туғжоннинг уйи бошқа эди. У Суюндикнинг кичик хотини Қантжоннинг қизи экан. Буни ҳали уйга кириб келаётгандаридан Қорабосдан эшитди. Абайнинг кўнглидан «Туғжон ўз уйига кетган бўлиши керак» деган гап ўтди, негаким тушакни ҳали чой қуийб ўтирган сариқ хотин ёзаётган эди. Абай тўрга қараб юрди. Шу онда шоҳи чимилдиқ қимирлаб кетди-да, эшик томондан чўлпининг шилдирлаши эшитилиб, Туғжоннинг латиф қомати кўринди. У бир шоҳи кўрпа кўтариб келаётир. У чўлписининг шилдирлашидан сиқилаётгандай қисилиб, қимтилиб, кўп эҳтиёт блан ҳаракат қиласади.

Ҳалиги келин Абайнинг тушагини яхшилаб ёзиб бўлган пайтда, қўлидаги шоҳи кўрпани бағрига босиб кирган Туғжон одоб блан келинга:

— Оёқ томонини, оёқ томонини юқорироқ қилсангчи! — деди.

Бу гап ҳам Абайга, гуё фақат унга аталган ўзгача бир илтифотдай туйилди. Бир нарса демоқчи бўлди... дегуси ҳам келиб турган эди, лекин юраги арзиқиб, оғзига тиқилиб, бирон оғиз сўз тополмади; фақат қипқизариб, ўнғайсизланиб, сиртқи кийимини ешабошлади.

Туғжон аста келиб қўлидаги шоҳи кўрпани Абайнинг тушагига ёпди-ю, эшикка қараб юрди. У юрак сирини сўёсиз англатгандай, зўр илтифот қилди. Шундоқми, ё бу ҳамма меҳмонларга ҳам қилинадиган ҳурматми? Туғ-

жон ҳалиги келинни эргаштириб, аста-аста қадам қўйиб, эшикка томон кетди, қайрилиб ҳам қарамади. Эшикдан чиқиб кетаётганидагина ўзидан олдин эшик очган келинчакни аввал чиқариб юборди-да, мулойим бир ҳаракат блан орқасига қайрилди; сўнгги марта уйга юзини ўгириб, эшикдан орқаси блан чиқиб кетди.

Туғжон эшикка томон кетаётган чоғида Абай термилиб қараб тураркан, чопони елкасидан тушиб кетган эди. Лекин Туғжоннинг бирон мартаба қарамаганига ҳайрон бўлиб, турган жойида туриб қолган эди.

Туғжон эшикдан чиқар чоғида қўзининг қирини ташлаб, Абайнин серрайиб қотиб турган ҳолда кўрди. Унинг чопони икки елкасидан тушиб, оппоқ кўйлаги кўриниб турган эди. Абай, гангиб қолган одамдай, икки қўли бўшашиб, шалвираганича турарди.

Абай пайқадими, йўқми — Туғжон чиқиб кетаётган чоғида юзи яна дув этиб, қизариб кетгандай бўлди. Мулойим жилмайиш оппоқ, марварид доналариdek тишларини аниқ кўрсатди ва табассумдан ҳижолат тортгандай бўлиб чиқиб кетди.

— Бу нима? Мендан кулдими? Бирон ножўя иш қилиб қўйдимми? — деб Абай ўз-ўзидан сиқилди-да, тезгина ешиниб, шоҳи кўрпага ўралиб, мук тушганича ёта берди.

Чўлтининг шилдирлаши бироздан кейин эшитилмай қолди. Бироздан сўнг онда-сонда яна бир шилдирлаб, йироқлашиб кетди. Абай юрагининг фавқулодда бир шиддат блан тепаётганини сезди. Ўзгача эшитилаётган қимматли чўлпи сўнгги марта бир шилдир этди-ю яна қайтиб эшитилмади. Тун қоронғиси ўғирлаб кетгандай, йиқ бўлди кетди.

Шамни Қорабос ўчирди.

Чироғ ўчсин, ўчмасин ҳозирги долат Абайнинг кўз олдиди маш'алдай ёниб турарди. Чироғнинг сўндирилганини пайқагани ҳам йўқ. Кўзи юмуқ, лекин дили оромдан, тоқатдан айрилган, хаёли кўкка кўтарилаётган қуондек чарх урар эди.

Тонг отгунча кўзига уйқу келмади. Фақат кун чиқиши олдидангина бироз мизғиб кетди. Лекин меҳмонлар уйғонгандан бирга уйғониб, эрта турди. Ранги синиқиб, сўлиб қолгандай кўринарди.

Нонуштадан олдин эшикка чиқиб айланиб юрган чоғида атрофига назар ташлаб, Туғжон ётган уйни излай-

бошлади. Суюндиқнинг катта уйига ёндош кичикроқ оқ уй кўринди. Бу Осилбекнинг ўтови бўлиши керак. Ундан нарироқдаги олти қанотлик оқ уй кичик хотиннинг уйи бўлиши керак. Абай бирнече марта ўша уйга қаради. Лекин у йўнинг тунлиги ҳали ёпиқ энди. Туғжон ҳам, онаси ҳам турмаган бўлиши керак.

Суюндиқ ҳам ташқарига чиқди. Ўша ерда Абай отаси топширган олди-берди ишларини сўзлашиб, ишини битиди.

Нонушта чоғида Туғжон келмади. Осилбек ва Адилбеклар ҳам, ўз уйларида бўлса керак, келишмади.

Иш биттгандан сўнг, Қорабос эрталабки салқинда йўлга чиқайлик деб, дастурхон йифилиши блан отларни эгарлагани чиқиб кетди.

Бу овулдан Абайнинг асло кетгуси келмас эди. Мехмондўст ёқимлик, хуш фе'л кексаларнинг уйи худди жуда кам учрайдиган файзлик уйларга, иссиққина уяга ўхшарди. Абай ўзича «қани энди шу овулнинг қариндоши ё бирон яқин кишиси бўлсан! Истаган вақтимда келиб, хоҳлаган вақтимда ётиб қолиб, кундузлари ҳам тушиб ўтадиган бўлсан!» деган хаёлга борди. Лекин кетмай илож йўқ эди.

Уйда Суюндиқ блан Абай ва Суюндиқнинг катта хотини қолишганда, Суюндиқ Абайдан Зеренинг ҳол-аҳволини, Улжонни сўраркан:

— Оналарингта салом айт! — деди.

Суюндиқнинг катта хотини кечадан буён индамай ўтирган эди, энди у ҳам Улжонга салом айтаркан, Ойғиз эсига тушиб, ундан сўнг Камшотни ҳам сўради:

— Чирофум! Бир вақтларда Бўжейга берилган гўдакнинг аҳволи қандай экан? Ойғиз шўрлик боласини қандоқ берди-а? Болани ўзидан айириб, чирқиллатиб, йиғлатиб юборишга қандоқ кўнгли бўлди? — деб, норозилик оҳангига сўрайбошлади. Абай иоилож қисқа-қисқа жавоб бериб ўтиради. Хотин бироз әзмалик қилиб:

— Бўжейнинг хотини ўлгунча қурумсоқ хотин эди, ўзининг ҳам қизлари кўп. Қизга муҳтоҷлиги ҳам йўқ, гўдак шўрликка ялчитиб қаравмиди, — деб, ғамгин тортиди.

— Йўғе, Бўжей бор-ку, хотиннинг эсига келмаса Бўжей-чи, Бўжей ўйлар охир! Нега қарамасин? — деб. Суюндиқ хотини айтган сўзнинг шахтини кесишга уринди.

— Билмадим-да! Уруғ аймогидан тортиб, «Жаримага берилган қиз, молини кўзи қиймай, жонини кўзи қийди»

деб, ҳархил совуқ-совуқ гапларни гапиришар эмиш деб эшитдим-ку. Асли ўзи гўдакнинг кўёз ёшини оқизишлари чакки иш бўлганку. Ҳарқандоқ бўлгандга ҳам, ичдан чиққан эмасмиди? Шўрлик Ойғиз ҳам қай аҳволда юрган экан?— деб, кампир тўлиб-тошиб йиғлаб юборди. Икки кўзи қипқизарib ёшга тўлган ҳолда, хўрсиниб, жим бўлиб қолди.

Унинг бу гаплари Абайга она меҳри, бебаҳо одамгарчилик, чин раҳмдилликдай кўринди.

Жидебойда ўз уйида ҳам, Камшот масаласи ҳеч ари-мас аламлик дард бўлиб қолган эди. Энди Абай у ердаги ёш тўкиб, доғ-ҳасратда ўтаётган энасини, кичик онасини, ўз онасини эслади.

Шуниси борки, улар фақат Камшотни соғиниб, унинг аҳволига юрак бағри эзилганидан йиғлайди холос. Мана бу хотиннинг оғзидан чиқаётган совуқ сўзларни эшитган эмас.

Кеча Қулуншоқ ҳам, бугун булар ҳам Камшотни худди «кундош қўлига, азоб-уқубатга юборилган етим боладек, ожиз гўдакдек» қилиб сўзлаётир. Бу сўзлар бекорга айтилаётган бўлмаса керак! Жидебойга бориши бланоқ, эшитгани гапларининг ҳаммасини оналарига айтиб, Камшотдан хабар олиш керак. Отам нима деса шуни десин, энди бошқа чора йўқ. Абай шундай қилишга бел боғлади. Йўлга чиқиш олдидан яна қимиз ичиб олиб, икки йўловчи отга минди.

Улар Суюндиқнинг уйи олдиди кексалар блан хайрлашиб, раҳмат айтиб кетаётганларида, Абай яна кичик уйнинг туялигига қаради. Туялик ҳали ҳам очилмаган эди. «Туғжон яна бир кўрай ҳам демабди! Туришга ҳам, кўришга ҳам шошилмапти-да...»

Бу фикр ёш йигитта кор қилди. Отига қамчи берди. Овулдан йироқлашиб бораётганларида кўнгли бўлмай, сўнгти марта қайрилиб, яна кичик уйга қаради. Уй ёнида бошига қора чопон ёпиниб бораётган, узун оқ кўйлаклик бир хотин кўринди. Туғжонга ўхшайди. Энди турган бўлса керак. Лекин эшикдан чиқди-ю, Абай кетган томонга қайрилиб ҳам қарамади. Аста-секин босиб нарити ёққа, Қўкаттепага ҳараб кетди.

Абайнинг назарида шилдир-шилдир қилиб Туғжоннинг чўлписининг овози эшитилаётгандай бўлди. Бу шиддат блан ураётган ўз юрак тўлқинининг садоси эди.

Абай ичор ѹироқлашиб кетди. Жозибали Туйеўркеш

орқада қолиб кетди. Шу баҳор ойининг мана шундай ажойиб беғубор, оромбахш чошгоҳида унисизгина, «хайр» ҳам демасдан қолаберди. Гўзал макон, гўзал жонон қолди. Йўловчилар тоғ орасидан чиқиб, Қоровул сувни бўйлаб, адир бағридан кетишаётган эди.

Хаёл суриб, ғамгин бўлиб кетаётган Абай бир вақт орқа томондан тасирлаб чопиб келаётган отнинг туёқ товушини эшитди. Яна тундагидек юрати арзиқиб, беихтиёр қайрилиб қаради. Броқ ўринсиз умид тез сўнди. Суюндикнинг уйидаги одамлардан эмас, тўладан келган бир қора тўри йигит келаётган эди.

Юпингина кийингандан, мўйлаби энди сабз уриб келаётган ёш йигит, ёлини тойнинг ёлига ўхшатиб қирқилгая кулранг биятга миниб келаётган эди. Оппоқ гўзал тишларининг ҳаммасини кўрсатиб илжайиб келаётган бу йигит Абайларга яқинлаб келиб салом берди. Ҳамроҳсиз йўл юриш кишини зериктиради. Судбатлашиб кетамиз деб, атайн буларга етиб олиш учун отини чоптириб келаётган экан. Кулранг бия кўкраги терлаб, пишқириб, энтикиб, сувлиқнинг икки томонидан кўпик сочиб келарди.

Бу явги ҳамроҳнинг қўшилиши Қорабос блан Абайга малол келмади. Бу йигит Суюндикнинг ҳамовули Кўмекбойнинг ўғли Эрбўл деган йигит экан.

Қорабос блан дарров танишиб, сўзлашиб кетди. Уларнинг сўзларига қулоқ солиб келаётган Абай дижқат қилиб Эрбўлга тикиларкан, нимагадир унинг кўнглига ўтиришабошлади, чунки Эрбўл Суюндик овулининг энг яқин кишиларидан эди. Унинг онаси блан Түғжоннинг онаси Қантжон холавачча бўлиб, у Суюндикларнинг уйига кириб-чиқиб юрадиган ўз кишиси экан. Сұҳбати ширин, хушчақчақ Эрбўл энди Абайга бутувлай ёқабошлади. Бирордан сўнг иккенинг сўзлашиб кетиб, Қорабос четга чиқиб қолди. Абай Қоровул атрофида қуш кўп экан деб, овга чиқиш орзусини айтган эди, Эрбўл:

— Қарчиғайинг борми, бўлса, бир айланиб келсакчи! Урдак бор ерга ҳам, ғоз бор ерга ҳам ўзим бошлаб бораман! — деди.

Уйда Такежоннинг кўк қарчиғайи бор эди. Эрбўлнинг бу сўзлари Абайга зўр умид бағишлиди. Ҳали Тўйеўркешдан чиққанидан буён «Энди қачон келаман... Нима деб келаман» деб яна қандай қилиб келишта бир йўл тополмай келаётган ёш йигитга бунинг сўзлари гўё бир

бебаҳо нарса топиб олгандай туюлди. Сүҳбат қуш со-
лиш, ов қилишга кўчганда Абай блан Эрбўл гўё кечаю-
кундуз сўзлашса ҳам гапи тамом бўлмайдиган яқин
дўстлардек бўлиб кетишиди.

Лекин адирга чиққанларидан кейин, Эрбўлнинг йўли
айрилиб, бошқа томонга кетадиган бўлиб қолди. Эрбўл
ўнг томондаги Кўлқайнарга бурилмоқчи эди. Бир иш
блан ўша ерга кетаётган экан. Абайлар бўлса, тоғнинг
кунчиқиши бағри блан бориб, Қорашибўқига, Кункенинг ову-
лига қараб кетишадиган эди.

Абай Эрбўлдан айрилиб кетгуси келмай:

— Кўлқайнарда жуда зарур ишинг бўлмаса бирга
кетайлик! — деган эди, Эрбўл:

— Йўфей, нима деб бораман? Нега келдинг дейишса,
нима дейман? — деб, кулди.

— Сенинг блан кимнинг иши бор! Айланиб меҳмон
бўлиб келасан! Қуш соламиз.

Эрбўл Абайнинг сўзига қизиқиб:

— Үзимга қолсаку борардим-а! — деб, бироз ўйланаб
турди-да, — Йўқ! Бўлмайди. Иш қолади! — деб ноилож узр
айтди.

Бироздан кейин Эрбўл Абайлардан айрилиб, Кўлқайнар
томонга қараб кетди. Келишида очиқ чирой блан ку-
либ келган йигит кетишида ҳам кулиб туриб хайрлашди.
Абай унинг хушфе'лигига завқ қилиб, қараб қолди:
Суюндикнинг овулига бориш учун Эрбўлнинг йўлида би-
ронта тўсқинлик йўқ. У истаса, Туғжонини кунда кўра-
олади. Яқин кишиси, қариндоши. Туғжонга шундай яқин
бўлишнинг ўзи қандай баҳт деб Абай унинг бемалол ўша
ерга бориб-келиб юришига хасад қилди. Эрбўл бўлса,
ўша туганмас хушчақчақлиги блан отини елдириб йироқ-
лашиб кетмоқда эди. Туғжонга етиш ҳақидаги энг сўнг-
ги умид бу ҳам кетиб қолди.

2

Абайлар Қорашибўқига тушдан кейин келишди. Кунке-
нинг катта оқ уйи блан меҳмонхонанинг орасида бирнече
от боғланиб туарар эди. Афтидан Қунанбой бирор мажлис
қурган.

Қорабос бу меҳмонларни отларидан таниб, булар узоқ
ердан келган меҳмонлар эмас, шу атрофиянг одамлари
эканини айтди.

— Жуантаёқ, Тұпай, Ирғизбой әлиниң кишилари. Ҳаркун бұладиган йиғилишлардан бұлса керак. Лекин кетгали ҳозирланиб, отларини янги әгарлашипти, тушликни ҳам еб бўлишганга ўхшайди, қуруқ қолибмиз! — деди.

Абай салом бериб уйга кирганда, катта уйнинг ичи лиқ тұла одам эди. Каравот ёнида ҳаммадан яғириналық, барваста отаси ўтиарди. Унинг ёқаси очиқ, түшидаги туклари кўриниб туради.

Энди тарқалмоқчи бўлиб кийиниб олган катталар ке-тиш олдидан қимиз ишиб, Қувандойнинг сўнгги сўзларини әшиитмоқда экан. Тумоғларигача кийиб олиб, бир тиззаси блан чўккалақ Құнанбойнинг сўзига қулоқ солаёт-ганлар ҳам бор эди.

Уйдагилар Абайнинг саломига алик олишди, лекин ҳечким сўрашмади.

Қўнака каравотнинг оёқ томонида ўтириб Жумабойга шопиртириб қимиз қўйдираётир. Абай унинг ёнига бориб ўтиаркан, сўнгги сўзларини әшиитди.

— Фитна бор, биламав. Лекин «ундоқ гап йўқ» дейишади. Майли бунга ҳам ишонай. Садоқатим орқасида жафо чексам ҳам ишонай... — деб, ранги ўчинқираб ғазаб блан: қулоғим әшиитганини ёлғон деяй, кўзим блан кўрганимдагина ишонай, то кўзим блан кўргувимча тоқат қиласай, менга дўст бўлсаларинг! — деди. Құнанбой ягона кўзи блан, тешиб юборгудай бўлиб, тўрдан бўсағагача ўтирганларнинг ҳаммасига бир-бир қараб чиқди, сўнг яна тўрда, ёнгинасида ўтирган Жуантаёқ ва Тұпайнинг кек-саларига тикилди, — дўстман десаларинг, мен қанча чидасам, сенлар ҳам шунча чидайсан! Фақат мен қўзғалгап куним бирга қўзғалгали тоқат қилиб турасанлар. Шундай қилсаларинг, мен ҳам рози, худо ҳам рози. Ҳозирча менинг тилагим фақат шу! — деб сўзини тамом қилди ва «кетучиларга рухсат» дегандай ҳаракат қилган эди, ўтирганларнинг ҳаммаси баравар ўрнидан туар турар экан:

— Сен нима десанг шу бўлсин.

— Сенинг айганинг бўлсин!

— Шартимизни ҳам, ва'даларимизни ҳам айтдик-ку!

— Сен нима қил десанг шуви қиламиш! — дейишиди.

Абай ичидан:

— Бир ишга ажд қилиб, фотиҳа олишаётган бўлса керак! Бир гап бор-ку. Атрофига одам тўплаб, улар блан сўзни бир жойга қўйгали чақирган бўлса керак! — деди-да, отасининг ҳалиги «дўст» деган гапини эслади.

Энди Абай, тўрдан бўсағагача ўтирганларга қараб чиқиб, бир нарсага ҳайрон бўлди.

Мана бу отаси «дўст» деяётган одамларни Абай мутлақо танимайди ёки жуда кам кўрган. Илгарилар бундай йиғилишларда отаси, «дўст» деб Бойсол, Қоратой, Бўжей, Суюндик, Тўсипларни айтарди. Бугун уларнинг биттаси ҳам йўқ. Бирда ўзи борган Қулуншоқ ҳам йўқ. Бошқа бир гап бўлса керак. Дўстларнинг устига яна дўст ортироқчими ё уларни бутунлай четлатиб ташлаганми? Булар блан зимдан тия бириктириб, яна бир балони бошламоқчими?

Абай Қарқаралидан келгандан буён, қиши бўйи эл ичи тотулашди. Камшотни йиглатиб бериб юбориш блан ҳаммаси «тинди, битди» деб юрган эди. Шундан буён кўзга кўринарлик фитна ҳам чиқмаган эди. Эл ичида қандай гаплар қўзғалаётганини суриштириб ҳам кўрмаган эди.

Меҳмонларнинг кўпчилиги жўнаб кетди. Қунанбой иккита-учта оқсоқолни ётиб қолгани олиб қолди.

Абай Суюндиккинг олдига бориб келганини хийла вақтгача отасига айтиолмади. Ниҳоят бир пайт топиб, отаси блан сўзлашиб, вазифасини адо қилди-да, бугун бу ерда ётиб қолмасдан, Жидебойга кетмоқчи бўлди. Буниятини отасига айтган эди, отаси:

— Нима, сея қўғирчиқ ўйнайдиган қиз бола эдингми, онангнинг олдидан чиққинг келмайди? Менинг ёнимда туришдан, ўша хотинларнинг ёнида туриш ортиқ бўлдими? Бу ерда эл-юртни кўрасан, тап-сўз ўрганасан, таълим-тарбия оласан, у ерда нима бор? — деб жеркиб ташлади.

Отасининг бу сўzlари Абайга унчалик зўр далил бўлолмади. У ичида: «Сиз ота бўлсангиз, у она, бола деган ота блан онанинг тарбиясида ўсади» деб қўйди. Лекин отасига гап қайтармади.

— Уйда қарчифай бор эди, бу йил қуш кўп экан, Жидебойга бориб қарчифай солай деган эдим, — деди.

Қунанбой тушунди-да бу тўғрисида индамади, лекин:

— Яна бирор кун туратур, эртага сени Бойдалига юбормоқчи бўлиб турибман, ундан кейин кетарсан,—деди.

Абай ноилож кўнди-да, белини ешиб жойлашиб ўтириди. Угай онасининг уйида қоладиган бўлди.

Бойдали Абай блан кўп ҳамсуҳбат бўлган одам эмас, у ҳам кечагина Қунанбой блан низо’лашиб кетган одамларнинг биттаси. Энди отаси уни ўшанга юбормоқчи.

Олдин Қулуншоққа юборди. У ҳам Қунанбойдан хафа бўлиб кетганлардан. Суюндиқ бўлса, азалдан Қунанбойга кек сақлаб келаётган одам. Абай кечаси Суюндиқ блан суҳбатлашиб ўтирганда, биринчи марта катта одамнинг оғзидан ўз отаси тўғрисида анча кўнгилга тегадиган гапларни эшилди. У гапларнинг тегида ҳам, дунё-дунё ма'но бор эди. Суюндиқ ҳам, Қулуншоқ ҳам отасидан кўнгли қолган одамлар. Мана энди душманликда Бўжей блан бир ёқадан бош чиқариб келаётган Бойдалига юбормоқчи. Унинг кўнглидаги ғараз кўтарилганими, ё ҳали ҳам эски ҳолича турибдими? Буни Абай билмайди.

Абай «бу қандай бўлди»— деб, бироз ўйланиб туриб, отасининг мақсадига энди тушунгандай бўлди. Эҳтимол отаси уни душманларнинг уйига жўрттага юбораётгандир. «Душман борлигини билсин. Унинг кимлигини билиб, қандайлигини кўриб келса, мени билиб қўяди» деб ўйлаётгандир. Абай шуни онглагандан кейин қаттиқ ҳаяжон ичидаги ўйга чўмди. Чангальзордай бўлган бу ишларга Абай бир нафас, четдан қаради ва ўзини гўё ёлғиз, қуролсиз, тинкаси қуриб, чор-ночор чангальзор ичига кириб кетаётгандай сезди.

Икки кундан кейин Қунанбой Абай блан Қорабосни Бойдалига юборди. Бойдали Қулуншоқ блан Суюндиқдек эмас — буларга чиройини очиб қарамади. Абайлар унинг катта оқ уйига кириб келаётгандаридаёқ, бир ишдан бўғилиб, ғоят жаҳли чиқиб ҳайқираётган Бойдалининг овози эшишилди.

Уй ичи тўс-тўполон эди. Остонада мол бокучи хотин катта кувда иркит пишираётир. Бир томонда катта қозонда қурт қайнайётир. Унинг ичи иссиқ. Абайлар келаётган пайтда Бойдали кичкинагина, қопқора пучуқ қизни шапалоғи блан шартиллатиб кетига уриб:

— Худо хайрингни бергур, нарироқ турчи, худо хайрингни бергур! Асти одамини типчитмайдиган бўлдинг-куй — деб қичқирганича, болани итариб юборди.

Қиз ўтга тушиб кетаёзиб, бир томондан ўти ёрилиб, иккинчи томондан ўжарлик қилиб йиғлайбошлади. Аввал чириллаб чинқириб йиғлайётган бола энди кўмкўк бўлиб қотиб-қотиб йиғлай бошлади. Унинг кўз ёши блан мишиқ тупуги аралашиб оқиб борарди.

— Йўқот! Йўқот қоранг ўчкирни,— деди Бойдали хотинига ҳайқириб ва болани қувлаб чиқарди.

Абайлар шу жанжалнинг устига келиб қолиб, салом бериб кўришида тўрга чиқиб ўтиришди.

Бойдали саломга дурустгина алик ҳам олмади, совуқ-қина сўрашиб қўяқолди.

Курт қайнатилаётган уйда қозон бўш бўлмайди. Меҳмонларга овқат қилғуси келмаган мезмон учун бу катта баҳона. Абай шу иссиқ, дим уйда шундай тажанг, баджашил одамнинг уйидаги овқат пишгунчалик бир вақт ўтиришни ўзига катта жазо деб биларди. Шунинг учун улар овқатнинг тараддудига тушмаганига хурсанд эди. Абай ичида, Қорабосга кулиб: «Ула, ажаб бўлди! Қани-шу уйдан бирон нарса еганингни кўрарман» деб қўйди.

Ҳақиқатда ҳам Қорабоснинг бир ярамас одати бор, унинг жони-дили «тушлик», «меҳмонга қўйиладиган овқат» бўлиб, дун'ёда ҳамма нарсадан ҳам, шунга ўзгача хирс қўйган эди. Ба'зан Абай қўнмайлик деган ерларда «Йўқ қўнамиз, буларда сурғўшт мўл бўлади» дер, ба'зан Абай «тушликни шу ерда қилмайлик» деса: «тушликни шу ерда қиламиз, булар жуда меҳмондўст» деб Абайни хуноб қиласарди.

Бу гал Бойдалининг фе'ли-автори Абайнинг кўнглидагидек бўлди. Қорасоқол, башараси совуқ Бойдали меҳмонларнинг бетига қарамай, юзини четга ўғирганича ўтиради. Бирордан сўнг иркит пишираётган хотинга қараб:

— Қимиз олиб кел, буларга дастурхон ёз энди! — деди.

Қорабос белбогини ешиб, бемалолроқ жойлашиб ўтиреди. Абай уй эгаларининг чиройини кўриб белбогини ешмади. Кичкинароқ ёғоч чорада қимиз келтирилди. Бойдалининг ўзи қимизни шопириб-шопириб, бир косадан меҳмонларга узатди-да:

— Нима қилиб юрибсиз? Қаерга кетаётисиз? — деди. Абай қандай иш блан келганларини дарров айтди.

Яна ер масаласи эди. Эл яйловга чиқмасдан Қунанбой ўтган йил ўзи Қорашибидан ҳайдаб юборган Бўкеншеблан Бўрсоқларга Жигитек ери блан чегарадош жойдан яйлов берган эди. Энди Бойдалига «Сугир блан Суюндик Бойдали блан бирга унинг Кўпа деган ерида яйласин!» деб юборган эди. Абай қимизни ичмай, олдига қўйиб, отасининг шу гапларини айтди.

Бу сўзларни эшитгандан сўнг Бойдали қаттиқ ғазабланди, жавоб беришнинг ўрнига ўқрайганича Абайга ти-

килди. Абай Бойдалининг бундай кайфиятда қарашидан ҳайқмади. Боланинг юзида на ҳижолат аломати кўринди, на гараз, юзидан фақат «бу одам нега бундай қилиб қараёт!» деяётгандек, ма'сумона ҳайрат акс этди.

Бойдали бир нуқтага тикилганича, ўйланиб туриб, ниҳоят, Қунанбойнинг айтиб юборган гапларига ичидан ёниб бораётган бўлса ҳам, жавобни шартта кесиб айтди:

— Хўб, майли! Сугир блан Суюндик менинг еримда қўнақолсин, яйласин, нима ҳам дердим! — деди. Шу блан гапни қисқа қилди. Уйда жимлик чўқди. Абай қимизни ичиб бўлиб, раҳмат айтиб, энди кетайлик дегандай ҳаракат қилгандагина, Бойдали бир қўзғалиб қўйиб, гап бошлади:

— Айтганига кўндум. Лекин сен ўзинг гапга тушувадиган кўринасан, отангта айтадиган икки оғиз саломим бор, шуни етказиш қўлингдан келадими? — деди.

— Айтаберинг, оқсоқол! Бирон оғизини хато қилмай, етказишга ва'да бераман. Мен фақат икки орадаги элчиман. Айт деган омонат сўзларингизни бориб айтмасам ё бошқача қилиб етказсам хиёнат қилган бўламан-ку. Гапларингиз гарданимда қарз бўлиб қолмас!

Бу гапларни эшишиб, Бойдали яхшигина қаноат ҳосил қилди. Бола деб ўйлагани бола эмасдек кўринди.

— Етдан айтиб юборсам, четдан айтган бўламан, сенга айтсам отангнинг юзига айтганим бўлади! — деди Бойдали ва бироз жиддийлашди,— кечагина бутун аргин злини йиғиб «ярашдик, топишдик» деган эдик. Энди ярашганимиздаги аҳволимиз шуми? Топишдик деган вақтимизда яна ғалва чиқарадиган бўлса, душманлашиб юрган вақтимиздан бунинг нимаси ортиқ? Гуноҳим нима ўзи? Сенинг отангга Жигитек нима гуноҳ қилди? Бизнинг бобомиз Қенгирбой сизларнинг боболаринг Иргизбойга оқ фотиҳа берганда, ўз болаларининг ё яқин кишиларининг ичидаги бийликни удда қиладиган одам қуриб қолганидан берган эмас эди-ку. Қунанбой бўлса обрўйи қанча ошса, шунча айланиб келиб Жигитекка ёпишади. Бир умр шу тахлитда раҳм қилиш деган гапни билмай ўтмоқчими? Жигитекни туртқилаб бориб-бориб аҳир бир кун «ўлар ҳолатга ет-да, ўзингни ўтга ташла, шу ҳолга тушганингни кўрмасам, ҳисоб эмас» деяётганида, бу. Нияти шу бўлса, уни ҳам кўрар! Шуни кўрмагунча сенинг отанг тинмайди! Бориб шу гапларимни айт! Бир

Менинг номидан эмас, «бутун Жигитек номидан» айт! Майли, мана бу ерни ҳам олсин, яна күз тиккан жойи бўлса уни ҳам олсин!

Уй ичи жимжит эди. Ут ҳали ҳам бир зайдилда ёниб, катта қозоннинг тагини қизил алланга тинмасдан ялаб турарди. Ҳалиги тўла қозон қайнаб ярмидан пастга тушди. Боя Бойдали заҳарханда қилиб сўзлаётганида Абай ўша қайнаётган қозоннинг бетига қараб турган эди. Қуийилиб келаётган қурутнинг ўртаси ба'зан кўпик отиб, бақиллаб худди Бойдалининг ғазабига ўхшаб қайнарди. Элдаги қизишиб етган ғазаб, шу қозонда қайнаётган қурутга ўхшайди. Қозон, шу элдаги Қулуншоқ, Суюндик, Бўжейларнинг ҳар ердан отилиб чиқаётган ғазабига ўхшаб, ҳар еридан бир бурқ-бурқ отилиб қайнайтири. Ҳақиқатда ҳалиги айтилган озгина сўзларнинг тагида қанча чуқур жароҳатлар, қанчадан-қанча чигал тугунлар, кўп замонлардан бўён йиғилиб келаётган норозиликлар, катта киноялар бор эди.

Абай Бойдалининг сўзларига қарши жавоб қилмади, яхши-ёмон сўз айтишиб, сир бермади. Бойдалининг саломини эшишиб олди-да, унинг блан хайрлашмоқчи бўлиб қамчинини қўлига олди ва телпагини кийди.

Шу онда Бойдали яна бир қўзғалиб «буни ҳам эшишиб кет!» деяятгандай ишора қилди. Абай телпагини қайта қўлига олди.

Бойдали энди бутунлай бошқа бўлиб қолгандай, бамайил хотир ўтириб, Абайга қараб жилмайиб салмоқлаб сўз бошлади. Унинг ҳозирги кўриниши ҳалиги Бойдалига ҳеч ўхшамас эди.

Кексаларнинг алвон-турли фе'ли, бир зумда ўзини босиб сир бермай ўтирадиган одати бўлади. Лекин худди шу таҳлитда ғазабини ҳам, сабрини ҳам тез ишга солиб, яна шу қадар осонлик блан ўзини қўлга олабилиш хусусиятини Абай биринчи мартаба шу Бойдалида кўрди.

Ҳалигини ғазаб ўтида ёнаётган Бойдали энди дуппадуруст вазминлик блан:

— Мана шу ўзларинг кўриб юрган Қоратой бор-ку? Ана ўша ҳақиқий тилла одам! Қурғиринг бир ҳовучгина Кўкше элидан чиққан-да. Агар Иргизбойлардан чиққанда борми, кўрардинг! Бир кун Қоратой, Бўжей, Бойсал ҳаммамиз Қавменнинг уйида тушлик овқат еб ўтирган ёдик. Ушанда гапдан-гап чиқиб: «Биз биладиган одамларнинг ичиди энг сахийси ким» деган савол чиқиб қол-

ди. Одамлар ўйланиб қолиши. Бойсол гапга аралашмай, қуёшда ётган тозидек, күзларини бир очиб, бир юмиб, бир чеккада күкка қараб ётарди. «Сахий ким» деган саволга Қоратой жавоб берип: «Сахий Қунанбой» деди. Яна бироздан кейин «сўзамол ким?» деган савол ўртага ташланди, яна Қоратой жавоб берип «сўзамол Қунанбой» деди. Икки довондан ошди, яна сўз айланиб келиб: «Юрт яхиси ким?» дейиши. Яна ҳалиги Қоратой жавоб берип: «Юрт яхиси Қунанбой»— деди. Шунда Бойсол бошини кўтариб Қоратойга қараб: «Ҳой, Кўкшे, нима деяпсан ўзинг? Сахий Қунанбой бўлса, сўзамол Қунанбой бўлса! Юрт яхиси Қунанбой бўлса! Биз нима жин уриб унинг блан олишиб юрибмиз?»— деди. Унга Қоратой ўша оннинг ўзидаёқ жавоб берди: «Ераббий, мен Қунанбойнинг бошқа томонларидан нуқсон топиб олишиб юрганим йўқ! Фақатгина «شاфқат» деган гапни билмайди, шутўғрисида хафа бўлиб юрибман» деди. Хийла гапга тушунадиган бола кўринасан!— деб Бойдали Абайта кўз қирини ташлади,— бу сўзлардан отангнинг хабари бўлмаса керак, шуни ҳам бориб айт. Шафқати-меҳри йўқлигини Кўкше эли неча марта кўрганини билмайман. Лекин Жигитек унинг шафқатсизигини ҳар кун кўраётир, кечирдим деган гапини ҳеч эшитмай ўтадиган бўлдик!

Шу блан Бойдали сўзини тамом қилди.

Иўл бўйи Абай ҳеч ерда тўхтамади. Бугун эшитган сўзлари унга ҳам оғир, ҳам ибратомиз туйилар эди. Бойдалининг овулидан сал йироқлашиш блан Абай Қорабосга:

— Кел, ким ўзишга!— деб, тепиниб жўнаб қолди.

Қорабос бунақа чопишларни унча ёқтирмас эди. Лекин Қорашибига кун ботмасдан етиш учун тезроқ юрилмаса бўлмас эди. Қорабоснинг остида оқ туёқлик қора бедов — қашқир овлаб юрган югурик от. Югурида у Абайнинг отидан қолишимас эди. Шунинг учун:

— Қани юрчи!— деб, у ҳам от қўйди.

Икки ўловчи кўп чопишди. Оймангдай блан қора бедов галма-гал ўзишиб, қаттиқ чопиб борар, ўзиб кетган чоғларида Қорабос «тўхтайлик» дегандай қилиб, отининг бошини тортса, орқасидан етиб келган Абай:

— Юр! Юрабер!— деб, отини қамчилаб кетарди. Қорабос ичидা:

«Бу болага Бойдалининг сўзлари кор қилаётган бўлса керак! Шунга тутақиб бораётир!» деб ўйлади.

Улар кун ботиши олдида, отларини қора терга туширған ҳолда, Қорашүқита кириб бориши.

Овул ёнида кичкинагина тепа бор эди. Қунанбой блан Мойбосар иккови ўша ерда ўтирган экан. Абай отдан тушасолиб отининг жиловини Қорабосга ташлади-ю, ҳечнарсага қарамасдан, отасининг олдига кетди. Қунанбой хийла узоқ ерда ўтирган бўлса ҳам, булатнинг ғоят қаттиқ юриб келганларини отларнинг аҳволидан пайқаган эди. Қора бедов сулигини чайнаб, тинчланаолмасдан чилвирини узгудай бўлиб, тепиниб турарди. Отнинг аҳволини яхши биладиган, кўзи пишиб қолган Қунанбой учун шу аломатларнинг ўзи етарлик эди.

Лекин Қунанбой бунга аҳамият бермади. Аслида Қунанбой болаларга отни қийнабсан, ишдан чиқарибсан, деб майдо-чуйда гапларга аралашиб, эзмалик қилмас эди. Шунинг учун ҳам битта-яримта бола отни оқсатиб ёки зўриқтириб ўлдириб қўйса ҳам парво қилмас эди. Мол-дун'ё тўғрисидан Абайга ҳечқачон хасислик қилган ёмас.

Лекин Қунанбой Абайнинг уйга ҳам кирмай, шошганича тепаликка чиқиб келаётганига ҳайрон бўлиб қараб турди. Абай яқинроқ келганда, боласининг юзига зеҳн солиб қараса, боланинг икки кўзидан ўт сочилиб, юзлари бўртиб, бурун катаклари пириллаб келаёттир. Унинг ёш вужудида ловиллаб бир ўт ёнаётгандай кўринди. У одатдаги оғир, босиқ Абайга ўхшамайди.

Боласи яқин келганда Қунанбой:

— Ҳўш, болам, нима бўлди? Нега мунча ҳаяжонга тушдинг, қани айтчи! — деди.

Абай пастроққа ўтиаркан, отаси бир қарашда кайфиятини билаолганига ҳайрон қолди.

Абай ўтириши блан гап бошлаб, Бойдалидан эшитган бутун сўзларини батафсил айтиб берди. У отасининг кўзларига тик қараб туриб сўзлади. Аввал Қунанбой бу сўзларни кўп совуқлонлик блан тинглади. Фақат Бойдалининг: «Асти Жигитекни қўймайдиган бўлди!», «шафқат деган нарсани биладими йўқми?» деганини эшитганидагина жиддий вазият олиб, «Қани бу тапларга бунинг ўзи қандай қарайди» деяётгандай синовчи назар блан Абайга тикилди.

Абай отасининг ҳалигидай қарашидан ҳам тортина-ди. Бойдалининг кинояси нақадар оғирлигини та'сирлик қилиб айтиш блан бирга бу ҳақда ўзининг отасига

бергуси келаётган саволларини ҳам шу сўзларга қўшиб айтиётганга ўхшарди. Отасидан очиқ жавоб ололмаганидан кейин Бойдалининг сўнгги сўзларини ҳам айти-да, энди ҳеч бўлмаса, шунга «бир жавоб қилар», «нимадер экан?» деб тоқати тоқ бўлиб унинг оғзиға тикилди.

Абай Бойдалининг аввалги сўзларини айтиб бўлиб, бир нафас жим қолди. Отасидан очиқ жавоб ололмаганидан кейин Бойдалининг сўнгги сўзларини ҳам айти-да, энди ҳеч бўлмаса, шунга «бир жавоб қилар», «нимадер экан?» деб тоқати тоқ бўлиб унинг оғзиға тикилди.

Қунанбой боласидаги бу кайфиятни жуда яхши оиглади. Қоратой блан Бойдали учун бўлмаса ҳам, ўз боласи учун бир жавоб қилиши, бир нарса дейиши керак эди. Бу айниқса ўшалар ҳақида боласига тушунча бериш учун керак эди.

— Қоратой пихини ёрган одам,— деди Қунанбой — ҳар балони билади. Шундай деган бўлса дегандир. Лекин менингча, одамнинг нуқсонлари унинг фазилатидан туғилиши ҳам мумкин. Мен ҳаётимда нимага ёпишсам, ўшанга қаттиқ ёпишаман. Чидам ва сабот инсоннинг энг буюк фазилатларидан бири деб биламан. Эҳтимол менинг нуқсонларим шундан туғилса.

У, ранги ўчиб жим бўлиб қолди.

Абай фақат отасининг жавобини билмоқчи эди, у ўйлатиб қўядиган жавоб берди.

Бироздан сўнг Қунанбой хийла мулойимлашиб:

— Бандалик! Камчилиги бўлмаган банда борми! — деди.

Шу топда отаси Абайнинг назаридаги зўр одам кўринди. У тўппа-тўғри бўлмаса ҳам, ҳарқалай айбини бўйнига олди. У, Бойдалига ўхшаган, бирорга осонгина айб кўйиб ўз айбини қўйинлик блан бўйнига оладиган одам эмас. Унинг сўзлари қуруқ гап эмас, чуқур ма'носи бор.

Қунанбойнинг ўз йўли, кўзлаган мақсади бор. Абай ўз кўнглидаги чигилини ечолмай, яна оғир ўйга ботди.

3

Абай Жидебойга кетаётганида отасидан қачон ва қаерга кўчишни сўради. Қунанбой катта овул тез кўчсин деб буйруқ берди. Лекин бу йил кўч бошқа йўлдан юрадиган бўлди. Илгарилар Қунанбойга қарашлик овуллар аввал Қорашўқи атрофига тўпланиб Чинғиз тоғидан Бўкенше довони орқали ошиб боришарди.

Энди Қунанбой бу ерга келмасдан, Қоровул дар'есидан юқори күтарилиб бориб, Оқбайтал довонидан ошиналар! — деди. Ёзги яйловга ўша довоннинг ёнидан ўтадиган Боқонос сувининг бўйини тайин қилди.

Боқонос блан Бойқўшқор Тўбуқти элининг яйловидағи энг катта дар'ёлардан бўлиб, шу икки дар'ё Чинғиздаги кўп яйловларни бўйлаб оқарди. Лекин илгари Қунанбойнинг овуллари ўша Бойқўшқорга бориб туришарди. Боқонос дар'еси Кўкше элига қарашлик эди.

Қоратой блан ўрталарида келишмовчилик туғилиб қолгандан буён, Қунанбой Кўкше элининг яйловига ҳам шерик бўлгуси келиб қолди.

Бу ишнинг тагида бошқа кўп гап бор эди. Афтидан шу йил ёз Жигитек, Бўкенше, Кўкше эллари яна бош қўшадиган кўринади. Бойдалининг кеча Абайдан айтиб юборган гаплари бекорга айтилган гап эмас, зимдан эл блан тил биритираётган одамнинг гапи. Шундай бўлгандан кейин уларнинг турли-туман хийла-найрангидан, ивир-шивир гапидан хабардор бўлиб туриш керак. Бунинг учун Қунанбой ўзига қарашлик ҳалқнинг бир қисмини ўшаларнинг ичига киргизиб қўймоқчи бўлди. Ҳаммадан мувофиғи у ерга Зеренинг катта овулини юборишидир: уни ҳамма Тўбуқти ҳурмат қиласди. Бундан ташқари Улжон Кункега ўхшаш эмас. Улжон меҳмондўст, кам сухац, сахий. Яна унинг дастурхони ва барчага бараварлити бор. Одамларни ўзига торта билади, дўстлашаолади. Ичида қон блан қотган душманлик бўлсин, эт блан терининг орасида юрадиган икир-чикир гина-кудурат бўлсин, ҳаммасини ювиб, артиб туради. Унинг бундай хусусиятлари Қунанбояга эл олиб беради.

Қунанбойнинг: «Оқбайтал орқали боринглар, Боқоносга кўчинглар! Бўкенше блан Кўкше элига ҳам яйлов бўлинглар!» дейишининг асосий сабаби шу эди.

Абай отасининг нима учун бундай қилаётганини онгламади. Уз овулининг ёлғиз овал бўлиб кўчиши қийин кўринса ҳам ичдан шодлиқ ҳис этди. Қўчнинг, Қоровулни бўйлаб, Боқоносгача бориши ёз бўйи Суюндик овлига яқин бўлиш деган гап. Абай бунга қадар Туғжонни энди деч кўрмасман, «деч учратмасман» дер эди, мана кутилмаган ерда Абай Туғжон маконига яқин бораёттипи.

Сўнгги кунлардаги барча оғир-енгил ҳислар қаторида Туғжоннинг дарди ҳам ёш йигитнинг хаёлидан бир

нафас нари кетмаган эди. Абай шодлигини, юрагининг чапак чалиб бораётганини яшираолмасди. У отаси бирнима деса қиңқизил бўлиб кетди. Қунанбой буни пайқаган бўлса ҳам, сабабини сўрамади. Турган гап Абай Оқбайталга томон кўчишга қарши эмас эди. Фақатгина ўз тўпларидан бўлинниб яйлайдиган бўлганлари учун ёлғиз овул бўлиб кетишлари яхши эканлигига имони комил эмас эди. Шу томонини отасига айтди. Қунанбой бу ёғини ҳам пишиқлаб қўйган экан.

— Ёлғиз овул бўлмайсиз! Нега ёлғиз овул бўласиз? Уша Жидебой, Мусақулдаги, Кўлқайнар, Шуйгинда яшайдиган Иргизбой, Жуонтаёқ, Қоработир элларидан кам деганда ўнлаб овул бирга кўчади. Ҳаммасига ҳам ўзим айтаман, — деди.

Жуонтаёқ, Қоработир деганлари Қунанбой овудини паноҳ тортиб атрофида юрадиган, қишин-ёзин бирга кўчадиган мўмин, барчага баравар қўшнилар. Абайга бу гап ҳам ма'кул тушди, шунинг блан Жидебойга қадтиб кетди.

Абайнинг Қорашибўқидан олиб қайтган зўр ўлжаси Түғжонни яна кўриш, тез-тез кўриб турниш умиди бўлди. Иўл бўйи бор-йўқни унугиб, фақат Түғжоннигина кўз оддига келтириб, ширин хаёлларга ботди.

«Ҳаётдаги умидим! Ёлғизим!» деган сўзлар ўз-ўзидан кўйилиб келаётир. Унинг юраги иана шу Оймангдай гижинглар эди. Унутылмас минутлар! Олов ёшлик!

Абай Қорашибўқидан Жидебойгача отини қаттиқ елдириб келди. Бу икки овулнинг орасида букупнгидек тез юрган куни бўлган эмас. Қандай қилиб бунчалик тез етиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди.

Жидебойда ҳамма ўтовларга чиқиб олган экан. Бу йил Қоровул суви тошиб, Жидебой, Мусақулдаги ўтлоқларни босиб кетган, ўт кўкариб, қулф уриб турибди. Оппоқ-оппоқ ўтовлиқ бу овул кеч пайтида ажиб бир манзара кашф этган. Кўнгиллик бўлиб, кишини ўзига қандайдир бир куч блан тортарди. Атрофда қўй-қўзи маграйди, итлар ҳуради. Овулдан қий-чув кўтарилиб туради.

Абай катта уйга тушди. Оналари блан сўрашиб бўлгач, кўчиш масаласини айтди. Йилда бу овул аввал төр бағирларига, кўкламда туриладиган жойларга кўчар эди. Улжон бу йил ҳам шундай қиласиз деб, қистовда қолдирадиган юклариши ҳали айриб қўймаган эди.

Яйлов бу йил эрта күклади. Чинғиздаги әл төр бағрига күчмай, биратұла яйловга күчишга шошилинч равища ҳаракат қилмоқда эди. Шунинг учун буларнинг ҳам түпдан айрилиб қолишлари түғри келмас эди. Буни Үлжон ҳам яхши биларди. Лекин боласи тез күчиш керак әкан дегаңда, у қадар тезлик блан күчаолмаслигини билдирди. Үй ичини енгиллаштириб, юкларини бойлатыб, бу ерда қоладиган нарасаларини қолдириб, керак-яроғини ғамлаб, икир-чикир ишларини битириб олиш учун ҳеч бўлмаса беш-олти кун вақт кераклигини айтди.

Абай ичида: «Суюндиқнинг овули күчиб кетиб қоладиган бўлди-да, биз етгунча йироқлашиб кетади энди» деб тинчсизланди. Ҳақиқатда ҳам қўшни овул блан, ё кўнглинг яқин кишилари бўлган овул блан бирга кўчиш қандай бахт. Эртаю-кеч бирга кўчиб, бирга қўниб юрилганда, истаган одаминг блан кечаю-кундуз кўришиб туришга баҳона кўп топилади. Яна кўпчилик халқ яйловга кўчиб бораётгандаридан ёппасига бир ерга қўниб қоладиган одатлари ҳам бўлади. Икки кўнгил қўшилса, ойдин кечаларда хилват капада учрашиш қандай яхши.. . Бу ишларни Абай ўзи кўрмаган бўлса ҳам, бошқа йигитлардан бу онларнинг нақадар ширин бўлишини кўп эшитган эди. Лекин онасининг қарори ҳалигиндай ишларга боғлиқ бўлганидан уни ўзгартириб бўлмас эди. Бундай чоғларда Үлжон Қунанбойнинг ҳам гапига қулоқ солмай, ўз билганича иш қиласарди.

Абай турли ширин ҳаёлларга бориб, севиклиси томон юраги нақадар толпинмасин ноилож кўнди.

Кечки овқат вақтида Абай Зере блан Улжонга Камшот тўғрисида гапирди, эшитганларининг биттасини ҳам қолдирмасдан тўғрисини айтди. Гарчи оналари йиғласа ҳам, куйса ҳам, оналаримни аяйман деб, Камшотнинг аҳволини яширгуси келмади.

Зере хўрсиниб, ғазабланиб Қунанбайдан койиди. Улжон, дамини чиқармай, сиқилиб ўтириб-ўтириб Абайга:

— Бу гапларни Ойғизга билдиримай туратур. Бусиз ҳам шўрликнинг юраги тилка-тилка бўлиб юрибли. Бугун әрталаб: «туш кўрдим, Камшот ўчоққа тушиб кетган эмиш, усти-боши ловиллаб ёниб кетаётган эмиш» — деяётган эди. Суюндиқнинг хотини кўп меҳр-шафқатлик одам, гапининг жони бор. Чинғизга борайликчи, ўша ердан битта каттароқ одамни олиб, тўғри Ширақнинг овулига боғиб, Камшотни кўзинг блан кўриб, ҳол-аҳволини билиб

келасан. Үндән кейин Ойғизга айтиб, отанг блан ҳам яхшилаб сүзлашамиз,— деди.

Шунга қарор қилишди.

Уша кечадан ўн күн ўтиб Қунанбойнинг катта овули Оқбайтал довонидан ошиб бориб, Чинғиз тоғининг устидаги Қўпа деган яйловга — Жигитек блан Бўкенше яйловининг кираберишига ўрнашди.

Қунанбой айтгандек, бу ерга ўнтача овул кўчди. Бугун худди мана шу ерга етгувларича ҳам, Чинғизнинг этагидан булардан олдинроқ кўчган Бўкенше ва Жигитек овулларини қувиб етишаолмади. Афтидан катта овул секин юрган эди.

Келган кунларининг ўзидаёқ «Зеренинг насибаси», «Катта овулни йўқлаш» деб, атрофдан товоқ-товоқ гўшт, саноч-саноч қимиз кўтариб, тўда-тўда хотинлар келабошлиди. Элнинг кўнгли Қунанбойга нисбатан ҳар хил бўлса ҳам, эскидан қолган одатлари бўйича, бу атрофдаги овуллар Зеренинг ўйини, катта овулни ётсишишмас эди.

Насиба чиқаручилар, йўқловчиларнинг ҳисоби йўқ. Лекин буларнинг орасида Бўжей, Бойдали, Сугир ва Суюндиқ овулларининг одамлари кўринмас эди. Келаётгандарнинг ҳаммаси беғараз таниш-билишлар. Икир-чикир гапга хуши йўқ, барчага баравар, меҳнаткаш элларнинг одамлари эди. Зерелар келганларнинг ҳаммасидан хурсанд бўлди-ю келмаганлардан гина қилишмади. Абайгина бу ишларни ўзича муҳокама қилиб, ўзича йўйиб қўйди.

Абай, оналарига берган ва'да бўйича, Бўжейнинг овулига боришга шошилаётган эди. Қўпага келиб ўрнашган кунларининг эртасига ёнига Ғабитхонни олиб, Бўжейнинг овулига жўнаб кетди.

Бўжейнинг овули Қўпадан у қадар йироқ эмас, кун ботиш томонда, Қўктепанинг нариёғидаги Сарикўл деган суви ширин кўлнинг бўйида эди. Туш пайтида икки ёш йигит Бўжейнинг овулига кириб бориши. Сарикўл бўйида беҳисоб овуллар турарди. Абайлар Бўжейнинг овулни бир осов тойга миниб, бияларни қайтариб юрган боладан сўрашди. Бола ўртада турган ўнтача ўтовни кўрсатади. Бу овул кўринишда у қадар бадавлат овул эмас, ичида битта-яримтагина оқишироқ уй кўринмаса, кўпчилиги кулранг ўтовлар, ўрта ҳол одамларнинг овулига ўхшарди. Ҳақиқатда ҳам Бўжей ҳечқачон бой бўлган эмас.

Абайлар Бўжейнинг уйига келиб, отдан тушабошлиди. Уйда бирорта бегона одам йўқ бўлса керак, эгарлоглик от кўринмади. Бирон йигилиш бўлса ҳам кўлнинг нариги четидаги оппоқ уйда бўлаётганга ўхшайди. Умуман Сарикўл атрофидаги овулларнинг йигилишлари, мажлислари, афтидан, ўша овулда бўлса керак. Абайлар Бўжейнинг ўзи ҳам уйда йўқ бўлса керак детан хаёлга боришди. Бу хаёллари тўғри чиқди. Бўжей ўша оқ уйдаги йигилишда бўлиб, тушиликни ҳам ўша ерда қилаётган экан.

Булар отларини боғлаб уйга томон кетаётганларида, Абайнинг қулоғига ўша уйда ёлвориб йиглаёттан бир гўдакнинг овози келди. Касал боланинг овозига ўхшайди.

Бир кор-ҳол борлигини сезгандай, Абайнинг юраги шув этиб кетди. Овоз худди Камшотнинг овозига ўхшарди. Абайлар ўтовни айланниб, эшик олдига келганларида ҳалиги боланинг йигиси жонига тегиб, қарғаёттан хотиннинг товуши эшитилди. Қарғаётган Бўжейнинг катта хотини экан. Унинг ҳарбир сўзи бошга тушаётган муштдай эди.

— Ириллатма! Ириллатма-чи, ана у кўзинг ўйилгур етимчани!

Абайлар ичкари киришди, катта уйнинг ичи сиртидек юпин эмас, гиламлар, шолчалар блан безатилган, лекин режа йўқ эди. Бу, уйнинг супуруқсизлигидан, қингир-қийшиқ йигилган кўрпа-тушакдан очиқ кўриниб турарди.

Уйда тушак ёнида барваста келган қопқора сурбетгина хотин ип йигириб ўтирган экан. Бурун катаклари қисилиб, лаби-лабига тегмай пичирлаётган бу қора хотин, афтидан, кўп жizzаки, урушқоқ нарса кўринади. Каравотнинг бош томонида, ерга ташлаб қўйилган кўрпачада, Бўжейнинг бўйга етган икки қизи кашта тикиб ўтирган экан. Бу балоғатта етган қизлар гўзал, иссиқ-қина, бежирим қизлардан эмас, ўшайган, ёқимсиз, яна худди онасига ўхшаш, жizzаки нарсаларга ўхшарди.

Йиглаётган Камшот экан. У меҳмонларнинг ўнг томонида бир ёмон жулдур кўрпачада мук тушиб йиглаёттир. Бошида ястиқ ҳам йўқ. Номига ястиқ деб, эски чопондан юлиб олинган енгни ястаб қўйишибди.

Камшот келган одамларни танимади. Лекин уй ичидагиларнинг бераҳмлигини шу янги келгай одамларга чақаётгандай, ияги титраб, лабини буриб яна йиглаб юборди.

Илгари тулагина, икки юзи қипқизия, күзлари қоп-қора Камшот энди ўлат теккандек ориқлаб, қошақдай бўлиб, қонсизланиб кетибди. Оёқ-қўллари ҳам чиллакдай. Юзида азоб ва хорлик кўланкаси, киприклари узун-узун, юзлари худди ғам чеккан, очлик кўрган катта одамларнинг юзига ўхшаб сўлиб, ажин босиб кетнити. Катта-катта бўлиб кетгани кўзларидан томчи-томчи ёшлилар оқиб турарди. Қаровсиз, ҳор-зор бўлган бола ғарнибона бир аҳволда ётарди. Унинг шу ҳолатда ётганини кўрган Габитхон блан Абай иккови барабар, болага қараб интилишиди.

Бола буларни танимади, тортиниб юзини ўтиради.

Габитхон тоқат килолмай.

— Э, мазлума! Шундай азоб-уқубатларни кўрдингми, бегуноҳ мазлума! — деб, йиғлаб юборди.

Абай мурдадек оқариб, ғазаб ва озордан, ачиниш ва қайғидан қалтираб кетди.

Үйдаги хотинлар, буларнинг олдида сир бой бермаслик учун, у эди, бу эди деб турли-туман баҳоналар кўртатабошлиашди.

— Бошқа болалар соппа-соғ! Фақат шу бола бечорага бир дард тегса-ю, тузалмаса қўйса! — деб, ҳалиги хотин важ-тақал қилган бўлди.

— Қорнинг оғриса, оғзингни тий дейдилар! Бола биладими? Узи ҳам сая тузалабошласа бўлди — кечгача кўзига нима кўринса оғзига тиқади!

— Бу аҳволда тузаладими!.. Ҳаммаси ўшандада... Ҳаммаси ўзидан-да! — деди, ҳалиги қизлар қам кекса хотинларга ўхшаб.

Абай бу үйдагилар блан нари-бери сўзга боришмади. Бу бераҳм, тош юрак нарсалар Абайнинг кўнглига кириб келганидаёқ муздек теккан эди.

Бўжейнинг хотини чой тараддудини қилабошлиаган эди, Абай:

— Ичмаймиз, кетамиз! — деди.

Камшотни шу ҳолатда, шундай азоб-уқубат ичиди бу қадар ғариб аҳволда ётганини кўриб турган бир онда томоқдан овқат ўтадими!

Одамлар яқин кишиси ўлганда «жигарим, жигарим» лаб йиғлайди. Улгандан кейин «жигарим» дейишнинг нима ҳожати бор. Абай яна бирор ўтираса, Камшотни куҷоқлаб, бағрига босиб:

— Шўрлик жигарим, бегуноҳ жигарим! — деб зор-зор

Йиғлаган бўларди. Лекин кўнгли душманлик блан қотиб қолган одамларнинг олдида шундай қилса, янгишган бўларди.

Бир ҳисобда ҳалиги икки қизнинг сўзига ғазабланиб, қони қайнаб, уришиб-уришиб, ҳамаёқни тор-мор қилиб чиқиб кетиши ҳам керак эди-ку. Аввалига бир шундай қилмоқчи ҳам бўлиб, ғазаби бўғзига тиқилиб келган эди. Лекин бундай қилиш Камшот учун фойдали иш бўлмайди, аксинча, унинг тортаётган азобини орттириш мумкин эди. Абай нима қилишини билмай қолди, ҳалиги хотин узатган қимизни ҳам ичмади. Хўш, кимга аччиқ қилади? Кимдан гина қилиб, кимдан койийди? Фақат шуларми? Шуларгина эмас! Абай шу томонларини ўйлаб, тезгина хайрлашди-ю, уйдан чиқиб жўнади. Унинг бутун вужудини ўзгача бир алам, қаттиқ ғазаб қамраб олди. Кечқурун ўз овулларига боргандা ҳам, ундаги алам, ғазаб на бир нафас нари кетдию, на бир мисқол камайди.

Катта уй блан меҳмонхона орасидаги кермада Қунанбойнинг узун тўриқ оти боғлоғлиқ турган экан. Унинг ёнида битта ҳам бегона от кўринмади. Отаси бу овулга эндиғина келган бўлса керак. Зап яхши келибди. Абай бор аламини унинг олдига тўкиб солишга бел боғлаб уйга кирди.

Афтидан Қунанбой яқиндагина келган экан. Енида Жумабойдан бошқа одам йўқ эди.

Йигитлар уйга кириши блан Ойғиз ҳам уларнинг орқасидан кириб келди. Она юраги бир ёмон гап борлигини сезгандай, қандайдир бир куч уни шу уй томон сургаб келган эди. Кундузи Абайнинг Бўжей овулига кетганини Ойғиз ҳам билган эди, уйга кириши блан Абайга қараб:

— Кўриб келдингми, Абайжон! Кўриб келдингми ҳалиги ҳасратга туғилган бебаҳт жигарингни, қай аҳволда ётибди!— деди. Унинг товушидан аламлик ўт сочилиб турарди.

Зере блан Улжон ҳам Абайга қаарarkan, уларнинг симосида ҳам, худди шундай савол акс этиб турарди.

Абай отасига назар солса, у индамасдан, қовоғини солиб ўқрайиб Ойғизга қараб турган экан.

Ўзи ўртаниб келган Абай отасининг қовоғини ҳам писанд қилмади.

— Кўриб келдик. Камшот касал, бир аҳволда ётибди. Бизни танимади. Бутунлай кўнгли совуб кетибди. Ҳаммэ унга душмандай... Нимасини айтаман?— деб тўхтаб қол-

ди. Қунанбойнинг олдида ҳали шу кунга қадар ҳечким бирорвонинг оҳи-зорини ҳам, ўз ҳасратини ҳам бу хилда тўкиб солиб гапирган эмас эди.

Қунанбой жаҳл блан бурилиб Абайга ўқрайдни индамади.

Хотинларнинг ҳаммаси лиқ-пик, йиғлай бошлади.

Вужуди ғазабга, кўзи ёшга тўлган Ойғиз қалтироқ овоз блан:

— Оҳ, болагинам, гўдаккинам, шўр пешона етимчам, қандай қарғишларга учраб туғилган эдинг,— деган эди, Қунанбой, худди юзини шу қарғишидан тўсмоқчи бўлгандай, чап қўлини кўтариб, «бас» деди.

Унинг зарбидан ҳайиқиб ўсган Ойғиз эсанкираб қолди. Лекин пичир-пичир қилиб, бўғилиб йиғлайбошлади, Қунанбой қичқириб:

— Кўп вайсама энди, бир нарса бўлдими ўзи, бўйнинг узилгур! — деди.

Ойғиз гап қайтармади. Лекин Абайнинг ёнида ўтирган Улжон рўмолининг уни блан кўз ёшларини артаркан:

— Куйсанг ҳам, ўртансанг ҳам дамингни чиқарма! Бу ердагилар Қамшотни ҳар эслаганда, бир ўлиб ўтиргани блан кимнинг иши бор, додингни кимга айтасан? Йиғлаганда қўлингдан нима келади? — деди.

Қунанбой уни ҳам оғиз очгали қўймай, жеркиб ташлади:

— Бўлди-да, биринг олиб, биринг қўйиб! Қатта деган сабр беради! Бу нимаси? — деди.

Қунанбой оиласидаги норозиликни шу тахлитда босиб кетмоқчи эди, лекин бунга Зере қўнмади.

— Қўрқитма, қўрқитма келинларимни... Бу нима қилганинг! — деб жеркиб ташлаб, сурилиб Қунанбойнинг олдига келиб, икки қўлини ерга тираганича, боласининг юзига қаҳр блан қаради. Абай энасининг бундай жаҳли чиққанини ҳечқаҷон кўрмаган эди.

Зере, ўқрайганича, Қунанбойнинг юзига тикилиб турарди. Қунанбой онасининг фе'ли жуда айниб кеттанини кўриб, паст тушди, унинг кўзига тик қаралмай, ерга қаради.

— Шўрликлар сени ойида бир, ҳафтада бир кўришади. Ҳасратини сенга айтмай, кимга айтсан? Бераҳм бўлсанг душманга бўл, дўстингга, бола-чақангга бераҳмлик қилиб қаерга бормоқчисан ўзинг? «Ер тангриси сенсан» деб хушомадгўйларинг айтсан. Бу ерда, бу уйда сен гар-

данидаги қарз битмас отасан, билдингми? Билиб құй «Ер тангриси» бұлсанғ ҳам, осмондан оғеңингни узатиб түшганинг йүқ. Сен ҳам бир бандасан. Сен ҳам онадан туғилғансан. Мана, сени мен туққанман. Мана бу оналар оналик зорини айтаяпти. Қамшот түғрисидан бизларни не азобларга солиб ўтирибсан. Энди давосини топ. Бақирғунча давосини топ! Қутқар ана у бечора етимчани!

Үй ичи жимжит. Қунанбой нима дейишини билмай, бүғилиб кетди. Ү ҳечқаңон бундай гап әшитмаган эди. Онасинг гапи ор-номусга тегадиган гап бўлиб, қаттиқ ботди.

— Қандоқ қиласай?. . Мен нима қиласай? Кечагина бутун Арғиннинг яхшилари йиғилиб, шундай қарор қилишди, шундай қил дейишли!— деб, онасига арзи-ҳол айтган бўлди.

Абайнинг энг ғашыга теккан нарса ўша қарор, ўша битимнинг ўзи эди.

— Аяшни, ачинишни билмаган битим қандай расво битим ўзи? Кошки тотулаштирадиган битим бўлса! Ахир бу кўнгилни қотириб, совутиб юборадиган битим-ку. Қамшојни зўрдик блав тортиб олган Жигитекларни бу ердаги оналар, жигарлар қандай қалиб ўзига яқин кўраолади? Мол ўрнига ёш болани олганига рози бўладими? Уша бераҳи, бефаҳмларга қодса бутун бошлиқ Қамшотдан бешта байтални ортиқ кўради. Мана энди ичимиздаги энг ожиз, энг шўрлик бир ғарини қаерларга ташлаб қўйдик? Ит-кушга ем қилиб қўйганимиз йўқми? — деди Абай. Бу сўзлар отасига ма'қул тушди. Ўзи ҳам ҳечкимнинг хаёлига келмаган янги гап эди. Лекин, қараса, боласи ўзича янги бир йўлга қараб кетаёттир. Қозоқ урфи-одати, қозоқ йўлидан эмас, ўзгача бир йўлга тушиб бораёттир.

— Эй, болам, ҳали хомсан! Қўнглинг тўғри бўлгани блан йўлдан чиқиб кетаётирсан! — деди Қунанбой.

Энди Қунанбой боягидай эмас, бу уйнинг дардига шерик бўлгандай кўринарди. Гарчи Абайнин «хомсан» деган бўлса ҳам, унга бир маслаҳатгўйдек қараётгандиги кўриниб турарди. Яна бунга иссиқ жавоб бериши Улжонга ҳам, Ойғизга ҳам ялинабошлаганини кўрсатарди. Турган гап, бу шунинг аломати. У яна бироз жим ўтириб:

— Оға-инилик шундай бўладими? Бир-биридан аразлаган элни яратширилганда, улар бир-бирига қалинга

қыз беради. Кундош устига беради. Биз берган бұлсак, жигар парчасини бола қыл деб берганимиз, хор-зор қыл деб берганимиз йүқ! Ҳамма тап Бўжейда. Агар билса, менинг болам унинг боласи эмасми, ёт кўриб, душман кўриб, кирпидай ҳурпаядиган бўлса, айб ўзида! Ана гуноҳкор бўлсан, мен гуноҳкордирман. Бешикдан суғуриб, уни одам боласи деб, бағрига ташлаган боламда нима гуноҳ? Хотин-халажга, уруғ-аймоғига ҳеч бўлмаса шуни тушунтираолмаса, Бўжейнинг саёз сувга оқиб ўлганику! — деди.

Унинг бу сўзларида айбни Бўжейнинг бўйнига қўядиган далиллар ҳам бор эди. Абайнинг ўзи ҳам умрида биринчи марта Бўжейдан кўнгли қолиб қайтган эди, «хотинини онт урган бўлса, Бўжей йўлга солса нима бўларди» деб ўйлаган эди. Бу фикрини йўлда Ғабитхонга ҳам айтган эди.

Улжон, Жумабой, Ойғизлар, бутун гуноҳни Бўжейнинг хотинига қўйишиди. Уша томондан қулоққа чалинаётган аччиқ-тиззиқ, совуқ гапларнинг ҳам бирқанчасини айтиб ўтишиди. Ойғиз тўғридан-тўғри «аямасдан душманлик қилаётган Бўжейнинг хотини» деган қарорга келди.

Шу куннинг эртасига Жумабой Қунанбойнинг саломи блан Бўжейнинг овулига бориб келди.

Ойғиз ҳам қўшнилардан бир кекса хотинни Бўжейнинг хотинига юбориб, ундан:

— Боламга ўгайлик қилаёттир, эси бўлса, номуси бўлса, шундай қилар эдими, қарамай дардга чалинтириб қўйибди! — деб гина қилиб юборган эди.

Жумабой Бўжейнинг ёнидан хафа бўлиб қайтди. Абай Жумабойдан Бўжейларнинг жавобини яхшилаб эшилди.

Бўжейнинг ёнида Бойдали блан Тусиплар бор экан. Хотини ҳам Ойғиз айтиб юборган сўзларни эрига етказган экан. Бўжей уй ичиси биродарлари блан маслаҳатлашиб олиб, Қунанбойга ғазаб блан жавоб бериб юборибди.

— Қунанбой ёқсан ўтга менинг номусим куйиб кетдик, «яраси тузалди, синифи битди» деяётгандир. Чивиндек танимда нима жон қолди деб ўйлар экан? Бошқалар уй ичиси блан ўртаниб кетсину, ўзимдан бир ушоқ ҳам кетмасин дейдими? Қунанбойнинг нимаси кетди? Битта сачраган уругими? Ҳа деб сўраб, безовта қилабермасин. Тинч юрсин, тоқатимни тоқ қилмасин! — дебди.

Бу гапларнинг тагидан зўр аламнинг заҳри чиқиб

туарди. Ўти сұнмаган душманлик «мен битганим йүқ» дегандай, яна бир қайта йилт этиб үзини күрсатиб үтди.

Бу гапларни эшитганда Қунанбой ғазабидан бүгилиб, қорамтири товлаб кетди. Бўжейнинг жавобидан Абай ҳам қаттиқ хафа бўлди.

— Одамгарчилик қанию, шафқат қани? Бошқалар әмас, ахмоқ хотини әмас, Бўжейдан шу гап келдими? Кўз олдида шундай бегуноҳ норасидани ўлимга маҳкум этиб, шуни кўриб туриб, заррача озор чекмаслик қандай бағри қаттиқлиқ? Одамохунлиги, шафқати фақат кўринишда эканда. Аслида, бу тўғрисига келганда, үзига енг бўломаса ҳам, бошқаларга бўй бўлиб юаркан-да. Қунанбойнинг-ку ёмон отлиқ қилиб, унинг блан ёвлашиб, гуноҳкор қилиб юрибди. Қани, Қунанбойдан үзининг қайси фазилати ортиқ?

Шунда ҳам Қунанбой ёрилиб бир нарса демай, фақат Абайга қараб:

— Менинг боламни одам боласидек әмас, бўрининг боласидек кўрибди-да. Бўжейнинг бу душманлиги гўрига ҳам бирга олиб кетадиган душманлик десанг-чи. Мана шу юрган гўдакларнинг қайсибири оғзига тушса ҳам ғажиб ташлашга, кўзини ўйиб олишга тайёр экан-да! Таваккал! Майли, оқибатини кутаман! — деб, жим бўлиб қолди.

Шундан бирнече кун ўтгач, Ойғизлар Бўжейнинг овули томонидан кутиб юрган совуқ хабар тўсатдан келиб қолди.

Қамшот ўлипти. Эрталаб узилган болани, тўхтатмасдан, тушдан кейиноқ, юмалоқ-ястиқ қилиб, тиқиб кела-қолишипти. Мана бўлмаса дегандек Қунанбойнинг овулига, Ойғиздек ҳали кўзи ҳаёт, онасига ҳам хабар қилишмапти. Ойғиз блан Улжонлар бу совуқ хабарни бир чўбондан эшитишиди.

Бўжейнинг бу қилиғидан фақат Қунанбой әмас Зередан тортиб Абайгача қаттиқ ранжиди. У кунги жавоби бир марта кўнгил қолдирган бўлса, бу иши ўлган устига тепгандай бўлди. Бўжейнинг үзи ҳам буни сезган бўлса керак, негаким, Қамшот ўлган куни «Ойғизга хабар берсанк бўлармиди» деб, уй ичидагиларга, Бойдалига маслаҳат солган экан. Лекин Бойдали Қунанбой Жигитекларнинг ери Бўкеншеларга берганини эслатиб, унга хабар бердирамади.

Кўпа, Қарчиға сингари қўнисларни Жигитекдан олиб, Бўкеншега берганидаң буён бу қўнислар ҳам, яйловлар

ҳам, сувлар ҳам кундан-кунга жанжаллик бўлиб, икки иноқ элнинг ўртаси бузилишига сабаб бўлаётган эди. Бойдали блан Тусиплар бу кайфиятни ғоят яхши билишар, шунинг учун ҳам: «иш қилиб, Бўкеншени хафа қилиб қўймасак, қўлтиғимиздан чиқариб юбормасак бўлгани» деб ташвишга тушиб қолишган эди. Шу безовталиктининг ўзи ҳам буларни Қунанбойга баттарроқ ўчакишириб қўйди. Қунанбойнинг туб мақсадини яхши билгани учун Бўжейнинг ҳам Қунанбойга адовати ортиб бормоқда эди.

Камшотнинг ўлими, Бўжейнинг шу сингари куйиб, ёниб юрган вақтига тўғри келган эди, шунинг учун парво ҳам қилмади.

Лекин, қандай бўлмасин, Абай кўнглида Бўжей Камшот олдида, бегуноҳ норасида бола олдида айбдор деган ҳукм чиқармай қолмади, негаким, катталар ўртасидаги келишмовчиликлар мана шундай пайтда, одамгарчилик синаладиган бир пайтда ўртага тушаолмас эди.

Уларнинг хабар ҳам бермай, Камшотни кўмиб қўйганига Қунанбой қаттиқ газабланди. У зимдан хабар қилиб, ўзининг катта овулига Иргизбой, Тўпай, Жуонтаёқ өлларининг кўп казо-казоларини йиғди. Бўжейнинг бу қилмишини ўшаларнинг олдида, ўртага ташлаб, масла-ҳатлашиб, яна Бўжейга одам юборди.

Энди бу гал Жигитекларга Жумабой эмас, Қунанбойнинг жонкуяр яқин кишиларидан Изикутти блан Жақил борди.

Изиқутти бориб Бўжейга:

— Бу нима қилганинг? Евдан қолган қул бола эмас эди-ку, Қунанбойнинг боласи эди-ку! Ҳеч бўлмаса, түқ-қан онасига хабар бердирсанг, ўша шўрликка боласининг совуқ дийдори буюрса нима қилар эди! Бу қандай жоҳиллик, қандай душманлик? — деди.

Бўжей Бойдали ва Тусипларнинг олдида жавоб берди:

— Қунанбойнинг ўзи қилдан қийиқ топалмай юриптику. Муштумдек қизи ўлди деб азо очиб, юртга ош берайми энди? Ош берганимда ҳам бошим балодан қутилмайди! Хун оладиган бўлса олақолсин. Лекин қўлидан келса олиб кўрсин! — деди-да, безрайиб ўтираберди.

Афтидан ер тўғрисидаги жанжалларнинг пичоги суюкка бориб тақалган кўринарди. Бу сўзлардан мана шу ёз, қандай бўлмасин зўр алангалар, катта фалокатлар чиқадиган ёзга айланишининг ҳиди келиб турарди.

Изикүтти блан Жақиб жұнатилиши блан Бұжейлар ғұларынға қарашлиқ әллардан барча фикрдошларини маслағатта чақириши.

Уша куни кечқурун Қунанбой ўз атрофидагилар блан гапни бир ерга қўйиб, янгидан душманликка бел боғла-ётган бир пайтда Бойсол, Қоратой, Суюндиклар ҳам Бұжей овудида бир ёқадан бөш чиқаришга аҳд қилиши. Ыз боши, кўп овуллар Чинғиздан энди ошиб, энди юрт тикабошлаган пайт эди.

Энди икки тараф ҳам мумкин қадар тезроқ кўчиб, Боқонос, Бойқўшқор, Қозбола, Жанибекка ўхшаш кенг яйловларга олдинроқ бориб олишнинг пайида эди. Афтидан уларнинг бу йил ёз кўрадиган кунлари майдонга чиққан сафлар, жанг қилаётган лашкарларнинг кунига ўхшаб ўтадиган кўринарди. Кўп эллик Тўбуқти жони борича ҳаракат қилиб яйловга кўчиб келмоқда. Жигитеклар бўлса, сўйил-чўқморини тайёрлаб, ёзда минадиган отларини совитиб, зўр ҳозирлик қўришмоқда...

Душманлик ўти алана олиб келарди. Қўшни овулларда кундан-кун безовталик авж олиб, ёшлар ҳам, қарилар ҳам, хотин-халаж ҳам: «Ана келиб қолди!», «Ана босди!» «Олиб кетди, юлиб кетди!» деган совуқ хабарларни кутиб жон титроғига учраб, тинч ётиб ухлайолмайдиган бўлиб қолишиган.

Зеренинг овули мана шундай тинчсизлик ҳукм сурис турган бир пайтда, тўхтамасдан юриб Боқоносга етди. Бу ерга ўнтағина овул эмас, ўттиз-қирққа яқин овул бўлиб келиши. Қечаю-кундуз Үлжон блан Ойғизнинг уйини қуроллик одамлар босиб ётарди. Қунанбой шу овули Боқоносга етгунча, ўзи ҳам бирга келди. Үпир-тўпирнинг ҳаммасини шу ерга йигиб, улуғлик вазифасини ҳам шу ерда қилиб, буйруқларини ҳам шу ердан бериб турди. Барча чопарлар, старшинлар, бийлар ҳам бу кунларда Боқонос бўйида бўлиши. Бу атрофдаги ўттиз-қирқ овулнинг ҳаммаси ҳозирги фавқулодда йиғилишларнинг ўрдасига айланди. Йиғилишга сабаб бўлгудек сиёз ҳам, сайлов ҳам, ма'raka ҳам, пойга ҳам йўқ. Тўй-хашам ҳам йўқ. Шундай бўлса ҳам, уларнинг йиғилишдан боши чиқмай қолди.

Бу ишлардан отасининг мақсади нима эканлигини Абай билмас, негаки Қунанбойнинг атрофини казо-казолар қуршаб олгандан буён яна Қамшот ўлиб, оналари ғамлик бўлиб қолганидан буён Абай отасидан анча йироқ-

лашиб қолган эди. Қунанбой овуллари Боқоносга етган куннинг эртасига шу Боқоносга яқин Жанибек, Тезек, Қорашүқи, Қозбала яйловларига Жигитек, Бўкенше, Ко-тибақ элиниңг овуллари етиб келиши керак эди. Лекин нимагадир улар келишмади. Суриштириб кўришса, улар орқада, довоннинг у ёғида қолиб Оқтўмар, Қоршиғали, Шоқпок деган қўнисларда қолишибди. Одатда ўчакишган эллар кўчилаётган пайтда талашиб тортишиб, бир-бирига халақит беришга уриниб кўчар эди. Уларнинг аввалги авзойи ҳам шундай эди. Нима бўлди? Нима сабабдан бу таҳлилда бўқиниб қолишибди... Ҳамма ҳайрон бўлиб «нега бундай қилишибди? Сабаби нима экан?» деб туришган эди, туш пайтида тўсатдан Боқонос бўйига ўзгача бир хабар келиб қолди.

Изиқуттининг овулига йўлакай тушиб, қимиз ичиб ўтган уч йўловчи Бўкенше: «беш кундан буён Бўжей қаттиқ касал. Сўнгги кунларда касалнинг аҳволи оғирлашиб қолди. Дардининг оғирлигини Бўжейнинг ўзи ҳам сезганиданми, ё эҳтиёт яхши деганиданми, ҳарқалай кечакечкурун бор жон куярларини, биродарларини чақиртириб олиб, ризолик тилашаёттир деган гапни эшитдик» дебди. Бу йўловчиларнинг гали ваҳма гап эмас, ҳақиқат эди.

Боқонос бўйидаги, катта жангга ҳозирланиб юрган элнинг оғзида буқун кун бўйи Бўжейнинг гапи бўлиб, «Бўжей ризолик тилаётган эмиш! Бойсол, Бойдали, Тусиплар йиғлашиб, видо'лашаётган эмиш! Беморнинг ҳоли оғирлашиб қолган эмиш! У дун'ёга сафар қилиб қолмаса гўрга эди»— деган гап тарқалиб бўрмоқда эди. Даладаги бир-бирига дуч келган чўбонлар, қўшоқ бошида учрашган хотинлар, йўлда бир-бирига йўлиқкан йўловчилар бир-бири блан ивир-шивир қилиб сўзлашаётган овсинлар ҳамманинг оғзида фақат Бўжейнинг гапи.

Эртасига совуқ сўзлар аниққа чиқиб, Бўжей ўтган кечакечка ўлипти деган хабар ҳам келиб қолди.

Бу хабарларни йўлда эшитиб келган Жумабой, Улжоннинг уйига келиб тушганида, булар нонушта қилишаётган эди. Уйда Қунанбой, Зере, Улжон, болалардан Абай, Успон, Такежон бор эди.

Бўжейнинг ўлганини эшитганда ўйдагиларнинг ҳаммаси эсанкираб қолди. Бирқанча вақт гангиб, товушини ҳам чиқараолмай қолган катталар бу тўсиндан келган хабарни ҳарким ўз ҳолича қарши олди. Қунанбойнинг ранги ўчиб кетди, у очиқ турган эшикдан, узоқдаги кўм-

кўк адирга тикилганича, лабларини қимирлатиб астагина фотиҳа қилди. Зере қаттиқ куйиб, оҳ тортиб, кўзларидан дона-дона ёш тўка бошлади. Абай ўпкаси оғзиға тиқилиб келаётгандай бўлиб, дами қайтиб, юраги қаттиқ уриб кетди. Шундай қилиб Боқонос бўйидаги Иргизбой овуллари Бўжейнинг ўлимини хабар қилгали алоҳида одам келар деб кўз тутабошлади. Ҳеч бўлмаса эскидан қолиб келаётган урфи-одат бўйича, жанозага хабар қилгали бирорта одам келар деб, ўйлашган эди.

Одатда орадан не-не оғир гаплар ўтиб, ҳарқанча юз кўрмас бўлиб кетилганда ҳам бошга «хашаматли тўй, тупроқлик ўлим» тушганда, кина-гудратни бир ёққа қўйиб туриларди. Айниқса Бўжейдек одам ўлганда бориб йиғламаган, мозор бошига бормаган, тобутини кўтармаган қариндош-уругнинг бўлиши мумкин эмас. Қунанбой ҳам, Зере блан Улжон ҳам, чошгоҳгача улардан дарак бўлмаганига тушунаолмай жуда гангиг қолишиди.

Булар Бўжейнинг жанозасига олиб бориладиган мешмеш қимиз, сўйиладиган мол ва ўтовларини ҳам тайёрлаб, энди одам келмаса ҳам бора бериш керак деган гапни унча-мунча тилга олишаётган эди. Кечгача ҳам одам келмади. Бу ҳолат нақадар оғир бўлмасин, кўнмасликка чора йўқ эди. Бўжейнинг жанозасига Қунанбойни айтилмади. Жўрттага уни четга чиқариб қўйилди.

Бу Бўжейнинг васияти бўлиши керак, ё бўлмаса, унинг орқасида қолган Бойдали, Бойсол, Тусиплардан чиққан гап. Қимдан чиққан бўлса ҳам, осон гап эмас. Ӯша вужудида душманлик қони қотиб қолган қариндош энди ўлим блан, ўлими блан ҳам ўқ отиб кетди! Бир отадан тарқалган ўлжай эли у ёқда турсин, бутун бошлиқ Тўбуқти элида, ота-боболарнинг замонида ҳам шу сингари четга чиқариб қўйиш, кўкракка туртиш бўлган эмас.

Қунанбой қаттиқ қийналиб, ниҳоят ғазабланди. Бу иш унинг кўкрагидан асло кетмайдиган кек бўлиб қолди. Үлиқка чора йўқ. Лекин Тўбуқти элида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бадфе'лликни қилаётган Бойдали ва Бойсолларга у ичиди «Ҳа, саними!» деб қўйди.

Лекин, шунинг блан бирга, жанг қилиш учун шу кунга қадар икки томонда ҳам кўрилаётган зўр ҳозирлик тўхтайдиган бўлиб қолди. Бу Қунанбойга очиқ кўриниб турарди. Шунинг учун Қунанбой Боқоносдаги овулларнинг бошилиқларига ҳам, Улжонга ҳам:

— Ховатир қилмасдан молларни яйлатиб, bemalol

ўтираберинглар! — деди-да, ўзи Жумабойни эргаштириб, Бойқушқар сувининг бўйидаги Кункенинг овулита кетди.

Жанг майдонига айланай деб турган яйловларда энди тинчлик ҳукм сурди. «Тўс-тўполон бўлар, ҳамма сўёқ ости бўлар» дейилган бу ёз, энди мутлақо бошқача ўтадигапга ўхшаб қолди. Қандай ўтар экан? Униси аниқ ма'лум эмас. Лекин, ҳарқалай, Жигитек, бошига шундай ўлим тушиб турган пайтда, отга миниб, қўлига қурол олиб жанг қиласлиги керак.

Бўжейнинг жанозасига айтилмаган Зере блан Улжон хўп куйишиди. Лекин на чора. Беғараз икки меҳрибон, бегуноҳ икки жон Бўжей учун тўқадиган ёшларини уйларида ўтириб тўкишиди. Бўжейга бағишли нарадиган қур'онни ҳам ўз болаларига, Абай блан Фабитхонга ўқитиб, ўз уйларина бағишилашди. Чалпак пишириб, дастурхон ёзиб, Бўжейнинг еттисигача ўз уйларина аза очиб ўтиришиди.

Жигитек, Бўкенше ва Котибақ эллари тантанали дағн маросимига тайёрланмоқда эди. Азага ёш-қари эркак-аёл ҳамма келмоқда. Ҳамма ёқда йиги, фар'ёд...

Бўжейнинг олис-яқиндаги дўстлари, қариндошлари ҳарқайсиси ўзи катта ўтовларини, сўядиган молларини, меш-меш қимизларини, эркак ва аёл хизматкорларини тугал олиб қелишган.

Кунанбойнинг овуллари етиб борган олис яйловларга бу элларнинг овули етиб боролмай қолди. Булар ҳеч бўлмаса Бўжейнинг еттисини, иложи бўлса қирқини ҳам шу кенг қўнис — Шалқарда ўтказмоқчи эди. Фотиҳага келганларни ҳам, «бел боғлаб тургали» келганларни ҳам шу ерда кутмоқчи бўлишиди. Бўжей ўлган куни эрталаб Бойсол, Бойдали, Тусип, Суюндиклар маслаҳатлашиб, ўзларига қарашлик бутун овулларни бир куннинг ичидагана шу Қаршиғалига етказиб келиб, Бўжейнинг овулларини куршаб, ўртага олиб ўтиришиди.

Бўжей касал бўлиб кўп ётмади, ҳаммаси бўлиб бир хафтагина ётди. Лекин гуп учиб ётганича сра кўзини очмади. Уни аввало тушак тортуб ётиши бланоқ, ер тортиб бораётгандай бўлди-да, юзига мурданинг акси урди қолди. Дарднинг учинчи куни тинчини йўқотиб, бетоқат бўлабошлади. Нафас ололмай, жон талвасасига учраб, вужуди ўт бўлиб ёна берди.

Улимни кўп кўрган Бойсол, Бўжейнинг томирини ушлаб кўриб, дами ичига тушиб, оғир ҳаёлга ботди. Қасалнинг ёнида ундан бошқа Бойдали, Тусип, Суюндиклар

ҳам ўтиришган эди. Эҳтимол Бўжей шу пайтдан фойдаланмоқчи бўлдими, ҳарқалай Бойсол:

— Учинган! Учинганда одам шундай бўлади. Яхшилаб бир терласа бошини кўтариб қолади! Тер қисиб турибди-да! — деган эди, Бўжей бор қувватини тўплаётгандай бир ҳаракат қилди-да, қовоғини солниб, қонсиз юзи газабдан кўкимтири товлаб, нафаси сиқилиб, гоҳ қаттиқ-қаттиқ, гоҳ пичирлаб:

— Учиник! Учинган одам шундай бўлади? Ичимин еб ёттан аламнинг учиники эмасми? Иш қилиб... Ҳарқалай вақт-соатим етиб қолди... Кенг дун'ё Қунанбойга қолар!.. Мен... Мен кетаман... Ортиқ унинг оёғига тўғаноқ бўлмайман... Лекин... Мендан сўнг аҳволларинг қандай бўлар экан? — деди.

Утирган дўстларнинг ичидаги фақат Суюндик сир бериб, кўзига ёш олди. Қолганлар дамини чиқармай, тошдек қотиб, бўэррайганича қараб қолишиди. Бўжейнинг рози-ризалик тилагани ҳам, ётганидан буён оғиз очиб сўз қотгани ҳам шу бўлди. Орадан тўрт кун ўтгач вафот қилди.

Қунанбойга хабар бердирмаган Бойдали блан Бойсол эди. Эл ётар чоғида, Бўжей жон бергач, ярим кечагача барча хотин-халаж, бола-чақа блан бирга ҳалиги катталар ҳам, эси-хушини йиғишириб ололмай, ўқриб-ўқриб йиғлашди. Йиғлаётган қариндош-уруглар, ёру дўстлар энди ўликнинг тепасига дув кириб, бирма-бир йиғлаб кўришаётган пайтда Бойсол ҳушидан кетиб йиқилиб тушди, суюниб турган хассаси ҳам унга таянчақ бўлолмади.

Бу аҳволни кўрган Бойдали, Тусип блан Суюндикни ёнига олиб, Бойсолни доврадан олиб чиқишиди ва четроқ-қа бориб ўтиришиди-да:

— Йиғлаганинг блан яхши Бўжей қайтиб келадими? Йиғлаш блан тириладиган бўлса фар'ёд қилаётганлар, ёш тўкаётганлар озми? Ана, — деди Бойдали қўли блан тун кечада оҳу-зори кўкларга кўтарилиб, фар'ёд қилаётган қиз-жувонлар, эр-азаматларни кўрсатиб.

— Эс-ҳушингни йиғ, Бойсол! Белни маҳкам боғла! — деди яна бошқаларга ҳам айтаётгандай, — ундан кўра маслаҳат қилайлик, эл-юртта хабар берайлик, жанозанинг тараддудини кўрайлик!

Эндики бўладиган гап ўтирганларнинг ҳаммасига маълум эди. Булар шу кеча қирқ-элликка яқин йигитни яна бир-иккита маслаҳаттўй кексаларни ёnlарига олиб, ўлик кўмиш маросимиға ҳозирлик кўра бошлишди.

Кимга хабар бериш, кимга хабар бермасдикни Бойдалининг ўзи айтиб берди. Шунда Қунанбой овулларини атайлаб чиқариб ташлаган эди. Қирқ-ұттис хабарчи тун ярмидан оғиши бланоқ, құш-құш отлар блан ҳозир бұлишди. Бу югурик отларга минган йигитлар күп әллик Тұбуқты блан құшни бұлган Карей, Матай әлларини оралаб бориб, Қарқаралиға яқын ердаги Шұр ва Бұшан әлиниңг отоғлик-отоғлик кишиларига ҳам хабар бергали жұнаб кетишиди.

Төңг оппоқ отгүнча мижжа қоқмаган Бойдалилар тонг отиши блан шу атрофдаги әнг катта уй, Суюндик-нинг саккыз қанотлик катта оқ уйини келтириб Бұжей уйининг ёнига ұрнатишиди. Уй ұрнатилиб бұлиши блая, унга бошқа аңжом киргизмасдан, әшиқдан түргача гилам солинди. Уйининг ўнг томонига асл сүяклар блан безатилған, катта каровот күйиди. Уйинг устига тахи бузилмаган асл гиламлар солдирилди ва Бұжейнинг жасади шунинг устига ётқизилди.

Бұжейнинг жасадини ўз уйидан олиб чиқиб, бу ерга ётқизиш қора кийған хотилар блан Бұжейнинг қызыларининг доди-фар'ёдина ошириб юборди. Мурдани ётқазиб бұлишлари бланоқ, Бойдали әшиқка чиқиб, оқ уйининг ўнг томонига ўз құли блан «қора» тикиб күйди.

Бу иш ўлык құмиш маросимининг энг катта ишларидан. Қора деб, узун наизага бояланған түғни айтилади. Агар Бұжей оддий фуқародан эмас, оқ сүяклар авлодидан бўлганда, ўша авлоднинг ўзига хос түғи тикилиши керак эди. Ұлукнинг қайси уруғга ондлиги ўша тикилған кўк түғ. ола туғлардан ма'lум бўлади. Агар ўлык фуқаролардан бўлса, унга тикиладиган түғ ўлукнинг ёшига қараб тикилади. Шунисига қолганда Бойдали эски урфодатларни яхши биладиган Суюндик блан маслаҳатлашибди. Суюндик унга «ёш ўлса қизил түғ, қари ўлса оқ түғ тикилади. Бұжейдек ўрта яшар кишиининг та'зиясига бир ёғи оқ, бир ёғи қизил түғ тикилиши керак» деди.

Бұжей ўлган куннинг эртасига қора тикилиши унинг та'зиясими бошқалардан ўзгачароқ кутилишини билдиради. Түғ тикиш — Бұжейға катта ма'raka қилинади, йил бўйи қаттиқ аза тутилади деган гап эди. Бойдали қора тикиб, йиғилиб турган барча жонкуяр яқиялар блан фотиҳа қилған онда шу уй бўсағасининг икки томонига икки от етаклаб келинди. Биттаси ёли қалин, семиз күлранг от бўлиб, иккинчиси ингичка, келишган от эди. Кулранг

от Бўжейнинг қишида миниб юрадиган оти бўлиб, кўк отни у шу йил кўклам чиққандан буён миниб юрган эди.

Бўжейдек азаматнинг кўз қорачигидек бўлиб қолган иккита от келтирилганда катталарнинг ўзи ҳам ҳўнграб йиғлаб юбориши. Ба'зилар ҳассасига суюниб, ба'зи кексалар тиз чўкиб:

— Номусим, орим, жигарим, арслоним! — деб фар'ёд қилиши. Бойдали яна бошқалардан олдинроқ ўзини тұхтатиб олди. У бўсағанинг ўнг ёғида турган кулранг отнинг ёнига келиб:

— Жонивор, эганг ўлиб, эгасиз қолдинг-ку, бебаҳт жонивор! — деб, кулранг отнинг ёлини сўнг, думини отнинг тиззасидан юқорироқ қилиб чўрт қирқиб ташлади.

Кўк отнинг ҳам ёли блан думини қирқди-да, эгасиз қолган отларни бу атрофдаги отлардан бошқача бир тусга киргизиб қўйди. Бу икки от янаги йилгача минилмаслиги, семиртириб, бир йилдан сўнг эгасининг йил ошига сўйилиши керак эди.

Бойдали икки отнинг орқасидан қараб туриб:

— Кўк отнинг ёли, думи қора, тазия оти шу бўлсин. Кўчилган пайтда эр-азаматимнинг қора ёпилган эгар жабдуғи шу отга урилсин. Марҳумнинг кийимлари ҳам шу жониворнинг устига ёпилсин! — деди.

Шундан кейин Бойдали бошлиқ бутун кексалар, Қаршиғалидаги барча казо-казоларни йигиб, Бўжейнинг ма'ракасига сўйиладиган мол, бўладиган сарф-харажат ҳақида маслаҳат бошлаши. «Ўлим борнинг молини сочар, йўқнинг этагини очар». Бўжей «бор» бўлмагани блан «йўқ» ҳам эмас: орқасида мана шундай ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари бел боғлашиб турганда, нега «йўқ» бўлар экан? Тириклигида нияти бир бўлган қариндошни ўлганда нега унутсан? Гарчи айтилмаса ҳам, шу гап ҳамма ёру биродарларининг кўнглидан ўтди.

Шунинг учун улар, Бўжейнинг ўз уйига оғирлиқ туширмай, иложи бўлса ўзидан бир улоқ ҳам чиқартирмасликка аҳд қилиши. Эртага бўладиган ма'рака ошини ҳам катта қилиб ўтказадиган бўлиши. Айниқса азалик уй, ўтган-кетган тушиб фотиҳа ўқиб кетадиган уй бўлади. Ҳорган борми, чарчаган борми, оч-яланғоч борми, олис-яқиндан келаётган бегона йўловчилар борми, ҳаммаси бир йил давомида фақат Бўжейнинг уйига тушиши керак. Булар ўқиган фотиҳанинг савоби Бўжейга тегади.

Шундай қилиб Бўжейнинг ўз уйида бўладиган чиқим

ҳали олдинда турибди. Унинг ҳисоби йўқ. Шунинг учун ҳам булар шу қадар кўп чиқмни унинг уйига солмай, бўлиб олмоқчи бўлишди. Ҳаммадан олдин Суюндиқ ва Бойсоллар «та'зиясига», «ошига қўшганим», «арвоҳига атаганим» деб, бир бошдан кўш от, кўш тую, тойтуёқ, қўйтуёқ, ём билар ҳам қўшишди. Шундай қилиб кенгашнинг охирида Бўжейнинг та'зиясига сарф қилинадиган мол-дун'ё анчага бориб қолди. Мана шу кенгашда қора тикилган уйни, азадор уйни ясатиб қўйиш учун нарса йигиш масаласи ҳам кўрилди. Суюндиқ, Бойсол, Бойдалиларнинг уйларидағи бисотда ётган қимматбаҳо пўстинлар, тўнлар, азалик уйларда тутиладиган гиламлар, чойшоблар, асл буюмларнинг ҳаммасини йиғиб олиб кела-диган бўлишди. Азалик уйда Бўжейнинг ғамдан аборг бўлган хотини ўтирас, у сочини ёзиб, бошига қора рўмол солган эди.

Бўжейнинг иккала қизи ҳам бошларидағи телпакни ташлаб, қора рўмол ўрашди. Булар, отаси ўлиши блан, айтиб йиғлаш учун қайғилик-дардлик сўзлар, доғ ҳасратни ифодалайдиган байтлар тўқиб олишган, бугун азондан буён жанозага келганларни шу байтларни айтиб, йиғлаб қаршиларди. Бутун Чинғиз устидаги поёнсиз катта ўлка, кенг дала, беҳисоб яйлов, қалашиб ётган адирлар, қатор-қатор тоғлардан эл зўр бир оқимдек тўлиб-тошиб Бўжейнинг жанозасига келабошлиди. Ерни ларзага солиб фар'ёд қилаётган тумонат аза очиб, бирнеча кун йиғи-сиғи қилганларидан сўнг Бўжейнинг жасадини чиқаришди. Бўжейнинг жасадини бу яйловга қўймай, қайтадан Чинғиз ошиб, унинг ўз қистовининг устига, Тўқмамбетга қўйишиди. Элнинг мана шундай ҳурматига сазовор бўлган Бўжейдек одамнинг қабрига тупроқ ташламай қолган фақат Қунанбой атрофидагиларгина бўлди.





ТОҒ ЭТАКЛАРИДА

1

Туш бўлмасданоқ Бөқонос бўйи ғоят қаттиқ исиб кетди. Ҳавода тангадек булут йўқ. Бу атрофда булут кўринмаганига, бир томчи ёмғир ёғмаганига кўп вақтлар бўлди. Чинғиздаги бошқа яйловлар салқин, сер ёмғир бўлса ҳам шу Бөқоноснинг ўнт томони ўзгача иссиқ, дим бўлади. Бу ерда турганда сувнинг мўллигига, кўмкўк дарахтларига, қулф уриб турган турли-туман ўланларига қизиқиб турилмаса, аслида ёзда яшаш учун ана у кўриниб турган катта қоратоғнинг варити томонидаги яйловлардан яхши ер йўқ.

Абай, уйда дами қайтиб, эшикка чиққанида бу ерда-ги жон эгасики бор, ҳамма иссиқдан лоҳас бўлиб, зўрга юрган эди.

Катта оқ уйнинг ёнида ётган юнги ҳурпайган сариқ-ола кўппак ҳам, оғзики катта очиб, тилини чиқариб, ҳар-силлаётган эди.

Отларнинг ҳаммаси ўтлоқларни ташлаб, узоқдаги адирнинг тепасига чиқиб, думи блан елпиниб тўп-тўп бўлиб туришарди. Қўйлар ҳам ўтлоқни ташлаб, сув бўйига тушиб, бағрини захга бериб ковуш қайтариб ётарди. Ўтлоқ эсларига ҳам келмайди. Агар бирор ҳайдамаса, сув бўйидан турадиган эмас.

Сигирлар бўлса, Боқонос сувидан чиқсан чалчиқ сувларга кириб, ётиб олишган эди. Четда қолган биттаяримта бузоқлар ва ғунажинлар бўлса укранинг қувфининг учраб, думини гажак қилиб, бурун катаклари керилиб, бўғизланаётгандек икки қўзи олайиб, ўйин тушиб, қутиргандек ўёқдан-буёққа чопишарди.

Ўтовдагилар уйнинг тунлигни ёпиб, пастки томонини ярим белигача кўтариб қўйишган.

Абай мудроқ босаётгандай эснаб, гаш тортиб турдида, қаерга боришини билмай, сув бўйига қараб кетди. Бурнининг учи терлаб, бошидан кун ўтиб, Боқоноснинг иссиғидан койиб, жадаллаб борар эди. Сув бўйига келса, Успон, Смоғуллар бошлаб келган бирқанча майдада болалар муздек тиниқ сувни сачратиб, қий-чув қилиб чўмилишаётган экан. Абай болалардан нарироққа бориб, ёлғиз ўзи чўмилабошлади; шу ёз сузишни ҳам ўрганиб олган эди. У ёйилиб оқадиган Боқонос сувининг у юзидан-бу юзига икки марта сузиб ўтди. Энди муздаккина бўлиб, баҳри-дили очилгандай бўлди-да, шўнгий бошлади.

Абай бошқа болаларнинг қий-чувига парво қилмай чўмилаётган эди. Лекин нарироқдан Абайнинг шўнғишига қизиқиб қараб турган Успон бир болани эргаштириб, юрганича унинг ёнига келди. У шовқин-сурон кўтариб ўзининг яланғоч сонига шаппалаб қичқирганича Абайга:

— Шўнғи, шўнғи! Яна битта шўнғи! — деб сакраб, бирга келаётган Смоғулнинг орқасига миниб олди. Смоғул уни улоқтириб ураман деб юлқинабошлади.

— Қани йиқитиб кўр-чи, сен эмас, осов-қисир биянинг оқ тойи ҳам мени йиқитаолган эмас, овора бўлма, йиқитаолмайсан! — деб, Смоғулнинг бўйнидан маҳкам қутоқлаб олиб, икки оёғи блан тепинабошлади.

Смоғул Успоннинг зўрлигига ноилож бўйсиниб уни опичлаб, қоқилиб-суқилиб юрганича Абайнинг ёнига келди-да, орқасидаги Успон блан ўзини шалоп этиб сувга ташлаб юборди.

Успоннинг шу сингари хираги Абайнинг ғашига тегарди. Бундан бир-икки йил муқаддам бу иниси блан ўзи ҳам ўйнашиб, олишиб кетадиган Абайга энди унинг хираги ғашига ёқмай, ўзини четга тортадиган бўлиб қолган эди. Ба'зан, ҳа деб жонига тегаберса, уришиб ҳайдаб юборарди. Ҳозир ҳам Успонлар қий-чув қилиб келганига жаҳли чиқиб, сувдан чиқди, кийинабошлади. Успон Абайнинг фе'ли айниганига парво ҳам қилмай:

— Мана ҳозир Абайасига шүнгийман! — деб, саёз ерга бор бўйича ётиб олди-да, мункиб кетган тойдек, түнқайиб, икки оёғи блан сувни шапиллата бошлади.

Абай шошмасдан кийиниб бўлиб, энди уйига кетмоқчи бўлиб орқасига қайрилган эди, жар бошига келиб турган Такежонни кўриб қолди. У ғоят яхши кийинган, қўлига қарчигасини қўндириб, чиройлик от устида туарарди. Унинг остидаги саман, ёли, думи қора дунан қаттиқ терлаган; кумуш юганининг сувлигини чайнаб ўйноқлаб туарарди. Такежон қонжуғасига битта сариқ ола ғоз блан икки ўрдакни боғлаб олган эди. Уни кўриши блан болаларнинг ҳаммаси:

— Ҳой, ака!

— Акажон менга! ..

— Менга беринг! — дейишиб, ирғишлаб сувдан чиқиб югуришди.

Такежон қуш солиб келганда, овлаб келган ўлжасини шу сингари олдидан югуриб чиқкан болаларга берар эди. Лекин уларни олдин хўб ялинтириб, атрофида чувуллаштириб, зориллатиб бўлиб, кейин берарди.

Болалар ҳам унинг дарров берақолмаслигини билиб, қўярда-қўймай, осилаберар эди. Такежон Абайга қараб мағрурлик блан кулди. У ҳамиша ўзини қарчифайга қуш олдирадиган йигит бўлиб қолганини Абайга билдириб қўйишга уринарди. У Абайни ҳали ўзига тенг кўрмас, унга ҳечнарсани билмайдиган, бўш бола деб қарапди. Такежон бу йил ёзда қаллифига ҳам бориб келган. Ўз тенги йигит-яланглардан ўртоқлари ҳам бор. Шу кунларда ҳам ҳаркече ўша ўртоқлари блан бирга қизларнинг дардида овулма-овул изғиб юришарди. Ҳали Абай бундай ишларга уринган эмас.

Ўспон блан Смоғул Такежоннинг ёнига баравар югуриб бориб, ялинабошлади. Такежон уларга улуғворлик блан бир қараб аввал бир сўкиб ташлади. Бу қилиғи ҳам уни Абайдан катта қилиб кўрсатадиган аломатларининг биттаси эди. Аслида Такежоннинг оғзидан сўкиш тушмас эди. Қунанбойнинг олдида мушукка ўҳшаб писиб ўтираса ҳам буёққа чиқди дегунча оғзидан оқ ит кириб, қора ит чиқиб, бола-чақани, чўбонларни, хизматкорларни сўкаберарди.

У Успон блан Смоғулни хўб ялинтириб бўлди-да, сўнг, қонжуғасидаги иккита ўрдакни ешаштиб:

— Ху, ўша сени... Қоравойлар! Эртадав кечгача сув-

ни лойқатгандан кўра, ҳеч бўлмаса, маймунжон терсаларинг бўлмайдими! — деди.

— Маймунжон?

— Қани маймунжон, маймунжон бор эканми?

— Қаерда маймунжон бор экан?

— Жон ака айтақолинг! — деб, Үспон блан Смоғул яна ёпишди.

Ез бўлди дегунча, болаотликинг фикр-ёди маймунжон бўлади. Лекин Боқонос бўйида маймунжон битмас эди. Қаерда бор экан? Пишганми-йўқми? Униси блан ишлари йўқ.

Маймунжон деганда Абай ҳам ялт этиб қараб, сурштира бошлади. Такежон ҳали келаётib йўлда Боқонос блан қатор оқадиган Жанибек сувининг бўйида ана у қорайиб турган адирнинг нариги томонида ер кўкни маймунжон тутиб ётибди деган гапни эшитган эди. Бугун-эрта у ерларга Жигитек, Бўкенше эллари кўчиб келади. Улар келгандан кейин булар тералмай қолишади. Шунинг учун тезроқ бориб териб келиши керак. Такежон шундай деганда, ҳалиги бир гала бола шошиб қолиб:

— Юр бўлмаса, борайлик, борайлик, борайлик!

— Бориб териб келамиз!

— Юринглар!

— Қани, от тутинглар!

— Ол, ана баракасини берсин. Маймунжон, маймунжон! — деб, ҳамма бола ўйин тушабошлади.

Такежон ўзи ҳам маймунжонга боргуси келиб турган экан. У Абайнин ҳам «юр!» деди. Абай ўйланиб тортиниброқ турди-да, ниҳоят, ҳеч бўлмаса отга миниб бирпас ёзилиб келиш ниятида бирга бормоқчи бўлди. Шу блан бирга чой қайнагудек вақт ичиде Абай блан Такежон бошлаган майда болаларнинг ҳаммаси тойларга, ғунанларга мишиб, елиб-югуриб етиб келишди. Буларнинг ичиде каттаси Абай блан Такежон эди. Майда болаларнинг кўпчилиги биттадан тойга миниб, ба'зилари битта тойга иккитадан мингашиб Абайларга эргашиб чиқишигдан Үспон ҳали келмаган эди. У, бия боқучиларнинг «ёввош тойга мин» деганига кўнмай, шу кундан бошлаб ўргатилаётган, ёли қирқилган осов тойни — оқ тойни танлади. Оқ той учтўрт кундан буён Үспоннинг хаёлидан нари кетмай юрган эди. Дуркун, дуп-думалоқ оқ той қисир қолган осов кўк биянинг боласи эди. Кўк бия азбаройи осовлигидан соғдирмас эди. Шунинг учун ҳам унинг тойи боғланмай,

онасини эмиб юрарди, ҳатто шу кунларда ҳам эмар эди. Оқ той осовликда онасининг ўзи эди. Бу тойга яқинда кўзи тушиб қолган Успон бугун эрта блан бия боқучи Масақбойга ёпишиб олиб, биялар биринчи соғиладиган пайтда оқ тойнинг бўйнига сиртмоқ ташлатиб ушлатиб олган эди. Масақбой осов отлар учун яратилган алвасти. Успон қўярда қўймай ялинабергач, ноилож кўнган Масақбой эртадан бери шу тойни ўргатаётган эди. Тойнинг осовлиги, қийиқлиги шу даражада эдикি, гоҳ сапчиб, гоҳ пишқириб, Масақбойни ҳам икки марта устидан улоқтириб урди. Лекин бошқа осов отдан кўрмаган азобни шундан кўрган Масақбой, аламига чидалмай, оқ тойга қаттиқ ўчакишиб қолди. У тойни қулоғидан олиб, сиртмоқ блан бўйнидан бўғиб, сувлиқ блан икки лунжини эзиб, ўлгудек қийнади. Тойнинг устига катта тўқимни ташлаб, чизимча блан чандиб-чандиб боғлади-да, сакраб миниб олди. Боши-кўзи демай уриб, югуртириб, қора терга тушириб бўлиб, онаси соғиладиган қулунларнинг қаторига боғлаб қўймоқчи бўлди. Масақбойнинг ҳунарига завқ қилиб қараб туриб, ўзи ҳам завқланиб кетган Успон той ҳолдан кетган пайтда, одамларнинг «тўхта!» деганига ҳам қарамай, иргиб миниб олди. Икки лунжи титилиб, қонаб кетган той ҳали ҳам тихирлигини қўймаган экан, Успон мингандан яна қайтадан сапчиб, иргиб, кўп қийиғлиқ қилди. Лекин Успон йиқилиш, қўрқиш ўрнига завқ қилиб савалаб, хандон ташлаб кулабошлади. Устидаги болани улоқтириб уролмаган той ниҳоят олиб қочди. Успоннинг муддаоси ҳам шу эди. У олиб қочиб бораётган тойни баттарроқ ҳуркитиб, боши-кўзи демай савалаб:

— Арвоҳ! Арвоҳ! — деб, шовқин солганича, Абайларни қувиб етди.

Оқ той, Успонга бош бермай, бўйини бир томонга қийшайтирганича, елдек учиб бориб, бор бўйича Такежоннинг саман отига урилди. Болалар кайфи учиб, эсанкираб қолишиди, Успон тойнининг бошини буриб тўпдан чиқаётган пайтда той яна бўйини ўнглаб пишқириб чопабошлади.

Абай Успонни аяб «нобуд бўлмаса гўрга эди!» деб қўрқкан эди. Лекин Успонга кўзи тушганда, ҳайрон қолди: кўзлари ўтдек ёниб қўрқиш у ёқда турсин, аксинча, «яна ҳам баттарроқ ҳурк» деягандай той ўзини не алпазларга солмасин, шунинг ҳаммасига пайров келаётган

эди. Шу пайт Абайнинг назарида Үспоннинг болалик жиннилиги бирданига йўқолиб, у қадим замонлардаги жанговар паҳлавонларга ўхшаб кетди. Ҳамма ҳангманг бўлиб, оқ той блан Үспоннинг курашига қараб қолди.

Бир-иккита каттароқ бола тойнинг мункишидан чўчиб, Үспонга ёрдамлашмоқчи бўлди. Үспон шошганича қичқириб, уларга:

— Тегма, қоч! — деди.

Шу топда оқ той болани бошидан ошириб туширмоқчи бўлиб, бошини қуий солиб мункиди. Үспон икки оёғини тойнинг қўлтиғига тиқиб олиб чалқанча ётиб олди. Болани йиқитаолмаган той ўша оннинг ўзида орқа оёқларини кўтариб, тепинабошлади. Энди Үспон тақимини ёзмасдан, энгашиб, тойнинг бўйнидан қуchoқлаб олди. Бир нафасдан кейин той яна тўсатдан сапчиб, олишаёттан итта ўхшаб, орқа оёғига турди. Бу аҳволга Үспон ҳам ҳайрон қолди шекијлик, икки юзи қипқизил бўлиб, сочлари ҳурпайиб, ялт этиб Абайларга қаради-да, кулиб юборди.

Ўнинг атрофида дамини чиқармай турган болалар ҳам бу ишта ҳайрон бўлиб кулишди. Такежон Үспоннинг ботирлигига завқ қилиб:

— Оббо, абладей, қай гўрдаги бало эди бунинг ўзи? — деб, саман отига қамчи урганича елдириб кетди. Ҳамма болалар увивг орқасидан кетишди. Энди оқ той ҳам юнлож кўнгандай, чопиб кетди. Үспон яна тойни қамчилаб:

— Арвоҳ! Арвоҳ! Масақбой, Масақбой! — деб қичқириб осов отларнинг кушандаси бўлган бия боқути Масақбойга сигинди. Ҳақиқатда ҳам Үспон боядан буён ўша Масақбойнинг ҳунарига сигинаётган эди.

Маймунжоннинг ҳиди аяқиб, кўк майса қулф уриб турган ям-яшил тоғ этакларида бу болаларнинг маймунжон тераётганинга хийла вақт бўлди. Кун кечга яқинлашиб, адирларниң сояси узайиб, сойларда мулойим шабада эсабошлади.

Отларини тушовлаб қўйиб юборган болалар ҳали маймунжон теришнинг завқига қонгани йўқ. Аввал келиб тушган жойларидан силжишмаган бўлса ҳам, ўша ернинг мевасини тугатишаолмади, ўзларидан ортганини дўппиларига, телпакларига, чўнтакларига сола бошлади.

Бир вақт болаларнинг қулоғига, дун'ёни ўт олиб кетаётган ёки лашкар босиб келаётгандек, бир гулдурос эшилди.

Болалар аланг-жаланг қилиб, ичларида катталари Такежон блан Абайга қарашибди. Абай, бу гулдурос нима эканлигини яхши биладиган кишидек, лоқайдлик блая Чинғиз томондаги тоғнинг этакларига қараб ўтиради. Бир нафасдан сўнг шу тоғнинг нариги томонидан ёпирилиб, ошиб келаётган отлар кўриниб қолди. Бу отлар кенг сойга тушиб, пишқириб мўрмалаҳдек босиб келарди.

Отларнинг орасидаги қулунлар, тойларнинг ҳам кишнаши эшитилиб туар, бошқа отлардан айрилиб чиқиб, ўйноқлаб чопаётган ғуонлар ҳам кўринарди. Болаларнинг тойлари бу ўпир-тўпирни пайқаб, баравар қимира беълишди. Ба'зилари тушовлари блан сакраб-сакраб ўша томонга кетиш ҳаракатига тушиб қолди. Уюрини қумсаб қолган тойлар ва ғуонларнинг ҳаммаси бошларини кўтариб, қулоқларини тиккайтириб, ўша йилқилар келаётган томонга қараб югуришди. Бу кимсасиз ерда кўринган отлар кўчиб келаётган элнинг йилқиси экан. Болалар отларига миниб, овул томон юзланганларида, ҳалиги отлар ошган давондан ошиб келаётган бирқанча кўч кўринди. Үнбеш туюни қатор тизган бир кўч бошқа кўчлардан айрилиб олдинга чиқди. Бу кўчнинг орқасидан ўн туюлик, ўн беш туюлик, саккиз-тўққиз туюлик кўчлар қатор бўлиб тизилишди. Аввал ўтган отларнинг орқасидан бирқанча отлиқлар келаёттир. Буларнинг орасида қўлига сўйил, чўқмор тутганлар ҳам бор... Бошига қалпоқ кийгизиб қўйилган бургутларини қўлга қўндириб келаётган абжир йигитлар ҳам бор эди.

Абайлар яқинлашгунча ҳалигилар қайрилишга қараб кетди. Буларнинг орқасидан келаётган энг олдинги катта кўч Абайнинг ҳам, бошқа болаларнинг ҳам диққатини беихтиёр ўзига жалб қилди. Бу кўчнинг атрофини бирқанча отлиқлар ўраб келаёттир, ҳаммаси деярлик хотинлар. Савлат тўкиб кийинган қиз-жувонлар блан кексайиб қолган хотинлар. Ҳаммасининг тагида яхши-яхши семиз йўрға, келишган бедов отлар. Бу отларнинг ҳаммасига кумуш блан ишланган эгар-жабдуқ урилган. Эгар-жабдуқдаги кумуш кун шу'ласига чақилиб, яроқ-яроқ ёниб келаёттир. Катта кўчнинг олдиди, отларини баравар юргизиб, ёли-думи қирқилган бир кўк отни ўрталарига олиб бир тўда қизлар келишаёттир. Булардан бироз кейинроқ-

да бошига юпқа қора рұмол ёпинган оғзин, рангидә қони йүқ бир хотин катта күчни бошлаб келаётір. Бу хотин бошлаб келаётган ўнбеш туялник күчнинг күриниши ҳам ұзгача эди. Ҳамма туяларнинг устидаги юкнинг устига қора гиламлар, тұқ жигар ранг шолчалар, қора наматлар ёпилған, астагина елпиниб келаётган бу қора ёпиқлар туяларнинг икки томонига оғир бир нафас тарқатиб келаёттандай күринарди.

Күчнинг күринишига ҳайрон бўлиб, жимгина тўхтаб қолған болалар бундай тантананинг олдидан кесиб ўтишга ботинолмади. Кўч ўтиб кетгунча ноилож қараб турадиган бўлишди.

Бир тўп қизлар яқинлаб келиб қолди. Булар ўзаро бир нарса дейишаётгандай бўлди-да, отларининг бошини тортиб, ораларини очиб, ичларидан иккита қизни олдинроқ чиқаришди. Ҳалиги ёли қирқилған кўк отни шу иккита қиз етаклаб келаётган экан.

Успон аввалгидан ҳам ҳайрон бўлиб, Абайнинг олдига келди-да:

— Булар ким? Бу қандай кўч?— деб қамчини блан акасини туртди ва бирдан кулиб юборди.

— Вой, Абай уни қара! Тумоғини қара!

Успонга қизиқ кўринған нарсани Абай ҳам умрида биринчи марта кўраётган эди. Бу кўчнинг та'зияли кўч— Бўжейнинг кўчи эканлигини Абай блан Такежон аллақачон билған эди. Марҳумнинг дум ва ёли қирқилған отига қизил поча пўстин ёпилған, эгарининг қошига қамчини тикка ўрнатиб унга Бўжейнинг тумоғи илиб қўйилған эди. Олдинда келаётган икки қизнинг кийими ғалати эди: икковининг ҳам бошида эркаклар тумоғи; тумоғнинг орқа қулогини кўзига тушириб, олдини орқаснга қилиб кийған эди. Қизлар тўдаланиб турган отлиқларни кўриб, баланд овоз блан йифи бошлаб юборишиди. Одат бўйича та'зиядор кўч овул ёнидан, ёки йўлда бегона йўловчиларнинг олдидан ўтса, қора кийған қизлар шу сингари товш чиқарип йиғлаши керак эди.

Успон бундай ишларни қаёқдан билсин? У эсини танигандан буён ўз уйларидан ўлик чиққан бўлмаса, ўликни қандай қилиб кўмилишини, та'зия тутишни кўрмаган бўлса. Шунинг учун ҳам бу ўтиб бораётган кўч унинг кўзига қизиқ кўриниб, беихтиёр кулиб юборған эди. Гарчи Абайдан кўрққанидан бошини кўтармай турған бўлса ҳам, лекин отининг ёлига ёпишганича, кўзининг қири блан

қараб қўйиб, ичак-бағри уэилгудай бўлиб, ҳали ҳам кула-ётган эди. Олдинги икки қиз йиги бошлиши блан кейинда келаётган бешта қиз ҳам отларининг бошини уларга тенглаштириб олиб, аста-аста бостириб, йигига қўшилди.

Абай буларга қараши блан юраги арзиқиб эсанкираб қолди. «Бир нафас тўхтасанг нима бўлади?» дегандай, бармоғига қамчининг бояни илиб қўйган ўнг қўлини бе-ихтиёр кўтариб юборди, лекин ҳечнимма деялмади. Юраги қаттиқ уриб, ранги ўчиб кетди-да, мадори қуриб қўли шилқ этиб, саман отнинг ёнига тушди. Утиб кетаётган бешта қизнинг ўртасида ёли ипакдек оқ йўрға минганд қиз Туғжон экан. Кўкламдан буён Абай уни энди кўрди.

Эгнида қора ипак беқасамдан камзул, бошида янги қора камчат телпак, бўйнида бўшгина боғлаб қўйилган катта ипак рўмол, қулоғида исирғалари силкиниб келаётган Туғжон бир тўп қизларнинг ўртасида, худди юлдузлар орасидаги чўлпонга ўхшарди.

Туғжон қора ипак беқасам камзулининг устидан са-риқ шоҳи белбоғ боғлаган, ўнг қўлини ўша белбоғга қўйиб, белини ушлаб атрофга қарамасдан, баланд овоз блан йиғлаб борарди. Абай киприк қоқмай, нафас олишини ҳам унугиб, Туғжоннинг овозига қулоқ солиб турарди. Қизлар ўтиб кетаётганда, бошқа қизларнинг овози ичиди Туғжоннинг ипакдек майин овози алоҳида эшитилаётгандай бўлди. Шу овоз чиндан ҳам Туғжоннинг овозими? Буни билиш қўйин бўлса ҳам, Абайнинг назаридан, бу хилдаги бошқалардан айрилиб турган ўзгача овоз фақат Туғжоннинг оғзидангина чиқадигандай туйилди. Туғжон йироқлашиб кетаёттир. Унинг орқадан кўринишида ҳам, отда ўтиришида ҳам қандайдир бир латофат бор эди. Йўғон ўрим ялтироқ соchlарининг учидаги катта чўлписи қимирлаб шилдираб борарди. Ўша унтилмас баҳорда юракни ёндирган, ўшандан буён кўзини юмса ҳамиша қулоғида шилдираб: «Унутмадингми?» деб турадиган мана шу чўлтининг овози эди. Бу ажиб кўриниш гўё, қалин булат ёрилиб, ярқ этиб нурлик ой чиққандай туюлди. Абайнин эс-хушидан бегона қилиб, ўзгача бир нурга боз эгдиргандай бўлди. Лекин бу ҳис бир павасгина давом этди. Шунинг блан бирга ёш йигитнинг кўнглида бирқанча ҳислар қуюндеқ кўтарилиб, дилига ўзгача бир озор етказди.

Йнглаётган Туғжон Бўжейнинг қизлари, барча та'зиялик кўч, эгасиз қолган кийимлар, эгасиз қолган от-ҳам-

маси бир бўлиб, Абайга шу қавм-қариндошнинг қайғусини яна ҳам чуқурроқ онглатди. Қунанбойнинг қилмишини кечирмай, уни жанозага айтмай, дард-ҳасратига шерик қилмай кетаётган шу қадар кўп қавм-қариндош, Туғжондек гавҳари бўлган эл-уруғ гўё Абайларга «нари тур! Кўрма! Сенга мумкин эмас!» деятгандай туолар эди. Бу туйғи Абайнинг кўнглини синдириб, қаттиқ ўкситди. У, «менда нима айб» деб ўзига тасалли бермоқчи бўлди, лекин бу гап тасалли бўлмади.

Бир вақт кимдир туртиб: «Қетайлик» дегандай бўлди. Абай уйқудан уйғонган кишидай, гангид, ялт этиб қарди. Такежон экан. У Абайнинг аҳволини кўриб, афтини бужмайтирганича кесатиб:

— Ҳа, нима бўлди, нега сўлжайиб қолдинг? — деб кулди.

Абай қовоғини солиб, юзини силади. У йиғлаётганини кўзидан оғир томчилар оқиб бораётганини пайқамаган экан.

Қатта кўч аллақачон ўтиб кетибди. Ҳатто кўчнинг охири ҳам булардан хийла йироқлашибди. Такежон блан бирга ҳамма болалар қўзғолди. Боядан бери тойнинг бўйнидан кучоқлашганича хириллаб кулаётган Үспон ҳали ҳам кулаётган эди. Энди бошини кўтариши блан ёнидаги бир боланинг телтагини юлиб олиб, олдини орқасига қилиб кийди-да, хандон ташлаб кулиб, оқ тойини тепинганича кетди.

Үспон ўйинқароқлик блан бўлиб, оқтойнинг осовлигини ҳам унугиб юборган бўлса керак; бамайли хотир ўтирганича, тепиниб юборган эди, оқ той бир иргиб, мункиб кетди. Үспон тойнинг тизгинини ҳам тортолмай қолди. Тўсатдан ҳуркиб кетган той устидаги тентак болани осонгина улоқтириб урди. Үспон, гуп учуб тушган бўлса ҳам, шошиб қолмади. Тойнинг чилвирига ёпишганича туриб кетди; икки юзи қипқизил бўлиб, хириллаб кулганича иргиб яна отга миниб олди-да, қамчилаганича қуюн-дек учуб кетди.

Бошқа болалар ҳам отларини чоптириб кетишли. Абай блан Такежон шошмасдан, аста-секин йўлга тушди. Такежон ҳалиги гапининг устига яна бир марта инисига ўзининг катталигини кўрсатмоқчи бўлиб:

— Хўш, боламисан, ё хотинмисан? Нима гап ўзи, нега йиғладинг? — деди. Энди Абайнинг жаҳли чиқиб Такежонга киноя омиз:

— Катта бўлганингда топган ақлинг шуми? Ҳарқандай бўлганда ҳам жигар эмасми? Ҳўш нега ўзинг йифламайсан!— деди.

— Оббо, ўшани нимасига йиғладим? Жанозасига ҳам айтмади-ку? Шунда ҳам тушунмадингми?

— Ҳа, жуда яхши тушунибсан! Тушуниш ҳам гапми! Айтмаган тириклар, бунинг учун Бўжей айбликми?

— Бўжей отанг блан уришгани учун айтмади-да!

— Уришгани учун эмиш!.. Ўша уришга ким айбдор? Душманликни ким кўпроқ қилди? Ким оқ, ким қоралигини ҳам жуда яхши билар экансан!

— Яхши билай-бilmай мен отамнинг томонидаман! Отамга дўст бўлса, менга ҳам дўст, отамга душман бўлса, менга ҳам душман.

— Бўрининг боласи ақллик бўлгани учун бўрининг орқасидан эргашади демоқчисан-ку.

— Ҳай, сен ўзингдан-ўзинг нима деб алжиётисан? Ўзинг ҳам, дейман, ўша алжиб қолган энамнинг ақлидан бошқа ақл йўқ деб ўйласанг керак-да!..

— Сенчи, сен, отамдан ўрнак олиб, ҳечқандай ақл ўрганаётганинг йўқ!

— Ҳўш, нима демоқчисан? Мени саҳрова ўсган ёввойи деб ўйлайсанми? Онангни...

— Йўқол, «катта бўлдим» деганингда бор-йўқ ўрганинг шу сўкиш! Шўрлик мол боқучиларни, чўбонларни бекордан-бекорга сўкиб, зўровонлик қилишдан бошқа бирон фазилатинг йўқ!

— Вой, вой, жуда дурустсан-ку, тўхтаб тур, бола. Ҳали шу гапларингни отамга айтаман.

— Айтсанг, айтавер! Мен ҳам ҳали «алжиган» деганингни бориб энамга айтаман!

Шу ерга келганда Такежон ноилож Абай блан олишишдан бош тортди, аслида унинг катта тортишувга тоби йўқ, тезгина бебурудлиги очилиб қоларди. Отага бориб чакишига, отаси йироқда, яна қийин гап. Унинг устига ота бунинг гапини э'тиборга оладими, олмайдими? Бу томони ҳам бор. Аммо Абай суянаётган «энасичи» у кўп хатарлик нарса. Аслида Зере унар-унмас гапга ғазабланабер-мас эди. Лекин, бордию, онда-сонда бир жаҳли чиққундек бўлиб, қовоини солиб олса, ҳамаёқни заҳар босиб кетар эди. Мана шу йил кўкламда Такежон қўшнилардан бир кекса хотинни ҳақорат қилиб қўйиб хўп балога қолган эди. Бегуноҳ ҳақорат эшигтан хотин қаттиқ

ранжиб, йиғлаб Зере блан Улжоннинг олдига келган эди. Кекса эна қаттиқ ғазабланиб, куйиб-ёниб қарғаб, Такежонни ўша онда олдига чақиририб, кўп қаттиқ тергов қилган эди. Такежон энасининг қаҳратон совуқдек қаҳридан, тушиб кетган қовоғидан қўрқиб, тонмоқчи бўлди. Ниҳоят иш онт ичишга бориб қолганда, Улжон блан Зере баттар тутақиб кетиб, қари эна қўлидаги ҳассаси блан Такежоннинг бошига солиб-солиб юборган эди. Бу воқиа шу яқиндагина, яна келиб-келиб Такежон «йигит бўлиб қаллиғимга бораман» деб ҳозирлик кўриб юрган кунда бўлган эди. Ҳали гап талашиб келаётсиб, бу ишлар ёдига тушиб кетди-да, ҳалиги гапини бир илож қилиб ювиб кетмоқчи бўлди.

— Оббо, тур нари, бўлди-да! Онангни... — деб бир сўкиб олиб, саман отини қамчилаганича кетди.

Абай ундан қутилганига шукур қилиб, орқада қолди ва аста-секин келмоқда эди. Ҳалиги ҳисларни, Такежон блан гап талашиб келаётган чоғида айтган гапларини қайтадан эсига олиб шуларни чуқурроқ ўйлай бошлиди.

Уришиб келаётсиб, жаҳл устида бехосдан тилига келиб қолган бўлса ҳам «Бўрининг боласи ақллик бўлгани учун бўрининг орқасидан эргашар экан-да» дегэн сўзи энди ўзига бошқача бир ма'носи бўлган қалтис фикрдай туюлди. Ота-бободан қолган тайёр йўл-йўриқдан аста-секин бориш кимнинг қўлидан келмайди? Ўша йўлдан кета беришни йиртқич ёввойи ҳайвонлар ҳам билади. Киройи бўлганингга яраша, ундан бўлма, одам бўл! Ҳозир ёлғиз келаётган Абайнинг хаёлини шу фикр чулғаб олган эди. Энди у бир четда туриб бутуя ҳариндошларига танқид назари блан қараётгандай бўлди. Бу унинг ўзига бир ўзгача йўлнинг бошидай бўлиб кўринди. Шу сингари оғир хаёллар ичиди ҳалидан ҳали кўз олдиди Түржон гавдаланиб гўё «шу йўлдан юр» деягандай бўлар, дам ўтмай, ипакдек буралиб, жилва қилиб келиб, уни яхши одам бўлишга ундар, соф муҳаббатга, раҳмдил бўлишга чақиради. Борлиқ ҳаётни, одамзодни бирхилда севишга, бирхилда қимматли деб санашга чақиргандай, гоят қадрлик бир эзгу йўлга етаклаётгандай бўларди.

Шундай хаёлларга ботиб бораётган Абай, Боқоносга келиб қолганини ҳам пайқамай қолди.

Зере блан Улжон Бўжей овулларининг Жанибекка кўчиб келганини Абайдан эшитиши блан ўша куни кечади.

си Бойқушқарға Қунанбойнинг олдига тезлик блан одам юбориб ундан:

— Шундоқ рўпарамизга келиб ўтиришибди. Энди ҳаялласак бўлмайди. Қандоқ қилиб қавм-қариндошнинг юзига қараймиз? Фотиҳа ўқигани нима олиб борайлик? Яна Бойқушқар блан Боқоносдаги овул бирга борадими, ё айрим-айрим борадими? Тезлик блан шунинг хабарини берсин! — деб сўраши.

Қунанбой ҳам шуни кутиб турган бўлса керак, ўша куннинг ўзидаёқ ёнига Кункени, яна ўнтача кексаларни, ёш-яланг йигитларни олиб, кечаси Боқоносга етиб келди. Шундай қилиб, Боқоносдаги 20 га яқин овул тезлик блан ҳаракат қилиб, олиб бориладиган меш-меш қимиз ва сўйилладиган молларини ғамлашди. Ҳар овул олиб борадиган қўйлари, қўзиларини эрталаб сўйиб, тайёрлаб қўйди. Қунанбойнинг катта уйи та'зияга атаб меш-меш қимиз, сўйиш учун бир катта бия блан бир той олиб борадиган бўлди. Зере блан Улжон ҳам ма'ракасига сўйилсан деб, бир катта түя олиб борадиган бўлишди.

Бу ишларнинг ҳаммаси эрталаб, бия соғилаётган пайтда бартараф қилинди. Фотиҳа ўқигали кетаётган халқ айни туш қизигида бирқанча салт отлик — 50 та эркак, 30—40 га яқин хотин бўлиб, кун ботиш томондаги Жанибекка қараб йўл олди. Буларнинг ичидаги Абай ва Такежонга ўхшаш ёшлар, Ўспонга ўхшаш болалар ҳам бир тўда бўлиб кетишаётган эди.

Ҳамма от устида, фақат Зере, Улжон яна Сариқ опа деган бир хотин блан иккита ёш келин аравага тушди. Қунанбой бу аравани илгарироқ қўштириб, олдин жўнатиб юборди. Шу арава ярим йўлга етган пайтда, отлиқлар йўлга чиқди. Жанибек суви блан Боқоноснинг ораси кўп ироқ эмас эди.

Қунанбой ёнида бир гала хушомадгўйлари, Иргизбойлардан Мойбосар, Жақиб, Изиқуттилардек қариндошлари; бу кунларда Қунанбой тарафдори бўлиб юрган Жуонтаёқ, Қоработир, Тўпай, Тўрғай элларининг оқсоқол-қорасоқоллари.

Булар блан кетаётган аёллар бир тўп бўлиб, кейинроқда келиншаётир. Уларнинг ичидаги Қунанбойнинг катта хотини Кунке, кичик хотини Ойғиз ва Қолиқа сингари овсингиллар. Кексалардан — Тонгшўлпондек эналар ҳам бор.

Отлиқлар Қунанбойни олдиларига солиб, гала-гала бўлиб келишаётир. Бир нафасдан кейин булар икки қў-

нис ўртасидаги яйдоқ далани дод-фар'ёдга тўлатиб, ўнг томондаги баланд қора адирни бағирлаб, Жанибекка қараб ~~от~~ тутди.

Бу элнинг эскидан қолган урфи-одати шуки, ўлган кипига фотиҳа ўқигали боришнинг энг зарур шартла-ридан биттаси шу сингари узоқдан от қўйиб «Вой жигарим!» лаб додлаб келади. Буни аввало катталар бошлиши керак. Шунинг учун ҳам келаётганларнинг ҳаммаси Қунанбойнинг йиғи бошлашини кутиб турган эди. Энди Қунанбой йиғи бошлаб, тепиниб, от қўйиб кетганида орқада келаётган эркагу-хотинлар, бола-чақа баравар йиғи солиб, унинг орқасидан дув югурди.

Абай Кункедан туғилган акаси Қудойберди, чопар Жумагул, Жумабой, Такежон, Успонлар блан ўртароқда-ги бир тўпнинг ичидаги келаётган эди. Унинг ёнидаги кек-сароқ кишилар товушининг борича:

— Вой жигар-ри-им!

— Вой отам! Асқар тоғим!

— Қут баракам!— деб, йиғлайбошлашди.

Чопар Жумагул блан Такежон бўлса, дам отнинг ўёғига, дам буёғига оғиб, ўзларини отдан ташлаб юбор-гудай бўлиб товушининг борича йиғлаб кетишаётир.

Булар, кўринишда ҳақиқатда ҳам, икки букилган, эсидан айрилган, жигар-бағри эзилиб бораётган одамларга ўхшарди. Икки томонга оғмасдан тўғри чопиб бораётган Абай уларнинг ҳалигидай юзаки йиғисига ишон-мас эди.

Абай ёнида келаётган акаси Қудойбердига ўхшаб, тортиниброқ йиғлар, лекин чин кўнглидан «жигарим»лаб бораарди. Кам учрашса ҳам Абай шу акасини яхши кў-рарди. Ҳозир ҳам ўзини ўшанга қараб тутиб «шу нима қилса, ўшандай қилсан, дуруст бўлар» деб ўлади. Уввос солиб, тошқиндек келаётган отлиқлар Жанибекда, кўк майса блан қопланган яйлоқ далада тартибсиз турган беҳисоб овулларнинг устидан келиб чиқди.

Худди шу топда Зеренинг араваси ҳам тифиз турган овулларнинг ўртасидаги катта оқ ўтовга — Бўжей ову-лига етган экан. Қучоқлашиб, йиғлаб кўришаётганлар ўшалар бўлса керак. Белига қора боғлаган оқ ўтов бошига ўтвлардан айрилиб турарди. Отлиқлар беҳисоб овулнинг устидаги тепаликка чиқиб келиши блан та'зиядор овулни дарров таниди ва қай томонга йўл тутишни фаҳмлаб пастга қараб қўйилди. Уввос солиб, чинқириб

қаттиқ селдай келаёттир. Ўрталикда келаётган Абай оқ ўтовнинг ёнида узун-узун оқ ҳассаларига таяниб, икки букилиб, қатор турган ўттизга яқин эркакларни кўрди. Булар фотиҳа ўқигали келаётганларни қарши олиб, йиғлаб турган жон куярлар бўлса керак. Абай чопиб келиб, отдан тушаётгандагина таниди: ўртада турганлар Бойдали, Бойсол, Тусип, Қорашалар экан. Четроқда Болагоз, Бозорали сингари ёш йигитлар ҳам ҳассага таяниб, икки букилиб туришар эди.

Бирқанча ёш йигитлар юрганича ҳалиги от қўйиб келаётган катталарнинг олдини тўсиб чиқиб, кутиб олишди. Уларни қўлтиғидан олиб отдан тушириб, ҳалиги қатор турган эркакларнинг ёнига бошлаб кетишиди. Фотиҳа ўқигали келганларнинг ҳарбиини биттадан, иккита-дан йигит қарши олди.

Йиғлаётган Бойдали, Бойсолларни кўрганида Абайнинг бутун вужуди бўшашиб кетди. Отдан тушаётшиб, юрак бағри ээилиб, ўкраб йиғлаб юборди. Ҳалиги йигитлар эшикда эркаклар блан бирма-бир қучоқлашиб кўришиб бўлган, ҳали ҳам йиғлаётган катталарни қўлма-қўл олиб, оқ уйга олиб киришмоқда. Йиғининг каттаси ўша уйда, хотинларнинг олдида эди. Кўп эркаклар блан бирга уйга Абай ҳам кирди.

Катта оқ ўтовда бўсағанинг ўнг томонидан то тўригача тизилиб ўтирган хотинлар икки қўлинин белига қўйиб йиғлашаёттир.

Бўжейнинг катта хотини бошига қора рўмол ёпинган, ўртада ўтириб, товушининг борича йиғлаёттир. Унинг кўзларидан ҳақиқий алам ёшлари оқиб борарди. Ундан юқорироқда беш-тўртта қиз йиғлаёттир. Уйнинг ичи оҳузор, йиги-сиги, уввосга тўлган.

Йиғлаб кирган эркаклар, ўтирган хотинларнинг олдига чўкка тушиб, қучоқлашиб кўришиб, йиғлашарди.

Абай Қудойбердининг кетидан юриб, у кимнинг олдига борса ўша блан қучоқлашиб кўришарди.

Атрофда ўтирган хотинларнинг ҳаммаси блан кўришиб йиғлаш кўп вақт оларди. Яна бўсағадан тўргача ўтирган хотинларнинг ичидаги биронтаси бўш эмас. Шунинг учун Қудойберди, йиғлаганича, тўғри Бўжейнинг катта хотинининг олдига ўтди. У кўришаётган одамдан бўшагандан кейин Қудойберди бориб, қучоқлаб:

— Бош паноҳим, жигарим! — деб йиғлай бошлади.

Абай ҳам шу ердан бошлаб кўришиб, юқорироқда

ұтирган қызлар томонға ұтди. Үй ичидагилар, бир-бир күришиб, бир қатор йиғлаб олғанлардан кейин, ҳамма ұтирди. Эркаклар энди секин-секин йиғлашарди. Хотинларнинг ҳам күпчилиги йиғини тұхтатди. Фақат Бұжейнинг хотини блан ҳалиги бешта қыз ҳамон йиғларди. Бұжейнинг катта хотини күнглидаги бор армонини, эрта айрилганини, етим-есир бўлиб қолганини айтиб йиғлаб, ҳамманинг юрак-бағрини эзиб аста тұхтади.

Ундан кейин қызлар айтиб йиғлади. Уларнинг йиғисида күнгилни вайрон қиласынан үзгача бир оңанғ бор эди. Овозлари ҳам қуиб қўйгандек баравар чиқарди. Бешови ҳам узоқ йиғлашди. Бұжейнинг катта хотини йиғини тұхтатғандан кейин бошқа қызлар ҳам босилиб, энди, йиғини Бұжейнинг бўй етган иккита қизи олиб кетди. Булар онда-сонда аланталик «оҳ» тортиб айтиб-айтиб йиғлашмоқда эди.

«Вой отам... Болалари йўлда қолган отам... Орзуси ичиде кетган... Етим қилиб кетдинг, бизларни кимга ташлаб кетдинг... Зор йиғлатиб кетган отам!» деган ерларидан уйдагиларнинг ҳаммаси үзини тутолмай, ўқраб-ўқраб йиғлашарди. Абайга ҳам юракдан чиқаётган бу йиғининг энг оғир пайти шу бўлди. У үзини ҳеч тутолмади, тобора тўлиб-тошиб, ўқраб-ўқраб йиғлади.

Шу таҳлитда бироз вақт үттақ, икки қыз йиғига отасининг ҳәётлигига қилган эзгулик ишларини, унинг мардлигини қўшиб келди-да, бир нафасдан сўнг йиғини кўп қалтис томонға бурди. Энди улар Бұжейнинг үзини қўйиб, йиғига унинг қариндошларини қўшиб, ҳаммасининг номини бирма-бир айтиб келиб, уйдагилар жимжит бўлиб тинган пайтда, тұсатдан Қунанбойнинг номини тилга олишди.

Бу икки қызниң беомон йиғиси тұрда ерга қараб, туғофини қўзига тушириб, қовоғини солиб ұтирган Қунанбойнинг бошига ургандай бўлиб тушди. Бу йиғи, намоз сингари, уни бузиб бўлмайди. На сўз қотишнинг иложи бор, на тұхтатишнинг.

Икки қыз тоборо сўзларини аччиқ-аччиқ қилиб келиб:

— Еа бўлиб чиқдинг, Иргизбой,
Айбга бердинг бир қыз,вой!..

деб бир чертиб үтиб, яна бир нафасдан сўнг:

Унинг номи Қунанбой,
Югруклиги қулоңдай,
Чипорлиги илондай...

деб тешиб ўтди. Бу гап пойлаб туриб Қунанбойнинг ягона кўзига қамчин блан ургандай бўлиб тушди.

Қунанбойнинг ёнидаги катталар, яна бир бало чиқиб кетмаса гўрга эди дегандек, қимиirlаб қолиши. Ба'зилари йўталиб, ба'зилари тамоқ қириб безовталаниши. Лекин Қунанбой, тишини-тишига қўйиб чидади—сир бермади. Шу пайтда Абай уялиб, қисилиб кетганидан ўла-ёзди. У, уйдагилар блан кўришиб келиб ўтирганида, ўша ўтирган бир тўда қизларнинг ичиди Тугжон ҳам борлигини кўрган эди. У, рўмоли блан юзини бекитиб, Абай томонга хиёл орқасини ўтириброқ ўтирган эди. Абай айниқса шу Тугжондан уялди. Ичиди: «Ёпиrim, бундан кўра, ер ёрилиб, бизларни ютиб кета қолса-чи» деб ўтиради.

Шу топда тўрда ўтирганларнинг ичидан бирор томоғини қириб қўйди. Абай қараса, Сариқ опа экан. У жаҳли чиқиб, қовоғини солганича, бошига қора чопонини ёпиниб олиб, чўққайиб ўтирди-да, баланд овоз блан йиғи бошлади. У, айтиб йиғларкан, аввало Бўжейни хўп мақтаб, унинг яхшиликларини хотирлаб келиб, ниҳоят:

Бунда гарлар не дейди!
Яхшидан ёмон кўнайди.
Қадимнинг асиш кўзи эди,
Ўғирлаб кўмдинг Бўжейни.

деди.

Икки тарафдагилар ҳам бир-бирларига «айтамиш, ҳали бир гапирамиз» деб йиғиб юрган сўзларини шу аёлларнинг йиғиси орқали айтиши. Шундан кейин бу тўғрида сўз очган одам бўлмади. Икки қизнинг йиғиси яна бироз чўзилиб бориб тўхтади. Шу топда Зеренинг ёнгинасида ўтирган Ғабитхон домла чўкка тушиб, томоғини қириб олди-да, «таборакаллазийн»ни бошлаб юборди. Ҳамма жим бўлиб, сукут қилди.

Қунанбойнинг Бўжейга фотиҳа ўқиши шу таҳлитда бўлди. Хотинларни шу уйда қолдириб, эркак меҳмонларни та'зия кутилаётган бўш уйга олиб ўтиши. Уй эгаси — та'зиянинг бошлиғи Бойдали блан Тусип эди. Чой ва қимиз устида ҳам, овқат устида ҳам уй эгалари блан фотиҳа ўқигали келганларнинг ўртасидаги суҳбат сўнг даражада руҳсиз ўтди. Онда-сонда Бойдали блан Қунанбой бирон нарса ҳақида гап очишса ҳам, бир-бирларига сиполик блангина қисқа-қисқа жавоб қилишарди. Гарчи Бойдали Қунанбойнинг ииёласини ўзи олиб бериб, чойга са-

риғ ёғни ҳам ўз қўли блан солиб, унга эҳтиром билдириб ўтирган бўлса ҳам, яхши муносабати шугина бўлди. Улар очилиб-ёзилиб сўзлашишга нақадар уринишмасин, сўз қовушмас эди. Бу йил молнинг тўйиши, бу ерда ўтнинг қандай чиққанлиги ҳақида бир-икки марта гап кетди-ю, яна жимлик чўқди. Яна бир марта бир-бирига қўшни бўлган Қерей блан Найман әлиниңг шу йил ёзда бир-бирини босиб, баримта олиб, қирпичноқ бўлганлиги тўғрисида гап очилган эди, бу ҳам узоққа бормади. Кечқурун Қунанбойлар жўнашгунча ўртада танакор бўлган гап фақат шу бўлди холос. Фотиҳа ўқигали келганларнинг ҳаммаси ўша куни кечқурун ғамгин тортиб, бирон оғиз сўз қотмаганлари ҳолда яйлов-яйловларига қайтиб кетишли. Қунанбой ҳам, бир қарзидан қутилгандек, «Уҳ» деб, Кункени эргаштириб, Бойқўшқорга кетди. Йўл бўйи оғиз очиб гапирган бор-йўқ гапи фақат:

— Иzzат-икром қилмоқчи бўлсаларинг, Сариқ опангни иззат қилинглар,— дегани бўлди холос.

2

Куз келди. Уч кундан буён тинмасдан майдага ёмғир ёғаётир. Эл Чинғиз оша яйловдан қайтиб пичанни ўриб, қистөвда тўхтамасдан кузовларга томон келмоқда эди.

Жидебой, Мусақул, Қоровул, Шуйгинсув сингари бичани ўриб олинган қўриқларга овуллар тиқилиб кетди. Чинғизнинг кўп қиставлик узундан-узоқ бағри блан Қидир, Қизилшўқи, Бўрлидек ясси тоғларни ҳам, адир ораларини ҳам овул тутиб ётарди.

Халқ катта-катта ёзлик ўтовларни йиғишириб қўйиб, оддийгина кичик-кичик иссиқ ўтовларни тикди. Ҳарким ўз ўтовини иситишга ҳаракат қиласарди. Ўтовларга ўг ёқилди, қалин кийгизлар тутилди. Куз фаслида кичикроқ, қурм босмайдиган ўтовлар яхши бўлади. Қурби етган ҳарким шунинг чорасига киришган эди.

Кузонга кўчилганлигининг аломатларидан бири — қўй соғилмаслигидир. Қўзиллар катта бўлиб қелган, катта қўйлар блан бирга яйлар эди.

Фиди-ғиди гап, муноқаша излаб овулма-овул санқиб юрадиган эркакларда ҳам ўзгариш пайдо бўлди. Совуқ лойгарчилик уларни, иссиқ ағдарма этклар, қалин чакманлар, барра тўнлар кийишга, ёз бўйи минилган ориқ отларига дам бериб боқувдаги отларни минишга мажбур

қилди. Улар бу отларни авайлаб секин-секин юришар, тез-тез совутишар, ўқтин-ўқтин тун ошириб қантариб ҳам қўйишарди.

Мана шундай куз пайтида бирордан бирор ишқи тушиб қолган отни сўраб миниш, сотиб олиш, айрибошлаш деган гаплар кўп бўлади. Айниқса «куз олди йигим-терим чоғида бориб тўюлон чиқиб кетадими ёки тўсатдан кўчиш, узоқ юриш тўғри келадими» деб турилган пайтларда, чиниқсан пишиқ отларга қизиқиш, айниқса уни қўлга киргизишга уринишлар авж олади.

Хозир, кун ботиш олдида, ёмғирдан қўнишиб, отларни елдириб келаётган Мойбосар блан Қудойберди ҳам ёнларига Жумабой блан чопар Жумағулни олиб бир от важидан туғилган фавқулодда иш блан Қизилшўқидаги Қулуншоқ овулуга кетаётган эди. Булатлик куз ҳавоси кечқурунлари манзилни аниқ кўришга имконият бермайди. Шунинг учун қоронги тушмасдан етиб олайлик, деб қаттиқ юриб келишмоқда.

Қулуншоқ овули гўё бугун Қунанбой томонидан бир хабар келишини сезиб кутиб тургандай эди. Отлиқлар овул ёнидаги ялангликда намоён бўлиш блан, ўзининг «Бешқашқа»си блан тепаликда ўтирган Қулуншоқ дарҳол ўрнидан турди ва отлиқларни кўрсатиб:

— Ана келишаётир! Қунанбой одамларининг олди шу!— деди.

— Юриши ҳунук-ку!— деб, Бешқашқанинг каттаси Турсинбой ҳам, ўша томонга тикилди. Қулуншоқ:

— Қани, туринглар, энди ўтиришнинг фойдаси йўқ! Биттанг тезроқ бориб, Пушарбойга хабар қил! Олисдағиларга хабар беришга вақт тифизлиқ қиласди. Пушарбой бор Қотибаққа хабар қилсин!— дейиши блан Қулуншоқнинг тўрт ўғли — Турсинбой, Содирбой, Мунғисиабой, Нодонбойлар ҳам:

— Тўғри, Жигитек блан Бўкеншеларга ҳам ўзи хабар қиласди.

— Кўчириб кетиш қўлидан келадиган бўлса ҳаммаси етиб келсин!

— Ва'далари чин бўлса, сўзининг устидан чиқсин!— дейишиди. Бешқашқага Монос ҳам кўшилар эди. У ҳаммасидан кичиги. Монос аслида Қулуншоқнинг ўз боласи эмас, эрта етилган набира, Турсинбойнинг ўғли. Монос катталарнинг буйругини кутиб турди, ўзи сўз қотмади. У тезлик блан бориб, Пушарбой овулуга хабар етказмоқ-

чи, фақатгина келаётган тўрт отлиқнинг келиб тушишини кутиб турарди.

Мойбосарлар Қулуншоқ овулининг олдига келиб тўхтаганида тепаликнинг бошида ўтирган Қулуншоқлар ҳам ўша ерга етиб келишган эди. Ҳар икки томон ҳам истаристамас, совуқина сўрашишди. Лекин келганларни ёшиқда кўп маҳтал қилмай, Турсинбой, бошлаб:

— Қани, уйга киринглар! — деб, ҳаммасини катта ўйга олиб кирди.

Катталар уйга кириб кетиши блан Монос четдаги ўтовнинг ёнида турган бир семиз отга минди-ю, Қоровул томонга қараб, тасирлатганича от қўйиб кетди. У боядан буён фақат: «келаётганлар кимлар экан?» кўриб кетай деб, кутиб турган эди. Уларнинг ичидаги Мойбосарнинг берлигини кўрганидан кейин, дарров жўнаб қолди.

Мойбосар ғазабидан ёрилгудай бўлиб уйга кирди, белини ҳам ечмади. Қўқ эл тери тумоғининг бир қулоғини кинғайтириб кийиб, қамчинини икки буқлаб, белига таяниб ўтириб, кўзининг қири блан Қулуншоқларга бир қараб қўйди. Унинг ранги ўчган, бурун катақлари керилган, кўзларидан таҳқир ўти сочилиб турарди. У, ўтириши блан, Қулуншоқка ўқрайиб:

— Хўш, биродар, бу нима қилганинг, юборган чопаримни юга урдирединг? Нотўғри бўлса, арз қилгундек жой топмадингми? Ҳеч бўлмаса бир марта Мирзанинг олдидан ўтсанг нима бўлар эди? Унга ҳам ишонмай, унга ҳам ўзимни кўрсатиб қўяй дедингми? Тўнг бўйинлигингни кўрсатмоқчи бўлсанг керак-да! Кечагина пинжига кириб юрган қариндош эдинг-ку, хўш нима муддаонг бор? Қани, тўғри юзимга айтчи. Мирза бизни «қани нима демоқчи, ўз оғзидан эшишиб кел» деб юборди. Мана, ўғли Кудойбердини ҳам қўшиб юборди,— деди да, уйининг ўртасидаги ўчоқда ёнаётган сариқ қийнинг чўғига тупуриб юбориб, Қулуншоққа тикилди.

Бешқашқанинг тўрттаси лоқайдлик блан ерга қараб, чурқ этмасдан ўтиришарди. Мунгизбой блан Нодонбой бўлса, дурустроқ ўтиришгани ҳам йўқ. Булар четга чиқиб, чўққайганича керағага суюниб, бурунларини чакмонларининг ёқасига тиқиб ўтиришарди.

Қулуншоқ ерга ташлаб қўйилган кўрпачада ўтиради. Унинг ёнида, пастроқда ўтирган Содирбой Мойбосарга тик қараб турарди.

Қулуншоқ кўзини юмиб бироз ўтириди-да:

— Чопарингни урдирганимни айтасан, хўп, азизим, Мойбосар; бошимга ғам, молимга ғорат келтираётган ўз қилмишингни, мана шу Мойбосарнинг қилмишини нега айтмайсан? Мирзанинг кўзи кўрадиган бўлса нега олдин шуни кўрмайди? Нега сени тергамайди?— деди.

— Тескариликка олма! Тескари қараб кетма, тўғрига юр, оқсоқол! Мен сендан гина қилгани, ўртадаги низо'ни кўтариб ташлагали келдим.

— Тескари қараб кетма дедингми? Йўқ, мен юз ўғирмоқчиман. Сендан ажраб, ана у жони ачийдиган биродарларнинг ичига кўчиб кетмоқчиман.

— Бу ишингга розилик бермайман. Кўчишга рухсат ҳам бермайман! Мирза ҳам кўчмасин, кетмасин! Тўргай блан ўзим сўзлашиб, ўзим тушунтираман деб, салом айтиб юборди.

— Саломат бўлсин! Лекин энди воқиф бўлсин, кўчаман!

— Нима бўлди, оқсоқол?— деб энди Қудойберди ҳам гапга аралашди,— отам: «бу кўчиш бор Тўргайни мендан бегона қиласиган кўчиш. Қимдан айб ўтган бўлса, бирга ҳал қилайлик. Айтадигани бўлса айтсин, оладигани бўлса олсин. Қаерда учрашаман деса, ҳоҳлаган жойини тайин қилсин, лекин кўчишни оғзиға олмасин. Менинг душманларимнинг олдига бормасин!» деб юборди.

Қулуншоқ оғиз очгунча бўлмай, Мойбосар илиб кетиб:

— Хўш менга нима айб юкләётиран ўзи, қани айтичи! Чопаримни урдирган ўзинг эмасми?— деди.

— Мана шу бешта боламнинг ўртасида биттагина яхши от бор. Сен шуни сўрадинг, мен бералмаслигимни айтдим. Қулоқ солақолсанг нима бўларди, мендан нима гуноҳ ўтган эди, Мойбосар, «ушлаб кел» деб ҳалол молимга чопарингни юборибсан.

— Отни сўраган мен эмас, Мирза эди. Уша отга мана бу боланинг, Қудойбердининг ишқи тушиб қолган экан. Ўзининг ҳам «от минаман» дегани шу эди. Мен ҳам: «Қулуншоқ бир эркаликин кўтарар, ранжимас» деб юборақолган эдим. Хўш, нима бўпти?

— Эркалик! Қандай эркалик!

— Қул-кўтонга қилинадиган зўрликнинг отини алдашга келганда, «эркалик» қўйибди,— деб Турсунбой блан Содирбой кесатиб қўйди.

От важидан чиққан жанжални бартараф қилиб бўл-

мади. Баҳс тамом бўлиб, ўртада сўз узилиб, бир нафас жимлик чўқди. Бироздан сўнг Мойбосар Қулуншоқнинг ҳалиги барча Тўрғай авлодини бошлаб, Жигитек тарафига кетаман деган сўзига ёпишиб олди.

Бугун Қунанбой Қудойберди икковини юборганда топширган асосий иши ҳам шу эди. Бундан беш кун олдин бўлган от мажорасини, чопарнинг таёқ ейиб кетганини Мойбосарнинг ўзи атайин қўшди, негаким, шу гапларни уларнинг эсига солиб, тилини қисиб олмоқчи эди. Қулуншоқлар бўлса, бу тўғрида ўзларини айблик ҳисоблагудай эмас.

Булар от тўғрисида алам ўтиб, келган чопарни ўлгунча урганларидан сўнг ҳақиқатда ҳам Жигитек томонига: «энди бизни кўчириб кетсан» деб одам юборишган эди. Мана шу ивир-шивир гап бугун эрталаб Қунанбойнинг қулоғига етган эди. У Тўрғайдек яқин уруғни ҳам қанотининг остидан чиқариб юборишни номус билиб ҳалигиларни, бориб бу гапларни бости-бости қилиб келинглар деб, юборган эди.

Бўжей ўлгандан буён ёз бўйи икки тараф ҳам очиқ тўқинишларга бормаган бўлса ҳам зидан бор кучини сарф қилиб, элни атроғига тортиб, куч тўплаётган эди. Икки тарафнинг ҳам душманлиги, гарази тўлиб-тошиб бўғзига етган. Энди бўлмағур бир баҳона, арзимаган бир илгакка илингудек бўлса портлаб, ости-устин келай деб турган эди.

Бўжей борлигига Тўқмамбетда бўлган жангдан кейин катта жанжал бўлган эмас. Лекин шундан буён Жигитек, Котибақ, Бўкенше эллари бир бўлиб, Қунанбойга қарши бош кўтариш пайида зўр ҳозирлик кўраётган эди.

Бўжей ўлди-да, бу дард сиртдан қараганда бироз бўшашгандай бўлди, лекин кўринишдагина шундай, ҳақиқатда эса Бўжейнинг ўлими, аксинча, чипқоннинг кўзини бекитиб, маддалатган эди. Бўжей ўлими блан ҳам Қунанбойга ёв бўлиб юрган элларнинг сафини бириктириб кетгандай бўлди. Айниқса Бўжейнинг Бойдали, Бойсол, Қоратой, Тусип, Суюндиклардек узангидошлари тишини қайраб қолган эди.

Мана шундай пайтда Қунанбойнинг Қулуншоқ овулидан отоғлик «семиз от» сўратиши айни муддао бўлди. Қулуншоқ отни бермади. Бундан олдин ҳам Бойсол ва Пушарбойлар Қулуншоқни қўярда қўймай, ўз томонла-

рига тортиб юрган эди. Тұрғай авлодига Иргизбойлар қариндошлик жиқатидан яқынлиги қандай бұлса Котибақ авлоди — Бойсолларга ҳам шундай эди.

Бошқа вақтда бұлғанда Қулуншоқ семис отни Қунанбойга берган бўларди, бермай чораси ҳам йўқ эди. Эл тарозисини яхши онгламаган Мойбосар:

— Бермади, бу қандай гап? Тұрғайдан ололмасак, нима қилиб юрибмиз? Хафа бўлиб қаерга борарди? Борғанда қўлидан нима келарди? — деб, ўз бошимчалик қилиб, зўравонлик кўрсатган эди. Оқибати шу бўлди. Мана энди ғаразнинг юзини бира-тўла очиб ташлаб, кўкрагини кўтариб олган Тұрғай булардан айрилиб кетишини ҳам очиқ айтиётир.

Мойбосар Қулуншоқни бу фикрдан айнитаман деб хўп авради, лекин Қулуншоқ унинг сўзларига жавоб бермай, ба'зан индамай, бош тортабошлади. Энди унинг жавоб бермаётгани Мойбосарга кор қилиб, Қулуншоқларни илгариги алпозга солиб, қўрқитиб, эсини чиқариб юбормоқчи бўлди.

— Ҳой, Қулуншоқ оқсоқол, Мирзанинг кўчмасин деган саломини айтдим. Ўзим ҳам кўчма деяётиман. Ҳўп айтдим, ҳоргунча айтдим. Қани, оқсоқол, кўчмасликка сўз бер! Шуни эшитаману кетаман! — деган эди, Қулуншоқ жаҳли чиқиб, ялт этиб Мойбосарга қаради-да:

— Эндиликда менинг ҳам жавобим қисқа, Мойбосар, тўйдим, бўғзимга келди! Кўчаман дедим, кўчаман! — деб чўрт кесиб ташлади.

Бу сўзларга уйда ўтирганларнинг ҳаммаси ҳайрон қолиб, бақрайиб қолишли.

Мойбосар, жунуни қўзғаб, қамчининг сопи блан кўрпачани савалаб:

— Кимнинг олдига боришингни биламан! «Паноҳ, бўлишга яраймиз, тап тортма!» дейтган бўлса җерак! Қани, келиб чангалимдан олиб кўрсин-чи, Бойдали блан Бойсолнинг иштаҳаси катта экан, қараб турсин. Мўғиздек темир қозиқни ўша Мирзаларнинг қорнига қоқмасам! — деб вайсаб кетди. Кўзларидан ўт сочиб ўйноқлатиб: — кечаги Тўқмамбетдагидай қилиб, этакларини орқасига туғиб қўйиб, яланғочлаб туриб сазойи қиласман! — деди.

Бешқашқанинг ичидә энг закий, энг ўткири Содирбой эди. У бир ҳурпайиб, қаттиқ бўғилганича:

— Қўй, чироқ! Қўй, Мирз! Ўша можародан ким обрўй топди, уни аста атамай қўяқол! — деди. Худди шу

пайт, ёнига икки йигитни олиб, эшикдан Пушарбой кириб келди.

Пушарбой ўтган йил Тұқмамбетда Бұжейни ажратаман деб, Қунанбойдан таёқ еган эди. Шу блан бирга Бойсол бошлиқ бор Котибақнинг Жигитең томонига ўтиб кетишига сабабчи бўлган ҳам шу эди. Паҳмоқ соқоллик, барваста келган Пушарбойдан сра ўша таёқнинг алами чиқмас эди.

Пушарбойлар кириб келиши блан Бешқашқанинг ҳаммаси баравар қўзғалиб, бир ишга ҳозирланәтгандай қимирлаб қолишиди. Эшикда ҳам ўпир-тўпир эшитилаётгандай бўлди. Жумабой ичида: «Булар ким экан? Бу қандай кайфият ўзи?» деятгандай Мойбосарга қараши блан, эшикдан бирор дағал товуш блан:

— Ҳой, уйда ким бор? — деди.

Пушарбой товушининг борича:

— Келабер, мен борман! — деди.

Монос боллаб келган ўнтача йигит эшикдан отилиб кириб, тўрга ташланди. Боядан буён шу пайтни кутиб турган Содирбой, Мунгизбойлар ҳам Мойбосарларга ташланди.

— Иўқол! — деб ҳайқирганича, Мойбосар ўтирган жойида қамчин урабошлаган эди, Содирбой калла қилиб уни йиқитди-да, устига миниб олди. Қолган учтасини бошқалар юмалоқ-ёстиқ қилиб кетишиди. Чопардан ҳам кўра буларнинг ҳолига маймунлар йиглайдиган бўлди.

Пушарбой, Содирбой, Мунгизбойлар Мойбосарни хўп тепкига олишиди. Унинг йўлдошлари ҳам кўрадиганини кўрди. Фақат Қудойбердини Қулуншоқ сақлаб қолди, уни бошини этаги блан ўраб олиб, урдирмади. Индамасдан Мойбосарни тепкилаётган Содирбойлар уни ўласи қилиб уриб бўлгандан кейин:

— Эшикка олиб чиқ! Қани, эшикка олиб чиқинглар! — деб, эшикка сургаб чиқишиди.

Содирбой қичқириб:

— Бу ҳали «этакларингни орқаларингга туғиб қўйиб, шарманда қиласман» деган эди. Буники қуруқ гап бўлса, биз амалда кўрсатайлик! Еш, сидириб ташла кийимини! — деб чанг солиб, Мойбосарнинг этиги, шими, бор кийимини сидириб, қип-яланғоч қилиб олди. Ундан кейин бир уриб учирив юборди-да, устига чиқиб олиб: — сен нималар қилмадинг ўзи-а? Нега мунча ошиниб кетдинг? — деди уни муккасидан ётқизиб, — шарманда қи-

лиш мана бундақа бўлади! Темирқозиқ деган эдинг мана темирқозиқ!— деб, Мойбосарнинг кетига туюнинг қотган қумологиини қўйиб, бир тепиб ботириб юборди.— Номусинг бўлса бу кунингдан кўра ўл! Бу исноддан ўлганинг яхши!— деб, яна бир тепди.

Қунанбойнинг иниси блан боласини шу таҳлитда шарманда қилган Қулуншоқ овули ўша кечанинг ўзидаёқ уйларини йифиштириб кўчиб қолди. Кечқурундан буён Монос орқали хабар қилинган бирқанча Жигитек ва Кошибақлар бу овулнинг кўчи жўнай деялган пайтда лаклак бўлиб келишди-да, атрофини қуршаб-қўриқлаб олиб кетишиди. Буларни ўша кечанинг ўзида Қоровул сувининг у юзига ўтказиб, Тўрғайнинг кўп овулларини ўз тўпларига қўшиб олишди.

Кўч жўнаб, йироқлашиб кетгандан кейин Мойбосарларни қўйиб юборишиди. Улар кун чиқиш олдидангина отларини топиб олиб, Қунанбойнинг олдига Жидебойга тушга яқин етиб боришиди. Қунанбойнинг барча овуллари Жидебойда эди. Айланаси ўн чақирик келадиган Шиқўриқда Иргизбой, Тўпай, Жуонтаёқ, Қоработир элларининг беҳисоб овуллари бир-бирига тиркалишиб ўтиришарди.

«Мойбосар блан Қудойбердини Жигитеклар урибди. Қулуншоқ овулини зўрлик блан олиб кетибди» деган хабар бу ердаги элларга лаҳзада тарқалиб кетди. Қунанбойнинг шошилинч равишда берган буйруғи бўйича бир чой қайнарлик вақт ичидаги юз эллик йигит отга минди. Лашкар боши Изикутти, Оқперди ва Қунанбойнинг ўзи эди.

Жигитекнинг кўчиш-қўнишидан хабардор бўлиб турган Қунанбой айни туш пайтида, тайёр турган лашкарга буйруқ бериб, баравар отлантириди-да:

— Зўрликни, зўровонликни биздан кўрсинг! Жигитекнинг кўчини бос! Босиб олиб келинглар!— деб, Мусақул томондан четлаб ўтиб бораётган кўчга ёпирилтириб юборди.

Тўсатдан йигилган лашкар бу кўч кимнинг кўчи эканлигини ҳам суриштирмади. Қунанбой ҳам жаҳл устида, орқа-олдини ўйламай, «Жигитек кўчи бўлса бос!» деб, буйруқ бериб юборган эди. Кўч ҳақиқатда ҳам, Жигитек кўчи, лекин буларнинг ичидаги Бўжейнинг та'зиялик кўчи ҳам бор эди.

Қунанбой лашкарларини юбориб, ўзи орқада қолди. Қуроллик лашкар босиб бориб, кўчдаги эркакларни сўйил остига олиб тўқмоқлаб, тўзғитиб юборди-да, от ва сигир-

ларини босиб олди. Энди кўчнинг ўзига ҳужум қилмоқчи бўлиб ташланганларида бу кўчнинг Бўжейнинг кўчи эканлигини билиб қолиб, лашкар бошилар — Изикутти блан Жақиб бетлаб боролмай қолди. Бошқа йигитларни ҳам қайтарди. Эгасиз қолган та'зиялик отни етаклаб ке-таётган икки қиз, буларга қайрилиб ҳам қарамасдан, ба-ланд овоз блан йиглаганича кетаберди. Фақат Бўжейнинг хотини стининг бошини тортиб, туяларни ҳам тўхтатиб:

— Ҳой, юзи қоралар! Та'зиялик кўчни ҳам оёқ ости қиласанми! — деб қичқирди.

Қунанбой бу кўчнинг Бўжейнинг та'зиядор кўчи экан-лигини билиши блан:

— Кўчга тегманглар! Лекин кўч турган жойида тур-син, кетмасин! — деди.

Бўжейнинг кўчи тўхтаб бир ерга тўпланди-да, Муса-қулга жойлашди. Қунанбой лашкарлари қайтиб кетди.

«Бўжейнинг та'зиялик кўчини босипти! Арвоҳни ҳам ҳақорат қилипти» деган хабар ўша куннинг ўзидаёқ у томондаги овулларнинг ҳаммасига етиб борди. Шунинг блан ўша куни кечқурундан бошлаб, кун бўйи белида белбоғи бор эркакнинг ҳаммаси қўлига қурол кўтариб отга минди. Қуроллик лашкарларнинг тўпланадиган мар-кази қилиб, худди ўша Бўжейнинг овули турган ернинг устидаги Мусақул тайин қилинди. Қунанбойга қарши чи-қиб, беллашмоқчи бўлиб лашкар тўплаётган Бойсол блан Бойдали эди.

Ўша куни Қунанбой лашкарлари ҳам кун бўйи тин-масдан оқиб келди, Жидебойга қуйилаберди... Мусақул блан Жидебойларнинг ораси йироқ эмас, уч чақиримги-на. Шу икки води катта жанг майдонига айланадиган бўлди. Қунанбой шу ўртадаги уруғларидан ташқари буюк Чинғиз тоғининг Қидир, Шунай, Дўғаланг деган тар-моқларини макон қилган Тўғалоқ, Анет, Бекенди элла-рига ҳам қўш-қўш отлиқ хабарчилар юборди.

Бойдали блан Бойсол бўлса, Жигитек, Котибақ, Бў-кеншеларни батамом отлантириш блан бирга Қоратой-нинг эли Кўкшега ҳам ундан наридаги кўп авлодлик Мирза, Момой элларига ҳам одам югуртириди. Қуроллик сафга чақирилаётган бу эллар Тўбуқтининг чатишиб кет-ган йироқ қариндошлари. Агар Тўбуқтидан бирор ота кейин ўтган «Қўнғир» уран чақириб бор авлодини оёққа турғизадиган бўлса, ўшанда мана шулар ҳам Бойдали, Бойсолларнинг авлоди блан бирга турар эди. Бойдали

кұраётған ҳозирликнинг бири шу бўлса, иккинчиси худди шу кечанинг ўзида Тусипни Қарқаралига жўнатиш эди. Бойдали тезлик блан Қунанбойнинг устидан «элни тор-мор қилди, та'зиялик кўчга ҳужум қилди, Тўбуқтида қаттиқ жанг-қирғин қилаётир!» деб ўттизга яқин шикоятномалар ёздириб, унга ўзига қарашлик қабилалардаги муҳирдор одамларнинг муҳрини бостириб, пишиқлатиб Тусипга берди ва Тусипнинг қўйни-қўнжига пул тўлатиб ёнига беш йигитни қўшиб, қўш-қўш ёрдамчи отлар блан Қарқаралига жўнатиб юборди.

Бойдалининг бундан сўнгги қиласидан иши, қандай бўлмасин Қунанбойга қарши чиқиб тап тортмай олишиш, чекинмай урушиш эди.

Тонг отиши блан Қунанбойнинг Жидебойга йигилган беҳисоб лашкари от ўйнатиб, еру кўкни чангитиб, на'ра тортиб чиқишиди. Бойдали, Бойсол, Суюндиқлар ҳам лаҳзада отларига миниб, урон чақириб, бутун лашкарни оёқ-қа турғизди. Булар ҳам ғамини еб қўйган: отлари эгарлоғлиқ, сўйил чўқморлари ҳам тайёр эди. Кўкрак қериб, тап тортмасдан, Қунанбой лашкарларига қарши чиқишиди. Икки тараф ҳам, еру кўкни чангитиб, от қўйганичачуввос солиб найза ва сўйилларини ўқгалиб бетма-бет келиб, қаттиқ жанг қилиб ўтишиди.

Мана шу «Мусақул жангги» деб аталиб, кейин кўп замонларгача Тўбуқтининг эсидан чиқмай юрган бу жангга икки тарафдан ҳам кам деганда минглаб лашкар чақирилган эди. Соң жиҳатидан ортиқлиги бўлмаган Қунанбой лашкарлари неча марта ҳужумга ташланса ҳам, орқага қайтиб турди. Ҳарбир ҳужум қилиб босиб боришида ўнтадан, бештадан йиқилаётган ярадорларни икки тараф ҳам олиб кетарди.

Қанча олишса ҳам бир-бирини енгаолмаган лашкарлар, кечга яқин бориб, икки тараф ҳам орқасига чекинди. Иккинчи кун ҳам шу тахлитда яна бир-бирини енгаолмаслик блан ўтди. Кўпдан буён кўрилмаган бу даҳшатли, зўр жанг учинчи кунга қараб кетди. Худди шу учинчи кун туш пайтида Қунанбой юз элликтача чавандоз азаматларини югурик отларга миндириб, сўйилларини ташлатиб, ҳаммасининг қўлига ойболта, найза берди. У, икки кундан буён, Жигитекни енгаолмаганига қони қайнаб, ғазаби бўғзига келган эди, энди қон тўкишга борди. Қаттиқ қўллик, кеки кучлик Қунанбой енғандада ҳам шу йўл блан енмоқчи эди.

Душманнинг зўр кучларини ғафлатга солиб, олдинга тортиш ниятида аввалги кундагидек сўйиллик, чўқморлик лашкарларни олдин юбориб, уларни жўрттага орқага чекинтириб уруш олиб борди.

Жигитекдан, Котибақдан отилиб чиқиб, тап тортмай қувиб келаётган тўдалар бошқалардан айрилиб чиқиб қолди. Уларнинг бошлиғи Болағоз, Қулуншоқнинг «Бешқашқалари» эди. Котибақдан Пушарбой, Қорекеларга ўхшаш азаматлар эди. Булар Қунанбой турган тепаликкача босиб бориб, бетлашиб келган пайтда, Қунанбой пистирмадаги тўдаларни жангга солиб юборди. Упинг ўзи ҳам шуларнинг ичида эди.

Ойболталик. найзалик тўдаларнинг бошлиғи ботир Изикутти эди. Булар қўшилиши блан Жигитек томон ночор орқага чекинди. Қувиб кетаётгандарнида ўнтача йигитни найза блан санчиб туширишди. Изикуттининг ўзи қўлидаги ойболтасини кўтариб, Пушарбойнинг изига тушиб олди. Пушарбойни сақламоқчи бўлиб Қореке орага кирганди. Изикутти ойболтасини айлантириб унинг бошига солди. Болта, чап бериб қолган Қорекенинг бошига тегмай, бурнини сипириб тушди. Қопқора қонга беланиб чопиб келаётган Қореке Пушарбойнинг кўз олдида отдан қуллади. Жигитеклар ҳатто ўшани ҳам олиб чиқишаолмади, ёвга чап бериб қочаберишди. Қунанбой энди бостириб, ёқадан олиб «Жигитекнинг барча лашкарларини қочираман» деб ҳовлиққанича келаётган эди. Лекин худди шу пайт Жигитек лашкарларининг орқасидаги оқ адир томонда булатдек тўзон кўтарилиди. Адирнинг устини селдай қоплаб, от қўйиб келаётган беҳисоб лашкар кўриниб қолди.

Қунанбойлар бир жосусдан «Жигитеклар Қўнғир элигга одам чоптирипти. Момойнинг қуроллик лашкарлари келади деб, кўз тутиб турипти!» деган гапни эшигтан эди. Агар Момой келса Жигитек томон Қунанбойларни босиб кетар эди. Бу куннинг энг катта хавфи шу эди. Янгигина Қунанбойнинг хийласи иш бериб, ёвни суриси бораётганида, мана бу Момой лашкарларининг кўриниб қолиши қувиб кетаётгандарнинг юрагини ёриб юборди. Изикуттилар ноилож ўзини орқага олди. Тоғдан ёпирилиб келаётган лашкарнинг сони кам деганда беш юзга борар эди. Қунанбойнинг лашкарлари тўхтаб қолди, шу тўхтаганича кейинга чекинаберди. Жигитеклар босиб бормади.

Энг қизиқ жант бўладиган бир пайтда икки тараф ҳам орқасига қайтиб кетди. Қунанбой бугун қаттиқ алданганини билмаган эди, билганида ҳалиги босиб боришининг ўзида Жигитекни енгиб олган бўлар эди.

Учинчи кундаги жангда Қунанбой Жигитекни таслим қиласман деб турган бир пайтда Бойдали ҳам бир чора топган эди. Бойдали ҳам шу учинчи кунни ғалаба кунига айлантирмоқчи эди. Шунинг учун бир томондан «Қўнгир келади!» деган шов-шувни тарқатиб юбориб, иккинчи томондан ўзига яқин овулларнинг ҳамма тяяларини йифдириб келиб, қирғин жант қизиб турган пайтда, ўша тяяларни қаттиқ қувиб оқ адирнинг устидан туширди. Бу тяяларни Қунанбой томон лашкар гумон қилиб гангиб қолди ва орқага чекинди. Лекин Бойдали наиза, ойботта блан қуролланган лашкарларини бу душманинни қувиншга ундамади. Шундай қилиб учинчи куни кечқурун «Мусақул жангти» тамом бўлди. Тамом бўлганда ҳам Қунанбойниг енгаолмаслигини, Жигитекларнинг қарши чиқишига, бетма-бет олишишга қодир эканлигини кўрсатиб тамом бўлди. Буларни лашкар блан, зўрлик блан босиб ололмаслигига Қунанбойнинг кўзи етди.

Жант майдонидагилар тарқалди, лекин жант доврифи, олди қочди гап, қизғин баҳслар, ҳикоялар ҳамаёқни тутиб кетди.

Бошлиқларга келсак Бойдали ва унинг яқинлари ишонч блан, гердайиб гапирав, Қунанбой тарафдагилар эса кўпинча сукутда, дарди ичиди, тажанг кўринарди. Шунинг ўзи ҳам Қунанбой томондагиларнинг муроди ҳосил бўлмаганини кўрсатади.

Энди буёғи нима бўлади? Қўзғолон кўтариб, бетмабет келиб олишаётган элни қандай қилиб бўйсундиришкерак? Қунанбой шу сингари ўйлар ичиди гангиб қолди.

Орадан ўн кун жим-жит ўтди. У томондагилар «Қунанбойнинг тоғи емирилди, шохи синди!» деб терисига сифмас эди. Меҳмондорчиликлар, зиёфатлар, борди-келди авж олган эди. Мана шу умумий шодлик устида қуда тушишлар ҳам кўпайиб кетган эди.

Жигитекларнинг бу шодлиги бекор кетмади. Тусипнинг кетганига ўн кун бўлди деганда Тўбуқтига — Қунанбойнинг овуллига Қарқаралидан ўнбештacha қозоқўрис келиб тушди. Булар Қунанбойнинг овуллига келиб тушган пайтда Тусип ҳам Жигитек овуллига келиб тушган эди. Ҳалиги қозоқўрислар, турган гап, ўша Тусипнинг арзига

биноан Қунанбойни текширгали келган тұра бўлиб, қу-
ролли соқчилари блан келган эди. Бу келган аскарлар-
нинг бошлиғи Чернов деган чиновник бўлиб Қарқарали-
даги майорнинг топшириғи бўйича ишни тектиргани ўзи
келиди.

Тұрага аatab Жидебой блан Мусақул ўртасига ўнтача
уй тикилди. Тұра уч күн ётиб тергов олиб борди. Келган
кунидан бошлаб Қунанбойни ғазабига олаберди. У, очиб
айтмаса ҳам, чиройидан Қунанбойга оғасултон деб қара-
май, тергов остидаги айбдор деб қараётғанлиги кўриниб
туради. Кайфиятнинг шундай эканлигини билган Жиги-
тек, Бўкенше, Бўрсоқ, Котибақ эллари Қунанбойнинг ус-
тидан турлик-туман шикоятларни ёғдириб юборишиди.

«Сендан у гина, мендан бу гина» қилиб Қунанбой
томон ҳам уларнинг казо-казо бошлиқларини қоралаб,
уларнинг устига «одам ўлдирди! Огулларни босиб олди,
ўтлоқларни ёндириди, икки қат хотиннинг боласини ту-
ширди» деб турли уйдирма бўхтонларни ортишди. «Қу-
нанбой ана шундай расво эл блан олишди, шунинг учун
уларга душман бўлиб кўринди» деб Қунанбойни оқлашга
уринишиди.

Тұра бу ерда ажрим қылмади, икки тарафнинг ҳам
арзини эшишиб, ипга чизиб олди-да, учинчи күн кечқурун
Қунанбойга:

— Қарқаралига борасан, эртага эрталаб биз блан
бирга жўнайсан, ҳозирлан! — деди.

Турган гап бу ишнинг ёмонликка томон юз тутишининг
аломати эди. Қунанбой тұра олдидан қайтиб келиши
блан шу кечанинг ўзидаёқ, ўзига қарашлик яқинларидан
ўнтача одамни чақириб, кенгаш қилди.

Бу йигилишда Изиқутти, Жақип, Мойбосарлар, бола-
лардан Қудойберди блан Абай бўлди. Кенгашга Қунан-
бойнинг ўзи биш бўлиб, олда катта хавф турганини айт-
ди. Битта-яримта Ирсойга ўхшаш бўш-боёв кексалар
кўзига ёш олган эди, Қунанбой жеркиб:

— Кўз ёшиңгни кўрсатма, бас қил! Қўлингдан келса
маслаҳат бер, ёрдам қил! — деди.

Бунақа вақтда маҳмаданалик, сўзамолликнинг фой-
даси йўқ. Фақат йўл кўрсатиб, бир дурустроқ маслаҳат
бериш керак эди. Броқ бундай маслаҳат ҳечкимдан чиқ-
мади. Қунанбой дўстларининг сувга тушган юндеқ бў-
киб ўтиришларини кўриб, ўзи гап бошлади:

— Иш улуғларнинг терговига боради. Эндиғи ҳамма

бало қоғозда. Қоғоз деган нарса обрўйга ҳам, мартабага ҳам, дун'ёга ҳам қарамайди! Қўлларингдан келса, ўша томоннинг арзини тўхтатишнинг чорасига киришинглар. Бор-йўқни сарф қилиб бўлса ҳам, қоғозни тўхтатинглар. Орқамдан арза бормасин!— деди.

Бу ўтирган ёру-биродарлардан шунга ҳам чора топа-оладиган одам чиқмади.

Абай отаси атрофидаги одамлар шу сингари дўппи тор келганда нақадар хом-ғўр эканлигини шу кечагина аниқ билди. Шу онгача Абай йўл кўрсатиш, маслаҳат беришлардан тортиниб келган бўлса ҳам, ҳозир кўнглидаги гапини айтишга қарор қилди:

— Арза бормаслиги учун ёвлашаётган одамларнинг кўнглини топиш керак-ку!— деди.

Бу гап Қунанбойга ма'қул тушмай, Абайга хўмрайиб бир қараб қўйди-да:

— Оёғига йицил демоқчимисан?— деди.

— Йўқ, нега. Тортиб олинган нарсаларни бериш керак. Шундай қилиб, кўнглини тўлдириб, қоғозни тўхтатмасак, бошқа чора йўқ!

Қунанбой унинг гапини онглади-да, қани бу гапга бошқалар нима дер экан деяётгандай қараб турди.

Абайнинг маслаҳати бошқаларга ҳам ма'қул тушган-дай бўлди шекиллик, ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам гап айлантириб келиб, шу фикрни қувватлай беришди. Фақат Изиқуттигина очиқ қилиб:

— Жигитекнинг ҳам, Бўкеншенинг ҳам, Котибақларнинг ҳам дарди ер-ку, қистов-ку. Энди шу ерлардан бўлиб бериб, бир иложини қиласиз-да, қандоқ қиласиз!— деди.

Гапни ортиқча чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Бошдан-оёқ ма'носини ўйланса, Жигитекдан узр сўраш деган гап. Қисқаси бору-йўқни ўшаларга бериб, ялиниш деган гап. Гарчи бу иш Қунанбойнинг иззат нафсига қаттиқ тегиб, куйиб-ёниб ўтирган бўлса ҳам, шундай қилишга кўнадиган бўлди:

— Ер блан, мол блан тинадиган кўнгли бўлса, олиб тиясин! На чора, ҳаёт қандай кунларни солмайди кишининг бошига!— деб жим бўлиб қолди.

Қунанбой шу блан кўпчиликни тарқатиб юборди-да, Жақиб, Мойбосар, Изиқуттиларни олиб қолди. Уларга бу ишларни олиб борища кимлар танокор бўлаолишини айтиб берди.

Евнинг күнглини юмшатиш осон эмас. Тұғри Бойдалының олдига бүйин әгіб боришдан ҳам ёмон хүрлик бұлади-ми? Мана бу маслақат чиқмайдыган биродарлар шундай қилишдан ҳам тоймайды. Шу томонларини үйланған Қунанбой орада турадыған кишиларни ном-баном айтиб берди. Бири Тұғалоқ әлидан чиққан, күп ичидан пишган йигитлардан Бойгулақ, иккінчеси, Қунанбой блан ўртаси бузилиб қолған бўлса ҳам, кета Жигитекларнинг сафига келмай қолған Кўкшө элидан — Қоратойни кўрсатди. Ўртада туришга, Бойдалига шуларни юборинглар деди.

Аслида булардан пишиқроғи Қоратой эди. У аввало Қунанбой блан дўст бўлиб юриб, кейинчалик ундан қаттиқ хафа бўлиб кетган эди. Қунанбой ўша Қоратойга салом айтиб:

— Үлмасак ҳали кўп кўришармиз. Бир-биrimизга ишимиз тушадыған кунлар кўп бўлар. Яхшилик блан дидор кўришайлик! Бошқа нима ҳам дейман. Бориб шундай денглар,— деди.

Эртасига Қунанбой овулидагилар, бола-чақалари блан жимгина, шов-шув кўтармасдан хайрлашди-да ёнига ўзининг бешта йигитини олиб тўрага эргашиб отта минди. Буларнинг ичидан энг ишончлиси болалик чоғидан буён Қунанбойга йигит бўлиб юриб, сингишиб кетган Мирзахон деган йигит эди. У Қунанбойдан жонини ҳам аямас эди. Гарчи у Ескене деган узоқ элнинг одами бўлса ҳам, Қунанбой бошига шундай кун тушган пайтда, ишонадиган одами шу эди.

Қунанбой эл ичидан тўралар блан жўнаб кетди. Тўра кечагина шу элнинг улуғи бўлган Оғасултонга, нима учун олиб кетаётганини айтмади. Урнидан туширадими, ё ўрнида қолдирадими? Буни ҳам сездирмади. Бойдалилар бор-йўғини сарф қилиб, ҳеч бўлмаса шу томонини билишга уринишаётган эди.

Лекин, қандай бўлганда ҳам, кечагина жанг қилиб, элни босиб-янчиб юрган Қунанбой округга боришига мажбур бўлиб кетмоқда эди.

Шунинг ўзи ҳам Жигитек ва Бўкенше элларини қаттиқ қувонтирди. Уларнинг кўчасида ҳам байрам бўлиб, каттадан-кичик ҳаммасининг шодлиги ичига сиғмас, ўйин-кулгидан бўшамас эди. Бирлашиб қаршилик кўрсатган бу уч эл биратўла бир-бирига бағрини очиб, опоқ-чопоқ бўлиб кетишиди. Шу блан бирга энди Қунанбойни элга

келтирмаймиз, ўша ёқнинг ўзидан ҳайдатиб юборамиз, устидан ариза ташлаб сувнинг тагига чўктириб юборамиз; Бўжейнинг учини оламиз, арвоҳ қарғишига учратамиз!» деган гаплар ҳам авж олиб кетди. Шикоятномаларни тайёрлатиб, яна ўша Тусипни Қарқаралига жўнатадиган бўлишти.

Лекин шу пайтда Қоратой блан Бойгулоқ келиб қолди. Булар у ёққа тортиб, бу ёққа тортиб кўп уринганларидан кейин арза юбориш деган гапларни тўхтатдирадиган бўлишди. Жигитек элининг сўз эгаси Бойдали эди. Қоратой бор вазмини блан ўшанга ёпишиб олди-да:

— Қайтмайман дейишинг тўғри келмайди, ахир ўртага мана биз тушаётимиз. Бу қайтмаслик Қунанбойдек одамни ҳам ўқинтираётир, кўрдингми! Ундан кўра берадиган ерини ол, ҳақи кетган элларингнинг ҳақини олиб бериб, ками-қўстини тўлдир! — деди.

Бу хилдаги тортишув икки-уч кунга чўзилиб, кўп нари-бери бўлди-да, ниҳоят ўша Қоратойнинг дегани бўлди.

Лекин Бойдали ер тўғрисига келганда, истаган жоини талаб қилди. Қунанбойнинг ўн йилдан буён тишлаб, тирноқлаб юриб тортиб олган ерларидан ўнбеш қистовни қайтариб олди. Жигитек, Котибақ, Бўкенше, Тўргайларнинг ҳаммасига ҳам бирнечтадан қистов тегди. Лекин Қунанбойдан олинган ерларнинг ҳаммаси ўша элларнинг бошлиқларига, моли-ҳоллик, ўзига тўқ овулларга тегди. «Кўпнинг дарди, кўпнинг зори, кўпнинг ташвиши» деган гапларнинг ҳаммаси Бойдали, Бойсол, Суюндикларнинг ўзларининг қистов босиб олиши блан тамом бўлди. Халқни бўлса, шунчаки мол блан, минишга берилган от блан, сўйгали берилган сўқим блан, тана-турпоқ блан рози қилган бўлишти. Бу иш важидан Жигитекларга тўланадиган молни Ирғизбойларнинг бутун овули баравар бўлиб олиб тўлади.

Қунанбой кетгандан кейин ўн кун ўтгач, Жигитек томон оладиганини олиб тинчланабошлади-да, Қунанбойнинг орқасидан қувиб борган арза бўлмади. Қистов олиб, мол олган қабила бошлиқлари эл-элларга шу ишнинг ўзи ҳам ғалаба деб, яна кўп мол тарқатишди. Бу ўртада яна бирқанча кўк-қашқалар атасиб, хайр-худойига зўр бериб, шодлиги ичига сифмай, бир томонда ашулачи, бир томонда улоқ, бир томонда асқиячилар блан ўйин-кулги, хурсандчилик қилди...

Уруш босилиб, осойишта ҳаёт бошланиб, ҳарким ўзирикчилигига тушгандан буён эл Жидебой, Мусакул сингари қистовларни ташлаб, қуйига кўчиб келабошлиди. Ҳар уруг, ҳар овул ўз кузовларига жойлашмоқда. Бу ерда овуллар яйловдаги ёки қистовдагидек бир-бирига яқин ўтирамай, тарқалиб ўтиришади. Бу пайтда тўда-тўда овуллар аҳёнда бир дуч келмаса, кам учрайди.

Қунанбой овуллари ҳам бир-биридан узоқ ўтиришарди. Тўбуқтига қарашлик кўп увалар, бепоён далалар, беҳисоб адирлар ҳам шу «Бавур» деган кузовда. Халқ қиши тушмасдан, кузовнинг ҳўл ва қуруқ ўтини молига едириб, семиртириб олиш пайида бўлгани учун бир-биридан йироқда бўлишни хоҳлади.

Зеренинг овули бу йил кузовга йилдагидек йироқлаб кетмади. Жидебойдан уч манзил кўчиб, Есембойга етдида «кузни шу ерда ўтказиб, қистовга эртароқ қайтамиз» деб бошқалардан орқада қолди.

Бу йил куз хийла эрта келди. Ёғингарчилик ҳам эрта бошланди. Совуқ шамол эсиб, майда ёмғир шувалаб турарди. Афтидан қиши изғирини эрта турадиган кўринади. Қистовга яқинроқ ўтириши ма'қул. Шунинг учун Улжони кекса онаси блан болаларини ўйлаб, атайнин орқада қолган эди. Улжоннинг атрофида қўшини эллардан уттагина чоғроқ овул бор эди холос.

Абай отаси кетгандан буён уйдан чиқмади, лекин Жигитек томонининг ҳишиниб, ошиб-тошиб, зўр тантана блан ўйин-кулги қиластганидан хабардор эди. Йргизбойлардан теккан ўнбеш қистовни уларнинг ўзига тўқ каттлари босиб қолганини, ўша йўғонлар ўлжани бўлишда келишаолмай, энди бир-бирининг пайини қирқаётганларини ҳам эшитиб турарди. Бу гапларни эшитганида Абай, ҳарнарсани синчиклаб қарайдиган катта одамлардек, истеҳзо блан кулиб қўярди.

Шундай пок, шундай юксак нарса важидан пайдо бўлган жароҳатни ер блан, қистов блан даволаб бўлар эканми? Катталарнинг: «Элнинг кўзёши тўкилаётир... Халқнинг тинкаси қуриди, кўп сиқилди» деган гаплари кани? Абай шуларни ўйлаб, кўп қийналар, сиқилар эди. Нихоят «бу дард, бу аламларнинг ҳаммаси ўша одамларнинг жигилдони тўлдирилса босилиб, тиичланиб қолар экан» деган қарорга келди.

Абай шу нарсалар ҳақида ўйларкан, шу йил кузда барча катталарнинг нима эканлигини яхши билиб олди; билган сайин бош чайқаб, ўз-ўзидан ҳижолат бўларди; чуқурроқ ўйлаган сайин мийигида кулиб қўярди. Шунинг учун ҳам Иргизбойларнинг хўрлиги келиб: «Жигитеклар яйраб, яшнаб, хурсандчилик қилишаётир, биз Мирзанинг дардида ёниб, ташвиш тортаётirmиз, ана улар бўлса, ўйин-кулгидан бўшамайди!» деб, ич-ичидан ўртанаётган пайтларда Абай бу гапларга ортиқча этибор қилмас эди.

Шундай гапларни эшитганида Абай кўпинча, ўқ ўтmas совут кийиб олган одамдай, сукутини бузмас, кулимсираб қўяқоларди. Бу кунларда у барчадан бегона, ўз ҳолича юрар, ҳаётдан кўп дағаллик кўриб ўсаётганга ўхшарди.

Сўнгги кунларда Абай кўпинча қўлига дўмбира олиб гўзал кўйлар, нафис оҳангларни кўйлайберадиган бўлиб қолди. Абай бугун кечқурун отга миниб, бир айланиб келди-да, оналарининг уйига кирди. Уйда Фабитхон, Тажежон, Успон, бирнеча молбоқорлар ўтирган эди. Абай дўмбирани қўлига олиб, чордона қуриб ўтирида-да, ғоят ўткир, ҳажвалик бир ўлан айтиб берди. Бу ўланда у, ниҳоят ерларини қайтариб олган бўлса ҳам асти тинчимасдан, энди ер бўлиш масаласида бир-бирлари блан келишаолмай можаро қилаётган Бойдали блан Бойсолдан қаттиқ кулган эди. Бу ўлан ўлгунча аччиқ тил блан айтилган эди.

Абай айттан бу ўланни улар ҳузур қилиб эшитиб, қаттиқ кулиши. Ўланнинг сўзлари ма'қул бўлди шекиллик, Улжон «бу кимнинг ўлани экан ўзи» деган эди, Абай бепарвогина, жиддийлик блан:

— Бойкўшенинг ўлан! Уша чиқарган! — деди.

Бу ўлан Байкўшенини эмас, ўзиники эди.

Мана шу куз бўйи, айниқса қиши тушиб, Жидебойдаги уйга кириб олганларидан буён, Абай дўмбирага қаттиқ уринди. Унга та'лим бергали Биткенбой дўмбирачи, Таттимбет дўмбирачи деган отоғлик бастакорлардан та'лим олган кекса дўмбирачи ҳам топилди. Абай дўмбира ўрганаркан, шу блан бирга Бойкўкше чиқарган қилиб бирқанча ҳажвий ўланлар айтиб бериб юрди. Қистовга келиши блан, Фабитхон мулла Успон блан Смоғулларни йифиб яна ўқиш бошлаган эди.

Абай ҳам ҳаркеч шулар блан ўтириб, хийла вақтгача китоб ўқирди. Ба'зан Бобир, Навоий, Сўфиоллоёр син-

гари китобларни ўқиб, қўлига қофоз-қалам олиб, ўшаларга тақлид қилиб бирнарсалар ёзиб кетарди.

Уни «ишик ўти, ма'шуқа» деган дард етаклайберарди. Абай ҳали умрида ўша кўп эшитган ма'шуқа блан дидор кўришиб сухбат қилмаган бўлса ҳам, кўнгли блан ҳис этиб, тотиб кўрарди. Ҳаёлидан нари кетмай, бир нафас холи қўймай, алангаси тортиб турган бир офати жон бор. Туғжон... орага қонли жанглар, курашлар тушиб иккови икки ёқда қолиб кетди... Туғжон бир нафас ҳам Абайнинг ҳаёлидан нари кетмас эди. Шу йил қиши бўйи ёзган озми-кўпми ўланларининг ҳаммасини тортинчоқ, ботинолмайдиган юрак блан ўшанга атарди, Абай шу қиши «Алиф деб ой юзингга ибрат этдим»¹ деган бир ше'р тўпламини ёзди. «Оқ юзинг оппоқ экан, отган тонгдек» деган ше'рини тамомлади. Ба'зан ше'рларини дўмбирага солиб, Такежон ва Фабитхонларга кўйлаб берадиган ҳам бўлди.

Абай онда-сонда уйидан чиқса, оғзи қора сариқ тозини эргаштириб, қуён қувар эди.

Бир кун Чинғизга Қорашўқига бориб, Кункенинг овулида ётиб акаси Қудойберди блан бирга бўлди. Қудойберди ёш уйланган бўлиб, шу йил қиши унинг учинчи ўғли туғилди.

Қунанбой томонидан келадиган хабар аввало шу Кункенинг овулига келар эди. Илгарилар Оғасултоннинг кенгашлари ҳам мана шу катта хотинининг овулида бўлар эди.

Чинғизнинг бағрида ва бир тог оша водида Иргизбойлар ҳам, бошқа беҳисоб эл ҳам кўп бўлиб, турли хабарлар ўша ерга келиб туришининг сабаби ҳам шу эди.

Ўй ичидагилар отасидан дарак суруштирабергандариди, Абай атайнин шу ерга бориб, ҳархил гапларни топиб келар эди. Лекин хабар олгали келиш блан бирга, Кункенинг турли-туман ўринсиз гапларини ҳам эшитиб кетарди.

Қунанбой кетганидан буён Кунке Улжонни ёмон отлик қилиб Абайнинг олдида ҳам турли-туман гапларни айтаберарди. Гапининг холосаси: «Мирзанинг ҳоли нима? Қай аҳволда юрибди? Бу Улжоннинг эсига ҳам кириб чиқмайди. Агар уни ўйлаганида эрининг ёр-биродарларини

¹ Мазмуни: «Биринчи ҳарфимни ой юзингдан гула кўтариб ёздим»

Қариндош-уруғини йифиб, катта уйни Мирза боридагидек хонбозор қилиб ўтирган бўлар эди. Кўчадиган бўлса элдан айрилиб кўчади, хоҳласа Жидебойда ёлғиз қолади. Қолган элнинг бошини қўшиб, хайри-худойи қилиб, эрининг тилагини тилаб ўтириш ўрнига ўз тинчини кўзлайди. Йўқлаб келадиганларни кутиш ҳам, бутун чиқим ҳам бизнинг устимизга, тўҳматнинг ҳаммаси бизнинг бўйнимизда!» деб ёзғираберар эди.

Улжоннинг казо-казоларни ўз овулита йиғабермаслиги ҳам рост. Чинғизда беҳисоб эллар ўртасида бўлгани учун Кункенинг дастурхон ёзиб, меҳмон кутишининг кўплиги ҳам рост. Кунке айниқса Улжонга қараганда кўпроқ мол сўйиб, ортиқчароқ чиқимдор бўлаётганига чидамас эди. Бу ҳам кундошлик ғаразининг бир чигал тугуни-да...

Кунке ноҷор мол сўяди, чиқим устига чиқим бўлади. Бу чиқим ортган сайин оғриниб, ниҳоят, Улжонви овсин-ажинга, йироқ-яқин, таниш-билишларга, қариндош-уруғларга, ҳатто бола-чақага ҳам ёмонлайдиган бўлди.

Абай бу онаси блан сан-манга боришмас, унинг ҳалигиндай гапларини ҳам лоқайдлик блан эшишиб, ўша ондаёқ, унутишга тиришарди, чунки онаси Кункедан келаётган бу хилдаги гаплар акаси Қудойбердидан келмас эди. У ҳамиша Абай келганда суюниб қарши олар, жигар-жонлик қиласарди.

Абай Кункенинг гапларини ўз онасига етказмас эди. Лекин Қорашўқига ҳар бориб келганидан кейин, уйни холи топиб, энасига айтар, унинг блан маслаҳатлашарди. Энаси, Кункенинг сўзларини эшишиб туриб-туриб:

— Бу гапларга парво қилма! Ҳарким ўз билганича тириклик қиласди, бу кундошлик орқасида чиқаётган шум фе'лнинг изгирини! Кунке блан Ойғиздан шу сингари қўланса сўзлар чиқмай юрган эдими? Онангга айтмай қўяқол, ўзим тийиб қўярман! — дерди.

Айтганидек Зере бир кун Изикуттинӣ чақириб, Кункега бориб айт, ҳалигиндай гапларни гапирмасин, ундан кўра эрининг ёр-биродарлари, қавм-қариндошларининг ғамини есин,— деб, атайн Кункенинг олдига юборди.

Қунанбойнинг овуллари блан ёр-биродарларининг Қунанбойни кутиши узоқча чўзилди. Жигитек томондагилар олган ўнбеш қистовга Бойдали, Бойсоллар талашиб, бир-бирини бўлиб, аллақачон жойлашиб ҳам олишди. Кўрарда кўзи, отарда ўқи йўқ. Бутун куз ўтди-ю, Қунанбойдан

дарак бўлмади. Қиши ҳам ярмидан ошиб борарди. Ҳамон Қунанбойнинг келишидан дарак йўқ. У ҳар ой ёнидаги йигитларни галма-гал юбориб, мол олдириб кетар, хўжалик тўғрисидаги буйруқларини ҳам ўшалардан айтиб юборар, эсон-омонлигини билдиради, холос.

Ўз иши тўғрисида берган аниқ хабари шу бўлди: бориши блан Оғасултонликдан тушибти. Энди бунинг оқибати осонлик блан битадими? Текшираётир. Область юбормаётир.

Ҳақиқатда ҳам Қарқаралига янги Оғасултон тайин қилинди. Энди Оғасултон қилиб аввал бир Оғасултон бўлиб, кейин ўрнидан тушиб қолган Бўкей тўранинг авлоди Қусбек тайин қилинди. У, қайта ўрнига ўтирганидан кейин, Қунанбойга рўй-хуш бермади, негаким, Қунанбойда ўтган сайдовдан қолган кеки бор эди. Бунинг устига у, Боймурин орқали Бўжей тарафини қўллаб келаётган одамлардан эди.

Оғасултон алмашгани блан майор алмашмади. У ҳам Қунанбойга ола қарайдиган бўлиб қолди. Мана шу иккаласи куздан буён Қунанбойнинг ишини чўзиб, унинг устидан тушаётган чақиқ қоғозларни зиндан Омскга, корпусга жўнатмоқда, Қунанбойга билдирамасдан, терговни секин ўшаёққа ошириб юборишишмоқчи эди. Агар иш корпусга оширилса Қунанбойнинг ҳайдалиб кетиши аниқ эди.

Кайфият шундайлигини бир ойда аниқ билиб олган Қунанбой, энди Қарқаралидаги ягона жонкуяри бўлган Олшинбойдек одамларни ишга солди.

Үртага Олшинбой тушгандан кейин Қубек, ишини енгиллаштирадиган бўлиб, аввалги шахтидан тушабошлади. Лекин қоғозлар корпусга юборилиб қўйилган. Бунинг устига Омскдан келган чиновник блан жиғилдони тўлмайдиган майор ҳам бор эди. Буларнинг корини қилишни Қунанбой Олшинбойнинг ўзига топширди. Бу пора каттакатта пул, беҳисоб мол чиқариш деган гап. Қиши келиб, мол арzonлашди. Бунинг устига элдан семиз мол олдиришга йўл ҳам йироқлик қилди. Қунанбой ҳам, Олшинбой ҳам пулдан сиқилиб қолишиди. Худди шу пайтда, қишининг ярмида бирқанча киракашларга той-той маталар ортдириб, Семейлик¹ катта савдогар Тинибой Қарқаралига келиб қолди. У бутун Қарқарали халқи сўйган сўқимнинг терисини ёлғиз ўзи йиғиб олмоқчи бўлиб келган эди.

¹ Семей — Семипалатинск.

Тинибой Қунанбой блан Олшинбойни эл ичидә савдо-
сотиқ олиб боришда ўзига зарур бўлган мустаҳкам суюн-
чиқ деб билар эди. Бу савдогар халқа насияга мол бе-
риб, қўйини тўпроқ, тўпроғини ҳўқиқ, қўзисини қўй қилиб
олиш учун ўша элнинг йўғонларига суюниши керак эди.
Унинг халқдан оладиган молини хоҳ қўрқитиб, хоҳ тор-
тиб ундириб берадиганлар шулар. Тинибойнинг Қунан-
бойга яқинлашишидан мақсади шу бўлиб, бундан ташқари
ўтган йил Семейга келганида қуда бўлсан, яқинлаш-
сан, деб Қунанбойнинг қизига бир оғиз солиб кўрган эди.

У вақтда Қунанбой шаҳарлик савдогарга қиз беришни
ўзига ор билган эди. Юртнинг «отоғлик ерга бермади,
моли учун берди» деган гапидан қочиб, очиқ жавоб бер-
май, дудмал қилиб кетган эди.

Ҳозир пулдан қисилиб турган Қунанбойнинг қизига
Тинибой яна оғиз солди. Ўртада Олшинбой туриб, икко-
вини қуда қилиб, Қунанбойнинг Кункедан туғилган олти
яшар қизини Тинибойнинг ўғлига фотиҳа қилиб қўйилди.

Шундан кейин, Тинибойнинг ҳамёни очилди-да, ма-
йорнинг ҳам кўпиги пасаяборди.

Қунанбой «Омскдан келган Чернов деган чиновникни
йўлга солиб бўлармикан, пул олмаса нима қиласми?»
деб кўнгли ғаш тортиб юради.

Олшинбой блан Қасқа тилмоч иккови ўша чиновникни
алоҳида кутиб, икки кун меҳмон қилишди-да яхши
хабар олиб келишди. Олшинбой кулиб:

— Куздан буён шуни кўрсам, қонлик қопқонни кўр-
гандай бўлиб юрадим. Тилагингни бергур, асти иштаҳа
шуники эканку, ўзи ҳам кўзини юмиб, ютаберадиган хи-
лидан экан, толиқадиган ҳам, танлайдиган ҳам эмас.
Лаққасини бер деб, ноз ҳам қилмайди, қили-қилчиқни
қўшиб ютқизсанг ҳам йўқ дейдиган эмас! — деди.

Шундай қилиб, Қунанбойнинг иши пора блан учиқ-
ланиб, яхшилаб эми-дими қилиб қўйилди. Энди иш
фақат унинг устидан тушаётган қофозларни тўхтатиш-
да қолган эди. Худди шу вақтда, лоп этиб Омскдан буй-
руқ келиб қолди. Корпус майорга илгари олинган мате-
риалларга асосан Қунанбойни ҳам, унинг барча «ишини»
ҳам Омскга олиб кел деб, буйруқ юборган эди.

Энди Қарқаралидаги пора еб қўйган улуғларнинг
ҳаммаси исканжага тушиб қолди. Қунанбойни Омскга
юбормай илож йўқ. Бу орада Қунанбой яна тезлик блан
ўз овулига киши юборди. Қунанбой Омскга жўнар эмиш

деган хабарни эшитганда халқ, Қунанбой ҳайдалиб кетипти, кесилиб кетипти, деб тушунди. Жигитек, Бўкеншелар «Қунанбой кесилиб кетипти, ит қўшиб юриладиган ерга юборилипти» деб бир гап қилса, «йўқ, Қоф тоғига юборилар эмиш» деб бир гап чиқарап эди.

Қунанбой ўз овулларига айниқса онасига салом айтиб «қўрқмасин, бир сафар бориб келишга тўғри келиб қолди, охир хайрлик бўлар» — деб юборди. Шундоқ бўлса ҳам Зеренинг пинҳоний чекаётган қайфуси ортди. Тоат-ибодатдан, намоздан бош кўтармайдиган бўлиб қолди. Ба’зи-ба’зида намоз ичидаги «ёлғиз... ёлғизгина эди шўрлик» деб юборар эди.

Омскдан буйруқ келгандан кейин, Олшинбой, майор, Чернов ва Тинибой — тўрт киши ўтириб маслаҳатлашиб, қандай бўлмасин, аввало Қунанбойни Омскга жўнатиш керак деган қарорга келишиди.

Майор Омскга «юбордик» деб «Жигалик почта»¹ жўнатиб, ўзи ҳам, қоғозларни олиб, кетма-кет жўнайдиган бўлди. Йўлда бир илож қилмоқчи бўлишди. Агар йўлда иложини қилишаолмаса, Омскнинг ўзида тўғрилайдиган бўлишди. Ҳарқалай бориб уни қутқариб келишни майор ўз гарданига олди.

Шундай қилиб, Қунанбой Омскга жўнатилди. У қўйни-қўнжига пул тиқиб, озиқ-овқатини ғамлаб, булатга сапчийдиган отлардан запас қилиб олди-да, иссиқ чанага тушиб, уч йигити блан жўнаб кетди.

Лекин, ҳарқандай бўлганда ҳам, Омскга қараб юз тутгандан буён Қунанбойнинг кўнглига катта ғулғула тушиб қолди. Айниқса майорнинг дини бўлак, сири бўлак, уни билиб бўладими деб, порани кўп олган ва кўп ва’далар қилган бўлса ҳам ўшанинг ўзига ишонгуси келмас эди. Жўнаб кетаётган вақтида Олшинбой блан Тинибойга: «Ўшандан, ўша томондан баҳабар бўлинглар. Ҳаммасини гаплашиб, очиқ гаплашиб, менинг орқамдан тезлик блан бирорни юбориб, хабар қилинглар!» деди.

Олшинбойнинг кўккўз детан кўп абжир йигити уч кун деганда Қунанбойнинг орқасидан бир от етаклаб етиб борди. Ҳаво очиқ, чарақлаб кун чиқиб турган бўлса ҳам совуқ эди. Икки саман отнинг қалин ёли, узун кокиллари, узун думларигача қирор бойлаган, қаттиқ чопиб кел-

¹ Почтанинг тўхтовсиз боришига ишора қилиб почта аравасининг дуғасига ёки кучернинг қалпоғига жига тақиларди.

танидан вужудидан буғ чиқиб турарди. Қунанбойни ча-
надан күккүз тушириб, құлтиқлаб четроққа олиб чиқди-
да, шивирлаб бор гапни шипшитди. Бироздаң сүңг йигит
унга оқ йўл тилаб қолди. Қунанбойнинг югурик тройкаси
жўнаб кетди.

Қунанбой бу гапни фақат Мирзахонга айтди:

— Олшинбой, майорни Керекуда¹ кутинглар! Кутуб
олиб, у ёғига бирга кетинглар депти,— деди.

— Иш қилиб ўзи айниб қолмасмикан?— деди Мирза-
хон.

— Айнимас! Нега айнийди?— деб бироз жим қолди-
да,— лекин ҳали ўзимиз қиласидиган катта бир иш ҳам
бор, бир ботирлик кўрсатишимиш керак. Вақтида айтар-
ман, белингни маҳкам боғлаб турасан!— деди.

Майорнинг нияти дуруст бўлса нега Қунанбойни
Омскга олиб кетаётганига Мирзахон асло тушунолмас
эди.

Унга Қунанбой:

— Шундай қилиши керак! Қорпусга буйруқни бажар-
ғанини, мени юборганини, ўзи ҳам чиққанини, уларнинг
сўзини иккита қилмаганини кўрсатиши керак. Оқланиб
қайтадиган бўлсан Омск деган икки қадам йўл эмасми?
У томондан хавотир қилма!— деди.

Қунанбой Керекуда уч-тўрт кун ҳаяллаган эди, чи-
дан ҳам «пишган бош» майор қувиб етди. У келган куни
кечқурун Қунанбойни ўзи тушган ҳовлига чақириди.
Қунанбой Мирзахонни олиб борди. Майор ўзининг Кере-
кудаги яқин ошнаси қозоқлар блан борди-келди қилиб
юрадиган Сергей деган савдогарнинг уйига тушган эди.

Майор Қунанбой блан Мирзахонни ўша савдогарнинг
ясатуғлик холи уйидаги ёлғиз ўзи қарши олди. У Қарқара-
лида тилмоч тутса ҳам, қозоқчани авча билар эди.

— Хўш, Оскенбаич Мирза, энди ўзингни қоралайди-
ган қофозларни кўрмакчисан-ку, шундай эмасми?— деди.

— Қани энди, кўрсат! Лекин битта-яримтасини қол-
дирмасдан, ҳаммасини кўрсатасан-да!..

— О-о, кўрсатаман! Мен сени алдамайман! Олшин-
бойга ва'да берганман — кўрсатаман! — деб, майор эшик-
нинг илгагини солиб келди-да, сафар сумкасини олиб,
тахлаб боғлаб ташланган даста-даста қофозларни чи-
қарди.

¹ Кереку — Павлодар.

Майор қоғозларни чиқараётган пайтда, Қунанбой совқотаётгандек құлини бир-бирига ишқаб:

— Майор, уйнингиз хйла совуқ дейман, одам совқотаёт! Үт ёқтирангиз қандай бүлади! — деди.

Майор бир нафас үйланиб, қараб турди-да, хизматкорини чақириб, ўт қўйишга буюрди.

Хизматкор бир қучоқ ўтин келтириб печкага қалаб, гуруллатиб ёқиб юборди. Шу топда майор икки шиша конъяк олиб, закускаларини ҳам қўйди-да, Қунанбойга таклиғ қилиб, ўзи ҳам ича бошлади.

Қунанбой Мирзахонга ичириб, майорга ҳам «ич, ич!» деганича, гапни чўзаберди. Бироздап сўнг, ҳалиги печкага қалангтан ўтин ёниб, қипқизил чўғга айланди. Майор копъякни кўпроқ кўтариб қўйиб анча кайфи ошиб қолган эди.

Қунанбой стол устидаги қоғозларни туртиб:

— Майор, иккаlamиз бирга кўпгина ишлашдик, туз totишдик, энди мени қоралайдиган қоғозларинг бўлса, ҳаммасини чиқар! Ҳаммасини кўрсат! Дўстлигимиз шу бўлсин! — деди.

— Ҳаммаси шу, Оскенбаич, худо бор-ку... Ҳаммаси шу! Бошка қоғоз йўқ! — деди майор.

Қунанбой иргиб туриб, майорнинг икки құлини орқасига қайириб, маҳкам қучоқлаб олди-да, шошганича Мирзахонга: боши блан печни кўрсатиб:

— Тур, Мирзахон! Еқ қоғозларни, куйдир ҳаммасини! — деди.

Майор маст бўлиб қолиб ўз вазифасини унуганиданми, ё Қунанбой бир ёмонлик қилмоқчи деб чўчиганиданми, ҳарнечук олишмоқчи бўлиб юлқинган бўлди. Лекин ёшлигига зўр қиличбоз ўтган Қунанбой бўш келмади — майорни қимирлагани қўймади.

Мирзахон иргиб туриб бор қоғозларни қучоқлаб олиб борди-да, ўтга ташлади. Майор қутилаолмаслигига кўзи етиб:

— Э, Оскенбаич, қўйсангизчи! Законни қандоқ қиласиз, Оскенбаич, қўйсангизчи! — деб ёлворган бўлди. Бу мастиликми ё ўзини гўлликка солишими — билиш қийин эди. — Шундай экан-да? Қўйинг, куйдирмайлик, ҳаммасини бирдан йўқ қилмайлик! Мен қандай қиламан?

Лекин бу гапларни у чин қўнглидан эмас, Қунанбойга қўл келадиган бу чорани ҳали ҳам бўлса қимматга сотиш учун айтаетган эди.

Қоғозларнинг ҳаммаси лопиллаб ёниб, бироздан кеин, қоп-қора кул бўлиб тушди. Мирзахон блан Қунанбой печнинг оғзини ёпди-да, индамасдан бир-бирларига қараб, кулиб қўйишди. Майор ўтирган ерида, ухлаб қолган кишидай, кўзини юмиб, чалқасидан кетиб ётарди.

Қунанбойлар у блан хайрлашиб чиқиб кетишиди. Мехмонлар кетиши блан майор ирғиб ўридан турди. Унинг кўриниши ҳам, ҳаракатлари ҳам сергак эди. Бошини бир силкитиб, яна бироз копъякни ютиб, ишга киришиди.

Унинг эндиги шериги шу уйнинг эгаси Сергей эди. Улар эрталаб тузиб қўйилган режалари бўйича, ҳовлига чиқиб, Сёргейнинг кичикроқ бостирмасига ўт қўйиб юборишиди. Бостирманинг тагида майор тушиб келган катта чана, эгар-жабдуқ, ўша чанага ташлаб қўйилган эски намат, эски яшиклар ва бирқанча эски-туски қоғозлар ёнди. Бу ишларга Сергейнинг пишиқ саркори Мишка ҳам ёрдамлашиди.

Шу таҳлитда ўз ҳовлисига ўт тушириш блан Сергей майорнинг еган порасини ва ғайри қонуний ишларини ёпиб қўйди. Албатта «ол товоғим — бер товоғим» бўлади-да. Утган йил Қарқаралида Сергей хазинанинг пулинни еб қўйганда майор ҳам, шу сингари, ўт тушди деб, ўзи акт ёзиб, ўзи қўл қўйиб Сергейни қутқариб қолган эди.

Эртасига Сергей, ўз шаҳарининг жигилдон масаласида машҳур бўлган округ бошлигининг олдига бориб, ўзларига ма’лум йўллар блан гувоҳлар кўрсатиб, «қоғозлар куйди» қилиб, акт туздирди.

Шундай қилиб, орадан беш кун ўтгач, Қунанбой бир бошқа, майор бир бошқа бўлиб, Омскга, корпусларни кириб боришиди.

Корпус маҳкамаси Қунанбойни ўн кунча қисқа-қисқа тергади-да, ниҳоят, гуноҳсиз топиб, бўшатиб юборди. Майор ўз ишларини битириб, тинчгина округга қайтиб кетди.

Мана шундай йўллар блан оқланиб келган Қунанбой қайтиб Қарқаралига келиши блан «суюнчи» деб, Тўбуқтига чопар учиб кетди. Қунанбойнинг ўзи овулга кетишига шошилмай, Қарқаралида яна бироз туриб қолди.

Мирзахон Омск сафарини Олшинбойнинг овулидагиларга, сирни четга чиқармайдиган кўнгли яқин бошқа кишиларга ажойиб эртак қилиб айтиб берди. Унинг ҳижоясига қараганда, майор тиш-тирноғи блан Қунанбойга

қарши бўлиб, қоғозларни дастлаб чиқариб, унга кўрсатганда ҳам: «Мана, сени шулар блан йўқ қиласман, мана шулар блан бошингни ейман, бундан қандоқ қутилардинг» деб дўқ қилиб, мақтаниш учун кўрсатгаёт эмиш. Мирзахон майорни Қунанбойга қарши қилиб кўрсатиш блан бирга уни анқов, аҳмоқ, қилиб тасвирлади. Бунга ишонмаган одам қолмади. Ҳамма «худди шундай» деб, бири олиб, бири қўйиб сўзларкан, гарчи Қунанбойнинг «юрак ютгандек ботирлиги, усталиги» айтилмаган бўлса ҳам, ўз-ўзидан довриқ бўлиб кетди.

Мирзахоннинг бу эртаги ёнига қўшилиб, чатилиб биринчи чопар бланоқ Қунанбойнинг овулларига етиб борди.

Майор блан ҳам, Қарқаралишинг бор улууглари блан ҳам қайта топишиб олган Қунанбой, кўкламгача элга қайтмай, Қарқаралида ётиб, яна мансабдорликнинг кетига тушди, лекин эндиғи талаби Оғасултонлик эмас эди.

Қор кетиб, ердан майса бош кўтариб чиқсан пайтда Қунанбой Қарқаралидан чиқиб, Тўбуқтинга йўл олди. Бу келишида Тўбуқтинг старшини Мойбосарни ўридан олдириб, унинг ўрнига ўзи тайин бўлиб келаётган эди.

Бу хабар ҳам Қунанбой округдан чиқмасданоқ Тўбуқтига, овулларга етиб келган эди.

4

Шу кўклам Абайнинг кўнгли ҳаётнинг бор ғалваларидан, одамларнинг қайфу ва шодликларидан бегона, у қандайдир ўзгача бир пинҳоний дард чангалида бўлиб қолди. Бу дардга бутун юраги, барча ҳислари блан мубтало. Дўмбира ҳам, ёзган ше'рлари ҳам шу дардни кўйларди. Кўйлардигина эмас, ёш юракни арзиқтириб, тўлқинлататётган сирни изҳор этарди. Лекин изҳор қилинмаган дард кўп. Бу дардлар ҳали аллақайларда, ичкарида ётипти. Агар унинг кўксини титкилаб кўрадиган, тинглайдиган, илтифот этадиган бир одам бўлса ҳеч туганмас, тил блан онглатиб бўлмас, аламлик дарднинг ажиб кўйларини эшитарди. У кўнглида борини онглатаолмай энтиккан чоқларида, бошини қаерга уришини билмай, қийналиб:

— Ёрабби, энди қандоқ қиласман? Тил ожиз, сўз то-пилмайди! — дерди.

Уша айтилган, ёзилган ше'рлар шу кунгача Абайнинг ўзида, ўз юрагида, аталган кимсасига биттаси ҳам, би-

рортаси ҳам етган эмас. Етишига умид борми? Умид ҳам йўқ! Фақатгина алам чекиб тўлғанади, фақатгина ширин хаёллар ичидаги қулоғига гоҳ яқинлаб, гоҳ йироқлаб кетаётган ўша чўлпининг шилдираши аниқ эшишилаёттандай бўлади холос. Отуб келастган тонгнинг қизил шағифидек, жонсизгина шу'ласидек бўлиб, кўз олдидан ўша симо кетмайди. На хаёлидан нари кетади, на бир нафас холи қўяди.

Кун исиб, кор эрий бошлади. Меҳрибон онадек, ча рақлаган очиқ кунлар келди. Абай тоқат қилаолмай, отга миниб, боши оққан томонга қараб елдириб кетадиган бўлди. Топган баҳонаси — овчи сариқ този. Абай оувулдан чиққанидан кейин отининг бошини қўйиб юборар эди.

У, ба'зан, сариқ тозини унудиб қўяр, онда-сонда эсига тушиб қолганидагина қичқириб чақираварди. Гойда този қалин буталар орасидан қуён қочириб, текис ерга чиқариб қувлаб бораётганда ҳам, Абай лоқайдлик блан серрайиб тураберарди. Ба'зан този унинг кўз олдидаги қўённи пипалаб қочирмасдан турган бўлса ҳам, қарамасдан ўтиб кетиб қоларди.

Одатда този ов туттганда эгаси отдан тушасолиб, едирмай, айриб оларди. Абай ундаи қилмагани учун сариқ този ҳайрон бўлиб туриб-туриб, унинг узоқлашиб кетаётганини кўриб, ҳура бошлар, лекин бу ҳам кор қилмас эди. Този бу аҳволга тушунаолмай, ўз меҳнатининг шунчалик қадрсиз бўлганига койигандай безовта бўлиб, гоҳ эгасига, гоҳ қуёнга қараб югуради. Шунда ҳам Абай парво қилмаса ит орқада қолиб, тутган қуёнининг титигини чиқариб еб, ўлгунча тўйиб оларди. Абай бўлса, фақат този оғзи-бурнини қопқора қон қилиб, орқасидан қувиб етганидагина итнинг қуён туттганини пайқарди.

Абай ўшандаги ҳам юрак созининг кўйини узмас, чўзиб айтиладиган бир гўзал қўйни жони-дили блан қўйлаётгандай, ҳаёлинни бузмас эди. Қаршисидан ўтган йилдан қолган қуруқ ўтларни тебратиб майнин шабада эсганда Абай бошидаги тумогини олиб, хийла вақтгача юзини тутиб турди. Чинғиздан, Туйеўркешдан, Қоровулдан эсган ел ҳам унга қандайдир яқинлик шарпасини келтираётгандай бўлар, мулоҳим шабададек ором багишлардими? Ҳақиқатда ҳам шундай бўларди.

Бир кун Абай ёлғиз ўзи борлик блан йўқлик, туш блан таёл орасидек қандайдир бир кучли ҳис қуҷоғида турган

эди. Тұсатдан ёнига бир салт отлик елиб келди. Бу дашт-биёбонда пайдо бўлиб қолган йўловчи уни чўчитиб, уйғотиб юборгандай бўлди. Бу ёшгина бир йўловчи эди.

Қўриқ четидаги бир тепаликнинг этагига чиқиб турган Абай бу ёш йўловчига совуққина назар ташлади. Лекин у йигит, қадрдонлардек, кулимсираб, яқинлашиб келаберди. Яқинлаб келганда Абайнинг отини айтиб сўрашди. Абай уни энди таниди, таниши блан икки юзи ловиллаб, қипқизариб суюниб кетди.

Бу йигит Абай ўтган йил Түғжоннинг овулидан келаётган чоғида йўлда танишган Эрбўл экан. Абай ўзининг тұсатдан ўзгариб кетганига ҳижолат бўлди. Эрбўл буни пайқамади-да:

— Ов қилиб юрибсанми? Итинг қани? — деди.

— Ит шу ерда... Ҳозир шу чийнинг ичида юрган эди... — деди Абай, ити эндигина эсига тушиб орқасига қааркан.

Сариқ този шу пайтда чийнинг ичидан чиқиб, югуриб келаётгани эди. Эрбўл тозининг турқини кўриб, кулиб юборди.

— Дурустсан-ку, яхши овчи экансан! Овга шундай тўқ ит блан чиқадими киши.

— Йўғе, тўқ эмас эди!

— Нима бало, бу нимаси? Биқинини қара! Бунинг ўзи нима еган? Ҳозиргина ебди,— деб Эрбўл итнинг уёқ-буёғига қараб, тумшуғидаги қонни кўрди-да:—итнинг ов слагинни ҳам пайқамабсан-да, қўён ебди-ку! — деди.

Бироздан кейин Абай този ҳақидаги сўзни тўхтатиб, гапни бошқа ёққа айлантириди. Эрбўлдан айрилгуси келмай, гапни чўзиб, анча вақт бирга юрди-да, кейин уни овулга таклиф қилди.

Эрбўлнинг қўли бўш, овул-овулга бориб айланиб юрган экан. Абайнинг сўзини иккита қилғиси келмай бирга кетди.

Шу учрашганларидан бошлаб Абай Эрбўлни беш кунгача юбормади, уни яхшилаб кутди, турлик-туман ўйинлар ўйнашди, ҳикоялар айтишди. Кеч бўлди дегунча, ўлан айтишиб, хийла вақтгача ўтиришарди. Ўша кунларда Абай унга ўз ўланларидан ҳам айтиб берди. Шундай қилиб Эрбўл унинг энг яқин сирдоши бўлиб қолди. Абай умрида биринчи марта юрак сирларини шу йигитта айтди, бу ўланларни «Түғжонга айт» деди.

Шундан кейин Эрбўл Абайнинг ўланларини ёдлаб

олиб, ёш йигитнинг чин кўнглидан айтган саломини Туғжонга етказмоқчи бўлиб, жўнаб кетди.

Орадан ойдек чўзилган уч кун ўтгач Эрбўл Жидебойга қайтиб келди-да, Абайнин олиб Чинғизга, Түйеўркешга қараб ўйл олди.

Абайнинг бутун тиласи фақат бир мартагина Туғжон блан холи ерда учрашиб сўзлашиш эди. Эрбўл унинг шу орзусини Туғжоннинг янгасига Асилбекнинг хотинига айтди, салом блан юборган ўланларини айтуб берди. Туғжоннинг бу янгаси Туғжон блан ғоят сирдош эди. Гарчи шу кунгача қайин синглиси блан бегона йигит ўртасида турмаган бўлса ҳам, лекин шу гал бу иш унга ҳам ўзгача кўринган эди. Эрбўл ҳам сўзамол, айтганини қилдирадиган ўтлик-шўхлик, бама'ни йигитлардан эди.

Ҳарқалай ўша янга блан Эрбўл икки киши бўлиб, Туғжонга Абайнинг барча ўланларини эшилдириб, ниҳоят Абай блан бир марта учрашишга кўндиришди.

Сабр-тоқатидан айрилган Абай Түйеўркешга қандай етганини билмай қолди. Қош қорайиб қоронги тушабошлиган пайтда икки йигит тоғ орасидаги овулга Эрбўлнинг овулнига етиб боришиди.

Кичкинагина ғарибона қўрғонда Эрбўлнинг уйидан бошқа уй йўқ эди. Бу қистов Қоровул сувининг бу томонида. Суюндикнинг қўрғони сувнинг у томонида бир чақирим ерда эди.

Бу овулнинг катта-катта, баҳайбат итлари ҳуриб турар, мўриларидан қопқора тутун бўриқсиб чиқар, овул бадавлат овул эди. Лекин унинг одамлари Абайга душман. У ерга боришлик учун Қунанбойнинг боласига йўл йўқ.

Айниқса унинг қандай мақсад блан келганини билса қўлидан келган ёмонлигини аямайди. Осилбек, Адилбеклар бу атрофнинг ҳамиятлиқ мағрур йигитларидан. Улар душман ўғлиниң бундай мақсад блан келганини билиб қолгунлай бўлса, омон қўймайди.

Кайфият шундайлигини яхши билган икки йигит қоронги тушгунча, сувнинг бу юзида ўтиришди.

Қоронги тушгач, Эрбўл блан Абай отларини ташлаб, у томонга пиёда ўтишди. Овул уйқуда, итлар ҳам тинчиган, жимжит эли.

Эрбўл бир амаллаб секингина, ғичирлатмасдан мол-қўранинг эшигини очли-да Абайнин тая қўраға киргизиб ўзи қоронғида туртина-туртина чиқиб кетди.

Абай ўша зулматда қимирламай, дамини чиқармай тураркан, фавқул'одда бир шиддат блан ураётган юрагининг гупиллашини эшитиб турарди. Эрбўл тезгина қайтиб келди-да, унинг қўлидан ушлаб:

— Худо берди! Осилик бугун уйда йўқ экан! Ҳозир ушанинг ўтовига кирамиз! — деди секингина.

Абай астагина салом бериб, жиҳозлар блан тўла уйга кирганда, оппоқ дўндиққина янга каравот ёнида турар, Туғжон ерда кўрпачада ўтиради. Остонаядан тўргача яхши гиламлар солинган, ўтовни айлантириб гул кўрпалар, илак гиламлар тутиб ташланган. Бир томонга сурисиб қўйилган оппоқ шойи чимилдиқнинг ичидан қимматбаҳо суюклар қадаб ишланган баланд каравотнинг ярми кўриниб турарди.

Абай сўрашиб бўлгандац кейин мулозиматлик янга келиб, унинг тумоғини олиб, белбоғини ешди.

Туғжон шу қаттиқ хижолатдан титраган товуши блан сўрашаркан, қипқизариб, бўртениб кетди. Бир нафасдан кейин оппоқ оқариб, рангги ўчиб кетди. Эрбўл ёшлар bemalol ўтирсин дегандай қилиб:

— Энди мен у томонга ўтиб, отларни тайёрлаб турман! — деди.

Абай жимгина бош эгди.

Туғжоннинг янгаси ҳам чой тараддудини қилмоқчи бўлиб, эшикка чиқиб кетди, ўша кетганича қайтиб келмади.

Абай блан Туғжон ёлғиз қолди. Энди Абай нима дейишга ҳайрон, қандоқ қилиб сўз бошлишини билмай, сўнг даража ўнғайсизланди. Лекин зиҳн солиб кўрса, Туғжон жуда уятчан, жуда тортинчоқ, гўдакларга ўхшайди; бу аҳволда иккени ҳам шундай баҳтлик кечани беҳуда ўтказадиган.

Абай энгашиб, Туғжонга бироз қараб турди-да:

— Туғжон, менинг саломларимни эшийтдинми? Ҳаммаси фақат Сизга аталган, ҳамма сўзлари ҳам, қаттиқ изтироб чекиш орқасида туғилган сўзлар,— деди.

Туғжон астагина жилмайди-да:

— Эшиитдим Абай! Жуда яхши ўланлар ёзар экан-сиз! — деди.

— Мен оқин эмасман! Фақат ўтган йил сизни бир кўрдиму, шу дард, шу кўйларга мубтало бўлдим... Шундан буён бир нафас хаёлимдан нари кетмайсиз.

— Хаёлимдан нари кетмайсиз дейсиз-ку, лекин ўшандан буён ҳеч келмадингиз-ку?

— Қандай келаман? Элнинг аҳволини кўрмайсизми?
Бир кўришнинг ўзи ҳам орзу бўлди-ку!

— Тўғри! — деб Туғжон қизариниб ерга қаради-да: —
мен сизни бир кўрдим, кўч блан кетаёттанимизда, пай-
қадингизми, билмадим,— деди.

Абай шодлиги ичига сиғмай, хурсанд бўлиб:

— Туғжон, шуни айтинг! Мен ўштанд «бир нафас
тўхта, бир нафас тўхта» деб юбораёзиб, зўрга ўзимни
тўхтатиб қолган эдим. Кўрмади, кўрса ҳам әтибор қил-
май кетаёттир деб ўйлаган эдим. Туғжон сени унутиб
бўладими? — деб Абай, Туғжоннинг оппоқ нозик қўлидан
ушлади.

Туғжон қўлини тортиброқ четланди.

Шу кечаки икки ёш бир-бирига шу қадар севикли, шу
қадар дилбар эди. Икковининг ҳам фақат шу учрашиш,
суҳбатлашишдан ўзга тилаги йўқ эди. Гарчи кўритиган-
лари шу бўлса ҳам, кўп нарсалар ҳақида сўзлашиб
бир-бирларига нақалар интизор, нақадар меҳрибон экан-
ликларини онглатиди. Тонг отарга яқин қолганлагина
Туғжоннинг янгаси келди. У чой ҳозирларкан, яна бир
эшикка чиқиб кетганида, Абай Туғжонга яқинроқ келиб,
юзидан упди. Туғжоннинг икки юзи ўтдай ёниб қипқиза-
риб кетди, кучсизгина қаршилик қилиб, икки қўли блан
Абайнинг юзини ушлаб орқага чекинтирди. Бу қаршилик
эмас, уялиш эди. Абай интилиб, Туғжонни қаттиқ қучоқ-
лаб олди-да, ўнг кўзидан узоқ бўса олди. Бу онда Туғ-
жоннинг кучсизгина қаршилиги ҳам сезилмай кетди. У
бағрига босиб ўпиб турган пайтда Туғжон астагина сир-
гилиб, иссиқ юзини Абайнинг юзинга босди.

— Менинг ҳаётим! — деди, Абай.

Шу топда эшикдан Туғжоннинг янгаси кириб кел-
ди-да:

— Ераббий, азизим Абай, сизга қийин бўлмаса гўрга
эли! Муз кўчипти! Қоровул сувининг музи кўчипти!
Оtingиз қаерда эди? — деди.

Бу ваҳмалик хабар шундай ҳолат устида Абайнин чў-
читаолмади. Лекин Туғжон шошиб қолиб:

— Сувдан қандай ўтасиз Абай, отингиз қаерда? Бу
томонда қандоқ қоласиз? — деб, севикли дўстининг бо-
шига тушган бу қийинчиликни ёш қиз шу қадар сергак-
лик блан қарши олди.

Абай эндигина ўзига келди. Уйласа, ҳақиқатда ҳам
оти нариги томонда. Узи ёлғиз. Қоровул суви тентак. Бу,

томондаги овулда қолишнинг ҳисоби йўқ. Энди хаялласа қўлга тушади. Бу ерда қўлга тушмаса, тонг отиши блан сув бўйида кўзга чалинади. Бу осон гап эмас, неғаким бу атрофда, айниқса сувнинг бу томонида Абайни дўст деб қарайдиган, уни яқин кўрадиган биронта одам йўқ.

Абай шу томонларини ўйлаб, айниқса шундай хуш чирой блан қарши олган ёш аёлларни хавф остида қолдирмаслик учун тезгина кийиниб хайрлашди-да, чиқиб кетди.

Абай чиқиб кетаётган пайтда Туғжоннинг янгаси, бошига чопон ёпиниб, эшикни очиб олдин чиқиб кетди. Абай уйда қолган Туғжоннинг қўлини қаттиқ қисиб туриб:

— Қўрқма, Туғжон, бир илож қилиб ўтарман! Энди бундан буён хабарни Эрбўлдан кут? — деди.

Туғжон Абайнинг бағрига кириб, унинг бўйнига оппоқ билагини солиб:

— Хайр, унумта! — деди.

Туғжоннинг меҳмондўст, хуш фел янгаси Абайни әргаштириб қоронғида эшиккача олиб бориб:

— Азизим, бирга ўтиришга, сўзлашишга тўғри келмади, лекин дўстларинг борлигини кўрдинг! Бизни унумта! Фақат сувдан эҳтиёт бўлиб ўт! Хайр! — деди.

Абай бу келинчакнинг икки қўлини қўшиб ушлаб:

— Янгажон, унумтайман! Бу яхшилигинизни ўлгунумча унумтайман! — деб хайрлашди-да, кичкина эшикни кўп эҳтиёт блан очиб шошмасдан, салмоқлик қадам ташлаб кетди.

Қўрадан йироқлашиб кетгунча, Абайнинг хаёли ҳозиргина ўзи блан хайрлашиб қолган гўзал ва азиз жонларда бўлди. Кўз олдида ўшаларнинг симоси, кўкраги порлоқ нурга, чексиз шодликка, ҳақиқий бир бахтга тўлган эди. Олдида гулдирос солиб оқаётган, ўзгача бир тошқиннинг шовуллаши эшитилиб турган бўлса ҳам, парво қилмади. Муз қўзғалиб, тентак сув тошиб кетиди. Гоҳ гумбурлаб тош кўчиб, гоҳ шапиллаб муз ёрилиб, шовиллаб оқаёттир.

Абай сув бўйида бироз туриб, аҳволини мулоҳаза қилиб кўрди. Кечиб ўтишнинг ҳисоби йўқ. Қараса тонг бўзариб қолипти. Сувни бўйлаб, тўқай ичидан уёқ-буёққа бориб разм солиб кўрди. Ҳеч илож йўқ! Ҳаяллаган сайин кун оқара, атроф аниқ кўринаётир. Эл ўрнидан туриб чиқиши блан мана бу тошқинни кўргани келади. Айниқса

мол қўриқлаб кам ухлайдиган кексалар ҳаммадан олдин келишади. Суюндиқ овулининг атрофида Қунанбойнинг ўғлини пиёда юрган ҳолда кўришса, фақат бир қарорга келишлари мумкин.

Абай шунда ҳам қўрқмади. Юрагини қамраб олган шодлик бир нафас ҳам уни ташлаб, хавф остида қолганини сездирмади. Гарчи шу кунга қадар ёш бошига бундай мушкул иш тушиб кўрмаган бўлса ҳам, Абай ўз-ўзидан ажабланмади. Худли кўпни кўриб пишиб қолган катта кишилардек ўзини йўқотмас, шошмас эди.

У бир тўп сийраккина толнинг ичига яшириндида, толнинг панасида туриб, Эрбўлнинг қистови томонга кўз солди. Қараса, нариги томонда бирор аланг-жаланг килиб шошганича келаётир.

— Эрбўл! Ҳой Эрбўл! — деб қичқирди Абай.

Келаётган Эрбўл экан. У Абайга қараб, енгини пастга қаттиқ силкитиб, «буқин!» — дегандай ишора қилди. Абай буқинмай тураберди.

Қоровул суви қаттиқ тошиб кетган бўлса ҳам энгсиз эди. Эрбўл, бу мушкул ҳолга Абайнини худди ўзи дучор қилгандай, рангги ўчган ҳолда юрганича сувнинг бўйига келди. Абай чўчидими деб ҳам руҳи сиқилаётган эди. Лекин Абай унинг рўпарасига бориб, оғзининг таноби қочганича:

— Қани, қутқор энди! Мана бу Қоровул қўлга туширай деб турибди-ку! — деди.

Жар бошида турган Эрбўл бир сакраб сувнинг бўйига тушиб, Абайга қараб қичқириб:

— Сен шу толнинг орасида қимирламай туратур, ҳозир келаман, қўрқма! — деди-да, юрганича қайтиб кетди.

Эрбўл уйига бориб, бироздан кейин катта қизил ҳўкизга миниб келди. Абай унинг от блан келмаганига ҳайрон бўлди. Эрбўл келиб, ҳўкизни қамчилаганича сувга тушди. Ҳўкиз музлик сувга тушгуси келмай, кўп қиийқлик қилди. Ҳўкиз сувга бир тушиб олгандан кейин, ўёғига кетаберди. Сув у қадар чуқур эмас, лекин тез оқар сув, унинг устига яна муз оқаётир. Ҳўкиз музлик сувдан ўтишга дуруст экан, писанд қилмай сувни тўғри кесиб ўтди. Сувнинг у юзига яқинлашиб қолғанда, Эрбўл ҳўкизнинг бошвоғини улоқтириди. Абай дарҳол бошвоқни олиб, тортабошлади. Эрбўл ҳўкизни қамчилаганича, сувнинг бўйига чиқди.

Абай Эрбўлни қучоқлаб:

— Ҳой, от қани? Нега от блан келмадинг? — деб юборди.

— Отларни олиб келмадим. Ана у овулдагилар ҳозир туришади. Муз күчгани билишса ёпирилиб келишади.

Иккови қизил ҳўқизга мингашиб олиб, уни яна сувга солмоқчи бўлишган эди, ўжар ҳўқиз энди юрмай қўйди. Қаттиқ уриниш блан ярим соат ўтди. Диққати ошиб, чатнаб кетгудай бўлган Эрбўл қизил ҳўқизни сўка-сўка тинкаси қуриди-да, ниҳоят ҳўқизни ташлаб, тол орасидан бориб атрофга қаради. Кун чиқиши томон қизариб, олам ёришиб, ҳамаёқ қундузгидай кўринаётган эди. Бахтга қарши овулдагилар ҳали турмаган экан. Эрбўл атрофга кўз ташлаб олиб, юрганича кетди.

Абай бир нафас кутиб турган эди, ҳаш-паш дегунча Эрбўл қандайдир семиз кўк бияга миниб келди. Абай ҳайрон бўлиб:

— Ҳой, буни қаердан олдинг? — деди.

— Дамингни чиқарма, Суюндикнинг чўбони минадиган бия, ана у ерда ўтлаб юрган экан.

— Э, чўбон нима қилади?

— Нима қилгани блан нима ишинг бор?

— Қўйини нима қилади? Чўбони пиёда қолади-ку!

— Вой, хумпарей, чўбони эмас, пири пиёда қолмайдими! Сени душман қўлида қолдириб кетайми? Нима деяпсан ўзинг? Кел, тезроқ, мин! — деб гапни қисқа қилди-да, Абайнин оёғидан олиб, яйдоқ бияга миндириди. Абай дўстининг бу қадар жон Фидо қилаётганига, унинг гапларига ўзида йўқ қувониб, миннатдор бўлганидан:

— Эрбўл тушкурей! Қандай ярлақогур эдинг! Асли дўст сен экансан-ку! Унутилмас иш қилдинг! — деди.

Унгача қизил ҳўқизга миниб олган Эрбўл, ҳўқизнинг бошвоғини Абайга узатаётуб:

— Қани энди, Абай, гапни қўй, юр! — деди.

Кўк бия музлик сув ичидаги пишқириб, гандираклаб, тойғана-тойғана кетаётган бўлса ҳам, йиқилмади. Қизил ҳўқиз ҳам уни қора тортиб бориб, омон чиқди.

Икки йигитча сувнинг бу юзига ўтиши блан ҳўқизни ҳам, бияни ҳам қўйиб юборишиди-да, жарни ёқалаб хийла ергача биқиниб бориб, баландликка чиқишиди, сўнг, Эрбўлнинг уйига қараб кетишиди.

Уз қўрғонининг олдига етиб қолганда Эрбўл орқасига қараган экан, Суюндик овулининг ёнидаги тепанинг

боннага чиқиб, атрофга күз солиб, биясина излаётган ғұ-
бонни күриб қолди.

— Күк бия буқунги хизматини адо этди. Буқунча
қүйга бормайди, қүйни пиёда боқасан!— деб кулиб
қүйди.

Абай уйға кирмади, отни әгарлатиб, Эрбұлдан ғоят
миннатдор бўлиб, чин дустларча хайрлашди-да, Қоровул
сувини ёқалаб, отини елдирганича кетди.

5

Қунанбой Қарқаралидан келганида элнинг олди уй-
лардан ўтовларга күчиб чиқишиган эди. Ҳар қистовнинг
олидидаги кўкламзорда оппоқ-оппоқ, сурранг ўтовлар кў-
ринарди. Чол-кампирлари бўлган уйлар ўтовларга бутук-
лай кўчиб чиқишимай, ҳавоси кенг ўтовларга ёшларгина
чиқишиган эди. Янги туғилган қўзилар, бўталар, бузоқлар
ҳали ҳам қўра деворининг тагига, офтоб тушиб туради-
гаи ерларга тиқилишарди.

Езининг ҳиди келиб қолган овул ҳудди қўл блан беза-
тиб қўйилгандай кўринар, қандайдир ёшлик нафасига,
энди туғилаётган ҳаётга тўлган; ғоят гўзал турли-туман
мурғақ қўзилар, улоқлар қуёш нури остида ўйноқлашиб
тинмай ма'рашарди. Юнги ҳилпиллаган бўталар ҳам кў-
ринарди. Йилқи ичиди қулоқлари узун-узун, жингалак
жунлик, ширингина тоғчоқлар ҳам кўпайған эди. Үзини
тутиб олган бузоқлар ҳам думини гажак қилиб, тинмас-
дан, ўёқдан-буёққа чопиб ўйнашарди. Мана шундай энди
бўртиб, униб келаётган жонли олам ҳаёт тантанасини
кўйлар эди.

Қунанбойнинг ҳар икки овули ҳам Жидебойда. Ҳар-
икки уйда ҳам қисир биялар соғилар, эртаю-кеч ялтироқ
қора саночларда қимиз етилиб турар эди.

Фақат Қунанбойнинг ўз овулларигина эмас, Иргизбой
авлодидан бўлган Тўпай, Жуонтаёқларининг ҳам кўп
овуллари Қунанбойни зўр тантана блан қарши олди.

Бирнече кун давомида суюнчи сўраб елиб-югуриб
юрган қариндош-урӯслар энди гала-гала бўлиб, Қупан-
бойни кўргани келишар, эшикдан салом бериб келиб,
қучоқлаб кўришиб, меҳмон бўлиб кетишар, сўнг, Қунан-
бойни кўп одамлар блан бирга зиёфатга чақириб, эртаю-
кеч меҳмон кутишдан бўшамас эдилар. Бу йил қиши ду-
руст келиб, яхши ўтди. Сургўштлар ҳам кўп. Қунанбойга
атаб, бўрдоқига боқилган семиз қўйлар, қисир онани

Эмиб семирган тойлар ҳам күп эди. Дун'ёдор биродарларнинг кўпчилиги Қунанбойни чақирганда мана шундай нарсаларни сўйишарди. Уни кекса оналари, хотинлари, бола-чақаси, барча қариндош-уруғлари блан бирга чақиришарди.

Зере ўғлига атаб қўйган кўк қашқани сўйди. Қунанбойнинг ўзи ҳам кўк қашқа атаб қўйган экан. Уни Кункенинг овулида сўйидирди. Бу таҳлитда усти-устига қашқа сўйишдан мақсад эл йигиб, қабила-қабиланинг яқинини-яқинга, ётини ётга айириб саралаб олиш эди. Жафо чекиб келганда, шодланиб қарши олганлар ким? Қувониб қарши олмаганлар ким? Мана шуни билиб олиш эди.

Мана шундай ма'ракаларда катта-кичик қабилаларнинг бошлиқлари, оқсоқол-қорасоқоллари аралashiб, қуралашиб кетиши.

Уша куза жангга аралашмай холис қолган Кўкше қабила бошлиғи Қоратой Қунанбойни шодланиб, қучогини ёзиз қарши олиб, энди унинг пинжига кириб олди, кечаю-кундуз ундан бир нафас айрилмади.

Кечагина «бадарға бўлди, енгилди, улуғликдан, бегликдан айрилди» дейилган Қунанбой, эсон-омон келдигина эмас, старшин бўлиб келди. Турли миш-мишлар дарров хотима топди.

Шу блан бирга Мирзахонлар келиб ҳикоя қилиб берган Қунанбойнинг ботирлиги ҳақидаги эртак ҳам атрофга дарров тарқалди. Бунинг устига мана бундай қўл қовиштириб кутиншлар, зиёфатлар, устма-уст сўйилаётган оқ қашқа, кўк қашқалар фақатгина Қунанбойнинг келганига қувонгандикдан эмас, бундан мақсад яна бошқаларни сафга тортиш, фотиҳани ўртага солиб қайтадан топишиш, тарқалиб кетганиларни қайтадан йиғиши, камчиликларни тўлдириш — қисқаси уларнинг кўз олдидага ўзининг аввалги обрўйини тиклаб олиш эди.

Мана шундай бошқаларга кўрик, ўзларига ҳузур бўлган зиёфатлар ярим ой давом этди. Бу пайтда бутун эл қистовларидан кўчиб, кўкламда турадиган жойларига қараб кетмоқда эди. Энди овуллар ҳам бир-биридан, куздагидек, йироқлашиб ўтиришарди. Энди ҳар кун тўдатўда бўлиб Қунанбойнинг уйини босаётган меҳмонлар ҳам анча пайсаллаб қолди. Шундан кейин Қунанбой меҳмонлардан ортиб бола чақасига қолди.

Қунанбой ҳозир водига жойлашган Улжоннинг овулда уч-тўрт кун меҳмон бўлди. Кункенинг овули ҳам

буларга яқин ерда зди. Абай шу күнларда отасининг сочидаги оқи кўпайиб, юзини ажин босганини пайқади.

Тушлик овқат чоғида Кунке, Қудойберди, Ойғизлар Улжоннинг уйига йиғилишиб ўтиришарди. Қунанбой Зерега қараб бутун оиласига тааллуқли бир гап гапирди. Уша узоқ сафарда юрган чоғида қылган армонини айтди; Шу йил Қунанбойнинг ёлғизлиги ўзига қаттиқ билинибди. Ўйлаб қараса, қўллаб-қўлтиқлайдиган оға-иниси, суюнчиғи йўқ экан. Болаларининг ҳаммаси ёш, ундан кейин болаларини ўйлантириб, набираларини эркалатиб ўтирадиган ёшга етган бўлса ҳам, дун'ёнинг шу қизифини кўришни кечикитириб юборган экан. Шундай қилиб энди болаларимнинг орзу-ҳавасини кўрсам, деган фикрга келибди.

Унинг бу ниятини Зере бошлиқ ҳамма оналар шодлик блан қарши олишди. Орзу-ҳавас нима? Буниңг оқибати нима бўлади? Бу — етилган ўғилларни ўйлантириш, сўнг набираларни севиб, эркалатиш деган гап. Бу иш ҳарқандай одамнинг кўзига ҳам баҳт-саодатдай кўринадиган нарса. Сўз орасида Қунанбой: «шу сафар, аввало худо қолаберса, суюнчиғим қудаларим бўлди. Ҳалол дўстликни, ҳақиқий одамгарчиликни ўшалардан — Олшинбой, Тинибойлардан кўрдим. Яна Тўбуқтидан терговга кетаётган чоғимда йўлда Тасбўлат авлодидан бўлган Бойтос ҳам кўп яхшилик қилди» деди.

Үйдагилар Бойтоснинг номини илгари эшишишмаган зди. Қунанбой ўша сафарга кетаётган чоғида, бир ишни кўнглидан ўтказипти. Бойтоснинг Эркежон деган қизи бор экан, шуни думбул Успонга айттириб қўяқолипти. Утирганлар, айниқса оналар Успоннинг оёғига боғ тушганини ўзига қаңдай қилиб билдириш, қайси йўл блан онглатишини кула-кула муҳокама қилишди. Ҳаммаси бу гапларга хайрлик бўлсин, умр-жонларига барака берсин деган фотиҳа блан розилик билдиришди.

Шундан кейин Қунанбой Улжоннинг иккита катта болалари тўғрисидаги гапга кўчиб, яна бир янгилик айтди. Бу — Такежон тўғрисида зди. Утган йил қуда тушиб қўйилган Такежоннинг яқин күнларда тўйини қилмоқчи экан. Қуда томон қалин молини олиб бўлган. Энди чўзишнинг нима ҳожати бор? Бу ҳам уй-жойлик бўлсин, ўзидан тинсин. Иккинчиси шу ерда ўтирганларнинг босидағи катта ташвишларнинг каттаси Абайни қаллиғининг олдига юбориш масаласи зди.

Қунанбой шу сафар Олшинбой блан маслаҳатлашиб, түйни шу кўкламга тайин қилишипти.

Ҳақиқатда ҳам, ўзга қудалардан Олшинбойнинг йўли бўлак. У Қунанбойга жонажон дўст бўлиши блан бирга, ўзи Оргин элининг отоғлик, Қазибек Тиленши авлодидан. Бу атрофдаги қозоқларнинг ичидаги улардан азиз, улардан улуғ ўтган одам йўқ. Шундай жойга қуда бўлиш осон гап эмас. Бу — беҳисоб молу дун'ё сарф қилиш деган гап.

« Қунанбойнинг бу ниятини ҳам оналар яхши тилаклар блан қарши олиши: Фақат Зерегина:

— Эл яйловга чиқиб, орқа-олдига офтоб текканда борилса яхши бўлмас эдими? — деган эди, унга Қунанбой:

— Бу гапинг ўринлиқ-ку, лекин Олшинбойнинг ёзлиқ яйлови четда, йироқда. Бориш-келишга йўл олислик қиласди. Йўл йироқ бўлгандан кейин юриш ҳам қийин бўлади. Ҳайдаб бориладиган мол ҳам уриниб боради. Яна қуда томонга борадиган кексалар ҳам бор, уларга ҳам қийин бўлади. Мол семирсин деб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шукур, қўлимизда семиз мол ҳам бор. Шундай бўлгандан кейин, худо хоҳласа, шу беш-олти куннинг ичидаги ҳозирлик кўриб, сафарга чиқинглар, — деди сўнг Улжонга қаради — ўзинг борасан-да, қуданинг уйига болангни ўзинг бошлаб борасан! — деди.

Улжон буни ҳам шодланиб қарши олди. Шу гап чиққандан кейин уй ичининг бор маслаҳатлари, бутун кенгашлари ўша Олшинбойнинг овулига борганга яраша, уялиб қолмайдиган бўлиб бориши устида кетди.

Қунанбой бошлаган ишини кечикириб, кўп чўзабермас эди, ўша ондаёқ, қуда томонга кимлар боришини, қанча туёқли мол, қанча йиртиш, қанча пул, қанча кумуш юборилишини айтабошлади. Турган гап бу маслаҳат узоққа чўзилди, негаким, йиртиш бўлсин, беҳисоб ирим-чиримларга кетадиган нарсалар бўлсин, ҳаммаси шу гап очилган пайтда аниқ белгиланиши керак эди. Улжон шуларнинг ҳаммасини аниқлаб олмоқчи бўлди.

„ Етмиш етти от, ўтгиз тая олиб бориладиган бўлди. Қунанбойнинг саман оти блан жийран оти юртнинг оғзида Қунанбойнинг Олшинбойдан айядиган нарсаси йўқ. Шунинг учун у, олиб бориладиган отларнинг ичига саман от блан жийран от ҳам кирсин, молнинг боши шу бир пар от бўлсин деди.

Бундан кейинги катта ҳозирлик талаб қиласынан нарса йиртишга берилады.

Шу нарсаларни олиб келиш учун шу кечанинг үзидаек Изиқутти блан Қудойберди Семей шаҳарига жұна-тилады. Булар у ерга бориб Тинибай блан маслағатлашиб, керак-яроқни олиб, түрт кунда етиб келишады.

Бу маслағатта болалардан фақат Қудойбердигина иштирок этди. Бошқа болалар кейин эшишиди.

Харқайси бола үз бошига тушіган бу нарсаны ҳархил қарши олди. Ойғиз блан Изиқутти кула-кула Үспонға:

— Сенга қаллық айттириб қўйдик! — дейишганларида, у аввало тушунолмай:

— Қаллық деган нима? Хотинми? — деб сұради.

Изиқутти унга тушунтириб бўлиб, қалай, нима дейсан деган эди, Үспон ўйлаб-нетиб ўтирасдан:

— Ҳа, оламан... Бўпти! Хотинми?... Хотин керак! — деди.

Бу хабарни Абай дамини чиқармай, әсанкираб, ранги үчиб кетиб қарши олди; руҳига муздек бир нарса теккандаи, сесканиб кетди. Шу онда Түфжон ёдига тушиб, гүё унинг олдидә жиноят қилаёттандай бўлди. Абайга бу янги хабарни онаси айтган эди. Боласидаги бу кайфият унга ёқмади. Лекин ичидан «уялганидан бўлса керак» деган қарорга келди.

Абай бирнече кун қаттиқ тўлғаниб, барчадан бегоналашиб, хаёл дар'ёсига чўмиб юрди. Мана, булар қаллық айттириб қўйди. Шу сингари айттириб қўйилган күёв Түфжонда ҳам бор. Қаллықнинг олдига бормай, уйланмай илож йўқ. Ота блан онасининг изми шу. Бормайман дейишга ҳечқандай сабаб ҳам йўқ. Бор юраги, бор умиди Түфжонга қараб интилаётган бўлса ҳам, мана бу тузокқа тушмай чора йўқ. Мана шундай-руҳи бир тараф, вужуди бир тараф бўлиб парчаланган ҳолда чор-ночор, бўйнидан бойлагандек, қаллиғининг уйига боришга отланди.





Ю К САЛИШДА

1

Улжон қудасининг овулига ўттизга яқин сдам блан борди. Олшинбой булар келиши олдидан суви мўл, кўмкўк далага ўрнашган экан. Қозбекбийнинг ўзидан тарқаган овуллар, яқин қариндош-уруғлар бўлиб, қирққа яқин овул шу ерда эди.

Қудалар келишини назарда тутиб булар бияларини ҳам йилдагидан олдин бойлаган эди.

Үрфи-одат бўйича Улжон ўзи блан келаётган бир гала кексалар блан қудасининг овулига, куёвлардан ярим кун олдин келиб тушди. Хотинлардан Улжон блан бирга Калика, оқсоchlардан Қатша бирга келди. Эркаклардан қудабоши Йизиқутти, у ҳам бирқанча оқсоқоллар, ашулачи йигитлар, отбоқарлари блан келди.

Абайнинг ёнидаги кубновкарлар ўн икки киши эди. Буларнинг кўғчилиги Йргизбой элининг ўш-яланглари бўлиб, яна асқиячи Мирзажон, чолар Жумоғул, ака-укаларидан Такежон ҳам бор эди. Абай ўзи айттириб юбориб, буларнинг ичига Эрбўлни ҳам қўшиб олган эди. Етти-саккиз куилтик йўлда Абай блан Эрбўл бир нафас бир-биридан айрилишмади.

Улжон Олшинбойнинг уйига кўп дум'ё блан келди.

Олиб келган от ва туялардан ташқари йиртишга бериладиган матоларнинг ўзи икки катта туяга ортилди. Келиннинг сарпаси турли-туман қимматбаҳо буюмлар: бахмаллар, мовутлар, кимхоблар бирор сандиқ чиқса, тойтой қилиб боғланган бошқа нарсалар, хотин қудаларнинг сарпалари — пешмат, камзул, кўйлак, чорсилар эди. Яна бирқанча лозиматга қўйиладиган нарсалар бор эди.

Келтирилган дун'ёнинг олди кумуш ёмби Олшинбойнинг ўзига аталган эди.

Бундан ўн йил илгари Қунанбой Дилдани Абайга айтириб қўйгани келган чоғида катта қуда Қунанбойнинг олдига той-түсқ кумуш қўйган эди. У кумуш мана бу ёмбидан кичик бўлади. Аслида-ку урфи-одатга қаралганда, қуда томон нима қўйган бўлса, бу томон ҳам ўшанга қараб нарса қўйиши керак. Лекин Қунанбой уни ҳисоблаб ўтирамай, Олшинбойнинг қўйган нарсасига яратагина нарса қўйиб юбормади, ҳимматни катта қилди.

Киз томон қудаларнинг бу баланд ҳимматини, нақадар мардлик блан бел боғлаб келганини қудалар келган куни кечасиёқ билган эди. Олшинбойнинг ҳам қўлидан келганини аямаслиги, мардликка-мардлик қилиши ҳам ўша кечанинг ўзида ма'lум бўлган эди. Олшинбой хотин қуда блан куёвларга атаб алоҳида учта катта ўтов тикирди.

Қудаларга олдидан семиз тойлар, ғунаң қўй гўштларидан пиширилган овқатлар тортилди. Олшинбой Улжон ўтирган уйнинг эшигини очтириб, рўпараонига бир осов семиз саман тойни кўндаланг қилди-да, сўйиш учун меҳмонлардан фотиҳа олдирди.

Шу пайтда Абайлар ҳам Олшинбой овулидан бир чақирим нарига келиб тўхташган эди. Такежон, Мирзахонларга ўхшаш ёши каттароқ йигитлар куёвларни ўша ерда қолдириб, қуда томонга хабар бергали кетишиди. Абай блан Эрбўл уч-тўртта йигитлари блан отдан тушиб, куёвларни қарши олиб чиқадиган қиз-жувонларни кутиб туришиди.

Абай бундан кейин бўладиган турли-туман расм-таомилларга кўнганини бўйнига олиб, Эрбўлга:

— Шу уйланиш деган нарса ота-оналар учун ҳам, ёшларнинг ўзи учун ҳам бир шодлик-ку, шундай эмасми? Шундай бўлгандан кейин ўша хайрли дамга етгунча ирим-чирим, урфи-одатдек, куёв блан келиннинг йўлига турли қийинчиликларни тўғаноқ қилгани нимаси? — деди.

Әрбүл кулиб:

— Рост айтасан. Мана шу топда ким келади, қандай шұх янгалар келади, бизни не олпозларга солади деб менинг ҳам юрагим пүкиллаб турипти! — деди.

Жұмоғул ҳам күёвларнинг ёнида қолган зди. У аллақачон уйланған, бундай қийинчиліккларнинг ҳаммасини бошидан ўтказған. Шунинг учун ҳам Абай блан Әрбүл уни, йўл-йўруқ кўрсатиб туриш учун, олдимизда битта-яримта бу ишларни бошидан ўтказған одам бўлиши керак деб олиб қолишган зди.

Жұмоғул овул томонга бир қараб қўйиб:

— Ҳали тўхтаб тур, бошингда жиганг йўқ деб, қиёмат қилишади! Тумоғингни кўзингга тушириб киймасанг, қулоқ чаккангга тортиб юборишдан ҳам тоймайди. Әрбүл икковингни ҳали кўп алпозларга солишади. Қўлингдаш нима келади, бўйсуниб тура берасан,— деди.

Жига тақиб бориш ҳамма күёвларга одат. Бугина эмас, бу атрофдаги күёвларнинг ҳаммаси ҳам, одат бўйича, қизил кимхоб тўн, баланд пошналик этик, бошига күёвлар киядиган чўққи тумоқ кийиб, ўша тумоққа яна жига ҳам тақиб боради.

Абай ўз овулидан чиқаётган чоғида Зере блан Ойғиз Абайга ҳам шундай кийимларни кийдириб юборишиди. Қари энаси бошқа вақтларда Абайнинг кўнглига қараса ҳам бу гал қарамай, қаттиқ туриб олди-да:

— Ота-бобонгдан қолган одат. Борган ерингдагилар сендан гина қилмайди, отаси куёв, онаси келин бўлмаган эканми деб айбни бизга қўяди. Кий! — деди.

Абай ўша куни бу кийимда ўзини худди а'ламларга, бахши-қушночларга ўхшатиб, ўз овулидан чиқиши бла-ноқ, Улжоннинг ёнига келиб:

— Ёпирим, мен куёв бўлсан, Бўшанг элига күёвдирман. Тўбуқти, Таракти элига ҳам күёвманми, янги бўлган жиннига ўхшаб, йўл-йўлакай мен күёвман деб, жар чиқариб боришнинг нима кераги бор? Рухсат беринг, ўша ерга боргандада киярман, ҳозирча ўз кийимимни кийиб борай,— деди.

Улжон, энсаси қотиб кетган бўлса ҳам, кўнди. Абай ўша а'ламларга ўхшатиб кўрсатадиган кийимларни киймаган, жигалиқ тумоқ, қизил кимхоб тўн хуржуnda зди. Жұмоғул Абайнинг ҳақиқатда ҳам юраги пўкиллаётганини пайқаб:

— Баракботирдек одам ҳам: «қуроллиқ ёвдан чўчи-

магаң юрагим уйланғали борганда янгалардан чүчи迪» деган, биласанми? Құрқишигаку, ҳали хұп құрқасан-а, лекин охири хайрлик бўлади. Менинг билганим шу,— деб Абайни кулдириб юборди.

Эрбўл Жумабойга ёлвориб:

— Ҳарқалай, қандоқ та'зим қилиш керак, ким келганда ўрнидан туриш керак, қай вақтда тумоқни кўздан олиб, бемалол ўтириш мумкин, ҳаммасини ўзинг айтиб тур! — деди.

Абай Эрбўлнинг ғамхўрлигини кўриб, беихтиёр ўйлашиб қолди. Мана бугун у куёв ўтадиган бўсағадан Абай блан бирга хатлайди, Абайнинг ҳаёлига қелмаган нарсаларни суриштираётир. Бу — чинакам содиқ дўстнинг иши. Абай икки орадаги дўстлик тошқиндан ўтилган минутларда чўққисига чиқкан деб ўйлаган эди. Броқ Эрбўл ҳозир унинг назаридаги буткул бошқа одам бўлиб кўринди. Қани у илгариги Эрбўл? Бунинг қайси бири яқинроқ? Қайси бири қимматлироқ?

Мана шу сафарга чиқишигап кунлари Эрбўл Абайга ўзгача бир салом олиб келди. Туғжон бунинг Абай блан бирга қиз томонга боришини эшишиб:

— Ойдек ботдию, зулматда қолдириб, сарсон қилди кетди! Лекин шунда ҳам унга оқ йўл тилайман! Баҳти бўлсии, салом айт! — депти-да, Эрбўл жўнаб кетаётган чоғида, рўмолини кўзига босиб йиғлаб қолипти.

Абай бу гапни эшигапидан кейин, йўл бўйи қай аҳволла кетаётганини ҳам билмади. Ўзини бир зўрлик, бир мажбурият остида ноилож кетаётгандай ҳис қиласди. Мана шу аҳволда, куёвлар ўзларини қарши олиб чиқадиган одамларни кутиб тураркан, бир тарафдан хотинларнинг кулгиси эшитилди. Бир нафасдан кейин кўп чўлни шилдираши ҳам эшитилабошлади. Күёвни қарши олиб, оқ рўмол ўраган жувонлар, укпар таққан камчат телпаклик қизлар, бирқанча болалар югуришиб келишаётган эди.

Абайлар бир тўп бўлиб туришгап эди. Ҳалигилар яқинлаб келишганда, олдинда келаётган жувонлар:

— Қайси биттаси Абай?

— Куёв қани!

— Нега ҳаммаси бирхил кийинган! Нега куёв сарпо киймаган! — деб, келиб қўришабошлади.

Ҳалиги товушларни эшигандан Абайнинг юраги арзикб кетди; бироз ўзини тўхтатиб олгақ қулимсираб:

— Қайси биттамиз ма'қул бұлсак үшанимнәз Абай бұлсин! — деди.

Жігалар кулиб юбориши-да, дарқол Абайнин танишди. Абай шу эканини билиши блан бир ёш келин:

— Құй, чироғым! Бу тумоғингни үша Тұбуктингга борганды киярсан, бизнинг овула күев тумоғини кийиб кир! — деди.

Халиги жувон кулиб Абайнинг сарполарини излай-бошлади.. Жұмағул қанжуғасидаги хуржунни ешиб олди-да:

— Айтған әдим, кий десам, ҳеч қулоқ солмади, мана әнди үзларинг үргатиб құййинглар! Ҳамма кийими мана, менинг қанжуғамда,— деб күевнинг кийимини берди.

Яңаларга әргашиб келган болалар иккитадан, учтадан бўлиб, йигитларнинг отларига минишиб, чоптириб кетишиди. Абай ёли оқ сариқ йўргага миниб келган эди. Күевнинг оти блан кул таши деган гап бор, турган гап әнди оқ ёллиқ отни кўз очиришмайди.

— Ўзи ҳам йўрга экан,вой жуда яхши экан!— деб Абайнинг отига уч бола мингашиб олиб қаттиқ йўргалашиб кетишиди. Олшинбойнинг овулига күевлар блан қизжувонлар пиёда кетишиди.

Күёвга аatab тикилган уй бошқа уйлардан ўзгачароқ бўлиб, каттакан оппоқ, жиҳоз кам эди. Жой кенг бұлсин деб, кўп нарса киргизилмаган эди. Лекин уйнинг керегалари кўринмасди. Утовнинг ичини айлантириб турлатуман қимматбаҳо гиламлар, гул кўрпалар тутиб ташланган, чиройлик ранглар бериб тикилган ажиб нусхалик чойшаплар, қизил-яшил товланиб, уйни яшнатиб юборган эди. Остонадан тўргача тақир гиламлар, атрофига бажмал ва кимхобдан гул солинган катта-катта наматлар солинган. Қават-қават янги кўрпачалар ёзилиб, кашта тикилган катта-катта ёстиқлар ташлаб қўйилган. Бу уйда катта нарсадан фақат қимматбаҳо суюклар қадаб ишланган ажойиб каравот бор эди. Унинг устига ўнбеш қават қилиб шойи, атлас, адрес кўрпалар, момиқ тўшак, каттакатта оппоқ момиқ ёстиқлар йигиб қўйилган эди. Кўкимтил-қизғиши товланиб турадиган, ипак гажим тутилган шойи чимилдиқнинг бир чети кўтарилиб қўйилган бўлиб, фақат каравотнинг бош томонини тўсиб турарди. Абай шу каравотнинг олдига келиб ўтирганда, унинг икки томонига Эрбўллар ўтирумай, қайин сингиллар, қайин эгачилар, қизнинг ўртоқлари ўтиришди.

Әрбұл, Жұмоғуллар улардан юқоригоқда үтиришді.
Улар ҳам үз түпи блан үтирмай, қулоқларига катта-катта
исирға таққан, камчат телпак кийгандар барваста-барваста
қыздар блан аралаш үтиришди.

Күёвлар әндигина шу тартибда жойлашиб үтиришган
эди. Эшикдан учта жувон кириб келиб:

— Чимилдиқ, чимилдиқни тушир! — дейишди.

Абайнинг ёнида үтирган оппоқ пахтадеккина бир қыз
ирғиб туриб, атлас чимилдиқни шиддиратиб тушириб
юборди. Үнгача, ҳалиги жувонлар эшикни очиб юбориб:

— Киринг, киринглар! — деб, эшик олдида турған-
ларни таклиф қилишди-да, күёвлар томонға қараб: —
Қани, йигитчалар! Оналарингиз келишаётір! — деди.

Абай, Эрбұл, Жұмоғуллар ҳалиги қыздардан тортиб
хаммаси үрнидан турди.

Чимилдиқ туширилтган эди. Учта кекса хотин уйга
кириб келди. Үртадаги қора түри келған семиз хотин
Абайнинг қайнанаси, Олшинбойнинг катта хотини, унинг
ёнидеги үрта яшар оқ-сариқдан келған хотин Абайнинг
қайнанаси, Тусипнинг хотини эди.

— Қани оналар, күрмананы чиқаринг!

— Күрмана қани?

— Бұлмаса боланғизни күрсатмаймиз, уялади! — деб,
ҳалиги жувонлар қий-чув күтариб кулишганича, чимил-
диқнинг четини ушлаб олишди.

— Мана, күрмана сизларники, олинглар! Қани, бола-
мизни күрсатинг, юзини очинглар! — деб эна құліга со-
чиқ олған эди, атлас чимилдиқни очиб юборишиди. Күёв
йүлдошлари блан ерга қараб та'зим қилиб турған эди.
Энаси:

— Үмри-жонингга барака берсін, чироғим! — деб,
Абайнинг устидан бир товоқ мева-чева, конфетларни со-
чиб юборди.

Абайларга қараб кулиб турған қыздар дүв ёпірилиб,
қийғос-сурон күтариб, талашиб-тортишиб ҳалиги сочиқни
терабошлашди.

— Қадамнинг құтлуғ бұлсін! Күп ой, күп йилларга
үйнаб-кулиб етишинглар, чироғим Абай! — деди. Абай-
нинг қайнанаси ҳам.

Күёвларнинг жавоб қайтариши шарт земас, шунинг
учун улар индамасдан, қатор тураберишиди.

Шу пайтда иккі она яқын келиб Абайнинг юзидаи
үпіб күришди-да, күп түхтамасдан чиқиб кетишиди.

Абай бугун кечқурундан буён үзининг аҳволига, күришига кўниколмай, қаттиқ сиқилаётган эди. Бир томондан ҳалиги узун чўққилиқ тумоқ ҳадеб кўзига тушганидан безор бўлиб, терлаб-пишиб ўтиради.

Абайнини сўнг даражада қийнаётган нарса келиб-кетаётганлар, чимилдиқдан мўралаётганлар, мана бу қатор ўтирган қиз-жувонларнинг қайта-қайта қарashi эди. Булар гўё:

— Куёв кўҳлик эканими?

— Қизимизга муносиб эканими?

— Утириши қандоқ! — деягандай бўлар эди.

Бир уй бўлиб куёв блан ўтирганлар, бошда унчалик очилиб ўтиришмади. Жумофул, Эрбўллар ҳам, бошқалар ҳам ҳазил ва асқияни бошламай, сиполик қилиб, ўз ёнларида ўтирган қизлар блан секин-секингина сўзлашиб ўтиришарди. Абай шу уйга киргандан буён ўзидан юқорироқда ўтирган иккита-учта ғоят яхши кийинган чиройлик қизларнинг кўринишига, уларда бўлган ўзгача латофатга — юзларнинг ҳаддан ташқари оқлиги, ёноқларининг қипқизариб ёниб туришига қараб ҳайрон бўлиб ўтиради. Абай Қарқарали атрофидаги Бўшонг элининг бўй етган қизларига упа-элик суртиш қадимдан, оналардан қолиб келаётганлигини билмас эди.

Чойдан сўнг куёвлар ўтирган уйга бир гала бўлиб Такежон ва Мирзахонга ўхшаш ҳали куёвлардан айрилиб кетган каттароқ йигитлар, ашулачиilar, асқиячилар, шу овулнинг ёш-яланглари кириб келишди. Булар келиши блан ашула, асқия, ўйин-кулги бошланиб, мажлис ғоят жонланиб, руҳланиб кетди.

Куёвни қуршаб ўтирган қиз-жувонларнинг сони йўқ. Лекин мана шу уйни бошига кўтариб, ўйин-кулги қилаётганларнинг ичидаги ўтириши керак бўлган қаллиқ Дилда бўлса, ҳали кўринмас эди.

Абайнинг бу келиши тантанали келиш, оқсоларга келиш, ба'зан уй кўргали келиш, ба'зан қўл ушлагали келиши деб ҳам аталади. Бу биринчи келиш ўзга келишлардай эмас, бошқачароқ бўлади. Биринчи келишнинг аввалги кунларида куёв кўп ишларга кўнабилиши керак. Бу келишда куёв осонлик блан қаллигини кўраолмайди.

Узаро топишиб, қуда тушган ота-оналар шу биринчи келишга аввало катта тўй қилиб бериши керак. Тўй осон гап эмас. Тўй деган нарсани орқа-олдини ўйлаб, зўр ҳовирликлар блан қилинади. Ўша тўйдан кейингина куёв

блан келиннинг құл ушлаш кечаси бұлади. Шундай қи-
либ, яна иккі кунгача күёв үз қаллиғи кимлигини ҳам,
қандайлигини ҳам билаолмайди.

Абайлар келган куннинг эртасига Эрбұлнинг үзи
бориб Дилда блан сұрашиб, юз күришиб келди. Дилда-
нинг хүсніга күнгли тұлыб, хурсанд бўлиб келган Эрбўл
буни Абайга айтиб бермоқчи бўлиб, Дилданинг күрини-
шидан, қандай үтирганидан гап бошлаган эди, Абай эшиг-
гуси келмай, гапни бошқа ёққа буриб юборди.

Ёшлар энтикиб кутаётган түй, Абайлар келганидан
кейин ниҳоят учинчи күн деганда бошланды. Букун Абай
үтирган уйға беҳисоб хотин-қизлар келиб кетмоқда.
Азондан буён тұп-тұпи блан бирқанча кексароқ хотин-
лар, қиз-жувонлар, янгалар келиб кетиши. Жұмоғул
блан Эрбўл ҳормай-толмай буларнинг ҳаммасига үрни-
дан туриб, хурмат блан та'зим қилишар, ҳалидаш-ҳали
Абайга:

— Қани, тур!
— Ана, келишаётир!
— Қани тур, одамлар келиб қолди! — деб уни үрни-
дан турғизиб, та'зим қилдиришарди.

Бугун күёв үтирган уйда базм. Мәҳмөнлар қуюқ-суюқ
овқат, турли-туман мева-чева, усти-устига киргизилаёт-
ган чой ва қимизлар блан кутилмоқда. Ҳалидан-ҳали
куёвнинг устидан сочиқлар сочилаётир. Дұмбира, үлан,
үйин-кулги, асқия, базм сұнг даражада руҳлик.

Вақт тушга яқынлашиб, ёшлар тортилган гүштларни
еб бўлган пайтда ташқаридан:

— Түй бошланди! Түй!
— Отга, отга мининглар,— деган овозлар эшитилиб
қолди.

Абай блан уйдаги эркакларнинг ҳаммаси эшикка чи-
кишди. Қуёвларнинг отлари эгарланиб, қатор қилиб кер-
мага боғлаб қўйилган экан. От устидан қилинадиган бу
түй-тамошо, үйин-кулгиларни күришга күёвларга ҳам
рухсат этилади. Қиз-жувонлар овулда қолди-да Абай үн-
үнбеш күёв новкорлари блан отга минди. Булар кўпчи-
ликка қўшилмай, бир тұп бўлиб, четроқда туришди.

Күёвлар блан күёв томондан келганлар эрта отла-
нишган эди. Абай Олшинбойнинг овулидан хийла нарига
бориб Эрбўл блан бир четта чиқиб кенг, яшнаган дала-
даги овулларнинг мәҳмөн кутишини тамоша қилабош-
лади.

Бу түй Олшинбойнинг орзу-ҳавас блан зўр ҳозирликлар кўриб, зўр тантана блан қиласётган катта тўйи. Келган меҳмонларнинг отлари кенг далада тўп-тўп бўлиб қорайиб кўринарди. Олшинбой овулидан бир чақирим нарида, кўкаламзорда икки қатор қилиб, эллик-олтмиш уйтиклиганд. Тўйининг катталиги айниқса мана шу тўйга атаб тикилган уйлардан-меҳмонхоналардан очиқ кўриниб турарди. Катта қозон шу меҳмонхоналарга яқин ерга қурилмай, Абайлар тушган овулнинг четига қурилган. Шу ер товохона. Меҳмонларни кутаётган йигирматача йигит товохонадан чиқиб, ўша йироқдаги меҳмонхоналарга қараб югуриб кетишмоқда. Буларнинг ҳаммаси от устида, бошларига оқ сурп боғлаб олган.

Бу тўйининг яна бир ўзгача салтанати шуки, бу йигитларнинг ҳаммаси йўрға отларга минганд. Отлар қора терга тушиб, елдек учиб кетаётир. Уша йигирма йигит, икки қўлига товоқ кўтариб, Олшинбой овулидан ҳалиги меҳмонхоналарга етгунча отларнинг бошини қўйиб бериб кетишаётир. Буларнинг орқасидан бирқанча кексароқ одамлар бормоқда, булар ҳам от устида, лекин уларнинг қўли бўш, товоқ ташиётганларнинг орқасида ўшаларнинг отини ҳамчилаб кетишаётир. Товоқ кўтарган эпчил-чақон йигитлар товоқлардаги овқатни тўқмасдан, меҳмонхоналарнинг олдига келиб тўхтайди. Эшик олдида турган оқсоқол, қоросоқол тўйбошилар товоқларни дарҳол йигитларнинг қўлидан олиб, шўнғиб меҳмонхонага кириб кетишаётир.

Шундай қилиб, ҳозиргина сузилган гўшт лип-лип этиб қўлдан-қўлга ўтиб, совимасдан этиб келаётир.

Меҳмонлар одатдагидек овқатни кўп емакда. Уша йигирма йигит меҳмонхона блан товохона ўртасида тинмай қатнамоқда. Меҳмонларни бу хилда иззатлаш Абайлар уйда ўтирган пайтдан бошланган эди, Абайлар ташқарига чиққандан бўён анчагина вақт ўтган бўлса ҳам, давом этаётир. Тўйга келган халқ меҳмонхоналарнинг ҳарер-ҳарерига ўрнатилган катта-катта мешлардаги қимизларни ҳам ичиб, мешларни сиқиб, товоқларни ҳам бўшатганларидан кейингина отларига минабошлашди.

Ташқаридан бўладиган ўйин-кулги — пойга, улоқ, от устида учиб келиб, ердаги тангани илиб кетиш, кураш — ҳаммаси ҳам мана шу бугун бўлди. Тўй тамом бўлиб, кеч кирган пайтда, уй-уйларига кетаётган кексалар:

— Киройи тўй деганга арзийдиган бўлди!

— Олиб келган қалин молига яраша Олшинбой ҳам ҳимматни баланд қилди!

— Биринчи келиш түйининг ўзи катта түйдек бўлди, бундан ортиқ нима қилсин,— дейишиб түйни мақтай-мақтай қайтишди.

Шу кун кечқурун Абай биринчи марта қаллиғини кўрди.

Бугун кечқурун куёвнинг уйига одам сифишимай кетган. Ҳозир бу уй Олшинбой, Улжон, Изиқуттилар бошлиқ икки томоннинг ҳам катта-катталари, тўй бошлиқлари блан лиқ тўлган. Абайларнинг олдига чимилдиқ туширилиб, ёшларни катталардан айриб қўйилган эди.

Бу уйда ҳозир фақат катталаргина товушини барада қўйиб сўзлашиб, кулишиб ўтиришарди. Чимилдиқ ичидагилар пичирлашиб сўзлашар, секингина кулишарди.

Шу таҳлилда бироз ўтирганларидан сўнг, пойгакда ўтирганлар қўзғалиб қолишиди. Бўсағага яқин ўтирган келинчаклар сакраб туриб, чимилдиқни тортиб эшикка улаштириб туришди. Шу пайтда эшикдан бошига қизил шоҳи камзул ёпиниб, юзи-кўзини ҳам ўраб олган қаллиқчани ўрталарига олиб бир туда қизлар кирди.

Абайлар Дилданинг фақат бўйини кўришиди. Ковушини ечаётган чоғида Дилданинг қадди-қомати матолги-наю, лекин қотма, ғоят новча бўлиб кўринди.

Абайнинг ёнидан жой бўшатилди. Қаллиқча, бошида чопон блан, шу ерга, Абайга хиёл орқасини ўгириб ўтирди.

Абай қаллиқчаси блан сўрашармиз деб ўйлаган эди, лекин қаллиқча Абайга юзини ўгирмади. Шунинг учун иккени сўрашаолмади.

Дилда келиши блан, тўрда ўтирган катталарга ҳам, чимилдиқ ичидаги ўтирганларга ҳам ош тортилди. Лекин куёв блан келин ошга қўл урмади. Ошдан кейин тўрда ўтирган домла хутба бошлади. Бир коса совуқ сув тўрдан айланиб келиб Абайга узатилди. Абай бир ҳўплаб, Диллага берди.

Шундан кейин иккита янга, кулимсираганича, астагина келиб Абай блан Дилданинг рўпарасига ўтиришида, Дилданинг ўнг қўлини бир қават шоҳи блан ўраб Абайнинг қўлига ушлатишиди. Абай Дилданинг нозик бармоқларини кўпроқ тутиб қолган эди, янгаларнинг бири тегишиб:

— Үҳу! Қўлинг ёпишиб қолдими! Қани, буёққа бер

қўлингни! Сочини сила!— деди. Яқин ўтирган қизлар кулиб юборишди. Янга Абайнинг қўлини кўтариб, Дилданинг иккита қилиб ўриб орқасига ташланган сочини силатди. Абай ўша шилдираган бир қават шоҳи орқали унинг сочини силади.

Қўл ушлар, соч силар деган машҳур расм шу эди. Соч силарида куёв томонидан янгаларга катта ҳадия берилади. Ҳали Абайга тегишган янга Улжондан ҳам ҳадия олиб улгурган эди.

Никоҳ кечаси бўладиган урф-одатларнинг ҳаммаси тамом бўлгач катталар баравар қўл очиб ёшларнинг ҳақларига узоқ дуо қилишди.

— Хайрлик бўлсин!

— Кетмас бахт, туганмас давлат берсин!

— Қутлуғ бўлсин, қутлуғ бўлсин,— дейишди. Шундан кейин катталарнинг ҳаммаси дув кўтарилиб чиқиб кетди.

Улардан кейин ёшлар ҳам узоқ ўтиришмай, тез тарқалишди. Куёв блан қаллиқни холи қолдиришди.

Абай шу кунга қадар Дилда блан сўзлашган эмас эди. Бир-бирининг юзини ҳам аниқ кўрган эмас. Дилда ҳали келиб, чимилдиққа кириб Абайнинг ёнига ўтираётган чоридагина бошига ёпиниб келган камзулини хиёл очиб унга кўзининг қирини ташлаган эди.

Үй бўшаб қолган пайтда, ҳалиги соч силарни олган янга Абайга:

— Қани, энди биз тўшак соламиз. Сен эшикка чиқиб бир шамоллаб кел! — деди.

Бу сўз Абайга бир дағал гапдай қаттиқ тегди-да отилиб туриб эшикка чиқиб кетди. Ўйнинг атрофида ҳечким қолмаган эди. Кўёновкорлар ҳам, Эрбўл ҳам кетиб Абай ёлғиз қолипти. Тун қоронғи.

Шу топда Дилда, дугоналари кетиб, ҳалиги иккита янга блан қолган эди. Битта янга уни бошлаб чиқиб кетди-да, иккинчиси чимилдиқни тушириб таҳлаб қўйилган кўрпаларни йиқитиб тўшак ёзабошлади. Дилдани бошлаб чиқсан жувон унинг энг яқин янгаларидан бири эди. У Дилдапи қучоқлаб:

— Қалай, азизим, куёв қалай? Ма'қул бўлдими? — деди кулиб. Дилда тортинмасдан:

— Ким билади, қопқора, барзангига ўхшайди-ку! — деди кўнгилсиз бўлгандай.

— Йүгөй пайқамагандирсан. Қоратүри бўлса ҳаш, истараси жуда иссиқ! — деди уни юпотиб ҳалиги янга.

Ёлғиз ўзи юрган Абайнинг кўнгли алланучук вайрон эди; юрагини қандайдир ранж, ўқинч босгандай, ўзидан-ўзи бирхил бўлиб, қунишиб юради.

Абай тўйни кўз ўнгидан ўтказди. Беҳисоб дун'ё сочилди, ша'ни-шавкат, иззат-икром блан кутишлар... Яхши тилак тилаганлар, фотиҳа берганлар ундан кўп. Шуларнинг ҳаммаси ким учун? Икки ёшининг баҳти саодати, ҳузур-халовати учун дейишади. Лекин ўйлаб кўрилса, улар учун эмас. Уша катталарнинг кўнглидаги орзу-ҳаваси, бир-бирининг иззатини бажо келтириш учун.

Мана, Абай блан Дилданни олинса, булар бир-бирининг дидорини ҳам кўрган эмас, лекин катталар учун бунинг аҳамияти йўқ. Куёв блан қаллиқ бир-бирини кўриб, бир-бирини билса фақат ўша солинаётган тўшакдагина билади.

Абай кўп китобларда ўқиган ма'шуқа, маҳбуба деган гаплар унинг шу кунгача доғ тушмаган кўнглида шу қадар юксак, шу қадар пок нарсадай кўринарди. Шу'ласи блан унинг борлигини мафтун этган, ҳозир ҳам хотирини шу қадар паришон қилган Туғжон нақадар йироқда. Бир шарпа эшитилди. Қараса, ҳалиги янганинг бирни уни излаб келган экан. Янга кулиб, ҳазиллашиб:

— Ҳа, қаллиғим сотиб олсин деб юрибсанми? Нега шунча кутдирдинг? — деди.

Абай уйга кирди. Тушак ёзилиб, чимилдиқни тушириб қўйилган эди. Янга Дилданни киргизмай туриб Абайнинг ешинтирабошлади. Абай сиртқи кийимларини ўзи ешди; махсисини ешай деятганда янга унга яна бир иримни эслатди.

Этик тортар деган яна бир одат бор. Қуёвнинг этигини янга тортади-да, ҳақ олади. Абайнинг чўнтағида онаси солиб қўйган пул бор эди. Абай ичидан ғоят ўнғайсизланиб, ҳалиги пулни янгага ташлади.

Ешиниб бўлиши блан, Абай сакраб тўшакка чиқди-ю, шойи кўрпага ӯраниб, ётиб олди. Дилда ҳали ҳам уйга кирмай эшикда турарди. Онда-сонда сочопугининг шилдираши эшитилиб турарди. Бу ҳам бир йўл бўлса керак. Ақалли чироғ борида ҳам кирмади. Янга Абайнинг ётқизиб, шам'ни олиб чиқиб кетди-да, Дилданни киргизиб юборди.

Қаллиқ қоронғуда кирди. Бу ишларга энди Абайнинг

Раши келиб, бор, нима бўлса бўлар дегандай, дамини чиқармай ётаберди. Лекин Дијданинг бутун ҳаракатлари чи эшишиб ётарди. У камзулини ешди, махсисини ҳам ешишиб ташлади. Ҳеч торти nmай тушак ёнига келди, тикка келди-ю, кўрпани кўтариб, тушакни пайпаслади. Абай тушакнинг четида ётар, у ўзининг қандай ётганини ҳам пайқамаган эди. Қаллиқча ҳирқироқ, дағал овоз блан:

— Нарироқ ёт! — деди.

Бирнече кундан бўён беадад урф-одатлар, орзу-ҳаваслар блан катта тўй тамошо қилиб, ардоқлашиб қўшилган икки ёрнинг биринчи марта оғиз очиб айтган гаплари шу бўлди. Абай сесканиб кетгандай бир ағдарилишда ўзини тушакнинг нариги томонига ташлади.

Шу онда Абайнинг кўнгли нақадар муздай бўлса, Дилда ҳам шу қадар алангасиз эди. У ҳам урфи-одатга, шунга берганларига бўйсуниб келгани бўлмаса, у ҳам юракдан Абайга бегона эди. Бунинг устига сен Қунанбойнинг ўғли бўлсанг, мен Олшинбойнинг қизиман деган қўрслик ҳам бор эди.

Абай тортиниб, қисилиб-нетиб ўтирумай, янгалар қандай буюрган бўлса, шундай қилди.

Шу кечадан кейин Абай Олшинбой овулида ўнбеш кун турди. Ўн кундан кейин Улжонлар жўнаб кетди-да, куёвлар улардан беш кун кейин отланишди.

Айрилишар чогида Абай блан Дилда бир-бирига хийла ўрганиб қолган, онда-сонда қазиллашадиган ҳам бўлишган эди. Дилда Абайнинг кўзига ёқимлик, гўзал кўринди. Дилда ҳам Абайнинг кўринишига анча кўнишиб қолди. Лекин иккови ҳам ичдан бир-бирига нисбатан ҳечқандай аланга ҳис этмас, кўнгли муздек эди.

Катталар ҳаётнинг энг қийин довони деб шу биринчи боришни айтса Абай ўша довондан ошди. Лекин ёш юрагига алана тусишиб қайтиш ўрнига, аксинча, бир қадар сўниб, оғирлашиб, алланечук кекса тортиб қолгундай бўлиб қайтди.

Абайлар қайтиб келишганда бор халқ Чинғиз устидаги яйловларга кўчиб чиқкан экан. Кункенинг овули Дўнгелек қонис деган ерда ўрнашган эди. Қунанбой ўша ерда экан. Бу овулни меҳмон босиб ётган эди. Абайлар қўпчиликнинг ичидаги ўтирган Қунанбойга салом беришди.

Құнанбай бутун гапни Улжондан әшитган эди, Абайдан әсон-омонликтен сүраб күяқолди. Лекин Қудойберді Абайни үз овулиға юбормай, олиб қолди, уни бутун ўртоқлари блан яхшилаб күтди. Яхши күрадиган иниси үйланиб, катталар қаторига құшилиб келганига бу овулда фақат Қудойбердигина чин күнглидан шодланада күринарди.

У Абай блан Эрбұлдан Бұшанг әлини, уларнинг урғи-одатларини сүради, сұнг, турған гап, қаллиқчанинг юртидан ўрганиб келишган янги күйларини күйлаб беришларини сүради. Шу кече Абай блан Эрбұл күп янги күйларни күйлаб беришди. Ұлан бошлаш олдидан Абай:

— Қарқаралилар күйга бизнинг әлдан күра уста бұлар әкан! — деган эди. Қудойберди кулиб:

— Қарқаралилар күйга устами, янги әшик күриб келгандын күевнинг күнгли күйга устами? Қаллиқча юртидаги-ларнинг күйлаган күйлары қулоққа иссиқ әшитиладигандир, ким билади! — деди.

Үтирганларнинг ҳаммаси Қудойбердига құшилиб кулиб юбориши.

Абай әнди дуппа-дуруст, катталарга үхшаб үз айтганини ма'қуллашга уриниб:

— Тұғрисини айтияпман, Баке! — деди. Абай Қудойбердини «Баке» дер эди.

— Иўқ, сен Қарқаралиларни мақтагандан күра күйлайдиган күйини айт!

— Рост айтасиз, шундай қилайлы! Тұғрисини күйнинг үзи атар! Кел Эрбұл,— деб Абай бошлади-да, Эрбұл құшилишди. Бу иккови: «Күркам от» деган ғоят яхши бир күйни айтиб беришди.

Бу күйни Тұбуқтилар әшитмаган эди. Абай айтаётгандың қүйи ҳаммага та'сир қилганини пайқаб:

— Хүш, қалай? — деди.

Бу күй ҳаммага ма'қул тушган эди. Қудойберди ҳам:

— Дуруст әкан! — деди.

— Қани бўлмаса яна қулоқ солинг! — деб Абай блан Эрбұл яна «Гўзалим» деган бир янги күйни айтиб беришди. Қудойбердига бу күй ҳам ма'қул бўлди, мақтайды бошлади. Абай блан Эрбұл пичирлашиб олиб:

— Энди энг кейин айтишга сақлаб күйганин айтиб берамиз! — дейишди-да, «Оқ қайин» деган ғоят та'сирли, салмоқли, содда бир күйни күйлаб бориши. Абайлар бу ўланнинг уч бандини айтиб бўлганча ҳам:

Үтирганлар киприк қоқмай, нафас ҳам олмай, тикилганларича қулоқ солиб, қотиб қолиши. Абай дүмбірани аста чертиб тұхтади-да:

— Қани, Баке, бунга нима дейсиз? — деди. Бу айтилған ҳар уч күйни ҳам Абайлар Қарқаралидан ўрганиб келишганды. Бу күйларнинг биронтасини ҳам Тұбуқтылар ҳали әшитмаган эди.

— Сенинг гапинг тұғрими деб қолдим. Жуда яхши күйларни ўрганиб келибсиз! — деди Қудойберди.

Әнди Абай Тұбуқтидан ўзлари олиб борган «Яшил води», «Қорача қызы» сингари қўйлар у ерда иш бераолмай қолганини, бу күйларни уларнинг майдада болаларигача биладиган эскирган кўй эканлигини, унинг устига бу күйларни Қарқаралида бошқачароқ, гўзалроқ қилиб кўйланишини ҳам айтиб берди.

Сўзлашиб үтиришаркан, Абай яна Тұбуқтиларнинг ўзи кўй чиқарышни билмагани, кўп оҳанглар ўша Қарқарали, Баян Қоратқўлдан олиниши, ўшани ҳам бузиб, бандларини келиштиrolмай кўйлашларини айтди. Шублан Қудойбердининг ҳалиги ҳазилини тор-мор қилгандай бўлди. Акаси Абайнинг бунчалик гапни ма'нолик қилиб гапирадиган бўлиб қолганига қойил бўлиб, уни бир кўли блан қучоқлаб қўйди.

Ҳақиқатда ҳам Абай бу сафардан ҳарнарсага синчиклаб, чуқурроқ қарайдиган бўлиб келган эди.

Эртасига Абай ўз онасининг овулига келди. Бу ердаги овулларнинг ҳаммаси уни ғоят зўр шодлик блан қарши олди. Кекса эна яхши тилаклар тилар, инилари, шодлиги ичига сифмай, бўйнига осилиб, соғинганларини билдиришарди.

Бу овул ўти мўл, сувга сероб водийга ўрнашган эди.

Абай кеча Кункенинг овулидан әшитиб келган бир гапининг анигини бугун ўз овулига келиб билди. Тұбуқтининг беҳисоб эллари шу кунларда бўладиган бир катта ма'ракани кутиб туришкан экан.

Болаю-катта, ёш-қари ҳамманинг оғзида шу янги гап: яқинда Бўжейға ош берилар эмиш, Бўжейнинг йил оши берилар эмиш.

Утган йил Бўжей ўлганда унинг бошига туғ тиккан биродарлари қишининг ярмидан бошлаб унинг йил ошини беришга зўр ҳозирлик кўраётган бўлиб, бу ошнинг қайси ой, қайси кун, қаерда бўлиши эрта кўкламдаёқ айтилган эди.

Шунга күра ҳозир Жигитек, Қотибақ, Бўкенше, Тўрғай эллари ўтган йилдан буён бор уруғ-аймогини бир ерга тўплаб, Шақпақ, Қозбола деган сер ўтлоқ, кенг манзилга ўрнашган эди. Ма'рака Қозболада бўлиб, ҳаммага шу жойни тайин қилишган эди. Албатта бу ма'рака катта пойга бўлади. Шунинг учун ош бериғадиган ернинг бир томони пойгага яроқли кенг бўлиши керак. Агар Қозболадан бир қора адир ошилса, Дўсимбой, Балқибек, Оқирек томондаги кенг далага чиқилади. Шунинг учун ҳам ма'ракани Қозболага тайин қилинди.

Бу атрофдаги Жигитек, Қотибақларга қарашлик яхши қўнисларнинг ичидаги бундай ма'рака бериш учун Қозболадан дуруст ер йўқ ҳам эди. Ўша Қозболанинг кун ботиш томони Улжон овули ўтирган Бўтақон ўшоғига тулашиб кетарди.

Абайнинг оналари ма'ракага ҳозирлик кўраётган элнинг ҳар кунги тараддудини эртаю-кеч кузатиб, эшитиб туришган эди. Элни соғиниб келган Абай блан Эрбўлга бу хабар айни муддао бўлди.

Эрбўл ўз овулларининг ма'ракага ҳозирлик кўраётганини эшитиши блан уйига кетмоқчи бўлди. Абай қўндию, лекин икки кундан кейин қайтиб келиб, яна бирга бўлишга ва'да олиб қолди.

Абай келган кунининг эртасига онаси блан хийла вақт сўзлашиб ўтириб, кетганидан буён эл ичидаги бўлган янгиликларни эшилди.

Онасининг гапига қараганда, Қунанбой кўкламдан буён яна атрофига одам йиғиб, ҳаракатни зўрайтираётган экан. Қунанбой келган пайтида кўк қашқа, оқ қашқаларни сўйиб, атрофига тўплаган уруғларидан ташқари бирорни иззат-икром блан, бирорни ва'далар блан, ба'зи бирхилларни дағдағалик, ваҳмалик хатлар блан ўз атрофига тортиб, бир ойнинг ичидаги бирқанча қабилаларни яна ёнига тортиб олипти. Уларнинг ичидаги Қоратой сингари бақувват одамлар ҳам бор экан. Илгари орада юрган холис биродарларнинг кўпчилиги блан яқинлашиб олипти. Қисқаси эл яйловга отланиб, қистовдан кўчар пайтда Қунанбойга қарши овуллар бир ҳовучгина бўлиб, уч-тўрт қабиланинг овулларигина қолипти.

Жигитек томон қишиндан буён Бўжейнинг ма'ракасига ҳозирлик кўриш блан бўлиб, бор кучини, бору йўғини шунга сарф қилаётган экан. Шуни назарда тутган Қунанбой халқ яйловга кўчиш олдидан ўнбеш қистовни

қайтариб берилишини талаб қилипти. Бойдали блан Бойсолга қиши бүйи турли-туман ва'далар бериб, ўзининг биродарлари қўлидан бериб қўйган ерларнинг ҳаммасини қайтариб оладиган бўлипти. Утган йил ўша ерларни эгаллаб, қишлиб қолган овулларнинг бошлиқларига салом айтиб, кузда бу ерлардан умидвор бўлмасин, ҳеч нарсасини қўйиб кетмасин, ўтовларини ҳам қолдирмасин, қистов ўзимизга қайтади деб, уларнинг ҳарбирига алоҳида-алоҳида хабар юборипти. Шундай қилиб, ўн тўрт қистовни қайтариб ҳам олипти. Фақатгина битта қистовга қолганда, тиши ўтмапти.

Бу — Бойсолга теккан қистов экан. Қунанбойнинг буйруғини Бойсолга Қоратой блан Жумабой олиб борипти. Бойсол аввало уларга яхшиликча жавоб қилипти:

— Мирзага салом айт, болаликдан бирга ўсиб келаётимиз. Бутун умр бўйи қистовсиз, ерсиз ўтаётганимни шу элнинг ичидан ўзида яхшироқ биладиган одам йўқ. Шукур, Мирза ерсиз эмас, қўлидан кетган ўнбеш қистовнинг ўнтўрттасини қайтариб ҳам олди. Энди шу менга теккан битта қистовга тегмай қўяқолсин. Үрнашиб, авчамунча чиқим қилиб қўйдим! — деб узрини айтитти.

Бу жавобни эшитиб, Қунанбойнинг жини чиқипти ва тўнини тескари кийиб олипти. Ўша кечанинг ўзида Жумабой блан Қоратойни яна юбориб гапни кўп чўзмасдан, қистовдан кўчсан деб буйруқ қилипти.

Қунанбойнинг бу гапини эшитиб Бойсолнинг ҳам жаҳли чиқиб кетиб:

— Ҳоли-аҳволимни-ку айтган эдим. Бундок раҳм қиласай демайди-я. Ерга текканига эмас, сукка текканига кишининг жони чиқади. Тек ётай десам ҳам, жонимга ништар тиқиб турғизмоқчи! Ер деб, канадек ёпишиб Бўжейнинг-ку бошини еди. Менинг жоним Бўжейнинг жонидан ортиқ эмас; қўлидан келганини қилсан, гап шу! Қистовдан бир қадам нари силжимайман! — депти.

Қоратой яна бир ўт чиқиб кетишидан, бир корхол бошланишидан қўрқиб, Бойсолнинг жавобини мулойимлаштириб айтмоқчи экан, лекин Қунанбой, Бойсол гапни бу таҳлитда гапирмайди, нима деган бўлса тўғрисини айтабер деб; қини-қистоқча олганидан кейин, Жумабой батафсил айтиб берипти.

Шундан буён Қунанбой яна Бойсол блан Бойдалига ғижиниб юрар экан, фақатгина Бўжейнинг ма'ракаси яқинлаб келаёттани учун, номус кучлик, тортиниб турган

кўринади. Лекин Улжон ҳозирги кайфиятни яхши онгларди. Мана халқ Чинғизни ошиб, яйловга кўчабошлаганидан бўён Бойсол овуллари блан Қунанбой овуллари ҳар қўнисга келганда бир-бирини елкаси блан турғиб ўтгандай, сен эмас, мен деб келишаётган экан. Қунанбой овуллари Борлибой деган далага ўрнашганда, Бойсоллар келиб, шу далага туташ Тўношага ўрнашипти. Қунанбой уларнинг моли қўзига кўринди дегунча зириқтириб ҳайдата берипти. Ундан кейин Бойсол ҳам, жўрттага, Котибақ ерининг Қунанбой овулига туташган ерига ўз овулларини жойлаштириб, нима хоҳласа шуни қила берипти.

Қизилқайнар ёнида ҳам, Жилондида, Борлашақпоқда ҳам Бойсол овули блан бу овуллар бир-бири блан тортишиб келишган экан. Котибақ йигитлари кеча-кундуз Бойсол овулнинг атрофидан кетмас экан.

Мана ҳозир ҳам Қунанбой овуллари келиб Бўтақонга жойлашганда Бойсолнинг овули уларнинг рўпарасига ўтовини тикипти. Арзимаган бир баҳона топилса орадан ўт чиқиб, алнга олиб кетай деб турган экан. Айниқса Қунанбой жўрттага уларнинг пайига тушиб, шунга ҳозирлик кўраётган экан. Бу кайфиятни яхши онглаган Зере ҳаммадан олдин келиб, мана шу Бўтақон ўшоғига жойлашиб Бойсолга қўшни бўлипти. Бу овулдагилар уларнинг фашига тегмай, бебош мол боқучилар, соқчи йигитларни жанжал кўтаришдан тийиб, дамини чиқармай, босиб ўтирган экан. Шундай қилиб, Қунанбойнинг шу таҳлилда тўнини тескари кийиб чиройини очмай Бўжейнинг яқинда бўладиган ма'ракасига боришдан бош тортаётгани ҳам Улжонни ғоят қаттиқ ташвишга солаётган экан. Уликнинг тупроғини кўрмаганига яраша, йил ўтганда кўнгли зриса нима қиласди, деб Улжон қаттиқ сиқилиб, юрагидати бор дардини тўкиб солди. Унинг бу гаплари Абайни қаттиқ ўйлатиб қўйди. У Абайни энди эр етиб, катталарнинг ишига аралашадиган вақти бўлди деб ўйладими, ҳарқалай биринчи марта боласига элнинг кайфиятини, отасининг жанжалларини қизишиб ўтириб очиб сўзлади.

Абай ғазабини ичига ютиб, рангги ўчиб, қовоғини солиб ўтиради. Уша куни кун бўйи ҳечким блан очилиб сўзлашмади, тонг отгунча қўзига уйқи келмай, тўлғаниб чиқди.

Эртасига Эрбўл келди. Иккала йигит катта уйда қи-

миз ичиб ўтиришган эди. Ташқаридан бир нарсага қаттиқ жаҳли чиқиб, ҳайқирганича отдан тушаётган Қунанбойнинг овози эшишилди. У уйга кириб келаётини эшик олдида тўхтади-да:

— Ҳой, Жумоғул, Мирзахон! Бери кел! — деб уйга кирди. Икки йигит кетма-кет етиб келишди. Қунанбой тўрга чиқиб ўтираётини:

— Жўрттага овулнинг бир четига келиб, хира бўлиб ўтирипти-ку, ўчакишганидан отларини бу томонга ҳайдаб қўйипти. Қани, Бойсолнинг зўравонлитини кўриб қўяй. Дарров бор, қўлларингга чўқмор, сўйил олинглар. Ана у отларни тўқмоқлаб худди Бойсол овулининг нариги томонига ҳайдаб солинглар! Бор тезроқ! — деди.

Икки йигит ютурганича чиқиб кетди, бир нафасдан кейин сўйилларини сургаб келиб, кермада турган отларини ешабошлишди. Буларнинг шарпаси келиши блан Абай отилиб эшикка чиқиб:

— Ҳой, тўхталаринг! — деди қичқириб. У иккаласи отларига миниб, тумоқларининг икки қулоғини орқасига қайириб боғлаётган эди.

Абай буларнинг ёнига бориб:

— Нима қилмоқчи бўлаётисан? — деган эди, Жумоғул тескари қараб турганича жавоб берди:

— Бориб ёв теккандек қиламиз! Нима қилар эдик.

— Йўқ! Буёққа қара! Урмал!

— Ие, мирзанинг буйруғини иккита қиламанми? — деб, тепиниб кетаёттан эди, Абай қаттиқ ғазабланиб, бўғилганича, дўғайиб борди-да:

— Қутирмал Тўхта деяпман! — деб, ҳайқириб юборди. Унинг кўзига қон қуюлиб, ранги оқариб кетган, муштумини қаттиқ қисиб олган эди. Ҳалигилар тўхтаб қолишли.

— Йилқига тегмал Урмал Тўғриликча бориб, молбоқорига айтиб келаберинглар.

— Ҳа, буйруқчи?

— Буйруқ шу! Мана шу! Шундан бирон чир чиқариб кўр-чи, сенга кўрсатаман, Жумоғул! Ўзим тотигингни бериб қўяман!

Жумоғуллар ноилож бўйсуниб, бўшашганича қайтиб кетишли.

Абай, ранги ўчиб, ғазаб блан уйга жирди-да, тутақ-қанича отасига:

— Ота, шу саратон кунида, кенг яйловда ҳамаёқни

ұт-ұлан тутиб ётган өңдә ерни қўриқлаб, қариндош-уруғни ранжитин қайси мазҳабга сиғади? — деди.

Қунанбой бир чимирилиб тушиб, ялт этиб Абайга қарди-да:

— Нима, Бойсолнинг ёнини оладиган одам қуриб кет-ған деб үйлаётган бўлсанг керак-а? Ҳали қистовимни бермайман деб олишаётганида ҳам ұшанинг томонига ўтарсан! — деди.

Абай тап тортмай, дағал бир оҳангда:

— Қистов яйлов эмас-ку! — деди.

— Кек деган қистовдан яйловга кўчмас экан-да? Бироннинг бошига кулфат тушганда, унинг ерини босиб олиш инсонликданми бўлмаса?

Босиб олиш десак, тўғрисини айтганда, аввал бо-сиб олган Бойсол эмас, ўзимиз-ку. Шу кунгача Бойсол олучи эмас, олдиручи бўлиб келмадими? Умр бўйи биттагина қистов сўраб бош уриб келган одами ўзингиз эмасми? Ӯша битта қистовнинг илинжида кечагина сизнинг ёнингизга кириб, қўллаб-қўлтиқлаб, ана у раҳматлик Бўжейни ўлгунча савалатганингизда ҳам, бирга бор-мадими? Бойсолга теккан биттагина қистовни ҳам тортиб олиш зўрлик, жабр. Мана шундан алганга олиб кетиб, кўрдингиз-ку...

Қунанбой Абайнинг сўзини бўлиб:

— Бас, кўп ошинма!.. Нима, мен блан олишмоқчими-сан! — деди.

Лекин унинг товушидан аввалги ғазаби хийла сусай-гани кўриниб турарди. Абай бироз жим турди-да:

— Шу кеңг яйловда ер-кўкни тутиб ётган ўгни талашиб бетдан олиш иш эмас! — деди.

Авваллар Абай отасига мана шундай эл важидаги гапларни гапирганида шартта гапираолмай, қисилиб, тортиниб сўзларди.

Бу гал Абайнинг гапидаги оҳанг Қунанбойга ўзгача-роқ туйилди. Уйдагиларга назар ташлаб, зиҳн солиб кўрди. Зере ҳам, Улжон ҳам ҳайрон бўлиб, тикилганла-рича қулоқ солишаётир. Балки бу гап фақат Абайдан чиқаётган гап эмасдир? Балки Қунанбойнинг юзига очиқ айтаолмаса ҳам бор қариндош-уруғ, яқин қишиларнинг ҳаммаси шу фикрдадир? Қунанбой беихтиёр жим бўлиб, ўйланиб қолди. Бироздан кейин ўзини босиб олдида, бир гомонга ёнбошлаб, қўлини бошига тиради. Абай баланд каравотдаги ёстиқни олиб, отасига берди. Қунанбой, ўша

ёстиқни қўлтиғига босганича, Абайга орқасини бериб ётиб хаёлга чўмди.

Аввалги гапига отасининг газаби келмаганини кўриб Абай яна гап бошлади ва диндор отага китоб тили блан сўзласам, зора кўнглига ҳам фарз, ҳам қарз деган гаплар тушиб қолса деган умидда:

— Оилаларингиз бўлсин, болаларингиз, қариндошли рингиз бўлсин кўнглидаги гапини, истагини аввало сизга айтиши шарт-ку, айтмай яшириб юриши яхшим? Сизнинг ҳам эшитишингиз, қулоқ солишингиз шарт! — деди. Қунанбой Абайга, қани гапир деягандай хиёл юзини ўғирди. Абай энди тортинаасдан бамайилхотир ўтириб, гап бошлади:

— Рухсат этсангиз, яна бир гапни айтмоқчи эдим. У ҳам бўлса, мана бу Бўжейнинг ма'ракаси тўғрисида. Бу тўғрида ҳали бизнинг гарданимизда адо этилмаган бир-қанча қариндошлик вазифалари ётипти. Энди гапиришинг ҳожати ҳам йўқ-ку! Шундай бўлса ҳам демоқчиманки эндиликда мана бу бермладиган ошда ёлғиз Жигитек элининг одамгарчилиги, ҳамияти синалмайди. Ма'ракага бирнеча округнинг эли айтилган. Қариндошман, одамман деганларнинг ҳаммаси учун бу ма'рака бир синов. Ҷанозасида четга чиқиб қолган эдик, энди ҳеч бўлмаса, йил ошига бориб, беллашайлик! — деди.

Қунанбой ўтган йил фотиҳа ўқигали борган чоғидаги гапларни эслаб:

— Қандоқ қиласай! Бирор бери кел демаса, ялиниб бораманми ё яна бориб, ўтган йилдагидек, кўкрагимга туртки еб келайми? — деб, бу гап ма'қул тушмаганлигини билдириди.

— Ундаи бўлса сиз бормай қўяқолинг. Лекин бизга рухсат беринг, биз бориб иштирок этайлик, шунинг ўзи кифоя. Агар қаршилик қилмасангиз, бу вазифани мен ўзим адо этаман. Фақатгина ёнимга Изиқуттини қўшиб беринг. Яна сарф қилинадиган озроқ мол-дун'ёни мана бу оналар блан бизнинг ихтиёrimизга беринг! — деди.

Бу гапларни Абай гўё ўз кўнглига тушиб қўйган бир иш ҳақида сўзлаётгандай гапирди. Лекин бу гапларни ҳечкимга изҳор қилмаган эди. Улжон ҳам боласининг гапларини ҳайрон бўлиб тинглаётган эди.

Қунанбой бошини кўтариб, тумогини кийди-да, турмоқчи бўлиб қўзғалди. Ўтирганларнинг ҳаммаси қани нима дейди деягандай жавоб кутилиб туришган

эди. Бу кайфиятни кўриб фе'ли айниб кетган Қунанбой зарда блан:

— Ихтиёр ўзларингда! Менга деса бориб, Бойдали блан Бойсолнинг оёғига бош уринглар!— деди-да, чиқиб кетди.

Қунанбойнинг кўнгани шу эди. Қандай кўнгилда кўнди? Оғриниб, қийналиб кўндими? Ё кесатик блан кўнлими? Уёғига Абай парво қилмади. Иш қилиб қаршилик қилмаса бас.

Абай оналари блан қолиб, ошга қандай иштирок этиш ҳақида кўнглига туғиб қўйган гапларини уларга бирмабир айтиб берди. Ўйлаб қўйган тадбирларининг ҳаммаси ўринлик эди.

Зере блан Улжон бу ишларга ёрдамчи бўлсин деб, Изиқуттини чақиртириб келиб, худди ўша куннинг ўзидаётк Абайга қўшиб беришиди.

Абай ўз ака-укаларидан бу ишга фақат Қудойбердининг қатнашишини лойиқ топди. Унинг олдига Абайнинг ўзи бориб, анча вақт сўзлашиб, кўнглидаги бор гапини айтиб, тушунтириб келди. Қудойберди Абайга қандай ёрдам керак бўлса ҳаммасини ўрнига қўйишга сўз берди.

Шу куни кечқурун Эрбўл Бўкенше элига қайтмоқчи эди, отга миниш олдидан Абайни бир чеккага чақириб олиб:

— Абай, сенга айтадиган алоҳида гапим йўқ, фақат ҳали отанг блан сўзлашганингни эшигтанимдан буён сен блан дўст бўлганимга шодландим. Айтадиган гапим шу. Энди мен у томонга бориб, корихайрга қўллимдан келган хизматни қиласай!

Эртасига Абай отга минди. Жумабой блан Мирзахон унга ҳамроҳ бўлди. Учови Қозбола довонидан ошиб, Ко-тибақ блан Жигитек элининг беҳисоб овулларини оралаб бориб, шу ўлканинг ўрта ерига ўрнашкан Бўжей овулига боришиди. Бу атрофдаги элнинг ҳаммаси ҳам йил ошининг тараддуудида эди. Бўжей овулидан юқорироқдаги бир кенг увага сон-саноқсиз ўтовлар тикилмоқда. Ма'рака куни яқинлаб қолган эди. Эркакларнинг ҳаммаси от устида. Ма'ракага атаб тикиладиган ўтовларни ортиб келаётган кўчлар турна-қатор бўлиб, кетма-кет келиб, ҳалиги увага қўйилмоқда. Абайлар аввало Бўжейнинг қора тутилган та'зиядор уйига тушиб қур'он ўқишиди. Ҳали ҳам уйнинг ярим белигача қора тутилган. Ичиға

қимматбаҳо сеплар ёйилган. Асл гиламлар, наматларни той-той қилиб, боғлаб тираб ташланган. Катта оқ ўтоғ ҳали ҳам ўша та'зияга безатилган бўйича эгасиз қолган кийимлар ҳам ўнг томонда ғоят гўзал чойшап устига илинганича Бўжейнинг йилини кутиб, та'зия безаги бузилмаган ҳолда турарди.

Шу овулнинг ёнида бир тўп бўлиб, ма'рака бошилар ўтиришган экан. Абайлар Бўжейнинг уйида қимиз ичиб, эшикка чиқишиди-да, ўша ўтирган катталарнинг олдига боришиди. Булар кичикроқ тепаликнинг устида бир тўп бўлиб ўтириб олиб, уёқ буёққа от чоптиришар, бутун амр-фармонни шу ердан бериб ўтиришарди. Ма'рака бошлиқлари Бойдали, Бойсол, Суюндиклар эди.

Бойдали ўтган йилгиға қарагандан анча қариб, соқол ва сочидаги оқ кўпайиб, мошгурунчга яқинлашиб қолипти. Абай келиб салом берганида, улар аввалгидай қовоқ солмасдан, очиқ чирой блан қарши олишиди. Бойдали блан Суюндик Зере блан Улжоннинг эсон-омонлигини сўрашди-да, ёш йигитга ёнларидан жой беришиди. Шу катталарнинг буйруғини тутиб, уларнинг қош-қовоғига қараб ўтирган йигитлар ичиде Эрбўл, Абайнин аввалдан яхши биладиган Жиренше ҳам бор эди. Бойсол Қунанбой блан хафалашиб кетганидан буён, Абай блан Жиреншенинг учрашгани шу эди.

Энди Жиренше ҳам очилиб, Абай блан иссиққина сўрашди. Янги одамлар келгач, катталарнинг сўзи бўлиниб, ўтирганларнинг ҳаммаси сукут қилиб туришарди.

Шу топда Абай Бойдалига қараб:

— Бойдош оға,— деб, гап бошлади ва нима учун келганини қисқагина, салмоқлик қилиб гапирди.

Зередек оналари шу ўтирганларга салом айтиб юборган экан. Абай Бўжейга қариндошлигини билдириб, унинг ошига иштирок қилиб, беллашмоқчи бўлиб келипти. Аввал четда қолишган бўлса, энди бошқалардан қолишмаймиз деб, холис ният блан келипти.

Бойдали Абайнинг сўзларига қулоқ солиб турди-да:

— Чироғим, бу гапингдан қариндош-уругнинг ҳаммаси рози. Қай йўсинда қатнашмоқчисан, кўнглингдаги мақсадингни айт!— деди.

Шундан кейин Абай кеча оналари, Изиқутти, Қудойбердига айтиб берган режаларини айтди.

У ма'ракага келадиган меҳмонларга атаб тикилаётган ўтовларнинг орасидан ўзи тикириадиган уйларга

алоҳида ўрин беришларини сўради. Ўнта катта ўтовни шу бугундан қолдирмай шу ерга келтириб тикишни ўз устига олди. Ўн ўтов, ўттизтадан уч юз киши тушадиган ўй бўлиши керак эди. Шу уйларга кераклик анжом, кўрпа-ёстиқ, идиш-товоқ, ҳамма нарсани шу уйлар блан бирга олиб келадиган бўлди. Яна ўнта уйга тушган меҳмонларга тортиладиган қуюқ-суюқ овқатлар, ўшаларга отаб сўйиладиган моллар, бор чиқимларни ўз устига олди. Катта қозонларни ҳам ўзи қурдирадиган бўлди. Ошни бошқаручилар, меҳмон кутучилар, хизматкорларгача ўзи олиб келадиган бўлди. Мана энди шу ўтирган катталар унинг шу гапига ишонсинда, ҳозир бу ишларни унинг ўзига топширишга ва'да берсин. Абай катталардан унинг чекига қандай меҳмонлар, кимлар тушишини сўраб олди, шу блан бирга, ма'ракага келадиган энг қадрли меҳмонлардан беришларини ўтинди.

Бойдали, Бойсол, Суюндиклар эндиги маслаҳатни Абайнинг ўзи блан бирга ўтириб қилишди. Бу ошга кўп катта қабилалардан меҳмонлар келишади. Лекин келадиган меҳмонларнинг ичидан бир тўп бошқача меҳмон бор. Булар Бўжейнинг Наймандан келадиган тоғалари — она авлоди. Қадим замонларда уларнинг авлодида Бўжей деган машҳур одам ўтган. Қенгирбой блан қуда бўлиб, ўзининг Эрали деган ўғлига, ўша Бўжейнинг қизини айттириб қўйган. Ўша Бўжейнинг қизидан туғилган ўғилнинг отини Қенгирбой, машҳур бобосига ўхшасин деб, Бўжей қўйган эди. Бўжейнинг ана ўша авлодларига Бойдали қишдаёқ хабар қилиб юборган эди. Бўжейнинг она авлоди — тоғалари жиянининг ма'ракасига келгали ҳозирлик кўраётган экан. Яқинда улардан хабар ҳам келган эди.

Утирганлар Бўжейнинг она авлодини — тоғаларини «Абайга топширилса қандай бўлар экан» дейиши.

— Ундай бўлса, Бойдаш оға ва'да шу бўлсин. Бўжеканинг она авлодини — тоғаларини биз кутганимиз ма'қул! Бизга беринглар! — деди Абай.

Кечагина Қунанбой блан Бўжейнинг бир-бирига аразлигини, душманлигини, ёмон гапларини эшишиб юрган тоғалари энди билиб қўйишсин деган қарорга келишди.

Бу гапни ҳечким очиқ айтмаган бўлса ҳам лекин онглашилиб турар эди.

Абай энди бу овлунинг борди-келдисини, ички тартибини яхши биладиган одамлардан уч йигит берилиши-

ни сұради. Бойдали унга Эрбұл, Жиренше, Бозоралини күрсатди.

Гап шу блан тамом бўлди. Энди ишнинг каттаси — бутун тараддуд, бутун ҳаракат ҳали олда турипти. Энди бир нафас хаяллашга ўрин йўқ. Абай отга мингали ўрнидан турган эди, Суюндиқ унга миннатдорлик блан қаради-да:

— Емонликдан юқумлироқ нарса борми? Уни излаган кишилар эси бутунлигидан изламайди. Емонликдан ҳечким бирор мартабага эришган, ўсиб-унган эмас. Эришганда киши яхшилик орқасида эришади! Нияting холис, кўнглини оқ экан, болам! Оқ йўл! — деб фотиҳа берди.

Абай бу ўтирган катталар ичида бегона ҳисобланмай, ўз кишиси бўлиб саналганига ич-ичидан хурсанд бўлиб, отига минди ва ёрдамга берилган ҳалиги Бозорали, Жиренше, Эрбұл учовини эргаштириб олиб, кенг ува устидаги тикилаётган ўтовларни оралаб юрди. Ўз ўтовлари ўрнатиладиган ерни Жумабойнинг маслаҳати блан белгилаб, қозон қуриладиган жойни ҳам кўрсатди. Мирзахон блан Эрбұлни шу ерда қолдириб ўзи жўнади.

Булар Абай юборадиган ўтовларни қарши олиб жойжойига ўрнатиши керак эди. Абайнинг гаплари, тутган иши кўпни кўрган катталарга ўхшарди.

Абай жўнаб кетганида барваста келган чиройлик Бозорали қолганларга қараб:

— Епирим, бу Абай дейман, эр етиб чиниқиб қолипти-ку! Фақат айтган сўзларининг устидан чиқсан-да! — деди.

— Устидан чиққанда ҳам, шундоқ чиқадики, қараб туринг ҳали! — деди Эрбұл ишонч блан.

Абай Қозболага жўнаб кетаётган чоғида уйдагиларга тайёрланаберинглар деб тайинлаб кетган эди. Шунинг учун ҳозир Улжоннинг овули тўс-тўполон блан ҳозирлик кўраётган эди. Бу ердаги ишларни Улжон, Изиқутти, Қудойберди бошқармоқда эди.

Абай Бўтақон Ўшогига келиши блан ўн ўтов йиқитилиб, туяларга ортила бошлади. Ўтовларни ҳалиги учови шу Иргизбой элининг бор ўтовларининг ичидан танлаб олишган эди, Абай сариқ йўрга оти блан елиб, югуриб улар танлаб қўйган ўтовларни тикуғлиқ турган чоғида кўриб чиқди-да, бир-иккита қўҳнароқларини ёқтирмади. Уларнинг ўнига бошқа қариндошларининг оппоқ ўтовларини олди. Шундай қилиб, йилқи кечки сувни ичкали

келадиган пайтда Қозболага қараб, қаторлашиб жұнаған ўн ўтовнинг ҳаммаси ҳам оппоқ, чиройлик катта ўтовлардан иборат зди.

Ҳарбир ўтовга солинадиган гиламлар, наматлар, шолчалар, тутиладиган чойшаплар, күрпа-ёстиқ бирга жұнатылди. Жұнатилаётган уйларнинг күпчилигіда идиш-тоғоқ ҳам мукаммал зди. Дастурхон, сочиқларини ҳам Үлжоннинг ўзи күздан кечириб, тутилмаган яхши дастурхонлардан юборди. Ҳарбир ўтов блан бирга уларни ўрнатадиган ва ма'ракада хизмат қиласынан йигитлар ҳам юборилди.

Кетаётган пишиқ, эпчил, зийрак йигитларнинг ҳаммаси ҳам Бўжей ма'ракасига юз тутган бу овулларга чин кўнгли блан хизмат қилгали бел боғлагандай, ўз ихтиёрлари блан баравар отланишди.

Меҳмонларга аatab тикиладиган ўтовлар жұнатилиши блан Абайнинг асосий иши бошланди. Меҳнатнинг офири ҳали шундай турган зди. Кўчни жұнатиб юбориб, зиди катта уйнинг ёнида тўрт-беш киши Зерени ўртага олиб маслаҳат бошлаганларидагина Абай қолган хизматнинг нақадар оғир эканлигини онглади.

— Яна нима керак? Нима қилиш керак? — дейишарди галма-гал Улжон блан Изиқутти.

Энди ма'ракага қуриладиган катта қозоннинг бошига тикиладиган ўтовларни ҳам жұнатиш керак зди. Абай бунинг учун бир-иккита ўтов етар деб ўйлаган зди. Иўқ, сўйилган молнинг гўшти ўтовларда сақланар экан. Бунинг учун беш-олти ўтов қурилмаса бўлмайди.

Буларнинг ҳаммасига ошпаз, сув ташийдиган, ўтинчўпга қарайдиган кишилар ҳам керак экан. Аввал нима сўйилади? Қунанбойга маслаҳат солиб бўлмайди, ҳамма ишни ўзлари ҳал қилишлари керак. Ҳамон гап одамгарчиликни, ҳимматни кўрсатишда бўлса шу ерда кўрсатиш керак. Бунга қолганда Изиқутти тортиниб, ҳечнарса деялмай қолди. Абай бўлса, нуқул кулги бўлмаслик керак, дер зди холос.

Бу масалани ҳал қилишда Қудойберди кўмаклашди.

— Энди, ҳарнучук, сенинг юзинг ерга қарамасин, киройи борганинг яраша одамлардан бошқачароқ, дурустроқ бўлиб бор! Уша уйларга аatab ўнта семиз бия олинглар. Уй бошига иккитадан катта қўй солайлик: — деди. Шунга қарор қилишди.

Улжон катта қозоннинг иши нақадар оғир эканлиги-

ни айтдида, унинг бошида эслик, ҳушлик каттароқ одам туриши керак деб эртасига ўзи бош бўлиб, Ойғизни, Қаликани, Сари опани, яна бирқанча оқсоч хотинларни олиб, Қозболага жўнамоқчи бўлди. Шу кечнинг ўзида тезлик блан бутун овуллардан ун, чой, шириналар, мева-чеваларни йиғдериб келишиди.

Барча ишларни маслаҳатлашиб, ҳал қилишган чоқларида энг қийини қимиз масаласи бўлди. Соғиладиган биялларни у ерга олиб бориб боғлашнинг иложи йўқ, жой тор. У ерда ҳалқ тиқилиб ётипти. Булардан бошқа меҳмон кутучилар қимизнинг кундагисини кунда етказиб турадиган бўлишипти. Бўтақон ўшоғидан Қозболага узлуксиз равишда қимиз етказиб туришини ёлғиз Абайлар эмас, мана шу ерда қолаётган овулларнинг бор катта-кичиги баравар бўйнига олиши керак.

Эл ётгунча, Улжон блан Абай шу атрофдаги йигирма овулнинг казо-казоларини чақириб келиб, яна маслаҳат бошлишиди. У ерда ош бошқаручиларни топиш ўз йўлига. Энди бу ерда ҳам битта дурустроқ, сўзи ўтадиган, бутун ишларни бошқараоладиган одам бўлиши керак эди. Бу вазифани Қудойберди ўз бўйнига олди. Жумоғул, Ирсой, Жақиб сингари ёши катта қариндошлар уни қўллаб-қўлтиқламоқчи бўлишиди. Иргизбойларнинг шу сингари казо-казолари бош қўшиб қилаёттан катта кенгашда Зере сўзлади:

— Ҳарқанча маслаҳат бўлса қилинди. Энди қуми тупроқлик ёт одамларнинг ичиди ўш болаларимнинг яхши ниятини ер блан яксон қимманлар. Уликка хизмат қилишдан катта бошларинг кичик бўлиб қолмайди. Одам бўлсаларинг ҳамманг ҳам кина-кудуратни унут! Бўжей тириклигида олқишини олмаганларингга яраша энди арвоҳидан қарғиш олманлар. Болаларим блан келинларим, сенлар ҳам сёғинг турсин бошинг блан хизмат қил! Меҳмонларнинг кулидан кириб, косовидан чиқ. Эрлижни фақат олишимда синалмайди, меҳр-оқибатда синалади. Ҳориб-толиб қолсаларинг ҳам қошдан қовоқ қайтарманглар! Ўйнаб-кулиб хизмат қилинглар! Эс-хушларингдан адашиб, шишиниб кетманглар! Ма'кул, қобил бўлиб, аҳллик блан хизмат қилинглар! Шундай қиммасаларинг, мана қариндошлар ҳаммангиз тўрт кўз тугаллик блан ўтирибсиз, менинг тириклайн ўлганим! — деди.

Катта овул кечаси блан тайёрлик кўрди ва ош овқатга керакли ўтовлар жўнатилди. Кун кўтарилиши блан

Улжон ёнига Ойғиз блан Сари опани олиб жүнади. Ҳаммадан кейин Абай блан Изиқутти кетди.

Мәхмөн кутиладиган ўтовлар ҳам, қозон бошига тиқиладиган ўтовлар ҳам белгиланган ерларига ўрнатилиб қўйилган эди. Ўтовларнинг ичини ҳам безатилиб, ҳар уйнинг олдида мәхмөн кутадиган йигитлар қўл қовинтириб ҳозир туришган эди. Ҳар ўтовнинг бўсағаснга иккитадан катта соба¹ ўрнатилган эди. Абайнинг орқасидан кетма-кет йўлга чиққан қимиз ташучилар ҳам катта-катта саночларда қимиз келтириб, ҳалиги собаларга қўйишди.

Улжон, шодлиги ичига сифмай, билагини шимариб, ўз вазифасини бажаришга киришган. Катта қозон қуриладиган ўчоқни Қозбола сувига яқин ердан кавлатилди. Йигирмата йигит бияларни ағдариб сўяётган пайтда, Улжон яна бир гала йигитларни олиб, йигирмата қўйнинг ўнтасини Қозбола сувининг бўйига олиб борди-да, ҳарер-ҳарерга гуриллатиб ўт ёқдириб, қўйларни ўтира бошлади. Одатда кўпчилик келадиган тўй ва ма'ракаларда қўй ўтилмас эди, шундай бўлса ҳам Улжон семиз от гўшти блан баррадек қўй гўштига ўтилган қўйнинг гўштини ҳам қўшиб пиширмоқчи эди. Гарчи меҳнати зўр бўлса ҳам, Абай тикирган уйларнинг дастурхонига тортиладиган овқатларга яна бир ҳусн киргизмоқчи эди. Фақат ўша она авлод томонидан келадиган мәҳмонларнинг казо-казоларига отаб, қишдан қолган бор сургўштларни ҳам икки кажава қилиб олиб келган эди. Мәхмөнларнинг ҳаммасига етказаомаса ҳам, энг қадрлик катталарига янги гўштларга сургушт аралаштириб тортмоқчи эди.

Абай тикирган ўтовлар бу ердаги бошқа уйларнинг ҳаммасидан ўзгачароқ бўлди. Буларнинг сиртқи кўриниши ҳам, ички безаги ҳам бошқача бўлиб, кўзга ташланиб турарди. Энг азиз мәҳмонларга оталган ша'ни-шавкатлик уйлар шу уйлар бўлди.

Суюндик блан Бойдали бу уйларнинг тартиб-тапариржини кўриб, Абайлар қурган катта қозоннинг бошига келиб, отдан тушди-да, Улжон блан сўрашишди. Бошқалардан ўзгача қилинаётган тараффудни кўриб, ичларидан ёюят хурсанд бўлишди. Бойдали яна отга миниб, кетай деяйтган пайтда Улжон уни бир четга чақирди-да:

¹ Соба — катта саноч, бирнечча саноғ қимиз кетади.

— Меҳмонларни кутиш ўз йўлига. Эртага пойга берилиб, полвонлар курашади. Неча турлик пойгалар бўлар. Совринга тўққиз туйдан бошлаб тикиб, пойга берадитан бўлибсизлар, жуда яхши бўлипти! Қариндош-уруғ борини аяйдиган вақт эмас. Менинг болам ҳам, пойгалирга соврин тикишдан четда қолмайман деяпти, шунинг кўнглига қараб, мана шу нарсани олиб келган эдим! — деб, чўнтағидан шойи рўмолга ўроғлиқ бир нарсани чиқарди-да. Бойдалига узатаётуб: — пойгага тикиладиган бир тўққизнинг боши шу бўлсин! — деди ва бир катта қуюм «стойтуёқ» кумуш берди.

Сўйиладиган молнинг ҳаммаси ўша куннинг ўзида сўйилиб, озиқ-овқат ҳам қозон бошига тикилган уйларга жойлаштирилиб, кун ботиш олдидан Қозболага келадиган кўп меҳмонларнинг олди келиб тушабошлади.

Бойдали, Бойсол, Изиқуттилар меҳмонларга атаб тикилган уйларнинг ўртароқ еридаги тепаликка чиқиб хийла вақтдан буён меҳмонларни кутиб туришган эди. Тўрт тарафдан қирқ-элликдан, йигирма-ўттиздан бўлиб, отларини аста бостириб, лак-лак меҳмонлар келишмоқда. Меҳмонларни кутиб олгали ҳозирланиб турган йигитлар юргурганича ҳар тўпнинг олдидан қарши олиб чиқиб, салом беришиб, уларнинг кимлигини билиб, тепаликда ўтирган катталарга томон бошлаб келмоқда. Урф-одат бўйича бошқа элдан келган азиз меҳмонлар аввало ош берадиган бошлиқларнинг олдига бориб, улар блан сўрашиб, сўнг меҳмонхонага киришлари керак эди.

Меҳмон кутучилар бўлса, ҳарқайси ўз уйларига тушадиган меҳмонларни, ўз чекига тушган уруғларни қарши олиб чиқишарди.

Абайнинг йигитлари Жиренше, Эрбўл, Бозорали, Мирзахонлар ҳам ўша меҳмонларни қарши олаётган тўда ичиладиган юришган эди.

Абайнинг ўзи қирқ-ўттиз йигит блан меҳмонхоналарнинг олдида Еттисувдан келадиган меҳмонларни кутиб турарди.

Аввалги юзталаб келаётган меҳмонларнинг сони мингдан ошди. Жигитек, Котибақ, Бўкенше эллари тиккан огулларнинг кўпчилиги ўз меҳмонларини қарши олиб жойлаштираётур.

Абайнинг меҳмонлари қош қорайган пайтда кўринди.

Бўжейнинг тоғаси серсавлат, оқсоқоллик, кўркам кекса киши экан. Бўжейнинг ма'ракасига шу одамнинг ўзи

келипти. У тепаликка чиққанда, бошқа мәхмонардан ўзгача қилиб, отдан тушиб, барча катталар блан қучоқлашиб күришди. Булар күпчилік бўлиб келишган экан. Етти сувдан келаётган семиз Найман, Жолайир, Мотой, Сибон элларининг кишилари ҳам шу одамнинг орқасидан келишаётган экан. Буларнинг орқасидан тўдалашиб келаётган найман қаллопини кийғанлар ҳам кўринабошлади.

Изиқутти блан Суюндик Бўжейнинг она авлодининг ва уларнинг орқасидан келган одамларнинг олдига тушиб, уларга аталган мәхмонарларга бошлаб кетишиди.

Тоғалар яқинлаб келганда, мәхмонарларнинг олдидаги турган барча йигитлар блан Абай салом бериб, уларни отдан тушириб олишди. Суюндик Бўжейнинг тоғасига Абайнин таништириб, унинг Қунанбойнинг ўғли эканлигини айтди.

Абай қўл қовиштириб «Хуш келдингиз, тоға» деб та'зим қилди. Мәхмонар шу тикилган беҳисоб уйларнинг ичидаги мана шу ўнта уйнинг ўзгача эканлигини отларидан тушмасданоқ пайқашган эди. Бу уйларга ўзлари тушмай, бошқа уйлардан жой кўрсатилган мәхмонарлар «бу ўзгача уйлар кимларга аталган экан? Бу уйларда кимлар кутилади» деб, бир-биридан сўрашаётган эди. Шунинг блан бирга бу уйларни Қунанбойнинг ўғли тиктирганини ва бу уйларда Бўжейнинг тоғалари кутилишини ҳам бир нафасда билиб қолишиди. Мўйсафид тоға блан унинг ёнидаги казо-казолар ўртадаги энг яхши ўтовга жойлаштирилди.

Тоғалар пойгага қўшгали бир қора арғимоқ, икки саман югурик от олиб келишиди. Буларнинг пойгага қўшгали олиб келган думи боғланган укларлар, туморлар тақилган отлари ҳам алоҳида ерга бойланди.

Узоқ-яқиндан келаётган гала-гала тўдаларнинг ҳаммаси ҳам шу сингри пойгачи отларини пишқиртириб, ўйноқлатиб келишаётган эди. Аввалги тўплар келиши блан кўп ҳаялламай бошқа мәхмонар ҳам етиб келишиди. Кўз очиб юмгунча ўн ўтовнинг олтитаси тўлиб қолди. Еттисувлик қабилаларнинг ҳаммаси деярлик келипти. Энди қош қорайган пайтда Қозболага оқиб келаётган мәхмонарларнинг кийимларини пайқаб бўлмас, қайси уруғдан эканлигини ҳам билиб бўлмас эди. Фақатгина ба'зиларида қора, ба'зиларида саман отлиқлар кўп каттакатта тўдалар кўринарди. Уларнинг кумуш урилган от жабдуқлари шам' шу'ласига тушганда ярақлаб кетар, бу

келаётган уюрсак отлар бу ерда тұдаланиб турған беҳи-
соб отларни күрганда кишинашар эди. Абайнинг уйларига
тушадиган меҳмоналар сал тайсаллаб қолди. Абайлар
энди қолғанлари әртага келишар деб, аввал келған меҳ-
моналарга қимиз тортабошлаган эди. Шу топда Эрбұл
Абайнинг ёніга келиб:

— Яна бир тұп одам келди! — леди, пичирлаб. Бу
тұп Найман әлиниң Тұбуқтига яқын ерда турадын ав-
люди — Сибонлар экан. Бу әлиниң нариги учи — Ояғүз
Құнғиршавли, Оқшавлинга бориб туташиб, бериги учи
шу Чинғиз әлига келиб құшилади. Бу Тұбуқти әли блан
сирдош, лекин күпинча сен әмас, мен деб талашиб-тор-
тишиб келаётган эл.

Абай дарқол әшикка чиқиб, бор йигитларини тұплаб,
уларни ҳам яхшилаб қарши олди. Турған жойи яқын
бұлғанлигидан Еттисувдан келғанларнинг ұамасига қа-
раганда булар күпчилик бўлиб келишган экан. Абайнинг
чекига тушган меҳмоналарнинг охири шулар эди. Абай
буларни бўш турған уч-тўрт ўтовга жойлаштириди-да,
барча йигитлари блан жон стиб, меҳмоналарни кутишга
киришди. Меҳмоналарга аввало қимиз киргизилди. Унинг
орқасидан чой... Ундан кейин от блан келтирилган товоқ-
товорқ гүштлар тортилди.

Иўлдан чарчаб келған меҳмоналарнинг кўпи овқатдан
кейин ётабошлади. Фақат Сибонларгина ҳали бардам
эди. Овқатдан кейин буларга қимиз тортилди.

Тоғалар тушган уйда ўралашиб юрган Абай энди Си-
бондан келған меҳмоналарнинг олдига кирди. Сибонларга Собирбой
бош бўлиб келған экан. Собирбой оқин сўзга
усталикда ном чиқарган Оқтойлақнинг ўғли эди. У ёшлик
чоғида донғи кетған Жоноқ оқин блан айтишиб, уни
ўлан блан мот қилиб «бала оқин» деган ном олган эди.
Абай унинг кўп ўланларини эшитган, бирқанчасини ёд-
дан биларди. Ўз меҳмоналарнинг ичидә Собирбой ҳам
бўлганига Абай ғоят хурсанд бўлди.

Собирбой бўлса, ўзлари тушган уйларни, Қунанбой-
нинг уйлари эканлигини келиши блан билған эди. Собир-
бой Тұбуқтидан тортиб, Иргизбой әлиниң хотин-боласи-
гача яхши биларди. Сибон әлиниң сўзамол одамлари тек
ўтиришмади. Улар кечқурун келғандан бўён, әшикка
чиқиб, меҳмон кутиб юрган Эрбұллар блан сўзлашиб, бу
үн ўтовни, унинг эгаларини Собирбойга ма'лум қилиш-
ган эди.

Собирбойнинг ўзи ҳам қуюлаётган қимиздан, ёзилган дастурхон блан идиш-товоқдан, чойга киргизилган мева-чеваларнинг тўкиб ташланганидан пайқаб ўтирган эди. Айниқса янги қази блан ўтилган қўйнинг гўштини ара-лаштириб тортилишидан буларнинг ўзгача иззат-икром блан меҳмон кутаётганини билган эди. Тортилаётган ов-қатлар ҳамма ма’ракада барчага баравар тортиладиган овқатлардан ўзгачалиги кўриниб туради.

Мана шу ишларнинг ҳаммасини Қунанбойнинг бир ёш ўғли бошқараётир, деган гапни эшитгандан кейин Собирбой шу бола ёнларига келганда зўр илтифот билдириб Абайга:

— Бери кел! Қани ўтир, болам! — деб чақириб олдида, ўз қўли блан қимиз қўйиб узатди.

Қизғич қўнғир соқоллик, оқ сариқдан келган барваста Собирбой Абайнинг кўзига ажаб бир кўркам ва иссиқ кўринди. Бу меҳмон Абайдан ота-оналарининг соғ-саломатлигини сўради. Меҳмонларга қилаётган иззат-икромлари учун олқишилди.

Абай ўзича сўз қотмай, фақат Собирбойнинг саволларигагина жавоб бериб ўтиради. Еш йигитнинг кўриниши, хулқи Собирбойга ма’кул бўлди шекиллик, уни сўзлатишга уриниб:

— Бир вақтлар Дулат оқин менга бир гап айтган эди. Шунда Қунанбойнинг Улжондан туғилган бир ўғли бор экан, ўқишдан қайтиб келган экан, ўланга кўп ишқибоз экан, ўзи Зеренинг қўлида турса керак дегандек бўлган эди. Уша сен бўлсанг керак,— деди. Абай ўнғай-сизланиб, жилмайди-да:

— Тўғри, Дулат оқин бизнинг уйда бироз туриб кетган эди! — деб, Собирбойга қаради. Собирбой кулим-сираб:

— Болам, энди сен бу гапларни кўнглинга олма, сенинг отанг блан биз бирга ўйнаб катта бўлганимиз. Шунинг учун тортинмасдан сўзлай бераман. Отанг-ку, ўлан деса кайфи учарди, сен қаердан ўланга ишқибоз бўлиб чиқдинг? Қани, шуни айтиб бер-чи? — деди.

Бу гапга ўтирганларнинг ҳаммаси кулишди. Абай уй эгаси бўлгани учун кўп сухан қилмай, ўтироқчи эди, лекин мана бу Сибонлар бегоналардек тортинмасдан, Тўбуқтининг ўз одамига ўхшаб, бемалол ўтиришган эди. Абай Собирбойнинг гапига жавоб бермоқчи бўлди. Жавоб ҳам тилининг учида турган эди, лекин меҳмонга келган

кекса одам блан очилиб сўзлашиш одобдан бўлмас, деган хаёлга бориб ўйланиб қолди.

— Қани оғзингни жўплаб турибсан-ку, уялма, айтабер!— деди Собирбой.

— Айтсам айтай Собирбой оға! Отаси қадрдоннинг боласи қадрдон дейдилар-ку, гапим ўринлик чиқмаса афу ётинг! Уланни яхши кўрмайдиган одам борми? Отамнинг ҳам яхши кўрадиган ўланлари бордир.

Чавкарим, аргумогим, шўх моролим,
Уз бийлигин юргизган жондоралим¹.

деган ўланингиз ғашига тегиб айтган гапларини хотирласангиз керак!

Ҳаммаси ялт этиб Абайга қаради. Собирбой шарақлаб кулиб юбориб:

— Ёпирим, мана бу болани айлантириб уришини қаранг! Бу гапдан сенинг ҳам хабаринг бор эканда-а? — деб, ўтирганларга бир қур қараб қўйди,— бунинг гапини қаранг! Менинг Солтабойга айтган ўланимга ишора қилаёттир. Уша ўланни эшигандан Қунанбойнинг энсаси қотиб кетиб: «Бунча хушомад қилмасанг?» деган эди. Болам, сен гапни ўринлатдинг!— деб, яна кулди.

Шундан кейин Абай бошқа сўз қотмади.

Кейинги вақтларда Абай отаси бошлиқ бутун катталарга тегадиган гапга келганда шу сингари чертиб ўтишни яхши кўрадиган бўлиб қолган эди. Ўзи қўярда қўймай сўзлатган Собирбойга ҳам шундай жавоб берганига ўкинмади.

Меҳмонлар хийла вақтгача сұхбатлашиб ўтириб, кеч ётиши. Абайлар уларга тўшак ёздириб, ҳамма меҳмонларни ётқизиб, ўтовларнинг тунликларини бекитдириб, катта қозоннинг бошига келишганда ёзнинг қисқа туни ўтиб, тонг сурини келмоқда эди.

Қозболанинг жануб томонидаги катта-катта қоялар Тезек тоғининг чўққиси кўкимтири тортиб, юлдузлари сийраклашган, кўк гумбази остида гўё «тонг отаётир» деб, бу атрофдаги қоронғулик қучоғида оғир уйқига чўмган водилар ва сойларни уйғотаётгандай ҳаммадан олдин бўзариб келмоқда эди.

¹ Жондоралим — генерал сўзининг бузилган шакли; ҳукмдор, буйруғи икки бўлмайдиган киши ма'ноларида.

Абай, Эрбұл, Изиқуттилар катта қозон бошига яқин-
лаб қолғанларида үзаро:

— Ҳозир тонг отади. Бугун ухлашнинг иложи бұлмас!

— Бугун уйқини йиғиштириб қўяйлик!

— Эртароқ ўтинг-сувнинг ҳаракатини қилайлик!

— Қимиз! Ҳаммадан ҳам қимиз кечикмасин! Ҳамма
уйлардаги собалар ҳам бўшаб қолди.

— Уйқини қўйиб тезроқ ҳаракат қилайлик! — деб
сўзлашиб кундуз қилинадиган ишларни бартараф қилиб
қўймоқчи бўлишди.

Эртаси кун энг оғир кун, ма'раканинг асосий куни
эди. Абайга қарашлик меҳмонлар бугун тушга қадар
ўтирган уйларидан қўзғалишмади. Бу уйларга эрталаб-
дан бошлаб чой, қимиз киргизиб турилди-да, тушга бо-
риб ўн уйнинг ҳаммасига ҳам гўшт тортилди. Абайнинг
меҳмон кутишидан ўз меҳмонлари ҳам, бошқалар ҳам,
ма'рака әгалари ҳам кўп хурсанд бўлишди.

Товоқ ташучиларнинг ҳаммасининг тагида йўрға от-
лар. Бу отларнинг ҳаммасига кумуш блан ишланган
эгар-жабдуқ урилган. Товоқ ташиётгандарнинг ҳаммаси
бошига оқ шоҳи рўмол боғланган. Булар қозон бошидан
икки қўлига товоқ кўтариб, меҳмонхоналарга қараб қа-
торлашиб, от қўйиб бораётгандарида бутун ўлка яшиаб
кетгандай бўлди. Бўжейнинг тоғаларини ҳеч кам-кўст-
сиз, алоҳида иззат-икром блан кутилди.

Кундузи тортилган овқатларни ҳалқ батамом еб бўл-
ган пайтда Бойсол катта, кўкка мойил оқ отта миниб,
қўлига узун ёғочга боғланган түғни кўтариб, ёнига қирқ-
элликта йигитни олиб, на'ра тортиб, от қўйиб чиқди. Бу
пойга, кураш, от устида бўладиган тамошолар бошлан-
гани, меҳмонлар отга минсин, тайёрлансан дейилгани эди.
Ҳамма отга қараб интилди. Ел-думи тарапланган пойгачи
отлар ҳам кийикчасига оёқ ташлаб, бир-бирини итариб
чиқишиди. Қум-тупроқдек ҳалқ бир нафасда отланди.

Қанча одам йиғилганини Абай кўролмади. У отига
минмаган, минмоқчи ҳам эмас эди, негаким, унинг че-
кига тушган меҳмонлар йироқдан келган одамлар бўл-
гани учун бугун жўнамас эди. Шундай бўлгандан кейин
уларни кечқурун кутишга ҳам ҳозирлик кўриш керак эди.
Абай блан Изиқутти шу ишларни ташкил қилиш ҳаракати-
да эди. Абай қўл остида хизмат қилиб юрган йигитлар-
нинг бирортасини бўшатмади. Фақат Эрбұл кўпчиликка
қизиқиб тоқат қилиб туроғлади-да:

— Ҳеч бўлмаса бўлаётган ишлардан сизларга хабар қилиб турарман, нима бўлаётганини билдириб турарман! — деб, чопганича кетди. У бир нафасда қайтиб келиб, кўп янги хабарлар келтирди. Кечадан буён қанча халқ йигилганини ҳечким билмас эди, Эрбўлнинг айтишига қараганда, бирнеча мингга борар экан.

Абайнинг меҳмонлари отларига миниб кутиб туришган эди. Бойсол на'ра тортиб, қўлидаги туғни баланд кўтарганича от қўйиб, Тезек тоғининг чўққисига қараб кетди. Ўша тоғнинг нариги томони яйдоқ дала бўлиб, пойга ҳам, кураш ҳам, шунга ўхшаган бошқа ишлар ҳам ўша ерда бўлиши керак эди. Бойдали туғни кўтариб, ўша томонга жўнаши блан, қай томонга юришини кутиб турган тўп-тўп отлиқлар ёпирилиб, гулдурос солиб Бойсолнинг орқасидан чопиб кетишди. Абайларнинг ёнидан халқ селдай оқиб ўтаётир. Келганларнинг сони-саноғи йўқлигини Абайлар ҳам энди билишди. Шу пайт Улжон, Ойғиз ва меҳмон кутиб юрган барча хизматкорлар ҳам қозон бошидаги уйларнинг олдига чиқиб, уларни тамошо қилиб туришди.

Ерни ларзага келтириб от қўйиб кетаётган мўр-малаҳ-дек халқнинг бир учи қозон бошида бўлса, иккинчи учи кўз илғар-илғамас ерда кетаётган эди. У боши блан бу бошининг ўртасидаги отлиқлар хийла вақтгача усти-устига ўртилиб, кўчиб бораётган қора булутта ўхшаб кўринарди.

Ироқ эллардан келган меҳмонлар бир бўлса, Тўбуқтининг ўзида ҳам от минишга ярайдиган эркакларнинг биронтаси қолмаганга ўхшайди.

Бир нафасдан кейин Эрбўл пойгага қўшиладиган отларнинг сонини билиб келди. Бойдали пойгани жўнатгали санатганида юз элликта от бўлипти. Шуларнинг ичидан ўн отга соврин тикилипти. Совриннинг олди тўққиз түя, иккинчиси тўққиз ёнби, ёнбига кеча Улжон олиб келган кўмиш тикилипти. Ундан бошқа нарсалар ҳам, тўққиз-тўққиздан тикилипти. Катта ма'раканинг кураши ҳам катта бўлади. Полвонларга бериладиган соврин ҳам тўққиз-тўққиздан тикилган эди.

Бугун туш пайтида оналари Абайнин чақириб олиб, «Меҳмонлар эртага тушлик овқатни еб жўнайдиган бўлса гўшт камлик қиласди, уялиб қолмайлик, ҳозирдан ҳаракат қилиш керак» дейишди. Шунинг учун ҳам, Абай ма'рака тамошосига бормай қолган эди. У тезлик блан Мирзахон,

Изиқуттиларни Бұтақонға, Қудойбердига чоптириб: «Қи-
сир бияларнинг тойидан бештасини тутиб юборсин» деб
бүйрүқ қилиб, үзи шу молларни кутиб турған эди. Улар-
дан яна «У ердаги овуллар ош тамом бұлды деб бепарво
қолиб, әрталаб қимиз юбормай қолмасин, бошқаларнинг
меҳмони тез тарқалса ҳам, бизнинг меҳмонларимиз бу-
гун кетмайди, шуни ҳам тайинлаб келинглар» деб юбор-
ди. Яна бир қийинчилик үтін-сув масаласи эди. Бу нар-
саларнинг ташвиши ҳам Абайнинг бўйнида. Шундай
қилиб, ма'раканинг зўр ташвишини оғир меҳнатини кўр-
гани бўлмаса, ҳечбир роҳатини кўрмаган Абай бу кунни
ҳам, кечани ҳам мижжа қоқмай ўтказди. Меҳмонлар
чанг-тупроққа ботиб, куйиб-ёниб, ташна бўлиб келган-
ларида, уларнинг олдидан яна худди кечагидек меҳмон-
дўст, хуш-фе'л йигитлар чиқиб, фармонбардор бўлиб,
қарши олишди.

Ташна бўлиб келганларга аввало оз-озгина муздай қи-
миз тутишди, ундан кейин чой киргизилди. Бақиллаб қай-
наб турған катта-катта сариқ самоварларни икки-уч йигит
кўтариб киришди. Бу самоварлар гўё бутун меҳмонлар-
нинг кўнглини топгандек, уй ичини руҳлантириб юборди.

Бугун ҳам Абайларнинг меҳмонларга қилаётган из-
зат-икроми кечагидан ошиб тушган бўлмаса, кам бўлма-
ди. Бошқа уйлардаги меҳмонларнинг кўпи кун ботиши
олдидан жўнаб кетгани учун Бойдали, Бойсол, Суюндиқ-
лар ҳам шу уйга келишган эди. Улжон блан Абай тоға-
лар блан бирга ўтириб, ўзлари ҳам меҳмон бўлиб кетиши-
син деб буларни айтдириб юборишган эди. Шу кеч булар
ҳам Абайнинг нақадар тартиб ва тапарриж блан иззат-
икромни жойига қўйиб меҳмон кутаётганини кўриши.

Абай бу кеча ҳам ухламади. Уйқусиз ўтаётган оғир ке-
чаларнинг учинчиси ўтди.

Эртасига тушлик овқатни эртароқ ҳозирлатиб меҳ-
монларга киргизилди. Мана шу овқатнинг дастурхони
йиғилганда Наймандан келган кекса тоға Абайнин чақириб
олиб кўп розилик блан фотиҳа бериб, офарин айтди.

Худди шу учинчи куни Абайнинг ранги-рўйига кўзи
тушган Улжон, Изиқутти, Эрбўллар унга диққат қилиб
қарашди. Абайнинг ранги кетиб, касалдан турған киши-
дай кўзлари киртайиб қолган эди.

Эрбўл блан Изиқутти ҳам ўзини олдириб қўйган эди.
Учкови бир-бирининг кўринишини эрмак қилиб, кулишди.
Эрбўл:

— Тұғри, ҳаммамыз ҳам худди кечә иссиқда пойгага құйилған күк отга ўхшаб қолибмиз! — деди.

— Уйқыдан бошқа тилагим йұқ. Шу турған еримда ұзимни таппа-ташлаб юборгудай бўлиб турибман, — деди Абай тинка-мадори қуриб кетганидан.

Шу пайт Бойдали келиб, ўтирганларнинг ҳаммасини Бўжейнинг уйига таклиф қилди. Ма'рака маросими тамом бўлган эмас, ҳали давоми бор эди. Ма'рака Бўжейнинг әгасиз қолган отини сўйиб, унинг уйига ўтган йил ёйилган сепни йигиш, эга-әгасига тарқатиш, той-той қилиб боғлаб ташланган буюмларни ечиш блан тамом бўларди.

Бу ишда яқин қариндош-уругларнинг иштирок этмай қолиши мумкин эмас. Бўжейнинг тоғалари бошлиқ бор тўбуқтилар энди шу маросимни ўтказгали Бўжейнинг уйига келишди. Бойдалилар Бўжей уйининг ёнига келганиларида, ўтган йилдан буён қора кийиб юрган аёллар эшикка чиқишли. Шундан сўнг Бойдали ўтовнинг белига қистириб қўйилған қора түғни суғириб олиб, Бойсолга берди. Таомил бўйича Бойсол қора түғни ерга ташлаб, оёғи блан синдириди. Шунинг блан йил оши ўтганини, та'зия тамом бўлганини, азалик-қайғулик қора кунлар битганини билдириди.

Бойдалининг буйруғи бўйича Суюндиқ кўпчиликни бошлаб ўша уйга кирди-да, той-той қилиб боғлаб, тираб ташланган буюмларни ечиб, тахини бузди. Бу ҳам та'зиянинг тамом бўлганини кўрсатадиган ишларнинг бири эди. Шу топда Бўжейнинг хотини, икки қизи уйвинг ўнг томонида тескари қараб ўтириб, йиғи бошлади. Уй ичидаги одамларнинг ҳаммаси товуш чиқармай, пиқ-пиқ йиглашди. Бўжейнинг арвоҳига аталган сўнгги кўз ёшлиари шу эди. Энг сўнгги қур'он ўқилиб бўлгач, ҳамма баробар эшикка чиқиб турганда, әгасиз қолган икки отни етаклаб келишди. Фоят семириб кетган кўк от блан кулранг от осов бўлиб кетган экан.

Бўжейнинг қариндошлари икки отни йиглай-йиглай йиқитди-да, Бойдалига бўғизлатишиди.

Ҳалиги қора туғни йиқитган Бойсол, сепни бузган Суюндиқ энди бу әгасиз қолган отларни бўғизлаган Бойдали уччалови кейин «йўл» олишади. Булар шу қабила-нинг ҳам каттаси, ҳам Бўжейнинг узангидошлари эди. Шунинг учун одат бўйича Бўжейнинг ма'ракаси тамом бўлганини билдирадиган ирим-чиримларини шу уч кишига топшириш керак эди.

Бу отнинг гўштига оғиз тегмагунча кетишнинг иложи йўқ эди. Абай мудроқ босиб, қалқа-қалқа ўтириб, бу отнинг гўшти пишгунча кутди.

Кечга яқин овқатни еб бўлиб, Абай катталар блан хайрлашиб, кетишга рухсат сўради. Шу топда Бойсол Абайни чақириб олиб, пешанасидан ўпди-да:

— Болам, мен шу вақтгача сен блан сўзлашиб, ҳамсуҳбат бўлиб, дурустгина кўришмаган эдим. Лекин ҳамма кўрган-кечирганим ёдимда. Бир йили Қарқаралида Бўжей, сенга меҳри тушиб, фотиҳа берган эди-ку! Ушанда айттан гаплари хотирингда бўлса керак. Сенга зўр умид блан фотиҳа берган эди. Ўша вақтда мен унинг гапларини ёқтиргмаган эдим. Қариндош-уруғ, ёр-дўстларга адолат блан қиласётган лабзингни эшишиб юрибман. Мана бугун Бўжей акангга чин жигарлигингни кўрсатиб, юзингни ёруғ қилдинг. Яхши қариндошларнинг ҳаммасининг ҳам умидини шу йўсинда оқлагайсан! Оқларсан деб умид қиласман! Оқладиган кўринасан, чироғим, фақат ла'нати ҳаёт йўлдан оздирмаса бас! Юксалиш ҳали олдингда! Юзинг иссиқ! Худди шу юзингдан ярлақасин!— деб фотиҳа берди.

Бойсол, Суюндик, Қулуншоқлар ҳам унга қўшилиб фотиҳа қилишди. Абай индамасдан, катталарга эргашиб юзига фотиҳа тортида:

— Раҳмат! Берган фотиҳангиизга раҳмат! Айтганингиз келсин, Бойсол оға!— деди. Сўнг ҳамма блан хайрлашиб, Эрбўл иккови отларига минишди. Бу вақтда Улжон ҳам аравасини қўштириб, жўнаб кетган эди.

Эрбўл блан Абай отини елдириб бораркан, от устида қалқа-қалқа зўрга Бўтақонга бориб етишди. Улжон булардан олдинроқ келиб, меҳмонхонани холи қилиб, иккогига қалин тушак ёздириб қўйган экан.

Абай келиб катта уйга кирди-да, энаси блан кўришиб бўлиши блан Улжонга қараб:

— Уйқи, уйқи! Опа, уйқидан бошқа ҳеч нарса керак эмас,— деб тўрга чўзилди.

Шу сингари уйқисиз кечаларни, кўз очгудек мажол қолмайдиган ҳоришини кўргани шу эди. Онасининг уйига келиши блан эрка болаларга ўхшаб кетди. Улжон Абай блан Эрбўлга бир косадан қимиз узатди-да, меҳмонхонага ўзи бошлаб бориб, икковини ётқизиб, устини ёпиб қўйди.

Икки йигит бас бойлагандек боши ёстиққа тегиши

блан уйқига кетди. Эртасига тушга яқин уйғониб, бир косадан қимиз ичишди-да, яна кечгача ётиб ухлашди. Қош қорайған пайтда туришди-ю, яна мудроқ босиб, ҳали ҳам гангиган ҳолда, әлдан бурун ётиб олишди. Иккінчи куни чоштоxға бориб иккови ҳам тиниқиб турди. Иккі кеңеңдегі күн үзіннен салынған Абай қаттық уйқуда ётар экан, үзіннен салынған нақадар обрүйға, яхши йигит деган ном-га сазовор бўлганидан бехабар эди.

3.

Бу кунларда бутун яйловлардаги шов-шув гап — Бўжей ма'ракасининг гапи эди. Ош берганларнинг ҳам, ошга борганларнинг ҳам, ма'ракага бормаган бўлса ҳам борганлардан эшигларнинг ҳам — ҳамманинг оғзида шу ма'раканинг та'рифи. Бу довруқ фақат Тўбуқти элининг ичидагина эмас, олис-яқин, паст-баландда ўтирган беҳисоб элларнинг ҳаммасига тарқалиб кетаётган эди. Абайнинг ўзи таванхона блан меҳмонхонанинг ўртасида елиб-югуриб, тинмасдан хизмат қилиб юрганида бу ма'раканинг шунчалик довруқ бўлиб кетадиган воқиа эканлигини билмаган эди.

Ҳақиқатда ҳам Бўжейнинг ма'ракаси фақат Тўбуқти элидагина эмас, бу яқин ўртада, бу атрофда кўрилмаган ма'рака бўлди дейишади.

Бу кунларда шундай шов-шув кўтариб юрган кексалар, йигит-яланг, хотин-халаж, турган гап, бу воқиани ҳали-бери унутмайди. Ма'раканинг гапи ёз бўйи эмас, кузгача, қищгача чўзилади. Одатдагидек вақт ўтган саъин бу ма'раканинг атрофига қанча-қанча тўқима гаплар ёпишади. Шундай қилиб бу ма'раканинг гапи келгуси йилларда ҳам тамом бўлмайди. Айниқса, шу ма'ракада йиқитган полвоннинг номи, шу ма'ракада ўзиб чиққан югурик отнинг та'рифи, шу ма'ракада ўтган ҳазил гап, асия, ширин сўзлар халқ оғзида қолади.

Фақат шугина эмас, Тўбуқтилар бундан буён шу йилларда туғилган боласининг ёшини Бўжейнинг ма'ракасидан бошлаб ҳисобладиган бўлади. Фақат ма'рака берилган йили туғилган болаларгина эмас, ундан бирор йил олдин ва бирнече йил кейин туғилган болаларни ҳам, гўё катта довоннинг ё ўғида, ё буёғида деягандай, ўша ма'ракадан «ё олдин, ё кейин» деб сўзлайдиган бўлишади. Бўжей ма'ракаси мана шундай донгги кетган ма'рака. Энди шу йил тушган келин, шу йил вафот қилган

ешу қари, шу йилги қуда тушишлар, суннат түйлари, күёв қилишганинни ҳам шу ма'ракадан мұлжал қилиб сүзлағади. Бу гап фақат одамларға тааллуқли әмас, кейинчалик бориб, донғғи кеттан пойгачи отлар чиқса шуларни ҳам Бўжейнинг ма'ракасида той эди, ғунаң эди, ёки онасининг қорнида эди, дейдиган бўлишади.

Қуми-тупроқдек одам йигилган катта ма'рака, турган гап, шу сингари вақт ўлчовига айланиб кетади. Бундай ма'рака бир пуштнинг эсидан чиқмайдиган гап бўлади. Шу маҳалгача унитилмай келаётган Аблай ма'ракаси, Бўпин ма'ракаси ҳам шу сингари ма'ракалардан-да.

Тўбуқти элининг мана шу довруғи шу тахлитда улғайиб, зўр ўлкаларнинг кенг яйловлари, ўри-қири, бурчак-бурчагида зўр шов-шувга сабаб бўлди. Мана шунингдек катта ма'ракада хизмат қилиб, яхши ном кўтарган кишиларнинг исми шу кунларда кўп тилга олиниб, кўпнинг оғзига тушиб кетди...

Ма'ракани яхшилаб қилган Бойдали, Бойсол, Суюндикларнинг номи чиққан бўлса, улардан ҳам кўпроқ номи чиққан, ёшгина йигит Абай бўлди.

Сўзловчилар гапни аввал Абайнинг Қунанбой блан қилган можаросидан бошлар эди. Абай бераҳм, қаҳри қаттиқ, баджаҳл отасини қаттиқ койиб ташлаган эмиш. Минглаб келган меҳмонларнинг ичидан Абайнинг меҳмонлари унтутилмас иззат-хурмат кўрган эмиш. Абай барча меҳмонларнинг кўнглини овлаб, ҳаммасидан фотиҳа олган эмиш. Абай ҳалқа қайишадиган, яхшиликни кўзлайдигая, ақли камолга етган бола бўлган эмиш.

Кексаларнинг кўпчилиги Зере блан Улжонга ҳам кўп оғаринлар айтиётган эмиш. «Ҳаммани йўл-йўриқقا соладиган Зере-да, элнинг онаси әмасми, кўпнинг тилагини кўзлайдиган одам-да. Шу набирасини ўз бағрида ўстирган экан, набираси ҳам унинг оқ сутини оқлапти» деб қўйишарди. Боласи блан бирга бориб, йўл-йўриқ кўрсатиб, ҳормай-толмай хизмат қилган Улжонни ҳам мақташарди.

Абайлар ухлаб ётган чоқда Зеренинг уйига теварак-атрофдан мана шундай гаплар етиб келмоқда эди. Ҳатто Жигитек, Котибақдек элларнинг яйловларидан келаётган ёт одамларнинг оғзида ҳам шу гап. Боқонос бўйидаги Кўкше элини оралаб келган Қоратой ҳам шундай гапларни топиб келди. Қозбола бўйидаги Бўжей овулларида ҳам шундай гаплар тарқалаётган эди. Ҳатто бу гаплар

Боқонос, Бойқұшқор сувининг у томонида яйлайдиган округи бошқа Керей әлигача тарқалиб кетган эди. Абай блан Эрбұл учинчи куни туриб сув бүйига бориб, хийла вақтгача ювинишди-да, сұнг, чой ичгали оналарининг уйнга келишди.

Зере набирасини ёнига ўтиргизиб, олдига чой құйди-да:

— Үзим ўргулай, қора құзим!— деб, орқасига қоқиб, пешонасадан ўпди. Улжон бир товоқда яхна қилиб құйилған калла блан гүшт келтириб Абайнинг олдига қүйиб:

— Мана, болам, сенинг одам бўлганингга атаб оналаринг бир қўй сўйидирган эди, ўшанинг калласи, олинглар,— деди.

Абай ҳайрон бўлиб:

— Опа, нима учун менга атаб сўйилди!— деди.

— Сенинг кечаги қилган хизматингдан эл-уруг рози бўлипти. Иккаланг ухлаб ётиб, ҳали ҳеч гапдан хабаринг йўқ! Халқ сени мақтаб, одам бўлипти деяётир. Шунга сўйидирдик.

— Оббо! Хизмат дегудек, қайси тоғни қулатипмиз! Қўпчилик блан бирга меҳмон кутганимизми? Ҳарқалай шўрлик қўзининг бошини кесишга бошқа баҳона топилмагандир? Қани, Эрбұл, кел бўлмаса!— деб Абай гўштга қўл узатди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Бу вақтда Эрбұл яна ўз овулига кетган эди. Бугун қўзилар ма'рашиб келаётган пайтда, остидаги бўз отини терлатиб, қаттиқ юриб келган Эрбұл Абайнинг тепаликда ёлғиз юрган ҳолда учратди.

Йўлдошининг шошиб келишидан Абай яхши хабар кутди.

Кўп вақтлардан буён Эрбұл Туғжон томонидан Абайга дурустроқ хабар келтираолмай юрган эди. Энди, сўз бошламай туриб, аввало Абайнинг бошидан тумоғини юлиб олди-да:

— Қани, севинчини чиқар!— деди. Иккови ҳам бирбирини сўзсиз онглаб, кулиб юборишли.

— Омад келиб турипти!— деди Эрбұл нафаси оғзи-га тиқилиб,— Суюндининг кичик ўғли Адилбек бугун қаллигининг ютига жўнади. Суюндин, Осилбеклар ҳам бирга кетишипти. Кўпдан буён сўзлашмай юрган эдим. Бу ишларимизни Осилбек сезиб қолиб, мени кўп хушламайдиган бўлиб қолган. Шунинг учун Туғжоннинг ўзи у

ёқда турсин, янгасига ҳам йўлайолмай қолган эдим. Бугун туш пайтида бориб, Осиљекнинг ўтовида қимиз ичиб ўтириб, янгаси блан хўп сўзлашдим. Туғжон сенга кўп интизор экан. Ҳеч оғзидан туширмайди дейди. Унинг устига яхши отинг элга тарқалиб, афтидан, мақтovчилар ҳам бизга хўп хизмат қилган кўринади. Бу атрофда Абайга тенг йигит йўқ деб янга, қайнин сингли бири олиб, бири қўйиб мақташаётир. Энди ўлсанг ҳам, қолсанг ҳам худди шу кунларда бориб, бир кўриниш бериб кел-чи. Шунга келдим. Қолган гапни йўлда гаплашармиз. Тездан от олдир, жўнайлик!

Боришга қарор қилишди. Абай хурсанд бўлиб кетганидан, юраги ўйнаб, рангги ўчиб кетди. Қош қорайган пайтда иккови Бўкенше элининг яйлови — Жанибекка қараб йўл олди.

Абайнинг остида оқ ёллиқ саман йўрга. Эрбўлнинг остида бўз от. Икковининг кийими ҳам, тумоқлари ҳам отларнинг рангига мос. Икки йигит кечки салқинда йўлга тушиб отларини елдирганича, кенг дала қучоғига, кумушдек товланиб турган ўтлар ичига кириб кетаётганларида кўз илғамайдиган бўлиб кетишиди.

Қора адирнинг бағри серқатнов, у ерда юрилса, тун кечада кетаёттан икки ёш йигитни бирор кўриб қолиши мумкин. Шунинг учун булар, гарчи йўл айланиш бўлса ҳам, Тезек тоғининг этагидаги даладан кетишиди.

Бироздан кейин ой чиқиб, ғоят беғубор, тип-тинч сутдек ойдин кеча бошланди. Оқиш далалар, йироқдаги адирлар енгил кўкимтири туманга чулғониб, олам хаёлатга ҷўмгандай жим-жит эди.

Абай буюк кўк саҳнида сузиб кетаётган хирагина яримта ойга қараб, хўрсиниб қўйди.

Унинг беғубор, соғ кўнглидаги дарди фақат Туғжоннинг дарди эди. Лекин ҳаётнинг катта тўсиқлари, беомон қаршиликлари муз тоғдек бўлиб келди-да, икковининг ўртасига тушди. Иккови ҳам чин кўнглидан зўр умидлар боғлаган эди. Бўлмади! Бунинг оёғида тузоқ, унинг бошида боғ. Мана энди буларнинг кўнгли икковини айрган тўсиқлардан оша бир-бирига интилиб талпинади. Лекин сёёкларидағи кишанин кўрганда, бу интилиш фақат аламлик дард бўлиб, юракларини тилка-тилка қилади холос.

Абай Қарқаралидан келгандан кейин Туғжонга салом айтиб, яна бир учрашишни сўраган эди. Туғжон бу

саломни эшитгач, тоқат қилиб туролмай, қийнала-қийнала ниҳоят:

— Кўришгудек нима қолди? Энди кўришдик нимаю, кўришмадик нима? Шуни ўзи сезмайдими?— деб, кўнглидаги умидсизлик дардини билдириди.

Абай дардига даво тополмай қолди.

Тўғри, Абай Дилдани севиб қайтмади. Лекин шу тақдирига кўниб қайтди. Туғжоннинг ҳам Мамбетейда айттириб қўйган одами бор. Лекин ўша бор деб Туғжон у томонга қанот қоқмайди. Аксинча Абайнин севганидан буён, у томон эсига тушганда, юраги безиллаб, ўйламасликка тиришарди. Абай қаллигининг юртига кетиб қолди. Яна қайтиб келмайдиган кишидек, зўр довондан ошиб кетди. Ўша кунларда Туғжон хилватда йиғларди ва ўзини анча олдириб қўйган эди.

Отини қаттиқ елдириб кетаётган йигитлар эл ётар чоғида Жанибекнинг рўпарасига етишди. Ҳамма ётиб қолди, Туғжоннинг уйига боришнинг иложи бўлмас деб, ўкиниб келишаётган эди.

Жанибекнинг кўп яйлоқли кенг ери икки томондан ясси тоф блан қуршалган эди. Абайлар кун ботиш томондаги бир тепаликни бағирлаб кўтарилиб бораётганларида Абайнинг қулоғига олисда айтилаётган ўлан овози келди. Буни Эрбўл ҳам эшитган эди. Икки йигит тепаликнинг устига чиқиб бир нафас тўхтаганларида, ўлан анифроқ эшитилди. Уланни кўпчилик қўшилиб айтиаётган экан.

Мол кузатиб юрган хотинлар айтиаётган бўлса керак. Йўловчилар тепаликдан тушабошлиашди. Бепоён яйловни беҳисоб овул тутиб ётган эди. Қўраларнинг ўртасида қўйлар тўпланиб турган кўпикка ўхшаб ётарди. Қимсаниз кенг водида ой нури остида тунликлари ёпиқ уйлар, қатор-қатор тизилган ўрдаклар, фозларга, уяда юмалаб ётган тухумларга ўхшаб кўринарди. Бир уяда олти-етти ўтов, бир уяда ўнбир ўтов бўлиб, тўртта-бешта ўтов турган уялар ҳам кўринарди.

Ўйқида ётган оувулларни оша ўлан эшитилаётир. Йигитлар илгари босган сайин, ўлан овози яқинлашиб янграб келмоқда эди. Бу яйловни кичикроқ сув кесиб ўтарди. Бу сувнинг икки томони қамишзор. Абайлар шу тўқайни бўйлаб, сувнинг қуи томонига юришди.

Эрбўл пайқаб кўрса, ўлан Суюндиқ оувулининг рўпарасидан келаётир. Эрбўлнинг овули ўша оувулининг нари ёғи-

да эди. Булар шу ўлан айтилаётган овулнинг устидан ўтишлари керак эди. Энди отларини елдирмай, оқ ёллик сариқ йўрганинг йўл йўрғаси блан келишмоқда эди.

Сўқмоқ блан бориб ўтталдан ўтишди-да, тўқайнинг нариги томонига чиқишиди. У ердаги яйдоқ ерда Суюндиқнинг овули кўринди. Ўлан энди яқингина ерда эши-тилабошлади. Жаранглаб келаётган ўлан «Кўркам от» оҳангидаги айтилаётган эди.

Абай блан Эрбўл Бўшонг элидан ўрганиб келишган бу янги оҳанг бу элларга ҳам тарқалган экан. Ёқимлик, нафис товушлик хотинлар «Кўркам от» оҳангининг ба'зи жойларини бузиб айтишаётган эди.

Тўқайдан чиқишилари блан Эрбўл:

— Баракалла, мана бу тамошани кўр! Булар аргум-чоқ учайтган экан! — деб бироз ўйлаб турди-да — жуда соз бўлди! Тўғри борамиз! — деган эди, Абай отининг бошини тортиб:

— Тўхта! — деди.

Абай у қадар борди-келдиси бўлмаган овулга худди тамошо излаб келгандай бемаҳалда боришга ўнғайсиз-ланди, — борсак ҳам, олдин сенинг уйнингга бориб, отни ташлаб пиёда борайлик, — деди.

Эрбўл кўнмади:

— Атайлаб келтан кишига ўхшаб бормаймиз-да, ўзим йўлинни қиласман, юр! — деб, бошлаб кетаберди. Абай ик-киласа ҳам, Эрбўлга ишониб, орқасидан кетаберди.

Аргумчоқ Суюнлик овулидан четроқда бир кенг очиқ ерга қурилган экан. Камчат телпак, бархит ва шоҳи чо-нонлар кийган кўп йигит-қиз тўпланган. Ба'зиларининг елкасида хипча бел камзул. Чўлпилар тинмай шилдирар эди. Оқ рўмол ўраган, кашта тикилган кимешек кийган хушчақчақ жувонлар, болалар ҳам кўп, ҳаммаси бир гала бўлиб ўйнашаётир. Лекин йигитлар камроқ кўринади. Мустаҳкам қилиб қурилган дорга солинган аргум-чоқда иккита қадди-қомати келишган матолгина қиз тахта аргумчони телиб учаркан, ҳалиги эшитилаётган «Кўркам от» ўланинн баланд овоз блан айтишаётган эди. Бу ўйин-кулгига берилиб кетган ёшлар то Абайлар тўқайдан чиқиб яйдоқ ердан ўтиб, яқин келгунча пайқашмади. Икки йигит дорнинг тагига яқинлашиб келиб:

— Шодликка-шодлик қўшилсин!

— Уйин-кулги мўл бўлсин! — дейишиди.

Қизлар тўхтаб қолишиди. Келинлар йигитларнинг ёни-

га яқинроқ келишди. Уларнинг ичида Осилбекнинг хотини блан Сугирнинг келини ҳам бор эди.

Кўпчилик Эрбўлни таниб:

— Эрбўл! Эрбўл-ку!

— Йўл бўлсин, нима қилиб юрибсиз? — деб сўраши.

Осилбекнинг хотини Абайни таниб:

— Абай! — деб очиқ чирой блан кўришди.

Абайнинг номи айтилгач аргумчоқ тўхтаб, ўлан ҳам босилди.

Йироқ овулнинг обрўйлик йигити келгандан кейин, ҳамма жим бўлиб қолди. Аргумчоқ тепаётган Туғжон блан Сугирнинг қизи Керимбола экан, булар ҳам йигитларнинг ёнига келишди. Абай Туғжонни аллақачон кўрган эди. Улар кўпчиликнинг ичида тортинаётгандай, астагина сўрашишди. Уларнинг ичида ҳаммасидан ўқтами Керимбола эди. Бўйи Туғжондан сал пастроқ, қўлогига катта исирға тақсан, товуши жаранглаган ҳушчақчақ Керимбола Абай блан сўрашиб бўлиши бланоқ:

— Қани, ўйинимизнинг устига келиб қолдингиз, энди тертинманглар, отдан тушиб аргумчоқ тегинглар! — деди.

Осилбекнинг хотини ўзича сўз бошлишга ботиналмай турган эди, Керимболанинг сўзини оғзидан олиб:

— Қани, тушинглар! — деб кулиб қўйди.

Абайлар ҳали ҳам хўжа кўрсинга иккиланиб турган эди. Эрбўл аввал важ қилди, негаким, бу ерда бу хилда келишларни дарров фаҳмлайдиган йигитлар бор эди. Улар ғоят зийрак, ҳар балони биладиган бўлиши блан бирга, ғоят эҳтиёткор, қизғанчиқ ҳам бўлади. Эрбўл ўшаларга эшитдириб:

— Боқоносга, Кўкше элига кетаётган эдик. Кеч қолиб бизнинг уйда ётиб кетмоқчи бўлдик,— деди.

— Ҳамон ётиб қоладиган бўлганингиздан кейин нима қиласди? Ўйнга ҳам қатнашинглар-да!

— Қани, отдан тушинглар!

— Биз майлис қилаётимиз.

— Туғжоннинг уйидаги катталар жўнаб кетгач, дугоналари йигилиб, майлис қилишаётир. Адилбекнинг тўқим қоқтиси ҳам шунинг ичида қани шодлигимизга шерик бўлинглар! — деб, бирнече қиз-жувонлар чин кўнглидан таклиф қилишди.

— Қани, тушинглар, тезроқ отларингизни боғлаб келинглар! — деб, Туғжоннинг янгаси яна таклиф қилди.

Шундан кейин Эрбўл:

— Майли бўлмаса! — деган эди Керимбола бир янга-
сининг елкасига осилиб, хушчақчақлик блан ҳазиллашиб:

— Қани энди, ўйинни совитмасдан тезроқ келинглар.
Яқинда қаллиқчанинг юртига бориб келишган-ку! У ердан
ўрганиб келган кўйларини ўрганиб оламиз. Томоқларин-
гизни қириб тайёрланиб келинглар! — деди. Керимбола-
нинг ўқтамлиги, хушчақчақлиги бу ёшларнинг ҳамасига
ма’қул тушиб ҳамма дув кулиб юборди..

Абайн кўргандан буён хаёл сурин турган Туғжонги-
на кулмади, лекин Абайдан кўзини ололмай турарди. Ёш
йигитнинг эгнида авра тўн, оқ кўйлагининг устидан кий-
ган қора жалеткаси ҳам кўриниб турарди. Бошида кум-
муш ранг шоҳи сурилган юпқа тумоқ. Ойдинда оқариб
кўринаётган юзида қандайдир бир сўлғинлик экс этиб
турарди. Қадди қомати келишган, ихчамгина бўлиб ки-
йинган, эгар-жабдуғига куммуш урилган чиройлик отга
миниб, кутмаган ердан келтан гўзал йигит ҳозир ҳам
Туғжоннинг кўзига ғоят иссиқ кўринди.

Абай блан Эрбўл тездан қайтиб келмоқчи бўлиб, от-
ларининг бошини буришди. Оқ ёл от бу онга қадар бето-
қат бўлиб, ўнг оёғи блан ерни тирмалаб, тизгинини чў-
зиб-чўзиб ўйноқлаб турган эди. Энди яна бир ўйнақлаб
елиб кетди. Отнинг жабдуғига урилган куммуш ой ёруғи-
га чақилиб ярқ этди-ю сўнди. Оқ ёл отнинг қуюқ думи
ҳам ой нури остида куммуш қуюлтандай бўлиб ярақлаб
кетди. Туғжон аргумчоқнинг устунига суюнганича қотиб
турарди.

Туғжоннинг жуда ўзариб кетганини янгаси дарров
пайқади. Бегоналарга сир бермаслик учун гўё меҳмон-
ларни қандай кутишни маслаҳат қилмоқчи бўлаётган
киши бўлиб, Туғжонни қучоқлаб олди-да, ёнига келган
хотинларга: «нарироқ туринглар, меҳмонларни қандай
кутишнинг маслаҳатини қилиб олайлик» деди ва Туғ-
жоннинг қулоғига шивирлаб:

— Азизим, ўлан айт! Бўлмаса мана буларнинг кўзи
сенда, гап-сўз қилиб юборишади! Шуни унутма! — деди.

Шу топда юрганича Керимбола келиб, Туғжонни
аргумчоққа томон сударкан:

— Абай шу экан-да? Энди кўрганим! Келгани яхши
бўлди! Қаллиғининг юртидан ўрганиб келган кўйларини
ўзига айтдириб, яхшилаб ўрганиб олайлик, хўпми? — де-
ди. Туғжон жавоб бермади. Керимбола ялт втиб Туғ-
жонга қараб илжайганича:

— Сенга нима бўлди? Е уялаётирсанми? Шунчалик уяладиган бегона одам эмас-ку! Қўй, уялмаган буюрганин ҳам олади дейдилар. Қани ўзи? Тўхтаб турсин, ҳозир келиши блан айтдираман!— деб, аргумчақقا Туғжоннинг қаршисига чиқди-да, яна янгратиб «Кўркам от» ўланини кўйлай бошлади.

Туғжон тортиниб, унга қўшилмади. Керимболанинг катта-катта сурғилт кўзлари, чиройлик қипқизил юзлари ҳечкимдан иманишни билмас эди. Чўлписини шилдиратиб, ҳузур қилиб кулиб олди-да, ёлғиз ўзи айтаберди. Абайлар ҳам кўп ҳаялламасдан, етиб келишди. Келиши блан Эрбўл ўйинни ўзи бошқариб кетди. Керимболанинг янгаси Қапа Туғжоннинг янгаси ва Эрбўл учкови аргумчоқ учиш меҳмондан бўлсин деб, Абайнин аргумчоқка чиқаришди.

Қиз-жувонлар аргумчоқни тебратиб турган пайтда, ўлан айтиш йигитдан бўлади. Абай энди аргумчоқни тепиб учаркан, тортинмасдан баланд овоз блан ғоят қувноқ кўй бошлади. Аргумчоқнинг бир томонида туриб Абай блан аргумчоқ тепишаётган Керимбона «Кўркам от»ни айтайлик деб, шу ўланни бошлаган эди, лекин қўшилиб айтганида тўғри айтаолмади.

Эшитаётган қиз-жувонлар:

- Абай бошқача айтаётир.
- Керимбона бузәтибсан!
- Ҳой, тентагим, бузиб айтаётирсан!
- Олдин ўрганиб олиб қўшилсангчи!— дейинишли.

Керимбона парво қилмай, ҳандон ташлаб кулиб тўхтади-да:

— Қани бўлмаса, бошқа бирор айтақолсин! Туғжон! Қани Туғжон, сен айт!— деб, Туғжонни сургаб келиб, ўзининг ўрнига чиқарди. Узи арқоннинг бир учини ушлаб, қаттиқ-қаттиқ тебратабошлади. Туғжоннинг аргумчоқка чиққани бошқаларга ҳам ма'қул бўлган эди.

Пастдагилар қулочининг борича тебратаетган аргумчоқда Абай блан Туғжон галма-гал осмонга кўтарилиб тушиб, биргалашиб ўлан айтишмоқда. Туғжон аввал, биринки оғиз айтилгунча, Абайга эргашиб айтиб келди-да, учинчи бандига келганда, ўзини тутиб олиб, баҳазур қўшилиши. Авваллари янглим айтиб юрган ерларини Керимболадек эмас, тез тузатиб олди. Эрбўл ҳам, бошқалар ҳам:

- Мана энди тўғри бўлди!

— Түржон дарров ўрганди!

— Оҳанг энди келишаётир! Айт, айтинглар... Бало... бало!— деб, мақтай бошлашди.

Бу қадар бир-бирига муносиб: нозанин йигит блан гўзал қиз иккови та'сирли бир кўйни кўйлашмоқда. Түржоннинг юзи ой ёруғига тушганда, Абай унда ўзгача бир нур кўради, юзида латиф қизариниш акс этиб, юрагининг чуқур жойларидағи дардни ошкор этарди. Унинг юраги соғинган, севган ёрининг юрагига интилиб, айрил-масликка, видо'лашмасликка аҳд қилаётгандай кўринарди. Ҳозирги ёқимли оҳанг блан яқинлашиш бағрига босиб қучоқлашдан ҳам яқинроқ, кучлироқдек туюларди. Ўйноқи гўзал кўй блан иккаласи ҳам бир юрагини очиб барча дардларини, икки интиқ жон қовишганларининг, тошишганларининг шодлигини кўйлашмоқда эди. Ўйин-кулги қилаётгандарга ҳам, бутун оламга ҳам, юлдузлари яшнаб турган кўқдаги ойга ҳам «Бизни кўр, бизни гуноҳкор қилиб кўрчи» деяётгандай кўринарди. Соф севгисига чин кўнгли блан берилган Түржон тўхтамасдан ўлан айтаберди. Бир вақт Абай ёш гўзалнинг юзида гўдакларча шодлик кўрди. У, юзида бахт-саодат кулгисидек бир кулги акс этиб, Абайга тикилганича жилмайди. Гўё Абайнинг келганини, буни излаб топганини шодлик блан олқишилаётгандай кўринди. Қалдирғочнинг қанотидек қийғоч қошлари гоҳ тўлқинланиб ёзилиб, гоҳ чимирилиб Абайга ўзгача бир сир онглатаётгандай бўлди.

Боядан буён шу қадар кўп дардини тилсиз онглаётган Абай энди ўланнинг сўзларини ўзгартириб, бошқа йўлга солди. «... Мени интизор этган севикли ёrim дарди ичиди юрган дўстининг гуноҳидан ўтарми?.. Бутун оламнинг бор дардини, барча умидларини ёлғиз шунинг ўзига қурбон қилгали келган ёрига қандай жавоб қилади? Шунда раҳм қилмай, юз ўгириб озор берса, одиллиги, вафоси қани?.. Шундай қилса ёрининг умидини узиб — ўртагани эмасми? Бегуноҳ ёрига жазо бергани эмасми? Шу қадар стам қилгудек, ёрининг нима гуноҳи бор?!» Түржон ўланнинг олдинги бир-икки оғзига қўшилди-ю тўхтаб қолди. Бу ўлан сўзлари бошқача, бу ерда айтилиб юрган, ҳамма биладиган ўлан эмас эди. Уни фақат Түржонгина онглади. У, қора кўзларини ерга тикканича, ўтириб тинглади.

Абай ёлғиз ўзи шу чуқур ма'нолик тўрт оғиз ўланни «Оқ қайин» куйига солиб айти-да, астагина тўхтади. У.

бор ҳасратини, алангалик дардини шу ўланга жойлаган эди. У оқин бўлиб, аламлик ёр бўлиб ешилди. Шу ўланни блан Абай Эрбўлнинг кўзига кунда кўриб юрган йўлдоши Абай эмас, юксалиб бораётган бошқа бир буюк одамдай кўринди. Улан тўхтади. Абай аргумчоқдан тушиб, четроққа чиқди. Осиљбекнинг хотини унинг ёнинг келиб, ўланга уста экансиз деб мақтай бошлаган эди, Абай фақат одоб юзасидан кулимсиради, лекин унинг сўзлари қулоғига кирмас эди.

Аргумчоқ ённадаги ўйин-кулги, ўлан яна бироз давом этгач Эрбўл янги ўйин бошлади. Бу «соқ суяқ», ундан кейин, «Қўй-бўри» ўйинлари бошланди. Бу ўйинларни ёшларнинг ҳаммаси қий-чув қилиб югуришиб ўйнашди.

Қўй-бўри ўйинида Эрбўл бўри бўлди. У «қўй» олиб қочиши керак эди.

Эрбўлнинг ўз мўлжали бор эди. У кўп эпчил бўри бўлди. Аввал бир-иккита қиз-жувонларни олиб қочиб, четга чиқариб қўйиб келди-да, бир вақт Абайнин олиб қочди ва олиб кетаётганида:

— Сен ана у бутанинг тагида кутиб тур! Бироздан кейин, Туғжонни олиб қочаман!— деди-да, юрганича қайтиб кетди.

Абай бута остида Туғжоннинг «қўллик» бўлишини кутиб туради. Кўп ўтмай Эрбўл уни олиб қочди. Лекин бу гал кўпчиликнинг ичидан «қўй» олиш у қадар осон бўлмади. Айниқса Керимбола қаттиқ қичқириб ёпишиб олган эди. Туғжонни Абай турган ердан нарироқдаги бир тўп дараҳт ёнига олиб борди-да, унга ҳам шивирлаб бир нарса дедию, юрганича кетди.

Шу пайтда Абай қандоқ қилиб Туғжоннинг олдига келиб қолганини билмай қолди. Иккови дараҳтзор ичидаги ой ёруғи тушиб турган бир бўшлиқ ерда учрашиди. Бир-бирига яқинлаб келишганда Туғжон йиғлаб юбориб, ўзини Абайнинг қучогига ташлади. Ёшга тўлган кўзларини севикли ёриннинг кўкрагига босганича турабердӣ. Унинг икки елкаси силкинар эди.

— Туғжон, қўй, йиғлама!— деди Абай уни бағрига босиб туриб. Туғжон бошини юқорироқ кўтариб:

— Кўришайлик! Соғиндим!— деди.

Худди шу пайтда:

— Туғжо-о-н! Қаердасам? Бўрига едирадиган Туғжоним йўқ! Юр! — деб қичқириб, хандон ташлаб кулиб келаётган Керимболанинг товуши эшитилди. Абай шошиб-

пишиб Туғжонни бағрига босиб, унинг ҳаяжон ичидә қызарыб кетган юзидан үпіб олди. Керимболанинг яқинлаб келаётган шарпаси эштилгандан Абай Туғжоннинг телпагини тузатиб кийдирди-да:

— Эртага кут! Бир илож қылармиз! Келаман! — деди. Ой ёруғининг таңгадек шу'ласи қалын япроқ орасидан үтиб Туғжоннинг ўнг күзига тушганда унинг киприклирида турған каттакон ёш томчыси күрінді. Керимбола югуриб уларнинг олдига келгандан Абай блап Туғжон сұзлашиб туришган әди. Керимбола оппоқ, садафдек тищларини күрсатиб илжайганича телпагини чаккасига құйиб:

— Ҳа, шу ерда әдінгларми? Құзимни бўри еб қўядими десам, қўйнинг ўзини егуси келиб туриптими, нима бало? — деб шарақлаб кулганича Туғжоннинг елкасига юзини босди.

Ма'сума қызы ҳазил қилаётган әди. Лекин ичидә гап ётмайдиган Керимбола бу гапни кўпчиликнинг ўртасида айтиб юбориши ҳам мумкин. Абай шуни ўйлаб:

— Тұхмат қылманг, Керимбола! Бошимизга күлфат келиб, бўрининг қўлига тушиб қолдик. Бизда нима гуноҳ? Бирхилда фалокатга йўлиққандан кейин илож борми, бирга турибмиз! — деди.

— Билдим, билдим бир гап бор,— деди, Керимбола.

Унинг бу гапи аввалгисидан ҳам ошиб тушди. Туғжон аччиғланиб, уни босмоқчи бўлди-да:

— Қўйчи, Керимбола! Ҳазилнинг ҳам ўрини бор-да. Нима деяпсан ўзинг? — деб қаттиқ жеркиб ташлади. Керимбола ранжиб, ялт этиб Туғжонга қаради.

Абай бу қызни зарда блан эмас, яхши гап блан йўлга солмоқчи бўлди.

— Керимбола, эл оғзига злак тутиб бўлмайди. Ўйламасдан қилинган қалтис ҳазил ўртоғингизни бекордан бекор ёмон отлик қилиб қўйиши мумкин. Бундай гапларни одамларнинг олдида эҳтиёт бўлиб гапириш керак! — деди.

Бу гап Керимболага ма'қул тушди шекиллик, яна кулиб юборди, лекин ҳижолат ичидә кулаётгани кўриниб турарди; «Туғжоннинг кўнглига қаттиқ тегиб қўйдим шекиллик», дегандай қилиб, уни қучоқлади-да:

— Бўпти, жаҳлинг чиқмасин! Бундан кейин гапирмай қўяқолдим,— деди.

Учкови кўпчиликнинг олдига келишди. Гарчи ўйин

давом этаётган бўлса ҳам, энди Абай блан Эрбўл турмади. Эртага эрта жўнаймиз деб, уларга раҳмат айтишиб, овқатга ҳам қарамай кетиб қолишиди. Эртасига икки йигит айтган сўзини тасдиқлаш учун Боқоносга қараб кетишиди. Қоратойнинг овулига бориб, тушлик овқатни ўша ерда қилишиди, кечгача ўша овлуда қолишиди. Қоронги тушиб, эл оёғи босилганда Жанибекка қайтиб келишиди.

Булар бирон шарпа сездирмай, астагина келишиди. Кулранг кийим кийган йигитларни итлар ҳам пайқамай қолди. Секин келиб овлунинг бир четидаги Эрбўлнинг уйига тушишиди.

Шу кеча, эл қаттиқ уйқига кетган пайтда, ўғриларга ўхшаб биқиниб, яшириниб, оёқ учида юриб бир амаллаб Осилбек ўтовининг эшигига етишиди. Иккови намат эшикни ёпиб туриб, ичидаги ёғоч эшикни очишга уринишаётган эди, уйда ётган хотин ухламаган экан, чўлпинсининг шилдирлаши эштилди. Кекса хотин бўлмаслиги керак. Бу уйда фақат икки киши чўлпи тақади, бири Туғжон бирн унинг янгаси.

Ҳақиқатда ҳам товуши таниш бўлган бирор:

— Секинроқ! — деб шивирлади-да, эшикни ўзи очди. Уйнинг ичи қопқоронғу эди. Йигитлар уйга киргандан, ҳалиги хотин яна шивирлаб:

— Абай,— деди.

Абай қўлини чўзди. Янга экан. У Абайнин қўлидан ушлаб тўрга томон олиб бораркан, орқасига қараб Эрбўлга:

— Сен кетабер! Ўзи борар! — деди. Эрбўл орқасига қайтиб, аста чиқиб кетди. Абай қоронғуда пайпаслаб, ўнг қўлини чўзиб келаётганида, қўли шоҳи чимилидиққа теккан онда у томондан келаётган Туғжоннинг иссиқ бармоқлари юзига тегди. Иккови ҳам интилиб келиб, қаттиқ қучоқлашди-да, ўшиганича унсиз қотиб қолишиди. Насаслари қўшилиб, иссиқ лаблари энди ҳеч айрилишмайдигандай топишган эди...

Ез кечасининг тип-тинч тонгти энди отиб келаётган пайтда Абай блан Эрбўл Жанибекдан жўнаб кетди. Бироз юриб қаршидаги тепаликдан ошиб кетишиди. Ой ботган, юлдузлар ҳам сийраклашиб, битта-биттадан сўниб кетаётир. Уларнинг йўлида ўт-ўланларининг орасидан чўчиб учган тўрғайлар ҳавога кўтарилиб сайрашмоқда эди.

Абайнинг юраги дард блан ше'риятга тўлган,

юпқа тумофининг бир қулоғини қингайтириб кийиб, сариқ йўрға отини йўргалатиб бораркан, Бўтақонга қараб юз тутгандади.

Овулдан анча йироқлашиб кетганларидан кейин Абай тиник овозини борича қўйиб, ғоят та'сирли бир кўйни бошлаб, хийла вақтгача ўлан айтиб кетди. Юрагини тўлдириб турган шодлик ҳам, ҳаяжонга солучи хаёллар ҳам, юрагини очиб айтаётган дарди ҳам шу кўйининг ичидаги ёди. Уланинг сўзлари ҳам ўзгача. Қаёқдан чиққан? Қанчон айтилган? Қандай софдиллик, нозик ҳисслик банда бу қадар чин кўнгли блан сева билган. Буни билиб бўлмайди. Бирон жойда тутилмасдан, янглишмасдан, сўзларни шу қадар усталик блан ишлатиб, ўлан тўқиб кўйлаб келаёттир. Абай қайси йўлдан кетаёттанини, қанча юрганини ҳам сезмасди. Бир вақт Бўтақон ошоғидаги ўтовларнинг гумбази кўринди. Шундатина Абай ўланни тўхтатиб, Эрбўлга қаради.

Ҳамроҳи Абайнинг ҳолини онглагандек, кулимсираб, унга термилиб келаётган эди. Абай отининг бошини тортиб, астароқ юргизиб борди да, Эрбўлни қучоқлаб:

— Эрбўл, мендан кулма! Ҳаётимда фақат баҳт, шодлик деб эшиитган эдим-ку, лекин шу кечагача бунинг нималигини билмас эдим. Сенга айтишнинг нима ҳожати бор. Ўзинг кўриб турибсан-ку, менинг юрагимда шундан ҳам бошқа сир борми? — деди.

Бирнечча кундан кейин Абай яна Жанибек томонга борган эди. Қисқагина баҳтли кунларнинг саодатли онлари тамом бўлган экан: Осилбек, Адилбеклар қайтиб келишипти.

Адилбек келиши блан бу гаплар унинг қулогига етиб, сезиб қолтами, ҳарқалай ғоят ғазабланиб, янгаларидан, молбоқарларидан, қўриқчиларидан қаттиқ койиб, овулни соқчию, айғоқчи бостириб юборипти, кимгадир ўчакиштанини билдириб:

— Жанибекка қадам қўйиб кўрсин-чи! Тирик кетмайди! — деб оғзиға сўз олипти.

Бусиз ҳам ёвлашиб юрган элни яна бундай ишлар блан ғашига тегиши хавфли эди. Абай ҳеч илож тополмай, гангид яна ўша аламлик дардига мубтало бўлди.

Шу пайтда эл яйловдан қайтиб, овулларнинг ораси бир-биридан йироқлаб кетди.

Абай ўзининг нақадар ора йўлда қолганини, нақадар бедаво дардга мубтало бўлганини онглайолмас эди. У

Әнді бутун оламга гули сұлган, ша'ми сұнған, үзи ҳаётда йўқ кишидек қарар, ғоят озіб кетган эди.

Ота-онаси ташвишга тушиб, уни яна қаллирининг юртига юборадиган бўлишди. На юракда бир аланга, на бир истак — муздек кўнгил блан нима десалар кўнаберарди. Ҳайдалиб кетаётган кишидек, Қарқаралига жўнади.

Бу гал у ерда бир ярим ой туриб, эл қистов-қистовинг келадиган пайтда Диlldани бирга олиб келди. Абай ўз дард-ҳасрати блан бўлиб, бунинг устига қаллирининг юртига кетиб қолиб, ўз элининг ичидаги бўлаётган ишлардан четда қолганди.

Бу йил куз Қунанбой яна бир гурӯҳ одамларни қаҳрига олган экан. Бу йил навбат Қулуншоқ-овулига келипти. Яна ўша эски гапларни қўзғаб, кўчиб кетди, ёв томонга ўтиб кетди деб, кўпдан буён унга тишини қайраб юрган экан.

Абай қайтиб келганда, Қунанбой ўша Қулуншоқнинг Содирбой, Нодонбой деган иккита ўғлини Еттисув томонга ҳайдатиб юборган, Мунгсизбойни баримта тариқасида ўзининг яқин овулларининг четида тутиб турган экан. Қулуншоқ бўлса, Монос блан ёлғиз уй бўлиб қолипти. Қунанбой: «боламни уриб, инимни шарманда қилдинг» деб унинг моли-ҳолини ҳам, бор дун'ёларини ҳам босиб олипти. То ўртага туша оладиган ёру биродарлар эсиҳушини йиғиштириб олгунча бўлмай, бир куннинг ўзида шу ишларни бартараф қилипти-да, ҳечнарса билмаган киши бўлиб, атаган «Оқ қашқа — кўк қашқа»ларини сўйиб, қабила бошлиқларини йиғиб, тарала ялласини қилиб ўтираберипти...

Абай қайтиб келганда уруш-талаш йўқ, лекин овуллар, уйлар, ёру дўстларнинг ўртасидаги ғараз яна ҳам кескинлашган, норозилик блан хафа-газәкка тўлган эди.





БАЛАНДЛИКДА

1

Абайнинг уйланганига бирнеча йил бўлди. Дилда келин бўлиб тушганидан кейин келаси йил куклам уларнинг катта ўғли Оқилбой туғилди. Икки йил ўтгач Гулбодон деган қизи туғилди. Ҳозир Гулбодон бир ёшдан ошган. Бу кунларда Абай учинчи боланинг отаси бўладиган эди. Дилда ҳомиладор бўлганда бирнеча ойгача овқат ботмас, ҳадеб боши айланар, ранги кетиб, озиб-тўзиб кетар, касал кишига ўхшаб, ҳадеб ўзини тўшакка ташлайберарди.

Озгина йил ичиди бирнеча боланинг отаси бўлса ҳам, Абай ҳали ўзининг шу ҳолига қўнигаолмаган эди. Бунга уйдаги катта оналари ҳам сабаб бўлишди. Оқилбойни Улжоннинг ўзи бағрига олиб, бола қилиб олган. Ҳозир тили чиқиб қолган Оқилбой, Абайни отам деб билмас, шунчаки онда-сонда дастурхон устида кўринадиган катталарнинг биттаси, бир бегона кишидек кўрарди. Абай ҳам уни севиб, эркалатмас эди, негаки, бу бола унинг ёшлигига панд бериб, ёшлигини тортиб олмоқчи бўлгандай жуда эрта туғилган эди.

Аввало Абай ўн етти ёшида ота бўлди. Уйланишининг ўзику, тақдирга тан бериш дегандай гап бўлган эди.

Энди унинг орқасидан елиб-югуриб келган оталик гўё уни кулги қилаётгандай, бўйнига сиртмоқ солгандай туялган эди.

Оқиилбой туғилган куни Қаликага ўхшаш янгалари:

— Болалик бўлдинг!

— Мана энди ота бўлдинг!

— Муборак бўлсин! — дейишиб, уни ўртага олишган эди. Абай уялиб, ўнгайсизлапиб, нима қилишини билмай, отига миниб кетиб қолди. Уч-тўрт кундан кейин бир келди...

Абай кичкина Гулбодонни ҳам яхши кўрмас, унга ҳеч меҳри тушмаган эди. Бу боласи ҳам куни бўйи она-ларининг уйида, ўшаларнинг бағрида бўларди.

Гулбодон Дилданинг ўзгинаси. Бунинг устига кўп йиглоқ. Оқ сариқдан келган бу қизни ҳам кеч киргандагина ёшларнинг уйига олиб келишар эди. Бу қизи Абайнинг э'тиборини ўзига тортмоқчи бўлгандай, тонг отгунча йиглаб чиқарди.

«Одамни уйқидан чаёндек чақиб уйғотади» деб Абай унинг отини «сариқ чаён» қўйган эди.

Ҳозир ҳам ўша сариқ чаён йиглаёттир. Кеч кириб уй ичи қопқоронги бўлса ҳам Дилда чироғ ёқмай, чимилдиқни тушириб, баланд каравот ёнига ташлаб қўйилган кўрпачада чўзилиб ётарди. Оналарининг уйидан энди келтирилган Гулбодон ётгани унамай, хархаша қилиб, йиглаётган экан.

Абай бирқанча киши блан уйга кирди. Ташқарида бўрон бўлаёттир. Буларнинг усти-боши қор-қиров... Қаторлашиб уйга кириб келишганда, ўзлари блан кўп совуқ олиб келиб, уйни совитиб юборишли.

Эшикдан кирган совуқ блан кўпчиликнинг ўпир-тўпидан тинчи кетган Дилда бошини кўтарди.

Абай тумоги блан пўстинининг қорини қоқаётисиб:

— Дилда, чироғ ёқсангчи! Ана унинг товушини учир!.. Бўлмаса, у уйга олиб бориб ташла! — деди.

Дилда чироғ ёқиб, чимилдиқни кўтариб қўйди-да, мәҳмонларга кўрпача солиб, Гулбодонни қўлига олди.

Сапсариқ оқсоқ келинчак ўтовга кириб, Дилда блан ивир-шивир қилиб олди-да, овқатнинг тараддуудига тушди.

Келган бу мәҳмонлар ёш йигитлар — Абайнинг ҳозирги вақтдаги йўлдошлари — Эрбўл, Жиренше, Осилик ва Бозоралилар эди.

Буларнинг ичида ёши каттароқ Бозорали эди. У еши-ниб, түрга чиқиб ўтиаркан:

— Ёраббим, худо нима қиласман дейди! Яна бўрон! Ҳадеб бўрон! Ҳўп тинкани қуритадиган бўлди-ку! Шўрлик элнинг қоқ суюгини қолдириб кетадиган бўлди-да!— деб узун қора соқолини тутамлаганича, ўйланиб қолди.

Гавдали бўлса ҳам қадди-қомати келишган, чиройлик йигит Бозорали эндигина ўтизига чиққан эди.

Дилда чироф келтириб, хонтахтанинг устига қўйганда, йигитлар хонтахтанинг атрофида ўтиришган эди.

Энди Абай ҳам, яғринлари кенгайиб, барваста тортиб кетган эди. Бўйи ўртадан пастроқ бўлиб, суюги ўсиши блан бирга яхшигина жир битиб, хийла ўзини қўйиб юборгандай, юзи ҳам гавдасига мос бўлиб тўлишган эди.

Узунроқ қирра бурни хиёл каттага ўшаб кўринар, пешонаси кенг бўлиб, қишлоғидан икки юзи, бурни қизарган бўлса ҳам, пешонаси оппоқ бўлиб, кўзга ташланиб турарди. Бодомқовоқ, қийғоч кўзларининг оқ қораси ҳали ҳам тип-тиник, кўзларидан ўт сочилиб турарди. Чаккасига уриб турган ингичка қошлари блан ўйчанлик акс этиб турган алангалик кўзлари унда бошқалардан ўзгача бир хислат борлигидан дарак бериб турарди.

Қўнғир мўйлаби ҳали у қадар ўсиб етмаган, энди сабза уриб, теп-текис чиқиб келаётган эди. Қадди-қомати келишган, қора тўридан келган Абай, айтарлик гўзаллардан бўлмаса ҳам, жозибалик, ўтдек иссиқ йигитлардан эди.

Холи ўтовга йигилган ёшлар, турган гап, бу кечани ўйин-кулги блан ўтказиши керак эди. Лекин ҳали ўтириётгандан Бозоралининг айтган гапи ҳаммани ўйлатиб қўйди.

Бу йигитлар уч кундан буён бирга бўлиб фақат Бозоралигина буқун кечқурун тоғдан келган эди. Кўпчилик эл, кўп қистовлар ўша ерда. Абай у ердагиларнинг ҳолаҳволини билмоқчи бўлиб, Бозоралидан:

— Қалай, ют барчага баравар қаттиқ келдими ё ба зи ерлардагинами? Қанча ерни қоплади?— деди.

Осилбек, Жийренше, Эрбўллар ҳам Бозоралига тикилиб, жавоб кутиб туршарди.

— Ҳаммага келмай битта-яримтани аяб қўяр эдими? Ют шуда! Эл деб кўпчиликни оламиз-да... Кўпчиликка қийин бўлди-ку. Бўрон турганинга маға уч кун бўлда, ха-

ли ҳам босилмайди. Ез чиқиб қолар деб умид қилиб турган эдик. Лекин кун қиши чилласидек, ҳали ҳам қаҳри-заҳрига олиб турилти-ку!— деб Бозорали яна оғир ўйга чўмди.

— Кирилганда қўй қирилаётир. Қорамол қалай? Чинғизда ундан умид борми?— деди Жиренше ҳеч бўлмаса бошқа молнинг омон қолнишидан умид қилса бўладими деган хаёлга бориб.

— Тўбуқтининг моли фақат йилки блан қўй-да! Қорамол деб сигирни айтсак, у касир бўлгуринг, ютга қолганда қўйдан баттар экан.. Туя ҳам ютга чидамсиз мол... Ҳарқалай қўлдаги молнинг ичидаги омон қоладигани ўйк!..— деди Бозорали.

Чой устида ҳам, бутун кеч бўйи ҳам гап элнинг оғир аҳвсли устида кетди. Ют фақат молгагина келган эмас.. Кўпчилик қашшоқ. Кўпчиликнинг очарчиликка учрай бошлагани ҳам билиниб қолган эди. Бозорали Чинғиздаги ўзига тўқ овуллардан ош, нон сўраб, саргардов бўла-бошлаган бева-бечорани ҳам айтиб берди.

Бу аҳволга тушганларнинг олди шу Жидебойга Абайнинг оналарининг уйига ҳам келаётган эди. Бир парча гўштми, буғдойми, тариқми бўлса ёрдам қилинг деб, сўраниб юрган чол ва кампирлар ҳам бор эди.

«Ютдан омон қоладиган эл борми? Қимлар бардам. кимлар ўзини ютга олдирмайди» деган гап ўртага ташланганда, Бозорали:

— Омон қолганда, отнинг қашқасидек бир ҳовучгина овул омон қолар. Иргизбой, Котибақ, Жигитек, Бўкең шеларнинг ичидаги яхши-яхши қистовларни эгаллаб, кўп ерни босиб ётган овуллар ҳозирча тангликка тушгани ўйк,— деди.

— Айниқса Иргизбойлар ютдан омон қолади. Қистовлари яхши, кузда ғамлаб қўйилган бичанлари ҳам етарлик,— деб Эрбўл ҳам кўриб келганларини айтиб ошлади

Боядан бери ўйланиб, жим ўтирган Абай:

— Елғиз Иргизбойнинг омонлиги кимга дармон бўлади? Қимни қаноатлантиради?— деди.

Абайнинг бу гапи Бозоралига ма'қул тушди-да:

— Ҳарқалай бардам одам қоқилемас экан-ку, Кунеканг олиб берган ерлар Иргизбойларни сақлайдиган кўринади! — деди.

Абай қовоғини солиб, ялт этиб Бозоралига қаради-да:

— Ераббим, тортиб олингац ер ерми? Бу ерларниңг турган биттани күз ёши эмасми? — деди.

Абайнинг бу қадар ҳақиқаттаға күчіб гапирған гапиға Осилбек блан Жиренше хурсанд бўлиб кулиб юбориши.

— Епирим, Абайжои, кўпларнинг кўнглида юрса ҳам айтишга тили бормайдиган гапларни ўзинг айтдинг-ку! — деб, боядан буён ўйланиб ўтирган Бозоралининг чиройи очилиб кетди.

Бу йигитлар, Абайнинг кўнглида бор гапини яширмай очиқ айтаберадиган дўстлари. Айниқса Эрбўл бешолти йилдан буён Абайдан бир нафас айрилмайдиган узангидоши бўлиб қолган. Осилбек блан Жиренше ҳам Эрбўл орқалик Абай блан яқинлашиб, ёзу-қиши кўпинча бирга бўлишарди. Қунанбой бўлса Абайнинг бу дўстларига тоқат қилаолмас, уларни ёқтириб қўярди.

— Нуқул кечагина ёвлашиб юрган огулларнинг бўрибаччаларини атрофига йигиб олибди, яхши дўст топибди! — деб, афтини бужмайтириб қўярди.

Лекин Абай ўз отасининг фе'л-авторини синчиклаб юрадиган бўлганидан буён отасидан озор топган элларнинг ҳарбирининг гапга тушунадиган одамлари блан сирдош бўлиб юрарди. Отасининг қилаётган ишларини, элнинг ҳол-аҳволини, кўпчиликнинг дард-ҳасратини шулар блан сўзлашиб, шуларнинг гапидан очиқ ойдин кўриб яхши онглай бошлаган эди.

Абайдан уч ёш катта бўлса ҳам, Жиренше, Эрбўл, Осилбеклар бу вақтларда Абай блан ғоят яқинлашиб, дўстлашиб кетган, шунинг учун ҳам ўз элларининг катталаридан, қари-қартангларидан эшитган аламлик, дардлик сўзларини тўхтатмасдан Абайга етказиб туришарди.

Буларнинг шунингдек очилиб, дўстларча қиласидиган суҳбатларига Бозоралигина авваллари кўп аралашмаган эди. У ўзича шу элнинг, шу юртнинг бошига келган фалокатларга Қунанбой туфайли келаёттир, деб биларди. Бозорали кела келгунча Қунанбой марҳамат қилган катталарнинг огуллари ўз молларини Иргизбойларнинг ичига ҳайдаб бориб шу ерда жон сақлаётганини, Қунанбой одам қаторига қўшмайдиган, донг чиқармаган кам авлод кўпчиликнинг моли қаерга боришини ва боши қаерда қолишини билмай, муз кўчган пайтдаги муз парчасидек, сочилиб бораётганини кўриб келган эди.

Ич-ичидан ғазабланиб, күнглига турлик-туман норозиликларни туғиб юрган бўлса ҳам, Бозорали, шу онгача бу гапларнинг бирои оғзини бирорга изҳор қилмаган эди. Энди Абайдан ҳалиги гапларни эшитгач, ёрилиб тапирди. Ҳалқнинг бошинга тушаётган кўп фалокатларнинг негизини кавлаштириб келиб:

— Кўпчилик азобда-ку, сонда бор, саноқда йўқ. Евга қарши чиқиша сўйил ушлайди, ўлжа олишга келгандек кесак тишлайди. Шўрликларни на эслайдиган, на йўқлайдиган одам бор... Мана эндиликда қирилиб кетади холос. Кечагина «яхшилар», «бошлиқлар» деганларининг қайси биттасининг қовирғаси қайишар экан буларга... Мана эртага кўрарсиз, қайси биттаси аяб, қайси биттаси кўмаклашар экан,— деди.

Абай Бозоралининг ҳалқа қилаётган ғамхўрлигини кўриб, ичидан ҳайрон қолди. Афтидан Бозорали мудом ёлғиз юргани блан эл да'восини тўғри онглаб, ўзи ҳам кўп ўйлаб, ҳақиқатни гапирадиган кўринади. Бу ботирларга ўхаш, ўланга, сўзга уста Бозорали, катталарнинг гапига қараганда, бир тентак, ҳечким блан чиқишаолмайдиган бетавфиқ, аччиқ тилини тияолмайдиган бетайин деб ном олган одам. Мана ҳозир Абай пайқаб қараса, Бозорали ундай эмас экан.

Элнинг ташвишида ўйланиб қолган ёшларга Бозорали деди:

— Йигит бўлсанг, номусинг, оринг бўлса, шу саргардон бўлиб қолган элларга паноҳ бўл. Молини омон қолдириб, жонини сақла... Ана улар ҳам бошқа вақтда йўқламаганига яраша ҳеч бўлмаса мана шундай муҳтожликда, танглика қолган чогида ортиқчасини улашсин... Ерларидан уларнинг моли ёйлагудек жой берсин. Фалокатга учраган кўпчиликка қистовларидан бош пана берсин! Йиғиб қўйган қўрларидан улашсин. Элдан айрилиб, омон қолган Кунекенинг, Бойсол, Бойдали, Суюндиклар блан Йргизбой эли кимга суюнчиқ бўлади? Агар эл бор йўғидан айрилиб, қўлида қуруқ юган кўтарганича қолиб, очликдан тентираб кетадиган бўлса борми, уларни ҳам соғ қўймайди. Уй-жойидан айрилиб кетишидан олдин буларнинг ўзини ҳам бир ёқлик қилиб кетмайди дейсанми. Буларни шундоқ қолдириб, ўзлари қўрқсан қуёндек қочиб кетадиган бўлса, уни эл деб айтиладими. Қисқаси эл кетмайди! Кетса ҳам яхшиликча кетмайди.

Бозоралининг бу гаплари ўтирганларнинг ҳаммасини

қаттиқ ўйлатиб қўйди. Осилбек Бозорали да'восинниң ба'зигар жойларини потўри топиб:

— Ют деган нарса кийгиз ўйлик қозоқнинг отам замонидан буён келаётган заволи эмасми? Фақат ҳозирги одамлар қилаётими? Оғзингнинг бир чеккасидан чиқариб, бутун оғирликни бир томонга солаётисан, бу гапингadolatdan эмас! — деди.

Бозорали у блан бахслашмади. Лекин, юзидан норозилик акс этиб турган ҳолда, «бу отанг Суюндикдан ўтган оғмачилик!» дегандай қошларини кериб Осилбекка бир қаради-да, бошини чайқаб қўяқолди.

Иигитларнинг суҳбати тамом бўлай деб қолган пайтда эшикдан уч киши кириб келди. Буларнинг усти-боши қор, соқол мўйлабларида муз қотган эди. Олдин кириб келган санг-санг тумоғлик, кўхна тўнлик барваста йўловчнинг киприкларигача қироя босган эди.

Бу келган одамлар Бўкеншелардан Даркембой блан унинг иккита камбағал қўшниси экан. Абай Даркембойни таниши блан, қани ешипинглар деди. Даркембой шошиб турган экан, ешинмади.

Даркембой Тўқмамбетда Бўжей савалатилган йили Қунаңбойни отаман деб милтиқ ўқлаган эди. Унинг бу ишидан хабардор бўлган Тўбуқтилар ўшандан бери айниқса Қунаңбой атрофидагилар — Ирғизбойлар, кўзга чўп солди деб Даркембойни четга туртиб, унга қўлидан келган ёмонлигини аямай келаётган эди. Абай ундан келишининг сабабини сўраган эди, Даркембой дарҳол:

— Чирогим, Абай, сени қариндошга хайрлик бола деб эшитаман, шунинг учун сенинг олдингга келдим. Агар Такежонга ўхшаш бўлганингда келмас эдим... Бошимга foят оғир кун тушиб келдим. Мана бу иккала қўшним блан уччовимизнинг қўлимиизда бори-йўғи Йигирмата-ўтизтадангина туёғимиз бор эди, шу озгина молимиз блан ҳеч ердан паноҳ тополмай, сарсон бўлиб юрибмиз... Еримизда қултаноқ ҳам йўқ, кўйларимиз оч. Ҳозир шу Мусақулга келгупнимизча яна бештаси совуққа қотиб ўлди! — деди.

— Ҳа, Чингизга борақолмадиларингми?.. Ҳеч бўлмаса тоғ панасида бўлар эдиларинг-ку! — деди Осилбек.

— Вой, вой, бўрон Чингиздан келаётир-ку, ўзи зўрга турган мол шамолга қарши юраоладими? Чингиз қайдою, унга бориш қайдо? Мана бу Мусақул блан Жидебой ҳам бўронга қарши эмас, ҳам яқин. Эгалари кўнишса Муса-

қул блан Жидебой бирнече құра қүйга паноқ бұлмайди-
ми? Қорни очиб боқсақ ҳам майли эди. Ҳеч бўлмаса чий-
нинг ичи қўйнинг жонига ора киар эди. Шундан умид
қилиб келган эдик!

Абай Даркембойнинг нақадар оғир ҳолда қолганли-
гини онглади-да:

— Келганингиз яхши бўлипти! Қани қўйларинги зи-
яйлатаберинг бўлмаса! Аҳвол шу бўлгандан кейин, сўраб
ўтиришнинг ҳожати борми? — деди.

— У-ку, тўғри-я, чироғим, лекин ҳали кечга яқин Му-
сақулта зўрға етиб келган эдик. Олдимиздан Такежон
чиқиб, қайтариб юборди. Ёнида Жумоғул деган қонхўр
бор экан. Бошимизга келиб, қамчин ўқталиб, кет деб ҳай-
дади. Бори-йўқ молимни ҳам қириб юбораманми энди?
Ҳамон қирадиган бўлсам, ҳеч бўлмаса сен билгин, оч-
яланғоч қариандош уруғнинг ўбқонга тушиб бораётганини
ҳеч бўлмаса сен кўргин деб келдим.

Абай Даркембойнинг бундан кейинги сўзларига қу-
лоқ ҳам солмади, Эрбўлга қараб:

— Тур, Эрбўл, иссиқ кийинио олда, отга мин! Дар-
кембой, мана бу Эрбўл блан бирга боринглар! Шу ердан
озиқ-овқат ҳам олиб кетинглар! Дилда тур! — деди хотини-
га,— бу кишиларга етарлик овқат тайёрлаб бер!

Дилда дик этиб туриб, уларга озиқ-овқат ҳозирлаб
бергали чиқиб кетди.

Абай Эрбўлга қараб «Такежонга бориб айт, ҳайдама-
син, ғазнасини емайди! Буларнинг озгинагина молига яй-
ларлик ер берсин. Яна ҳалиги Жумоғулинин тийиб қўйсинг!»
деди. Эрбўл бир зумда кийиниб, Даркембойлар блан чи-
киб кетди.

Бу кунларда Мусақулда Такежон қишилар эди. У
Абайдан олдин уйланиб, ўша йилнинг ўзидаёқ ота-онала-
ридан бўлиниб чиқиб кетган. Такежон ўлгиндай мол-
параст, ҳатто ерни ҳам қўриқлайдиган хасислардан;
битта-яримта кўриб қолмаслигига кўзи етган чоғларда
пайтини топиб ўз оналарининг молини ҳам қўриғдан
ҳайдаб юборади, деб қўни-қўшнилар, чўбонлар ҳам унинг
фе'ли авторига таажжубланишар эди. Абай бу йил Та-
кежоннинг шундай қилиқларини кўлгина әшитиб, ундан
қаттиқ ранжиб юрар, учрашганларида ҳам, совуқчина
сўрашарди.

Тун кечада бўронда кетган Эрбўл ҳадемай, ҳаммаё-
ғини қиров босган, хуноби ошган ҳолда қайтиб келди.

Қисқагина соқолларига қор қўниб чолларга ўхшаб қолипти. Каттакон бурни қипқизариб кетган, қизғимтириқора, ўткир қўзларида қандайдир озор ва нафрат акс этиб турарди.

Тумоғининг боғини ешмай, бир тиззаси блан чўккалаганча соқолидаги қорни қоқар экан:

— Такежондан сўрагандан кўра, иблисдан сўраш ма'кул! Мусақул, Жидеболга мол туширтирмайман, уриб уриб, ҳайдаб чиқар ўша Даркембойни деб, Жумоғулга менинг олдимда бўйруқ берди. Арвоҳ урган Жумоғул ҳам, унинг шу сўзлорини дастак қилиб, биз блан орқамасрқа келиб ҳалиги Даркембойларнинг қўйини сўйил блан уриб ҳайдаетир! — деди.

— Даркембой-чи? У энди нима қилади? Тун кечада, шу бўронда қаёққа боради?

Қувғинда ўлгунча, ўша Жумоғулнинг қўлида ўлсанчи!.. — деб, уйдаги йигитларнинг қони қайнаб кетди. Эрбўл яна:

— Бу Жумоғулдек кўпрак ҳеч туғилмас! Қонхўр! Имонсизнинг ўзини ҳам элни қақшатиб юрсин деб чопарликка яратган-ку! «Ҳеч бўлмаса сен туратурсангчи, тонг отгунча тўхта» деган эдим, мен блан олишиб кетиб, оғзидаи чиқмаган гап қолмади! — деди.

Эрбўл у ерда бўлган ҳангамаларнинг ҳаммасини айтмади. Такежон Абайни қаттиқ ҳақорат қилган эди. Жумоғул Эрбўлни ҳам урмоқчи бўлиб ўқталган эди. Даркембой, қони қайнаб, тутақиб «энди қўлингни тофт! Бўлмаса, икковимиздан биттамизнинг қонимиз тўкилади!» деб, орага тушиб, ажратиб қўйган эди.

Бу гапларни Абайга айтса, ака-уканинг ўртасига ўт ёқкан бўларди. Жанжалларга хуши йўқ Эрбўл, бундай пайтларда бор гапни ютиб қўяқоларди. Уртадаги гап кескинлашиб, пичоқ бориб суюкка тақаладиган ишлардан Абайни четда қолдиришга тиришарди. Кейинчалик биллиб қолган Абай «нега ўшанда айтмадинг» деб тутақдиган бўлса, дамини чиқармай тураберарди.

Лекин ҳозир унинг ичидан қаттиқ ғазабланәёттани Абайга очиқ кўриниб турарди. Абай ҳам дўстининг фе'лини яхши билгани учун ҳозир ҳамма гапни айт деб қистамади. Ҳалиги гапларнинг тагида бошқача алам борлигини пайқади-да, бўғилиб кетди. Икки юзи бир оқарив, бир қизариб, қорамтири товлаб, қовоғини соганича

Эрбўлга ўқдек тикилиб бир нафас қаттиқ ўйланиб қолди-да, иргиб ўрнидан туриб кетди.

Бозорали ва Осиликлар Абайнинг нима қилмоқчи бўлаётганини онглайолмай, ҳайрон бўлиб туришарди. Абай тишин тишига қўйганича, қалтироқ, товуш блан:

— Тур, Эрбўл Юр! — деди-да, шошиб кийинабошлади. Юпингина кийиниб, белини маҳкам боғлаб, қўлига қамчи олди-ю, эшикни очиб, отилиб чиқиб кетди. Эрбўл ҳам унинг орқасидан кетди.

Қўлига қамчин олишидан уйдагилар Абайнинг отга минишини онглашди.

Ташқарида эгарлоғлик иккита кўк от жунжиб бўрондан пана бўлиб, деворга сиқилиб турган эди. Абай биттасига минаётиб йўлдошига:

— Қани, мин! — деди-да, ўзи иргиб кўк отга миниши блан қамчи босиб оппоқ бўроннинг ичига кириб кетди..

Шу топда Жумофул Даркембойларнинг эллик-олтмиштагина қўйинни савалаб, қувиб юрган эди. Неча кундан буён ичига бир тола ўт кирмаган қўйлар, қочай десаюгураолмай, бир-бирини паноҳ тортиб, уймалашиб, тўптўп бўлиб турарди. Қўйларнинг қочмаганига зардаси қайнаган Жумофул эгасидан тортиб ҳақорат қилиб, яна у орқасидан сарсон бўлиб пиёда келаётган Даркембой ва унинг дўстларини писанд қилмас эди.

Қувфиндан, бўрондан бугун ҳам кечгача оч юриб келиб, кўп ҳолатдан кетган тўрт-беш кичикроқ қўй тумшуғи блан қорга тиқилганича туролмай қолди. Даркембойнинг қони қайнаб, Жумофулни ушлаб олмоқчи бўлиб, орқасидан югурап, лекин бақувват отга минган кўп абжир Жумофул думини тутқизмай, елиб юради. Қўйларнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиққанда, бўғоз қўйларни думалатиб-думалатиб кетарди. Агар бу жониворлар, тили бўлса, ўзига ўлим тилаб ёлборар эди.

Мойбосар старшинликдан тушгандан кейин Жумофул чопарликдан бўшатилган эди. У, мадори қуриб, нима қилишини билмас, Жумабой пичинг қилиб:

— Худо йўлига оқ қашқа, кўк қашқа атаб, бир жанжал сўраса ҳам ҳеч қулай келмай, Жумофулнинг жунуни қўзиб юрибди! — дерди.

Лекин шу икки йил ичida Жумофул ўринини топди. Уни Такежон ўзига йўлдош қилиб олди. Тўғри, Такежоннинг қўлида ҳечқандай амал йўқ, лекин кузда ва қиша да ер қўриқлади. Шунда Жумофул блан Такежон орқада

қолган, моли оз, кучи кам, одамлари мүмин овулларга старшин блан чопардан кам зулм қылмас, өбонларини уриб, молларини ҳайдаб, отларини тутиб олишарди. Қариндош-уруглар унинг олдида титрашар, күпинча унга ялиниб раҳм-шафқат сўрашар эди.

Бусиз ҳам кимга тегишини билмай юрган Жумоғул блан Такежонга ҳалиги Даркембой иши бир ғаниматдай бўлди. Яна буларга куни қолиб келган ким? Такежон блан Жумоғул тинчлик замонда тишини қайраб юрган одам.

Жумоғулни отлантираётганда Такежон:

— Даркембой қўлимга тушадиган бўлди-ку! Ота душманим! — деб янниб ўтирган эди.

Такежоннинг шу гаплари эсига тушган сайн Жумоғул қўйларни от блан бостириб, думалатиб-думалатиб кетарди.

Шундай қилиб, Жумоғул шўрлик қўйларни беомон бўрондан баттар гаранг қилаётган пайтда, қор бўрони ичидан оппоқ бўлиб тўсатдан икки кўк отлик чиқиб келди. Жумоғул бу пайтда оч, ночор қўйлар блан Даркембойни ҳақорат қилаётганига қаноатланмагандай, энди Даркембойнинг ота-бобосини ҳам сўкаётган эди. Бўз отлиқлар яқинлашиб келганда, Жумоғул яна авж қилиб, бир қўйни думалатиб кетди.

Ўқдай учиб келаётган отлиқлар, товуш ҳам чиқармай, тикка келаёттир. Унга нима қилаётиссан ҳам дейишмади. Уриш-жанжал ҳам қилишмади, фақат олдинги отлиқ учиб келди-ю, қўй блан Жумоғул отининг орасига кириб. Жумоғулнинг отини чилвиридан олди. Жумоғул қаттиқ ўшқириб, тепиниб, қамчин ўқталди.

Шу топда Абай:

— Оч қўзингни, ёвуз! — деди ҳайқириб.

Жумоғул Абайнин таниди, лекин ўз кишиси қўзига ёвдан баттар кўринди. Абай ўнг қўлида қаттиқ қисиб ушлаб келаётган қамчинини қулочининг борича айлантириб туриб, Жумоғулнинг қоқ бошига солиб-солиб юборди. Жумоғул тепиниб, қутилишга уринди, лекин Абай отининг чилвирини чап қўлига ўраб олган экан, турган жойидан силжитмади. Иккаласи ҳам жим. Абай яна аямасдан савалаб кетди. Абайнинг қамчини Жумоғулнинг бошига сўйилдай тушаётган эди. Жумоғул бу вомусдан ўлганим яхши деб, интилиб Абайга ташланмоқчи бўлди. Лекин Эрбўл худди шу пайтни пойлаб, тайёрланниб турган

әкан, отини қаттиқ елдириб, орага кириб Жұмоғулнинг елкасидан олди.

Шу топда Даркембой:

— Вой, худо тилагингни бергур! Ҳа, одам боласи ҳам бор әкан-ку! Ҳамма бүри әмас әкан-ку! Эй худо, қани бері келтирчи аблажни! — деб юрганича етиб келди. Келиши блан Жұмоғулнинг әқасидан олиб, бир юлқиңдаёқ, гуп этдириб қорга улоқтириб урди. Шу топда Абай товушининг борича: «қайтар орқага!» деб, ҳамма қўйларни эгаларига ҳайдатиб, қўриққа киргизди.

Яқингина ерда катта моя турган әкан. Қўйларни ўша мояга ҳайдатди. Мояни қўриши блан қўйлар ҳам югуриб кетишиди. Даркембой Қунанбойнинг қўриғига тушгани устига унинг бичанига ҳам оғиз солишдан қўрқиб:

— Қайтар! Қайтар!.. Бичани едирма! — деб, ўз кишиларига қичқирабошлади. Абай уни ҳам жеркиб:

— Қўйиб тур! Борсин!.. Есин ўша мояни, қўрқманглар, ўша мояга ҳайданглар! — деди.

Қўйлар мояга етдию, атрофдан ёпирилиб, кўп бичавга бош солиши блан қимирламай қотиб қолишиди.

— Тонг отгунча шу моядан қимирлатма! Бўрон босилгунча қўйларни шу ердан қўзғатма! Бу ер, бу ўтларнинг эгаси Такежон бўлса, мен ҳам эгасиман! — деб. Абай бу ишни бир ёқлиқ қилди-да, Даркембойни ёнига чакириб олди.

— Даркембой, иккита йўлдошинг қўйларнинг ёнида турсин. Қўйларга энди ҳечким тегмайди. Қани, энди ўзинг ҳозир мана бу отга мин. Уша ер қўриқлайдиган Такежоннинг отига минда, юрганингча, шу атрофдаги ўзингга ўхшаш овулларга хабар қил. Мен юборганимни айт! Шу атрофдаги Чингизга етаолмай, қўйлари очликдан қирилаётган овулларнинг ҳаммаси юришга ярайдиган қўйларини олиб, азаматларини йигиб, худди шу уч қўриқка, Қунанбойнинг қўриғига ҳайдаб келсин. Кетмоин борми, кураги борми, олакелсин. Қўйларини қўриққа ҳайдаб, қор очиб жон сақласин. Мана шу хабарни яқиндаги Тўрғой Жигитек, Қоработир, Бўкенше элларининг ҳаммасига бориб айт! Ют келадиган бўлса ҳаммамизга баравар келсин! Бор! Югур! Ҳаммасини йигиб кел! — деди.

Шу буйруқ блан Даркембой отга мингандан Абай отининг тумшуғини Жұмоғулнинг кўкрагига тираб туриб:

— Сен онт урган, бундан кейин итлигинги боши ҳам, охири ҳам шу бўлсин! Билдингми? Бор, бориб Таке-

жонингга айт, йўғонлигини, зўравонлигини ютда қолган қўйларга, оч-яланғоч элларга кўрсатмасин, мана менга кўрсатсин! Жўна!. Пиёда кет!— деди.

Боядан буён дамини чиқаролмай турган Жумоғул Тажеконнинг овули қайдасан деб пиёда кетганда Абайлар Даркембойни жўнатиб уйга қайтиши. Бўрон ҳали ҳам сусаймаган, энди бутунлай қуюндеқ қутуриб, чинқириб, тўрт томонга югурад, кўз очгали қўймас эди.

Тонг отганда бўрон босилди. Йироқдаги қорли давон орқасидан кўтарилган қуёш қор тўзонига чулганиб, қипқизариб турар, қийналиб оғир дарддан туриб чиққанга ўхшар, икки томонидаги сурғилт булатларга қизгиш сарир ранг бериб, икки ёғидан қулоқ чиқаргандай кўринарди.

Даркембой Абайнинг топширигини яхши онглар эди. У тун бўйи, тонг отиб эл тургунча ҳам тиним топмади. Унга Абайнинг: «Ўзингга ўхшаганларга айт» деган гапи жуда ҳам ма’қул бўлган эди. Даркембой Абайнинг топширигини Қоработир, Тўрфай, Бўрсоқ, Жуонтаёқ элларига ўхшаш шу атрофдаги ерсиз, молсиз йигирма-ўттиз, ўттиз-қирқ қўйлик, аҳволи танг элларга етказди. Мусакул, Жидебой, Бороқдек қўриқларнинг атрофидағи сони кўп, қудрати йўқ овулларни кун чиқишдан бошлиб, кун ботишгача чарлаб чиқди.

Тун кечада, совуқ бўроңда келиб эшик қоққан одам одатда совуқ хабар олиб келади. Лекин Даркембой хуш хабар келтирди. Бўрон уч кундан буён тинмас, ҳалқ: «қўлда борини олиб кетади!» деб умидини узиб қўйган эди. Гулдурос солиб қутуриб, чинқириб эсаётган бўрон уйқисидан айирган кексалар худога ёлворишар, мол эгалари оҳ уришар, азamat йигитлар, хотин-халаж белини ешмай, кечаю-кундуз тинмасдан мол қўраларида кезишарди.

Атрофдаги тепаликларда бирон бута кўриниб қолса шуни ҳам кесиб яқин ерлардаги чийнинг бошини қирқиб келишар, ҳеч илож топилмаганда, бусиз ҳам зўрға турган вайроналарнинг қамишини суғуриб, молга беришарди. Лекин бу битталаб териб келаётган ҳашаклари мол учун, қалдирғоч қанотида келтирилган сув томчисидай гап эди. Бу озгина ҳашакни бемаҳал туқкан қўйга берадими, сути овқат бўлиб турган сигирга берадими, ёки ёлғизгина тусига берадими? Ҳарқалай ҳалқ сўнгги топган нарсасини «бошқалар ўлса ҳам, шу қолса экан» деган суюнчиқ молига илинарди.

Құшнилар ва ери күп танишлардан чүп-ҳашак умид қилиб бўлмас эди.

Шундай тун кечада Даркембой шундай хушхабар олиб келди.

Шундай қилиб, кун чиқиб келаётган пайтда Қунанбайнинг уч қўриғига қараб теварак-атрофдан чувалашиб мол келабошлади. Бу вақтда Абай блан Эрбўл аллақачон от устида юрган эди. Улар отга миниб, узун, кенг қўриқни ёқалаб, отини елдириб юрганича, ҳар овулдан келаётганларни қарши олишаётган эди. Озроққина қўй, тўртта-бешта қорамолнинг орқасидан тўп-тўп бўлиб чоллар, хотинлар, йигитлар келишиаётган эди.

Очликдан озиб кетган қўйларга қараб бўлмасди. Қўйларнинг юнгги ҳурпайиб, тугун-тутун бўлиб ёпишиб кетган, ёнбошлари сапсариқ қийга белашган. Онда-сонда ютга чидамсиз эчкилар бақириб, гуп учиб ётиб қолмоқда, булар кенг далада оппоқ қорнинг устида қопқора бўлиб ётарди.

Қўй олти кун очликка чидайди дейишар эди. Лекин буларнинг аҳволига қараганда, бу моллар қўпдан бери оч, жуда ҳолатдан кетган. Яна икки-уч кун турса, батамом йиқиладиган ҳолга етган эди.

Келаётган қўйлар қорни зўрга кечиб келар эди. Шунинг учун халқ битта-яримта ориқ отни, туюни ёки сигирни қўйнинг олдига солиб, йўл очиб келишаётир. Очиккан қўйлар олдинда зўрга кетаётган от, сигирларнинг думини еб қўяётгандай эди.

Шу аҳволда, очликдан толиққан, лиқиллаб қолган молнинг атрофида келаётган одамлар ҳам озиб-тўзиб кетган. Кексаларнинг юзидағи ажин кўпайган, ҳамманинг рангги кетиб, юзлари қувиқдек салқиб кетган, қадди букилган эди. Чурук-чарниқ энгил кийиб, бошига эскиустуски чулғаб олган хотинларгина эмас, эркаклар ҳам бор эди. Кўпчиликнинг оёғида ағдарма маҳсининг ўзи...

Одамларнинг ҳаммаси қўриқнинг четига илинار-илинimas қўлидаги кураклари, тешаларини музлаб қолган қорга уриб қўриқ юзини, чийнинг тагини очишга киришарди. Абайлар ерни кўпроқ бериш ниятида ҳар тўпни бир-биридан олисроқ тушираётган эди. Уч қўриқнинг ҳам бир яхшилиги шуки, бу қўриқларда қалин чий ўсади. Чангал, итбурунга ўҳшаш буталар ҳам кўп эди. Қор қўриқнинг чет-четидан қалин бўлиб, усти музлаб қолган бўлса ҳам, чийнинг ўртасига борганда унчалик қаттиқ эмас, юмшоқ

екан. Яна қаернинг қорини тозаланса, шу ердан қуюқ ўт чиқаётган эди.

Шундай ерларга етиб келган молнинг ҳаммасини ҳам оғзи ўтга тегди. Абай блан Эрбўл, тушга яқин, келгандарнинг кўпчилигини ўрнаштириб бўлишди. Ҳаммаси бўлиб, бу қўриқларга элликдан ошиқ овул келган эди. Та-кежон ёлғиз сигирдан ҳам қўриқлайдиган қўриққа тушган қўйнинг сони мингдан ошди, лекин қорамол кам эди. Неча кундан буён қорни қанча тепса ҳам, остидан тақир ер чиққанини қўриб келаётган бирнечтагина отлар ҳам, энди сўнгги кучларини сарф қилиб, ўлмасликнинг чорасини қилишмоқда эди.

Ютаган мол блан озган, хароб бўлган одамлар келгандан буён Абай қайғуга тушди. Ёз кунларида яйловдагина бу эллар камчилиги йўқ, ўзига тўқ қўринар экан. Энди мана бу ют элнинг нақадар қашшоқ ва паносизлигини очиқ кўрсатди.

Беҳисоб элнинг кўпчилиги шу сингари йигирма-ўттиз қўйлик, учта-тўртта қорамоллик овуллардан иборат. Иил ўн икки ой уларнинг овқати ҳам, улови ҳам, кийим-боши ҳам, бошпанаси ҳам шу озгинагина туёғи. Яхшилик замонда ҳам бу нима деган нарса. Мана энди бошига бундай офат келиб, қийналётган чөғида кўпчиликни ташкил қиласидиган халқнинг ҳоли нақадар оғир! Шу қараб турган тўртта молидан айрилса тирикчилиги нима бўлади? Қечагина «бой эл», «ҳаммаси тўқ эл» дейилган элнинг бўлган-турган аҳволи шуми?

Мана, тўқатдан ют, офат деган фалокат қошига келганда Абай уларнинг аҳволи, тирикчилиги нақадар оғир, нақадар ғарип эканлигини очиқ кўрди.

Бу фикрлар келганда ҳаёт Абайга шу қадар ма'носиз, шу қадар вафосиз бўлиб кўринди... Молларини қалин қорнинг ичига тиқиб, қуённинг кавагидек ерни паноҳ қилаётган бечораларга ғоят юраги эзилди.

Абай яна бошдан бошлаб, ҳарбир овулнинг каттасига учрашиб:

— Совқотганлар бўлса ана у рўпарадаги овулларга бориб исиниб келишсин. Бир маҳал иссиқ овқат ичинглар. Шу қўриқда ўтирган овулларнинг ҳаммаси ҳам қариндош, ҳечким ҳайлаб чиқармайди, тортинманглар! — деди.

Бусиз ҳам моллари учун Абайга офарини айттаётган кексалар энди, биратўла ютдан қутилгандек, кўнгилла-ри кўтарилиб кетди.

Абай, отини елдирганича, уч қўриқда ўтирган овулларни оралаб чиқди. Ҳамма овулларга бирма-бир кириб. Изиқуттига ўхшаш катталарни, айниқса уйянинг ион-ижтиёри қўлида бўлган кекса хотинларни зшикка чақириб слиб:

— Мана бу офат блан олишаётган қариидошларга ёрдам беринглар! Овулда қанча қозон бўлса ҳаммаси осилсиз, келганларга кунига бир маҳал иссиқ овқат бераб туринглар! — деб, қаттиқ тайинлаб чиқди.

Шу блан ҳар овулдан келган оч-яланғочларни ҳисоблаб, уларнинг ҳарқайсисини ўз рўпарасидаги уйларга тайин қилди.

Мусакулдаги Абай блан Эрбўл кирган сўнгги овул Такежоннинг овули эди. Такежоннинг ўзи уйида йўқ экан. У тундаги ҳангамаларни Жумофулдан эшлиши блан «ўз бошимча, ўз сўзлик» Абайнинг устидан арз қилиб, Қунанбойга чақмоқчи бўлиб, тўғри Қорашўқига кетган экан.

Абай Такежоннинг қўрасига келиб, ўзи отдан тушмай туриб, ичкарига Эрбўлни киргиэди. Такежоннинг хотини Қоражон қайниси чақиртирганига рангги ўчиб, келаётган эди. Новча бўйлик, бурни катта, қўкимтир товлаб турадиган қора келинчак ўлгунча заҳар, жizzаки, эрининг кунини кундан келтириб, сиқмай қонини ичарди. У ўзи ёш бўлса ҳам, қитимирилик қилиб, ош, нонга, молидун'ёга махлиё бўлабошлаган эди. Унинг бу фе'ли эрига кўп қўл келиб, булар тез кунда бойиб кетишаётган эди. Бу келинчак Улжоннинг қўли очиқлигини, уйнинг тўкинччинлигини ёқтирумай, сал кун ўтмасданоқ, гап-сўз чиқариб, эрига харҳаша қилиб, тез кундаёқ, энчисини олиб қозонини бошқа қилиб олган эди.

У Абайнинг Такежондан кичик бўлатуриб, яхши йигит деган ном олиб кетаётганига чидаёлмас эди.

Абай ҳам янгасининг фе'ли-авторини яхши билар эди, шунинг учун ҳам салом бераб сўрашмади. Зарда блан тепиниб, отни олдинга суриб, кечаси Жумофулнинг кўкрагига тираганидек, кўк отининг тумшуғини унинг ҳам кўкрагига тақаб борди-ла, тўғридан-тўғри гап бошлади.

— Эринг менинг устимдан арз қилгани кетибди. Мен ўз жазомни ўзим тортаётирман. Сенга бир хизмат буюргали келлим. Шуни ўрнига қўйиб қиласан, билдингми!

— Қандай хизмат экан?

— Мана бу атрофдаги эл ютда қолиб қирилаёттир. Тинчлик, хотиржамлик замонда бичанингни чопган, қудуғингни қазиган, молингни сүфорган, хизматиннга яраган шу қариндошлар эди. Ҳозир бошига кун тушеб, аэбаройи қийналганидан шу ерга келиб ўтиришипти. Молларига ўтлайдиган ер бердик. Үз қистовлари узоқ, кун совук, одамларни шу яқиндаги овулларга бўлиб бериб келаёттирмиз. Бизнинг овулда қириқ-эллик киши бўлади. Жой етишмаёттир. Сенинг овуллингнинг ёнида йигирма киши бор; тўрт овулнинг одами. Ҳали ўзларига ҳам таъйинладим, келиб шу ердан овқатланади. Шуларга кунига бир маҳал иссиқ овқат қилиб берасан...

— Вой, чирогим, бу нима деган гапинг?.. Бизнинг ўйимизда ўзимиз егудек овқатнинг ўзи йўқ!

— Елғон гапирма! Қайси куни тұякашлардан олдирған уч қоп унинг бор, тиравиб турған беш қоп бүфдойинг бор, сўйган сўқумингнинг гўшти тамом бўлиш уёғда турсин, яримлагани ҳам йўқ. Уйингда нима борлигини яхши билганим учун келдим... Бу гал мен блан ҳазиллашма, берасан, қани бермай кўр-чи! Қаршилик қила-диган бўлсанг яхши бўлмайди.

— Вой, энди ўзимиз оч қолайликми?— деб Қоражон бир чимирилиб тушган эди, Абайнинг ғазаби бўғзига келиб, ҳайқириб юборди:

— Оч қолмоқ тугул, қирилиб кет... Берасан... Қани бермай кўрчи! Ҳар кун кечқурун келиб ўзим текшириб тураман. Буйруғимни бузадиган бўлсанг, ўзингдан кўр! Агар мени шу ердан ҳайдатдириб юбормаса, сенчалик ҳолим бордир! Шарманда қилиб туриб, айтганимни қилишга мажбур қиласман! Билдингми? Олганда мендан Такежонни оларсан, кўзингни очиб қўй! Шу айтганимни қиласан! Гап шу! — деб ўқрайганича келинчакка тикилди.

Абай ўнг қўли блан қамчинини қисиб ушлаётган эди, Қоражон буни пайқаб, ортиқ гап қайтармади. Даркембойлар кечаси келиб, Такежон овуллининг юқорисига ўрнашган эди. Ҳали Абай келаётгандан Даркембойга бизнинг орқамиздан бор деб, тайинлаб келган эди. Эпди у ҳам етиб келди. Даркембой хийла ердан қулоқ солиб, Абайнинг ғазабли товушини эшитиб келаётган эди.

Даркембой ёнига келганда Абай Қоражонга яна баттарроқ ўқрайиб:

— Мана, сенинг овулингдан овқатланадиган одамларни шу Даркембой бошлаб келиб туради. Елғиз ўз уйингда эмас, овулингда қанча уй бўлса, шунинг ҳаммасига қозон остириб тур, овулингдагилар ҳаммаси хизмат қилсин! — деди. Қоражон чурқ этмай турарди.

Абай отининг бошини қайираётib, Даркембойга:

— Сен бу овулнинг куёви эмассан! Тортинма, эшигдингми? Ишдан бўшаганингдан кейин, тикка келиб «овқат бер!» деб айтабер, бермаса ё кечиктирса тўғри бориб ўзимга айт. Агар яширадиган бўлсанг Даркембой эмас, ҳажи қиз бўласан! Билдингми? — деди-да жўнаб кетди.

Тонг отгандан буён тиним топмаган Абайлар кеч кирганда, Жидебойга етиб келишди. Келса, оналарининг уйнда Такежон блан Жумабой уни кутиб ўтирган экан. Такежон тун бўйи от чоптириб, Қунанбойнинг олдига етиб бориб, энди Қорашўқидан Абайга буйруқ келтирган эди.

Улжон чақириргач Абай уйга кирди. Уйга кириб келаётган чоғида бу овулнинг одамларини омборларнинг ёнида, йўлакда, даҳлизда турли-туман иш блан банд эканлигини кўрди. Ҳамма ерда қозон осилиб, иссиқ овқат ҳозирланаётир. Оч-яланғоч келганларни кутишга онасининг ўзи киришган бўлса керак. Уч ерга катта-катта ўғир ўрнатилиб, эпчил-чаққон хотинлар буғдой туюётир. Озроқ гўшт солиб пиширилган буғдой гўжани қозондан кўтариб, идиш-идишда уйларга олиб кетишаётир. Қўкламда илик узилди вақтида бир уйдан кўп овқат чиқиши қийин. Яна буларни кутиш бир кун эмас, бирнеча кунга чўзилиши мумкин. Шунинг учун Улжон буғдой туйдириб, гўжа қилинса баракалироқ бўлар деб ўйлаган бўлса керак.

Рўпарадаги уйда навбати келган ўнбеш-йигирмага яқин эркак ва хотинлар аралаш ўтириб иссиқ овқат ичишаётган экан. Овқатларини бемалол ичин деб, Абай уларнинг олдига кирмади-да, катта уйга кирди.

Уйга кирганда салом бериб, Жумабой блан сўрашса ҳам, Такежонга қарамади. Ақа-ука совуққина учрашишиди. Бироздан сўнг Жумабой Абайга отаси айтиб юборган гапларни айтабошлади. Лекин Такежон кечаси жаҳл устида туғақиб кетиб, кўп гаплардан хабарсиз қолган экан. Чақиқ қилиб отасининг олдига арзимаган гапни, Даркембой масаласинигина кўтариб борган экан. Бугун аzonдан буён, атрофдаги бор эл шу ерга йиғилаётганидан хабарсиз қолган экан. Елғиз Даркембой келганига жони чиқиб кетган Такежон, бундай бало бўлар деб ўй-

ламаган ҳам эди. Ҳозир, мана, овулга келиб, буларни күр-
гандан бүён биратўла чатнаб кетгудай бўлиб ўтиради.

Жумабойнинг айтишига қараганда, отаси Абайшинг
Даркембойга паноҳ бўлишини иотўғри деб топган, «бе-
тайин одамларга яхшилик қилишнинг хайри йўқ. Дар-
кембой бир вақтлар менинг бошимга қасд қилган одам.
Абай яхшилик қилмоқчи бўлса, дўстларига қилсин. Дар-
кембойга бўлишмасин, қайтариб юборсин!» дебди, Абай
бунга кўймади, жавобни ҳам қисқа қилди.

— Отам элу-юрга хайр-саховотлик мусулмонман дер
эди. Ана ўша мусулмончилик оғатга учраган элларга
раҳм қилиб, ёрдам қўлини чўзиши фарз дейди. Такежон-
нинг гапига қулоқ солмасин, мен бу ерда халқа ва'да
бериб кўйдим... Ўзим қараётирман. Ранжимасдан рухсат
берсин! — деб қўяқолди.

Тутақиб ўтирган Такежон бир ҳурпайиб тушди да,
Абай блан уришиб кетди.

— Ҳамон бундай сўфи экансан, бошингга салла ўраб
Даркембойга деб, халқдан фитр сўрай қол!

— Керак бўлса, фитр ҳам йиғаман. Халқ қирилади-
ган бўлса бошимни ҳам шуларга садақа қиламан!..

— Қани, бўлмаса, бориб элга садақа йиғ!

— Садақа йиғишидан олдин ўзимда бори блан сенда
борини ўртага ташлаб, улашиб бераман!..

— Ҳали ҳам бор-йўқни талатиб бўлибсан-ку!. Битта
Даркембойни эмас, бутун элни йиғиб келибсан! Сен биг-
та ўзингни эмас, ҳаммамизни ҳам қора ерга ўтиризиб
кетадиган бўлдинг!.. Утиризиб кетиш ҳам гапми! Бун-
дай қилаберсанг ҳали оналарингни ҳам очдан ўлдирасан!

— Сен оналаримнинг ғамини емай қўяқол, билдинг-
ми! Менинг оналарим сени ўша Қоражон деган қуримсоқ
хотинингга ўхшаш ковакда ётган бўрсиқ эмас, борини
ўртага ташлаб ўрганган. Халқ блан бирга оғатга учра-
гандан ҳам қошдан қовоқ қайтармайди. Мен шуларнинг
топширигини бажараётирман. Оналар дегунча, ўша
Қоражон иккаланг шу оналаринг тарбиясидан садақа
бўлиб кетсангчи! — деб Абай Такежонга қаттиқ тикилди.
Унинг сўзлари, боласини уришаётган отанинг гапидек,
оғир ва салмоқли эди.

Такежон яна олишмоқчи бўлиб, оғиз жуплаган эди.
Улжон оғиз очтирамади.

— Бас, бўлди энди! Шунча олишганларинг ҳам бу-
лар! — деди ва Жумабойга қараб:

— Сен энди кетабер! Абай бу ердаги оч-яланғоч қариндошларни чақыриб қўйди. Биз қўлимизда борини шулар блан баҳам кўрармиз. Ҳали очдан ўлиб, кўчада қолаётганимиз йўқ. У ердагилар биз учун ташвиш тортмай, ғамхўрлик қилмай қўяқолсин. Берсак ўзимизга тегишлик нарсамизни бераётгирмиз, боласининг обрўйини тўкмасин. Ҳалкнинг олдида боланинг сўзини иккита қилмасин! — деди.

Такежон ортиқ гапирмаса ҳам онасилинг гапларига фе'ли айниб, тескари қараганича тумоғини кийди-да, чиқиб кетабошлади. Улжон унинг шундай қилиб чиқиб кетаётганини кўриб:

— Ҳой, менга қара, Қоражонга бориб айт. Овулига борган оч-яланғоч қариндошларни қовоқ-думоғ қилмасдан, очиқ чирой блан кутсан, кўп ҳаддидан ошмасин! Отасининг уйидан олиб келган моли эмас! Қўзини, очсин! — деди.

Такежон блан Жумабой чиқиб кетишиди.

Булар уч қўриқни батамом оралаб чиқиб, келган овуллар блан уларнинг молини кўриб, сонини билиб олишди-да, яна Қорашибўқига жўнашди. Бу гал киройи чақиқ деб кўтариб борганга арзидиган чақиқ олиб кетишиди.

Шунча мол блан шунча одамни бу ерга йигиб келиш Абай блан оналарининг иши эмас, бундай ишни қиладиган бўлса еру-дун'ёнинг эгаси Қунанбой қилиши керак эди.

Абайнинг бу ўз бошимчалиги отани менсимагани, «молу-мulkнинг эгаси ўзим» дегани.

Қунанбой Жидебойда бўлаётган ишларни Жумабой блан Такежондан батамом эшитди-да, энди Абайларга жаҳли чиқди. Ҳақиқатда ҳам бу иш ҳаддан ошиб, ҳечкимни менсимай қўйишилик эди.

Отасининг ғазабланганини кўриб Такежон, жаҳл устидаги бир қаттиқ буйруқ бериб юборишидан умид қилиб, ич-ичидан хурсанд бўлиб ўтирган эди. Лекин Қунанбой бунинг олдида ёрилмади, фақатгина «тийиб қўйиш керак» деди холос.

Шундан кейин Қунанбой Такежонга «сен кетабер!» деб Жумабой икковини чиқариб юборди-да, Ҳақиқатни чақиртирди. Эртасига азонда Жакип Жидебойга келиб, Зеренинг уйида ўтириб, Абайга яна отаси айтиб юборган гапларини айтди.

Шу блан отасидан иккинчи одам келди. Келганда ҳам энди катта-катта ишларга юбориладиган Жақип келди. Демак, иш чакки эмас. Аслида овулдагилар бўлсин, қариндош-уруғ бўлсин, Қунанбой айтиб юборадиган гапларнинг салмоғини ҳамиша, унинг юборган одамига қараб белгилашар эди. Чунончи «олиб кел, ҳайдаб кел!» деган буйруқлар Қорабос, Қамисбой сингари чопарлар бўлиб келарди. «Айтиб, билдириб кел!» деган буйруқлар Жумабой бўлиб келади. Ба'зан бундай буйруқлар Қудойберди ё Абай бўлиб ҳам келиб қоларди. «Қўрқитиб, пўпиза қилиб, жазосини бериб кел!» деган буйруқлар ё Изиқутти, ё Мойбосар бўлиб келади. «Тушунтириб, кўндириб кел!» деган буйруқлар мана шу Жақип бўлиб келарди. Лекин бу Жақип кўпинча қабила-қабилаларнинг орасидаги катта-катта ишларга, зўр маслаҳатларга ҳам юборилар эди. Борди-ю, иш жуда катта бўлиб, кўп эллар блан битадиган бўлиб қолса, бу важдан юборилган буйруқ Қоратой бўлиб келарди.

Бу гал Жақип келипти. Абай буйруқ келтиручининг ҳалигида олмошишига қараб, Қорашибўқидан келаётган буйруқни бир поғона-бир поғонадан кўтарилиб бораётганини онглади, ичидан жавобга ҳозирланиб турди.

Абай Жақипнинг гапларини қовоғини солиб, ғазаблануб, унинг юзига қарамай, юзини тескари ўғириб ўтирганича ҳар битта гапни чертиб, солмоқлаб кўриб эшиштетган эди.

Жақип Қунанбойнинг буйругини айтишдан олдин, гап айлантириб, бирқанча далиллар келтирди. Бу гапларни гарчи ўзидан қилиб айтиётган бўлса ҳам, Абай бу гапларнинг негизига хўб яхши тушуниб турган эди. Бу кунларда Абай отасининг кўнглидаги мақсадини, у мақсадларни қай йўсунда ўшлатишни дарҳол тушунадиган бўлиб қолган эди. Жақипнинг галига қараганда, ота бошлайдиган иш бору, бола унга эргашадиган иш бор. Бунинг фарқига бориш керак. Ота бошлаган эзгулик ишини қўллаганда ҳам, бола обрў қозонаолади. Отадан бемаслаҳат, ўзбошимчалик қилиб, одам бўламан дейиш болага яхши ном келтирмайди.

Бу гапларга Абай аҳамият бермади, негаким, боласининг одам бўлишини, обрў топишини ўйлаб қўлидан келган ёрдамини аямайдиган оталар ҳам бўлади, «ўз Хоҳини, ўз ҳукмини боласининг бўйнига қиёматгача оғир юқ қилиб, ортиб қўймайдиган отлар ҳам бўлади» деди.

Жақип яна давом қилиб:-ер бериб паноҳ бўладиган бўлсанг, ҳозир қийналаётган мол-ҳоллик одамлар ҳам бор, ўшаларга паноҳ бўл, бир кун эмас, бир кун фойдаси тегади. Булар ким, ҳаммасини йиғниб келганда, ҳатто омонатга битта от, битта тую ҳам бераолмайдиган одамлар,— деди. Жумабой ҳам шу гапнинг учини чиқариб кетган эди.

Абай унга ҳам кўнмади, Жақипнинг бу гапига қудага, ёру дўстларга қилинадиган ёрдам, бунинг оти яхшилик эмас, ҳаммага ма'лум олди-берди деб баҳо берди.

Абай, шундай қилиб, Жақипга гап бермади. Энди Жақипнинг жаҳли чиқиб кетиб, қаттиқроқ гапирабошлиди:

— Сен қаердан мол эгаси, ер егаси бўлиб чиқдинг ўзи? Меҳнат қилиб топиб қўйган эдингми? Бу қилаётган ишининг отангнинг бор йиққан-терганини сочиб юборишилик! Шу овулдаги мол блан Такежоннинг қўлидаги мол ҳам эрта-индин ўшаларга қўшилиб, ютга учрайди. Ҳеч бўлмаса мана бу оналарингга қараашлик молни аясангчи! — деди.

— Тўғри айтаяпсиз, мен оналаримнинг ризқини талонтарож қилиб, буларга хиёнат қилаётирман! — деб Абай кесатиб қўйди-да, Зерега қараб:— мана бу ўтирган она, ёлғиз менинг онам эмас, отамнинг ҳам онаси. Мол-мулкнинг ҳақиқий эгаси шу киши бўлади. Шундай бўлгандан кейин ҳаммамиз ҳам шу кишининг буйруғи блан иш турамиз-да, қани ўzlаридан сўрайлик-чи, қандай жавоб қиладилар. Ҳозир ўз оғзиларидан эшитинг! — деди-да, сурилиб энасиннинг ёнига келди.

Кекса эна бу кунларда ғоят озиб, сарғайиб, юзидаги ажинлар кўпайиб кетган эди. Абай ёнига келганда, энаси қулогини очди. Набираси унинг қулогига келиб қичқириб, ҳамма гапни айтиб берди; қисқагина сўзласа ҳам, тушунарлик қилиб, бу гапларга нима дейишини ва буйруқни фақат унинг ўзидангина кутаётганини онглатди.

Зере хўрсаниб, қовоғини солиб, Жақипга қараб:

— Боламга бориб айт, кўп умрим қолгани йўқ. Энди бир камим зор йиғлаётган оч-яланғоч элнинг қирилишини кўришим қолдими? Етим-есирларнинг, кексаларнинг дар'е-дар'е кўз ёшини кўришим қолдими? Ҳозир мен яратган эгамдан, энди омонатингни ол деб, тилаб ўтирибман. Жанозамга чақирилган одамларга ҳам ош-сув қилиб кутади-ку. Шуни жанозамга қиладиган ош-сувга

жисоблаб қўяқолсин, келганларга тегмасин, ҳайдамасин! — деди.

Бу сўзларни эшитгач Жақип гангиб, нима дейишини билмай қолди.

Абай кекса энасини шу қадар оғир тилаклар тилашга мажбур қилаётгандарини кўриб жони-жаҳони ўртаниб кетди-да:

— Мана, эшитдингизми, она учун ғамхўрлик қилаётганингиз рост бўлса, бундай йиғлатабёрганглар! Келганларни ҳайдашга йўл қўймайман! — леб чўрт кесиб ташлади.

Зеренинг сўзидан кейин Жақип хийла паст тушиб қолган бўлса ҳам, бор заҳрини Абайга сочиб кетмоқчи бўлди:

— Нима деяпсан ўзинг? Битта-яримтанинг ёқасидан олмоқчимисан? Бу гапинг яхши эмас, оғзингга қараб гапир! — деди.

Абай ҳали ҳам жаҳлидан тушмаган эди.

— Нима деяётганимни билиб турибсиз, бу ердагилар ёпи бола эмас. Бу ердагиларни ҳол-жонига қўйсин-да тинч ётиб айш-ишратини қиласерсин!

Жақип шу кунга қадар Ирғизбойларнинг ичидаги Қунанбойга қарши бунчалик қаттиқ гап гапирган одамни кўрмаган эди. Абайнинг бу гапи тагида қандайин гап борлигини яхши билса ҳам, ичидаги «бу бола қип-қизил тен-так экан-ку» деб ўйлади-да:

— Бас! Бас қил, чирогим, бас қил у ёғини! Мен бориб бу гапларингни айтмайман, лекин жуда қалтис сўзни сендан эшитдим деб кетарман!... Шунинг ўзи ҳам кифоя, бўлди! — деб, ирғиб туриб кетди.

Ҳақиқатан ҳам Абай айтган гапларининг тагида кўп гап бор эди. У Қунанбойнинг шу қиши ичи қилган бир ножӯя ишига ишора қилиб гапирган эди.

Шу бўлди-ю Жақипдан кейин у томондагилардан биронтаси Жидебойга қадам қўймади. Бошқа вақт бўлганда бу гапларнинг охири бундай тамом бўлмас эди. Қунанбойнинг жим-жит бўлиб дами чиқмай кетишига ҳам ўзининг ўша ножӯя иши сабаб бўлди.

Аслида сўнгги икки ойдан буён Абай блан Улжонлар Қунанбайдан қаттиқ хафа бўлиб, жуда кўнгли қолган эди, негаким, Қунанбой шу йил қишида, ёши 60 га чиққанига қарамай ўшгина бир қизни олган эди.

Жидебойда икки хотини — Улжон блан Айғиз, Қорашўқидаги катта хотини Кунке бўлишига қарамай, буларнинг устига яна тўртинчи хотин қилиб Нурғаним деган қизни олди.

Нурғаниминг ёши Қунанбой у ёқда турсин, Абайдан ҳам кичик эди. Мана шундай, боласидан ҳам кичик қизга уйланишини Қунанбой уй ичидан ҳечкимга билдирамади. Бу тўғридаги бутун маслаҳат Қоратой блан ўзининг ўртасида битди. Бу ишни бошлагандা ҳам, тўсатдан бошлиди. Бу ишга бош-қош бўлган Қоратой эди.

Утган йили ёзда Қоратойнинг хотини ўлди-да, кекса маслаҳатгўй хотинсиз қолди. Бир кун сўзлашиб ўтирганларида, Қунанбой унга:

— Уйланишини ҳам ҳеч ўйлайсанми? Нега уйланмайсан? — деган эди.

Буни Қоратойнинг ўзи ҳам ўйлаб юрган экан.

— Эй, Қунанбой, қўйсангчи, ўзим хотин бўлиб қолипман-ку, хотинни нима қиласман? — деган эди, унинг бугали Қунанбойга ма’қул тушмади.

— Гап ундоқ эмас, Қоратой. Ёшлигингда йўлингда учраган хотиннинг ҳаммаси сенинг хотининг, лекин қариганингдан кейин кутадиган, парвариш қиласиган одам керак. Хотин айни қариганда керак-да, — деди.

Шундай қилиб Қунанбой Қоратойни уйлантириб қўиди.

Уша Қоратой ўзи уйланган куни Қунанбойни ҳам киши-кишлатиб: «энди айтган гапинг рост бўлса, ўзинг ҳам биттасини ол, ўша айтганларинг ўзингга ҳам керак. Уларинг бўлса, ҳаммаси ҳам болалари, ўз ташвиши блан бўлиб кетган. Энди сенга «сенни» деб ўтирадиган бир нозанин керак» деди.

Шундан кейин иккови маслаҳатлашиб, Қунанбойга қиз топишди. Бу Нурғаним деган бир гўзал қиз эди.

Нурғаним Бердиқўжа деган хўжанинг қизи. Бердиқўжа Тўбуқтида эмас, Сибон элида, Орқат тоғида турарди. Бердиқўжа кўп уруғ аймоғи блан Туркистондан чикиб келганида, аввало Қоратоғда туриб, кейинчалик мана шу Орқат тоғига келиб турғун бўлиб қолган эди. Уша Қоратоғдан Орқат тоғига келаётганида шу Нурғаним ўша узоқ ўйдан кажавада ўтириб келган беш-олти яшар бола эди.

Бу ерга келганларидан кейин, Бердиқўжанинг кўп қариндошлари Орқатни ёқдирмай, яна «оқ пошшога фуқаро бўлган элда турмаймиз» деб, Туркистонга қайтиб кетган эди. Еши қайтиб, бир гала гўдакларнинг ичидаги

ўралиб қолган Бердиқўжа озгина уруғ-аймоғи блан шу ерда турғун бўлиб қолган.

Бердиқўжа энди Сибон эли блан Тубуқти элининг ичидаги чиқарган хўжа бўлиб қолди.

Бердиқўжа айниқса Қунанбой, Қоратойлар блан қалин бўлиб, ўзи кўп дилозор, оғзига келганини қайтармай, шартта айтаберадиган дағал одам эди. Бу хўжа кўпни кўрган, кўп нарсалардан хабардор, дин вожидан кўп етишган мулла бўлгани учун Қунанбойга ма'қул бўлиб қолган эди. Доим унинг блан бирга бўлиб, кўп ҳамсуҳбат бўлишар эди.

Нурғаним ўзи ёш бўлса ҳам, барваста келган, сочи қопқора, икки юзи қипқизил ажиг бир гўзал қиз эди. Қатта-катта қопқора кўзларида зийраклик блан бирга зўр гайрат акс этиб, чақнаб турарди.

Мана шу Нурғанимни, Қоратоининг маслаҳати блан, Қунанбой тўртинчи хотин қилиб олишга қарор қилди-да, совчи қўйди.

Эл-уруғида кўп хотин олиш расм бўлмаган хўжа аввалига ҳуркиб кетди. Яна Нурғаним энг яхши кўрадиган боласи бўлиб, унинг бутун эркаликларини, тентакликларини кўтарар, ҳечқачон қоқитмасдан ўстираётган эди.

Қунанбойнинг гапини эшитиши блан Бердиқўжанинг заҳраси учиб:

— Ие, нега энди, мен боламини қари Қунанбойга маҳрамликка берар эканман? — деди. Лекин унинг Қунанбойга бундай жавоб бериб юборишига ўғиллари йўл қўймади, ҳаммаси бир бўлиб хўжани қўярда-қўймай, икки-уч кунда зўрга кўндиришди. Булар Қунанбой блан қариндош бўлиб олиш ниятида эди.

Қунанбой Бердиқўжанинг кўнганини эшитиши блан, қаллиқчага бериладиган қалин молнинг ярмини бирдан юбортирди. Шундай қилиб шу қишининг ўзидаёқ Нурғанимга уйланиб ҳам олди. Улжон блан Ойғиз янги кундош хабарини Кунке юборган одамдан эшитишиди. Эр қизғаниш Улжоннинг эсига ҳам келмас эди. Унинг эр етган тўрт ўғли бор; яна набира кўрган, ўзини тутиб олган она. У энди Қунанбойга эрим деб ҳам қарамас, фақат болаларининг отаси, кўп йил умр қилиб, кўрган кўп азоб, кўп дард-ҳасратлари блан боғланган бир таниш кишидай қарар, ўзга ҳисларининг ҳаммасини сув оқизиб кетгандай эди.

Шундай бўлишига қарамай, Улжон Қунанбойнинг уйланишига қарши бўлди. Жумабойни чақириб олиб «умри-

да бир марта бизнинг айтганимизга кўнса, энди уйлаимасин, ўртага катта низо' тушиб қолади, болалардан уялсин, болалари қаттиқ хафа бўлади» деди.

Бу янги гапларни Улжон Абайга ҳам айтди. Абай әшитиши блан қандайдир сесканиб, нафратланиб кетди; қаттиқ ғазаб ичида тутақиб: «оталик ҳурматидан маҳрум бўлсин. Бизларни бира-тӯла ёт бўлиб кетсин деб қилаётган иши. Шунча одамни одам қаторига қўшмагани-қўшмаган, она блан нега маслаҳатлашмайди. Умр йўлдоши сизлар блан нега ҳисоблашмайди. Биздан кичик қизни олиб ўтирибди-я, ахир болалар уялар деб, нега бизни ўйламайди? Мен бунга рози бўлмайман! Бу қилинни ҳеч кечирмайман! Бизни одам демагандан кейин, ўтга тушса ҳам ёлғиз ўзи ёнсин. Ранжитганини билиб қўйсии! Шундоқ деб айтдириб юбор!» деди.

Қунанбой Улжоннинг жавобини әшитгач, Қункенинг пинжига кириб, ўзини унга дўст кўрсатиб, «улар аҳмоқлик қилаётир, сен ҳам қўшилма! Ўзинг ўйлаб кўр-да, мен томонга ўт!» деди.

Нияти бузук Қунке ҳамиша ўз фойдасини қўзлаб зимдан иш юргизиш пайтида эди. Улжоннинг болалари кўп, яна Зере ҳам ўшанинг томони. Шунинг учун у доим Қунанбойнинг Жидебойдаги овулига тескари бўлишини ўзига фойдалик деб биларди. Айниқса Улжоннинг ўйи тўкин-чочин бўлиб, келди-кетдисининг кўплигини кўраолмас эди. «Мироснинг кўпи шуларга тегади-ку!» деб, дарди-фикри ўшаларга тегадиган миросда эди.

Қунке бу катта иш эрининг ҳаёти учун ҳам, ўзининг ҳаёти учун ҳам, алоҳида бир иш бўлишини яхши биларди. Аввалига норозилик билдиримоқчи бўлди, лекин шу норозилик билдиришда ҳам Улжонга қаради. Агар бу ўламан-оббо кўнмайман деб, эрини койитиб қўйсаю, Улжон кўниб қўйса, унда ёмон бўлади. Эридек суюнчиғидан биратўла айрилиб қолиши мумкин. Шунинг учун ўзича бир хийла ишлатиб, Улжон томонини қимиirlатиб кўрди. У тарафдан норозилик жавоб келиши кўнгилдагидек иш бўлди. Розилик у ёқда турсин, Қунанбойни қаттиқ айблайдиган жавоб келди. Энди Улжон томонидан хавф йўқ. Шуни билгач Қунке Қунанбой блан очиқ сўзлашаётган чоғида, Улжонни яна хўб сойиб сотди. Ўзи доно хотин бўлиб, рухсат берди. Рухсат беришгина эмас, «Нурғанимни ўз қўлимга тушир! Ўзим блан турсин! Улжон унга кун берадими» деб ғамхўр ҳам бўлиб чиқди. Мана шу Қун-

кенинг айтганини қилиб Құнанбой, Нурғанимни Қорашұ-
қига туширди. Шу блан бирга, мана, икки ойдан бүён
Жидебойга қадам ҳам босмай қўйди.

Шундай қилиб, Жақип блан Жұмабойларни Жидебой-
га келишга мажбур қилаётган иш юз берган пайтда, Қу-
нанбой блан катта уйдагиларнинг ўртасига ғоят қаттиқ
совуқчилик тушиб қолган эди.

Абай Жақип блан сўзлашаётиб, гапининг охирида пи-
санда қилиб ўтган гап мана шу эски дард эди. Қийнала-
ётган қўшни элларнинг оғир аҳволи ўлғаннинг устига чи-
қиб бир тепгандай бўлди-да, Абайнинг кўнглидаги ички
ва ташқи икки дарднинг алами қўшилиб, қаттиқ қийнаб,
шу гапни айтишгача олиб борди.

Бирнече ойдек бўлиб чўзилиб ўнбеш кун ўтди. Қам-
бағалларни қисиб бир ерга уюштирган оғир қишининг охи-
ри шу эди. Бу йил халқ ютга учраганда, шу сўнгги қор-
дан, узлуксиз бўрондан учради. Айниқса март ойининг
охири апрель ойининг боши ёмон келди. Кўклам ойи деб
ҳисобланадиган апрель ойида совуқ тўсатдан қаҳри-заҳ-
рига олиб кетганидан, бу ютни «апрель юти» деб, илга-
риги ютлардан алоҳида ҳисоб қилинадиган бўлди.

Қамбағал қўшнилар Жидебойга келиб тиқилганига
ўнбеш кун бўлди деганда, кун исиди. Жанубдан эсади-
ган иссиқ ел эсабошлади. Агар бу ел бир ой муқаддам
эсганида халқ уни «баҳор келди, эгиликка етишдик» деб
шодланиб қарши оларди. Лекин бу йил халқни шодлан-
тираолмади. Гарчи шундай бўлса ҳам, қолганларни ют-
дан халос қилгани келди.

Абай блан Улжон Құнанбойнинг буйруқларидан қу-
тилгандан кейин бор кучини кўпнинг хизматига берди,
эртаю-кеч ўйлайдиган ўйи шуларнинг моли, шуларнинг
жони бўлиб қолди. Абай кун бўйи отда юрабериб чўпдай
озиб, қопқора бўлиб кетган эди.

Лекин Даркембойларга қилган меҳнати блан ҳаракати
бўшга кетмади, эллик овулнинг бир ярим минг қўйи блан
қорамоли омон қолди.

Баҳор шабадаси эса бошлиши блан қор эриб кетди.
Фақат қўриқда эмас, адирлар, далаларда ҳам қор кетиб
ерлар қорайиб қўринабошлади. Қор узоқ ётиб қолганига
хижолат бўлаётгандай, шошиб-пишиб, эриб кетабошлади.

Ернинг бағри очилган кунлар бошланди. Осмонда оқ мамиқдек күклем булатлари аста сузарди. Жидебойга тұпланған әл әнді тезлик блан ўз қистовларига етиб олиш ҳаракатига тушди.

Одамлар Зере блан Улжонга миннатдорчилік билдириш учун сұз топишаолмас әди.

Меңмөнлар тарқалиб кетгап куни Улжон қишида сүйилған сүқимнинг гүшти блан сур қилиб қүйилған гүштлар тамом бұлғанини айтди. Худди шу куни кекса үбон Сатай бу овулда ўлған молнинг сонини ҳисоблаб келтап әди. Қүйнинг күпчилиги булар кутганидек қишидан омон чиқаолмади. Шу ўнбеш кун икки юз қүйни олиб кетгап әди. Абай оға миниб айланған сайн овул атрофика ўлиб ётган қүйларни күпроқ пайқаса ҳам, буни уйға келиб айтмас әди.

Уч қүриққа әга бўлиб ўтирган беш-олти овулнинг ичидә моли ҳалокатта учраган овул шу Жидебойдаги овул бўлди. Такежон бўлса, битта қўзи ҳам йўқотмай ютдан омон чиқди.

Ютнинг кучини халқ фақатгина қистовдаги молга қарабгина эмас, қор бутунлай кетиб, ер селгиган пайтда ўтордан келган йилқига қараб ҳам белгилайди.

Қунаанбойнинг неча кундан бүён сургала-сургала зўрга Жидебойга етиб келган йилқиси сон жиҳатидан анчагина камайиб қолган, отларнинг кўриниши мудҳиш; не-не катта аргумоқлар, семиз биялар ҳам олти ой ётган касалга ўхшайди: юнглари ўсган, ҳурпайған, оёқ бўғинлари йўғонлашған, суяги чиқиб, а'зойи-баданидаги пайлари билиниб қолган; қулундан номи-нишони қолмаган әди. Тўбуқтининг йилқиларидан фақат Қунаанбойнинг ва умуман Иргизбойларнинг йилқилари, булардан ташқари Бойдали, Суюндик ва Бойсол йилқилари омон қолган әди. Лекин шулар ҳам қистовга зўрга сургалиб келишаётир. Мусулмон китобларида одамзод кўп йиллар давомида гўр азобини чекиб ётиб, маҳшар куни кафанини бошига чулгаб, соядек лиқиллаб, ўрнидан зўрга туради дейилади, бу моллар худди ўша маҳшар куни гўрдан турғанга ўхшар әди.

Қунаанбой блан Бойсоллар шу қўшларни омон сақлаб қолиши учун бор кучларини сарф қилишди. Атрофдаги майда қабилаларнинг ерларидан фойдаланишди, қўшларни қалин қордан яширишди, бир кузовдан иккинчи кузовга кўчиришди. Моллари ориқ бўлса ҳам омон қолди.

Қишиңді. Бошқа қабилаларнинг құшлары мана шундай бўлса, ют кўрмадик деган бўлар эди. Ҳақиқатда ҳам кўп қўшлар киши қўш дейишга уяладиган ҳолга тушиб кетди. Тўбуқтида қўш дейиш блан минг йилқининг мўлжалини билдирилади. Мана энди Тўрғай, Жититек, Тўпай, Жуонтаёқ, Бўкенше элларининг ичида бир қўшдан қирқ-эллик, етмиш-саксонтагина улови қолганлар ҳам бор эди.

Кўп элнинг кайфини учирив, ёқасини ушлатган даҳшатли оғат айниқса мана шу ҳолатдан билинарди.

Энди ҳарким ўз овули, ўз дарди блан бўлиб кетди. Борди-келдилар, бир-бирини йўқлашлар ҳам ҳисоби блан бўлиб қолди. Овулларнинг ҳозирги аҳволи кўп овулларни харобага айлантириб, уйларни вайрон қилиб кетадиган довулдан кейинги ҳолатга ўхшарди. Ҳамманинг дардификри орриқ-тириқ молни боқиши, ўшаларни кўкламнинг қора совуғидан сақлаш бўлиб қолди.

Бу ташвишдан фақат Жидебойдаги овултана халос бўлди, негаким, Қунанбой қўшлари келиши блан уларни Чингизга ҳайдатиб, бундан буёнги ташвишни ўз зиммасига олди.

Кун исиб кетди. Ердан кўк чиқабошлади. Энди Жидебойнинг атрофидаги ўлаксалар кундан-кун исланиб, сасиб кетабошлади. Шунинг ўзи ҳам, бир оғат келтирадигандай кўринарди. Улжон шуни ўйлаб, қистовдан чиқиб, юқорироқда ўтоб тикиб ўтиришини маслаҳат кўрди. Тонг отиши блан, кўчгали ўтовларни ҳозирлашга бўйруқ берди. Лекин худди ўша куни кечқурун тўсатдан Зере касал бўлиб қолди.

Кекса знанинг дарди бошланишидаёт оғир келди. Бемор аввалига қаттиқ эҳраб, нафас ололмай қийналди: эртасига ҳолатдан кетиб, қўзғололмай қолди. Абай блан Улжон қаттиқ қўрқиб, касал ёнидан силжишмади. Сув бериш, кўрпа-тўшатини тузатиш, ҳамма иш шу икковининг бўйнида бўлди. Оёқ ости қилиб юборишади деб, bemorning олдига бошқаларни киргизмай, мумкин қадар уйви ҳоли тутишга уринишди. Зере ётиб қолгандан кейин эртасига Улжон ундан умидини узабошлади. Абайга айтмасдан, Қорашибига одам юборди. Тун бўйи мижжа қоқмай, тепасида телмириб ўтирган келини блан набира-сига Зере саҳар вақтида бир кўзини очиб қаради. Энаси кўзини очганда Абай умид boglab унга томон эгилди. Касал она бир нарса демоқчи бўлаёттандай кўринди,

буни Абай пайқамади, лекин Улжон дарҳол сезди. Иккөви ҳам силжиб яқин келиб әнгашғанларида, Зере бир нарса деб пичирлай бошлади. Мадори йўқ бўлса ҳам, эси жойида, фақат товуши зўрга чиқаёттан эди:

— Ҳаётимда... Сизларга... яхши ибрат бўлаолдимми-йўқми? Васиятим бўлса... Қулоғим, тилим борида айт-олдимми?... Қандай қилай... Энди нима қилай!.. Бугун, мана, ҳолатдан қолган чоғимда икковинг мендан нима кутаётисан?.. Қандай умидлар блан термилаётисан?.. — деди. Бу гапларни кекса эна қийнала-қийнала хийла вақтда айтиб бўлди. Уни сўзлатиш жабрдай, бир нарса дейиш ҳам ўринсиз эди. Абай икки қўлини кўксига қўйиб, энасига та’зим қилаётгандай, бошини эгди. Шунинг блан ўзича: «юрагимдаги бор ҳурмат, азиз она, сенга аталган» демоқчи эди. Бир нафасдан кейин энасинг икки қўлини олиб, унинг қовжираган кичкинагина панжаларига юзини босди. Онасининг қўлларини ўпиб ўтирган чоғида кўзидан бирнечча иссиқ томчилар юмалаб, ўша жонсиз озғин панжаларига тушди.

Энаси яна пичирлаб Абайга:

— Чирофим... кўзимнинг нури! — деб, Улжон томонга қаради,— онангга яхши қара! — деди.

Шундан кейин кекса эна яна бир нафасини ростлаб олиб:

— Елғизгина болам эди·ку... Ўша ёлғизга тупроғимдан буюрсин! — деди. Шу гапни аниқ қилиб айтди·да, яна қайтиб сўзламади. Кўзлари юмилиб кетди. Бу айтгани Қунанбой эканлигини Абай дарров тушунди. Шу сўзларни бошлиши блан Улжон бош иргитиб «ҳотиржам бўлинг» дегандай ишора қилди.

Бебаҳо она тонг отарга етмай жон берди.

Абай блан Улжон тонг отгунча товуш чиқармади. Иккенинг ҳам Зеренинг доно юзига әнгашиб, юраги эзилганича, тикилиб ўтиришди. Иккенинг ҳам ҳозиргина мангуга йўқолган онанинг дарди·алами, дод·ҳасрати блан бўлиб бутун оламни унутиб юборгандай ўтиришарди.

Абай эсини танигандан буён яқин кишисининг ўлимини кўргани шу эди.

Кекса онасининг юзи ҳозир кўкимтири товлаб қолган бўлса ҳам, унда қандайдир чуқур сокинлик кўринар, ундан ўлим эмас, азоб эмас, аксинча, кўпдан буён тилаб юрган орзусига етишгандай, меҳр·шафқат нури ёғилиб турарди.

Кун чиқиши олдидан бутун овулга хабар қилинди. Болаларигача қолмай йиғилиб келишди. Набиралар блан келинлар товуш чиқармай йиглашарди. Құшнилар, чүбонлар ҳамма чин күнглидан қайғуга ботиб, ох тортишарди.

Ұша куни эрталаб Қорашұқидаги ва Чинғиздеги барча қариндошлар ҳам етиб келишди. Ҳаммадан олдин Кунке блан Қунанбай келди. Қолган Ирғизбойлар ҳам, тушга қолмай, етиб келишди.

Бу ўлим бутун әлни чуқур қайғуга солған бўлса ҳам, йиглашмади. Та'зияни, жанозани йиғи-сифи қилмасдан ўтказышди. Эртаси унинг жанозасига ұша әллик овул камбағал құшниларнинг ҳаммаси етиб келди. Кўп қавм, кўп қабила баравар ҳурмат блан кекса әнани ер бағрига узатиб қўйиши.

Кунанбай блан Кунке Зеренинг еттиси ўткунча шу ерда қолиши.

Энасининг та'зиясии кутиш шу қадар оғир кунларга тўғри келганидан Абай ғоят қаттиқ хафа бўлди. Бу кунларда у ҳечким блан сўзлашгуси келмас эди. Зерени қўйиб келишган куни энасининг ўрнига ўтириб қур'он бошлади. Одат бўйича онасининг арвоҳига атаб буюриладиган «хатми қур'онни» ўзи ўқимоқчи бўлди.

Абай энасининг еттисигача икки марта қур'он тушириди. Бир куни овқатдан кейин ўтиришганда, Қунанбай унга:

— Қур'онни жуда суст ўқир экансан! — деди. Абай жавоб бермади. Қунанбай бу гапни ба'зи муллалар бундай вақтларда бир ҳафтада қур'онни уч-тўрт марта тушириб ташлашни назарда тутиб гапирган эди. Абай нима учун бунчалик секни ўқиётганиннинг сабабини айтмади. Гап тез ўқишида бўлса, тез ўқиб ташлаш унинг ҳам қўлидан келарди.

Абай «онамга савоби кўпроқ тегсин» деб шошмасдан, ўзгача ихлос блан, юрак бағри эзилиб, муножот қилиб ўқир, қур'оннинг ба'зи пораларига келганда хаёл суриб кетарди.

Шунда Абай онасида бўлган одамликни, оналикни, меҳр-шафқатларни ўйларди. Унинг назаридан ўз күнглида бўлган миннатдорчиликни изҳор қилиши ҳам онасига ду'одек тегадигандай кўринарди.

Абай мана шу кунларда, уй бошқа одамлардан холи қолган пайтда, Үлжоннинг бир сўзига зўр ихлос блан қулоқ солди:

— Киройи она деганга арзийдиган она эди·ку, раҳматлик! Шу одамнинг насиҳатлари, тарбияси бўлмаса, мен ҳам бир маккор, писмиқ, хасис бўлиб қолардим. Сен блан менинг бўйнимда энангнинг қарзи кўп. Ҳеч бўлмаса арвоҳи рози бўлсин, арвоҳини йўқлаб турайлик! — деди.

Абай шу топда ўз онасини ҳам қариб қолганини пайқади. Унинг ҳам юзи ғамгин тортиб, дарди аламга ботган эди. Онасининг сўзларига хўп дегандай бош эгди·да, яна қур'он бошлади.

Зеренинг еттиси ўтиб, хатми қур'он тамом бўлгандан кейин Қунанбойлар қайтиб кетишиди.

Бирнекча кундан кейин ҳалқ йилдаги одат бўйича яйловга кўчди. Абай энасининг қирқигача яна қур'он ўқишга тушиб... У ташқари чиқди дегунча онасини ўйлар, дилни вайрон қиласидиган оҳу·зорлик ўланлар чиқаради. Тоғ бошига чиқса ҳам, далада кезиб юрса ҳам онасининг доғ·ҳасрати мунгли куйларга айланиб кетаберар эди.

Чинғиздан ошиб, яйловдаги кўп элнинг ҳолини кўрганидан кейин Абай яна бошқача бир дардга йўлиқди. Қараса, илгари гуркираб, тўлиб·тошиб ётган эллар энди бир ҳовучтина бўлиб қолибди. Ўлкага сигмайдиган молнинг ўрнида аҳ·ёнда бир кўриниб, сочилиб ётган бешта ўнтағина қорамол қолибди. Моли оз бўлганидан кейин кўлчилик овуллар бирлашиб кетибди. Чинғизнинг устидағи бир·бирига қўшилган кенг қўнислар, увалар, кўп адирлар, яшнаган яйловлар бўм·бўш. Шунинг блан бирга эл ичидаги хонавайрон бўлганлар, қашшоқлар, тиланчилар кўпайган. Абайнинг ўз онаси ўлиши блан бирга яна бир онаси — эл ҳам дардга чалиниб, ёстиққа бош қўйгандай кўринарди.

Шуларни кўриб ўйлаган сайн Абай бир бедаво дардга йўлиқди. Ғамгин кўнгли ҳеч очилмас, икки елкасидан ғусса босиб ётганга ўхшарди. Энди у усти·бошига ҳам, миниб юрган отига ҳам, ичадиган овқатига ҳам қарамас эди. Одамлар блан кўп сўзлашмас, ўз дарди блан ўзи бўлиб бораётган эди. Лекин энди ўз онаси Зерени ўйлаганда яна бир онаси — элни ҳам бирга ўйлар эди. Ҳаш·паш дегунча икки алам бирга қўшилиб бир дардга, бир доғга айланиб кетди.

Мана энасининг қирқи ҳам келди. Яйловдаги кўп эл йиғилиб, Зерени сўнги марта хотирлашди.

Улжон шу кунларда Абайнинг шу сингари ғам юки остида озиб кетаётганини пайқаб юрар эди. Энаснинг қирқини бериб, халқни тарқатгандан сўнг, боласининг ёнига бориб ўтириди:

— Сен жуда оғир қайғуга ботиб кетдинг-ку! Озиб кетганингни қара! Еш нарса бундай қайғуга берилиб кетса яхши бўлмайди. Энди бас қил, ўзингни тутиб ол-да Эрбўлни чақиририб, уёқ-буёққа бориб, бир ёзилиб кел! — деди.

Эрбўл келиб Абайга Осилбекнинг саломини ва унинг Абайни таклиф қилиб юборганини айтди. Кўпдан буён қадрлик дўст бўлганлари учун Суюндикнинг ўғли Осилбек:

— Онаси вафот қилгандан буён ҳечқаерга бормади. Бизнинг овулга келиб кетсин,— деб, Абайни меҳмонга айтиб юборган эди. Шундай қилиб икки йигит Суюндикнинг овулига қадрли меҳмон бўлиб боришди.

Ўша Жанибекка, ўша гўзал ям-яшил ердаги овулга Абайлар етиб боришганда Осилбек блан Адилбек уларнинг олдидан чиқиб қарши олди. Даркембой ҳам шулар блан бирга эди. Меҳмонга келган йигитлар аввал Суюндикнинг катта уйига кириб, кексаларга салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашди.

Суюндик бундан ўн кун аввал катта хотини блан бориб, Зерега фотиҳа ўқиб келган эди. Энди Абайдан Улжоннинг ҳол-аҳволини, соғлигини сўрашди. Шундан кейин, йигитлар ҳоли уйда bemalol ўйин-кулги қилиб ўтиришсин деб, Осилбекнинг ўтовига жой қилишга буюришиди.

Осилбекнинг ўтовига жой қилиб қўйилган экан. Абайлар ўша ерга чиқишли. Эшикда-ю уйда Абай блан кўришаётган катта-кичикнинг ҳаммаси мулоимлик блан сўзлар, уни бениҳоят ҳурмат қиларди. Шуларнинг биттаси Осилбекнинг хотини Қорааш эди. Уни катталардан айниқса Даркембой очиқ чирой блан қарши олиб, Зеренинг арвоҳидан ўргилиб, Улжонни мақтаб, Абайнинг кичкина болаларининг ҳарбирининг отини айтиб, соғлигини сўраб парки-пиёда бўлиб юрарди. Қўкламдаги қаттиқ ютдан буён Абайни яхши биладиган Бўрсоқ, Бўкенше элларнинг ҳам бирқанча овуллари шу ерда экан. Буларнинг ҳаммаси ҳам Жидебой, Мусақулда жон сақлаб келган одамлар эди. Буларнинг ҳаммасининг симосида Абай-

дан розилик, минатдорлик, унга ҳурмат аломати акс этиб турарди.

Бўрсоқ элидан бўлган бир чол шодлиги ичига сифмай:

— Чироғим, элнинг бошига келган ютдан омон қолдим деб юрибман. Бунинг учун аввало худо, қолаберса сендан қарздорман,— деди.

— Худога шукур! Соғим сигир блан сутга, оқлийка ҳечкимдан кам эмасмиз. Уша ўнбеш кун ичиде Жидебойга бориб тикилган овулларнинг ҳаммасини ҳам пайқаб қарадим... Ман-ман деганларга қараганда ҳам, шулар омон қолибди! — деди Даркембой.

Ҳали катта уйда Абай блан сиполик қилиб сўрашаркан Қораашаш унга ғоят бир яқин кишисидек илтифот билдириди.

Авваллари сиртдан Абайга ғазабланиб, унга душман кўзи блан қараб юрадиган Адилбек ҳам энди ўшаларни унутгандай кўринарди. У Абайни уйга ўзи бошлаб келиб эшик очди-да, унинг қўлидаги қамчини блан тумогини олиб, ўз қўли блан қозиқقا илиб қўйди.

Бу овулдагилар шундай шодланиб қарши олишлари, елиб-югиришлари блан Абайга ўз қариндоши, яқин кишисидек меҳрибонлик, дўстоналик кўрсатишди.

Аслида Абай Жигитек, Қотибақ сингари яқин эллар блан солиширигандан ҳамиша Бўкеншени ортиқроқ кўрарди. Бу элнинг одамида ўзгача бир хушфёллик, оқ кўнгиллик, мўминлик бор. Яна яхши кўрган одамидан жонини ҳам аямайдиган мард эл.

Булардаги шу хусусиятни Абай айниқса меҳмондўст ёшларнинг уйидаги уч кунгача бўлган ўйин-кулги чоғида Осилбек блан унинг хотини Қораашашдан кўрди.

Абай Осилбекни кўпдан буён «Осил оға» дерди. Мана шу кунларда ўша Осил оға Абайга ғоят севикли, чин оға бўлиб кетди.

Фақат Абай бу ерда нақадар очилиб, ёзилиб, ўлан айтиб асқия қилиб, сухбатлашиб ўтирасин ичдая ғамгин, бу ўйин-кулгиларнинг биронтаси татимас, лекин бу аҳволни ҳечкимга сездирмас эди.

Шу қадар қадрлик, шу қадар иссиқ кўринган Суюндинк овули кечқурун Жанибекка келишлари бланоқ Абайнин қаттиқ ҳаяжонга солди. «Дард» деган нарса ўрни битмас бир жароҳат. Вужудни тешиб ўтган ўқнинг ўрнидек ҳеч кетмайдиган бир доғ. Абайнинг юрагидаги бу

доғ ёлғизгина Түфжоннинг азиз номи, гўзал симоси, соғ юраги блан боғланган доғ.

Абай келиб Суюндиқнинг уйига кириши блан кўнгли ёринни йўқлади. Ҳамма нарса ўз жойида, одамлар ҳам ўша. Лекин бу ерда, бу атрофда Түфжон йўқлигини яхши билса ҳам, назарида бу ота-онанинг уйи ҳозир Абайга Түфжонни ҳам ўрнига қўйиб кўрсатадигандай кўринди. Эшик очилди дегунча, гўё ўша кириб келаётгандай, уйда ўтирган чоғида қулогига узоқдан чулпининг шилдирлаши эшитилаётгандай бўларди.

Осиликнинг ўтовига бориб остонаядан ҳатлаши блан шу ўтовининг ўнг томони гўё янга бир марта Абайга баҳт чимилдини кўтарадигандай туюлди. Уша оқ шойи чимилдиқ, қимматбаҳо суяклар қадаб ишланган ўша баланд каравўт, ўша жиҳозлар — ҳаммаси ўз жойида. Уша куни мана шу Қорааш, Эрбўлларнинг қўли блан астагина очилган эшик ҳам турибди.

Абайнинг ғоят сирдош, кўп яқин дўстидек кўриб, кўп йўқлайдиган Қорааш ҳам шу ерда. Лекин энди дўстларвинг дўстлиги ҳам ожиз. Абайнинг ўзи нақадар чорасиз бўлса, улар ҳам шу қадар чорасиз, Түфжон йўқ.

Умр бўйи унтуилмас, қадр-қиммати ҳам кетмас гўзал Түфжон шу кунларда Абайнинг юрагини янга бир марта ўзига тортиди. Ҳозирги соғиниш блан кўнглидаги дарди қандай қўшилгани ма'лум эмас, лекин яқиндан буён Абайнинг шу қадар оздирган онасининг доғи шу топдаги соғиниш дардига қўшилиб, бирлашгандай бўлди. Эҳтимол бу икки дард бир-бирига гуноҳсизлиги, соғлиги блан қовишган бўлса.

Гарчи Абай ўлан айтиб, асқия қилиб ўтиrsa ҳам, виҳн солиб қараган киши тез-тез ғамгин тортганини, астагина хўрсиниб қўйганини кўрап эди. Еш йигитнинг бу аҳволини уйдагилардан фақат Қораашгина пайқарди. У Абайнинг хўрсинишлиаридан унинг ич-ичидан ўртанаётганини сезарди. Еш йигит кексалардек «оҳ-воҳ» қилмайди, лекин у астагина хўринганида вужудидан алангалик бир оқ отилиб чиққандай бўлади.

Абайнинг бу аҳволини кўрган сайн Қорааш ҳам унга қараб ғамгин тортар, ғоят раҳми келарди.

Уч кундан кейин уй холи қолган пайтда ўз тўшагининг ёнида ўтирган Қорааш:

— Азизим Абай! Сиз менинг Түфжонимни ҳали ҳам унутаолмаганга ўхшайсиз! Эл кўчиб кетиб, яйловда ёл-

ғиз қолгандай, эгаси ташлаб кетган вайронага келгандай бўлгандирсиз дейман! Назаримда шундай кўринаётурсиз!— деди-да, бироз қизариниб Абайга қаради.

— Янгажон, тўғри айтдингиз! Билдингиз, нимасини яшираман! Уша вақтларда ҳам foят зийрак эдингиз. Тўғри пайқадингиз. Қани энди кўз олдимдан кетса! Назаримда ҳозир Туғжон кириб келадио, мендан ўпкалаганини, аразлаганини айтадигандай бўлади, туради!

— Икковингизнинг йўлингиз ҳам, севингиз ҳам бошқача эди. Шу қадар ачинаман! Туғжон шўрлик менга нималар демас эди! Сени чин ќўнгли блан севар эди.. Кетаётганида баҳт тилаб кетгани йўқ, ўзига ўлим тилаб кетди. Шуни ҳам менга очиқ айтди!— деб, Қорааш яна бир сирни билдириди.

Иккови ҳам оғир ҳаёлларга ботиб, жим қолишиди.

Абайнинг кўз олдида Туғжон блан сўнгги марта видо'лашаётгани гавдаланди. Ҳали ҳам Туғжон ёнида тургандай, ҳозиргина айрилишиб кетгандай бўлди.

Туғжон ўша куни сокин кечда жим-жит сойликда кимсасиз, қош қорайган пайтда Абайни ўзи излаб келган эди; «етиб келсин», деб айтдириб юборган ҳам ўзи ади. Куёв сўнгги марта келиб, уни олиб кетадиган, бугун-эрта қудалар блан куёв келади деб турилган пайт эди.

Ўша кунгача шуқадар тортиноқ, уятчанг Туғжон худди ўша куни кечқурун тўсатдан эсайиб қолгандек, тортинмасдан келди; юрак дардларини, алнга ичида ёнаётганини шу қадар нафис ифодалар блан изҳор этди. У, кўзида ёш титроқ босиб сўзлаган эди; одатн бўйича әркалаб, Абайнинг кўкрагига юзини босиб турган эди. Бағрига кириб, қучоқлаб туриб, нималар демади...

Иккови кўп йиллардан буён бир-бирини севарди, лекин учрашган, сўзлашган баҳтли онлари жуда оз экан. Туғжон шунга қаттиқ ачинганини, куйиб изтироб чекканни ҳам айтган эди. Ҳаётдан, тақдирдан, зўрлик қилаётган буйруқдан ранжиб, ўқсиб-ўқсиб йиғлаб, зорланиб, ўша куни кечқурун ҳаётга ла'нат ҳам айтган эди... Абай Туғжонни юпотаолмай, юраги тилка-тилка бўлиб қайтган эди... Мана энди ҳамон кўз олдида ўша йиғлаб бораётган Туғжон. Унинг бошидаги қора шойи камзули, оқ кўйлатининг этаги ҳам эсида. Камзул остидан бўғиқ товуш циқариб, шилдираб бораётган чўлписининг товушигача қулоғидан ҳали аригани йўқ...

Абай яна бир марта қаттиқ хўрсинди-да:

— Азизим, Туғжон! Унутмайман... Унутмайман! — деди.

Қорааш Абайнин шу овулнинг дўстигина эмас, фоят севиклик куёвдек кўрар, унга ачинар эди, шунинг учун ҳам Осилбекка ўзича бир маслаҳат солди.

Қорааш Сибон элидаги Собирбой оқиннинг қизи. Уша Собирбойлар яқинда Қорааш блан Осилбекни меҳмонга айтиб юборишган эди. Булар Абайларни жўнатиб, сўнг ўша ёқقا боришадиган эди.

Қорааш Осилбекнинг Абайга чин дўстлигини яхши биларди, шунинг учун эрига ўша ўз оналарининг уйига Абайнин ҳам бирга олиб борайлик деди.

Осилбек бу гапни эшитиши блан, ма'кул кўрди-да, у ёгини ўзи тушуниб олди, сўнг Абайга: «Бирга айланиб келамиз, у ерда ҳам бирнеча кун ётамиз, Собирбойнинг қандай одам эканлигини ўзинг яхши биласан... Ҳарқалай сафаримиз ёмон бўлмайди. Шу ердан тўғри бирга кетаберайлик!» деди.

Абайга Суюндикининг огули ҳам, қандайдир иссиқ кўринар, Қорааш, Осилбеклардан бир нафас айрилгуси келмас эди. Шунинг учун бу таклифга тезгина кўнақолди.

Фақат бирга боришга ва'далашиб қўйганларидан кеянин, Эрбўл Абайнин холи топиб:

— Шу иш бизга лойиқ ишми ўзи?.. Отасининг уйига кетаётган бир хотинга эргашиб боришимиznинг ўзи қандай бўлар экан? Яна эл-юрт биздан кулиб юрмасин — деди.

Эрбўл бу гапни ўзи учун эмас, Абайнинг обрўйига ниш тегишидан қўрқиб айтган эди. Абайдек эл оғзига тушиб, яхши ном кўтариб келаётган йигитдан «бу нима қилгани?» деб, битта-яримта куладими деб ўйлаган эди.

Абай бу гапга парво қилмади. Эрбўлнинг елкасига бир қўлини ташлаб, кулди-да:

— Бой хумпарей, Собирбойнинг суҳбатида бўлиб, ўшандай устоздан баҳра олсак, шунинг ўзи катта гап эмасми? Эргашиб борди деганда, эргашиб борадиган одамимиз ким? Шундай яхши аёл Қорааш экан. Буни арзимайди деб, ким айтаолади? Кимнинг оғзи боради? — деди.

Шундай қилиб, орадан түрт күн ўтгач, бир тұда келишган йигитлар ўртага Қорашашни олиб, Собирбойнинг овулға келиб тушишди.

Тұбуқтидан келған ёш мәҳмонарны булар жуда яхши қарши олди. Собирбойнинг уйига мәҳмонар блан бирға бир гала катта кишилар, болалар ҳам киришди. Албатта бегона одамларни күриш, уларнинг элинин ҳоли-ақволини сұрашлық кексаларнинг ҳаммасына худди бир қарздай туюлди.

Қорашашни ҳам бир гала қыз-жувонлар құршаб олди.

Собирбойнинг ўзи ҳам уйда экан. Уни Абай Бұжейнинг ошида күрган бўлиб, бу иккинчи марта күриши эди. Собирбой оқин аввалги тұлалығы, күркемлиги қолмай, соқол-сочлари ҳам анча оқариб, қариб қолибди; юzlарини ҳам чуқур-чуқур ажин босиб, ранғы кетиб, ўзини жуда олдириб қўйибди; фақат кенг пешонаси блан бурнидангина унинг бир вақтлар күркем киши бўлганлиги кўриниб туарди. Собирбой аввал Осилбек ва Қорашашлар блан кўришди, сўнг Абай ва Эрбўлни сўради.

У Абайнин танимаган эди, унинг Қунанбойнинг ўғли эканлигини билгандан кейин, ўша йил кўрганлари эсига тушди. Ўша ма'ракадаги бирқанча ишларни кечагина кўргандай:

— Бўжейнинг ма'ракаси бу атрофдаги элларнинг катта ма'ракаларидан бири бўлган эди. Мәҳмонарнинг ҳаммаси хурсанд бўлиб, оғарин айтиб қайтишган,— деди.

Собирбой мәҳмонар блан суҳбатлашиб ўтиаркан, кўпроқ ўзи сўзлар, булардан онда-сондагина ҳалқ ақволини, ба'зи кексаларни сўраб қўярди. Абай Собирбойнинг саволларига ма'нолик қилиб, қисқа-қисқа жавоблар берар, сипогарчиллик сақлаб ўтиарди. Шуниси борки, мәҳмонар блан суҳбатлашиб ўтириш, суҳбатни жонлантириб туриш ҳозирги ҳолда Абайнинг бўйнида эди, негаким, Осилбек бу овулнинг куёви бўлганлигидан, у қадар ёзилишиб ўтираолмас эди. Собирбой ҳам бутун гапни Абайга қараб гапираётган эди.

Бу йил икки қўшни эл учрашди дегунча ют ҳақида сўзлашарди.

Абайлар келгапларидан бүён Собирбой ҳам улардан фақат ют ҳақида сўради: «Охирги қор юти» Тўбуқтида қандай бўлди? Қайси уруғлар қаттиқ ютади? Кимлар омон қолди? Ҳозир очарчиллик йўқми? Оқлиқ қандай,

соғим моли қолган әллар ҳам борми, Собирбой Тұбуқты әлини илгари яхши билгани учун ҳозир гүё ўша әлнинг четда юрган бир азаматидек, уларнинг ҳаммасини дарров күз олдига келтириб ҳар гапта дарқол тушунаёттан эди. Унинг саволлари, қаттиқ касалнинг томирини ушлаб туриб, беморнинг уйқусини, иштахасини, оғриётган жойини сұраёттан табибининг саволларига үшшарди.

Абай Тұбуқтидаги узоқ-яқин әлларнинг ақвонини ҳеч тутылмасдан, шошмасдан тағсили блан айтиб берди. Асилбек блан Эрбұл ҳам буни әнди билишди. Еш йүл-дошлари ҳозир Тұбуқтида қанча мол қолган, кимларнинг моли омон қолган, қайси қабиға қанча молдан айрилган, илгари уларда қанча мол бор эди?— Ҳаммасини, худди хатта солиб олғандай, билар экан. Унинг шу тақлитда аввалғи сөнлар блан ҳозирғи сөнларни солиштириб, әлнинг оғир ақвонини тасвиrlаб бериши Собирбойға ҳозирғи Тұбуқти ҳақида тұлық түшүнчә берди.

Собирбой құшни қариндошларнинг оғир ақвонларини Абайдан әшитаркан, ғоят ташвишга тушиб, ғамғин тортиб, ерга қараб үтирад эди.

Собирбойнинг ўз әли ҳам шу ақвонда эди. Сұнгги қор Сибоннинг ҳам суробини тортиб кеттән эди. Шу Собирбой атрофидагиларнинг ҳам ҳоли хароб эди.

Собирбой оқын аввалдан ҳам бой әмас, лекин ютдан олдин қимизи, сүндиган моли ўзига етарлық эди. Ҳозир у омон қолган қариндош-уруғларидан сутини ичгали сүраб олган бияларини соғаёттан эди. Собирбой ҳам бу ердагиларнинг ақвони танглигини батағсил айтиб берди, ўз ҳолини ҳам яширмади.

Қулоқ әшиттән ер борки, омон қолган әмас. Сақрода мол боқадиган әлларнинг ҳаммаси оч-яланғоч, арвоғға үхшаб қолған. Шу күпчиликнинг бошига келған оғатдан тутақиб кетиб, Собирбой:

— Үйнөқлаб юрган қулондек, босар-туарини билмай юрадиган эл эди. Лекин бүрон ҳаммани совуқ ургандай қылди кетди. Нимасини айтаман. Энди мана, қаттиқ доғул остида қылтираб турған бутага үхшадик қолдик! — деди.

Сұз умуман халқ устига күчганды, Абай очилиб кетди.

Бу вақтда чой ичиб бўлишган, әшикда мол сүйилаётган эди. Ҳали меҳмонлар блан бирга кирған қўшилар ҳам, Қораашининг ёнида үтирган бир гала қиз-жувонлар

ҳам кетишган эди. Лекин оқ сариқдан келган бир қиз ҳалигилар блан кетмай, шу ерда қолди. Бу бўйга етган қадди-қомати келишган чиройлик қиз эди. Унинг чаккасига уриб турган қопқора қошларининг ба'зан чимирилишлари Туғжонни эслатиб, Абайнинг диққатини ўзига жалб қилди. Қийғоч келган катта-катта қўнғир кўзларида қандайдир зийраклик акс этиб, онда-сонда қараганида, қандайдир нур сочилиб, чақнаб кетарди. Чўзинчоқ келган ёқимлик гўзал юзида нимранг қизили бор эди. Бурни блан пешонасидан Собирбойнинг қизи эканлиги очиқ билиниб турарди.

«Собирбойнинг оқин қизи» деб ном чиқарган Қуондиқ шу экан. Қуондиқ ўз овулларидан келган меҳмонлар тарқалгунча уй иши блан машғул бўлиб юрди. Чой ҳозирлаб, дастурхон ёзиб, меҳмонларни ҳам ўзи кутди. Ба'зан эшикка чиқиб, сўйилаётган молнинг бошига бориб, онасиға ҳам қарашиб келар эди.

Меҳмонлар блан отасининг суҳбати узилиб қолган пайтларда Қуондиқ Қорашаш блан сўзлашар, меҳмонларга қараб:

— Ичинглар!.. Нега ичмаётисиз!.. Еб-ичиб ўтирасавизчи! — деб меҳмонларни дастурхонага таклиф қиласарди.

Қуондиқ отасининг олдида иманиб, тортиниб турдиган қизлардан эмас эди. Дастурхон йигилган пайтда, ёшикда мол ҳам сўйилиб бўлиб, қозон осиб юборилган эди. Ташқарида меҳмонларни кутишга кўрилаётган ҳовирлик сал босилди-да, катта кичик ҳамма меҳмонларнинг ёнига кириб ўтиришди.

Энди суҳбатда ҳаммадан кўп Абай сўзлаётир. Қуондиқ илгарилари ҳам Абайнинг номини эшигтан эди, энди, ёнида ўтирган Қорашашдан яна аниқлаб сўраб олди.

Меҳмон йигит ҳарбир сўзни ўрнига қўйиб гапирадиган бама'ни йигит кўринди. Абай бу йилги ютнинг оғирлигини аввалги ютлар блан солиштириб келди-да:

— Ют-ку, намат уйлик қозоқнинг қачонлардан бўён бўлиб келаётган офати, зўр душмани-я, буни иккенинг бири ҳам билади, лекин шу отадан болага, боладан-болага қолиб келаётган офатни бошдан кечириб-кечириб, тажриба ортдирганлар ҳам борми? Шу балодан қутилишга ҳеч йўл топилганми? Шу тўғрида қачон бўлмасин «элғамхўриман» деб юрганларнинг биронтаси элга жони

ашиб йўл кўрсатган, йўл излаганми, шундай одамларни биласизми? — деди Собирбойга.

Абайнинг бу саволлари Собирбойга ногоҳони савол бўлиб тушди. У бироз ўйланиб туриб: «бахт бебақо, ҳаёт бевафо... Дун'ёда бор нарсанинг ҳаммаси куни келгандан тамом бўлади. Ҳиди анқиб турган бойчечак ҳам, кези келгандан ҳазон бўлади... Куч-қувват кетганда, олмадек юзлар ҳам сўлади» деди.

Абай бу сўзларнинг чиройлик қилиб айтилганлигига тан берса ҳам, ма'носига қўшилмади: «Қозоқ деган беҳисоб кўп эл, унинг келажаги мустаҳкам бўлиши керак. Бойчечакнинг умри одам ҳаётига мисол бўлолмайди» деди. Собирбой инсонларнинг ҳаёти шу субутсиз тақдирнинг қўлида бўлса, қозоқларнинг ҳаёти, ўзгаларнинг ҳаётига нисбатан бахтлик ҳаёт деб баҳо берди.

Абай бу фикрга ҳам қўшилмади. Бошқа халқларда ма'рифат борлигини, ма'рифат тамом бўлмайдиган озиқ, туганмас бойлик эканлигини айтиб:

— Ўйлаб, назар солиб кўрсангиз, шу дун'ёдаги одамларни бизнинг қозоқ чала билади. Бир элни бир эл яхши билса, ўша элнинг яхши томонидан ўрнак ҳам олган бўлар эди. Ўша одамотадан бўён бир эл бир элнинг тараққиётига шерик бўлиб келган. Бир халқ бир халқнинг ёрдами блан ўсиб келган. Биз бўлсак умумий оқимдан четда қолиб келаётмиз. Ўша замондан бўён бошга бало бўлиб келаётган ютдан қутилаолмаслигимизнинг сабаби ҳам шу сингари орқада қолганимиздан,— деди.

Бу гаплардан кейин Қуондиқ блан Собирбой бир-бirlарига қарашди да, бир-бирини онглагандай бўлди. Собирбой бошқа оталардек эмас, боласи блан маслаҳатлашиб иш қиладиган, яна қиз бола демасдан қизига суянидиган одам бўлса керак.

Кеч бўйи бўлган узоқ суҳбатда гап фақат ўша эл, элга хос гаплар устида кетди. Шунда кекса оқин ёш йигитдан неча хил янги гапларни эшишиб, ҳайратда қолди. У бошқа вақтларда не-не катта одамлар блан сўзлашганида ҳам, бундай ҳолда қолмас эди. Кўп замонлардан бўён ҳаммага ма'lум бўлган, «очик-ойдин» гапларга ҳам бу йигит бошқача қарайди, баҳслашади, сўзини ўтказади. Эртасига қимиз устида ҳам шу сўзлар яна ўртага ташланди. Қуондиқ баҳслашмади, лекин бугун Абайнинг фикрига

күпроқ қўшиладиган бўлди. Отасининг ба'зибир да'вола-
рини нотўғри топганида, кулимсираганича:

— Ота, меҳмон тўғри айттаётир-ку,— деб қўярди.

Шу кунларда элнинг ҳаётини, қасби-корини, аҳволиви
синчиклаб текшираётган Абайга Собирбой бир пайти
блан:

— Хўш, қани, энди бу ишларга ўзинг нима дейсан?
Эл бундан буён қандай эл бўлсин дейсан? Кўп камчи-
ликларини, нотўғри ишларини айтдинг, қани, энди ўзинг
бирор йўл топдингми? Ўшани айтиб берчи! — деди. Ун-
га Абай:

— Элга билим ва ма'рифат керак, ўқиш, тарбия олиш
керак, эндиги замон кенг яйлоқлар, баланд тоғларга
ишониб, уйқуни ғанимат билиб ётадиган замон эмас.
Уқиб, илм олиб, ўзига ма'рифатли эллардан ўрганиш за-
мони,— деди. Бу фикр Абайнинг бошига шу сўзлашиб,
бахслашиб ўтирган чоғида келган эмас, кўпдан буён
иҷдан ўйлаб юрган режалардан туғилган фикр эди.
«Элга шу керак. Фақат элга эмас, ўзимга ҳам ягона йўл
шул!» деб билган эди.

Собирбой ўқиш, тарбия олиш ота-боболаримиз тутган
йўл, болалар учун ҳаммадан олдин шуни билиш зарур
деб Абайга этироғ билдиromoқчи бўлган эди, Қуондиқ:

— Гап тамом, бахсга ўрин қолмади,— деди.

Шундан кейин Собирбой жим бўлиб ўйланиб қолди-
да, анчадан кейин Абайга:

— Ҳақиқатга қараганда сенинг гапинг тўғри экан,
болам, фикринг ҳам, сен интилаётган йўл ҳам менга ғо-
ят ма'қул тушди. Эндиги замон шундай замон бўлса
ажаб эмас! Балки сенинг айттаётганинг ўз замондош-
ларинг блан келгуси авлоднинг тилидир... Лекин ким-
га борасан? Үрнакни қай йўсинда оласан? Ҳарнечук
ҳаёт сени йўлдан оздирмаса бас! — деб кекса оқин
сўзини тамомлади.

Ҳаёт тажрибаси зўр ва ҳаётни яхши биладиган кекса
оқин бу далилларга кўп қаршилик қилди, лекин хўб ўй-
лаб, салмоқлаб кўрди-да, Абайнинг фикрига қўшилди.
Шундан кейин икки кечаю икки кундуз давом этган сух-
батда Абай ортиқ бу тўғрида гап очмади. Лекин ихлос
блан қулоқ соладиган тингловчи бўлиб, Собирбойнинг
илгари кўрган оқинлари тўғрисида сўрай бошлади.

Бу ўтиришда Собирбой равон йўлга тушгандай бўл-
ди. У ба'зан асқия қилиб, ўлан айтиб юборар, эсидан

чиқиб, адашиб кетган жойларида ялт этиб Қуондиққа қаради. Ҳам гўзал, ҳам камсухун Қуондиқ отасининг ёдидан чиққан жойларини дарров айтиб берарди.

Бу қиз фақат бир-бирини енгиш учун айтилган ўланлар, тортишувлар ҳақидаги сўзларнигина эмас, эллинг дардини, ғанини акс этдирадиган ўланларни, халққа зиҳн солиб юрадиган оқинларнинг гапларини ҳам яхши билар экан.

Кекса оқин ҳарбир гапни айлантириб келиб, Жоноқ оқинга тўхтайдерди. Ешлик чоғида унинг кўзига бошқа оқинлардан ўзгача кўринган ўша Жоноқ оқин экан. «Унинг кўрмаган, билмаган нарсаси йўқ эди. У киши билган, у киши айтган ўланларнинг мингдан бирини билмаймиз. Бор вужудидан нур ёғилиб тургая буюк оқин эди, раҳматлиқ!» деди.

Собирбойнинг айтишига қараганда Жоноқ оқин оддий оқин эмас, буюк одам эди.

Шу сўзлар срасида Абай Собирбойдан унинг Жоноқ оқин блан айтишгани тўғрисида сўради. «Жоноқнинг бола блан айтишгани» ҳаммага ма'лум бўлган айтишлардан. Уша бола Собирбой эканлигини Абай яхши биларди, лекин Собирбой бу тўғрида кўп тўхтамади.

— Жанеке блан айтишишга бизга йўл бўлсан! Шунчаки бир оғиз сўз устида бўлмағур бир жавоб қилганим бўлмаса, «айтишди, енгди» дегудек, ҳеч гап бўлган эмас. Жоноқ оқин Сибопнинг Тубекдан тортиб ўн олти оқинни енгиб қўйгандан кейин у ергагилар номус кучлик шунчаки ўша менинг айтишганимни дастак қилишгандирда,— деб, гапни бошқа ёқса буриб юборди.

Собирбой кўп олижаноб, бағри кенг, такаббурликдан бегона бўлиб, мақтаниш, «мен-мен» ликни ёмон кўрарди. Бу хусусият ёлғиз Собирбойнинг ўзидагина эмас, шу кекса оқин хотирлаётган Жоноқ оқин, Дулат оқин, Тубек оқинларда ҳам борга ўхшайди. Собирбой сўзларининг ма'носи чақилса оқинлик — бир буюк эҳсон, ўша буюк оқинларнинг айтиб кетган сўзларида асрларнинг изи акс этиб, халқнинг бор дарди-алами, бор умиди, бутун ҳасти гавдаланаар экан.

— Ба'зан ётиб, ўша аламлик куйларга қулоқ солиб қарасам, бир аламга иккинчи алам улашиб кетаберар экан. Бу куйлардаги қалб фуссасини кўр! Абай, сен кеча тўғри бир гапни гапирдинг, болам. Шу ўтганларнинг ҳаммаси ҳам ҳасрат-армон блан кетган экан. Мана шу,

дард асрлардан қолиб келаётган мұнгли куйларнинг ичида бир-бирига уланиб, мудом ўзини күрсатып келаётган әкан. Бу албатта хурсандчилік, шодликдан туғилған әмасдири! Қўпдан кўпи замондан нолиш, замоннинг дардалами. Мана энди қадим замонда үтган «Осон-қайғи»ни айт. Кечагина шу элларнинг бошига тушган «охирги қор ютини айт», шу тўғрида ҳам қанчадан-қанча оқинлар нола қилаёттири... Шуларнинг ҳаммаси ҳам яйраб-яшнаб, шодлик блан ҳаёт кечирадиган элни кам кўради. Хонавайрон қилаётган шу оғатдан додлаёттири-да. Буларни бекорга айтади дейсанми. Уша ўзинг айтгандек, паноҳсиз, чорасизликдан туғилаёттири. Алангалик оҳи кўкка кўтарилаётган элнинг дарди-ҳасрати айтдираёттири! — деб Собирбой ешиб бўлмайдиган бир чалкаш тугунга тегиб үтди.

Шундан сўнгги суҳбатда Абай блан Собирбойнинг ёш жиҳатдан бўлган фарқи сезилмай кетди.

Абай яна үтган-кетган гапларни сўраб суҳбатлашиб ўтиаркан, Собирбойнинг кимлигини хўб яхши онглади. Ёшлик чоғларида Абайнинг энг яхши кўрадиган оқини Дулат өқин эди, кейинчалик у, Шўже оқинни эшилди, Болта оқин, Шўртомбой оқинлар блан суҳбатлашди.

Энди, бирнеча кундан бўён бўлаётган суҳбатда Абай Собирбойни шулар блан солишириб кўрди. Кўп доно, кам сухун, ҳаётга кенг назар блан қарайдиган кекса оқин Абайнинг илгари кўрган оқинларига дам ўхшаб дам ўхшамас эди. Энди кўп эиҳи солиб, синчиклаб қараса Собирбой ҳам негиздан бориб ўшаларга қўшилар әкан.

Абай шуни онглаган сайин мана шу кексаларнинг ҳаммасини жони-дили блан севабошлади. Ўз халқининг ичиди ўзгача азиз одамлар шулар бўлиб кўринабошлади.

Ҳали, Собирбой айтганидек, агар буларнинг ҳаммасини қатор қилиб териб чиқилса, қадимдан чўзилиб келаётган халқ тоғларининг чўққилари мана шу одамлар бўлар эди. Бир нафасда Абай шу азиз чолни ўз отасидек ҳис этиб, ичидан унга та'зим қилиб, чин кўнглидан унинг қошида бош эгди.

Бу оддий оталардек, «молингни боқ! Давлатингни оширишни пайнда бўл! Авлодимни кўпайтири! Ўзингдан бошқани ўйлама!» дейдинган оталардан эмас. Одамликнинг отаси. Эзгулик ва соф йўлга бошлайдиган ота эди.

Абай Собирбойга кўп миннатдорлик билдириб, устоздан олмаган озиқларни олганини айтди.

Бирнеча кун шу сингари суҳбат блан үтди. Бу вақт-

ларда Абай кекса Собирбойнинг қошидан бир қадам нари силжимади. Лекин энди Эрбўл, айниқса Қуондик, Қораашашлар бошқа эрмак излай бошлаган. Улар: «бошқа ўтовга борайлик, бироз ўйин-кулги қилиб кўнгил очайлик!» дейишаётган эди.

Собирбойнинг ўзи ҳам, энди ёшларни ўз мажлисидаң «созод» қўлмоқчи экан.

Тўртинчи куни кечга яқин Собирбой қўлига дўмбира олди-да:

— Чироғларим, сизлар блан суҳбатлашиб, хийла юрагимни бўшатиб олдим, лекин биз энди кулга чўкиб ётган тудек бўлиб қолганимиз. Қанча тиришиб, қанча уринсак ҳам кекса эналарнинг алласидек мунг босаберади. Тоқай бош эгиб, унга қулоқ солаберасиз? Сизнинг орезларингиз ҳам, тилакларингиз ҳам олдинда. Бизнинг шонимиз букилиб, қуйи тушган, энди кўтариilmайди. Сизларнинг йўлингиз бу эмас. Сиз кўтарилиб борадиган чўққилар ҳам олдинда, ўшанга қараб боринглар, қайтманглар!.. Унар-унмасни ташвиш қилиб эзилманглар!.. Ўйнаб кулинглар! Ўйин кулги ҳам керак, армон қолмасин,— деди-да бироздан кейин:

— Қани, энди ўйин-кулгига бошланглар! Ўзим бошлаб, сизларни йўлга солайин! — деб, ғамгин садо чиқарив, дўмбирасини черта бошлади.

Ешларнинг ҳаммаси унга термилганича, чурқ этмай, қулоқ солишиди. Бироздан сўнг Собирбой дўмбирага қўшиб ғоят мунгли бир куй бошлади. Ўнинг ғоят ёқимлик, ширалик овози бор экан. Ешлигида бу оқин зўр ашулачи бўлғанлиги кўриниб турарди. Буқунги созидан ҳам, кеча ўзи айтган «Дилни вайрон айлади» куйининг ноласидек ҳасрат-армоннинг захи чиқиб турарди.

У ёшларга айтиб берәётган ўланнинг сўзлари азиэ отанинг яхши тилаклар тилаб берәётган фотиҳасига ўхшарди. «Яхши болам, қимматли иним, одам бўл! Ўзингдан яхши хотира қолдир! Қисилган халқинг, эзилган қариндошинг бағрингдан пано топадиган суюнчиқ бўл!»— деб эзгу йўлга ундарди.

Қош қорайган пайтда, шундай ма'нолик сўзлар блан соз чалаётган кекса оқиннинг куйлаётган куйи ҳам бошқача бўлди. Айниқса қайтариб айтиладиган бандлари кишига ўзгача та'сир этарди. Бу ўлан, бу бандларни Собирбой кўп йиллар муқаддам чиқарган бўлиб, шу кунгача бузилмай, бирор банди ўзгармай келаётган ўлан эди.

У, мунгли куйни тұлқинлатиб айтиб келиб, онда-сона
да «әлим! Элім!.. Элимой — әлим!» деб құярди.

Уланнинг шу банди Абайга ғоят қаттиқ та'сир қилди. Уланнинг шу бандида, барваста келган Собирбойнинг ўзи күриниб турғандай бўлди. У ҳозир ўзининг чин кўнглини очиб ташлагандай, меҳрибон ота, халқ отаси бўлиб, юксалиб, порлаб кетди... Абайнинг кўнгли шодлик олқишига тўлди. Кекса оғанинг ўлани тўхтаганида ҳам ёш йигит, қаттиқ ҳаяжон ичидан ранги ўчиб, гўё шу ҳаяжонга солган аламли дард тўлқинланиб келиб унинг бағрига тиқилиб қолғандай, ўзини унугиб, Собирбойнинг юзига тикилганича турарди.

Абайнинг шундай ўзгариб кетганини Қуондиқ сезиб турган экан, отасининг қўлидаги дўмбирани олди-да:

— Ота, ўзим бошлаб берай деб айтган куйингиз «ўйинкулги қилинглар!» дейиш ўрнига «баттарроқ ғамга бот» деяётир-ку! Энди гапингизга кирмаймиз... Биз ўйин кулги қиласиз, билдингизми? — деб кулиб юборди.

Қизнинг бу гапига ҳамма кулиб юбориб, кўнгли очилиб кетди. Абай ҳам Қуондиқнинг шу қадар зийраклигига, хушчақақлигига ҳайрон қолди. Шодликнинг ўйинкулгининг жони ҳам, порлаб ёниб турган чироги ҳам шу эркин ўсган гўзал қиз бўлиб кўринди. Шу онда шу ғамгин кеч пайтида Қуондиқ Абайга зўр умид, зўр куч бахш этгандай бўлди.

Бошқа ўтовга боришлиари блан меҳмонларнинг олдига бирқанча қиз-жуонлар, йигитлар келишди. Еқимли ўланлар янграб, ўйин-кулги қизиб, ўтириш жонланиб, тонг отгунча давом этди. Ёшлар «рўмолча ташлаш», «хон яхшими», «белбоғ блан уруш», «слаббай тақсир» ва шунга ўхшаш кулгилик ўйинларни ҳам ўйнашди. Ўйин орасида қизлар блан йигитлар ўландан бир-бирини енгиш учун узоқ-узоқ айтишарди. Аслида Сибон эли ўтириш, ийилиш деганда, муккаси блан кетадиган, ўйинқароқ эл. Айниқса шу овул Собирбойнинг отаси Оқтайлоқ замонидан буён ўланнинг, ўйин-кулгининг уяси ҳисобланарда. Ёшлигидан шундай ўйин-кулги ичидан бўлган одамлар орасида ўсган Қуондиқ ҳалигиндай ўйинларнинг жонидили ҳисобланар, унинг ўзига ўхшаш дугоналари ҳам кўп эди.

Сибон эли блан Найманнинг қадим замонлардан келаетган бир одати қизларни ёш узатмасликдир. Қўшни әлларда: «Сибонларнинг қизидек, уйда қаритасанми?»

деган гап, мақол бўлиб кетган эди. Собирбойнинг овулида шу сингари уйда қарид, ёши ўттизга яқинлаб борган қизлар битта-иккита эмас, бирқанча эди. Шуларнинг ҳаммаси ҳам кўп хушчақчақ, очиқ ўйин деса жонини берадиган ўланчи қизлар экан.

Бугун ўтиришни ҳам, ўйинни ҳам, Қуондиқнинг ўзи бошқараётган эди. Унинг онда-сонда жаранглаб кетадиган кулгиси ҳаммани беихтиёр эргаштириб кетарди. Ўйин чоғида Қуондиқ йигитларни ҳеч аямас, ҳузур қилиб кулиб, қизариниб ўтириб қаттиқ жазо берарди. Ўзига гал келгандা, бўйнига тушган ҳарқандай жазони ҳам ўзини ўқотмасдан, кулганича кўтариб кетарди.

Шу кеч Абай блан Қуондиқ қатор ўтириб ҳажвий ўланлар айтиш блан бир-бирини енгишга кўп уринди.

Бу айтишуни аввал Қуондиқнинг ўзи бошлади. Бу лапарлар Абайга атаб айтилган эди. Йлгаридан лапар айтишга кўп уривиб келмаган Абай оҳангга зўр бердию, сўзларини ўлланиб, тўхталиб айтди. Абайлар биладиган кўп гўзал куйлар ҳали Сибон элига ёйилмаган экан. Абай шу куйларни айтиш йўлни, бандларини қайириб кетишини қойил қилиб Қуондиқнинг ўланларини босиб кетаберди.

Аввалги бир тўқиниш шу блан тамом бўлди. Яна бир гал ўйин орасида ўлан бошланганда, Қуондиқ ўланни қўйиб термага кўчди. Бу ўланнинг оҳанггини эмас, сўзларини э'тиборга олайлик дегани эди. Абай енгил, тез айтиладиган термани яхши билар эди. У ҳам шунга кўчди. Абай борган сайнин ўзини дадил ҳис этиб Қуондиқ-қа ўхшаб тез ва тутилмасдан айтабошлади. Бу айтишиш ўзига ҳам ёққандай, руҳи кўтарилиб, очилиб ўт олиб кетди. Бирининг сўзини бири пучга чиқариб айтилаётган терма икки ёшни ҳақиқий курашга солди.

Қуондиқнинг кўзлари кулимсираб, оппоқ юзи ловиллаб ёниб, ёш йигит блан айтишишдан ҳузур қилаётгандай кўринарди. Икки ёшнинг бу айтишудаги сўзлари сиполик блан қилинаётган ҳазил ва бир-бирини мақташдан иборат эди. Йигит ҳазил қилиб, ҳурмат сақлаб айтиётган ўланнинг ичига «муҳаббат», «ишқ ўти» деган гапларни ҳам қистириб кетар, қиз бўлса, «азиз меҳмон, ҳурматли азамат, хуш келибсиз, зотинг асл, ўзинг ҳам бебаҳосан. Икковимизга ҳам ярашадигани бир-биримизга ҳурмат сақлаш» деб қойил қилиб кетарди.

Кўпчиликнинг олдида бир-бирига очиқ айтган гаплари мана шу ҳазил, шу сингари ҳурмат сақлашдан иборат бўлди, лекин шундай ўтириб, аста сўзлашганларида гўзал қиз блан бама'ни йигит бир-бирини кўпроқ онглашган эди.

Гапни Қуондиқни ўзи бошлади. Кўпчиликнинг қийғос-сурони ошиб, бир ерда ўлан, бир ерда кулги кўтарилиб, ўйин-кулги авжига чиқсан пайтда Қуондиқ Абайга қайрилиб қараб: «Улан шўрлик хийла нўноқ. Одамларнинг олдида нима ҳам дейман, Абай? Кўнглимдаги гапларни ўлан блан айтаолмадим. Ҳоли ўтириб сўзлашсан кўп гапларни айтардим!» деди. Бу гапни ҳам кулиб ўтириб, ҳечкимга сездирмасдан айтди. Шу сингари ботиниб, очиғини айтиш блан Абайга ўзгача кўнгли борлигини билдириди. Иккови ҳам юракдан бир-бирини онглашлиги, факт шу кеч эмас, аввалги кунлардан ҳам ма'лумдай эди.

Абай Қуондиқнинг оппоқ бармоқларини қаттиқ қисиб ушлаб туриб, икки юракнинг бирхилда ураётганини сезди.

— Юрагимиз бирхилда ураёттир! Пайқадингизми? Бу гапларингиз мени ғоят қувонтирди. Мени ҳам ўзингиздек билинг! — деб юборди.

Шундан кейин буларнинг ҳарбир кулгуси, ҳазили, кўз қарашлари, ҳаммаси ҳам бир-бирига қандайдир бир уминд, бир шодлик баҳш этаберди. Ўйинни баҳона қилиб, бир марта ўшишганларида юзлари ҳақиқий баҳтдан дарақ бериб, бир-бирига иссиқ теккан эди.

Шу кеча тонг отарга яқинлашиб, меҳмонлар тарқала-бошлаган пайтда, Қуондиқ Абайни четроқдаги бир уйга юборди-да, меҳмонларни жўнатиб, уёқ-буёғини йигиштириб ўзи ҳам ўша уйга борди. Бу ҳоли уйда биттагина тўшак ёзилган эди. Ўйнинг эгаси кекса аёл эрта туриб кетган бўлса керак...

Шундан кейин, яна бирнеча кун ўйин-кулги блан ўтиди. Абай блан Қуондиқнинг бир-бирига бўлган муносабати ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг бўлган ёшларнинг яхши дўстлигига айланди. Лекин бори-йўғи шугина. Иккови ҳам бағрини очиб топишгани блан аланталик муҳаббат туғилмади. Қуондиқ Абайга ҳоли ерда учрашгандан кўра, одамларнинг олдида кўпроқ ма'қул бўларди. Ҳоли ерда Қуондиқнинг очиқлиги қандайдир кексаликка ўхшаб, йигитнинг кўнглини қолдираберди.

Керей элида Қуондиқни айттириб қўйған одам бор. Күёв бирнеча марта келиб кетган экан. Унинг аввал

олган хотини ҳам бор экан. Қуондиқ унинг иккинчи хотини бўлиб, кундош устига борар экан. Қуондиқ уни севмас, у қачон келмасин, Қуондиқнинг кўнглидаги муз эримай қолар экан. Гўзал қиз кўнглидаги шу дардларини ҳам Абайга айтиб, энди ўзгача нияти борлигини билдириди. Абай жавоб қилмай ўйланиб қолди. Бирнеча боланинг онаси бўлган Дилда бор. Тўғри, Қуондиқ Абайнинг тенгги. Тарбия жиҳатидан ҳам, дилдорлик жиҳатдан ҳам, ақл фаросат жиҳатидан ҳам алоҳида яратилган қиз, бунга сўз йўқ. Шу кунга қадар Абай ҳаётидаги учратган хотин-қизларнинг ичидаги шу сингари дилдор, гўзал, ғайратлик қизни кўрган эмас эди. Лекин Собирбойнинг юзиға оёқ қўйиш, Дилдани, болаларини унудиши учунча осон гап эмас. Бунинг устига Абай Қуондиқни ақлан севгани блан, кўнгли у қадар сув ичмади. Шу кунларда ҳам Туғжон унинг хаёлидан бир нафас нари кетмади. Аксинча мана шу гўзал, чаққон, очиқ Қуондиқ блан рақобат қилаётгандай бўлиб, чин севгилиси кўз олдида гавдалана берарди, Абайга у бағишлаган муҳаббат, у тақдим этган юрак, Туғжон блан бирга кечирган бахтлик онлар, бу дун'ёда яна қайтиб келмайдигандек, ўшанингдек нозанин яна қайтиб туғилмайдигандек туюларди.

Туғжон ёдига тушгандада Абай тор тўшакда ҳам Қуондиқдан ўзини тортиб, қучогини бўшаштираберарди.

Қуондиқнинг Абайга бўлган муҳаббатида ҳам, гўё шу йигитнинг кўнглига мос келгандай, иссиқ ўтдан ҳам кўра ҳурмат кўпроқ эди. Гарчи шундай бўлса ҳам, Қуондиқ ўз истагидан қайтмади. Абай ўзича бир қарорга келаолмай, Қуондиқнинг ўзига маслаҳат солди.

Агар Қуондиқ рухсат берса, бу гапларни Қораашаш блан Осилбекка айтиб, ўшалар қандай маслаҳат берса ўшанга қараб иш тутишини лойиқ кўрди. Бунга Қуондиқ ҳам қаршилик қилмади.

Абай Қораашаш блан ҳам, Осилбек блан ҳам алоҳида алоҳида сўзлашди. Ўша вақтлардан буён Абайга сирдош бўлган Қораашаш бу гапларни эшлиши блан ғоят хурсанд бўлиб, маҳул кўрди.

Лекин бу қанчалик шодланиб қарши олган бўлса, Осилбек шунчалик норозилик билдириди.

— Бу бўлмаган гап. Қўлдан ҳам келмайдиган иш. Ҳечвақт Қунекенг Олшинбойнинг бегуноҳ қизини ранжитишга йўл қўймайди. Агар Олшинбойдан кечаман демаса сенга рухсат бермайди. Қуондиқ бўлса, қайин

бўйниларига ёмон отлик бўлади. Шуларнинг ҳаммаси йиғилиб келиб кекса Собирбой оғага қаттиқ ташвиш бўлади. Бу гапингни мендан бошқа одамга оғзингдан чиқарма. Бу гап шу ерда қолсин! — деб, тиш-тироғи блан қарши бўлди.

Осиљбек бу гапларни Қуондиқка ҳам ўзи айтди. Шундай қилиб икки ёш аввалги фикридан қайтди. Лекин айрилар чоғларида сўнгги марта видо'лашаётган Абай блан Қуондиқ ҳали ҳам бўлса, ўйлаб кўрмоқчи, бўлиб келгуси кунларга умид боғлаб айрилишди. Иккови ҳам қадрлик, қимматлик, ўзгача дўст бўлиб, бир-биридан умид узмасликка аҳд қилишди.

Абайлар Собирбойнинг овулидан қайтиб Тўбуқти яйловига етгунча икки кун йўл юришди. Кекса оқиннинг меҳмондўст, хушфе'л одамларга тўла уйини Абай осонлик блан ташлаб кетаолмади. Азиз макондан йироқлашган сайин Қуондиқнинг ҳам бутун қилиқлари чин кўнгли блан берилган маҳбубанинг қилиқларидек туюлиб, қиммати ошиб борарди.

3.

Бу йилги яйлов йилдаги яйлов эмас, ёзниг ўзи ҳам куздек кўнгилсиз, замгин келди. Халқ руҳи тушкин, маъюс эди. Қунашибойдек катталар ҳам, овулига йилдагидек гала-гала одам йигабермас эди. Илгари Иргизбой ичиде бўладиган олди-қочди гаплар ҳам босилиб қолган эди. Кўнисларни, яйловларни талашишнинг ҳожати ҳам йўқ. Иргизбойлар, Бойдали, Бойсоллар, Суюндик, Қоратойлардек озчиликда мол бўлмаса, кўпчиликда мол жуда оз қолган. Албатта халқдан энди яйловнинг қулф уриб турган ўтини аяйдими, ё соғаётган сутини аяйдими?

Халққа ҳукмини ўтказиб юрган йўғонлар, зўравонлар энди кимга кўкрак керади? Бутун халқ оч-яланғоч бўлиб, толиқиб қолганидан кейин, ҳалиги омон қолган йўғонларнинг ҳаммаси ҳам бу йил жим-жит бўлиб, инига кириб ётатуриши ма'қул кўришган эди.

«Ўзингни халққа жонкуяр қилиб кўрсат. Халқнинг слида оҳ-воҳ қилиб, уларнинг омонлик чогини эслаб, куяётган бўлиб кўрин. Шўрва-шутирингдан, ачиган сутинг, айронингдан халққа илинаётган бўлиб кўрин, очяланғоч халқимизни асрәтирмиз деб юрабер...» Бу йилгидек халқни абгор қилиб, кўпчиликнинг руҳини туширган йилларда мана шундай қилиб, элга қовирғаси қайшаёт-

ган киши бўлиб кўриниш яхши. Қамбағаллар блан мўмин маҳлуқлар тинч ҳаёт кечираётгандай, янчиб-эзиб, талаб-еб, бошига оғир кун тушганда шундай қилиб юпатиш көрак. Мана шундай қилиб кўзини бўяш керак».

Ҳозир ўша ҳалқни талаб-еб, семириб, уларга «сүт юзидан қаймоқ» атаган катталарнинг эндиги топган йўли кийгиз китобдан олган дарслари шу эди.

Бу йил ҳалқ ҳам ўзгача эди. Ҳамманинг авзойи бу ауқ, оғиз очиб сўз қотгуси келмас, чиройини очмас эди.

Шунинг учун ҳам Тўбуқти яйловларида бу йил биронта тўй бўлмади. Одатда бу вақтларда бирнече марта пойга берилар эди. Бу йил ҳеч бўлмаса, ғунан пойгаси ҳам бўлмади. Келин тушириш, қиз узатиш, сувнаттўйлар— ҳаммаси ҳам, бир товоқ ош блан ўтказилар эди.

Шундай ўзгача бир жимлик ҳукм суреб турган пайтда тўсатдан от ўғрилари пайдо бўлибди деган бир ваҳималик гап чиқиб қолди.

Яйлов кунлари тамом бўлиб, ҳалқ кузовга томон кўчабошлаган, яйловдан бир қўнарлик ер қуи ҳам тушган эди. Шу пайтда беш куннинг ичиди Мойбосар, Жақиб, Ирсойларнинг йилқисидан, Қунанбойнинг ўз атрофидаги овулларида йигирмага яқин семиз от йўқолди. Бу гап бир овулдан иккинчи овулга ўтиб, тезлик блан бутун яйловга тарқалиб кетди. Озгина моли бўлган овуллар соқчиларини кўпайтиришди.

Лекин ўғриларнинг дараги чиқмади. Одатда шу сингари кўп элни ташвишга соглан ўғриларнинг тезгина дараги чиқиб қолгучи эди. Фалончининг уйидан янги сўйилган молнинг териси чиқипти, фалончининг уйида бемаҳал сўйилган қорамолнинг қони — қуши турган экан. Ҳаммаси ма'lум бўлипти, деган, ивир-шивир гап тезгина чиқақолар эди. Ҳозир ундаи бўлмади. Ўғрилар тўғрисида ҳеч дарак чиқмади.

Аввал Қунанбой блан Жақиблар ўзаро кенгашганларида, «бу ўғрилар қўшини эллардан чиқди, чиққанда ё Керейдан ё Наймандан ё бўлмаса Сибондан чиқди, ўша томондан келаётир» деган қарорга келишди, ҳалқ яйлов-яйловидан кўчадиган пайтии пойлаб туриб, «узоққа олиб кетамиз деб жўрттага шу пайтда ўғирлаётир» деган хаёлга боришли.

Қунанбой кўчишни тўхтатиб, ҳалиги уч-тўрт қўшини злнинг ҳаммасига одам юборди. Изикутти, Мойбосар, Ирсойлар бошлиқ гала-гала одамлар баравар йўлга чи-

қиб, отларини қамчилаганича, күп ерларни ахтариб көлишди. Лекин, құшни элларнинг биронтасидан үғриларнинг дараги чиқмади.

Халқ яшамайдыган, кимсасыз Қоровул чўққилариға, қояларнинг орасига, жарликларга, сойларга бориб излаган Тўлелберди, Бурахон, Қамисбой, Жўмағул сингари пишиқ, зийрак йигитлар ҳам үғриларнинг изини тополмай қайтиб келишди.

Қунанбойнинг кўп овуллари, кўп йигитлари баравар белини боғлаб үғриларнинг пайига тушиб юрган пайтда яна бешта семиз от ғойиб бўлди. Энди фақат Иргизбойлардан эмас, Бойсол, Суюндиклардан ҳам тўрт бия йўқ бўлди. Яна бироэ вақт ўтгач, Котибақ, Бўкеншелар ҳам йўқотган молларини излаб қолишди.

Лекин, эпчил үғриларнинг ҳали ҳам иси чиққани йўқ. халқ ҳар куни эрталаб «олиб кетди», «яна олиб кетди» дейди-ю, қолаберади.

Қунанбояга алам қилиб, ўзи отга минса ҳам, душман кимлигини билаолмайди. Изловчиларнинг ҳаммаси қайтиб келишди. Қоровул чўққиларида ҳар кун эртадан кечгача сарғайиб, атрофга тикилиб ётган пойлоқчилар ҳам қуруқ қайтишди. Эндиги чора фақат тунда соқчиларни кучайтириш бўлди. Қунанбой барча овулларини бир ерга тўплаб, шундан кейин баравар кўчабошлади.

Булар, ёнғиндан қочиб бораётгандай, жадаллаб кетишаётган эди. Ҳеч бўлмаса ёвнинг юзи тескари бўлиб, бошқаларга қараб кетар, ҳадеб бизнинг орқамизга тушиб олмас, шундай қилиб қутиласмиш,— деб ўйлашган эди.

Ҳақиқатан ҳам, «олди-кетди» камайди, лекин Жигитклардан, Котибақлардан кўп мол үғирланаштган эмиш деган хабар эшитилиб турди. Иргизбойлардан яна икки той блан бир семиз бия йўқолди. Иш шу ерга етганда Қунанбой: «энди билдим, ким эканлигини билдим» деди. Лекин «билдим» дегани блан, айборларнинг отини айтмади, фақат «душман четдан келган эмас, ўз ичимиизда» деб қўйди.

Бойсол блан Суюндиклар бундай хаёлга боришмади. Иккови шу кунга қадар турли шубҳалар ичида гангиб қолган эди. Қунанбой уларга: «излашсин, излай берсин» деб айтиб юборган бўлса ҳам, лекин ўз гумонини айтмади. Шу пайтда Қунанбой құшни элларга ўз ҳолича юрган одам қилиб, айғоқчи юборди. У одамларга топширган топшириғини ҳам ўзидан бошқа ҳечким билмади.

Жигитек элидаги Қорашанинг овулига бир кампирни юборди, Қотибақ әлига ҳам, шу сингари, ҳечкимнинг на-зари илмайдиган бир чолни юборди. Түрғай әлига ҳам, бир туячи чолни юборди. Бу кексалар гап сўз блан иши бўлмайди, ҳечнарсани сўрамайди, ҳатто мол йўқолаёт-ганини ҳам билмайди; шунчаки, худо деб юрган бандалар бўлиб юраберишади; фақатгина борган овулларига эртаю-кеч, кириб еган-ичган овқатларига зиҳи солиб, пайқаб юришади. Топширилган вазифа шу эди.

Мана шундай усталик блан ишлатилган ҳийлаю-найранг орқасида Қунанбой душманларнинг изига тушди. Кўп йилқиларни олиб юрган ўғриларнинг уясини топди.

Шундай қилиб, Қунанбой эндиғи оғирликни Жигитекларга уларнинг ичидан Қораша блан Қавмен атрофидагиларнинг бошига соладиган бўлиб, ўшаларни қаҳрига олди.

Қунанбой бу гал уларга ёпишганда, аввалгидек гумонсираб, тусмол блан ёпишмади, ҳақиқатини билиб ёпишди. Жигитек әлининг бирнече йигитлари чиндан ҳам айбдор эди.

Ҳамма гап Болағози блан Абилғозида эди. Болағози Ҷозоралининг акаси, жигитек әлининг ичидан диёнатлик, ўтлик, шудлик пишиқ йигитлардан бири эди. Абилғози бўлса, Қорашанинг ўғли. Қорашанинг ҳамма ўғиллари ҳам, ўзига ўхшаб, ётган илоннинг бошини қўзғайдиган ўжар йигитлар! Уша вақтларда Қунанбой блан Бўжейнинг ўртасига ўт ёқиб юборган ҳам шу Қораша эди. Бу ишда Қавмен ҳам айбли эди. Ҳаммага ма'лум бўлган ўша Тоқмамбетдаги жанжал аввал шу Қораша блан Қавменнинг Қунанбой юборган чопарни урганидан бошланган эди. Шундан бўён Мусақул жангги, Бўжейнинг ма'ракасига ўхшаш, катта-катта йигинларнинг ҳаммасида Қораша блан Қавменнинг эр етган азамат йигитлари кўпчиликнинг оғзиға тушиб, ҳаммага ма'лум бўлиб қолган эди. Буларнинг ҳаммаси ҳам, диёнатлик, кўкрагини кўкка тираган ўтлик-шудлик, пишиқ йигитлар бўлиб, орномус-масаласига келганда ҳечкимни аямас эди.

Буларнинг ичидан чиққан Бозорали биринчидан қади-қомати келишган, барваста гўзал йигит бўлса, иккинчидан сўзини ҳечкимга бермайдиган, эпчил, пишиқ, жигитеклар фахрланса фахрлангудек, ғайрат блан қуввати барқ уриб турган азамат эди.

Жигитек эли ҳам бошқа эллар блан баравар қаттиқ ютга учраган эди. Буларнинг юташига ерининг камлиги

сабаб бўлди. Ўша кўпчиликнинг қаторида «яланг оёқ» қолганларнинг бири Қораша блан Қавмен овуллари бўлди. Бозорали, Болағози, Абилғози, Адилхонлардек йигитларда фақат биттадангина от қолди.

Бутун бошлиқ ёзни булар азоб чекиб уйдан чиқаолмай ўтказиши. Очликни ҳам, муҳтоҷликни ҳам суюкка ўтарлик даражада кўриши. Бирондан бориб соғиб ичгали сигир сўрашга, кимнинг бўлмасин қошида бўйин эгишга номус йўл қўймади. Ҳатто Бойдалидек қариндошларининг ҳам олдига боришмади. Бир ишга уринай деса, мана шундай ютга йўлиққан элнинг ичидаги ҳеч ишнинг иложи бўлмади. Ягона йўл — бирорага ёлланиш эди.

Лекин бу йўл блан киши фақат сўққа бошини асраласа, хотин-болани боқиб бўлмайди. Умр бўйи ёлланиб ишлайдиган чўбонлар, отбоқарлар, тұябоқарларнинг ичидаги биронтасининг косаси оқарган эмас. Оладиган ҳақи фақат ўзининг «еб-ичгани» бўлганлиги учун кўп одамларнинг бўладигани бирорагнинг эшигига ўтиш бўлиб келаетир.

Бу йигитлар ёз бўйи кўрганда, нима кўрди? Оч-яланғоч болаларини, чўпдай озиб кетган оналарини, янгаларини, бева-бечора хотин-халажни кўрди. Қай тарафга қараса ҳасрат, қай томонга қараса оҳ-воҳ. Йигитлар ожизлик, нотовонликдан эмас, азбаройи ич-ичидан қони қайнаб кетганидан ла'нат ўқишиарди. Улардаги бу кайфиятни яхши онглаган Бозорали бир кун кечқурун бир гала йигитлар блан дўнг бошида ўтирганида, гапнинг очиғини айтиб қўяқолди, заҳарханда қилиб:

— Эл ерсиз қолиб ўтироқ бўлса, йўқчилик унинг тунлигига келиб оҳ торгади. Кўчадиган бўлсанг ота-онанг, хотин-боланг чувуллашиб, яланг оёқ кетишдан бошқа илюж тополмайди. Кўчганда юк ортгудек, эгар уришга ярайдиган битта сигирга ҳам зор бўлдик. Худонинг биздан аядиган яна нимаси қолди? — деди.

Шу йил ёз бўйи Бозорали шу йигитларга бирнеча марта халқнинг юрагида йиғилиб ётган алам ҳақида сўзлаб, омон қолганлар нима учун омон қолди, ютга учраганлар нима учун учради, буларнинг қайсибири адолатсиз, улар қандай кун кечираётни, халққа қандай муомала қилаётни — деб, бу тўғрида ўз фикрини айтган эди.

Мана шундай суҳбатлар бўлаётган чоғда Болағози блан Абилғози хуноб бўлиб, бошини қаерга уришини бил-

май, Бозоралига ёпишиб «бир иложини қылсаңгчи, бирор йўл кўрсатсангчи! Нима қилиш керак? Қани айт», деб, туриб олишди. Лекин Бозорали бу саволларга жавоб беришдан ожиз эди.

Ниҳоят уларнинг ўзлари илож топишиди.

Бозорали Абилғози блан Болағозининг кечалари отта миниб чиқиб кетишини кўп вақтгача билмай юрди. Аввал Мойбосарнинг йилқиси йўқолди. Ундан кейин Жақипдан йўқолди. Гарчи Бозорали бу совуқ хабарларни эшишиб юрган бўлса ҳам унча аҳамият бермади. Учинчи навбатда Ирсойнинг йилқисидан олинди. Худди шу пайтда бир кун Бозорали тонг отгунча кўзига уйқи келмай, тўлғаниб чиқди-да, тонг отарга яқин эшикка чиқиб, хийла вақтгача айланиб юрди. Уй ёнидаги майсага бориб, тонг шабадасига кўкрагини бериб, ёлғиз ўзи хаёл суриси ўтиради. Тўрт-беш уйдан иборат бўлган Қорашибанинг овули буларга қўшни эди. Ӯшаларнинг бир Оқтўс деган соқчи ити бўларди. Тонг эндигина суриси келаётган пайтда, Бозорали ҳалиги Оқтўснинг тўсатдан қаттиқ ҳураётганини эшишиб, ялг этиб қаради. Одатда бу ит битта-яримта ёт одамни кўргандагина шундай ҳурап эди. Бозорали «Бу бегона одам нима қилиб юрипти? Билиш керак» деб, кутиб турди. Бироздан сўнг, Қорашибанинг четидаги Абилғозининг ўтови ёнига иккита отлик одам келиб тўхтади. Буларнинг биттаси ўша ерда қолди-да, иккинчиси Бозорали томонга қараб юрди.

Аввало Бозорали «Оқ қуйруқ» отни таниди. Бу Болағозининг биттаю-битта оти эди. Машҳур югурук «Оқ қуйруқ» от бугун кўп йўл босганга ўхшайди — пишқириб, ҳали ҳам ўзини тўхтатолмай келаётир. Бозорали: «булар йигитчилик қилиб юришган бўлса керак!» деган хаёлга борди.

Лекин ўзи, турган жойидан қўзғалмай, қараб турди. Қараса иш у ўйлаганича эмас, Болағози сўйилини сургаб келаётир. Бозоралининг юраги шув этиб, орқасига тортиб кетди; ранги ўчди, унга кўринмаслик учун майсага ҷўзилиб ётиб пойлаб турди.

Абилғози уйнинг олдида отдан тушди-да, отини етаклаганича келиб, қўлидаги сўйилини ўз ўтовининг белига қистириб қўйди. Унинг сўйили доим шу ерда турарди.

Шундан кейин у, отини етаклаб овулга яқин ердаги бир жарликка тушиб кетди. Бозорали унинг орқасидан қараб турди. Афтидан бемаҳал юрадиган йигит ўзини

бу хилдаги сафарини ўз овулидагилардан ҳам яширадиганга ўхшаб қолди.

Бироздан кейин у отини ўша жарда қолдириб, ёлғиз ўзи қайтиб келди-да, уйига кириб кетди. Бозорали эл уйқудан тургунча ухлайломайди.

Қорашанинг овулига яқин ерда ҳам ҳалигидек жар бор эди. Бозорали энди ўша ерга бориб, Абильғозининг ҳам бекитиб қўйган отини кўриб келди. Қани энди тоқат қилаолса! Камоли ғазабидан ёрилгудай бўлиб борарди.

Уша куни тушдан кейингача шу кайфиятда ғижиниб, бирорга кўз тутаётгандай бўлиб юрди. Туш оқдан пайтда қўшни овулдан қайтиб келган Қавмен яна бир янги хабар олиб келди. Шу кеча Ирсойнинг йилқиси йўқолипти.

Бозорали шу хабарни эшигтан пайтда, Болағози оғир уйқудан туриб, эшикда юрган эди. Бозорали, бирёзқа жўнаб кетаётган кишидай, белини маҳкам боғлади-да, отасининг ёнига келиб:

— Бироз гап бор, эшикка чиқайликчи! — деб отасини чақириб олиб, тепаликка бошлаб кетди; йўлакай қичқириб Болағозини ҳам чақирди.

Унинг товушини эшигтгач, қоратўри, новчадан келган барваста Болағози ҳам, уйидан чиқиб келди.

Тепаликка бориб бир нафас ўтирганларидан кейин Бозорали, қовоғини солиб, отасига совуққина бир назар ташлади. Ҳамиша нур сочиб, қипқизил товланиб турадиган юзидан қон қочиб, рангги қумқу ўчиб кетган эди. Учқун сочиб турадиган катта-катта кўзлари қон талашиб қипқизарив кетган эди. У қаттиқ-қаттиқ сўзлай бошлади.

— Ота, йиртиқ-ямоқ капанинг ҳам шукуҳи бор. Қипъяланғоч қашшоқ бўлсан ҳам, ниятим холис дер эдингиз. Ёмонлик сизнинг душманингиз эди. Қексайган чоғингизда бизларни қора босай деяптими?.. — деб хип бўғилиб, тўхтаб қолди.

— Нима деяпти? Бу расво нима деяпти ўзи? — деб, Қавмен хавфсираб, Болағозига қаради. Болағози дамини чиқармай ўтираберди. Бозорали тутақзанича гапни илиб кетиб:

— Унга қараб нима қиласиз? Менга қаранг? Мендан сўранг!.. Мойбосарнинг қайси кунги олдирган отлари блан шу кечада Ирсой олдирган отларнинг ўғриси топилди.

От ўғриси худди мана шу ўтирган ўғлингиз Болағози,— деди. Қавменнинг кайфи учиб кетиб:

— Нима деяпти?.. Нима дедияг? — деди.

— Шундай... Шундай деяпман. Қани, тониб кўр-чи! — деб, Бозорали энди акасига тикилди. Болағози ҳам, кўп баджаҳл, ҳечнарсадан тап тортмайдиган йигит эди. Ҳозир танглика қолган бўлса ҳам, ўзини йўқотмади.

— Хўш, қани! Қаерда кўрдинг, сенга ким айтди? Мунча чиранаётурсан? Нима демоқчисан ўзинг! — деди.

— Саҳар вақтида Абилғози икковинг ҳечкимга билдирилмай келган чоғингда мен эшикда ўтирган эдим. Отларинг ҳали ҳам ўша жарлиқда совиб турипти. Үлсанг ҳам, ҳеч бўлмаса ростини айтиб ўл-чи... Ўғирладингку, тонмал! Йигит бўлсанг ростини айт!

— Тўғри... Ўғирладим! — деди Болағози.

Қавмен умрида эшитмаган бир ма'шум ҳодиса устидан чиқиб қолгандай сесканиб кетиб:

— Болағози, худонинг балосига учрагур! Вой худонинг балосига учрагур Болағози! — деди фифони чиқиб.

Бозорали рўпарасида ўтирган акасига нафрат блан қараб туриб-туриб, яна қони қайнаб, тутақиб кетди-да, сўз ҳам қотаолмай, акасининг устига ташланди. Қавменнинг икки ўғли ҳам шердек бақувват, қоплондек ғайратлик эди. Икковининг ҳам қўл-оёқлари бир-бирига эман сўйилидек зарба блан қарс-қарс тушабошлади. Болағози ўрнидан туришга улгуролмай қолган эди, лекин ҳийла ишлатиб, Бозоралини чалиб юборди. Иниси мункиб тушай деяётганда, қўзлаган ерига қўйинб юбориб, қулатмоқчи эди, лекин бундан кўра эпчилроқ Бозорали қайрилиб, чап бериб қолди-да, Болағозини калла қилиб учирив юборди. Болағози учиб тушиши блан Бозорали чап қўли блан унинг кекиртагидан олди-да, ўнг қўли блан тимискилаб пичофининг қинини топиб, ярақлаб турган ўткир пичоғини суғириб олди... Тиззаси блан Болағозини босиб тураркан, хирқироқ товуш блан:

— Бўғизлаб ташлайман! Акам бўлмоқ тугул, отам бўлсанг ҳам ҳозир сўйиб ташлайман! — деб, ўткир пичоғини Болағозининг кекиртагига тираб қолди. Фақатгина отаси икки қўли блан Бозоралининг қўлига ёпишди.

— Тўхта! Ҳой, итлар! Нима бало бўлди икковингга, итлар! Тур буёққа,— деб Бозоралининг сургаб туширди.

Болағози инисининг чангалидан чиқиб ўрнидан турди-ю, лекин олишмади; эс-ҳушини йиғиштирди-да, уни енг-

гани ўзгача бир йўл топгандай, укасига қараб киноя блан:

— Ҳой, аплаҳ! Ит бўлсанг ҳам, бир қориндан талашиб тушгансанку! Бу ишинг малол келса ҳам, ўша бир қориндан талашниб тушган жигарим бўлганинг учун кўзим қиядими сени? Топган ақлинг шу бўлдими? — деди.

Бозорали дамини чиқармай, қовоғини солиб, ўқрайганича ўтиради. Болағози энди ўзини тутиб олиб, бор гапни шартта-шартта гапириб, тўкиб солди:

— Сўрадинг, бўйин товлаганим йўқ! Бор сиримни айтдим. Топганимда қўлингдан нима келарди? Ўғрига мол қаҳатми, ёнимиздаги Керей элига бориб келдим десам, нима қилардинг. Қунанбойинг у ёқда турсин, худо ҳам изимни топиб кўрсинчи, қани! Ҳечким танимайдиган, ҳечким топаолмайдиган қилдим. Лекин бу ўгриликми? Аввало сўра, ҳақиқатига ет, мен битта бошим учун қилаёттирманни бу ишни? Бошқаларга ёрдам бўлсин деб қилаёттирман. Бу ҳаром ишни ҳавасга қилаётганим йўқ. Жирканиб, нафратланиб қилаёттирман, лекин қилганим-қилган. Менда — йўқ, унда — бор. Унга борлиқ келтирган менинг йўқлигим бўлади. Биласанми ерим қани, ҳақим, улишим қани? Унинг нимаси кетаётир? Ошиб-тошиб ётган ортиқча дун'ёсидан сачраб кетган бир томчисими? Менинг оч-яланғочларим ўлимдан қолади. Ўзим бўлай деб қилаётганим йўқ. Атрофимдагиларни ўлимдан олиб қолаёттирман... Менга деса, бошим кетсин, бу йўлдан қайтаролмайсан... Боридан олиб, йўғига бераёттирман. Мен уларнинг молини ўғирлаётганим йўқ, ўч олаёттирман. Камбағалларга, қашшоқларга тегаётган бўлсам, унда айтсанг ярашади!.. — деди.

Қавмен Болағози блан баҳс-жавоб қилмади, эшиғтан гапларни онглашга ҳам уринмади, фақат кайфи учеб кетди. Боласи нима демасин, Қавмен бироннинг ҳақини қозонига солмайди. Шунинг учун узил-кесил бир қарорга келди-да, Болағозини ўз овулидан ҳайдаб юбормоқчи бўлди.

— Кўчиб кет ҳозир, кўч, йўқол менинг ёнимдан!.. Асло кўзимга кўринма! Ҳозир кўч! — деди.

Бозоралининг дами ичига тушиб, қовоғини соганича қотиб қолди.

Ота-бала, ака-ука учови бир-биридан бегона, бир-бирига қовишмайдиган уч хил фикр блан айрилишиб кетди. Болағози Қавменнинг буйруғини бажо келтириб,

ўша куннинг ўзида кўчди-да, Қорашанинг овулига бориб қўшилди; орадан тўрт-беш кун ўтгач, худди Қунаубойнинг ўз овулидан яна бешта отни олиб кетди. Болағозининг шериклари оз—ҳозирча Абилғози блан Адилхон эди. Бу учови ўзларининг бу хилдаги ишларини кўп эҳтиёт блан, ўёқ-буёғини ўйлаб, салмоқлаб, ҳисоблаб кўриб, ниҳоятда эпчилик блан қилишаётган эди.

Булар аввал йироқдаги Найман элидан худди ўзларига ўхшаш йигитлардан учта-тўртта шерик топишиди. Булар ҳам ют блан йўқчиликнинг азобидан отга мишишга мажбур бўлган йигитлар бўлиб, ҳаммаси ҳам ғоят юраклик, эпчи, чиниқдан йигитлар эди. Абилғози ёзда Аягўзнинг нариги ёғига бориб, ўша йигитлар блан сўзини бир ерга қўйиб келган эди.

Икки томондаги йигитларнинг шарти: ҳарким ўз элидаги моли-дун'ёси кўп одамларнинг молидан олиш, камбағал-қашшоқларга тегмаслик эди. Шундай қилиб у томондаги йигитлар Семиз, Найман, Садир, Мотой элидаги Қудайсўғир, Қаптағай, Жумахонга ўхшаш бойларнинг молини оладиган бўлди. Абилғозилар Тўбуқтидаги Қунаубой, Иргизбой, Қоратой, Суюндиқларга ўхшаш бойларнинг молини оладиган бўлди. Булар ҳечқачон бир тўп бўлиб юрмай, ёлғиз-ёлғиз, оддий йўловчиларга ўхшаб юришарди. Буларнинг яна бир шарти: тўбуқтилик йигитлар ўёққа, Найманга борганда ўз қўллари блан мол олмайди. У ердаги ҳамроҳлари кимдан олишни, қанча олишни ўзлари айтиб, ўзлари олиб четга чиқариб беришади. Улар Тўбуқтига келганда Болағозилар ҳам шундай қилишарди.

Икки томон ҳам бу атрофдаги бутун йўлларни, пастқам жойларни ғоят яхши билишарди. Йўлдаги қайси сувларнинг бўйида эл яшамайди, қайси далаларда, қайси йўлларда қатнов кам, киши э'тибор қилмайдиган қандай адирлар, жарлар, сойлар бор — ҳаммасини беш қўлдек билишарди. Икки тўданинг ҳам энг зўр ҳийласи орқадан қувлаган одамлар блан изловчиларни чалғи-тишга қаратилганди. Бу тўғрига қолганда уларнинг ҳаммасидан Болағози уста бўлиб, ўзи топган ҳийла-найрангларни ҳамиша ҳамроҳларига ўргатгани-ўргатган эди.

Шундай қилиб, бори-йўғи олти-еттитагина йигит қуяндек тўсатдан келиб, тўппа-тўғри икки округ ғелининг бой-бой одамларининг молига бир гала оч бўридек ёпишар эди.

Мол ўғриларининг шу сингари бирон марта кўзга чалинмай, ғойиб бўлиб кетиши Қунанбой блан Бойсолларни гангитиб қўйди. Булар ҳамиша от йўқолганини тонг отганда билишар, шундан кейингина изловчилар отга минар, иккитадан-учтадан бўлиб от чоптирганича бутун атрофни кезиб чиқар, Керей, Найман, Қоракесек томонига кетадиган ўғрилар бўлса, ушлаб оламиз деб, албатта ўша йўлларни тўсиб туришарди.

Болағози бўлса бутун ҳунарини ишлатиб жуда эҳтиёткорлик блан иш тутар эди. У тикилган овулидан хоҳлаган молини олиши блан қочмас, Найманга ҳам тездан жўнатақолмас, аксинча, тўрт-беш кун ўтиб, эл оёғи бо-силгунча Тўбуқтидан силжимас эди. Олган молларини узоқ ерга ҳам олиб бормай, худди ўша мол йўқотган овулнинг ёнгинасида, атрофида юарарди. Қоровул чўққисига ўхшаш, ва киши шубҳа қиласидан бошқа ўнқир чўнқир жойларга ҳам асти йўламас эди. Бу ёз бундай ерларга фақат мол излаганларгина бораради. А билғози бир олганда, молни бешта-олтитадан ошиқ ҳам олмас эди. Отларни кўп йилқидан айириб чиқиши блан бу отларга ўз йигитларини миндириб қўярди.

Одатда Болағози от ўғирлаш олдидан йигитларнинг ҳаммасини пиёда олиб келар, уларнинг қўлида юган блан овқатдан бошқа ҳечнарса бўлмас эди. А билғози бу йигитларни тун кечада ҳечкимнинг назари тушмайдиган бир адирга келтириб ташларди-да, отларни Болағози, Адилхон, А билғозиларнинг ўзлари ўғирлаб келишарди.

Улар олиб келган отларга йигитлари миниб өлиши блан Болағозининг ўзи доим тепаликка чиқиб, атрофга кўз солиб турарди. Йигитлар пастликда туриб, унинг берадиган ишораларига қараб турарди. Овул томондан чиққан йўловчилар ё йўқолган молни излаб юрганлар кўриниб қолса Болағози бемалол ўтириб, уларнинг қай томонга қараб йўл олишига зиҳн солиб турарди.

Шундай қилиб Болағози ўғирланган мол блан ҳамроҳларини бир кечанинг ўзида Найманга жўнатиб юборарди.

Қунанбой Қорашанинг овулига юборган кампир, ҳечнарсанинг исини билолмай келар эди, негаким, Болағозилар ўз уйларида мол сўймас, олган отларини уйининг ёнига ҳам, яқинига ҳам йўлатишмас эди. Бир кун ўғирланган молни қувғиндан қутқаргандаридан кейин, Наймандан келган йигитларни хийла ерга узатиб бориб,

кимсасиз ерда, бир сувнинг бўйида семиз той сўйиши. Абилғози ўша тойнинг биттагина қовиргаси блан озроқ мойндан уйга олиб келди да овқат қилди.

Бу гўшт кечаси ҳамма ётган пайтда қозонга солинди. Лекин от гўштининг ҳиди айғоқчи кампирнинг бурнига етақолди. У гўшт пишгунча эшикда пойлаб юриб, гўшт пишиб, товоқча тушиб, эндигина Абилғозининг олдига қўйилганда тўсатдан бостириб кирди да, гўшти кўриб қолди, тойнинг қовиргаси эканлигини ҳам билиб олди.

Қунанбой бу хабарни эшитиши блан Бойдалига одам юбориб «Қораشا Бойдалининг қариндоши, ўзи тийиб олсин. Йўқолаётган молларнинг дараги чиқди, гувоҳим бор. Агар Қораша тонадиган бўлса, унга Қавмен кафил бўлсин. Бу ишларни Қавмен сезган бўлиши керак. У бошига қилич келганда ҳам ёлғон гапирмайдиган одам. Мен ё'тиборга олганда, фақат ўшанинг имонита ишониб, ўшанинг сўзини з'тиборга оламан» деб айтиб юборди.

Бойдали бориб Қорашадан сўроқлаб ўтирасдан, тўғридан-тўғри Қавменнинг ўзига ёпиши. Қавмен ўзининг Қорашадан ҳам, ҳатто Болағозидан ҳам кечиб кетганини айтиб, у ишлардан менинг хабарим йўқ деган эди, Бойдали кўнмади «ё қорала, ё бутунлай оқлаб чиқ. Қунанбой фақат сенинг сўзингга ишонади. Агар шуларнинг оқлигига кўзинг етса, қасам ичиш гуноҳ эмас, қариндошларнинг блан болангни ноҳақ буҳтондан қутқарасан» деб туриб олди.

Гап шунга келганда Қавмен сир бериб қўйди: «Жонимдан тўйғаним йўқ, уларни оқ деб кафил бўлмайман» деди.

«Қавмен ўзини четлатаётир, кафил бўлмайман, уларни оқ деб ўртага тушмайман деб, ўзини тортаётир. Қорашанинг овули айбли экан» деб Иргизбойлар шов-шув кўтариши. Мойбосар, Жақиплар ловиллаб кетиши: «Қариндош бўлатуриб ётдан баттар қасд бўлиши. Бизнинг гуноҳимиз нима? Кечирмаймиз, аямаймиз, бор-йўнини талаб, болга-чақаси блан уйига ўт қўйиб юборамиз» деб ёвши.

«Тишингни қаттиқроқ ботир, аяма!» деб Қунанбойни ҳам қутуртириши.

Броқ Қунанбой бошқа фикрда эди. Бу йил оғирчилик блан ўтди, бу тўғрида жiddийроқ ўйлаш керак. Бунинг устига ҳозир Бойдали блан ораси яхши бўлиб қолган. Уғрилар фақат Иргизбойлардангина эмас, Котибақ, Бў-

кеншелардан ҳам оләтири. Бойдалининг ўзи ҳам омон колгани йўқ. Шундай бўлгандан кейин, ўша Бойдалининг ўзи блан маслаҳатлашиб иш тутиш керак. Иложи бўлса, ўғрилик қилаётган қариндошлари блан олишишини ўшанинг ўзига юклаш керак. Лекин, ҳарқандай бўлганда ҳам, бутун гуноҳ Жигитекларнинг бўйнига тушиши керак.

Шу блан Қунанбой Мойбосарларнинг алангасига сув сепиб:

— Кўп ҳовлиқмай туратур? Қораша ҳечқаерга қочиб қутилолмайди! Сабр қилиб тур! — деди-да, Жигитекларга яна одам юборди; бу гал Жумабойни юборди.

Жумабой тўғри Бойдалининг олдига борди ва Қунанбойнинг аввалги топширигини бажариб, Қавменни қўлга тушириб бергани учун Қунанбой номидан унга ташаккур айтди. Шундан кейин Қораша блан Абилғозини Қунанбой ўз ҳузурига чақиртираётганини билдири. Қунанбойнинг бу таклифига Бойдали қарши бўлмади. У ҳам:

— Майли, қариндошларини ўзи ҳам кўрсан! Ўзи сўзлашиб боқсан! Бу иши тўғри. Қорашани мен ўзим айтиб юбораман,— деди.

Лекин Қораша блан Абилғози Қунанбойнинг чақиртирганини эшитса ҳам, унинг ҳузурига боришмади. Бойдали зўрлаб ҳам кўрди, ҳеч кўндираолмади. Шундай қилиб, Қорашаларнинг бўйнига яна «ҳам мол ўғирлади, ҳам жавоб қилгали келмади» деган иккинчи айб қўйилди. Қунанбойнинг тили узун бўлиб қолди.

Энди Ирғизбойларнинг икки кўзи кечаю-кундуз Қорашанинг овулида бўлди. Абилғози, Адилхон, Болағозилар элдан кетиб қолишли. Булар тўғрисида «сувга уриб кетишиди, тарқалиб кетишиди!» деган гаплар тарқалди.

Турли шубҳалар, миш-миш гаплар кўпайди. Қораша блан Қавмен овулида уйида йўқ йигитларининг ҳаммаси ўғри аталди. Абилғози ёлғиз эмас, булар кўпчилик бўлиши керак. Энди буларнинг орқасига кўпчилик бўлиб тушиш керак,— деб, ҳамма ҳовлиқиб қолди.

Бу сўзлар кўпинча Ирғизбойлардан чиқиб, бутун атрофга тарқалиб кетаётган эди. Шундай қилиб, Болағози блан Адилхонни ҳам аллақачонлар Абилғози қаторига қўшиб қўйилган эди. Аввал чақиртирилган Абилғози бормагани учун Қунанбой яна одам юбориб, энди Болағози блан Адилхонни чақиртирди. Қораша блан Қавмен Болағозига хабар қилиб, албатта бориб келсин дейишиди.

Болағози бормайман деди, бу тўғрида ўртоқларига:

— Қунанбой мени аяй деб тургани йўқ. Қандай ҳийла ишлатиб шуни қон қустирсам экан, деб ўйлаб ўтирибди. Шундай бўлгандан кейин, мен яна унинг нимасига мўминтой бўлиб олдига бораман? Бўлар иш бўлди, ачинадиган жойим борми. Азamat бўлса қўлига тушириб кўрсин. Аввал қулоқдан олиб йиқитиб, миниб олсин-да, ундан кейин қуллик нуқтасини урсив. Шум атанар бўлсам, атаниб бўлдим. Энди унинг олдига бориб, менга қўядиган «мўмин шум», «ақллик шум», «қобил шум» деган яхши отларини олишга орзиманда эмасман, ўлсам ҳам ўша томонга ўтмай ўламан! — деди.

Болағози блан Абилғозининг бундай зидлик қилиши Қунанбойнинг юрагини орзиқтира бошлади. Эски одати бўйича босиб, талаб олай деса, мана бундай оч-яланғоч қолиб, ўчакишиб турган элнинг ичидан ўт чиқиб кетишидан қўрқарди.

Энди ягона чора улуғга арз қилиш эди. Энг қулайи, отряд чақиртириб, буларни урядникка ушлатиб, кишангага солиш.

Лекин шу пайтда қонунлар ўзгариб кетди. Аввалги оға сultonлик қолиб, «бўлис» деган янгилик кирай деб турган эди. Тўбуқтининг округи ҳам ўзгарди: шу йил ёздан буён улар Семейга қарайдиган бўлишган эди. Яна илгари бутун Тубуқтига биттагина старшин бўларди. Энди Тубуқти бўлинниб, уч бўлисга қараса керак. Янги округ улуғнинг қўлида, Қунанбой ҳали улар блан танишиб, борди-келдини қуюқ қилиб олган эмас. Эрта-индин сайлов бўлади. Шундай пайтда ўз элидагилар блан аразлашиб юриш унга муносиб иш ҳам эмас.

Шундай қилиб Қунанбой ҳеч бўлмаса сайлов ўтгунча бу ишларни қўя туриш керак, деган қарорга келди.

Лекин унгача Болағозилар-ошиб кетаётир—бирданига икки буйруғини бажармади. Қунанбой «энди улар қўлидан нима келарди деб, биратўла ўзини унутиб юборадими» деб яна хавфсирав эди. Қунанбой бир тўп ишончик, пишиқ йигитларини отлантириб уларга: «тоғ орасида юришгандা бостириб бориб, ҳаммасини ушлаб келинглар!» деб буйруқ берди.

Лекин Болағози ҳам осонлик блан қўлга тушмоқчи эмас эди. Унинг йигитлари от қўйиб, йироқлашиб кетдиди, битта-биттадан бўлиб, тарқаб кетишиди. Тинкаси қуриб, беҳудага от ҳоритиб қувлаганлар қайтиб келганларида, Болағозилар яна орқама-орқа келишди ва дарҳол

Қунанбойнинг отларидан яна уриб кетишиди. Лекин бу гал кўп олмай, иккита-учта той ва бия олишиди. Бу вақтда халқ қистов-қистовига кўчиб келган, сигир ва қўйлари сутдан чиққан, фоят оғир аҳволда қолган эди. Энди битта-яримга ёлғиз юрган мол дарҳол фойиб бўлиб, очяланғочларнинг қўлига тушиб кетадиган бўлиб қолган эди.

Бу кунларда Қунанбой, яқинда Тўбуқтига келиб, сайлов ўтказадиган тўранинг йўлига кўз тутиб тураркан, Бозоралини чақирирди. Бозорали бошқа йигитларга ўхшаб қочиб юрмасдан, эшигтан он келди.

Қунанбой янги олган ёш хотинининг уйида эди. Бу уйга энди кўчиб кирган. Уй иссиққина, худди янги уйланган йигитнинг уйидек, безатилган эди. Тўладан келган, кулча юзлик Нурғаним гўзал, келишган жувон эди. Айниқса унинг катта-катта ўткир қора кўзлари ўзгача бир аланта сочиб, ёниб турарди. Унинг симосида ёшлиқ, соғломлик барқ уриб турар, юзи тиниқ қизил эди. Эркакларнинг бурнига ўхшаб кетадиган бурнининг ўнг томонидаги кичкинагина қопқора холи қизил юзига фоят ярашиб турарди.

Бозорали Қунанбойнинг сўз бошлашини кутиб ўтиаркан, Нурғанимга кўп зиҳн солди, ҳайрон бўлиб ичиди: «ёпирим, буни қаердан кўриб, қаердан топиб олди» деб рашики келди.

Нурғаним одоблик, лекин ўзини озод ҳис этадиган, сўзини ўтказадиган кўринди. Қунанбой блан Бозоралига дастурхон ёздириб, чойини ҳам оқсоч хотинга қуидириб ўтиаркац, эрига ҳам, меҳмонга ҳам тортинаасдан қаради. Ба'зибир майдачуида ишларни Қунанбойга айтганда ҳам, тап тортинаасдан сўзларди. Шу фе'лидан бўлса керак, эри буни «қалмоқи» дер экан. Чой ичилиб бўлгандан кейин Қунанбой:

— Қалмоқи, дастурхонингни йиғдир! Мана бу Бозоралида бироз гапим бор,— деди.

Нурғаним дастурхонни йиғдириб, оқсоч хотинга:

— Энди сен кетабер! — деди ва ўзи чордона қуриб ўтираберди.

Қунанбой сўз бошлагандан, Бозоралига қаттиқ гапирмади. Болағози блан Абильғозини Бозоралининг ўзига чақиб «ўзингни ҳам, юзингни ерга қаратадаёт; диёнотлик, ор-номуслик йигит эдинг, улар сенинг ҳам ша'нингга дор тушираёт; албатта сен уларнинг ёнини олмайсан, ёнини олмассан деб ўйлайман, шундай эмасми?» деди.

Бозорали ўйланиб турмай, тикка Қунанбойнинг юзи-
та қараб туриб, қисқагина жавоб берди. Афтидан бу йи-
гит гапни ўрнига қўйиб, гапирадиган кўринарди. У ҳам
мулоимлик блан сўз бошлаб, шошилмасдан, салмоқлик
қилиб: «уларнинг ёнини оламан деб келгашим йўқ, айб-
дор деб биламан. Айбдор деб билганим учун ҳам, ўрта-
мизга низо' тушган. Отига ака-укамиз. Лекин тутган
йўлимиз бўлак. Кўришмай кетганимизга кўп вақтлар
бўлди. Лекин қўлимда амри-фармон йўқ. Шунинг учун
ҳам, чора кўришдан ожизман...» деди.

Бозорали иссиқ уйда ўтириб чой ичгандан кейин юзи-
даги қизил товланиб ҳусн кирди. Паҳлавондек гавдалиқ
гўзал йигитнинг ўйчан, зийрак кўзлари ҳам, оқаринқи-
раброқ турган юzlари ҳам, кишининг диққатини жалб
қиларди. Унинг кенг елкалари, бараваста келган қадди-
қомати ҳокисорона букилишни билмас, узун-узун оппоқ
бармоқларигача ўзгача бўлиб, ўзига ярашиб, бенуқсон
туғилган вужудига яна бир ҳусн қўшиб турарди.

Қунанбой шу вақтта қадар Тўбуқтидаги ёшлар ичидা
ўзи блан бунинг сингари тап тортмай, озод сўзлашади-
ган йигитни учратмаган эди, ичидан Бозоралининг қадди-
қоматига ҳам, берган жавобига ҳам чинакам қойил бўл-
ди. Лекин, шу таҳлитда бироз сұхбатлашиб ўтиргандан
кейин, Бозорали блан слишиб кетди. Меҳмон йигитга
сўзини ўтказмоқчи бўлиб: «Айбдор деб биладиган бўл-
санг, уларни тийншга ёрдам қил!» деди.

Гап шу ерга келганда Бозорали: «Айбдор деб били-
шим рост, ёлғон эмас, буни айтдим. Лекин уларнинг шу,
куйга тушишига нима сабаб бўлди? Балонинг боши
нимадан чиқаётир? У кечаги ютдан, мана буқунги йўқ-
чиликдан чиқаётир. Шу балоларни бошлаётган биродар-
ларга нисбатан зўр адолатсизлик бор, ҳамма гап шунда.
Бирор олдинга тушиб оға бўлди, халқнинг бори-йў-
гини қоқишириб олди. Орқада қолган орқада қолабер-
ди. Ҳеччарсага ҳадди сифмайдиганлар ундан кўп. Оқибат
мана шу бўлди! Уша аввалги оға бўлганлар омон қолди.
Аввалдан турткиланиб келганлар ҳали ҳам турткиланга-
нича хор-зор бўлиб қолаберди. Шуларни ўйлайдиган
инсон борми? Жони ачийдиган, халқ учун жон куйдиради-
ган эл оғаси борми ўзи? Сизнинг олдингизга келишимдан
мақсад ҳам шуларни сиздан сўраб, ўз оғзингиздан эши-
тиш эди» деди.

Бозорали Қунанбойнинг кейинги гапиға кўнгилдаги дек жавоб бермай, гапни бошқа ёққа буриб юборди. Қунанбой Бозоралини ер блан яксон қиласиган бир назар блан тикилганича тушунтириб кетди. Гапларининг холосаси шу эди: «худонинг хоҳиши, тақдирда ёзилгани. Ютни одам олиб келгани йўқ, уни бирордан кўриб бўладими? Қўлида борлар қарашмаётим? Лекин қўл блан берганга қуш тўймайди дейдилар! Азамат кишининг озиғи қаноат, худонинг буюрганига кўниш керак».

Бозорали ўша «худонинг хоҳиши»га ҳам қулоқ солмай, бу хоҳиш бутун элни қон-қора қақшатиб қўйди, эл ғамхўриман деганлар кўмаклашса нима қиласиди? Бу гаплар бошга тушганни кўрабер деган сўз. Үндай бўлса, халқ «худонинг хоҳиши», деб, тириклайн гўрга кираберсинми? — деди.

Қунанбой Бозорали блан ортиқча баҳс-жавоб қилиб ўтиришни ўзига ор билди-да, қовоғини солиб, гапни қиска қилди:

— Мана, сенинг ҳам олдингдан ўтдим. Энди иш бирбиrimизни аямасликка қолган экан, шуни айтиб қўяйки, Болағози блан Абилғози соғ қолмайди, билиб қўйсин... Қачон айтган эди демасин! — деди.

Бозорали шу блан сўз тамом бўлганини онглади-да:

— Болағози блан ишим йўқ, нима бўлса бўлсин! Лекин элни қўрқитиб оламан деб сиз овора, сизга онглатаман деб эл овора. Келишаолмайдиган кунга қолган эканмиз. Хуллас энди бутун умримиз талаш-тортишиш, адоварат блан ўтар эканда,— деб, тумоғини кийди.

Бозоралининг сўнгги сўzlари жавобсиз қолди. Бозорали шошилмасдан туриб хайрлашди-да, эшикка томон юрди. Нурғаним блан Қунанбой ундан кўзини олмай, қараб қолишиди. Бу азамат йигит орқа-боши ҳам ҳўп келишган, кўкрагини кўкка тираган ботирларга ўхшарди. Яна кўп саботлик, соғ дил. У эшикдан қисилиб-қимтилмасдан, кўкрагини керганича чиқиб кетди.

Қунанбой эшикка унинг орқасидан қараганича ўйланиб қолди, бироздан сўнг, Нурғанимга қараб:

— Қисталоқ Бозоралида бу атрофининг йигитига битмаган қадди-қомат блан савлат бор-да. Яна ичи тўла соғ, тиник фикр. Лекин шўр пешона бўлмаса, келиб-келиб, ўша қўли қисқа Қавмендан ҳам туғиладими? — деди. Қунанбойнинг сўzlарида унга нисбатан ҳам завқ, ҳам ҳасад оҳангги бор эди.

Нурғаним Бозоралининг гапларига диққат қилиб қулоқ солған эди. Эрининг бу гапи гүё уни жўрттага ўша гўзал йигитга қизиқтираётгандай бўлди. У эрининг ҳасадини бир чеккага қўйиб, завқини олди. Еш жувоннинг юраги алланучук ошиқпиниб, бесаранжон бўлиб қолди.

4

Элга сайловчилар келган эмиш деган хабар тарқалди. Абай Жидебойда эди. Қунаанбой уни айтдириб юборди.

Абай бу йил куз бўйи яна нуҷукдир ёлғизликни истайдиган, барчадан бегона бўлиб кетган эди. Шу йил айниқса мана шу ғамгин садолик дўмбира унга ажаб бир мўнис бўлиб, қанча-қанча сирларни изҳор этарди. У «Саймоқ сариқ дар'ёси» куйини чалса ҳам, «Икки қизнинг ҳасрати», «Бўэтурғойнинг сайраши» куйларини чалса ҳам дўмбиранинг ҳар садоси унга ўша аламлик дардларни баён қиласидиган бўлиб қолган эди. Дўмбира нималар дейди? Унинг ғамгин садосида ўша югурик туяни елдириб юрган Осон қайфининг зори, оч-яланғоч йўқсилларнинг дардидаги оромидан айрилиб кезиб юрган Олшагирларнинг қайғиси акс этар эди; кўриб турган аламлик ҳаётига кўнаолмай, орзусига етаолмай, зор-зор йиғлаб ўтган аламзадаларнинг дардини куйларди.

Бу кунларда Абай кўпинча шу ёз Собирбайдан ёшитган гаплари, унга ўзи айтган юксак фикрлар устида ўйларди. Уша вақтда Собирбой унга: «кечган замон ўзининг қанча-қанча аламлик изларини қолдириб кетган, буни оқинларнинг орзусидан, созандаларнинг созидан, бастасрларнинг ўлмас куйларидан кўриш мумкин» деган эди. Абай энди ўз фикрларини ўша ўтган асрларда ҳам аламлик дарднинг тили бўлиб келган кекса дўмбиранинг ғамгин садосига жўр қилиб куйларди.

Хозир Абай аввалги ўйин-кулги, ёшлиқ, юриш-туриш деган гапларнинг ҳаммасини унутиб юборгандай кўринарди.

Шу кунларда Эрбўл келиб Абайнини олиб кетмоқчи бўлди. У Абайнин ўйин-кулгига чалғитиб, кўнглини очиб юбормоқчи эди. Эрбўл келган кунларда Абай «бас, бас кўнглим, бас кўнглим» деган бир узун ше'р ёэди. Бу унинг Эрбўл қизиқтираётган юриш-туришлардан ўз кўнглининг

бегоналашиб кетганини айтиб, унга жавоб тариқасида ёзилган ше'р эди.

Дўмбирага қўшиб, шу ше'рни мунгли бир оҳанг блан куйлаб берганда Эрбўл Абай блан олишакетди.

— Вой хумпарей, нима бало, ёшлик давронига бирағўла алвидо айтай деяпсанми? Узи ёшинг йигирма бешга чиқар-чиқмас бу нима қилиқ? Бу ишининг кўнадиган киши йўқ!..— деди. Абай Эрбўлнинг бундай норозилигига тушунди-да, кулиб қўйди. Абай авваллари бўш қолди дегунча юрак дардларини дўмбирага қўшиб, терма қилиб айтаберарди. Энди бирнеча кундан бўён ўша: «бас, бас кўнглим, бас кўнглим»ни тутиб олди.

Гарчи бу ўлан мазмунан Эрбўлга ёқмаса ҳам, сўзлари ғоят ма'қул бўлган эди, шунинг учун ба'зан Абайга қўшилишиб айтарди. Улар бирга қўшилишиб айтаётган чоғида гўё икки новқирсан йигит жўш уриб турган ёшлигига кўпдан-кўп «Алвидо! Алвидо!» деяётгандай бўларди.

Шундай қилиб, Эрбўл қайтиб кетиш олдидан Абай яна у блан бир дардлашиб:

— Эрбўл мен кексаликни оразу қилаётганим йўқ. Шу ёшликни кўзим қияди дейсанми? Ёшликни кексаликка алишгудек унинг нима ҳузур-халовати бор? Үзингдан қолар гап йўқ. Фақат энди болаларча ёшлик блан жўш урган шўх ёшликнинг ўрнига бир из қолдириб кетадиган ёшликни излай бошладим. Энди шунга ишқим тушиб қолди. Эндиги истакларимни билсанг эди! Бу истаклар юрагимни тарс ёргудек бўлиб туради. Бир айтиб берарман... Эшитарсан! — деди. Бу унинг ҳақиқий сири эди.

Шу гапларнинг устида Қунанбой Абайнини чақиртириб қолди. Уша куни Эрбўл жўнаб кетди-да, Абай ҳам Қорашибўғига қараб йўл олди.

Абай эл ётар чоғида Қорашибўғидаги қистовга яқинлашиб борди. Сертўқай сойда Абайнинг қаршисидан келаётган салт отлик ёлғиз одам кўринди. Новча бўйлик, икки елкаси эшиқдек бирор келаёттир. Яқинлашиб келганда қараса ўзининг иниси Успон экан. Қоронғида инисини Абай эндигина таниб, ҳайрон қолди. У инисини кунда кўриб юрганида, худди шундай баҳайбат, барваста бўлиб кетганини пайқамаган экан. Ҳозир ёши ўн саккиз — ўн тўққизга чиқиб қолган Успон худди Алпомишдек бўлиб кетибди. Абайга қараганда унинг бўйи ҳам, тағдаси ҳам катта эди.

Тасирлатиб от қўйиб келаётган Успон Абайчи таниши·
блан тўсатдан отининг бошини тортиб тўхтади, тўхташи
блан шарақлаб кулганича, гапга тушиб кетди.

— Бугун фалокат босиб, отамнинг олдига бориб қол-
сам бўладими? «Рўза тутаётисанми, беш вақт намозни
канда қилаётганинг йўқми? Мусулмончиллик фарзларини
адо этаётисанми?» деб, худди мункар-накирдай тергов-
га олиб қолди·ку. Ростини айтиб, шу айтганингиз-
нинг ҳаммасидан ёввойи кийик нақадар озод бўлса, мен
ҳам шундай озодман демоқчи бўлдиму, яна ботинаол-
мадим, қарасам чатоқ чиқиб кетадиган. Қандай қиласай
«Ҳа, бўлмасамчи, ҳаммасини ҳам бажо келтираётиман»
деб қоларманми! Отам хурсанд бўлиб кетиб, мени мақ-
таб, кечгача сарғайтириб ёнида олиб ўтиrsa бўладими?
Илож йўқ. Таҳоратенз номоз ҳам ўқидим, ёлғондан рўза
ҳам тутдим, ўзи блан ўтириб ифтор ҳам қилдим. Мана
ҳозир ифторга пиширилган овқатларини боблаб уриб
олиб, уйга кетаётиман. Мана, кўрдингизми, отангизни
шунақа алдаб келаётган Успон биз бўламиз! — деб ҳу-
зур қилиб кулабошлади.

Абай ҳам бенхтиёр инисининг кулгисига қўшилиб
кулди, лекин бу кулгининг ичиди истиҳзо ҳам бор эди.

— Отангга ростини айтганингда бундай хурсанд бў-
либ қайтмас эдику·я, ёлғон деган нарсанинг ўзи жон-
нинг ҳузури эканку!.. Дурустсан! — деб йўлига, қараб
кетди.

Успон Абайнинг бу тахлитда уни эрмак қилиб айтган
гапларига жавоб тополмай, афрайиб қараб турди·да, кул-
ранг отини бир уриб чоптирганича кетди.

Абай Қорашўқидаги қистовга етганда отасининг уйи-
га кирмай аввал Кункенинг уйига кирди, негаким, у ерда
Абайнинг энг яхши кўрадиган акаси Қудойберди кўпдан
буён бетоб бўлиб ётарди.

Абай кириб келаётган пайтда баланд каравотда ёт-
ган Қудойберди йўталаётган экан. У Абайнинг келгани-
га бениҳоят хурсанд бўлгандай кўринди. Оқариб чўэзилиб
қолган юзида хиёл қизиллик пайдо бўлди. Қопқора со-
қоли бирхил бўлиб ўсиб узайиб кетган эди. Эти бориб
устихонига ёпишган, сувак-суваги ажралиб, бутун томир-
лари кўкариб кўриниб турарди.

Абай акасининг бу қадар ғарив ҳолга тушиб қолгани-
ни кўриб юраги әзилиб кетди, нарироқда туриб ешинди-
да, унинг олдига келиб, тўшагига ўтириди.

Дард енгиб олган бемор нафасини ростлаб ололмай, ҳолатдан кетиб борарди. Абай бундан ўнбеш күп олдин бир келиб кўриб кетган эди. Ҳозир bemornинг аҳволи кўп пастлашиб кетипти. Қудойберди Абайнинг қўлини ушлаб силар экан:

— Келганинг жуда яхши бўлди! — деди.

Абай икки қўли блан акасининг озгин қўлларини ушлаб ўзига томон тортди-да, юрагига босди. Иккови ҳам жим бўлиб қолишди. Лекин жигарларнинг кўнглидаги бор дарди, ҳасрати, армонини юраклари онглатарди. Бирқанча вақт ўтга Қудойберди хаста овоз блан зўрга:

— Отангнинг олдига кирдингми? — деди.

— Ҳали кирганим йўқ. Аввал сизни кўрай деб, келдим, — деди Абай.

Шу топда Қудойбердининг учта ўғли Абайнинг келганини эшишиб юрганича салом бериб кириб келишди. Каттаси ўнбир-ён иккига кирган Шаке, иккинчиси саккиз яшар Шубар, учинчиси Қудойбердининг кичик хотинидан туғилган ҳалиги икки ўғлидан ҳам кичикроқ Нуртоза деган ўғли эди.

Абай болаларнинг ҳаммасини бағрига олиб, юзидан ўпди. Шаке блан Шубар мактабга бора бошлиган эди. Абай ҳар келганида буларнинг дарсларидан хабар олиб турарди. Болалар Абайни ғоят яхши кўришарди, ҳозир ҳам бағрига кириб кетишди.

Қудойберди Абайга ёпишаётган болаларнинг тўполонидан беҳузур тортиб, юзини четга ўгириди.

Абай унинг ҳаракатини пайқаб, болаларни алдаб-сулдаб уйдан чиқариб юборди, яна bemornинг олдига келиб ўтириди.

Қудойберди кўзи блан эшикка ишора қилиб:

— Қалай, одам бўладиганми буларинг? Бўладими? Мана бу иниларнинг нима бўлар экан... Ким бўлишини... Тақдирни қандай бўлишини билмайман... Қаердан била-ман? — деди.

Инисининг кўзларидан иссиқ томчилар юмалаб тушабошлиди, товуши ҳам қалтиради.

— Бу менинг зиммамдаги қарз. Қўлимдан келганича, қудратим етганича бағримда ўстирарман! — деди.

Қудойбердининг ўзи Абайни юпатиб:

— Йиғлама, қўй, йиғламагин! — деди.

Иккови яна жим бўлиб, бир-бирларига қараб қолишди. Бирордан сўнг Қудойберди нафасини ростлаб, ўзини ўнглаб, бир ёнига ағдарилиб, яна Абайга қараб ётди, лекин қўзғалиши блан яна йўталди. Абай унинг кўрпасини иягигача тортиб, эҳтиёт блан уёқ-буёғини қимтиб қўйди.

Қудойберди энди гапни бошқа ёқقا бурди:

— Отанг нима учун сени чақиртирганини биласанми, Абай?

— Йўқ, Баке, ҳали билаолганим йўқ.

— Бўлмаса, бугун сайловчи тўра келган эмиш, отанг уни Жақипнинг овулига туширибди. Бўлисликка сени сайламоқчи. Билдингми? Нима дейсан?

— Ўзингиз нима дейсиз? Менга нима маслаҳат берасиз?

— Менинг сўзимга кирсанг,— деб Қудойберди бироз ўйланшиб турдида,— бўлма! Улуғлик бир фазилат эмас экан. Буни кўзимиз блан кўрдик. Беглик кишини бузади, яна оқибати эзгулик эмас, ёмонлик бўлади. Еш умрингни зойи' қилма! — деди.

Абайнинг ўзи ҳам шу фикрда эди.

— Ҳамма айтганларингиз тўғри, Баке! — деди.

— Афтидан анави Такежон сайланиш пайдидаги юрган кўринади. Уша бўлиб, мириқа қолсин! — деди Қудойберди яна.

Бу кеч эл ётгунча Абай акасининг ёнидан силжимади. Беморнинг кўнглига қараб дўмбира олдириб келдида кўп куйларни куйлаб берди. Ҳалиги болалар ҳам келишган эди. Абай bemorning тинчини кўзлаб, укаларини ёнига олиб ўтириб «минг бир кеч» ҳикояларидан бир ҳикояни ҳам айтиб берди. Болалар унинг ёнидан нари кетмай телмиришганича, ҳикоя эшитишди. Ҳам созанди, ҳам ҳикояга уста оғаларини учови ҳам ғоят севишар, унинг блан бир тўшакда ётишни ҳам яхши кўришарди. Нуртоза блан Шубар иккови:

— Мен Абай оғам блан ётаман!

— Йўқ ўзим ётаман! — деб талашганича келиб икки томонидан Абайнинг кўрпасига кириб кетишиди. То кўзлари уйқуга кетгунча галма-гал Абайни ўзларига тортиб, қулоқлаб ётишиди.

Сайловчи тўра кечалари Қунанбойнинг уйига келиб, унинг блан узоқ-узоқ сўзлашарди. Афтидан у, сайланадиган янги бўлис тўғрисида Қунанбойнинг чизган чизи-

ғидан чиқмайдиганга ўхшаб қолди. Янги қонун, янги сайлов бўлади, деган гап чиққандан буён Қунанбойнинг ўзи улуғликни йигиштирмоқчи эди.

Бир вақтлар Аргиннинг бир округ элини бошқарадиган оға сultonлик ўрни бор эди. Қунанбой шунга қизиқиб, жон-дили блан бошлиқ бўлган эди. Қандай бўлганда ҳам бутун Тўбуқти эли «ёёса кафтида, юмса муштумида» эди.

Энди юқоридаги улуғларнинг қўли тобора узайиб бораётир. Бутун Тўбуқтига ҳукмронлик қилиш ҳам тамом бўлди. Тўбуқти учга бўлинадиган бўлди. Унинг биттагина бўлагига бошлиқ бўлиш у қадар мурод ҳосил бўладиган, киши қизиқадиган иш ҳам эмас эди.

Ундан кўра бўлисликни қўйиб четроқда турилганда, ҳали ҳам бор Тўбуқтига ўз амрини ўтказиши мумкин. Бу бир томони, иккинчи томондан элни бошқариш ҳам оғирлашиб бораётир. Мана бу Бозоралилар сингари бебошлар ҳам чиқиб турипти. Улар блан курашиш керак. Лекин бундай олишиш, талашишларга яна ўзи бoshса, ўша аввалги хусумат, аввалги адоварат яна кучайиб кетади. Ўз тенги бўлган Бўжейлар блан олишиш бошқа гап эди. Энди бўлис бўлдим деб Жигитекнинг ёш-ялангти, болэ-чақалари блан олишиб юриш бунга муносиб иш ҳам эмас.

Шундай бўлгандан кейин, уларга қарши бир қўли қаттиқ ўшроқ одамни ишга солиши керак. Ўз тенгги блан ўзи олишини, болалари бўлса эр етиб қолди. Бегликни ўшаларга бериб, ўзи бир четда тинчгина ўтириб, бор фикри, амри-фармонини ўшалар орқали бериб тургани ма'қул.

Учинчидан, Қунанбойнинг ёши ҳам етмишга тақалиб қолган. Энди эр етган болаларининг ичидан ўз ўрнини босадиган одам ҳозирлаш ҳам керак эди.

Қунанбой шу томонларини ўзича ўйлаб, тарозига қўйиб, салмоқлаб кўрди-да, янги бўлисликка Абайни тайин қилишини лозим топди. Бунинг ҳам бир ҳисоби бор эди.

Абай ота тарбиясидан четлаб кетаётир. Унинг ҳозирги қилаётган ишлари, тутган йўли Қунанбойнинг ёнида ўтирган беомон танқидчига айлантириб юбораётир. Айниқса кейинги йилларда шундай бўлиб қолди. Отаси Нурганимни олгандан буён Абай бутунлай унга рўпара келмай қўйди. Бу тўғрисида қолганда Қунанбой ўзича айбни Улжонга қўйиб келар эди «боланинг қўнглини мендан совитиб ўстирдинг» деб, бу йил ёзда Улжондан гина ҳам қилган эди.

Лекин, гарчи Абай отасидан йироклашиб юрган бўлса ҳам, Қунанбой унинг ақлда ҳам, ғайратда ҳам, та'лимтарбияда ҳам кўп камолга етганилигини яхши билар эди. Шундай бўлгандан кейин мана шундай ўз ҳолича бошқа йўлга қараб кетаётган боланинг бўйнига улуғликни ортиб, қайриб олиш керак. Агар унинг гарданига эл бошқаришининг оғирлиги тушадиган бўлса, бенхтиёр отасининг измнинг киради. Агар, отаси ўйлаганидек, тузалиб кетадиган бўлса ўзга ёшларнинг қўлидан чала-чулпа келадиган ишлар Абайнинг қўлидан тўла-тўкис келади. Бунга ҳам Қунанбойнинг имони комил эди. Унинг Абайни бўлис қилиш керак деган қарорга келиши ҳам мана шу сингари қатма-қат ётган фикрларидан туфилган эди.

Отаси ўрнидан турли бойичаб бўлгандан кейин Абай унинг ҳузурига кирди. Уй супурилган, йифиштирилган, топ-тоза бўлиб ҳали дастурхон йифилмаган эди. Такежон Абайдан олдинроқ келиб ўтирган экан. У худди мўмин муллаваччаларга ўхшаб, бир чеккада тиз чўкиб ўтиради. Қунанбой икки ўғлидан бошқа ҳаммани уйдан чиқарив юборди-да, сўз бошлиди.

Унинг бутун сўзлари Абайга қаратилганга ўхшарди.

У аввал ўзининг кексайиб қолганини, яхшими-ёмонми, бутун ҳаётини турли-туман тортишувлар блан ўтказганини эслатиб ўтди. Қим учун талашиб тортишган? Шу насллари, шу болаларининг келажаги учун, Энди мана булар эр етди, ўз ишларини ўз қўлларига оладиган вақт келди. Энди булар дўст ортдирса ҳам, душман ортдирса ҳам ўз тенгдошларидан ортдириши керак. Уз замонларининг тилини ҳам бир бўғин катта кекса кишидан кўра тезроқ онглайолади. Мана шу вазифани галма-гал олиб бориш энди икковининг гарданида. Лекин бугун биттаси бўлса, эртага иккинчиси бўлар. Йўл меники-сеники деб, сўзга боришмасин. Бўлисликка отаси Абайни лойиқ кўради. Ўшанинг бўлишини истайди...

Қунанбойнинг Абайга кўпдан буён бунчалик узоқ сўзлагани шу эди.

Абай ўйланиб қолган киши бўлиб, бироз жим ўтиради, ниҳоят томогини қириб олди-да:

— Ота, ишонганингиз учун раҳмат! Эндики хизматни бизга ортишга ҳақлисиз. Бундан буён елкантиздаги оғир юкни ташлашинингиз керак. Тинч ҳаёт кечирадиган вақтингиз бўлди. Фақат ҳалиги айтган гапларингиз менга айтилаётган бўлса, мен ўзим улуғ бўлишдан бош тор-

таман, негаким, улуғлик ҳали менга лойиқ иш эмас. Так-лиф қиласынан ўрнингиз мана бу Такежонга лойиқ. Шу бўлсин!— деди.

Абай шу сўзларни айтиб ер тагидан Такежонга кўз қирини ташлади. Абайнинг гапини эшилтгач у жанозада исқот кўп аталганда жилланглаб кетадиган мушук табиат сўфиға ўхшаб, севиниб, қип-қизариб кетди.

Қунанбўй қайта-қайта Абайга тикилиб, бош тортишининг сабабини икки марта қайтариб сўради.

Абай аввало қисқагина қилиб «бўлаолмайман» деган әди, отаси иккинчи марта қўярда-қўймай сўраганидан кейин, кўпроқ далил кўрсатди: ҳалқни бошқариш учун аввало одамнинг ўзи камолатга етган бўлиши керак, Абай бу ишга ўзини тайёрман деяолмайди. Етишмаган одамнинг қўлидаги беглик, ёш боланинг қўлидаги устападек нарса. Ё ўзини кесиб олади, ё бирорни кесиб олади. Абай ўзини аямайди, бунга куни қоладиган, бўйсунадиган ҳалқни аяди. Ҳалқ хизматига ярайдиган бўлиб етишганда, яна элга фойда келтираолишига кўзи етганда, отаси айтмаса ҳам, ўзи талаб қилишга ва'да берди.

Гап шу ерга келганда, тўсатдан Қунанбўйнинг фе'ли айниб кетди. Шу ондаёқ Такежонга қараб, «сен бўл» деди. У бўлса, осонгина «хўб» деди.

Мана шу гапдан ўнбеш кун кейин Такежон бўлислик ўрнига миниб, ўзини тутиб олди. Маслаҳатгўйлар ҳам етарлик эди. Бир томондан Қунанбўй бўлса, иккинчи томондан Мойбосар, Жақиплар ҳам Такежоннинг қулоғига ўз сабоқларини қуюшаётган эди.

Янги бўлис шаҳарга ҳам бориб келди. У ерда Қунанбўйнинг саломи блан Такежонга Тинибой деган бой йўлбошчилик қилди. Қунанбўй, Семей уездининг улуғи Тинибой блан қадрдан ошна экан.

Мана шундай қўллаб-қўлтиқлайдиган одамларнинг ёрдами блан Такежон биринчи боришининг ўзидаёқ бир-қанча ишларнинг бошига бошвоқ тақиб келди. Қунанбўй сайлов ўтказгали келган тўрага кўп гапларни уқдириб юборган бўлиб, бу гапларнинг энг каттаси Болағози, Абилғозилар масаласи эди.

Такежон улуғ бўлиши блан, ҳалққа ўз зарбини кўрсатиш ниятида бор кучини Болағозиларга сарф қилиби: Семей уездининг янги бўлган уезд бошлиғи Такежон шаҳардан қайтган чорида Чинғизга беш кишидан иборат қуроллик аскар чақирди. Такежон ўзи бўлисликка сайла-

ниши блан чопарларнинг биттасига Жумоғулни тайин қилиб, иккинчисига ёшгина Қарпик деган йигитни олган эди.

Аскарларни бошлаб келган Жумоғул, буларнинг келаетганини эл билиб қолмасин деб, тун кечада келди-да, уларни бўлис маҳкамасига туширди. Такежон блан Мойбосар шу кечанинг ўзидаёқ, ҳалиги аскарларнинг ёнига ўнта йигитни қўшиб, Жигитек элига жўнатди.

Илгарилар аҳёнда бир бўлмаса, Тўбуқти эли қуроллик аскарни кўп кўрмас эди. Энди оувулларининг устидан яроқ-аслача таққан отлиқ аскарлар ўтганда ёшу-қари, бола-чақағоят қаттиқ чўчиди.

Бу отряд Болағози блан Абильғозиларнинг тўдасига Чинғиз тоғининг ораликларида дарров ўйлиқди. Булар Болағозиларни хўб қувлашди, лекин шаҳардан кўп чиқмаган, элни ҳам ерни ҳам яхши билмайдиган солдатлар бу қувлашда хийла ношудлик қилишди. Тоғ ичидаги ҳарбир ўба¹ уларнинг кўзига ғоят мудҳиш бир нарса бўлиб кўриниб, ҳа деса, дурбинини чиқариб, ўшаларга тикилиш блан кунни ўтказаётган эди. Қочқинларнинг қорасини кўриб турган Тўлепберди аскарларнинг шу таҳлитда беҳуда вақт ўтказаётганига хуноб бўлиб: «бунинг мана бу кекирдакка ўҳшаган нарсасини қўядими, ё қўймайдими? Сўйил блан бир қўйиб, учирив юборайми шунисини!» деб фижинарди. Лекин на чора. Шундай қилиб отряд вақтни бекор ўтказиб, ҳориб қолди.

Уларнинг етаолмаслигини пайқаган Болағози отининг бошини тортиб, орқасига қараб, зиҳн солиб кўрди. Отряднинг олдига тушиб, бошлаб келаётган Иргизбой йигитлари экан. Уларнинг олдидаги Тўлепберди, унинг иниси Элевсиз ва Жумоғуллар кўринди. Қўлга тушмаслигига энди қочқин йигитларнинг хўб кўзи етди.

Абильғози блан Болағози иккови йўлдошларини Чинғизнинг бир тороқ сойига солиб, жўнатиб юборишиди. Узларининг ёнида фақат Адилхонни олиб қолишида-да, бир муйилишда буқиниб, қувиб келаётганларни пойлаб туришиди.

Душман йироқда деб, бемалол от қўйиб келаётган Тўлепбердилар ўз тўпларидан хийла ўзиб кетишган эди.

¹ У ба — қадим замонларда душманни тоғ бошида туриб пойлаган вақтда кўринимаслик учун катта-катта тошларни қўйиб, ўзанинг орқасида туриб пойланар ва қорага олинарди.

Болағози аскарларнинг олдида келаётган Элевсиз блан Жумоғулни олдинга ўтказиб юборишди-да, орқасидан бориб ҳужум қилишди. Уч киши бўлиб, икки йигитга ташланишди. Эман сўйил, қора чўқмор икки-уч мартағина ишга солинди. Кўп эпчил, кўп хийлакор Болағозилар Жумоғул блан Элевсизни эсанкиратиб қўйишишди. То улар эс-хушини йиғишириб, дод дегунча Болағози блан Абигози икковининг сўйилларини учирив юбориб бир қўйишида отдан қулатиб туширишишди. Икковининг ҳам остидаги отини олчб жўшаб қолишишди.

Энди ҳалиги аскарлар олдинги кишиларини шу таҳлитда бир зумда юмалоқ-ёстиқ қилиб кетган душманга беттай олмай қолди. Ҳаммаси бир тўп бўлиб туриб-турив, шу ердан қайтиб кетишишди.

Лекин отряд тинчгина қайтмади, қочқинлар чопарнинг бошини ёриб, отиш олиб кетганинг аламини тинч халқдан олди. Булар Жигитек элига келиб ўтирган Қораша, Қавмен овулларининг бутун қорамолини ҳайдаб кетди. Фақат бу овулларнигина эмас, уларга қўшни ўтирган Уркембой, Қорахонларнинг ҳам молини олиб кетишишди. Ҳарбир уйнинг тикилиб турган уловини ёлғизгина сиғирини ҳайдаб кетишишди. Шу кунга қадар халқ бундай ишларни кўрмаган эди. Ҳарқандай жазони айбдорнинг ўзи кўтарди. «Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осади» дейилар эди. Энди Такежон мисли кўрилмаган қабиҳликни бошлиб, чолу кампирларнинг, қип-қизил гўшт гўдакларнинг талчиғига чанг солди.

Бу хабар кечга қадар бутун Жигитек элига тарқалиб, шов-шув кўтарилиб кетди. «Замонга нима бўлаётир? Кундан-кунга баттар бўлаётирми? Ит аламини турнадан олади деган гап бўлаётир» деб, ваҳмага тушиб қолишишди. Сибойлос, Қотибақ, Бўкенше эллари ҳам Такежоннинг бу ҳаракатидан қаттиқ норози бўлишишди. Айниқса бегуноҳ Қавменнинг жафо кўриши ҳаммага малол келди. Унинг Болағозидан кечиб, айрилиб чиққанлигини ҳамма билар эди. Ана у Уркембой блан Қорахонлар бўлса, мутлақо бегуноҳ эди.

Бу ишларни кимдан кўришини, кимга айб қўйишини билмаса ҳам, бутун элда «яна бир бало пайдо бўлди» деган гап тарқалиб кетди.

Бўлис маҳкамасини Такежон ўз қистовига, Мусақулга ўрнаттган эди. Унинг атрофида тиламоч, старшин, чопарлар блан бирга Мойбосар, Жақиплардек маслаҳат-

түйлар ҳам күп эди. Буларнинг ҳаммаси эртаю-кеч Такежоннинг атрофида уймалашиб ётишарди. Булар Болағозининг қилган ишига аччиғланиб, Такежоннинг Жигитек зилига қилган ҳужумини ўринлик деб топишган эди.

Бу отряд блан йигитлар яна бирнеча марта кечалари чиқиб, Болағозиларни излашди, лекин Болағозиларни дуч келтираолмади. Шундай қилиб, уч кундан кейин, отряд шаҳарга қайтиб кетди. Аслида бу отряд халқнинг юрагини олиб, қочқинларнинг ичига ғулғула солиб қўйиш учун чақиртирилган аскар эди.

Янги улуғ дўёгини кўрсатиб бўлди. Шунинг учун аскарларнинг кетишига ҳам қаршилик қилмади. Уларни жўнатиб юбориб, энди «приговор» йифиб, қогозларни маҳкамлатиб, шаҳарга шикоятнома юборишга ҳозирланмоқда эди.

Такежоннинг аскар олиб келганига Абай жирканиб қаради, унинг бутун элни ўчакиширадиган бу ҳараратини Жидебойга келган одамлардан эшитиб отига минди.

Абай Мусақулга келса, Бозорали ҳам ўша ерда экан. У, Абайнинг олдида Такежонга ёпишиб:

— Олишадиган бўлсанг ўша бебош тентакларнинг ўзи блан олиш, усиз ҳам мажоли қолмаган элда нима ҳақинг бор? Хотин-болаларимизни очдан ўлдирмоқчи бўлмасанг, олган молингни қайтар! Уларнинг тириклиги фақат ўша сен олиб кетган битта-яримта соғим сиғири блан қорамолига қараб қолган. Сўзга қулоқ сол, биродар...— деган эди, Такежон тўғри жавоб қилмасдан, ғазабига олди.

— Бу ҳали ҳеч гап эмас, Болағози блан Абилғозини қўлга туширмагунча қўймайман. Элни таҳлика остида қолдираётган мен эмас, ўшалар!— деди.

Бозорали жаҳли чиқиб:

— Демак, Болағози қўлга тушгунча бутун элниг бўйнига сиртмоқ солиб, ипга чизиб қўяман дегин!— деди.

— Сен қаёқдан орага тушадиган бўлиб чиқдинг? Сени бундай бий қилиб қўйган ким экан ўзи? Болағози учун кафил бўл деб, жавобгарликка тортмаётганимга шукур қилиб, оғайнигарчилик қилаёттир демайсанми? Ҳақиқатини билмоқчи бўлсанг, айтақолай: Агар Болағози тинчимайдиган бўлса эндиги ўтда сен ўртанасан, билиб қўй, қутилмайсан!— деди Такежон.

Бозорали унинг дағдағасини писанд қилмади.

— Ерабби, ақл ўргатадиган ақл әгаси бўлган одам блан сўзлашаётирман деб ўтирсам янгишган эканман, сен ҳам бетайин экансанку. Асли ўша чопаринг Жумоғулнинг жавобини эшишиб кетаберсам бўлар экан! — деди-да, туриб кетди.

Абай Такежоннинг бу ишлари нотўғри эканлигини ўзига онглатиб, сўзлашиб кўрмоқчи бўлган эди, акаси: «аралашма, ишинг бўлмасин» деб уни ҳам қаттиқ жеркиб ташлади. Абай кечгача шу маҳкамада ўтириб ҳозирлангаётган қофозларнинг ҳаммасига дикқат қилди. Бу тайёрлангаётган шикоятномалар ҳам, бошқа муҳир босилган қофозлар ҳам Жигитек эли йигитларининг шўри учун ҳозирлангаётган экан. Бугун кечқурун Семейга жиғалик почта жўнатилмоқчи экан, буни ҳам билиб олди.

Абай шу кўрган-билгандарининг ҳаммасини Бозоралига айтаркан:

— Афтидан бу расволар яна бир балони бошлайдиган кўринади. Яна бир ўша Тўкамамбет, Мусақул жанжалини кўришмагунча тинчимайдиганга ўхшайди. Лекин эл бу ишлардан ҳайиқмасин, қўрқмасин, Базаке, бу ҳали шарпагина, ҳали довул бўлмайди. — деди.

Бозорали ўзининг ноилож келганини Абайга айтди. Молидан айрилган оч-яланғоч эл бунга ёпишиб, ҳеч бўлмаса бориб олдидан ўтиб кел деб юборган экан.

Абай Бозоралини тўхтатиб қўйиб, Мойбосар, Жақип, Такежонларни ҳоли ерга чақириб олди-да, қаттиқ ғазаб блан: «эр блан эрларча олишишдан енгилиб келиб, ботирлигингни хотин-болага кўрсатасан. Ўзи кечагина ютдан чиқиб, қаҳатчиликка учрай деб турган элнинг оғиздаги сўнгги парча нонини юлиб олиб, яна қайси бетларинг блан юрибсан? Ҳали шунинг ўзи блан суд олдида бошларинг кетмайдими? Бутун элни таҳлика остида қолдираётисиз. Шу ишларингдан қайтмай, омон қолиб кўрчи ҳани?» деб Такежоннинг ўтини ёриб юбориб: Мойбосарга ҳам: «сенлар кўрсатган ақл шу бўлдими? Ҳеч бўлмаса, сенлар уялсанг бўлмайдими? Ҳозир элнинг молини ўзига қайтариб бер!» — деб, буйруқ омиз гапирди.

Абайнинг бу сўзлари Такежонга хўб кор қилди, қаршилик қилишга ботинаолмади, негаким, ўша куни отасининг Абайга сен бўлис бўл деб кўп ёпишгани эсига тушди. Агар бу масалада Такежоннинг иши ўринсиз бўлиб, Абайнинг гапи дуруст деб топиладиган бўлса хатар кўп. Қунанбой улуғликни бундан олиб Абайга бериб қўядими,

нима қиласи? Ҳеч бўлмаса бу иш важидан отасининг фикрини билгана ҳам майли эди. Ҳозирча у томондан ҳеч хабар йўқ. Отаси бунинг Жигитек элининг бошига солган кулфатини ма'қул кўрдими-йўқми — ма'lум эмас. Шунинг учун Абай блан олишмади, ўйланиб ўтирган киши бўлиб қўяқолди.

Ҳарқалай Абайнинг бу ғазаблик гаплари улар учун осон гап бўлмади. Мойбосар блан Такежон парво қилмаган бўлса ҳам, Жақип ўйланиб қолди. Энди ўзаро маслаҳатлашганларида Жақип:

— Болағози блан Абилғозини улугга ҳайдатиб юборай деб турибмиз-ку, шуларнинг қоғозини пишиқлатиб, тезроқ Семейга жўнат. Ҳарқалай бевошлиқ қилаётгандарнинг ўзига ёпишайлик! Ҳалқнинг молини қайтариб берайлик! — деди. Шу блан Бозорали келган ишини бартараф қилди-да, бегуноҳ ҳалқнинг молини олиб кетди. Лекин, овулига борганда Такежондан эшигтан ножӯ гапларининг ҳаммасини Жигитек элига батафсил айтиб берди.

Шу блан бирга Болағозиларнинг устидан юборилган арза қоғозларини ҳам айтган эди.

Бозоралининг ўзи блан сўзлашмайдиган Болағозилар шу кунларда кечаю-кундуз Қорашибоннинг овулига одам юбориб, хабар олдириб туришарди. Орадан уч кун ўтгач Чингиз элига тўсатдан бир кутилмаган хабар тарқалди. «Такежон бўлис Семейга юборган жигалик почта таланибди, қароқчилар Тўбуқти ерида эмас, Уоқ ерида Муқир деган жарнинг рўпарасида учрабди. Энди яна бир бало бошланади» деган гап тарқалиб кетди.

Болағозиларнинг устидан юборилган арзалар ҳақиқатда жигалик почта блан жўнатилган. Такежоннинг почтаси салт отлиқ уч йигитдан иборат эди. Булар олиб бораётган хуржуннинг икки кўзи, булғор сумкалари лиқ тўла қоғоз эди. Тумоқларининг олдига жига қистириб олган Жумоғул, Қарпик ва бир ёш отбоқар йигит Мусакулдан чиқишилари блан от қўйиб кетишли. От ҳориганда булар сабрсизлик блан «жигалик, жигалик почта» деб, типирчилаганларича, дуч келган одамнинг пишиқ отини миниб жўнашарди.

Мана шу чопарлар бир кечаю-бир кундуз йўл босиб, энди шу кеча Семейга кириб борадиган бўлиб, Муқир деган жарнинг рўпарасида кетишашётган эди. Шу пайтда уларнинг қаршисидан учта салт отлиқ одам келаберди. Булар чопиб бораётган чопарларга қараб тўғри келишди-

да, ҳалигиларнинг орасига биттадан суқилиб бир зумда Жумоғулларнинг ёқасидан олиб, отдан улоқтириб ташлаши. Булар келиб биз блан олишади деган гап ҳаёлига ҳам келмаган чопарлар буларни оддий йўловчи деб бепарво кетишаётган эди.

Уч йигитни учтагина йигит отдан улоқтириб урди. Юзларини қора латта блан тангиб олган душманлар бирон оғиз сўз қотишмади, почтанинг хуржунини, сумкаларини тортиб олишди-да, жўнаб қолишиди.

Бу ишни Адилхон қилган эди. Гавдаси тўрт бурчак шаклида бўлиб, ғоят абжир, ҳийлакор Адилхон бу почтанинг кетига тушиб келаётган эди. Булар Жумоғуллар блан орқама-орқа келиб, чопарлар чой ичамиз деб Қўчкенибойнинг овудида ҳаяллаб қолишиганда, Адилхон ёнидаги Наймандан келган иккита азамат йигити блан олдинга ўтиб кетишиган эди. Булар уч киши бўлиб, бир зумда ишни бажарди-да, яна Чинғизга қараб қайтиб кетишиди. Қонунга қараганда бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини, почтани талаш блан қочқинларнинг ҳолини енгиллаштириб бўлмаслигини Адилхон ҳисобга олматан эди.

Чинғизнинг нариги ёғида Сибон блан Тўбуқти яйловининг чегарасида уч камбағал овул бор эди. Болағозилар блан Найман йигитларининг бир макони шу овуллар эди. Болағозилар бу овулларга келган пайтда, одамлар очарчиликка йўлиқиб сичқон овлаш блан кун кечириб, қийналиб турган эди.

Болағозилар келиши блан бу овулларга тўқдик олиб келишиди; соғишга сигирлар, минишга отлар беринишиди.

Мана шу овулнинг четроғидаги бир уйда Болағози блан Абилғозилар ётган пайтда Адилхон ҳам келиб қолди.

Йигитлар Адилхоннинг қилган ишини мақтаб, ўқинимасликка ундашди. «Энди бўлис яна шаҳарга югуради. Яна қайси кунги сингари тўполон кўтариб, шаҳардан аскар олиб чиқади. Унгача бу ерда ит ётадими? Уч-тўрт кун отларни тиниқтириб, озиқ-овқатни ғамлаб, ҳозирлик кўриб олайлик-да, уриб Найманга жўнаб қолайлик. Ҳадемай қор ҳам қалин тушиб қолади. Ез чиққунча ўша ерда бўламиз. Унгача бу хатарлик ишлар ҳам хийла эскириб қолади» деб, маслаҳатни шунга тиндиришиди.

Лекин Қунанбой буларга қараганда ҳисобини пишиқроқ қилган экан. У Такежонга қўшиб Иргизбойнинг

бутун катталарини, ҳатто Бойсол, Суюндиқларни ҳам чақытирирди.

— Ҳаддидан ошган күринади Болағози! Уни ерга тиқмагунча қўймайман! Қани, энди биттаси орага тушиб кўрсинчи! Чапгалимдан олиб кўрсинчи! Уша қочоқларнинг ҳаммасининг ҳам умрини қувғинда чиритаман! Агар шундай қилмасам Қунанбой отимни бошқа қиласман! — деб вайсаб кетди. Йигилганларга маслаҳат ҳам солмади. Үз аҳдини айтиб, улардан фотиҳа олгали чақытирган экан. Уша куни Қунанбой йигилган одамларнинг олдида жўрттага Такежонга «тездан шаҳарга бор, аскар олиб кел, қириб ташла бу тентак элни» деб буйруқ берди.

Халқ тарқалди. Катталарнинг ҳаммаси Болағозиларга ўхшаб, шаҳардан аскар блан улуғ келишини кутди. Лекин Қунанбой халққа шундай гапни тарқатиб юбориб, худди шу кечанинг ўзида ўттиз йигитлик лашкар тўплади. Худди шу кечада Адилхон ҳам шерикларининг ёнига етиб борган эди.

Қунанбой ўттиз йигитнинг ёнига беш-олтита този қўшиб бериб, қуролларини ичидан тақтириб, бир соатнинг ичиди уларни Чинғизнинг нариги ёғига жўнатиб юборди. Болағозиларнинг ётогини Такежонлар билмаса ҳам, уйда ётган ерида Қунанбой билиб олган эди. Лекин шу кунга қадар ҳечкимга сирбойбермай, ҳечнарсани билмаган киши бўлиб юрган эди.

Қунанбой юборган бу йигитлар тонг отиб келаётган пайтда атроф-атрофдан бориб, уч қистовни қуршаб олишди.

Болағозиларнинг соқчиликка қўйган йигити този эргаштириб тоғдан ошиб келаётган отлиқларни кўрганда, овчилар деб ғафлатда қолди, чунки қор қалин тушмагунча Чинғизнинг устида тулки овлаб юрадиган овчилар кўп кўринар эди.

Шундай қилиб, шу дамгача ботирликда ҳам, эпчиликда ҳам ҳечкимдан қолишмайдиган Болағози қопқонга тушиб, осонгина тузоқقا илинди.

Қунанбой одамларининг бошлиғи Изиқутти эди. У каттакон, ўткир қиличини яланғочлаб олиб бор йигитлари блан Болағозилар ётган уйга босиб кирди. Улар кирганда Болағози уйқуда, ҳамма йигитлари ҳам бепарво-ётарди. Булар ҳаммаси бўлиб ўн киши экан.

Изиқутти қиличининг орқаси блан Болағозининг ёнбoshига уриб уйғотганда. У бошини кўтариб:

— Э, аттанг, шу қадар ғафлатда қолибманда! — деди.
Айтган гапи шу бўлди, ҳаммаси бирдан қўлга тушди.

Изиқуттилар буларни эшикка олиб чиқиб, иккита-иккитадан қилиб отга мингаштиришди. Ҳар тутқунга учтадан, тўрттадан йигит тўғри келди.

Изиқуттининг қиличи Болағозининг елкасидан нари кетмади.

Қунанбойнинг лашкарлари буларни ҳеч ерда тўхтатмай, тўғри Чинғизга қараб ҳайдаб кетишиди. Қўлга тушган ўн йигитдан шу кун кечга қадар фақат Абилғозигина қочиб қуттилди.

У орқасига минганишиб кетаётган йигит блан секин маслаҳатлашиб олди-да, орқада қолабошлади. Уларни ҳайдаб келаётган Қунанбойнинг йигити, кечадан буён юришдан ҳориб, мудроқ босиб кетаётган эди; қўлидаги чўқморини тақимига қистириб қўйган эди.

Йўл бир қінғир-қийшиқ тошлоқ сойга еттанди Абилғози бир чанг солишда ҳалиги йигиттининг чўқморини тсртиб олди; бир юлқиб ўзини отдан ағдариб юборди-да, иргиб унинг отига миниб олди.

Отдан қулаб тушган йигит эс-ҳушини йиғиштириб, иккинчи тутқуннинг тагидаги отнинг тиэгининг ёпишганича қичқирабошлади.

Шу пайт Абилғози орқага қайрилиб, отнинг бошини қўйиб юборганича учиб кетди. То олдингилар билиб, қий-чув қилиб, бир маслаҳат топгунча Абилғози йироқлаб кетди. Кеч қоронғиси қуюқлашиб келмоқда эди. Изиқутти биттасининг орқасига тушаман деб, бирнечтасидан айрилиб қолмаслик учун йўлда давом этди.

Изиқутти бутун одамларни тўплаб ҳайдатганича, Бўкенше давонидан оширди. У асиrlарнинг Қорашибоқидаги Қунанбой қистовининг ёнидан олиб ўтмоқчи эди. Ӯшаерга яқинлаб боришганда, Тўлепбердини чоптириб, Қунанбойга хабар қилди. Ӯгриларни ушлаб келаётганларини айтиш блан бирга, Қунанбой қочқинларни кўрадими, уларга берадиган саволи борми — шуни билиб кел деб юборган эди.

Қунанбой Тўлепберди келтирган хабарни эшитиб:

— Мусақулга олиб боринглар, Такежон блан тило-мочга айт, шу кечадан қолдирмай ҳаммасини Семейта жўнатсин, ҳаммасини аравага солиб, пишиқ-пишиқ соқчилар блан тўғри олиб бориб, турмага тиқсин, иккиланиб ўтирмасин! Уларга аталган насиба шу! — деди.

Такежон Семейга кетмаган эди. Гарчи Қунанбой ке-
чали йиғинда халқнинг кўзича унга «Семейга бор» деб
буйруқ берган бўлса ҳам, кейин ўзига: «ўзинг борма,
бировни юбор» деган эди. Тутқинларни маҳкамага олиб
келишлари блан Такежон ҳаракатга тушиб қолди. Қу-
нанбойнинг буйругини ўрнига қўйиб, шу кечанинг ўзида
тутқунларнинг ҳаммасини Семей турмасига жўнатди.

Шундай қилиб то эл-юрт Болағозиларнинг қўлга туш-
ганлиги ҳақида аниқ хабар эшигунча тутқунлар йироқ-
лаб кетди.

Бу кунларда Қунанбой блан янги бўлиснинг фе’л-ат-
вори чангалига сичқон тушган мушукка ўхшарди: оши-
ниб босар-туарини билмай, ўзини йўқотган, жуни ҳур-
пайиб, башарасидан дўзоҳ ўти сочилиб турар, сўзлайди-
ган бўлса ҳаммаси ҳам қопиб сўзларди. Йкки-уч кундан
буён атрофдагиларга:

— Адилхон почтани талапти!

— Бу нима деган гап!

Пошшоликнинг қоғозларини йўқотиб, Такежоннинг
боши балога қолсин деганлари-да!

— Бир балога йўлиқиб, йўқ бўлиб кетсин деганлари-
ку! Бундай шумликни кўрган одам борми ўзи? — деб,
шов-шув кўтариб юришиди.

Лекин ҳақиқатга келгандা, бу гаплар, бу ҳовлиқиши-
лар нақадар дағдагадек бўлса, шу қадар сохта эди. Бу
шов-шувни кўтаришдан мақсад бошқа эди. Шу кунга
қадар қанчалик қасдлик, жанжал бўлганда ҳам бу элда
бировни турмага қаматиш, бадарға қилиб каторгага юбо-
риш деган гапларни ҳечким эшигтан эмас эди.

Эрта-индин ҳамма эс-ҳушини йиғишириб олгандан
кейин, уёқ-буёғини ўйладиган пайт келганда, бу иш
ҳамманинг кўзига мисли кўрилмаган қабиҳлик бўлиб
кўринишини Қунанбой жуда яхши билар эди. Мана шу
ўзларини ҳамматга совуқ кўрсатадиган қилмишларининг
юзини ёпиб қўйишлик учун ҳалигиндай шов-шув гапларга
аўр беришаётган эди.

Илгари, ўз замонасида бундай ишларни қўлламаган
Қунанбой энди Болағозиларнинг даврига келганда қабиҳ-
ликнинг чўққисига минди. Бундай қилишининг сабаби
Жигитекларнинг мана шу ёшлари бошлаган ишнинг не-
гизидан ғоят қаттиқ чўчиши эди.

Қунанбой ичидан Болағозиларнинг ишига ўғирлик деб
баҳо бермас эди. Бу ишга у, халқ норозилиги, асослиқ,

негизлиқ, қаршилик деб баҳо берди. Қайси куни Бозорали айтиб кетган гаплар блан Болағозиларнинг ишини ўйлаб кўрилса иккиси ҳам бир негиздан чиқади. Болағозиларнинг кўпчиликка тегмай, танлаб-танлаб тегишлари, яна, айниқса, Ирғизбойлардек тўпларга тегишлари ҳам шуни кўрсатиб турарди. Камбағал ва қашшоқларга тегмаганлари учун кўп элнинг ичидаги улардан хурсанд бўлганлар тобора ортиб бормоқда эди.

Очарчилик, йўқчиликнинг чангалида турган эл уларга элашиб кетса, унда нима бўлади? Шундай хаёлларга борган сайин Қунанбойнинг юраги арзиқиб кетарди. Шунинг учун ҳам бор кучини сарф қилиб, Болағозиларга қаҳри-заҳрини тўкиб, уларни бутунлай йўқотиб юборишнинг пайига тушган эди. Шундай йўллар блан у ҳалқнинг юрагини олиб, бўйсундириб олмоқчи эди.

Лекин Қунанбой бу сирни нақадар пинҳон тутмасин, эл ичидаги буни сезганлар ҳам бор эди.

Болағозиларга иисбатан қилинган бу тош юраклик кўпчиликка ма'қул тушмади, аксинча ҳайдатишни, банди қилишни қабиҳлик деб билди. Бойсол ва Суюндиклар на у фикрга, на бу фикрга қўшилаолмай, оросатда қолишиди. Булар ҳам молини олдириб, зиён кўрганлардан, шунинг учун ҳам улар Болағозиларнинг ишига ўзларича баҳо беришиди.

Бу кунларда Қунанбой, Жигитекларни, айниқса Бойдалини қаттиқ кузатар, ўша томонда бўлаётган ишларга, гап-сўзларига ер тагидан қулоқ солиб турарди. Бутун Жигитек эли норозиликка томон юз тутди. Бўлис тутқунларни шаҳарга жўнатди деган гапни эшитгандан кейин Бойдали ҳам тўнини тескари кийиб, юзини сидириб ташлади, ғазабини очиқ билдириди.

— Қунанбойни ўйлайдиган, уяладиган вақти ҳеч бўлмас экан-да! Уз қўли блан, ёр-дўстлари ёрдами блан жазо берса ким нима дерди? Эл-юртга нима дейди? Бу иш бўрига ўхшаб, ўз боласини ўзи егани. Жигитекнинг эндиғи ёшларининг ҳам бошига битган жаллюд бўлди яна! — деди.

Бу гапларни Бойдали Қунанбой эшитса эшитаберсин деб айтган эди. Бир эмас, бирнеча марта айтди. Қунанбой бу кайфиятни бости-бости қильмоқчи бўлди, энди зулмини аввалгидан ҳам кўпроқ ўтказиб босмоқчи бўлдида, Жумабойдан:

— Жигитеклар ўғриларнинг ёнини олиб, ўғриларга шерик бўлмоқчи бўлса керак. Шундай экан, қочқинларга жони ачийдиганларнинг ҳаммаси жазолансин! — деб, Такежонга айтиб юборди.

Бу хабарни олгандан кейин Такежон блан Мойбосарлар Жигитеклардан ўн йигитни эмас, ўттиз кишини хатга олди. Буларнинг ичидаги Қорашибай, Қавмен, Уркембой, Қорахонлар ҳам бор эди. Хуллас энди хатга молини қайтариб олганларнинг ҳаммасини тиркашди. Шунинг ўзи блан чегараланмай, Бозоралини ҳам қўшиб қўйишиди. Мойбосар Такежон блан ўзаро маслаҳатлашиб ўтириб:

— Почта таланганини биласанми? Эсингга ол-чи! Почта юбориладиган куни Бозорали келиб, ҳамма ишдан хабардор бўлиб кетган эди-а! Элига бориши блан Адилхонни ҳам ўша отлантирган. Ўша куни келганда юзимизга айтиб кетган гаплари ҳали эсимдан чиқмайди! Шу балоларга Бозоралининг ўзи бош. У кўринишда мўмин бўлгани блан хўб ичидан пишган нарса! — деди.

Такежон ҳам Бозоралидан ўша куни эшитган даккиларини эсига олди.

— Кўрмайсанми,— деди Мойбосар яна,— ўзига ҳечкимни тенг кўрмай, оғиз очиргали қўймай, оёғининг учидаги кўрсатиб кетишини. Болағози ҳайдалиб кетса, эртага орқасидан йўқловчи бўлиб чиқиб, халқ ўртасида фитна кўтарадиган ҳам шу! Юришини кўр!

Мойбосарнинг гаплари Такежонга ҳам ёқиб тушди.

— Бу маслаҳатингиз хўб кўнглимга ўтиришиди. Қийноққа олганда ҳам, боплаб шуни олиш керак! — деб хатга Бозоралини ҳам тиркаб қўйди.

«Жигитекдан яна ўттиз киши хатга тушибди» деган хабарни эшиттандан кейин Бойдали Бозоралини ўз овумлига чақиртириб олди-да, иккови холи ўтириб, хўб сўзлашди. Бойдали энди ёрилиб, кўпдан буён ичига солиб юрган гапларини тўкиб солди:

— Болалигимдан буён ношудлигим орқасида нуқул ўқинаман. Қунанбой ёқсан ўтга ўртанганда доим уқувизилигимдан ўртаниб келаётирманда! Бугун яна шунинг азобини тортаётирман. Ёз бўйи Қунанбойга қўшилиб, ўзимиз ҳам Болағозиларни ўғри эди, бебош эди деб қувлашмадикми? Мана бугун ўйлаб кўрсам, шўрликлар ўғирлик мас, қаҳрамонлик қилиб юрган экан, аввалги дардларнинг ўчини олаётгач экан. Оч-ялангочларнинг ичидаги бирор одам шуларни қаргаётирми? Энди ўғри демайман!

Мардлик қилиб чиққан жигарларим, ўз вужудимнинг бир бўлаги деб ҳисоблайман! Қунанбойнинг бугунги қилаётган ишлари биратўла кўзимни очиб қўйди. Қавмен блан Уркембойгача хатга тушибди, яна ким қолди? Кимни смон қолдиради дейсан? Қани, сен бориб билиб кел-чи, яна душманлашамизми? Яна олишамизми? Такежон блан Мойбосарнинг ваҳшийлигини ўзи ҳам ёқладидими? Нима дер экан? Жигитекларнинг айтадиган саломи ҳам, гапи ҳам шу! Сен ҳозир отга миниб, Қунанбойнинг олдига бор. Гапнинг уддасидан чиқасан. Юрагингда ўт ҳам етарлик. Қилганим-қилган дейдиган бўлса, аяма! Биратўла тўкиб сол!

Бойдалининг бу гаплари Бозоралига ма'қул тушди-да, отга минди. Лекин аввал Қорашибўғига бормай, Мусақулга йўл олди, негаким, ҳали булар Жигитеклардан хатга тушган ўттиз кишининг кимлар эканлигини билишмас, фақат Қавмен блан Уркембойлар ҳам бор эмиш, деган гапни эшлишишган эди холос.

Бозорали йўлда кетатуриб бўлис маҳкамасига боришдан айниди-да тўғри Жидебойга қараб кетди.

Абай уйида экан, у кеча Такежон блан Мойбосарнинг яна ҳаддидан ошиб бораёттанини эшитиб:

— Бу тентаклар юртнинг бошига яна қандай фало-кат келтиromoқчи!— деб ғижиниб ўтирган экан.

Абай бугун кимлар хатта тушганини билиб кел деб Эрбўлни Мусақулга юборган экан.

Бозорали эндиғина келиб, ўз ишлари тўғрисида гап бошлиши блан Эрбўл келиб қолди. Эрбўл жифи-бийрони чиқиб, тувақиб келди. Лекин Абай, қани нима гап деганда, гап бошлайолмай, тўхтаб қолди. Бозоралидан хижолат қилаётгани очиқ кўриниб туради. Абай қўярда-қўймай:

— Қандай хабар топиб келган бўлсанг айтабер. Нимадан хижолат қилаётисан?— деган эди, Эрбўл шундан кейингина ёрилиб:

— Шу Такежон блан Мойбосар борми, элнинг бошига етадиган бўлди. Ўт қўйиб юбормагунча тинчмайди!— деб қўйди-да, хатга тушганларни бирма-бир айтабошлади. Ўмр бўйи ўғирликнинг кўчасидан ўтмаган бирқанча кексалар, ёшларни ҳам хатга олишган экан.

Ҳаммадан ҳам Абайга Бозорали масаласи кор қилди. Буни эшитиши блан:

— Нима! Нима қилмоқчи бўлаётир-а, бу ҳовлиқма кўрлар!..— деб, камоли ғазабидан ранғги ўчиб кетди.

Бозорали ўзининг хатга тушганичи шу топда эшитди. Унинг юзида на койиш аломати акс этди, на ранжиши, аксинча, хандон ташлаб кулиб юборди. Абай блан Эрбўл унинг кулганига хайрон бўлиб қарашган эди, Бозорали газабидан бўғилиб мурдадай оқариб, кўкимтири товлаб кетипти.

— Бугун Бойдалининг ўкинаётганини эшитган эдим. Энди ўкиниш навбати ўзимга келди. Тўпидан айрилиб, ёлғиз изғиб юрган бўридек юришим обрў бўлдими? Такежонлар ўғри демасин деб ўзимни четга тортиб юрган эканманда. Болағозилар ўғри эмас, бузуқ ҳам эмас эди. Абай. Қилган ишларининг ҳаммасини эшитиб, билиб турибсиаларку, улар юртга ма'лум ўғриларми? Қани айтингларчи!

— Ўғри эмас.

— Бузуқ ҳам эмас, бу гапинг тўғри! — деди Абай блан Эрбўл.

— Шундай экан, ўшалар кетганда бирга кетмай, ни ма қилиб санқиб юрибман? — деди Бозорали.

Эрбўлнинг ҳам кўнглида ўкинчи бор эди. Бугун Такежонларнинг фе'ли-авторини кўриб, йўл бўйи шуни ўйлаб келган эди.

— Аттанг, Абай қайси куни отанг бўлис бўл деб ёпишганда, бўлмайман деганингни қарая? Ҳеч бўлмаса өлга жонинг ачир эдику, халқ ҳам бу аҳволга тушмас эди. Мана энди кўраётган кунимиз шуми? Буларнинг қилаётган ишига киши номусдан ерга кириб кетгундай бўлади. Бўлис бўлмай, халқа қилган яхшилигинг шуми? Айтмай қандоқ чидайди киши? — деди. Бозорали ҳам Эрбўлнинг сўзини қувватлаб:

— Бу гапинг тўғри, ҳеч бўлмаса ҳақиқатни ёқлар өдингкү! — деди.

Абай дамини чиқармай ўтиради. У бўлис бўлмаганига эмас, отасининг зарбидан ўз бошини қутқараман деб, Такежоннинг бўлис бўлишига қарши турматанига ачи нарди.

Такежон бир онадан туғилган жигар деб аталса ҳам, энди Абайнинг кўзига шу қадар ёт, шу қадар совуқ кўринди. Бундан олдинлар ҳам Абай Такежон блан бирнечча марта синашиб юрган эди. Борган сайин бир-бирини онглаш эмас, узоқлашиб, бегоналашиб бораёттир. Афтидан келгусида кўп олишишга тўғри келадиган кўринади. Эҳтимол бу ишлар ўша олишишнинг бошидир. Бун-

дан буён буқиниб ўтириб бўлмайди. Абай Бозоралига, унинг атрофидаги бегуноҳларга ачинади. Агар ҳақиқатда ачинар экан, қараб туриб бўладими? Белини боғлаб, бу ишга аралашиб, талашиб тортишиб кўради. Абай ҳозир ўйлаб шундай қарорга келди. У Бозоралининг ҳалиги гапдан кейин, шундай хаёлларга бориб, бироз ўйланаб ўтирида:

— Базаке, агар сизнинг оқлигингизни ёқлаб ўртага тушмасам инсон бўламанми? Уша Такежоннинг кучи элда эмас, шаҳарда экан-ку. Эндиги толиимизни шаҳарда синааб кўрамиз. Мен эртага Семейга жўнаб кетаман. Шу ишлар бартараф бўлгунча, йўқловчингизнинг биттаси ўзим бўламан! — деди.

Бозоралининг шодлиги ичига сиғмай, Абайдан миннатдор бўлиб, унга тикилганича, ўрнидан турди.

Бозорали бу овулдан излаган нарсасини топиб, нижтига етгандек, кўнгли кўтарилиб кетдида, ўша онда кетмоқчи бўлди; овқатга туринг деганларига ҳам қулоқ солмай, тезгина отланди-да, Қорашибўғига қараб йўл олди.

Бозорали Қунанбойнинг овулига эл ётар пайтда етиб борди. Нурғанимнинг уйи холи, ҳечким йўқ эди. Лекин Қунанбой Бозоралининг келганини эшигандада:

— Нариги уйга олиб киринглар, ўша уйга дастурхон ёзив, ўша ерда кутинглар! — деди. Бозорали ёлғиз ўзи ўтириб, меҳмонхонада оқсоч хотин қуйиб берган чойни ичди-да, сўнг сиртқи кийимларини шу уйда қолдириб, эгнида яланг қават камзул блан бош яланг Қунанбой ўтирган уйга кириб келди.

Нурғаним эртак айтишга кўп уста эди. Қунанбой ёш хотинига эртак айтдириб, оёгини уқалатаётган экан. Йигитнинг саломига тилар-тиламас алик олди.

Лекин Бозорали бу келишида Қунанбойнинг қош-қовогига боқиб сўзлашгали келган эмас эди. Унинг юзида тортиниш, қисилишдан асар ҳам йўқ эди. Юзларининг оқи оқ, қизили қизил бўлиб, бамайил-хотир ўтиради.

Нурғаним унинг юзига тикиларкан, дам оқариб, рангги ўчиб, дам қизариниб ўтиради. Бозорали гапни аввал Такежоннинг қилиғидан бошлади. Бегуноҳ элнинг кексаларини, она сути оғзидан келиб турган ёшларини қаторлаштириб хатга солиб, шўрини қуритмоқчи бўлаётир. Бу ишларни Қунанбой қариб қолди, кўзи кўр, қулоги кар, амри-фармони ҳам ҳечнарсага ўтмайди деб қилаётими? Шундоқ отанинг кўзи ҳаёт туриб, шунчалик ишларни қи-

лишга Такежон блан Мойбосарнинг қандоқ юраги бетлаётир?» деди.

Қунанбой қисқагина қилиб: «Такежонга бордингми, ўзи блан сўзлашдингми?» деб қўяқолди.

Бозорали унинг олдига бормаганини, лекин бутун гапни тайинлик одамдан эшитиб, аввал шу ерга келганини айтди; хатга тушган одамларни ҳам бирма-бир айтиб берди. Бойдали айтиб юборган гапларни ҳам батамом етказди. Такежон ўз жигарини ўзи ғажийдиган бўри бўлаётир, кетгандарнинг ҳаммаси ўлимга кетаётир, Такежон бу қариндошларидан мангуга айрилаётганини билиб қўйсин, уларнинг ёнига кафандарини ҳам қўшиб берсин, бу ерда оч-яланғоч паносиз қолаётган бола-чақанинг ҳам гўрини қазита берсин, лекин мана шундай душманликка худди шундай қасдлик қайтишини ҳам билиб қўйсин, қасос қайтар деб ҳеч ўйладими! — деди ва жавоб кутаётгандай, бир нафас жим бўлиб қолди.

Қунанбой бу гапларнинг тагида қандай гап борлигини дарҳол тушунди-да фе'ли айниб кетди. «Куч кўрсатгали келибсан-да! Куч деганни одам тил блан кўрсатмайди. Тикилганларинг Такежон бўлса, бориб ўшанинг ўзи блан синаш!» деди.

Шу блан Қунанбой гапни қисқа қилиб қўяқолди. Бозорали айтадиган асосий гапларини айтиб олган эди. Яна шуларни писанда қилиб: «Такежон қўлидан келганини қилсин, нияти шу бўлса аямасин! Лекин аямай қилган қасдлигига яраша ўчлик келади, шуни билиб қўйсин. Кейинчалик Жигитекдан ўпкаламасин. Авлоди-аждодигача кетадиган душманлик мана шу ердан бошланади. Бунинг увол-савоби кимнинг гарданида бўлишилиги очиқ кўриниб турибди», деди ва бу гапни ўз номидан эмас, бутун бошлиқ Жигитек эли номидан сўзлаганини, шу гапларни Қунанбойга эшитдириб қўйиш учун келганини айтди.

Қунанбой эшитиб бўлдида:

— Бўлти, бир тўкиб солай деб келган экансан. Хўб ме'ёрига етказиб гапирдинг. Энди шунинг блан бас қилайлик! — деди.

Бозорали чиқиб кетди. Қунанбой ягона кўзини юмдида, қовоғини солиб, ўйга толди. Унинг ҳозирги кўриниши ёш хотинига қаҳратон қиши совуғидек туюлди. Унинг бутун симосида ўчмас муҳрдек бўлиб кексаликнинг муҳри ётарди.

Қунанбой Нурғанимга ажойиб эртакларни ҳам айтдир: май қўйди, уқалатиб ўтирган оғини ҳам йиғиб олди. Қунанбой, мана шу Бозоралига Тўбуқти элида ҳечкимга берилмаган эркни бериб қўйган эди. Энди ундан қаттиқ дакки эшитиб қолгандай бўлди. Ёш йигит ҳалоллиги, оқлиги блан кўкрагини кўкка кўтариб турипти. Ҳақиқатга қараганда Такежонларнинг ҳам чегарадан чиқиб бораётган ишлари кўп: Ўзгалар бир тепа бўлганда, Бозорали бир тепа эдику? Қасофатлар аяш деган нарсани ҳам билса бўлмайдими? Тўғри, Жигитекка берилаётган озорнинг бир чети ўзидан ҳам чиққан, лекин Қунанбой Бозоралидек одамларга ишора қилган эмас. Ҳозир мана шу йигитни кўзи қиймай, бир нафас ўйланиб қолди-да, кейин яна фе'ли айниб кетди: Бозорали Жигитеклардан келди. Ҳарқандай бўлганда ҳам ўшаларнинг ғазаби, ўшаларнинг кекини ёқлаёттир.

Овқатдан кейин Бозорали ёлғиз ўзи қаршидаги уйда ётди. Икки-уч кундан буён жонини ўртаётган ғазаб Қунанбойга тўкиб солган гаплари блан бироз енгиллашгандай бўлиб, хийла юрагини бўшатди. Аввалги кечаларни у, ҳалиги аламларга чидалмай, тўлғаниб, бедор ўтказган эди. Энди боши ёстиққа тегиши блан уйқуга кетди.

Бозорали тўсатдан чўчиб уйғонди. Уй қоронги, вақт қай маҳал эканлиги ма'lум эмас эди.

Қараса ёнида бирор турган экан.

— Ҳой, ким бу? — деди.

— Қурқма, мен! — деди бирор астагина.

Нурғаним экан.

— Епириим, бу нима қилиб юрибди ўзи тун кечада?!— деб, Бозорали бошини кўтарди. Нурғаним астагина кулиб қўйдида:

— Дамингни чиқарма, қачонлардан буён сенга кўнгил бериб юрардим... Кўнгил беришимга Мирзанинг ўз тили сабаб бўлди! — дедида, Бозоралини қаттиқ қучоқлаб, ўмиб олди.

Йигит ҳам дамини чиқармади. Иккови ўзгача бир оташин аланга блан уч марта ўпишди. Шундан сўнг Нурғаним тезгина туриб кетмоқчи бўлди. Бозорали унга илашиб бирга туриб:

— Жоним, тинч турган юрагимни шу қадар арзиқтириб, шу қадар безовта қилиб қўйдинг-ку. Энди нега кетасан? — деб яна оғушига олди, лекин Нурғаним энди ўзини тортиб:

— Ҳар ерда бўлсанг омон бўл! Жоним ҳам, юрагим ҳам сеники Базакем! — деб шошилганича, яна бир марта ўпдию, тезгина чиқиб кетди. Унинг келиб-кетиши орасида бир нафасгина вақт ўтди. Фақат шу бир нафаснинг ўзида Бозоралининг назарида дун'ё остин-устин бўлиб кетгандай туюлди. Нурғаним ҳам вужудига сифмайдиган шодлик олиб кетди. Бу шодлиги хотин бўлиб умрида биринчи марта тотиган севгисининг шодлиги эди.

Қайси куни Қунанбой Нурғанимнинг олдида Бозоралининг қадди-қоматини мақтаб, унинг кўринишига суқланган эди, мана бугун кечқурун, гарчи душман бўлса ҳам, бундай азаматни эҳтиёт қилиш керак деди. Шу иккича гал сўзлашининг иккотида ҳам, мункиллаб қолган чол, ўз оёғининг нақадар чалиш босилганини, нақадар хато кетганини пайқамаган эди.

V

Абай блан Эрбўлнинг шаҳарга келганларига кўп бўлди. Қунанбойнинг болалари Семейга келганда, Тинибойнинг уйига тушар эди. Такежон ёнидаги Мойбосар, тилмоч, чопарлари блан Семейга олдин келиб, ўша бойнинг уйига тушган экан. Булардан ташқари Такежоннинг ёнида яна бирқанча еллатаклар ютуришиб юради. Абай блан Эрбўл буларни кўргандан кейин, Семей шаҳрининг ўтрасидан бир уйни ижарага олишиди. Бу уй бола-чақаси йўқ, эр-хотингина турадиган Карим деган бир савдогарнинг уйи эди.

Шаҳарда от миниб юриш қулай эмас. Шунинг учун болалик чоғида шаҳарда ўсган Абай отни қўйди-да, чанага тушиб юрадиган бўлди.

Ҳозир улар Эрбўл миниб келган кўк отни чанага қўшиб, икки йигит чанага тушиб, отини елдириб келмоқда. Кун очиқ бўлса ҳам совуқ қаҳри-заҳрига олиб турган эди. Музлаб ойнадек ялтираб ётган кўчадаги қор кўк отнинг оёғи остида фирж-фирж қиласиди. Булар Семейда донгги кетган адвокат Оқбос Андрейнинг уйига келишиди. Бу адвокатнинг уйига келганлари шу эди.

Абай Семейга келиши блан, бел боғлаб, Жигитек одамларининг ишига киришди. Бу пайтда Семей шаҳри Тўбуқтидан келганлар блан тўлган. Айниқса қувғинга учраган жигитеклар блан уларни қувғинга солаётган бўлислар тутиб кетган эди. Бўлислар жигитеклардан аввал

күрсатилган ўттис одам тұғрисидаги гапни «ростга чиқармиз, күрадиганини күрсатамиз» деб судга ҳам, уезд бошлиқларнага ҳам, генерал-губернатөрга ҳам порани аямай тиқаётган экан.

Бу ерда Жигитек одамларини Бўжейнинг Адил деган ўғли бошқараётган эди. Лекин унинг ўзи ҳам, маслаҳатгўйлари ҳам қофоз орқали тортишувларни яхши билмаганлиги учун, гарчи олдин келган бўлса ҳам, йўл-йўриқ тополмай юрган эди. Абай аввал ўшаларнинг ишини тўғрилаб, йўлга солиб юборди. Қамоқда ётган Болағози блан Адилхонларнинг бола-чақаси номидан ариза ёзиб, тегишли ерларга берди. Шундай қилиб, бўлиснинг қофозлари борадиган ерларнинг ҳаммасига улардан олдинроқ шикоятномалар юбориб қўйди.

Такежон ҳам эшик-тешинки кўп билмайди. Буни Абай яхши биларди. Лекин Тинибой унга йўл-йўриқ кўрсатиб, ишини енгиллаштираётган эди. Шу кунларда Абай ўша Тинибояга ҳам одам юбориб: «Такежон Қунанбойнинг ўғли бўлса мен ҳам Қунанбойнинг ўғлиман, бизнинг бўлисимиз шу гал одам, обрўй ортдирадиган, яхши ном оладиган иш блан келгани йўқ; ўзининг ҳам, отасининг ҳам ша'нига кетмас дое туширадиган, қарғишга қоладиган ишга оёқ босиб келган. Тинибой қўллаш лозим бўлган пайтларда хўб кўллаб келди, лекин мана шу гал ёлфондан, номусни саҳлаётган киши бўлиб, эл-уруғнинг уволиға қолаётган Такежонни қўлламасин» деди.

Абай бу гапни Такежон қилаётган ишларнинг белига тепиши учун айтиб юборди. Шундан кейин Тинибояйнинг ўзи келиб Абай блан сўзлашди-да, анчагина бўшашиб қолди.

Шу блан бирга Абай яна бир иш қилди: адвокат ёллади. Областьнинг Оқбос деган ўнг зўр адвокати Болағозиларнинг ишини, йўқловчилар берадиган аризаларни йиғиб, тартибга солиб, ўзи тузатиб ёзиб тегишли ерларга бора бошлади. Абай блан Эрбўл келиб, Иртиш дар'ёсининг бўйидаги бир қаватлик тош бинонинг ёнида тўхтади-да, ўша уйга киришди. Адвокат Оқбос блан Абайларнинг учрашгани шу эди. Адвокатнинг симосида у қадар қариллик асари бўлмаса ҳам, сочи оппоқ, соқол-мўйлаби қўнғир, боши катта, ўзи барваста келган чиройлик киши эди. Унинг юзидан ўйчанлик акс этиб, кўзойнаги орқали кўринаётган соф мовий кўзлари foят сокин, ўта кўрадиганга ўхшарди.

Адвокатнинг уйида ўзидан бошқа мўйлаби қопқора танқа бурун тилмоч ҳам ўтирган экан. Бу Абай блан шу соатда, шу ерда учрашишга ва'да бергани учун атайин келиб, буларни кутиб ўтирган эди. Тилмоч ғоят енгил табиатли, нодон одам, шундай бўлса ҳам, область судининг тилмочи эди.

Одамлар унинг бор-йўқ фазилати русчани сувдек ичади дейишар эди.

Абай адвокатнинг уйинга кириб, у блан кўришиб ўтириши блан уйдаги китобларга қаради. Катта уйнинг тўрт томон девори қатор-қатор териб ташланган чиройлик китоблар блан тўла эди. Бутун суҳбат давомида Абай шу китоблардан кўзини олмади, қайта-қайта қайрилиб қараб ўтиради. Бир уйда, бир кишида шунчалик кўп китоб бўлишини кўргани шу эди.

Абай аризасини Оқбосга узатди. Бу аризада у Жигитек кишиларини оқлаб, Эрбўл иккови қўл қўйган эди. Айниқса булар Бозорали, Қораша, Қавмен, Уркембой сингари одамларни оқлаб, шуларнинг ўртасига тушаётган эди.

Тилмоч аризанинг мазмунини тушунтириб бўлгандан кейин, Оқбос Абайнинг исмини сўради. Еш йигит ўзини Қунанбоев эканлигини билдириди. Адвокат ялт этиб унга қараб ҳайрон қолди, сўнгра, аввал тушган аризаларни қўлига олиб нималидир излай бошлади.

Бўлис блан бу йигитнинг бир фамилияда бўлиши уни ғоят таажжублантириди. Шу томонини суриштириб Абай блан Такежон бўлиснинг ака-ука эканлигини билгач, аввалгидан ҳам ҳайрон бўлди.

— Аканг буларни айблайди-ю, сен келиб буларни оқлаб ҳимоя қилаётисан! Бу қандай гап? — деди. Тилмоч унинг гапларини Абайга тушунтириб бергач, Абай:

— Тўғри, бўлис менинг бир туғишган акам, унинг яқин кишиси бўлганим учун ҳам унинг қилаётган қабиҳ шиларини кўриб, билиб турибман-да Халқа қилаётган аддолатсизлигини, зўрлигини, хиёнатини кўриб, чидайолмадим. Тўғрисини айтиш инсоннинг вазифаси деб, одамгарчилик юзасидан келдим. Улуғ ҳам эмасман, бу ишнинг орқасидан бирон нарса тама' ҳам қилмайман. Айбор Қавмен блан борди-келдим ҳам йўқ. Мана бу ҳамроҳим Эрбўл ҳам шундай. Биз икковиз холис гувоҳлармиз. Ҳақиқатни айтгали келдик. Аризамизда ҳам шу ҳақиқатлар ёзилган. Агар судлар, улуғлар, шунинг ҳақиқатини биламан деса, бизга ўхшаш холис одамлардан сўраши

зарур деб биламиз. Бизнинг аризамиздаги шу гапларниң ҳаммасини очиқ ёзишиңгизни ўтинаман! — деди.

Абай блан Эрбүл бугун қиладиган ишнинг энг катта-си шу эди. Оқбос Абайнинг сўзларини хўб диққат қилиб тинглади, тинглаб бўлгандан кейин мароқ блан Абайнинг юзинга тикилди.

— Одамгарчиллик деяётир, инсоннинг вазифаси деяётир, бурчи деяётир. Кўчманчи ёввойи ҳалқнинг одами бўлса ҳам, бунинг оғзидан кўп улуғ гаплар чиқаётир.

Оқбос Андрей кўп ўқимишлик, кўпни кўрган одам, лекин қозоқларниң орасига яқиндагина келган эди. Бу ҳалқни ҳали у яхши билмас эди. Уша ўз юртида ёшроқ чоғида подшо ҳукуматининг жабри-зулмларига қарши бош кўтарган бир гуруҳ одамлар блан алоқада бўлгани учун Петербургда туроғолмайдиган бўлиб олисроққа, шу тарафларга келиб қолган, ҳозирги вақтда аввалги ҳамроҳлари блан алоқаси узилиб ёлғиз қолган эди. У кўп умрини Волга бўйида, Ўрол тоғларида ўтказиб, сўнгги икки-уч йилдан буён Сибиръда турғун бўлиб қолган эди. Узи тараққийпарвар, ўқимишлик одам бўлгани учун шу кунларда қозоқларниң ҳаёти, урфи-одатини текширишга ҳозирлик кўриб юрган эди. Гарчи катта мансабда бўлмаса ҳам шаҳарниң обрўйлик одамларидан ҳисобланарди.

Абай ҳалиги ариза тўғрисида Оқбос берган бирнеча саволларга жавоб бериб бўлди-да, яна китобларга тикилди. У ич-ичидан хурсанд бўлиб:

— Қургурей, асл нарса шу экан. Буни қаранг, бу китобларда қанча-қанча фазилат бор! — деди.

Тилмоч Абайнинг гапларини Оқбосга тушунтириб берди. Шу топда Абайнинг кўзи бир қатор турган ғоят гўзал муқовалик китобга тушди.

— Бу қонун китобларими, қандай китоблар экан-а? — деб қўйди.

У китоблар Пушкиннинг томлари эди.

Оқбос аввал тушунтиromoқчи бўлиб: «Қонун китоби эмас, шоир ёзган китоблар» деди-да, кейин қўлни силтаб:

— Сен тушунмайсан, уни билиш қийин! — деди.

Оқбос ўзича «бу қирғизларда¹ шоир йўқдир, шунинг учун бундай тушунча ҳам бўлмаса керак!» деб, сўзни қисқа қилган эди. Абай тилмочдан унинг нима деяётга-

¹ Инқилобдан олдин ҳар икки ҳалқни бирга қўшиб «қирғиз» дейиларди.

нини сұради. Тилмоч «шоир» деган сұзниң қозоқча нима дейилишини үйлаб ҳам күрмаган экан.

— Ашулачи... ашулачининг китоби... — деб, Оқбосга үхшаб, қисқагина жавоб қайтарди.

Абай ашулачи деган гапга қаноат қилолмай:

— Нима дедингиз? Ашулачи деяпсизми? — деди.

Тилмоч Абайни бундай саволлар берішдан тұхтатишина уриниб:

— Сен билмайсан, тушунмайсан деяпти бу киши,— деди.

Бу гап Абайға қаттық тегди-да, истихә болан кулиб:

— Епирим, бу киши-ку билимли одам. Биз ҳам бир юртнинг гапга тушунадиган ёшларимиз деб юрибмиз. Одамни бир-бирига яқын қиласынан нарса тил әкан-да. Ушандан йүқ бұлғанимиз учун бир-биримизге осонгина тушунтириладиган гапларни онглатаолмай, қийия бир да-вовдан ошаётгандай бўлиб туришимизни қаранг! Мана ҳозир биз икки одамзод әмас, иккита махлуққа үхшаймиз. Мужикнинг оти болан сахрои түя учрашиб қолдимн, нима бало! — деди.

Эрбўл кулиб юборди. Оқбос Абайнинг нима деяётганини билмоқчи бўлиб тиламочга қаради. Абай ҳам унга: «шу галимни тушунтириб бер-чи!» — деди. Абайнинг нима деганини билгач Оқбос ҳам кулиб юборди.

— Тўғри, тўғри айттаёттир. От тудан ҳуркади. Түя ҳам унга йўламайди. Ҳақиқатда ҳам биз ҳозир худди үшаларга үхшаймиз! — деб яна кулди, — фақат сен болан менгина әмас, ҳозирги подшоликнинг қонунига қараганда, қирғиз саҳросидаги халқнинг ҳаммаси шундай. Тўғри айтдинг бу гапни!

Шундан кейин Оқбос болан Абай тез-тез учрашиб турдиган бўлиб қолиши.

Халқ орасидаги аввалги тинчсизлик яна ҳам авж олиб кетган. Жигитеклардан күрсатилган одамларнинг бир-қанасини ушлаб, турмага қамалған. Бозорали ва Қорашалар яшириниб қочиб юришган әминш деган хабарлар ҳам келган эди.

Бойдали ҳам шаҳарга келди. Үннинг уриниб, туртаниб бормаган әшиги қолмади, ниҳоят, бир күн Абайға сапнинг очиғини айтиб қўяқолди.

— Бўтам Абай, қўчасида юрсак отимиз ҳуркиб, шаҳарга сиғмайди. Үйига бетласак тўн ва гуппимиз әшигинан сиғмайди. Ялтираган тахтасига боссак, этиғимизниң

товори тойғанади. Одами блан сўзлашайлик десак, кар блан соқовга ўхшаб, имлашишдан бошқани билмаймиз. Шўринг қурғур саҳро одамига бу шаҳар деган нарсаннинг ўзи бир қамоқ әкан-ку. Ялтироқ музга ҳайдаб солинган қари туяга ўхшаб, мункиганимиз мункиган, аҳвол шу.... деди.

Үтирганларнинг ҳаммаси кулиб юборди. Бойдали ҳазил қилиб айтган бўлса ҳам, ҳақиқатни айтган эди. Шундан кейин Абай Жигитек томонга ўзи бош бўлиб, уларнинг бутун ишларини ўзи бошқарди.

Эндики ишларнинг ҳаммасини Абай ўша Оқбос блан маслаҳатлашиб қиласидиган бўлди.

Гарчи Такежонлар янги одамларнинг оёғини тортаётган бўлса ҳам, бу ишга адвокат бош қўшгандан кейин Жигитек ишининг юзи яхшиликка томон ўгирилди.

Адвокат яқинда Абай ешиб берган бир чигал тугунни катта қурол қилиб, бутун ишга бошқача тус бериб юборди. Бир кун Оқбос блан Абай анчагача суҳбатлашиб ўтирганларида Абай унга Бозоралиларнинг иши ўғрилик, босмачилик эмас, деб, бу тўғрида кўп далиллар кўрсатди. Еридан, молидан айрилган, ютга учраб оч-яланғоч қолган халқнинг аҳволини айтиб берди, нима учун ют кўпчиликка оғир келиб, бир тўда озчиликка енгил келганини ҳам онглатди. Болағозилар мол олганда ҳаммадан олмай йўғонлардан, бойлардан олганини, яна қўлига тушган молни оч-яланғоч қолганларга, камбағалларга берганини билдириди. Суҳбат шу ерга етганда, Оқбос қаттиқ ўйланиб қолди.

Кўп халқнинг тарихидан, китобларидан хабардор, билим эгаси бўлган адвокат ўтган замонларнинг ҳикояларини эсига олди; қадим замонда ўтган Робин-Гуд, Карл Мюор, Дубровскийлар ёдига тушди.

Шу гаплар бўлган куни Оқбос Андрей Абайнин ярим кечагача олиб ўтириб, истагани қадар сўзлатди. Эндики маслаҳатни ҳам бошқача берди.

Шундай қилиб, турмада ётган Болағози, Адилхонларнинг тақдири ҳам ўзгарди. Уларнинг орқасидан йўқловчи бўлиб юрган хотин-болаларнинг аризалари ҳам, ма'лум бир йўлга тушадиган бўлди. Шу блан сал кунда Қавмен, Уркембой, Бозорали, Қорахонларга ўхшаш тұхмат блан хатта тушганлар оқланиб чиқишиди. Жигитек томон энди зилига севинчи деб одам чоптира бошлади.

Такежон бу хабарни эшитиши блан Абайга одам юбориб «бас құлсін, бу қандай қасдлиги» деб қаттық койиб юборди. Абай унга:

— Биз ота-оналарнинг ҳузурида жигар бўлишга ярасак ҳам ҳўб гап. Мана шундай қилиб әлу юртни гўр оғзига ҳайдаб келганидан кейин, энди мен блан иши бўлмасин!..— деди.

Абайнинг шу жавобига яна бирқанча чақиқларни қўшиб, Такежон тезлик блан Қунанбойга одам юборди. Отаси Абайга: «тезлик блан қайтсан! Бўлис бўлмайман деган ўзи эди, энди Такежонни оқсатмасин! Бу ишлардан четда юрсин!» деб одам юборди.

Лекин бу хабар Абай бутун ишларни тамомлаб қолган пайтда келди. Ишни тўхтатишнинг иложи йўқ эди.

Шундай бўлса ҳам, уезд бошлиғи блан облостънинг улуғлари бутун ишни Оқбосга ютқизиб қўймади. Уз қўли блан ҳалиги ишларни қилмаган бир тўда одамни бўшатдию, Болағози блан Адилхонларга келганда қаттиқ туриб олди, «Очарчилик, йўқчилик, ноҷорликдан туғилган ҳаракат» деган сайнин, яна ҳам баттарроқ оёқларини тираб олишиди.

Уезд бошлиғи блан генерал-губернаторнинг кўз олдига ҳозир Русиянинг кўп ерларида чиқаётган деҳқонлар қўзғолони келди. Булар бундай ишни бошлаганларга мумкин қадар қаттиқ жазо бермоқчи эди, негаким, подшоликнинг оғули қонуни бўйича бундай ишларга қаттиқ зарба бериш керак эди.

Булар бу иш ўзларига унча ойдин бўлмаган саҳро элининг иши бўлганини, уларнинг орқасидан йўқловчиларнинг ҳам кўпайиб кетганини назарда тутиб, ҳалигиндай кескин қарорга келишга ботинаолмай бўшроқ чора кўришди. Шунда ҳам, хатга тушган ўттиз кишидан ўн кишига жазо берилди. Бошда буларга бериладиган жазо, осон жазо эмас, Болағози блан Адилхонларни умрлик сургунга юбориладиган эди. Лекин Оқбос блан Абайлар бор кучини сарф қилиб, кўп енгилликларга эришди. Болағозилар сургундан қолдирилиб, Иркутскга бадарға қилинадиган бўлди.

Сургунга кетаётганларнинг шаҳарда ётган қариндошлари Абильғозилар блан хайрлашаётган пайтда йиғлай-йиғлай айрилишди, лекин мангуга видо'лашмади. «Ноумид бўлманглар, тез йиллар ичиде яна элга қайтиб келарсизлар» деб келгусига умид боғлаб узатишиди.

Абай энди элга қайтиб кетмоқчи эди. Сўнгги марта Оқбос адвокат блан хайрлашгали борганда, кекса адвокат Абайга:

— Еш бўлсанг ҳам эс-хушиңг жойида, ақллик одамсан. Халқиңг учун жон куйдирап экансан, бу буюк бир фазилат. Лекин шу элинг, шу халқинг учун ҳақиқатан жон куйдирадиган бўлсанг илм ёғусига интил! Ўқи! — деб, маслаҳат берди.

Унинг бу гаплари Абайга орзуси топиб айтилгандек, айни мақсад бўлди.

— Ўқишига иштиёқим зўр, лекин қандоқ қилиб ўқийман! Мактабга боришга ёшим улғайиб қолди... Бошқа йўл блан ўқишининг ҳам иложи борми? Йўл кўрсатсан-гизчи! — деди.

Адвокат унга кўп яхши маслаҳатлар берди. Аввало ўқийман деган одамга ёшпинг тўқини бўлолмаслигини уқдириди. Еши қирққа борганда ҳам ўз-ўзидан илмнинг кетига тушиб, олим бўлиб чиққан одамлар борлигини айтиб берди, ўқиш учун албатта мактабга бориш шарт эмаслигини ҳам онглатди.

Абай тез кунда қайтиб келишга ва'да берди. Адвокат унга хусусий ўқитадиган муаллим топиб бермоқчи бўлди.

Еш йигит, кўпдан буён ҳузур-ҳалавотидан айрилиб, ўртаётган бир чигал тугуннинг учини ниҳоят топиб олгандай, хурсанд бўлиб кетди. Шундай қилиб Абай овулга бориб, уй ичидагилардан рухсат олиб, пул тўплаб, тез кунда қайтиб келмоқчи бўлиб элга жўнади. Энди кўпдан буён ёш кўнгли бегоналашиб кетган хушчақчақлик, шўхлик яна пайдо бўлиб, енгиллашиб қайтди.

Жидебойга келганидан кейин, кўп турмади. Дилда блан онаси тезгина жавоб беришди. У бошқа ҳечкимга маслаҳат ҳам солмади. Шу кунларда Мирзахонни шаҳарга жўнатиб, ундан Қаримнинг уйида сўйиладиган сўқимни бериб юборди. У ерда харажат қилиш учун пул ҳам керак эди. Шунга атаб, сўйилган сўқимларнинг териси блан бир-иккита қорамол ҳам ҳайдатиб юборди.

Энди ўзи ҳам жўнамоқчи эди.

Шу ёзда Абайнинг учинчи боласи туғилган эди. Кичкинагина оқ сариқдан келган Абдираҳмон ҳозир куладиган, толпинадиган бўлиб қолган эди. Абай биринчи марта шу боласига меҳри тушиб, уни қўлига оладиган бўлди. Боланинг ўзи ҳам оппоқнина, юзи чўзинқироқ, қош,

күзлари қүйилиб келган бўлиб, яна унинг бўрлиғидан қандайдир бир ўзгача киборлик ёғилиб турарди.

Дилданинг ҳамма болалари ҳам Абайга эмас, ўзига ўхшарди. Болаларининг ҳаммаси ҳам оқсариқдан келган бўлиб, бу боласи ҳам, оппоққина, яна унинг устига кўп кушчирой, сўйкимлик бола эди.

Абай Дилда блан ҳечким йўғида хайрлашди. Улар бир-бирига кўп сўз ҳам қотишмади. Кам гап, сир тутабиладиган Дилда фақат битта тилагини айтди.

— Кекса онанг, ёш болаларинг бор, бизни ўйламассанг ҳам ўшаларни ўйла. Кўп интизор қилмасдан келиб тур!— деб, кулиб қўйди. У қадар хафа бўлиб, кўз ёши ҳам қилмади. Дилда бундай чоқларда ҳам ўзини тутабиларди. Аслида Дилда кўнглида борини тўппа-тўғри айтиб қўяқоладиган эди. Абай хотинини онглагандек, унинг юзига тикилди-да, елкасига қоқиб:

— Мен ўйин-кулги излаб кетаётганим йўқ. Инсонлик, одамгарчилик фазилатларини излаб кетаётируман!.. Шу гап хотирингда бўлсин!..— деди. Абай Абдираҳмонни ўзи кийинтириб, кўтариб олди-да, онасининг уйига борди.

Бу вақтларда хийлагина кексайиб қолган Улжон боласининг юзидан кўзини ололмай, кўп тикилди. Абдираҳмонни қўлига олиб бағрига босди-да, Дилдага берди. Бир хўрсаниб, Абайнин ҳам ёнига тортиб, юзидан ўпди. Унинг қонсизланиб кетган юзида она юрагининг чуқур бир тўлқини акс этди.

— Бўтам, марҳума энанг сени ёлғизим дерди. Унинг учун бошқаларнинг ҳаммаси ҳам бир эдию, сен ўзинг ҳам бир эдинг. Эсингда борми-йўқми, бетоб ётган чоғида зовол вақтида сенга бир тилак тилаган эди. Шу бўтамга бошқаларга берган тош юраклик, бераҳмликни беракўрма деган эди. Шу гапларни айтган онанг ҳам ўтди...— деб, бироз жим қолди.

Энасининг ўша гапи Абайнинг ҳам ёнида эди. Бу гапни ҳозир ўз онаси бироз ўзгартириб айтганини ҳам онглади. Улжон яна бироз ўйланниб туриб.

— Замона сеники, майдон ҳам сеники. Уз даврингнинг паҳлавони бўл. Қайси йўлдан борсанг, муродинг ҳосил бўлишини биздан кўра ўзинг яхши биладиган бўлдинг, оёғингта боғ бўлмаймиз, оқ йўл берсин! — деди.

Абай болалик чоғидагидек онасини қучоқлади-да, индамасдан хайрлашди. Эрбўл иккови эшикка чиқиб отга мина-ётганларида овулдагиларнинг ҳаммаси бирга чиқишиди.

Энди жүнай деб турганида онаси Абайни ёнига чақириб олди-да:

— Болам, Тұйғулининг овулига бора кет. Отанглар ұша ерда, қуда тушгали кетишган. Қуда томон ҳаммамизни айтаб юборған эди. Мен сургалиб қаёққа борардим. Сен бормасанг биздан үпкалар. Йұлакай кириб, бир пас үтириб, кетгін! — деді.

Абай боришига ва'да берди. Шундан кейин яна ҳамма блан бирма-бир хайрлашиб, жүнаб кетди.

Тұйғулининг овули Абайлар йүлиниң устида бўлмай, хийла четда, Үрда тоғининг бағрида эди, лекин Жидебойдан кўра Семейга Яқинроқ эди.

Тўйғули Мамай элининг катта бойи. Қунанбой шу йил унинг блан қуда бўлмоқчи эди. Қиших шама мол ҳам ўзинни олдирмаганлигидан Тўйғули қудаларни айтдириб юборақолган экан. Қунанбой куёв тараф бўлиб, ҳозир қизнинг уйига қуда тушгали келишган эди.

Абай блан Эрбўл Тўйғулининг овулига боришиди. Қунанбой ёнида Қоратой, Жумабой, Жақипларга ўхшаш ўзининг бутун кекса биродарлари блан үтиради. Тўйғулининг уч уйи лиц тўла меҳмон. Уйин-кулги, ҳангама жоида. Абайлар Қунанбой үтирган уйга киришида-да, бир чеккада жимгина гапга қулоқ солиб үтиришиди. Кўп гапларни Қоратой бошлиётган эди. Катталарнинг суҳбати бир мавзу'дан иккинчи мавзу'га кўчиб турди-да, ниҳоят гап айланаб келиб, замон блан замоннинг фарқини солиштира бошлиашди. Қоратой ўзларининг ёшлиқ чоғларини, ота-боболар замонини эслаб, ҳозирги замоннинг, ҳозирги одамларнинг айниб кетганини айтди.

Гап шу ерга келганды Абай пиқ этиб кулди-да, гапни қыйғыллікка олди. «Бурунги замоннинг яхшилiği шуми—кўздеқ қўшни бўлиб үтирган қариндош эллар бир-бирини чопиши, янчиш, сўйишдан бошқани билмас эди. Чол-кампирлар, бола-чақанинг уйқусида халавот йўқ эди. Бир қошиқ ёвғанини тўрт кўз тугаллик блан бемалол үтириб ичаолмасди. Мана шу Сибон блан Тўбуқти ўртасида. Тўбуқти блан Семей ўртасида ёлғиз ярим йўловчи юраолмас эди. Ана чопиб кетади, ана талаб кетади, бутун умр ваҳма блан үтарди... Ӯша ҳам замон бўлиптими?» деди.

Абайнинг бу гапи кексаларга унча ма'қул тушмади. Үлар яна ӯша замонларидан турлик-туман фазилатлар топиб, ӯша замоннинг ҳәётини, халқини, бойлигини, бу-

рунги одамларнинг нақадар бақувват, нақадар гавдалик бўлишини мақташди. Қунанбой ҳам кўпчиликнинг фикрига қўшилиб, ўша замоннинг яхшилиги тўғрисида салмоқлик бир далил ҳам келтирди.

— Замон ўтган сайн охир замонанинг аломатлари ойдинлашаберади. Одамларнинг хулқи ўзгариб, фе'ли кетаберади. Бизнинг замонамиз ўзи бошқа замон эдику, бундан ташқари ҳарқалай, пайғамбар замонига яқинроқ эди. Бир қадам яқин бўлса ҳам, шарофати тегиб туради-да! — деди.

Отасининг гапига Абай ўша онда жавоб берди. Шу топда унинг кўнгли, илҳом келган шоирнинг кўнглидек, айтишишга, олишишга ҳумор бўлиб турган; руҳи енгил, озод фикри ҳам парвоз қилиб юксалишга интилаётгандай кўринарди.

— Яхшилик блан эзгуликнинг олис-яқини йўқ. Ола тоғнинг боши қуёшга яқин. Лекин унинг бошида мангу кетмайдиган қор ётади. Бағрида бўлса неча хил гул, мева, неча хил наботат ўсади. Жон-жониворнинг ҳаммаси ундан баҳра олади. Сизлар пайғамбарга яқин бўлганда, Абутолибдан яқин эмассиз. У пайғамбарнинг отаси эди, лекин Абутолиб кофир эди! — деди.

Бир уй одамнинг ҳаммаси хандон ташлаб кулиб, лом деяолмай қолди. Қунанбой ўғлини қаттиқ жеркиб:

— Бўлди, бас қил! — деди.

Абай ҳайрон бўлди-да, индамай қўяқолди.

Кексаларнинг ҳаммаси ўзларининг қаттиқ енгилганикларини пайқашди. Шундан кейин ҳамма жим бўлиб, кулги ҳам, гап сўз ҳам сусайиб, мажлисда қандайдир ма'юслик ҳукм сурди. Абайнинг гапига фақат Қоратойгина ич-ичидан хурсанд бўлди. У ёнида ўтирган Жақипни туртиб секингина:

— Бунинг асти оғиз очирадиган эмас-ку, калла қилиб турнишини кўр! — деди.

Бироздан сўнг овқат келди. Овқатдан кейин Абай блан Эрбўл кетмоқчи бўлиб, кийинабошлашди. Қунанбой ҳам эшикка чиқди.

Қунанбой эшикка чиқиши блан Абайни чақириб олиб, яқинроқдаги тошлоқ тепага бориб ўтиришди. Кўпдан буён ота-бала икковининг бетма-бет келиб сўзлашгани шу эди.

Қунанбой хафа бўлиб, Абайга бир совуқ назар ташлади-да:

— Сен ўқиднинг, билим олдинг, устоз кўрдинг, биз по-
дон бўлиб ўсдик. Лекин ўша билиминг нега сенга эл-
юртнинг олдида отанинг иззатини бажо келтиришни
ўргатмайди? Кўпчиликнинг олдида гап талашиб отангни
мункитишдан, юзини ерга қаратишдан нима мурод ҳосил
қилмоқчи эдинг? — деди. Отаси енгилганига иқрор бўлди.
Мана ҳозир унинг ҳарқандай одам қараганда сури босиб
қоладиган симоси аввалги шахтидан қайтиб, сўлғин торт-
ган, барваста гавдаси ҳам чўкиб, кичкинагина бўлиб қол-
ганга ўхшарди. Мана у гўдакларча ўпкалаб, гина қилиб
ўтирипти. Албатта одоб сақлаш, иззат қилиш — катта-
нинг олдида кичикнинг, отанинг олдида боланинг бурчи
эканлиги тўғри. Абай бунга қарши эмас эди.

— Тўғри, айб мендан ўтди. Афу этингиз! — деди
Абай ва сўз шу блан тамом бўлди шекилик деб ўйла-
ган эди, лекин отаси яна бир нарса демоқчи бўлаётган-
дай кўринди. Қунанбой яна бир нафас ўйланиб ўти-
рида:

— Пайти келганда айтарман деб юрган эдим. Сенинг
учта камчилигинг бор, шуни ўзингга айтмоқчиман. Қу-
лоқ сол! — деди.

— Айтинг ота! — деди Абай ва Қунанбойнинг юзига
қараб, турди.

— Аввало арzon блан қимматнинг фарқига бормай-
сан, ўзингда борнинг қимматини билмайсан, пуллайол-
майсан, сотабилмайсан. Бебаҳо хазинангни бўлмағур, бе-
ҳуда ишларга сарф қиласан! Саёсан, қирғоги саёз сувни
ит ҳам, қуш ҳам ялади. Иккинчидан дўст блан душман-
ни ажратоолмайсан. Дўстга дўстча, душманга душманча
тифинг йўқ. Ичингда сир ётмайди. Халқ йўлбошчиси
бўладиган одам ундан бўлмайди. Орқангдан халқ эргаш-
майди, сен бошлаган йўлга юрмайди. Учинчиси ўриспа-
растсан, ўша ёққа оғиб кетаётисан. Бу ишинг дин ва
мусулмонликка ёт кўринишини ўйламайсан! — деди.

Абай бу сўзларнинг нима учун айтилаётганини дар-
ҳол онглади. Отаси ёш йигит, кўнглимдаги бор-йўқ, дур-
дона ҳисларим шулар деб юрган ҳисларига ҳужум қила-
ётир. Абайнинг бўлса отасининг йўлидан юрмаӣ, ўз
ҳаётини ўзи очган йўли блан қуришга интилишининг ҳам
асосий сабаблари шулардан иборат эди. Қунанбой ҳам
боласининг фикри ўзгачалигини билиб, топиб гапирди.
Лекин Абай ўзи бошлаётган бу ишни дун'ёда ҳечқандай
куч олдида бўйсундирмоқчи эмас эди. Унияг симосида

номуслик юракнинг аламлик тўлқини акс этди. Ҳали уйда ўтирган чоғида пайдо бўлган қизғинлик яна юзага чиқди. Бу тўғрисига қолганда Абай отасини ҳам алмай сўзлаб кетди:

— Мана шу айтган учта гапингизга э'тиroz билдираман. Уз тутган йўлим тўғри, ўша йўлдан кетаман. Аввалио қирғоғи саёз сувга тенглаштирдингиз. Чуқур жарнинг тагида оқадиган, қўлида қуроли бўлган битта-яримта одамгагина фойдаси тегадиган сув бўлгандан кўра, қуролликка-қуролсизга ҳам, ёшу қарига ҳам баравар фойдаси тегадиган саёз қирғоқли сув бўлишни ортиқ деб биламан. Иккинчидан, элни қандай уюштиришни, эл бошлиқларининг қандай бўлишини айтдингиз. Менинг фикримча эл бир замонларда қўйга ўхшарди. Битта чўбон бир қўра қўйни «ҳайт» деса, турғизиб, «ҳайт» деса ётқизарди. Эндиликда эл туюга ўхшаб қолди. Олдига тош отиб «Шоқ» деса, қараб турадида, сўнг бурилади. Мана, ҳозирги эл аввалги мути'лик, ноchorлик, мўминлик ҳолатидан чиқиб, кўзини очиб келаётир. Эндиги эл отга ўхшайди. Қаҳратон бўронда ҳам, ёғин-яшинда ҳам кўпчилик нима кўрса, шунга чидайдиган, жонни фидо қиладиган, қор тўшаб, муз ястанадиган, барини тўшак, енгини ёстиқ қиладиган одамга эргашади. Жони ачиб, эзгулик излайдиган кишигагина бўйсунади... Учинчи ўрисларни айтдингиз. Халқ учун ҳам, эл учун ҳам, ўзим учун ҳам дун'ёда энг қимматли нарса илм ва ма'рифат. Шу илм ва ма'рифатлар ўрисда. Мен бутун дун'ёдан ололмайдиган бебаҳо хазинани ўшандан оладиган бўлсан нима учун ундан ўзимни четга тортишим керак?.. Етсираб, ўзимни четга тортишим нодонлик бўлса бўладики, фазилат бўлмайди...— деди.

Қунанбой Абайнинг жавобларини эшитиб хўрсиниб қўйди. Гарчи симосида норозилик, чорасизлик акс этса ҳам, дамини чиқармади, шунинг блан сўз тамом бўлдида, Абай отаси блан хайрлашиб жўнаб кетди.

Оғир хаёлга чўмиб, дўнг бошида ёлғиз қолган Қунанбой гангиди. Яна енгилди. Боласидангина енгилди эмас, эндиги ҳаёт жўш уриб келиб, «Холатдан кетдинг, хазон бўлар чоғинг етди» деб четга қоқиб бораётир. Уз боласининг оғзидан эшитган мана шу садо ўша «давринг ўтди» деган совуқ садонинг беомон шарпаси эди.

Абайнинг Оқшўқига кириб кетадиган иши бор эди, Урдадан чиқиб, ўша томонга бурилиб кетди. Йўл йўқ,

лекин қор қалин эмас эди. Эрбүл иккови отларияи ел-дирганича, Эсембойни бағирлаб бориб Тақирбулоқ тұғерисидаги йүлга тушди.

Қачонлардир Абай шаҳардан, үқишидан келаётганида, овулини соғинганидан тоқати тоқ бўлиб, шу кўмкўк дадан от қўйиб келаётган эди. Ҳозир у дала оппоқ қорнинг тагида музлаб ётарди. Олисдаги тор чўққилари блан бутун атроф алланечук ғамгин, паносиз, мангалик қайғуга ботгандек кўринарди. Бу кунларда Абайнинг кўзига, шу қадар паносиз, ожиз кўринадиган саҳро ҳам, бор халқининг ҳоли ҳам худди шу қор босиб ётган далага ўҳшарди. Ӯша вақтларда унинг содда ва соғ дили бутун баҳт-саодат шу саҳрода деб, шу ерларга толпиниб учган бўлса, энди Абай яна отини елдириб қайтиб кетаёттир. Лекин энди ӯша умид блан баҳт-саодатни шаҳардан излаб, шунга интилиб кетаёттир.

Бу вақтда Абайнинг ёши 24 га чиққан эди. Ҳозир унинг кўз ўнгидан мана шу кечирган йилларнинг бир-қанча оғир-енгилликларичувалиб ўта бошлади. Қараса, ҳаётнинг бирқанча қат-қаватларидан, ўнқир-чўнқир йўлларидан, чанғалзорларидан ўтиб, давонларидан ошибди. Бир вақтлар юксалишга қараб кетаётган эди, энди мана баландликка ҳам кўтарилиб бораёттир, қайрилиб ўз ҳаётининг мана шундай қингир-қийшиқ йўлларини кўрди.

Ҳақиқатда ҳам баландликка қадам қўйди. Бир вақтларда баланд қоянинг чўққисида тақир кум блан тошлоқни ёриб, нозиккина бир чинор новдаси пайдо бўлган нағисгина чечак отиб шундай бир ҳаёт гул тўккан эди. Ҳозир ӯша қоя чўққисида битган чинор ёшлиқ қувватига тўлиб ўзини тутиб олди. Энди унга қаҳратон қиши совуғи ҳам, ҳатто тор довуллари ҳам хатар бўлишдан ўтган эди.





МУХТОР АВЕЗОВ

Қозоқ ёзучиси Мухтор Умархон ўғлы Авезов 1897 йилда Семипалатинск областининг ҳозирги Абай районидаги туғилган.

Бұлажак ёзучи буюк қозоқ шоури — мағрифатчеси Абай Қуняев (1845—1904 йил) адабий меросини ўқиб тарбия топди. Мухтор Авезов Семипалатинск шаҳридаги бешшіллік мактаб на ўқитуучилар тайёрлаш ўкув юртидаги рус ўқитуучиларининг раҳбарлары остида Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Тургенев, Остропский, Лев Николаевич Толстой асарлари блан мұкаммал танишиб чықады. Үнда бадий асар яратышга катта шавқ пайдо бўлди ва мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ биринчи мустақил асарини — саҳронинг беомон кучли бўёнлари тасвир «Этъялгая «Довул» деган асарини ёзи. Мухтор Авезов рус классик адабиёті ва қозоқ миллий адабиётининг демократик традициялари та'сири остида ёзучи бўлиб етишиди.

Мухтор Авезов 1923—1928 йилларда Ленинград Давлат Университетининг Тил ва моддий маданият тарихи факультетида, сўнг 1930 йилда Урта Осиё Давлат Университетининг аспирантурасида ўқиди.

Мухтор Авезовнинг адабий фаoliyati 1917 йилдан бошланди. Унинг дастлабки ҳикоя ва очеркларидан иборат бўлган «Ўтмиш қўлланкасида» номлия тўпламида биринчи варианти огул драм кружогида қўйилган «Энлек — Кебек» (1919 йил) ва «Икки кундош» (1920 йил) деган пьесаларида, «Ҳоминизлар куни» (1922 йил) деган повестидә ўша замонда ҳечқандай ҳуқуқи бўлмаган қозоқлар феодал-бойларнинг шафқатсиз беомон ҳукмронлиги шаронтида қандай оғир ҳаёт кечириб, нақадар гарип аҳволда яшаганликлари тасвириланган.

1930 йиллардан бошлаб Мухтор Авезов Совет воқи'лигини акс этдиручи, янги одам образларини кўрсатадиган асарлар яратабошлийди: «Шотқалон», «Излар», «Қўлни-қўлга ушлашиб», «Уч кун» ва бошқа бирканса проза асарларини яратди. Шу блан бирга у бирмунича пьесаларидан граждан уруши манзараларини тасвирилади, Тожибоев блан бирликда ёзилган «Оқ қайин» пьесаси унда қозоқ халқининг шитирокини кўрсатади. Унинг «Куран» деган пьесаси олош-ўрдачилар, буржуа миллатчиларига қарши олиб борнлган курашга боғишланган, «Чегарада» пьесаси инқилобий ҳуш'ерлик мавзуда ёзилгандири.

1937 йилда Мухтор Авезов қозоқ халқынинг ёзма адабиётига негиз қурган Абай Құнанбоевнинг ҳасти ва фаолиятига оид материалларни ишлаб чиқишига киришди. Мана шу материаллар асосида ёзилған «Абай» романыннинг биринчи бўлими 1942 йилда, иккичи бўлими 1947 йилда нашр этилди. Мухтор Авезов шу мавзу'да «Абай» деган тарихий трагедия ёэди (Леонид Соболев блан бирлика); «Абай қўшиқлари» деган киносенария яратди, бу сценария Г. Л. Рошаль томонидан Олмасота бадиий фильмлар студиясида қўйилди; «Абай» операсига либретто ёэди (композиторлар А. Жубанов ва Л. Ҳамидий.).

Улуғ Ватан уруши даврида Мухтор Авезов фронтовик қозоқлар ҳақида («Синов соатида» 1942 йил), гвардиячи Панфиловичлар ҳақида («Номус гвардияси» 1943 йил) пьесаларини (Абишев блан бирлика), фронт блан фронт орқасининг бирлигини кўрсатадиган бирқанча очерклар, ҳикоялар, повестълар яратди. Урушдан сўнгти сталинча бешйилликлар даврида Мухтор Авезов Қозогистон меҳнаткашларининг республика халқ хўжалигини, маданиятини яна ҳам ривожлантириш йўлида олиб бораётган кураши тўғрисида асалар яратмоқда.

Мухтор Авезов таржима соҳасида ҳам кўп ишлайди. У Гогольнинг «Ревизор»ини, Шекспирнинг «Отелло»сини ва «Осовга тушов»ини, К. Треневнинг «Любовь Яровая»сини, А. Афиногеневнинг «Вадхима»сини, А. Кронининг «Флот офицери»ни ва бошқа асаларнни таржима қилган.

Мухтор Авезов қозоқ ва қирғиз адабиётининг тадқиқотчиси, рус ва шарқ маданиятини чуқур ўрганган, қадимги ва ҳозирги замон турки тилларидан бирқанчасини биладиган киши сифатида ҳам майдонга чиқади. У бирқанча илмий асаларлар ёэди, жумладан: «Қозоқ халқининг оғзаки адабиёти тарихи ҳақида очерклар» деган асари (1927 йил), «XIX аср қозоқ адабиёти тарихи» (1934 йил), «Қозоқ халқининг эпоси ва фольклори» (1939 йил), қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси «Манас» ҳақида монография (1940 йил), «Абай ва рус классиклари» (1949 йил) ва бошқалар. Сўнгги йилларда, Мухтор Авезовнинг раҳбарлиги остида, қозоқ адабиёти тарихини ёзишига тайёрлик иши олиб борилмоқда.

1946 йилда Мухтор Умархон ўғли Авезов Қозогистон ССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий а’зоси қилиб сайланди, унга филология фанлари доктори деган илмий даражага ва профессор деган илмий унвон берилди.

1945 йилда Мухтор Авезовга олий мукофот — Мехнат Қизил Байроқ ордени берилди; бирнече бор Қозогистон ССР Олий Советининг Фахрий Ерлиги блан мукофотланди.

СССР Министрлар Советининг қарорига биноан, Мухтар Умархон ўғли Авезовга «Абай» романни учун 1948 йили биринчи даражали Сталин мукофоти берилган.



ГБ УзССР
1952 4798

на узбекском языке

АВЕЗОВ МУХТАР

А Б А Й

Госиздат УзССР—1951—Ташкент

*Редактор А. К а ҳ о р
Муқедда, форзац ва титуллар рассам
И. И к р о м о в и к и и
Расмлар Б. И. У р м а н ч и н и к и
Техредактор Я. П и н х а с о в*

*Теришга берилди 9/II 50 й. Босашга рухсат
втилиди 24/VIII 50 й. Р05854. Қоғоз 84×108^{мм}
—6,5 қоғоз листи—21,32 босма листи. Учет.
нашр. листи 22,5 Үзбекнешр. Индекс: н.а.
Договор № 439-48. Тарожи 35000. Баҳоси
қоғоз муқовада 12 с. 2 т. коленкор муқова
да 13 с. 25 т.*

*УзССР Министрлар Совети ҳузуриданги
Ўзбекполиграфнашрниң 3-нчи босмахона
сида терилиб, 1-нчи босмахонада босилди.
Ташкент, Ҳамза кўчаси, № 33. 1951.
Заказ № 400.*